Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

БИРИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Азиз ҚАЮМОВ

НОДИР САҲИФАЛАР

*** *** ***

Суйима ҒАНИЕВА

НАВОИЙ НАСРИ НАФОСАТИ

***

НАВОИЙ ЁДГА ОЛГАН АСАРЛАР

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр Назаров, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Сирожиддин Саййид,
Шуҳрат Сирожиддинов, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов,
Мирзо Кенжабек, Жаббор Эшонқул, Нурбой Жабборов, Афтондил Эркинов,
Исажон Султон, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов,
Иброҳим Ҳаққул, Шуҳрат Ризаев, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа,
Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Каромат Муллахўжаева

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ЭЪТИБОРНИНГ ИЛК САМАРАСИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳа ва жабҳада тозариш ва янгиланиш жараёни кечмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон буткул янгиланмоқда: кўз олдимизда янги Ўзбекистон қад ростламоқда. Халқимиз олдига Янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессансни барпо этиш каби улуғвор мақсад қўйилди. Унинг бугунги кунда пойдевори ва асослари яратиляпти. Буларнинг бари, албатта, бежиз ёхуд беасос эмас. Чунки унинг тарихий замини ва илдизлари, халқимиз ботини ва тийнатида шунга мос ва хос салоҳият мавжуд. Бугунги барча саъй-ҳаракатлар ана шу салоҳиятни улкан мақсад ва вазифаларга йўналтириш, сафарбар қилишга қаратилган.

Бундай улуғвор мақсад ва вазифаларга эришиш учун, энг аввало, халқимиз маънавиятини юксалтириш зарур. Айни шу мақсадда "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" тамойили фаолиятимизнинг асосий мезони ва йўналишига айланди.

Юксак маънавият биз олдимизга мақсад қилиб қўйган ва шаллантираётган янги Ўзбекистон ҳамда Учинчи Ренессанс пойдевори саналади. Бунда, шубҳасиз, адабиёт ва санъат муҳим ўрин тутади. Сўнгги йилларда адабиёт ва санъатга берилаётган эътибор ва ғамхўрлик замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам.

Президент ташаббуси билан пойтахтимизда Адиблар хиёбони барпо этилди. Ёзувчилар уюшмасига муҳташам бино қуриб берилди. Жойларда шоир ва ёзувчилар номида ижод мактаблари фаолият юритяпти. Президент ва Ҳукумат қарорига асосан юртимизда бир қанча шоир, ёзувчи ва санъаткорларимизнинг юбилей саналари кенг нишонланди, уларнинг китоблари чоп этилди. Айниқса, 2020 йил 19 октябрда қабул қилинган "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Президент қарори адабиётимиз ва маданиятимиз ҳаётида катта воқелик бўлди. Қарорга мувофиқ аниқ чора-тадбирлар режаси қабул қилинди. Алишер Навоий орденини таъсис этиш, Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида Алишер Навоий мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мамлакатимиз ва хорижда илмий-амалий анжуман, танлов ва кўргазмалар уюштириш, Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги ижод мактабини ташкил этиш, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи биносини тўлиқ реконструкция қилиш, зарур техник ва ашёвий жиҳозлар билан таъминлаш, шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида бадиий, бадиий-публицистик ва мультипликацион фильмлар яратиш каби вазифалар белгиланди. Бундан ташқари қарорда буюк шоир ва мутафаккир асарларини нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва тарғиб қилиш борасида ҳам аниқ вазифалар белгилаб берилди. Хорижий мамлакатлардан Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг факсимиле нусхасини Ўзбекистонга олиб келиш, Алишер Навоий қўлёзмалари асосида шоир асарларининг мукаммал илмий нашрини яратиш, Алишер Навоий ижодий мероси шарҳини тайёрлаш, шоир асарларини таълим муассасаларида узлуксиз ўқитиш, Алишер Навоий асарларининг мобил иловаларини яратиш ва уларни ёшлар ўртасида оммалаштириш, шоир асарларини чет тилларда таржима қилиш, нашр этиш ва хорижий мамлакатларда тақдимотини ўтказиш, "Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига" рукни остида шоир асарлари, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий ва оммабоп китоблар туркумини чоп этиш шулар жумласидандир.

2021 йил 4 февралда Президент яна бир тарихий ҳужжат – "Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида" қарор қабул қилди. Қарорда Алишер Навоий ҳаёти, илмий-адабий меросини юртимизда ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш,

буюк шоир асарларини хорижий тилларга таржима қилиш, мукаммал илмий нашрларини яратиш, уларни республикада ва чет элларда нашр этиш, илмий-адабий меросини тадқиқ этаётган адиб ва олимлар фаолиятига кўмаклашиш, улар яратган илмий ва бадиий асарларни жамлаш, шоир ижодини ўрганаётган, жумладан, хорижий давлатлардаги илмий-ижодий марказлар билан ҳамкорлик қилиш каби мақсад ва вазифалар белгиланди.

Қўлингиздаги ўттиз жилддан иборат "Истиқлол даври Навоийшунослиги" номли тўпламни яқинда ташкил этилган Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондининг илк иши, меҳнат маҳсули, дейиш мумкин. Тўпламда ўзбекистонлик Навоийшуносларнинг истиқлол даврида чоп этилган етмишдан зиёд монография ва рисолалари, қирққа яқин илмий мақолалари жамланган.

Истиқлолгача бўлган даврда Алишер Навоийнинг совет мафкурасининг қолипларига мос келмайдиган жиҳатлари ҳақида мулоҳаза билдирмаслик, ёхуд нотўғри талқин ва таҳлил қилиш одатий бир ҳолга айланганди. Жумладан, Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоирлар ижоди таҳлилида уларнинг шахс ахлоқига эътибор қилишлари "чекланганлик", "тушунмаслик" деб талқин қилинарди. Яъни, Навоий алоҳида одамларнинг ахлоқини тузатиш, адолатли шоҳни мақташ билан жамият иллатларини бартараф этишга чақиради. Бу эса тўғри эмас, жамиятни яхшилаш, одамларни бахтиёр қилиш учун шахс ахлоқига эътибор қилмасдан, инқилоб йўли билан эксплуататор синфларни йўқ қилиш керак, дердилар коммунизм мафкурачилари. Улар назарида гўё синфий зиддият йўқ бўлса, ахлоқ ҳам тузалади, ҳамма шафқатли, меҳрибон, меҳнаткаш бўлади.

Шўролар мафкурасининг емирилиши ҳазрат Навоийнинг қарашлари айни ҳақиқат эканини исботлади: инсон ахлоқини тузатмасдан инсоният жамиятини яхшилаш мумкин эмас, бошқача айтганда, маънавий баркамол жамият маънавий баркамол инсонларнинг баҳамжиҳат, ҳамкор ва ҳамдаст бўлиб яшашидир. Жамиятни қандай асосларга суяниб қайта қурманг, инсондаги эътиқод, имон ва инсоф бош кўрсаткич бўлиб қолаверади. Маънавий етуклик бўлмаса, қонун (Навоий даврида шариат) ҳам иш бермай қолади.


Истиқлол даври ана шундай асл ҳақиқатларни баралла айтишга кенг имконият яратди. Мутафаккир шоир асарлари қисқартиришларсиз чоп этилди, унинг шахсияти, ижоди ва фаолияти ҳақида холис фикрлар билдира бошланди, соғлом илмий муҳит вужудга келди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида иқтисодий етишмовчиликлар сабабли илм-фан ва ижод аҳли деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Олимларимиз ўз тадқиқотларини шахсий маблағлари ҳисобидан, жуда кам тиражда нашр этиб тарқатгани сабабли қўлга киритилган илмий ютуқлар оммалашмади. Масалан, Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниеванинг "Навоий насри нафосати" китоби атиги 200 нусхада сифатсиз қоғозда чоп этилди. Академик Азиз Қаюмов ўн беш жилдлик "Асарлар" тўпламини шахсий маблағлари ҳисобидан 150 нусхада чиқарганди. Сўнгги беш йилда илм-фан ва ижодга берилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликлар Навоийшунослик фанининг янги сифат босқичига кўтарилишига сабаб бўлди.

Айни кунларда 2020 йил 17 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги Президент қарорига асосан мамлакатимизда Истиқлолнинг 30 йиллиги байрамига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Уни юқори савияда ва муносиб кутиб олиш учун қатор чора-тадбирлар белгиланган. Айни шу маънода қўлингиздаги 30 жилддан иборат "Истиқлол даври Навоийшунослиги" номли тўпламни Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги ҳамда буюк шоир ва мутафаккирнинг 580 йиллигига туҳфаси, аниқроқ қилиб айтганда, Навоийшуносларга кўрсатилаётган эътиборнинг илк самараси, дейиш мумкин.

АЗИЗ ҚАЮМОВ

НОДИР САҲИФАЛАР

(Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида)



«НАСОЙИМ...»НИ ВАРАҚЛАГАНДА

Навоийнинг оила аъзолари ва яқинлари тўғрисида шоирнинг «Насойим ул-муҳаббат» китобида бирмунча қизиқарли маълумотлар учрайди. Хусусан, Навоийнинг отаси тўғрисида келтирилган бир лавҳа диққатга сазовордир. Навоий ўз отаси тўғрисида бундай ёзади: «Бу фақирнинг отасининг фуқаро аҳлига кўп иродат ва ихлоси бор эди»[1]. Отасининг бу хислатини Навоий Бобо Кўкий тўғрисидаги мақолада зикр қилади.

Подшоҳ фармонига кўра, Навоийнинг отаси Астробод вилоятига бормоқда эди. Йўлда унга бир мажнунсифат мажзуб учрайди. Иродат аҳли қоидасига биноан Навоийнинг отаси дарвешга бир дирам садақа узатади. Дарвеш садақани олмайди, устингдаги курта жуббани бергин, дейди. Ҳаво совуқ эди. Навоийнинг отаси отни суриб ўз йўлида давом этади. Тўхтов жойига келганда яна ҳалиги мажзуб йигит келиб, Навоийнинг отасидан ўша курта жуббани сўрайди. Орадан бир неча кун ўтгач, Навоийнниг отаси Астрободга етиб келади ва бу ерда бир яланғоч дарвеш унга учрайди. Навоийннинг отаси устидаги курта жуббани ечиб ўша дарвешга кийгизади. Бир лаҳза ўтгач, йўлда учраган мажзуб йигит келиб Навоийнинг отасига қараб, курта жуббани олдим, дейди. Демак, яланғоч бўлиб келиб жуббани олган дарвеш ўша йўлда учраган мажзуб йигит экан.

Навоийнинг отаси Астрободда анча фурсат бўлган. Бу ерда ҳиротлик мажзуб дарвеш Бобо Кўкийнинг овозаси ёйилган эди. Навоийнинг отаси Астроботдан Ҳиротга қайтгач, билганки, унга йўлда дуч келган ва, ниҳоят, курта жуббани олган дарвеш Бобо Кўкий экан.

Бу воқеани Навоийга отасининг ўзи айтиб берган.

Ана шу кичик лавҳа Навоийнинг отаси тўғрисидаги тасаввуримизни тўлдиради.

«Мажолис...»да Навоий Мир Иброҳим Султон Ҳусайн ўғли тўғрисида сўзлаб, «фақирнинг оғасининг набирасидир. Фақир ани ўғилсилай асрабмен»[2] – деб ёзади. Унинг отаси Ҳусайн Навоийнинг акасига куёв бўлган. Демак, Мир Иброҳим Навоий қиз жиянининг фарзанди бўлиб, Навоийнинг тарбиясида ўсган. Тахаллуси Ҳотамий эди. Султон Ҳусайннинг отаси Шайх Баҳлулбек Хоразм ҳукуматида муҳрдор бўлган, оғаси эса Балх ҳокими эди. Султон Ҳусайн ҳам, Мир Иброҳим ҳам таъби назми бор кишилар эдилар. Навоийнинг тоғалари Мир Сайд Қобилий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар таниқли шоир бўлганлари маълум.

Бу маълумотлар Навоийнинг оилавий муҳитида шеър ва адабиётнинг кенг ўрин тутганини кўрсатади.

«Насойим...»да Мавлоно Муҳаммад Табодгоний тўғрисидаги маълумотлар Навоийнинг дўстлари ва яқинлари даврасини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Муҳаммад Табодгоний «кибар асҳобидан» эди. У шайх Зайниддин Ховафийнинг «кибр хулофасидан» бўлган. Шайх Ховафий Табодгон қишлоғига борганида кичик ёшли Муҳаммад унинг суҳбатига ғоят қизиққан. Шайх бу болага эътибор бериб, уни таҳсилга боришга маслаҳат берган. Шундан кейин Муҳаммад Табодгоний Ҳиротга келган ва Ферузобод бозоридаги Мадрасаи Сабзда зоҳир илмини таҳсил қила бошлаган. Тезда у Шайх Ховафийнинг энг ишончли ёрдамчиларидан бири бўлиб қолган. Бу тўғрида Навоий ёзади: «Шайх дер эрмишларки, Мавлоно Шамсиддин сариғ олтун эрди. Биз ани секказада қилдук. Ва ҳар кимга мактубе ё руқъа битсалар эрмиш, аларга буюрурлар эрмиш ва истиҳсон қилиб дер эрмишларки, бизнинг мо физ замиримизни битерсен»[3].

---

[1] Алишер Навоий. Асарлар. XV том. 1968. 162-163 бетлар.

[2] Алишер Навоий. Ўша асар. XIII том.

[3] Алишер Навоий. XV том. 158-159 бетлар (Кейинги мисоллар шу томдан олиниб, саҳифаси қавс ичида кўрсатиб берилади).

Мавлоно Муҳаммад Табодгоний «Асмоуллоҳ» шарҳи, «Манозил ус-соирйн», «Қасидаи Бурда» мухаммаси, «Тазкиратул-ҳабиб», «Васоё», «Арбаин» таржималарининг муаллифларидир. Шайх Ховафий вафотидан сўнг муршидлик шу кишига ўтган. Бу ҳақда «Ва хоссу омнинг ружуъи алар хизматида воқеъ эди», (159 бет) деб ёзади Навоий.

Мавлоно Муҳаммад Табодгоний мусиқани жуда севган. У ёқимли мусиқий унлардан шу қадар таъсирланар эдики, уларни тинглаганда гоҳ сакраб туриб кетар, гоҳ беҳол бўлиб йиқилиб қолар эди. Муҳаммад Табодгонийнинг ғоят ҳалим ва хушфеъл эканини билдирувчи қуйидаги ҳикояни Навоий «Насойим...»да келтирган:

«Муғанние бор эрди, аммо кичик ёшлиғ ва девонасор ва шўх эрди. Мажлисда ўлтуратурғоч, секриб ул азизнинг бўйнига миниб депсар эрди. Алар рифқ ва мадоро била айтур эрдилар: ҳордингаз эркин, тушсангиз ҳам сиз билурсиз. Эл маломат қилдилар эрса, алар манъ қилдиларки, кўп ташқари бозорга ушбу дастур била мени элт. Агар деса эрди, элтмоғдин ўзга не чора бор эрди» (71 бет).

Айтилганлардан маълум бўладики, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний илм ва ҳилмда баравар даражада камол топган бир зот эрди.

Навоий ўзининг Муҳаммад Табодгоний билан тез-тез учрашиб турганини билдириб, «Фақир алар хизматида кўп иродатим бор эрди» (71 бет), деб ёзади. Яна «Бу фақирга илтифотлари кўп эрди» (159 бет) деб, улар ўртасидаги муносабатларни таъкидлаб ўтади. Навоийнинг Муҳаммад Табодгоний суҳбатида бўлганлиги тўғрисидаги бир тафсилот Юсуф бинни Ҳусайн Розий тўғрисидаги мақолада бор. Нишопурлик бир зоҳиднинг савдогар ўртоғи ўз севиклиси бўлмиш турк аёлни зоҳидга омонат қолдириб, ўзи сафарга кетган. Бу зоҳид ўша аёлга кўнгил бериб, омонатга хиёнат қилган. Сўнг у ўз қилмишидан пушаймон бўлиб Райга Юсуф ибн Ҳусайн Розий ҳузурига тавба қилмоққа келган. Одамлар Юсуф ибн Ҳусайнни кофир ва зиндиқ дер эдилар. Зоҳид Юсуф ибн Ҳусайнни бир бузуқ жойда сочлари, тирноқлари ўсиб кетган, хароб ҳолда кўрган ва ундан, нега сен ўзингни бундай жунун ва бесаруполиққа солиб юрасанки, одамлар сени кофир ва зиндиқ дейдилар, деб сўраган. Имом жавоб бериб дебдики, савдогар мени яхши киши деб ўйлаб канизагини омонатга топширмасин учун: зоҳид хижолатда қолиб тавба қилиб Нишопурга қайтган.

Навоий бу ҳикояни Мавлоно Табодгонийдан эшитганини айтади: «Бу фақир ўзум бу нақяни кошифи улуми раббоний Мавлоно Муҳаммад Табодгонийдан эшиттимки...» (82 бет).

Бир суҳбатда Муҳаммад Табодгонийнинг ўзи Навоийга ёшининг саксон саккизга етганини айтган. «Насойим...»да Навоий ёзадики, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний 891/1486 йилда Чилғозий маҳалласида дунёдан ўтган ва Хиёбонда дафн этилган. Ўша йили Навоий қирқ беш ёшда эди.

Навоий «Мажолис...»да ҳам Муҳаммад Табодгонийга иккинчи мажлисида бир мақола бағишлаган ва унда юқорида келтирилган маълумот ва тавсифларни баён этган.

«Мажолис...»да Муҳаммад Табодгоний ёзган бир шеърдан бир байт ҳам берилган. Айтилганлардан маълум бўладики, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний Ҳиротдаги маънавий ҳаётда юксак мавқе тутган шахслардан, олийжаноб табиатли кишилардан эди. У Навоийга яқин доирага мансуб бўлган ва шоир билан Мавлоно ўрталарида дўстона муносабатлар мавжуд эди.

Жомий «Нафаҳот ул-унс» китобига ўз замондошларидан фақат Хожа Убайдуллоҳни киритган. Навоий бу одамга Жомий томонидан берилган юқори баҳога ўз муносабатини билдириб бундай деб ёзади: «... чун сўз бағоят дақиқ бикий эрди ва бу бебизоатнинг фаҳми ва идроки андин қосир». «Насойим...»да Навоий Хожа тўғрисида фақат ўзи билган ва

англаган гапларнигина келтирган. Навоий ёзади: «Аларнинг баъзи ҳолатики, бу фақирни мафҳум ва яқин эрди анга шуру қилди».

Навоий ўзининг Хожа Убайдулло билан ёзишмалар олиб борганини ва унинг руқуъларини сақлаганини айтади: «Жадвал ва такаллуфат била асрабмен» (140 бет).

Навоийнинг эҳтиромини қозонган ва у билан учрашиб суҳбатдош бўлган зотлардан бири Мавлоно Қосим эди. Бу киши Мовароуннаҳрдан Хуросонга келган пайтида Навоий билан учрашган. Мавлоно Қосимни таърифлаб Навоий ёзади: «Ва Мавлоно улъ навъ фоний ва мақбул киши эрдиларким, ани кўрган киши гирифтор бўлур эди. Ул жумладан бири бу ҳақирдурким...» (141 бет).

Бир суҳбат пайтида Навоий Жомийдан: «Фақр тариқида мартаба ҳосил қилган ва фано расмида ёруғлиқ топиб ўзлук зулматидин халос бўлган фазл эгаларидан кимни хотирлайсиз», деб сўрайди. Жомий бундайларнинг кўп эканлигини айтади. «Аммо биз, – дейди Жомий,– мавлоно Қосимни бағоят вораста киши топиббиз». Мавлоно Қосим етмиш ёшлардан ошганда дунёдан ўтган.

Ҳирот фозилларидан Хожа Абдулазиз Жомий ҳам Навоийга илтифотли бўлган муҳтарам зотлардан эди. Бу ҳақда Навоий бундай деб ёзади: «Ва бу фақир борасида илтифотлари кўп эрди ва кўп қатла фотиҳа билан дуои хайр қилибтурлар, умид улки, мустажоб ўлмиш бўлғай» (160 бет). Хожа Абдулазиз Жомий саксон икки ёшида 902 (1496-97) йилда дунёдан ўтган. Ўша йили Навоий 55 ёшда эди. Мавлоно Муҳаммад Хуросоний ҳам Навоийнинг суҳбатдоши бўлган шахслардан эди. Навоий бу киши билан Пай работида учрашган («Бу ҳақир бир-икки қатла суҳбатига ул мутабаррак манзилда мушарраф бўлди»), (160 бет).

Махсус мақола Дарвеш Саййид Ҳасанга бағишланган. Навоий бу кишининг ўзига ота каби эканлигини таъкидлаб ёзади: «Ва бу фақирни фарзандлиққа махсус қилур эрди. Бу ҳақир фақир тариқида ва фано жоддасида алардек тамом киши оз кўрибмен» (161 бет). Саййид Ҳасан 894 (1488-89) йилда вафот этган.

Одамларни унча хуш кўрмайдиган кишилар ҳам Навоийга яхши муомалада бўлганлар. Хожа Авҳад Муставфий шулар жумласидандир. Унинг халойиқдан эътирози бор эди. Аммо Навоийга ихлос ва ҳурмат билан қараган. Навоий ёзади: «Бу фақир борасида кўп қатла фотиҳалар ўқуб хайру дуоси қилибтурлар. Умид улдурки, ижобат бўлғай» (161 бет).

Худди шундай кишилардан яна бири Бобо Пирийдир. У жуда мажзуб одам бўлган. Одамларни «кўп сафоҳатомез сўкар эрди». Бобо Пирийнинг уйи Навоийнинг йўли устида бўлган. Лекин Навоий бу одамнинг қаршисидан ўтмас эди. Бир куни Навоийнинг ҳамроҳи ундан, нега бу йўлдан ўтмайсиз, деб сўраб қолди. Навоий ёзади: «Дедимки, бу жиҳатдинки, фухш сўкар, манга хуш келмаски, Бобони дерларки, каромати бор. Кел илайидин ўт, агар каромати бўлса, сени сўкмагай» (164 бет). Навоий бу маслаҳатга амал қилиб, Бобо Пирийнинг қаршисидан ўтади. Бобо Пирий уни сўкмайди, аксинча, дуо қилди. Навоийнинг мамнуният билан қайд этган кишиларидан яна бири Хожа Муайяди Меҳна эди. Бу кропи зоҳир илмини таҳсил қилган фозиллардан эди. «Бу фақирни фарзандлик лафзи билан сарафроз қилиб, хайр дуоси кўп қилиб этиб борамда фотиҳалар ўқиб эрдилар», (162 бет) деб Навоий бу кишини миннатдорлик билан эслаб ўтади.

«Насойим...»да Навоий томонидан ҳурмат билан ёдга олинган шахслардан бири Бобо Хокийдир. Бобо ўзи турк элидан. Сўнг Доғи Қайтув тоғининг шимолий қисмида маскан тутган. Султон Ҳусайн Бойқаро мағлубиятга учраб Фарёб ва Маймана томонга чекиниб, сўнгра яна тахт даъвоси қилиб юришга отланганда, йулда Бобо Хокийнинг тақясига тушган. Кузатиш пайтида бир юз ўн ёшли Бобо шоҳ билан бирга отланиб Қайтув тоғига чиққан ва подшоҳни зафарли курашга йўллаган. Бундан илҳомланиб урушга кирган

шоҳ ўша кечасидаёқ душманини енгиб мулкни эгаллаган. Навоийнинг фикрида Бобо Хокийнинг образи қаттиқ ўрнашган эди. Навоий ёзади: «Бу учурда бу фақир Бобони ғариб туше кўрдимки, анинг валоятиға далолат қилур. Бобо Хокий юз йигирма ёшида дунёдан ўгган. Қабри Доғи Қайтувдадур» (162 бет).

Мавлоно Шарафиддин Яздий тўғрисидаги мақолада Навоий бу кишини «донишманд ва соҳибжамол киши», деб таърифлайди ва ўзининг болалик чоғида Шарафиддин Яздий билан учрашгани тўғрисидаги ҳикояни келтиради: «Бу ҳақир сиғарисинда ул буққада алар хизматларига мушарраф бўлуб менинг борамда фотиҳалар ўқудилар» (165 бет).

Навоий «Насойим...»да катта бир мақолани Жомийга бағишлаган. Унда Жомийнинг фазилатлари тавсиф этилади, асарларининг рўйхати келтирилади. Навоий Жомий тўғрисида яна кўп китоблар ёзилганини айтиб, ўзининг ҳам Жомий ҳақида ёзган китоби тўғрисида хабар бериб ўтади: «Бу заиф дағи бу бобда «Хамсат ул-мутаҳаййирин» рисоласини битибмен. Анда филжумла густоҳлик юзидан алар зикри била қаламимни гавҳарнисор этибмен» (185 бет). Бу китобнинг туркий тилда битилганини таъкидлаб Навоий ёзади: «Турк улусида иродат аҳли ва ихлос хайли ул паришон авроқдин ва пароканда ажзодин иликка олсалар ва кўз солсалар, бирор нима билан олурлар ва шуур ҳосил қила олурлар» (185 бет).

Жомийнинг суҳбатдошлари қаторида Хожа Муҳаммад Табодгоний ҳам эслатиб ўтилган.

«Насойим...»да Жомийнинг «Ашиат ул-ламоат» китобини Навоийнинг сўровига биноан ёзганлигидан хабар топамиз: «Махдуми Нуран бу хоксор илтимоси била ул китоб шарҳида «Ашиа»ни битирдиларки, мутолаа қилиб маонидин файз олғайлар ва анинг анфоситин бу билимда билғайлар» (174 бет).

Шундай қилиб, биз «Насойим ул-муҳаббат» китобида Навоийнинг таржимаи ҳоли, унинг атрофидаги кишилар, устоз Жомий билан ижодий ҳамкорлиги тўғрисидаги қўшимча маълумотларни топамиз. Бу маълумотларнинг Навоий ҳаёти ва ижодини тўлароқ ўрганишдаги аҳамияти шубҳасиздир.

«ВАҚФИЯ»

Навоийнинг «Вақфия» асари ҳам автобиографик, ҳам тарихий аҳамиятга эга. У наср ва назмда битилган. Бу асар Навоийнинг насрнавислик маҳоратидан бир далил. Яна ундаги шеърий парчалар улуғ шоир қаламига хос юксак бадиият билан тўла. Шунинг учун «Вақфия»ни ўрганиш, таҳлил этиш Навоий ижодини ҳар томонлама ёритмоққа лозим бир улуш бўлажаги шубҳасиздир.

«Вақфия»га оид дастлабки тадқиқотни академик В.Ю.Зоҳидов эълон қилганлар[1]. Яна 1977 йилда нашр этилган «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг II жилдида «Вақфия» тўғрисида махсус боб бор[2].

Навоий ижодига бағишланган барча тадқиқот ва илмий-оммавий асарларда «Вақфия»да келтирилган маълумотлар, яъни Навоийнинг эл, ижод аҳлига ғамхўрлиги, бу борада ўз ҳисобидан амалга оширган ишлари қайд этиб ўтилади[3].

Аммо «Вақфия» махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Бундай тадқиқотни амалга оширмоқ учун, аввало, «Вақфия»нинг илмий-танқидий матнини тузмоқ даркор. Бунинг учун манбалар етарли.

---

[1] Зохидов В.Ю. Ҳаётбахш бадиият тароналари (тўплам). Тошкент: 1975. 88-118 бетлар.
[2] Ўзбек адабиёти тарихи. II том. Тошкент: 1977. 397-406 бетлар.
[3] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент: 1969. 282-283 бетлар.

«Вақфия»нинг қўлёзма нусхалари Навоий куллиётларида мавжуд[1]. «Вақфия»нинг матни қисқартирилган ҳолда Навоий асарларининг ўн учинчи жилдида нашр этилган[2].

«ВАҚФИЯ»НИНГ МУНДАРИЖАСИ

Навоий «Вақфия» асарини икки бўлакдан иборат қилиб тузган. I бўлак – Муқаддимот (Кириш). II бўлак – Маҳдудот (ажратилган нарсалар). Навоий I бўлак тугагач, «Муқаддимот тугади, келди Маҳдудот» деб ажратиб қўйган[3].

Муқаддимот яратувчи тавсифи билан бошланади. Сўнг Расул таърифи келади. Ундан кейинги қисм Султон Ҳусайн мадҳидан иборат. Уларни Навоий «Хамд сано вазойифи ва наът ва дуо шароити» деб сифатлайди. Улар Муқаддимотнинг дастлабки уч қисмини ташкил этади.

Муқаддимотнинг бундан кейинги қисми «Жон мазраасин ва кўнгул ҳадиқасин улум талабиға вақф этган воқифлар ва мазраа ва ҳадиқа маҳсулин фунун касбида сарф этган сорифлар хизматида маъруз ва марфуъ...»га аталган. Яъни, жон экинзори ва кўнгил боғини билим ишига бағишлаган хабардорлар ҳамда бу экинзор ва боғларда етишган маҳсулларни илм-фан йўлига сарф этганлар тўғрисида айтилган гаплардан иборат.

Сўнг Навоий подшоҳлик тартиблари тўғрисида, Султон Ҳусайннинг Хуросон ҳокимиятини эгаллагач олиб борган ишлари тўғрисида сўзлайди.

Шундан кейин Навоий ўз аҳволини баён қилади. У фано кунжига чекиниш ниятида эди. Аммо Султон Ҳусайн уни давлат хизматига чорлайди. Навоий бу хизматни сидқидил билан адо этди. Султон инъом этган жойлар рўйхати ва у ерда қилинган ишлар баёни билан Навоий «Вақфия»нинг биринчи бўлаги Муқаддимотни тугаллайди.

Иккинчи бўлим Маҳдудот (ажратилган нарсалар)да Навоий ўз мулкини санаб чиқади. Улардан тушган даромадни мадраса, хонақоҳ ва фуқарога сарф этиш йўлларини кўрсатади. Арбоби вазоифда кимларга сарф этилиши, равотибда қилинадиган хайрли ишлар, шароитда шу ишларнинг бажарилиши шартлари кўрсатилади. «Вақфия» айтилганларни расмийлаштириш қоидалари ва якунловчи рубоийлар билан тугалланади.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ОИД КУЗАТИШЛАР

«Вақфия»да Навоий ўзининг дунё ва жамият тузилишига оид мулоҳазаларини баён этган. Унинг таъкидлашича, олам ва одам аҳлини бошқармоқ учун юксак даражали бошлиқ даркор. Бундай бошлиқлар учун диёнатли ёрдамчилар керак. Уларни кишилар орасидан танлаб олиниб, амирлик, вазирликка тайинланади. Сўнгра ҳар бир умумий ва жузвий ишларга бошқарувчилар қўйилади. Шу қисқа ифодаларда якка ҳукмронликка асосланган давлат қурилиши кўрсатилган.

Навоий Хуросон давлати Султон Ҳусайн Бойқаро ихтиёрига ўтгач («То бу фархундаи замон ва хўжастаи давронким, бу жамшеди соҳибқирон салтанат тахтин олдилар ва бу хуршеди жавоҳир фишон олам аҳли бошиға сояи марҳаматин солди... Замоннинг қутлуғ кишиси давроннинг бошлиғи, бу соҳибқиронлар жамшиди салтанат тахтин олгач ва бу

[1] Сулаймонов Ҳ. Навоий куллиётларининг қўлёзмалари // Адабий мерос. 3 китоб.
[2] Алишер Навоий. Асарлар. XIII том. 157-180 бетлар. Нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев. Масъул муҳаррир Суйима Ғаниева.
[3] Ўша асар, ўша том. 176 бет.

гавҳарлар сочувчи қуёш олам аҳлининг бошига марҳамат соясини солгач,...») султоннинг давлатни тузиш ва бошқариш соҳасида қилган ишларини бирма-бир санаб чиқади.

Жамиятда муҳим мавқега эга бўлган катта ижтимоий гуруҳлар бор эди. Ана шу гуруҳлар ичидан муносиб номзодларни танлаб олиб мамлакатни идора қилиш учун фойдаланмоқ керак. Бундай кишиларнинг яна юқори мансаб ва лавозимларга даъволари ҳам бўлган. Улар «... темурийнажод шаҳзодалар ва «барлосий» ниҳод озодалар ва «арлотий» исмлик айшгузинлар ва «қиёт» насаблик мутааййинлар, «қўнғирот» ҳасиблик мутамаккинлар ва уруғий сифот бахшилар ва «уйғур» чарғалик яхшилар ва «чўли»лик биёбонида жонсипорлик қилғон жондорлар ва бойрилиқ айёсида хизматкорлиқ қилғон жонсипорлар ва «жалойир» ғавгоси ва «қавчин» алолоси мавжуд эрди»[1].

Султон шу тоифадаги кишиларнинг ҳар бирини ўзига яраша амал ва мансаб билан таъминлади.

Навоий бу тўғрида ёзади:

Бири сандалини мақом айлади,
Бийик маснад узра хиром айлади.

Бири турк айвонида ости муҳр,
Бири сорт девонида бости муҳр.

Бири расми бўлди садорат маоб,
Бири исми бўлди вазорат иёб.

Бири комёб ўлди муҳронадин,
Бири комжўй ўлди парвонадин.

Бириси қўшун сори чекти рақам
Бириси туман сори урди алам.

Бири топти доруғалиқ ишратин,
Бири ўрди сарҳад сори навбатин[2].

Демак, улардан бири сандалий курсига мақом қилди, яъни юксак лавозимга минди, бири турк, бири сарт (форс) элитада муҳрдор бўлди, бири садр (раис)лик, бири вазирликка эришди, бири муҳрона, бири парвонага эга бўлди, бири доруға (шаҳар ҳокими), бири чегарабоши бўлди. Навоий ана шу амалдорлардан қайси бири қандай иш тутганлигини киноямуз ифодаларда, ҳаққонийлик билан тасвирлайди:

Қиниқти бири ришвати шум ила,
Бири иктифо қилди марсум ила.

Агар худ залил эрди, гар аржуманд,
Бари бўлди ўз комиға баҳраманд[3].

[1] Ўша асар. 160 бет.
[2] Ўша ерда.
[3] Ўша ерда.

Бу амалдорлардан баъзи бирлари порахўрликка одат қилдилар. Баъзилари белгиланган маош билан чекландилар. Уларнинг бири тубан, бири муносиб бўлсалар-да, ҳар бири ўзининг орзусига эришди.

Бу мисраларда Хуросон давлатида Султон Ҳусайн ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин давлат ишларининг қандай уюштирилганлигининг манзараси чизиб берилган.

Феодал ҳокимияти шароитида мамлакат халқи истибдод зулми остида бўлади. Турли-туман амалдорлар, золимлар эзилган халқ бошига жавру жафо тошини ёғдирадилар. Бу золимлар жабр тоғида шафқатсиз қоплонлар бўлса, мазлумлар кийиклардирлар. Бу қоплонлар кийикларни қувадилар, тутиб тишлайдилар. Қоплонларнинг тишларидан заҳар томади. Жароҳатланган кийиклар бу заҳардан ҳалок бўладилар. Навоий қуллик, зулм ва истибдодга асосланган тузумни ана шундай қиёсларда тасвир этади.

«Яна ул эрдиким, мамолик чун ҳаргиз зулм ели мазлуми чароғига мушавваш бўлмоқдин ва таадди ўги осойиш хирманиға зарар еткурмакдин холий бўлмайдур. Ҳар золимеким, жабборлиғ тоғида бедодий қоплонининг ҳар ҳолидин бир кўз тикарким, мазлум фароғати кийиги қайда кўргай ва ҳар чанголидин неча ситам қуллоби муҳайё қилурким, ани нечук сайд қилғай ва ҳар тишидин бир неши заҳролуд итирурким, анинг жон элтмаги мумкин бўлғай, то ул номурод кийик аъзо ва аҳшосидин нафси аммора сабуиға ком ва сабуийят иштиҳосиға ором бергай»[1].

«Вақфия»да феодал жамиятнинг турли табақалари, уларнинг қилган ишлари очиқ кўрсатилган. Бир томонда саройда юқори мартаба эгалари («акобири изом»), амирлар («аморат маснадида базм тузгонлар»лар) айш-ишрат билан банд. Мамлакатда эса бойлик далаларини кўк экинзори каби кўкартириб, бадавлатлик маҳсулларини йиғувчи катта ер эгалари, яна йилига ҳар сурувидан минглаб қўзи олиб, унга қаноат қилмовчи чорвадор бойлар ҳукм ўтказадилар.

Иккинчи томонда эса камбағал, қашшоқлар. Улар хорликнинг жун кийимини ёпиниб ожизликда кун кечирадилар; осмон сингари икки букилиб эртадан кечгача бошоқ териб рўзғор тебратмоқ учун аранг бир ҳовуч донга эга бўладилар. Яна бошқалари йўқсизлик яйловларида чорва боқиб бир йиллик хизматлари учун беш эчки олсалар, шунга хурсанд бўладилар.

Навоий жамият ҳаётининг турли кўринишларини ростгўйлик билан тасвирлашда давом этади. Разиллар хушомади («арзол тамаллуқи») ва шарифлар ҳурмати («ашроф инбисоти»), айрим зотларнинг яхши муомаласи ва оломон ғавғоси («ҳавос икроми ва авом ғавғоси»), золимларнинг қисмати ва мазлумларнинг қий-чуви, одамларнинг ҳаддан ошуви ва фармон берувчиларнинг ҳукми («раоё ғулуси ва ясоғлиқ ёрғуси») ўқувчига бир-бир аён кўрина боради.

Тама аҳли нотекис мулойимлик қиладилар, талаб қилувчилар бетартиб мулозамат кўрсатадилар; жоҳиллар етказган азобдан жафо чекканлар қайғуга тушдилар; иш юритувчиларнинг ноҳақ фармойишларидан рўзғори қора бўлганлар тоқатсизланадилар: қарздор бўлиб қолганлар ёрдам сўрайдилар, фарзандини гаров қўйганлар ёлборадилар; ёмон қилиқли талабалар ариза тутадилар, фалокатшиор шоирлар қасида ва қитъаларини тиқиштирадилар; қийин аҳволда қолган кишилар вилоятлардан келиб арз қиладилар; чегарада хизмат қилувчи беклар турли таклифлар қиладилар, уларнинг кўнглига озор етказмаган ҳолда ноўрин таклифларини рад қилмоқ лозим бўлади; очкўзлик ва тамаъ туфайли ўзга юртдан келган азиз одамлар ўзларини юз балога гирифтор қиладилар, уларнинг қарама-қарши мақсадларини тинглаб, ўзларини ҳурматлаб беҳисоб талаб

[1] Ўша асар. 168 бет.

қилганларини амалга ошириб жўнатмоқ керак. Озодлар янада эркинроқ бўлмоқни тилайдилар, бандилар озодлик кутадилар; машойих ва авлиёлар номидан келиб ўз ишини битказувчилар ҳам бўлади; баъзилар тирик кишисини ўлик деб кўрсатиб кафан пули олмоқчи бўладилар. Вақф иши билан шуғулланувчиларнинг зулмидан талабалар шикоят қиладилар; ожиз аҳоли амал аҳлининг азобидан қутқаришни сўрайдилар...

Мамлакат ҳаётида юз бераётган воқеаларнинг айрим лавҳалари шундай. Бу кўринишларни Навоий ўз ҳаёти ва иши тажрибасидан нусха кўчириб тасвирлаган. Бу тасвирнинг охирида Навоий ёзади: «Мажлисда ҳамсуҳбатлиғимға тааний кўргузгонларнинг гаронжонлиғи ва сайрда ҳамзонулиғимға таҳаттук зоҳир этганларнинг сабук инонлиғи, Мадинадан келиббиз деб, иқомат юкин уйимда тушурганлар зиёрати, Маккага борурбиз деб, таваккуъ маркабин эшигимга сурганлар риояти, бу хайлнинг муддаосидин жузвий ўксук муяссар бўлса, норози бориб гила қилғонларининг ҳайрати ва муддаолари тамом ҳосил бўлғонларнинг бу риоятни вазифа қилиб яна келмакларининг фикрати...»[1].

Демак, Мадинадан келдик, Маккага борамиз деб турли-туман одамлар Навоийдан ўз ҳожатларига раво сўрайдилар. Агар тилаганларидан бирортаси амалга ошмай қолса, норози бўлиб гинахонлик қиладилар. Мақсади амалга ошганлар эса яна қайтиб келиб, бирор нарса тилайдилар. «Вақфия»нинг ана шу бўлаклари Навоий яшаган замон ва муҳитдаги ижтимоий кўринишларни акс этгиради, ўша ҳаёт лавҳаларини рўй-рост тасвирлайди. Ҳукмрон муҳитдаги кишиларнинг хатти-ҳаракати, асосан, зулм, тиланчилик, тамаъ ва манфаатпарастликка қаратилгандир.

Бу айтилганлар Навоийнинг давлат хизмати пайтида экан, ўз кўзи билан кўрган, ўз бошидан кечирган кўринишлар эди. Алишер Навоий ана шу тоифа одамларнинг ҳаммаси билан муомала қилмоғи лозим бўлган ва бу машғулот Навоийнинг кўнглига жуда теккан эди. Бу ҳақда «Садди Искандарий»да Навоий бундай деб ёзади:

Қилиб тонгдин оқшомғача қийлу қол,
Юзингга етиб ҳар замон юз малол.

Ўзинг тинмайин халқ ғавғосидин,
Қулоғинг халойиқ алолосидин...[2]

«Вақфия»даги маълумотлар ана шу фикрларни аниқлаштиради. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари «Вақфия»да алоҳида ўрин тутади.

Навоийнинг ёзишича, унинг ота-боболари Султон Ҳусайннинг ота-боболари даргоҳида садоқат билан хизмат қилган ва улар даврида баланд мартабага эришган бўлганлар.

«Агарчи бу хоксорнинг ота-бобоси ул ҳазратнинг бобо ва аждоди хизматларидаким, ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шужоат бешасининг ғазанфари эрдилар – улуғ маротибқа сазовор ва бийик маносибқа комгор бўлғон эрдилар»[3].

Султон Ҳусайн Навоийга ҳам ана шундай юксак даража берди. Бу тўғрида шоир ёзади: «Ким, ногоҳ салтанат гулшанидин иноят насими эса киришти ва хилофат боргоҳидин ҳидоят қосиди етишти ва давлат маншурин илгимга берди»[4].

---

[1] Ўша асар. 175 бет.
[2] Навоий. Хамса. Тошкент: 1960. 847 бет.
[3] Навоий. Асарлар. XIII том. 160 бет.
[4] Ўша асар. 162 бет.

Навоий ўз хизмат вазифасини қандай адо этганлиги тўғрисида бундай дейди: «Неча навъ ишким, халойиқ дуосиға боис ва ҳолиқ ризосиға сабаб бўла олғай, қошимда муқаррар қилдим. Ва Тенгри иноятидин ул ишлар барча муяссар бўлди»[1].

Навоий Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти халойиқ ва адолат ишига хизмат қилмоқ учун қулай шароит туғдиради, деб ишонар эди. Шунинг учун у подшоҳ буюрган вазифада сидқидил билан ишлади ва эл мушкулини осон қилмоққа чин юракдан интилди. Навоийнинг фикрича, бу хизмат буюрилгандан сўнг унга «дасту по урмоқ мушкил ва бедасту полардек боқиб турмоқ андин мушкилроқ», эди[2].

Навоийнинг Султон Ҳусайн давлатининг ходими сифатида тутган йўли қуйидагича эди:

1. Чин кўнгилдин султонга садоқат. Бу тўғрида «Вақфия»да бундай деб ёзилган: «Аввал бу эрдиким, кўнгул кишваридин ул ҳазратнинг ғайрининг хаёлин азл этиб (четлатиб), балки ихрож қилиб (чиқариб ташлаб)... бу иқлимни ўз кўнгил мулкини – (А.Қ.) анинг султони хаёлиға мусаллам туттум»[3].

2. Султон даргоҳи («кишвари гулистонининг ҳарами ва мулки бўстонининг чамани») га оид кўриш лозим бўлмаган нарсани кўрмаслик, эшитиш лозим бўлмаган нарсани эшитмаслик, тутмас нарсани тутмаслик, бормас ерга бормаслик, махфий сирларни ҳеч қачон ошкор қилмаслик.

3. Хизматда ҳеч қачон ўз ғараз ва манфаатини кўзламаслик, нимаики маслаҳат берса, фақат султон ва халқ манфаати йўлида бўлмоғи («Ҳеч навъ ўз ғараз ва маслаҳатим мутасаввар эрмас эрди, балки хос тенгрилик учун дағи ўзининг муборак хотири, дағи мусулмонлар маслаҳати учун эрди»)[4].

4. Агар мамлакатда зулм, бидъат юз берса дарҳол шоҳга хабар қилмоқ. Унинг иноятн билан бу зулмни ва бидъатни йўқ қилмоқ.

5. Қўлдан келгунича, зулм тиғини синдирмоқ, мазлумларни ҳимоя қилмоқ.

6. Мурожаат қилган ҳар кишининг арзини тинглаб додига етмоқ. Эвазига ҳеч нарса олмаслик, бермоқчи бўлганларида рад қилмоқ.

Навоийнинг тутган йўли адолатпарварлик, мазлумпарварликнинг олий кўриниши эди. Бу тўғрида «Вақфия»да ўқиймиз:

«Илигимдин келганича зулм тиғин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиҳом марҳамин қўйдум. Ва илигимдин келмаганни ул ҳазрат арзига еткурдум. То зулм паланги (йўлбарси) терисидин кийик сувратлик бодполар (чопқир) ғошиясиға (эгар эпинғичи) зийнат берди ва мазлум жони кийиги кўзига амният марғзорида (хавфсизлик даласида) қоплон доғлари ўрнига лола доғлари кўргузди»[5].

«Вақфия»да Навоийга мансуб бўлган мол-мулк тўғрисида муфассал маълумот бор. Султоннинг буйруғига кўра, Навоийнинг давлат хизматида эканига маош учун унга «шариат маъри («кўзда тутилган») ва инсоф таърифи малҳуз («мулоҳаза қилинган») даражада ер берилган. Бу ерда қилинган деҳқончилик унумли бўлиб «кўп маҳсуллар ҳосил» бўлган.

Ана шу келган даромаддан Навоий ўзига қанча қолдиргани тўғрисида бундай деб ёзади:

«Бу жумладан ўз маошимға сойир авомдин бирининг маоши ўтгунча, иссиқ-совуқ дафъи учун бир турма тўн дағи мунга муносиб емакка қонеъ бўлуб...»[6]

---

[1] Ўша асар. 166 бет.
[2] Ўша асар. 164 бет.
[3] Ўша асар. 166 бет.
[4] Ўша ерда.
[5] Ўша асар. 168 бет.
[6] Ўша асар. 169 бет.

Демак, Навоий барча мол-мулкидан тушадиган даромаддан ўзи учун бир олдий одамга етарли қисми – иссиқ-совуқдан асрамоққа етарли кийим-бош, яна қундалик овқатга лозим маҳсулот билан чекланган. Даромаднинг қолган ҳамма қисмини подшоҳ мулозаматига, унинг бориш-келишига, қўшинининг сарфларига, подшоҳ хизматидаги «мустаҳиқларга» сарф учун бағишлаган, яна бошқа хайрли ишларга сарф қилган.

881 (1476) йили Султон Ҳусайннинг фармойиши билан Навоийга кўшки Марғани деган жойдан ҳовли-жой қилмоқ учун ер берилган. Бу жой Ҳиротнинг шимоли, Гозургоҳ тоғининг жанубида бўлиб, ҳар иккаласининг ўртасида эди. Тоғ ёнидан Наврўзий сойи ўтади, шаҳар томонидан эса Инжил суви оқади. Ҳавоси тоза, шамоллари ёқимли. Агар шу жойда «ўттуз жериб ерни девор тортиб сарой иморат қилиб, боғчасиға ҳар турлик ашжор (дарахтлар) била сафо ва назрат ва ҳар чаманиға ҳар навъ раёҳин (райҳонлар) билан зебу-зийнат бердим»[1], деб ёзади Навоий.

Марғани кўшки илгари солинган бўлиб, шу ернинг жанубий ва ғарбий чегарасининг ўртасида эди. Унинг ости тошдан ва юқори қисми хом кирпич (ғишт)дан қурилган бўлиб, харобага айланиб қолган эди. Навоий уни буздириб ташлаб ўрнида бир Мадраса ва масжид бино қилди. Бу гумбазни «Дорул ҳуффоз» («Ҳофизлар уйи») деб аталди.

Мадрасада икки мударрис ҳар дарсда ўн бир толиби илмга дарё ўқир эдилар. Мадрасага «Ихлосия» деб от қўйилди. Ихлосия мадрасасининг жанубида чегарасидан ташқари Инжил суви оқади. Унинг жанубида Султон Ҳусайн қурдирган Мадраса бор. Номи Неъматоболдир. Катта йўл Неъматобод томондан келиб Инжил суви бўйлаб Гавҳаршод оғо мадрасасига борди.

Навоий Ҳирот ва унинг атрофида бўлган ўзига қарашли дўконлар, боғлар, ерлар, коризлардан тушадиган даромаддан бу мадраса ва хонақоҳ харажатини қопламоқ учун вақф тайин қилди.

«Муқаддимот»нинг сўнггида Навоий подшоҳдан ҳаж қилиш учун рухсат сўрайди. Яна ўзининг хизмат лавозимларидан тамомила озод бўлиб, фақат ижод билан шуғулланмоқ истагини изҳор қилади. «Вақфия»нинг иккинчи бўлаги «Маҳдудот»да Навоийнинг ўзига қарашли мол-мулкдан қай йўсинда элу-юрт учун истифода қилмоқлик тўғрисида кўрсатмалари баён этилган.

МАВДУДОТ (АЖРАТИЛГАН НАРСАЛАР)

Даставвал, вақф қилинадиган мулкнинг рўйхати келтирилади. Улар қуйидагилар:

Дўконлар. Шаҳарда Малик бозорнинг шарқий қисмида тоқияфурушлар тимидаги икки ошом иморат. Унинг иккита дарвозахонаси бўлиб, унинг ҳар бирида бир дарвоза ва бир айвон бор.

Бу тимнинг жанубида бир-бирига уланган беш дўкон, тимнинг шарқий тарафида Хуми об дўкони (болохонаси билан) бозорнинг ғарбида пўстакфурушлик дўкони (болохонаси билан), яна бир тимча ва бир-бирига уланган тўрт дўкон. Улар Ироқ дарвозасининг ташқарисида Ашкабек ҳаммомининг қаршисида жойлашганлар.

Малик дарвозаси ташқарисида икки ошом иморат ва тимчага туташган саккиз дўкон.

Мусарриҳнинг Куҳундўзида бир тимча ва бир-бирига туташган икки дўкон.

Боғи Зоғон кўчасидаги икки дўкон ва ҳоказо.

«Вақфия»да эслатилган дўконлар ва иморатларнинг жами йигирма тўрт дўкон ва тўрт ошом иморатдир. 550 жерибдан ортиқ ер, боғ, токзор бор эди. Яна Ҳиротруд вилоятининг

[1] Ўша асар. 170 бет.

Гул ноҳиясидаги барча коризлар Навоийга қарашли эди. Ана шулардан тушадиган барча даромад эл-юрт учун, мамлакат ободлиги учун сарф этилган. Навоий шуларни сарф этмоқ учун йўл-йўриқлар ёзган. «Вақфия»да улар муфассал кўрсатилган.

Арбоби вазоиф. Бунда даромадлар кимларга сарф этилмоғи кераклиги кўрсатилган.

Икки мударрис олим. Уларнинг ҳар бирига бир йилда 1200 олтин накд пул тўланади. 24 юк озуқа. Шундан 1/3 қисми арпа, икки сулс (2/3) буғдой.

Ҳар бир дарс даврасида 11 толиби илм ўқийди. Жаме 22 толиби илм. Шулардан 6 таси аъло ўқиса, аълочиларнинг ҳар бирига ойда 24 олтин, йиллик 5 юк буғдой; ўртача ўқувчиларга 8 тасига (ҳар бирига) ойда 16 олтин, йилига 4 юк; қолоқларга 8 тасига (ҳар бирига) ойда 12 олтин, йилига уч юк ошлик. Олти хушовоз ҳофизлар. Уларнинг бошлиғига йиллик 500 олтин, ўн беш юк озуқа. Қолганларига ҳар бирига йилда 180 олтин, тўрт юкдан буғдой.

Шунингдек, бу рўйхатда шайх, воиз, имом (унга мактаб тутмоқлик ҳам топширилган), қори, хонақоҳ ошпази, овқат ташувчи, супириб-сидирувчи, ходимлар (икки киши), мутавалли, иш бошқарувчи ва унинг икки навкари, тафтишчи, соҳиб жамъ (йиғиб келувчи экспедитор) ҳаммаларига бериладиган накд олтин пул ва озуқа қатъий белгилаб қўйилган. Накд олтин бир мингдан то икки юзгача. Буғдой ўн юкдан беш юккача тайин қилинган.

Байрам кунлари сарф қилинадиган маҳсулот ҳам бирма-бир кўрсатиб чиқилган. Масалан, «Қишнинг тўрт ойидаким, қавс ва жадий ва далв ва ҳут бўлғай, ҳар куни ўтмак (нон) юз ададким, йигирма ботмон, уч тангалик эт била мураттаб қилғайлар... агар эт топилмаса жижиғлиқ ош (гўша оши) пишуриб фуқароға бергайлар. Яна секиз ой ҳар кун йигирма ботмон ўтмак фуқароға улашгайлар»[1].

Маълум бўладики, Навоий ўз мулки ҳисобидан мадраса, хонақоҳ, қўшин, давлат сарфларини қоплаган. Яна йил ўн икки ой аҳолига нон, гўштли, гўштсиз овқат пишириб улашиб турмоқни тайинлаган. «Вақфия»да кундалик турмушга оид ишлар ҳам бирма-бир кўрсатиб ўтилган.

Масалан, мутавалли (иш бошқарувчи) ҳар йили юз пўстин, жундан тиқилган юз тўн, юз бурк (чакмон), юз кафш, юз кўйлак, юз тупбон (чалвор, иштон) сотиб олиши керак. Уларни икки мударрис билан бамаслаҳат лозим кишиларга улашилади. Яна ҳар йили кигиз, бўйра, ёруғлиқ учун тўрт юз олтин сарф қилинади. Шунинг ҳисобидан дастурхон, қозон, идиш-товоқ, пиёла, қошиқ ва бошқа нарсалар ҳам сотиб олинади. Ходим ва фаррошлар ҳар кеча керакли жойларда шам ёндирадилар.

Мадраса аҳли мадраса қошида яшашлари керак. Агар улар бошқа жойда яшаб дарсларга қатнасалар, айтилган нарсаларнинг ярмини оладилар. Агар бирортаси номақбул иш қилиб қўйсалар, икки қатлагача таъзир қилинадилар. Агар учинчи қатла шундай иш содир бўлса, улар бўшатилади, ўрнига бошқа кишилар олинади.

Навоий Мадраса ва хонақоҳнинг ободон тутилишига ҳам аҳамият берган. Қор курашда қорилар, ходимлар супир-сидир қилувчилар ва табақачиларга ёрдам берсинлар; ариқлар тозаланганда қум ва балчиқлар ариқ ёқасига йиғиб қўйилсин. Сўнг мутавалли мардикор ёллаб уларни олиб чиқариб ташлатсин.

Мадраса ва хонақоҳ ўртасидаги тош терилган йўл йилдан-йилга тузатиб турилсин, токи ўтувчиларга ўтиш-бориш оғир келмасин. Навоий бу вақф ҳужжатини якунлар экан, унинг матнини ҳар ўттиз йилда янгидан кўчириш кераклигини таъкидлайди. Бу нусха асли билан солиштириб чиқилмоғи ва қози уни маҳкама дафтаридаги нусха билан қиёслаб тасдиқланиши керак. Бундай янгилашлар вақт ўтиши билан ҳужжат чириб кетмасин деб қилинади.

[1] Ўша асар. 179 бет.

Яна Навоий садр гумашталари (давлат амалдорлари) ва мутаваллиларнинг саркорга (айтилган ишлар) аралашмасликларини таъкидлайди. Бу ишларда манфаатдор кишилардан ва жами нусхалари талаб қилинмасин, улардан ҳеч нарса олинмасин деб уқтиради.

Навоийнинг бу вақф қилиб берган маҳдудоти расмий идоралар (кузоти изом) томонидан расмийлаштириб қўйилади.

«Вақфия» саккиз юз саксон олтинчи йили тузилган. Бу йил милодий ҳисобда 1481–1482 йилларга тўғри келади.

«ВАҚФИЯ»ДАГИ ШЕЪРЛАР

Шеърлар, асосан, «Вақфия»нинг Муқаддимот қисмидадир. Маҳдудот қисми фақат охирги тўрт рубоийнигина ўз ичига олади. Шеърлар мавзуси ижтимоий ҳаёт кўринишлари, шоирнинг руҳий ҳолати, жамиятга муносабати, адл-инсоф, эзгуликка оиддир. Уларда Навоий кўнглига эш бўлган халқпарварлик, адолатпарварлик ғоялари тарғиб этилади. Бу фикрлар навоиёна бадиият билан ифодаланади.

Юқорида келтирилган маснавийда шоир давлат вазифаларига тайинланган амал эгаларининг қилмишларини рўйи-рост тасвирлаб ўтган эди. Ундан кейинги уч маснавий шоир кайфиятини изҳор этади. Навоий учун «оламнинг хиёнати ва олам аҳлининг диёнати равшан ва жаҳоннинг ишванома ажузасининг вафосизлиги ва ҳаётнинг руҳафзо маҳбубасининг бақосизлиги муайяндир»[1].

Шунинг учун шоир узлатга чекиниш хаёлида эди. Бу кайфият таъсирли ифодаларда аниқ тасвирланган.

Ҳамул авлоки дафъ айлаб аламни,
Тажарруд кўйида қўйсам қадамни.

Фано кунжини мужгондин супурсам,
Ҳамул мужгон сиришкидин сув урсам.

Қилиб маснад қаноат бўръёсин,
Кийиб дебо уза узлат палосин.

Не кўкка, не қуёшқа инса бошим
Бузуқ уй бўлса – кўк, равзам – қуёшим[2].

Бу мисраларда узлатга чекинишнинг аниқ кўринишлари бор. Чекиниш йўлига ўтмоқнинг ўзи оламни йўқотмоқни англатади. Шоир фано бурчагидаги ҳолатини, қайғули кайфиятини ёрқин образларда беради. У кифриклари билан бу бурчакни шипирмоқчи, кўзёшлари билан унга сув сепмоқчи. Фано кунжидаги одамнинг ташқи қиёфаси ҳам унинг ички дунёси каби юттун. Ўлтирган бўрёси қаноат бўрёси, устидаги ёпинчиғи узлат палоси, яшамоқдаги жойи кўк (осмон) ости, развани (туйнуги) эса қуёш.

У барча дунёвий ишларга этак силкийди, ҳеч қайси билан иши йўқ. Агар нафс лолазорлар, боғлар сайрини орзу қилса, унинг кўксини доғ қилиб рад қилади. Агар кўз оқ чеҳра, хушбўй холларни кўрмоқ тилаб кўзидан қон ёшлар оқизадиган бўлса, унинг оқу-қорасидан гаж қилиб суваб ташлагудаймен, деб ёзади шоир.

[1] Ўша асар. 161 бет.
[2] Ўша ерда.

Агар нафс этса майли лолау боғ,
Юзин нун нуқтасидин айласам доғ.

Агар кўз қилса мардум ашкини ол,
Тилаб кофургун юз анбарин хол.

Сувосам они кўрмай деб балосин,
Гажу оҳак қилиб оқу қаросин...[1]

Ана шундай руҳий ҳолатдаги шоир бутун умрини шу чекинишда ўтказмоққа ҳозир эди.

Тутуб ҳар шуғулдин дунёда гўша,
Муҳайё айласам уқбоға тўша.

Ажал пайки қачонким етса, филҳол
Вадиатни (амонат) дегач топшур, десам – ол[2].

Навоий учун таржимаи ҳолдан бир белги бўлган ушбу шеър ўз мазмун ва руҳи билан шоирнинг Саййид Ҳасан Ардашерга Самарқанддан йўлланган мактубининг биринчи қисмини эслатади. Бу фикрни Суйима Ғаниева тўғри эслатганлар[3]. Аммо ўша мактубнинг иккинчи қисмида Навоий ё узлатга чекиниш, ё бир муносиб йўлбошчи топиб, унинг байроғи остида адолат ва ҳақиқат учун кураш олиб бормоқ мақсадини ҳам баён этган эди.

Урармен қадам, токи боргунча гом
Ки бўлғай муяссар менга ушбу ком.

Сўнг тарих Навоийга ана шундай курашга қўшилиш имконини берди. Навоий ўз иттифоқдоши Султон Ҳусайн билан бирга, унинг томонида туриб сиёсий курашларда иштирок этди. Ниҳоят, бу кураш ғалаба билан якунланди. Иттифоқчилар барчаси Султондан зафар улушларини олдилар. Аммо Навоийнинг кўнглида ҳеч қандай тамаъ йўқ. Асосий мақсад, яъни Хуросонда қудратли, адолатли ҳукмронлик ўрнатиш ҳаёли амалга ошгандай. Энди у яна узлатга чекиниш, дунё ишларидан юз ўгириш фикрига тушади. Чунки Навоийдек одамга подшоҳдан ўз ҳамфикр, ҳаммаслаклиги учун бирор жавоб, унинг эвазига мукофот кутиш мутлақо ёт. Аммо тақдир бошқача ҳукм чиқарган. Бу ҳақда шоир ёзади:

Сен жон варақида бўйла айлаб таҳрир,
Ул сафҳада бу нақшни айлаб тасвир.
Тағйир этар эрмиш они килки тақдир,
Тақдир ишига, рафиқлар, не тадбир[4].

Султондан келган иноятномани қосид шоир қўлига топширади. Унда шоир номига кўп таъриф ва тавсифлар бор эди. Бу маснавий кўтаринки руҳда бўлганидан унинг вазни ҳам шу мазмун ва руҳга муносиб оҳангдор вазндадир (мафъулу мафоилун фаилун).

[1] Ўша ерда.
[2] Ўша асар. 162 бет.
[3] Ўзбек адабиёти тарихи. II том. Тошкент: 1977. 399 бет.
[4] Навоий. Асарлар. XIII том. 162 бет.

Бу шеърда Навоийнинг истеъдоди, олийжаноб шахсияти, юксак мақсадлари улуғланади, унинг эл-юрт хизматида бўлмоғи кераклиги, юксак мартабага сазоворлиги шундай мавқеда иш тутмоғи лозимлиги таъкидланади.

Бу шеърни Навоий «Ҳидоят қосиди етишти ва давлат маншурин (ёрлиғин) илгимга берди ва ул маншур мазмуни бу эрди»[1], деган изоҳ билан бошлайди. Бу маснавий Султон боргоҳидан келган номанинг шеърий баёнидан иборат. Нома муаллифи шоирга хитобан дейди:

К-эй фазл жаҳонининг сипеҳри,
Йўқ, йўқки, ўшал сипеҳр меҳри.

Табъингға дами бўлур не ворид
Юз йил бити олмайин Аторид[2].

Ана шундай олийжаноб, юксак истеъдод ва мақсад эгаси бўлган шоир ўзининг бор кучи ва қобилияти, ғайрат ва интилганларини халқ учун бағишлаган. Бу шеърнинг лирик қаҳрамони элга дурру гавҳарлар сочган гавҳар дўконининг эгаси, халқ терсин деб ўз фикр гулшанида райҳонлар ўстирган гулчи, халқ учун меҳрибон ғамхўр бир зот сифатида таърифланади. Аммо унинг ўзи булардан ҳеч қанча баҳра олган эмас, унинг насибаси фақат қон ютиш, маломат кўришдангина ибрат.

Сен гарчи гуҳар дўкони очтинг,
Лекин бу гуҳарни элга сочтинг.

Фикринг чаманида кўп раёҳин,
Лекин бўлуб анда халқ гулчин.

Назминг гулидинки, даҳр тўлди,
Дегилки, санга не баҳра бўлди.

Лафзингдин улусқа важду (шавқ-завқ) ҳолат,
Етмай санга баҳра, жуз малолат.

Сен қон ютуб, эл бўлиб қадаҳкаш,
Элдин санга етмайин дами хуш.

Сен эл бошиға бўлиб гуҳарпош,
Бир пок гуҳар демайки, шобош.
(офарин, балли)[3].

Шоирга – шеърнинг лирик қаҳрамонга қарата бу айтилган сўзлар султон сўзларидир. У хурсандчилик кунлари келганини хабар қилади, ўзининг мулкни эгаллаганини муболағали ифодаларда билдиради.

---

[1] Ўша асар. 162 бет.
[2] Ўша ерда.
[3] Ўша ерда.

Эмдики, тараб замони етти,
Даврондин алам нишони кетти.

Олди қўлумиз жаҳон диёрин,
Очти кучумиз фалак ҳисорин.

Ой-кунни нақора қилди давлат,
Чолди бизнинг отимизға навбат.

Оламни бизнинг қуёш ёрутти,
Ҳақ марказида қарор тутти[1].

Ҳақиқат ғалаба қилганини англатувчи янги ҳокимият, султоннинг сўзига кўра, шоирнинг умид субҳи отганини билдирар эди. У шоирни ўз хизматига чорлайди.

Ҳам субҳи умидинг ўлди толеъ,
Ҳам меҳри муродинг ўлди ломеъ.

Чун соқийи давр жоми ишрат
Тутти, яна чекма заҳри меҳнат.

Тавқиъ етишгач айла лозим,
Ким жон била бўлғасен мулозим[2].

Агар шоир Султон хизматини қабул этса иши авж олади. Ой устига қалам қўйиб қуёш лавҳига қадам чеккандай бўлади. Султон шоирнинг ҳар байтига гавҳар тўкувчи қуёш каби юлдузлардан зар сочажагини айтади. Демак, султон ҳокимияти учун юксак истеъдодли, моҳир сўз устаси даркор, унинг санъати, шеъри зарур.

Неча бийик айласанг сўзунгни,
Ондин бийик этгабиз ўзунгни.

Йўқтур санга вақт гўша тутмоқ,
Ишрат гулин оҳ ила қурутмоқ.

Чун ҳукмни англадинг дам урма,
Балким дам урарга дағи турма.

Қуллуққа кўнгулни чуст боғла,
Хизматға белингни руст боғла[3].

Кейинги мисраларда бу таклиф туфайли лирик қаҳрамон кўнглида пайдо бўлган ҳаяжон ва изтироблар акс этади. Бу иккиланишлар орасида қолган шоирга хирад пири тўғри йўл-йўриқ кўрсатади. Хирад пири образи шоирнинг тафаккуридир. У (хирад пири) шоирга насиҳат қилиб дейди:

[1] Ўша асар. 163 бет.
[2] Ўша асар. 163 бет.
[3] Ўша асар. 163–164 бетлар.

Навоий, не бало андуҳ эрур бу,
Ўзингни солмоғинг мундоқ бўлурму?..

Неча изҳору ажзу нотавонлиқ,
Гумон қилдинг бу ишни нуктадонлик.

Қуюб бекорлик фарзона бўлғил,
Илик ур, ишгаву мардона бўлғил[1].

Хирад пири номидан айтилган ўн бир байт шеърда Навоий ўз ҳимоячисини улуғлайди. Унинг қаршисида ўзини ғоят камтар тутади. Бу шеър чуқур зиддиятлар асосида қурилган ташбиҳларга бой. Бу зиддиятлар бир-бирини рад этмайди. Аксинча, бир-бирига боғлиқ, бирининг натижаси, бири иккичисидан келиб чиқади, бири сабаб, иккинчиси оқибатдир. Масалан, Қуёш ва тош. Қуёшдан парвариш топиб олдий тош ёқут ва лаълга айланади. Булут ва тупроқ. Булутдан тушган сув туфайли сероб бўлган тупроқ алвон-алвон гул ва зебо япроқлар етиштиради.

Қуёшдин тарбият гар топса хоро,
Қилур ёқут ила лаъл ошкоро.

Булутдинким, бўлур сероб тупроқ,
Мулаввай гул берур минойи яфроқ[2].

Бас, шундай экан, киши тупроқ ва тошдан кам турадими? Тожининг гавҳарлари юлдуз каби порлаган шоҳлар ҳам дуо дурига муҳтож эмасмилар?

Кул туфайли гулхан қора бўлган бўлса-да, кўзгунинг жамолини ўша кул равшан қилади-ку? Энди шоир шоҳ таклифини қабул қилади, хизмат учун белини маҳкам боғлайди.

Туштум мен нотавон ароға
Юз ранжу балоу ибтилоға.

Чун хост бу навъ эди қазо ҳам,
Мен хастаи зори бенаво ҳам.

Қулларға ўзумни ҳамдам эттим,
Қуллуққа белимни маҳкам эттим[3].

Шоир Султон ҳузурида ўзининг сидқ ва вафо билан хизмат қилганини айтади. Шу туфайли баланд мавқе ва эътибор қозонади. Эҳтимол, олам аҳли орасида бундай баланд мартабага эришганлар кам бўлгандир.

Иқбол мутию бахт ёвар бўлди,
Хуршед раҳию сипеҳр чокар бўлди.
Олам элидин кимга муқаррар бўлди,
Бу мартабаким, манга муяссар бўлди.

[1] Ўша асар. 165 бет.
[2] Ўша ерда.
[3] Ўша асар. 164 бет.

Бу иқрорни Навоийдан икки юз йил кейин яшаган буюк Озарбайжон шоири Сулаймон Фузулий бундай деб тасдиқлаган эди:

Бўлмишди Навоийи сухандон
Манзури шаҳаншоҳи Хуросон[1].

«Вақфия»да яна икки маснавий бор. Улардан бири Марғани кўшкининг Навоий қўлига ўтган вақтдаги хароблиги тасвири. Унинг айвонини йиқиқлик сели бузиб ташлаган, деворларидан маломат чанглари чиқиб ётади. Саҳнининг қоронғулиғи шундайки, у ерга агар қуёш кириб қолса ҳам, ёруғлик топа олмайди. Унда кўршапалаклар учиб юрадилар, фисқ-фужур аҳли ҳузур топади.

Йиқиб айвонини сайли залолат,
Ёғиб деворидин гарди малолат.

Қоронғу саҳни андоқ шоми дайжур
Ки, хуршед анда кирса топмағай нур.

Бўлиб мутаворийлар орами анда,
Фужуру фисқ аҳли коми анда[2].

Навоий бу харобани бузиб ташлаб, ўрнига янги бино қуришга қарор қилади.

Кўнгулга келди буким, гар берур даст,
Ани қилмоқ туфроқ уза паст.

Биное тарҳ қилмоққим ҳамиша,
Эл этгай шаҳ дуосин анда пеша[3].

Иккинчи маснавий Навоийнинг ҳаж қилиш ниятини изҳор этади. Бу маснавий ҳам ўз руҳи, кайфияти, тузилиши жиҳатидан Саййид Ҳасан Ардашерга Самарқанддан йўллаган мактубга ҳамоҳангдир. «Вақфия»даги маснавийлар Навоий шеъриятининг узвий бўлакларидир. Улар шоир қалбини тўлдирган бой ва мураккаб туйғуларнинг бадиият ва самимият билан тўла тараннумидир.

РУБОИЙЛАР. «Вақфия»да ўн бешта рубоий бор. Улар китоб мавзуси билан боғлиқ бўлиб, асар қаҳрамони, яъни шоирнинг руҳий ҳолатини билдирадилар.

Хуросонда Султон Ҳусайн ҳокимияти барқарор бўлди. Навоий узлат хаёлида. Шу хаёлларини баён этиб бўлгач, шоир шундай хулосага келади: киши нимани ўйламасин, ўз тақдиридан чекиниши мумкин эмас. Жон варақида сен нимани тасвир этмоқчи бўлсанг, тақдир қалами уни ўзгартириб юборишга қодир. Шу фикр қуйидаги рубоийда баён этилган:

Сен жон варақида бўйла айлаб таҳрир,
Ул сафҳада бу нақшни айлаб тасвир.
Тағйир этар эрмиш они килки тақдир,
Тақдир ишига, рафиқлар, не тадбир[4].

---

[1] Ўша ерда.
[2] Ўша асар. 170 бет.
[3] Ўша ерда.
[4] Ўша асар. 162 бет.

Ана шундай мантиқли, мазмундор йўл билан шоир воқеалар тараққиётини тасвирлайди. Эндиги рубоийлар фақат асар қаҳрамонининг кайфиятини билдириб қолмайди. Улар турмушнинг турли кўринишларига оид хулосалар, тажриба ва тафаккурнинг якунларини изҳор қилади. Улар ғоят сиқиқ ифодаларда тасвир топган.

Шоир ишқ ва садоқат тўғрисида сўзлар экан, кўнгилни бу ишққа жон иплари билан пайванд қилиши кераклигини уқтиради. Мабодо бундай ишқли кўнгилга ўзганинг хаёли тушгудай бўлса, ундай кўнгулни юз минг парча қилиб ташламоқ даркор. Ишқ ва садоқат қонуни шу.

Ҳар кимки, биров ишқига бўлса дилбанд,
Жон риштасидин қилса керакдур пайванд.
Гар ғайр хаёли тушса кўнглига писанд,
Қилмоқ керак ул кўнгилни юз минг парканд[1].

Бир неча рубоийлар шоҳ хизматини бажариш қоидаларини билдиради. Олий ҳокимият эгаси бўлган одам билан яқин бўлиш осон эмас. Бу хизмат кишидан кўп зийраклик, вазминлик, андиша талаб қилади.

Шаҳ хизматиға биравки, бўлғай мойил,
Кўру кару лангу шал керактур ҳосил.
Асрорининг ифшосида гунг айласа тил,
Бу мушкил эрур, барчасидин бу мушкил[2].

Навоий «Ваққия»даги рубоийлардан бирида халқпарварлик, адолатпарварлик ғояларини тарғиб этади. Ҳирсу ҳавас хирмонини шамолга совурмоқ, шу билан нафсу ҳаво касрини бузиб ташламоқ керак. Зулму ситам йўққа чиқарилсагина эл шод, мамлакат обод бўлади:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас[3].

Навоий ана шу қоидаларга қаттиқ риоя қилиб иш тутар эди. Бу тўғрида юқорида зулм тиғини ушлатиб, мазлум жароҳатиға интиқом марҳамини қўйганлиги тўғрисида айтиб ўтилди. Шоир адолат уйини бино қилмоқ ниятида ҳаракат қилганини яна бир рубоийда билдирган. Бу ерда шоир ўзни парвонага ўхшатади. Парвона жонининг куйишига қарамай, шам нури атрофида ўралади, унга талпинади. Адолат ва ҳаққоният шамининг нурига шоир ҳам худди шундай парвона бўлган кишилардан эди.

Шаҳ адли уйини айлайин деб маъмур,
Саъй айладим ул қадарким, эрди мақдур.
Ҳар нечаки, тенгридин етар шамъға нур,
Парвона эрур жони куярдин маъзур[4].

[1] Ўша асар. 166 бет.
[2] Ўша ерда. 167 бет.
[3] Ўша ерда.
[4] Ўша асар. 168 бет.

Навоийнинг барча интилишлари адолат, ҳаққониятни барпо қилиш мақсадида қилган ишлари эл хизматида бўлмоқ иштиёқидан келиб чиқар эди. Унинг кўнглида бошқа ҳеч қандай фикр, ўй, ғараз йўқ. У ўз фаолияти эвазига ҳеч қачон ҳеч нарса тама қилмаган, бирор нарса кутмаган ва кутмас ҳам эди. Шоирнинг бу хизматдан топгани фақат меҳнат ва заҳмат бўлган. Бу фикрни шоир қуйидаги рубоийда баён қилади:

Элдин манга гарчи ғайри заҳмат йўқ эди,
Айб эрмас агар музд ила миннат йўқ эди.
Эл бердилар, аммо манга рағбат йўқ эди,
Шаҳ давлатидин буларға ҳожат йўқ эди[1].

Бу рубоийнинг охирги мисраси Навоийнинг ўз шоҳидан миннатдорлиги, унинг хайру эҳсонидан баҳраманд бўлиб, ер-сув, мулкка эга бўлганига ишорадир. Яна бу мисра «Вақфия» Муқаддимотнинг иккинчи бўлаги – Навоийнинг бино қилган иморатлари, уларнинг саноғи ва таърифига ўтмоқ учун бир кўприк бўлди. Бу таърифга ўтишдан олдин шоир ўзининг бори-йўғини, бутун мулкини элга бағишловини билдирувчи бир рубоийни келтиради:

Мақсуд чу шоҳи динпаноҳ ўлди манга,
Уқбо мори ҳар не зоди роҳ ўлди манга.
Мажмуъни қилдим онинг оллиға нисор,
Бу ҳужжат учун тенгри гувоҳ ўлди манга[2].

Шундан кейин бино қилинадиган иморатлар, боғ-роғлар санаб чиқилган. Шулар орасида келадиган бир рубоийда Неъматобод боғи тўғрисида сўз бор. Маълумки, Неъматобод Навоийнинг кўнглига яқин жой эди. Шоирнинг дўсти Паҳлавон Муҳаммаднинг бозгирлари (курашчилар) билан ўтказадиган машғулотлари шу ерда бўлар; бу боғда кўп шоир, фозиллар ҳам йиғилишлар, шеърий суҳбатлар ўтказар эди. Навоий «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида Неъматобод боғи тўғрисида меҳр билан сўзлайди. Астроободдан Паҳлавон Муҳаммадга ёзган мактубида шоир Неъматободни соғиниб ёдлайди. «Вақфия»да Неъматобод боғининг аниқ жойи айтилган.

Бу буқъаки то биноси бунёд ўлди,
Эл ҳожат ила фақрдин озод ўлди.
Дарвешу ғани неъматидин шод ўлди,
Бу важҳдин оти Неъматобод ўлди[3].

Муқаддимот Навоийнинг ўз шоҳига садоқат изҳор этувчи тўртлиги билан якунланади:

То сокин эрур даҳру фалак мустаъжил,
Сурсун икисига ҳукм шоҳи одил.
Андин манга бу мурод бўлсун ҳосил,
Мандин анга бу бандалиғ ўлсун восил[4].

---

[1] Ўша ерда.
[2] Ўша асар. 169 бет.
[3] Ўша асар. 171 бет.
[4] Ўша асар. 176 бет.

Навоийнинг шоҳга садоқати адолат ва халқпарварликка садоқатини билдирар эди. Чунки шоир ўз шоҳини ана шу олийжаноб мақсадларни амалга оширувчи куч деб билган. Бу эътиқоднинг қанчалар амалга ошган-ошмагани тарих сабоқларидан аён.

ЯКУНЛОВЧИ РУБОИЙЛАР

«Вақфия» тўрт рубоий билан тугалланган. Улар бир-бирлари билан боғлиқ, шоирнинг бутун китобда айтган гапларига хулоса ясайдилар.

Биринчи рубоий яратувчига мурожаат. Унда шоир «Вақфия»да айтилган фикрларнинг туб моҳиятини баён этган. Шоирнинг мақсади «фақир эмгагини» тортмоқ. У «Вақфия»да айтилганларнинг қабул бўлишини тилайди.

Олам ишидин мени маълул эт, ёраб,
Фақир эмгаги тортурга ҳамул эт, ё раб.
Бу ишқи, сенинг ризонг учун қилмишмен,
Ҳам айни ризо билан қабул эт, ё раб[1].

Иккинчи рубоий тарих (хронограмма)дир. Унда шоир вақф ишининг тугалланганига шукроналар қилади. «Вақфия»нинг саккиз юзу саксон олтинчи 886 (1481–1482) йилда ёзилганини айтади.

Юз шукрки, буқъалар мукаммал бўлди,
Вақфи бу ҳудудким, муфассал бўлди.
Саккиз эдию сексан олти тарих (886)
«Вақфия»си ул кунки мусажжал бўлди[2].

Кейинги икки рубоийда шоирнинг «Вақфия»ни қандай заҳматлар билан битганини ўқиймиз. Навоий айтилган шартларга амал қилувчиларга раҳмат айтади, кимки уни бузадиган бўлса, унга лаънат ўқийди. Ана шу фикрлар охирги рубоийда кескинроқ такрорланади. Шоир айтилган қоидаларга риоя қилувчиларни дуо қилиб, уларга яхши истаклар изҳор қилади. Аммо кимки, бу қоидаларни бузгудек бўлса, уларнинг «Ҳақ лаънату қаҳрига» учрашларини тилайди.

«Вақфия»ки, тортилди басе заҳмат анга,
То бўлди шароит хатидин зийнат анга.
Машрут ила ким қилса амал раҳмат анга,
Улким мунга тағйир берур лаънат анга[3].

Бу рубоийдаги фикрлар, асосан, Маҳдудотнинг «шароит» қисмига оиддир. Чунки ўшанда шоир вақфни амалга оширмоқ шартларини муфассал кўрсатган. Бу рубоийда сўз ана шу шартларга қаттиқ риоя қилиш тўғрисида кетмоқда. Худди шу фикр янада қатъийроқ тарзда охирги рубоийда эшитилади:

---
[1] Ўша асар. 180 бет.
[2] Ўша ерда.
[3] Ўша ерда.

Бу қоидани кимки тузар, бор бўлсун,
Тенгри бори ҳолатда анга ёр ўлсун.
Ким бузса, бузуқлиққа сазовор ўлсун,
Ҳақ лаънату қаҳрига гирифтор ўлсун[1].

Навоийнинг «Вақфия» асари хилма-хил аҳамиятга молик асар. У – даставвал ҳужжат. Навоийнинг таржимаи ҳоли тўғрисида муҳим маълумотлар берувчи ҳужжат. Муқаддимадан ўқувчи Хуросонда Султон Ҳусайн ҳукмронлиги ўрнатилган вақтда шоирнинг кайфияти, аҳволи руҳияси қандай бўлгани тўғрисида аниқ маълумот олади. Навоий узлатга чекинмоқчи, дунё ишларидан четланмоқчи эди. Султон ёрлиғи келгач, у сидқидил билан хизмат қилди. Эл нафини кўзлаб иш тутди, обрў, эътибор қозонди, мол-мулк эгаси бўлди.

Маҳдудот шу мулкдан тушган даромаднинг тўлалигича, илм-маърифат учун, мамлакат манфаатлари учун ишлатилмоғи мақсадида ёзилган ҳужжат. Уни агар қонуншунослик, иқтисодшунослик, жамиятшунослик ҳамда математика терминшунослиги бўйича ҳам тадқиқ этилса кўп қизиқарли хулосалар чиқариш мумкин.

«Вақфия» – тарихий асар. Унда биз Хуросондаги сиёсий ҳокимиятнинг тузилиши, унинг таркибий бўлаклари, давлат хизматчиларининг тутган ишларини кўрамиз. «Вақфия»да даврнинг умумий характеристикаси берилган. Зўравонларнинг эл бошига етказаётган ситамлари очиб ташланган. Турли табақа вакилларининг қилган ҳақ ва ноҳақ ишлари тўғрисида рўйи-рост гапирилган. «Вақфия» – бадиий асар. У наср ва назм билан ёзилган. «Вақфия»нинг насрий матоси ғоят бадиий, у шоирнинг юксак насрнавислик маҳоратини акс эттиради. Яна у XV асрда Ҳирот адабий муҳитидаги ўзбек насри тўғрисида тасаввур туғдиради.

«Вақфия»даги шеърлар насрий мазмуннинг шеърий шарҳидир. Уларнинг таъсир кучи зўр. Ҳар бир мисрада шоирнинг эҳтиросли қалб овози эшитилиб туради. Уларда баён этилган кайфият, руҳ ўзининг самимияти ва ҳаққонийлиги билан ана шундай куч касб этган. «Вақфия»даги шеърлар Навоий назмининг узвий бўлагидирлар.

СЕВГУЧИ КЎНГИЛ ИЛТИЖОЛАРИ

Навоийнинг ҳар томонлама тадқиқот қилинмаган асарларидан бири наср билан битилган «Муножот»дир. «Муножот» Огаҳ Сирри Лаванд нашр этган Навоий асарларининг тўрт томлигида келтирилган[2]. «Муножот»ни Огоҳ Сирри Лаванд Навоийнинг насрда ёзилган асарларининг энг гузалларидан, Навоийнинг насрий асарлари ичида тил, услуб жиҳатидан энг юксак даражадагиси деб баҳолайди.

«Муножот» шоирнинг шоҳга мурожаати. Аммо «Хамса» достонларидаги мурожаатларда бўлгани сингари бунда ҳам Навоийнинг кўнглига энг яқин ҳис-туйғулар, севги-садоқат ва чин инсонийликни улуғлаш унда алоҳида ўрин эгаллаган.

Асарнинг бошланиш қисмида шоир Илоҳни улуғлайди, унинг Расули сифатларини баён қилади. Бу анъанага мувофиқ ёзилган бўлаклардир. Шундан кейин асар қаҳрамонининг қалбини тўлдирган ҳаяжонли кечинмаларнинг шоирона изҳори келади. Унда изтироб ва қийноқлар билан тўла умр йўлини босиб ўтган инсон гавдаланади. У қора рўзғорли, ўзига паноҳ қидирмоқда бўлган гуноҳкор. Унинг иши журм ва исёндан иборат. У кимсасиз,

[1] Ўша ерда.
[2] Agah Sirri Levend. Mir Alisher Nevai. 1965. 239 б.

ёлғиз. Чекиниш ва тақво ниҳоли нафсу ҳаво елидан йироқ, саломатлик жамоаси ёмонлик қўшинларининг талонидан тор-мор бўлган.

Асарнинг қаҳрамони ана шу паришон рўзғор бир бечора. Аммо унинг инсонийлик ғурури ва мустақиллиги бардавом.

«Илоҳо, агарчи журму исёндан ўзга ишим йўқ, аммо сендан ўзга кишим йўқ.

Илоҳо, йўқ эрдим, бор этгинг тифл эрдим, улуғлар жирғасиға қоттинг, аммо нафсу ҳаво елидин зуҳдим ниҳолин ушоттинг ва офиятим хайлин ёвуқ сипоҳи турктозидин тарқаттинг.

Илоҳо, ёмон афъолимдин паришонлиғим чўқтур ва шум нафсимда пушаймонлиқ йўқтур, мундоқ балодин қутулурға уммидим сендин-ўқтур».

Бу бадиий лавҳаларда икки образ – ожиз ва гуноҳкор инсон ва ҳамма нарсага қодир улуғ илоҳ учрашадилар. Асарнинг лирик қаҳрамони – инсон ўзининг ёмонлиги, шум нафси қаршисидаги бандалигидан шикоят қилади. Ўзининг ёмонлиги туфайли ўзлигидан ўта олмаслигини, яхшилар этагини тута олмаслигини билдиради.

«Илоҳо, ўзлук ёмонлиғидин ўзлигим билан ўта олмайдурмен». Аммо инсоннинг ана шундай мураккаб ҳолатга тушиб қолганига сабаб нима? Кимнинг ихтиёри билан инсон азоб ва қийноқлар исканжасида банди бўлиб қолмоқда. Ахир барча нарсага қодир ва қобил, ҳар кимнинг тақдирини ўз хоҳиши билан белгиловчи илоҳ иродаси тақозо этмаганда, инсон шундай нотавонлик қурбони бўларми эди.

Навоий унинг қудрати чексиз эканлигини илоҳнинг ўзига эслатади.

«Илоҳо, йиллар ибодат қилганни рад этсанг, ҳеч ким даҳл қила олмас ва қарилар исён қилганни қабул қилсанг, ҳимматинг ҳеч ким била олмас.

Илоҳо, Одам хилофот тахтининг муставжиби ўзими бўлди, сенинг тақдиринг бўлмай Шайтон мухолифатинг сўзими бўлди?..»

Илоҳнинг ихтиёри зўр, қудрати буюк, ҳамма нарсани унинг ўзи юзага келтиради. Бас, шундай экан, дунёда бор фисқ, фужур, зуҳд ва вараъ (парҳез) туҳматини ожиз бандага боғламоқнинг ҳожати борми?

«Илоҳо бергувчи сенсен ҳам фисқу фужурни, ҳам зуҳд, ҳам вараъни, аларнинг туҳматин бир неча ожизга боғламоқ, не яъни».

Ана шундай таъсирли мурожаатдан сўнг Навоий ўзининг «Ким эса осийю гуноҳкорроқ, лутф ила раҳматга сазоворроқ» («Ҳайрат ул-аброр») тезисини аён этади. «Илоҳо, иноятингга сазовордурменким, хато ва саҳвим беададдур».

Лирик қаҳрамоннинг Илоҳга садоқати – чин садоқат. Навоий яшаган давр ва муҳитда бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Бу қаҳрамон ўз мурожаатида Илоҳни ягона ҳимоячи деб билади.

«Илоҳо, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам, рад қилса, сенга таважжуҳ этгаймен, агар сен рад қилсанг, нетгаймен ва кимга кетгаймен».

Бу разил ва бедод муҳит ичра бўғилган покиза бир вужуднинг мадад истаб кўтарган фарёди эди. Бутун борлиқни қамраб олган ғайриинсоний кучларнинг бешафқат тажовузидан қутилиш истаб талпинаётган жон қушининг ожизона чирқираши эди, бу нидолар!

Лирик қаҳрамон ўз ожизлигидан ўкинади. У камтарона бўйсуниш билан юз берган ва юз беражак барча хато ва нуқсонлар учун ўзини айблайди, у ўз Илоҳидан ёвуз душманлардан ҳимоя қилишни ўтинади, ундан кўмак ва ёрдам кутади.

«Илоҳо, ёмонлигимдин агарчи кўп аламим бор, ғамхорим сен бўлсанг не ғамим бор.

Илоҳи, бу йўл сайрида шайтонни теграмга ёвутма, агар ул адув йўл урса зуҳдумдин не келгай, иноятингни ўксутма».

Инсоннинг ашаддий душмани шайтон. «Муножот»да Навоий шайтонни инсон ўзлигини бузишга интилувчи одамни ўз таъсирига ола бошлаган шайтоннинг бу ёвузликдаги иттифоқчиси одамнинг ўз нафси. Ана шуларнинг сиртмоқдан қутулишни истаган, аммо бунга эришмоқдан ожиз киши ўз Илоҳига мурожаат қилиб дейди:

«Илоҳо, душмандур шайтони ҳийланамой манга ва нафси бадратдур корфармой манга, бу варталарда дастгир бўлмасанг, вой манга».

Шунга қарамай, лирик қаҳрамон ўзининг нияти соф эканини таъкидлайди, шунинг учун ҳам у ҳали умидини йўқотмаган.

«Илоҳо, агар ҳосилатим эгридур, ниятим туздур, бу жиҳатдан агар қўрқинчим бирдур, аммо умидим бирга юздур».

Шундан кейин мавзу тақдирга кўчади. Агар илоҳ бир нарсани тақдирга битган бўлса, у албатта юз беражак. Бу тақдирни ҳеч ким ўзгартира олмайди.

«Илоҳо, тақдир қилганини қилурга не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳадди бор».

Лирик қаҳрамоннинг тақдири эса севги ва жунунга гирифторлик. Бу туйғу Илоҳ топшириғи бўлган тоатга ҳавас ва ибодатга интилишдан ҳам кучлироқ.

«Илоҳо, тоатингға ҳавасим бор, аммо нафсқа забунмен, ибодатингга мултамасим бор, аммо гирифтори ишқу жунунмен».

Бу Илоҳнинг ўзи белгилаган тақдирдир. Ана шу ерда лирик қаҳрамоннинг ички дунёси очиқ кўрсатилади. У ўз Илоҳи белгилаган йўлдан бориб, гўзаллар суратига маҳлиё бўлади. Уларнинг беқиёс ҳуснига мафтун, паричеҳралар девонаси, шамрухсорлар атрофида гир айланадиган капалак. Бу ошиқи беқарорлик билан оламда гап-сўз бўлиб, расволикка тушган бир шайдойи.

«Илоҳо, париузорларга мени девона қилдинг ва шамъи рухсорларга кўнглумни парвона қилдинг, бу сабаблардин расволиғ била оламга афсона қилдинг».

Энди биз лирик қаҳрамоннинг ўзлиги билан танишамиз. У гўзалликни чин юракдан қадрловчи соф инсоний муҳаббат соҳиби. У қора зулфлар савдосидан занжирбанд бўлган мажнун. У хуш ҳид таратувчи қора холларнинг асири. Унинг ана шундай ошиқлиги Илоҳнинг ўрнатган қисмати туфайли. Бу ишқ мақсуди аниқ. У қора киприклари билан кўнгил мамлакатини талон-тарож қилувчи яғмогар, у ошиқнинг сабр уйини ер билан яксон қилувчи бир гулчеҳра.

Навоийнинг ана шу қисмдаги ифода ва изҳори севги тантанаси, чин инсон гўзаллиги ва бу гўзаллик учун фидойиликка аталган илҳомли бир қиссадир. Гўзаллик соҳибасининг тавсифи, ёр ҳусни кўйида ўзини ҳар қаёнга урувчи телба кўнгил, бу кўнгилнинг чекаётган изтироблари ва шу изтиробнинг аламли, аммо лаззатбахш дардлари ана шу ерда ўз аксини топган. Маҳбубанинг гўзаллиги ошиқ кўнгилга тушган севги алангасига боисдир. Бу ҳам Илоҳ иродаси. Лирик қаҳрамоннинг ишқ йўлидаги савдойилиги шу Илоҳ белгилаган қисматнинг амалга ошмоғи, холос.

«Илоҳо, неча мусалсал зулф савдосидин бўйнимда занжир бўлғай ва муанбар хол хаёлидин кўнглум асир, санга тақдир бу навъ эрса, манга не тадбир.

Илоҳо, кўнглим кишвари қора киприклар ясолиқ яғмосидин бузуқтур ва сабрим уйи гулранг узорлар хўйи селидин йиқиқтур».

Бу тасвирда ёр образи ўзининг бор ҳусндорлиги билан намоён бўлди. Қора зулф ва киприклар гулранг чеҳралар тавсифидан сўнг оташин лаъл лаб, ғунчадек оғиз, шўх шитоб юришлар, бу юришдаги беқарорлик барчаси бирма-бир ўз шоирона тасвирини топа

боради. Гўзаллар жамоли ва камолининг ошиқ кўнглига солаётган ғулғулалари юксак бадиий тасвирлар воситасида баён этилади. Ёр лабининг қизиллиги ошиқ кўнглидаги ўт шуъласининг инъикосидир; ғунча атрофидаги тиканларда ошиқ кўнглига санчилган пайконлар ўз аксини топган; ёрнинг шитоб қадам ташлашидан ошиқ дилида изтироблар ортади. Бундай гўзалликка шайдолик, севги туфайли юз бераётган аламлар туғёни ҳам Илоҳ белгилаган тақдир натижаси. Лирик қаҳрамон сендин ва ошуфта кўнгулнинг мубталолиғи ҳам сендан.

«Илоҳо, биров ҳуснига малоҳат берурсен ва анинг тузин менинг кўнглум жароҳатиға сепарсен.

Илоҳо, гул узориға дилафрўзлик ҳам сен бердинг ва булбул фиғону зорига жигарсўзлуқ ҳам сен бердинг».

Кейинги бўлакда бевосита ошиқ хатти-ҳаракатининг тасвири келади. У май базмида шароб ўрнига қадаҳ-қадаҳ қон ютади. Севги мубталолиги туфайли ошиқ ўз дину имонини барбод қилган, телбанамо ҳар ён югуриб, номусни ер билан яксон этган, халойиққа гап-сўз бўлиб, мажнун сифатида ном қозонган ва болаларнинг тош ёмғирларига дучор бўлиб тентираган, дўстлар маломатига қолиб кетган.

«Илоҳо, агар ишқи суубатидин базм туздим ва сели офатидин тақвау зуҳдум буздум, ул май ичмак ва аёқтутмак эрдиким, аёқ-аёқ қон ютмак эрди.

Илоҳо, агар ҳажри шиддатидан тиканлар ўртадим, дини исломим мазраъида хирмонлар ўртадим.

Илоҳо, ҳар туган саволидин офиятим рухсорин қаро қилдим ва анинг дудидин имоним рўзгорин қаро қилдим.

Илоҳо, агар ҳавасдин бош-аёғ яланг ҳар ён югурдим, бошдин-оёғим ёмон эрканин халойиққа билдурдум.

Илоҳо, агар шавқи жунунидин кўксумга тош урдим, ул тош билан нангу номусум шишасин синдирдум.

Илоҳо, гоҳи бу жунундин атфол тошин бошимга ёғдурдум, гоҳи аҳбоб маломати нишин кўнглимга еткурдум».

Бу ифодаларда чин инсоний ишқ туғёни, ошиқу мубталоларнинг аянчли аҳволи кўрсатилади. Аммо ошиқ қалбининг бу ҳаяжон ва изтиробга тўла нидоларида заррача пушаймонлик ёки афсус йўқ. Аксинча, бу ишқ ҳарорати ва у туфайли юз берган савдойилик учун белгиланган илоҳий қисмат. Шу қисматни ошиқ сидқидил билан ризо бўлиб қабул қилган. Ошиқ у севги туфайли юз берган бахтсизлик – ёмонликни элга ошкор этиш, нанги номусни барбод қилиш, дўстлар маломати ва болалар хуружига дуч келишларини севгининг табиий оқибати сифатида сўзсиз ризолик билан қабул қилади, уларга парво ҳам этмайди. Чунки унинг юраги чин севги туйғулари билан тўла. Лирик қаҳрамон ўз йигитлигининг ишқ йўлидаги зулм-ситам қаттиқликларини чекиш билан ўтганига иқрор ва рози. Аммо у умр ўтди. Энди не қиларин билмай қолди.

«Илоҳо, йигитлигим бу навъ ҳам қаттиғ ўтти ва аччиғ, қарилиғда юз қатла ўзимни ўлтурсам не асиғ».

Ошиқ энди дунёдан юз ўгирмоқчи. Аммо унинг қўлидан бу иш келмайди. Бирдан-бир чора Илоҳ паноҳидир. Шунинг учун лирик қаҳрамон яна ўз Илоҳига ёлборади:

«Илоҳо, эмди ҳар ким барчасидин кечмак хаёлин қилурмен, ўзлигим била кеча олмон, яқин билурмен.

Илоҳо, андоққи, бу балоларга солдинг, қутқор ва андоққим, бу ибтилоларга киюрдунг, чиқар».

Лирик қаҳрамон ишқ йўлида бошига тушган савдоларни очиқ-ойдин ҳеч яширмай баён этган ошиқ риё ва ужб билан боғлиқ барча тоат, тавба, намоз ва ҳирқалардин воз кечади. Уларни худнамолик ва худдорлик деб билади. У фақат узрга етказувчи гуноҳнигина тан олади («Илоҳо, ул таотки, ужб келтиргай, кўнглумга ёвутма ва ул маъсиятиким, узрга еткургай тилимдин йироқ тутма»).

«Муножот» нинг охирида турмуш кўринишларига оид тилаклар изҳор этилган. Унда лирик қаҳрамон ўзининг:

«Илоҳо, намозеки эл бўлмагунча қилмагаймен, худнамолиғдур ва ул намоз учун ҳирқа ва ридо худоролиғдур.

Илоҳо, ул нумойиш ва оройишдин кўнглимни мубарро қилгил ва бу навъ шайтон либосидан паркоримни муарро эткил»,

деб хитоб қилади. Лирик қаҳрамон турмушдаги ёмонликлардан холи бўлишни истайди. Бу ёмонликлар – беилож дард, бемурувват номардларга қарамлик, бекасларга хор бўлмоқ, бедиёнатлар туҳматига учрамоқ, жоҳиллар суҳбатига боғланиб қолиш, разиллар ҳашаматига ҳожатмандлик. У Илоҳдан ана шундай оғир аҳволлардан сақламоқни сўрайди, ўзини ношукурлар, кўрнамаклардан узоқ тутишни илтижо қилади:

«Илоҳо, беилож дардга алил қилма ва бемурувват номардга залил қилма.

Илоҳо, беасллар мазаллатидин асра ва бедиёнатлар туҳматидин асра.

Илоҳо, жоҳил суҳбатига побанд этма, арозил ҳашматига ҳожатманд этма.

Илоҳо, носипослар мулойиматидин йироқ тут ва ҳақшунослар хусусиятидин қироқ тут».

«Муножот» қоидасига биноан, лирик қаҳрамон ўзининг Илоҳга муҳаббатини яна бир бор изҳор этади. «Муножот» «Подшоҳи исломни (яъни, Ҳусайн Бойқаро) муслимлар бошига бардавом этмоқ» тилаги, бунинг эса бандалар устига Илоҳ соясининг тушиб турмоғи эканини таъкидлаш билан якунланади.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Навоий қаламига мансуб ҳар бир асар, било истисно, севги, инсонийлик, пок, олийжаноб инсоний сифатларни куйлайди, юксак фазилатлар эгаси бўлган инсонни улуғлайди. Ҳатто бевосита Илоҳ номига қарата айтилган муножот ҳам чин инсоний севгининг таърифи билан тўла; бу севги йўлида қатъият билан борувчи, инсон гўзаллигига маҳлиё бўлган ошиқнинг баланд парвози ва олийжаноб ҳимматини улуғловчи бир мадҳия бўлиб жаранглайди.

«СИРОЖ УЛ-МУСЛИМИН»НИНГ ЯРАТИЛИШИ

«Сирож ул-муслимин»нинг ёзилиш сабаблари:анъанавий кириш қисми беш байтдан иборат. Унда Ҳақ оти тилга олиниб, унинг йўқни бор қилиш қудрати эътироф этилган ҳамда барча анбиё пешвоси Муҳаммад алайҳиссаломга салом берилади. Шундан сўнг «Китоб назмининг сабаби» баён қилинади.

Қилур арз ушбу водий раҳнамойи,
Ғариби бенаво, яъни Навоий...

Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Навоийнинг шеърлари олам аро ёйилди, кўп одамлар бу шеърларнинг мафтуни бўлдилар. «Сирож ул-муслимин»нинг кириш қисмида ана шу ҳолни шоир таъкидлаб бундай деб ёзади:

Ки чун офоқ, шоҳи давлатидин,
Анинг ҳам тарбият, ҳам ҳиммaтидин.

Не шоҳ Султон Ҳусайн ул шоҳи Ғозий,
Мамолик шахларининг сарфарози.

Ки минг йил олам ичра шоҳи бўлсун,
Салотин бандаи даргоҳи бўлсун.

Менинг назмим ёйилди олам ичра,
Кўп офат солди хайли одам ичра.

Бир куни суҳбатда бир одам дебдики, Навоий шеърлари бу бир олий работдирки, унинг ҳар бир хонасида мусофирлар ҳам истироҳат қиладилар, ҳам ўз муродларига етадилар:

Биров бир кун деди айлаб нишоте
Ким, ул қилмиш бино олий работе.

Мусофирга ҳар уй бир турфа манзил
Ки, ҳам орому ҳам ком анда ҳосил.

Шоир бир уй қурганидан нима фойда, унинг шеърларининг зарари туфайли кўп уйлар бузилмоқда. Унинг шеърларини ўқиган одамлар пайдар-пай ошиқлик ва мастликни ҳавас қилиб қоладилар. Шу билан у яхшилик биносини тиклайман деб ислом ва дин уйини бузмоқда, – дейди бошқа бири.

Эшиттим базмининг бир нуктадони
Шаҳи Соҳибқирон жон дар миёни.

Демиш: на суд гар бир уйни тузмиш
Ки, базми шайнидин кўп уйни бузмиш.
Ўқуғон эл анинг шеърини пайваст,
Тилар бўлғай ҳамиша ошиқу маст.

Солиб ислому дин уйига ошуб,
Бинойи хайр буткармак не маҳсуб.

Шоир бу гаплардан хабар топгач, қаттиқ изтироб чекади, у кимнинг бундай деганини билади, аммо унга ҳеч нарса демайди.

Тушуб бу нуктадин жисмим аро печ,
Чу билдим, ким демиш, дам урмадим ҳеч.

Шундан сўнг Навоий бир асар ёзиб, унда ислом дини қоидаларини баён этмоқчи, бу билан ўзининг душманларига жавоб бермоқчи бўлади. Шунда ҳам шоир яна ўз она тили ва халқини баҳраманд этмоқни ўз олдига вазифа қилиб қўяди:

Баён қилғаймен андоқ равшану пок,
Ки, идрок этгай они хайли атрок.

Бу изоҳ бизга Навоий мансуб бўлган доирадаги муҳит ва унда Навоийга қарши турган кучларнинг шоирга тажовузларидан хабар беради. Навоийнинг душманлари унинг шеърларидаги инсоний туйғулар – севги, садоқат, ҳаёт ва инсонга муҳаббат ғояларининг ташвиқига қарши чиқадилар. Бу изоҳ гуманист мутафаккир шоир билан таассуб ўртасидаги кескин ва жиддий курашни кўрсатади. Яна бу изоҳ орқали шоир атрофини ўраган тор ва тубан муҳит, унда ҳукмрон бўлган фисқу фужур, ёмон ниятли кишиларнинг иғвогарлиги, шоирга қарши нақадар пасткашлик билан қилинаётган ҳужумлардан дарак беради. Шоирнинг душманлари ўша давр учун энг оғир ва ҳалокатга элтувчи айбни Навоийга юкламоқчи бўладилар. Яъни Навоий шеърлари дин ва ислом уйини бузмоқда, деб даъво қиладилар. Улар шоҳнинг шоирга хайрихоҳлигини билган ҳолда Навоийга яна шундай хуруж қиладилар. Чунки шоҳ бу айб бўйича ҳукм чиқармоғи лозим. Ана шундай вазиятда бўлган Навоий ислом қоидаларининг ташвиқига оид асарини ёзмоққа мажбур бўлади. Аммо бу нияти ҳали қатъий эмас эди. Шунинг учун у дарҳол бундай асар ёзишга киришавермади. Бироз фурсат ўтди. Навоий Самарқандда бир киши билан учрашди. Бу киши ўша замонанинг «Пешвои аҳли иршод» (Йўлбошчиларнинг пешқадами») Убайдуллоҳнинг истагини билдиради. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорий ҳам Навоийнинг ислом қоидаларига бағишланган асар яратишини талаб қилар эди. Шу йўсинда «Сирож ул-муслимин» китоби юзага келади.

«Сирож ул-муслимин» биз учун исломшунослик нуқтаи назаридан аҳамиятга эга. Тилшунослар эса тил материали манбаи сифатида ундан истифода этмоқлари мумкин. Китобнинг кириш қисмидаги изоҳ эса Навоий ҳаёти ва муҳитини ўрганиш учун муҳим маълумот беради. Яна бир нарсага диққат қилиш керак. Бу китоб 905 (1499–1500) йилда ёзилган. Аммо юқорида Навоийнинг Самарқандда бир киши билан учрашгани ва у кишининг Навоийга Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорийнинг гапларини етказгани айтиб ўтилади. Навоий эса Ҳусайн Бойқаро подшоҳ ҳузурида бўлган иғвогарлар хуружидан кейингина «Сирож ул-муслимин»ни ёзмоқчи бўлган эди. Демак, шоирда бу фикр туғилганидан сўнг, у яна бир бор Самарқандга борган бўлиб чиқади.

АФСОНАЛАР ВА ҲИКМАТЛАР

Навоий асарлари ичида унинг умумий тарихга оид бир асари бор. Бу асарнинг номи «Тарихи анбиё ва ҳукамо» деб юритилади. Навоий асарларининг ўн беш томлик нашрида «Тарихи анбиё ва ҳукамо»дан парча эълон қилинган[1].

«Тарихи анбиё ва ҳукамо»ни Е. Э.Бертельс ўзининг рус тилидаги «Навоий» китобида Навоий асарлари орасида санаб ўтади[2]. Ўша рўйхатда «Тарихи анбиё ва ҳукамо» Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» китобидан кейин келади. Н.М.Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида «Тарихи анбиё ва ҳукамо» Навоийнинг «диний ва ахлоқий масалаларга доир» асарлари қаторида кўрсатилган[3].

[1] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. XV том. 1968. Нашрга тайёрловчи Латиф Халилов. Масъул муҳаррир А.Қаюмов.
[2] Бертельс Е.Э. Навои и Джами. – М.: 1965. С. 205.
[3] Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1965. 429 бет.

Турк олими Огаҳ Сирри Лаванд «Mir Alishir Nevai» китобининг I ва IV томларида Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари тўғрисида умумий обзор берган[1]. I томда Огаҳ Сирри Лаванд бу асарнинг икки бўлакдан иборат бўлиб, биринчи бўлагида Одамдан Исогача бўлган пайғамбарлар, Исо издошларидан Жерсис ва обидлар тўғрисида сўз боради, иккинчи бўлагида эса ҳакимлар тўғрисида баҳс бор, деб ёзади. IV томда «Тарихи анбиё ва ҳукамо» тўғрисидаги умумий ахборот ва унда зикр этилган шахсларнинг рўйхатлари берилган.

«Ўзбек адабиёти тарихи»нинг II томида Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари ҳақида махсус мақола эълон қилинган[2] (муаллифи Т.Ғафуржонова). Унда Навоийнинг ушбу асари ҳанузгача кам ўрганилгани қайд этилади, унинг асосий хусусиятлари очиб берилади ва «Тарихи анбиё ва ҳукамо» Навоийнинг сермазмун ижоди ва фикр дунёсининг мураккаб бир томони сифатида адабиётимиз тарихида аҳамиятли асардир, деб хулоса қилинади[3].

Навоий бирор жойда ўзининг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» деган асар ёзганлигини хабар қилмайди. Асарнинг ўзида ҳам бундай ном учрамайди: фақат асарнинг охирги бобини Навоий «Ҳукамо зикри» деб атаган. Биз бу ишимизда ЎзФА Ҳ.Сулаймонов номли Қўлёзмалар институтидаги № 533[4] қўлёзма ва Париж ҳам Тўпқопи[5] (Туркия) кутубхоналаридан олинган Навоий куллиётининг фотонусхаларидан истифода этдик.

Навоий ўзининг умумий тарихга оид асар ёзгани тўғрисида «Муҳокамат ул-луғатайн»да бундай ёзган: «Бу Хамса шуғулидин чун фароғат топибмен, таҳайюлу гети навардин салотин тарихи дашти чопибмен, чун нома саводи зулматидин «Зубдат ут-таворих» адосин тузубмен, салотин отин бу ҳайвон суйи била тиргузупмен»[6]. Шу айтилганлар асосида Навоий асарларининг XIV томида (тузувчи П.Шамсиев, муҳаррир С.Ғаниева) «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» номлари билан машҳур бўлиб юрган икки китоб бир-бирининг давоми бўлиб, улар ўша айтилган «Зубдат ут-таворих» асаридир, деган фикр билдирилган[7].

Огаҳ Сирри Лаванд ўзининг китобида «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ва «Тарихи мулуки Ажам» китобларининг мавзусини санаб чиқади, сўнгра «Муҳокамат ул-луғатайн»да айтилган Навоийнинг юқоридаги сўзларини «Маҳбуб ул-қулуб»да айтилган, дейди ва «Зубдат ут-таворих»ни алоҳида асар сифатида талқин қилади[8].

«Ўзбек адабиёти тарихи»нинг II томида ҳам шу икки асар «Зубдат ут-таворих»дир деган фикрга эътироз бор[9].

Маълумки, Шарқ тарихшунослигида ҳар бир тарих китоби Одамнинг пайдо бўлиши, ундан сўнг пайғамбарларнинг қилган ишлари тўғрисидаги ҳикоялардан бошланади. Сўнгра Эроннинг афсонавий сулолалари пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар ва сосонийлар сулолаларига оид воқеалар тасвирланади ва ниҳоят, муаррих баён этмоқчи бўлган замонавий воқеаларга ўтади. Бу қатъий ўрнашган бир анъанадир.

---

[1] Огаҳ Сирри Лаванд. Mir Alisir Nevai. С. 239; Ўша асар. IV том. С.43-46.
[2] Ўзбек адабиёти тарихи. II том. – Тошкент, 1977. 453–457-бетлар.
[3] ЎзФАШИ. Қўлёзма № 7412 I ва № 6871 нинг илмий таърифи ЎзФА Қўлёзмалар каталогида берилган. Қаранг: Собрание восточных рукописей Академии наук УзССР, Т. VII. Ташкент, 1964. С. 340–341.
[4] Қўлёзма № 533 нинг илмий таърифи М.Ҳакимовнинг «ЎзФА Ҳ.Сулаймонов номли Қўлёзмалар институтидаги Навоий асарлари қўлёзмаларининг каталоги»да берилган.
[5] Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан//Адабий мерос. 3-том. – Тошкент, 1973. 83–92-бетлар.
[6] Алишер Навоий. Асарлар. XIV том. 120-бет.
[7] Ўша китоб. 262-бет.
[8] Огаҳ Сирри Лаванд. Mir Alisir Nevai. Т. I. С. 239.
[9] Ўзбек адабиёти тарихи. II том. – Тошкент, 1977. 440-бет.

«Тарихи анбиё ва ҳукамо»да Навоий ҳам сўзни Одамдан бошлайди, сўнг набилар, улар кетидан обидлар ва ҳакимлар тўғрисида сўзлайди. «Тарихи мулуки Ажам»да Эрон маликлари сулолалари тўғрисида сўз боради. Демак, Навоий ўша анъанага тўла риоя қилган ҳолда воқеалар тизмасини тузган.

Бундан ташқари, «Тарихи анбиё ва ҳукамо»ни Навоий қуйидаги жумла билан тугатади: «Чун анбиё алайҳиссалом сўзи ва уббод ва ҳукамо тарихи алалижмол мазкур бўлди, энди Ажам мулуки зикрига шуру қилоли. Ва мин Аллоҳуттавфиқ валлоҳу аъзам биссавоб»[1]. Маълум бўладики, «Тарихи анбиё ва ҳукамо» китобидан сўнг унинг давоми сифатида «Тарихи мулуки Ажам» китоби келади. Ҳар иккаласи бир бўлиб яхлит бир асарни ташкил қиладилар. Шунинг учун ҳам бу яхлит асарнинг номи «Зубдат ут-таворих» бўлиши мумкин. Аммо келгуси тадқиқотлар бу масалага яна равшанлик киритар.

«Тарихи анбиё ва ҳукамо» анбиё тўғрисидаги ҳикоялар Одамдан бошланиб Жиржис билан тугайди. Шундан кейин Навоий қуйидаги байтни келтиради:

Чун муътабар анбиё сўзи топти савод,
Уббод ила ҳикмат аҳлин эттук бунёд[2]

(таъкид меники – А.Қ.)

Демак, бу китоб Навоийнинг ўзи кўрсатганига биноан уч мустақил бўлакдан иборат. Биринчиси, анбиё (пайғамбарлар) тарихи, иккинчиси, уббод (обидлар – ибодат қилувчилар) тўғрисидаги ҳикоялар. Учинчисига Навоий «Ҳукамо зикри» («Ҳакимлар тўғрисидаги сўз») деб ном қўйган. Аммо (анбиё) набийлар бобида набий бўлмаган йўлбошчилар тўғрисидаги ҳамда яздонпарастликка мустақил ўтган етти киши – асҳоби каҳф тўғрисидаги ҳикоялар ҳам бор.

Шундай қилиб, «Тарихи анбиё ва ҳукамо» деб аталмоқда бўлган китоб Навоий ёзган, ё ёзмоқчи бўлган катта бир тарих китобининг бошланғич қисми бўлиб чиқади. Унда тарихий афсонапар Навоиёна бадиият билан тасвирланган. Бу китобнинг тадқиқи ҳам Навоий фикр дунёси билан тўлароқ танишмоққа ҳам Навоийнинг насрнавислик ва муаррихлик фаолиятини кенгроқ ўрганмоққа ёрдамлашади.

Туркий тилдаги адабиётда Навоийдан олдин анбиёга оид афсона ва ҳикоялар тўпламини тузган шоир Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузийдир. Унинг «Қисаи Рабғузий» («Рабғузий қиссалари») асари ўзбек тарихчиларига яхши маълум. Навоий ўз асарининг манбаларини санаганда «Қисаи Рабғузий»ни тилга олмайди. Бунга Р.Комилов ҳам аҳамият берган эдилар. Навоий китобидаги анбиё боби «Қисаи Рабғузий»нинг қиссаларига ўхшаб кетади. Аммо Навоий ўз китобларини само ва Ер тасвиридан эмас, Одам тасвиридан бошлайди. Анбиё ҳикояларини Жиржисда тугаллайди. Рабғузий эса Одамдан то Муҳаммад пайғамбарнинг набираси Ҳусайнгача муфассал ҳикоя қилади. «Анбиё»га алоқадор бўлмаган ҳикоялардан Навоий фақат «Асҳоб ул-каҳф»ни олган. Рабғузий эса шунга ўхшаш бошқа воқеаларни ҳам ўз китобида баён этади. Рабғузийда Луқмон тўғрисидаги қисса анбиёларга оид қиссалар ичидагина берилган. Навоий Луқмонга оид ҳикояларни ҳам анбиё, ҳам ҳукамо (ҳакимлар) бобида беради. Навоий асаридаги Уббод (обидлар), ҳакимлар тўғрисидаги боблар Рабғузийда умуман йўқ.

---

[1] Алишер Навоий. Куллиёт. Париж қўлёзмасининг фотокопияси, с. 1758 и. инв. № 533 с.
[2] Огаҳ Сирри Лаванд. II том. С. 1755.

БИРИНЧИ ҲИКОЯТ

Ҳар бир Шарқ тарихига оид китобда бўлгани сингари Навоийнинг умумий тарихга оид асари ҳам инсоннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ҳикоятдан бошланади. Навоий бу ҳикоятда Одам саловатул-лоҳалайҳ хилқати» деган ифода билан киришади. Бунинг маъноси «Одам яратилмоғи» демакдир.

Одамнинг куняти Булбашар, яъни башар (инсон)нинг отаси, лақаби эса Сафиуллоҳдир. Бу ҳикоя ҳар бир бадиий асарда бўлажак зиддиятли асосга эга. Одам тупроқдан пайдо этилади. Аммо бу тупроқни айтилган ердан олмоқчи бўлганларида ер онт ичиб, ўз тупроғини бермайди. Агар бу яратиладиган одам номуносиб иш содир қилгудек бўлса, мен яратувчи йўл қўйган хатонинг сабабчиси бўлиб қоламан, деб хавотир қилади. Демак, инсоннинг яратилмоғи тўғрисида фикр туғилган заҳотиёқ, инсон қаршиликка учраган. Яратувчи томонидан бирин-кетин юборилган элчилар – Жаброил, Макоил, Исрофил натижасиз қайтдилар. Фақат тўртинчи элчи Азроил ернинг онтига қарамай ундан бир ҳовуч тупроқ олиб келтирди. Бу тупроқ беҳиштга қўйилди ва унинг устига қирқ кун раҳмат ёмғири ёғди. Шундан сўнг яратувчи ўз қўли билан Одамни яратди. Навоий бу афсонани нисбатан мукаммал, ҳар бир икир-чикирига эътибор қилган ҳолда келтиради. Муаллиф бу тафсилот орқали инсоннинг юксак мавқеини таъкидламоқчи. Бу юксаклик яна барча малакларнинг Одамга сажда қилмоқлари буюрилганида ҳам кўринади.

Навоийнинг ҳикояси ғоят лўнда, унда жумлалар ниҳоятда сиқиқ, аммо ҳикоянинг мазмуни ва бадиий шакли мукаммал. Бу мукаммаллик кичиккина кириш қисмдан кейин дарҳол зиддиятли асоснинг юзага келишида ҳам кўринади.

Инсонга сажда қилмоқ тўғрисида буйруқ бўлди. Барча малаклар инсонга бўйин эгдилар. Аммо иблис бу буйруқни бажармоқдан бош тортди. Шу билан одам ва иблис ўртасидаги қарама-қаршилик келиб чиқди. Иблиснинг ким эканлиги тўғрисидаги маълумот бу зиддиятнинг кучи ва қатъиятини кўрсатади. Иблис асли жинлардан бўлиб, кўп тоат қилгани туфайли малак даражасига эришган эди. Одам билан Иблис ўртасидаги бу кураш инсонийлик, эзгулик билан макр ва ёвузлик ўртасидаги зиддият. Бу зиддият абадийдир. Одамдан сўнг Ҳаво яратилди. Навоий ўз ҳикоясида Ҳавонинг яратилишини фақат бир жумла билан ифодалаган. «Ҳаво Одам алайҳиссаломнинг сўл ёнидан яратилди». Аммо бу жумланинг мазмуни айтилганидан жуда чуқур. Одам тупроқдан ясалган эди. Бу тупроқ илоҳий ишловлардан кейин инсонга айланди. Инсонга эса энг юксак ўрин ато этилди. Барча малаклар инсонга сажда қиладилар. Ҳаво ана шу энг олий даражадаги вужуднинг сўл ёнидан, яъни юраги ўрнашган томонидан яратилди. Демак, Навоий уқтиришича, аёллар энг юксак даражада турган вужуднинг энг муҳим ва азиз бўлагидан пайдо бўлганлар. Уларнинг вужуди ва мавқеидан юксакроқ мақом йўқ. Барча мавжудот орасида энг шарифи инсон бўлса, унинг янада шарифроқ қисми аёллардир.

Одам ва Ҳавога қарши душманлиги туфайли абадий лаънатга учраган иблис ўз ғайрлиги йўлидан ҳеч қайтмайди. Илоннинг ёрдами билан иблис жаннатга ўтди ва Одамда буғдой емак ғулғуласини уйғотди. Навоий Одамнинг бу васвасасини ҳам яратувчи иродаси билан боғлайди: «Чун иродатуллоҳ мунга жорий бўлуб эрдиким, олам юзин Одам авлоди тутқай». Навоий Одам ва Ҳавонинг беҳиштдан чиқарилишини ёлғиз иблис макри билан боғлаб қўймайди. Чунки уларнинг ер юзасига чиқишлари одам наслининг ерда ёйилишига сабаб бўлди. Шунинг учун Навоий бу воқеадаги қарама-қаршиликларнинг диалектик бирлигини кўрсатди. Бир томондан, иблиснинг макри, иккинчи томондан эса, одам наслининг ерда ёйилмоғини тилаган олий ирода.

Афсонага кўра, беҳиштдан чиққан Одам ва Ҳаво дастлаб айру равишда Ҳиндистон ерига тушдилар. Сўнгра улар Макка яқинидаги Арофат деган жойда бир-бирлари билан учрашдилар. Бу ерда Одам Каъба уйини ясади. Сўнг Одам ва Ҳаво яна Ҳиндистонга қайтиб бориб, у ерда яшай бошладилар.

Каъбанинг ясалмоғи тўғрисидаги хабар қанчалар афсонавий бўлмасин, Каъба исломдан аллақачонлар аввал бино бўлганига ишорат қилади. Анбиё тўғрисидаги бобда бу хабар бошқа шахслар билан ҳам боғланиб такрорланади.

Ҳиндистонда Одам қўш суриб, экин экмакни ўрганди. Навоий деҳқончилик ҳунарини илоҳийлаштиради. Унинг ёзишича, «Жаброил алайҳиссалом убубот келтириб, Одамга қўш суриб, экин экмак қоидасини ўргатди». Одам ер ҳайдаб экин экар, Ҳаво эса фарзандлар тутар эди.

ЖИНОЯТ

Навоий тасвирида ҳикоялар тизмаси воқеаларга ғоят зич. Ёзувчи бир турмуш палласининг иккинчиси билан боғлиқлигини, уларнинг бир-биридан ўсиб чиқишини диққат билан кузата ва кўрсата боради.

Ҳаво ҳар сафар икки фарзанд кўрар эди. Бири ўғил, бири қиз. «Бу ўғилга яна бир қориндан келган қизни берар эдилар». Демак, қиз ўғилдан ёшроқ бўлар эди. Яна бўлажак эр билан хотин орасидаги фарқ узоқроқ бўлар эди. Шу фикрни Навоий лўнда бир жумла билан ифодалайди: «... ким, орада фарқ бўлғай».

Иқлимо ва Қобил бир вақтда дунёга келишди. Ўрнашган тартибга кўра Иқлимони олдинги сафар туғилган ўғил Ҳобилга бермоқчи бўладилар. Аммо Қобил ўз синглиси Иқлимонинг чиройи туфайли унга мойил бўлган эди. Шунинг учун у унамади, Иқлимони ўзи олмоқчи бўлади. Шундай қилиб, Қобил биринчи жиноятни амалга оширди. У ўрнатилган тартибни бузди. Одам бу масалани ҳал этмоқ мақсадида қурбонлик қилмоқни буюрди. Ҳобилнинг қурбони қабул бўлди. Иқлимо Ҳобилга бериладиган бўлди. Шунда Қобил Ҳобилни ўлдирди. Бу Қобилнинг иккинчи жинояти эди. Навоий ёзади: «Қобил бу хусумат жиҳатидин Ҳобилдек қариндошким, суврати жамол ва маънавий камол билан ораста эрди... ҳалок қилиб... ул кишиким, ноҳақ қон қилди Қобил эрди».

Шундай қилиб, инсоният тарихида биринчи бор жиноят ва қотиллик юз берди. Бу вақтгача ҳеч ким ўликни кўрмаган эди. Шунинг учун Қобил энди нима қилмоғини билмай, Ҳобилнинг ўлигини кўтариб юрар эди. Шунда икки малак қарға суратида учиб келдилар, бир қарға иккинчиси билан уришиб, уни ўлдирди. Сўнг қотил қарға минқори (тумшуғи) билан ерни тирмалаб чуқурча ясаб, ўлган қарғани ўша чуқурчага кўмди. Буни кўрган Қобил ҳам чуқур кавлаб Ҳобилнинг ўлигини ўша ерга кўмди. Шу йўсинда ўликни кўммоқ расм бўлди. Одамнинг ўғли Ҳобилга муҳаббати баланд эди. Шунинг учун у Ҳобил дардида кўп бетоқат бўлди.

Навоий Одамнинг инсоний хислатларини кўрсатишда оталик меҳрини алоҳида ўринга қўяди. Одамнинг Ҳобилга муҳаббати ва унинг ўлимидан тортган мусибати Одамдаги эзгуликка муҳаббат, жафокашларга дардкашлик, ёвузликка қаршиликнинг тимсолидир.

Воқеалар тизмаси изчил ва қизиқарли суратда давом этади. Одам бошқа фарзандига бўлган муҳаббати туфайли Ҳобил дардида чеккан азобларидан сал бўлса-да, таскин топади. Ҳобилнинг қайлиғи Иқлимони Одам Шисга никоҳ қилади ва Шиснинг ўзининг валиаҳди этиб тайинлайди. Бу замонда барча авлод одамгагина хос бўлганидан Шис шу оила ёки уруғнинг бошлиғи ҳам бўлиб қолади.

Одам тўғрисидаги ҳикоя катта эмас. Аммо ундаги воқеалар жиддий қарама-қаршиликлар асосида қурилган. Ҳикояда гоҳо ёвузлик устун чиқади (Одам ва Ҳавонинг жаннатдан чиқарилиши, Ҳобилнинг ўлдирилиши). Аммо охири бориб эзгулик тантана қилади. Одам инсон зотини кўпайтириб барқарор эта боради. Ҳобил ўрнини эса Шис эгаллайди.

Одам тўғрисидаги ҳикоятда яна бир образ бор. У – Илоҳ образи. Бу образ воқеалар ривожига таъсир кўрсата боради. Барча бурилиш нуқталари Илоҳ иродаси билан боғлиқ. Салбий кўринишлардан сўнг содир бўладиган ижобий натижалар ҳам Илоҳ иродаси орқали юз беради (инсон авлодининг ерда кўпайиши, дафн одатининг пайдо бўлиши). Навоий яшаб, ижод этган даврдаги ҳукмрон ижтимоий мафкура шуни тақозо этар эди. Аммо Навоий барча ҳолатларни асосий ғоя – эзгулик ва ҳақиқат тантанасига хизмат қилдиради. Шу билан Навоий эзгулик ва адолатнинг енгилмас кучи ва муқаррар ғалабасини тасдиқламоқчи бўлади.

Ҳар бир ҳикоя бир шеърий хулосага эга. Шеърлар, кўпинча, рубоий шаклида. Одам тўғрисидаги ҳикоянинг якунида Навоий Одамнинг юксак мавқеи, барчанинг унга сажда қилмоғи кераклигини таъкидлайди. Аммо ҳар бир мавжуд бўлган нарса сингари одам ҳам илгари йўқ бўлган бўлса, шундай йўқ бўлиб кетди. Бу ҳаётнинг қатъий қонунидир. Мартабаси қанча баланд бўлмасин, ҳар бир кишининг охирги қисмати йўқликдир.

Одамники, ҳақ лутф ила мавжуд этти,
Мажмуи мулук ҳайлига масжуд этти.
Охир танидин руҳни мақсуд этти,
Ул навъки, нобуд эди, набуд этти.

Йўқликка кетмоқ тўғрисида фикр ҳар бир якунловчи шеърда ўз мазмунининг мудҳиш ҳақиқати билан такрорлана боради. Одамдан сўнг унинг ўрнига қолган набий Шис эди. У Қобил авлоди бўлмиш оташпарастлар билан уруш қилиб, уларни чекинтирди. Ўзи шижоатли ва ботир киши эди. Аммо унинг ҳаёти ҳам тугади. Навоий хулоса қилиб ёзади:

Гар Шис ва гар Қобил эрур, гар Ҳобил,
Ёшлари гар юз йил эрур, гар минг йил.
Бир неча кун этсалар жаҳонда таъмил,
Охир борига ажал буюрар таъжил.

ЭЗГУ ИШЛАР

Навоийнинг ушбу асарида набий бўлмаган афсонавий шахслар тўғрисида ҳам сўз боради. Шисдан сўнг унинг ўрнини эгаллаган ўғли Ануш, унинг ўрнига қолган Қийнон, унинг ўғли Меҳлойил, унинг ўғли Язд – ҳеч қайсилари набий эмас эдилар. Навоий ёзади: «Ануш пайғамбар эмас эрди, аммо вилоятдин насиби бор эрди».

Навоий бу номларни атаганда уларга алайҳиссалом сўзини қўшмайди. Тўғридан-тўғри «Қийнон бин Ануш», «Меҳлойил бин Қийнон», «Язд бин Меҳлойил» деб кўрсатади.

«Ануш одил ва сахий киши эрди», деб ёзади Навоий. Ануш ҳукмронлиги даврида хурмо дарахти экиш одат бўлди. Чорва жуда кўпайди. Ҳисобини ҳеч ким билмас эди. Ануш ҳар мингта қўйдан бирини муҳтожларга бермоққа буюрди. Шу боисда садақа бериш расм бўлди.

Навоий «Тарихи Жаъфарий» деган китобга асосланиб Ануш даврида Бедуд мулкида бир аждарҳо чиқиб, одамларга кўп зарар етказганини хабар қилади. Ануш Одамдан Шисга қолган асо билан ўша аждарҳони уриб ўлдирган эмиш. Кейинчалик Мусога тегишли бўлган афсонавий асо ўша бўлса керак.

Қийнон Савсанни ва бошқа хабарга кўра Бобилни қурдирди. Юз киши – юз кишидан ажратиб яна кўп шаҳар ва қўрғонлар бино қилдирди.

Меҳлойил даврида унинг халқи оталари еридан Румга ўтдилар. Халқлар турли томонларга ёйилдилар.

Язд «бағоят зеборуй ва писандида хўй эрди». У қушлар ва балиқлар этини емакни ўргатди. Ариқлар қазиб, сув чиқарди.

Шундай қилиб, бу набий бўлмаган ҳукмронлар халқ ўртасида турмуш тақозо қилган бир неча эзгу ишларни жорий қилдилар.

Идриснинг валиаҳди Матушлаҳ, унинг валиаҳди Малик ул-мулук ҳам набий эмас эдилар.

Навоий ушбу умумий тарихга оид асарида инсоният тарихида ўрнашган айрим ҳодисаларни изоҳловчи ҳикояларни келтиради. Қурбон қилмоқ учун бир қўйни сўйиб, тоғ устига қўяр эканлар. Осмондан тушган ўт уни куйдирса (пиширса – Қ.А) ўша қурбонлик қабул қилинган бўлар эмиш. Қобилнинг қурбонига ўт тушмаган эди. Иблис Қобилга иғво қилдики, ўт Қобилдан норози. Агар Қобил ўтга сажда қилса, ўт рози бўлиб, унинг қурбонлигини қабул қилажак. Қобил иблиснинг гапига кириб ўтга сажда қилди. Шундан оташпарастлик келиб чиқди. Яна Қобил авлоди бутпарастликка ҳам мойил бўлди. Идрис уларга қарши курашиб бутпарастларни қатл ва асир қилди. Навоий Идрис тўғрисида қуйидаги ахборотни беради: у учинчи пайғамбардир (Биринчиси Одам, иккинчиси Шис эди – А.Қ.) Шунинг учун халқ уни «Мусаллас ун-неъма» («Учинчи неъмат эгаси») деб атар эдилар. У яна «учинчи пайғамбар, учинчи ҳаким, учинчи подшоҳ эрди. Юнон аҳли ақидаси будурким, Хурмус ҳаким улдур. Хат ва нужум илмини ул пайдо қилди ва киймак ва емак андин қолди».

Навоий бу хабарда пайғамбарлик ва олимликни баробар қўяди. Ана шу икки даражани ўзида мужассам этган зот Идрисдир. Шунинг учун, деб ёзади Навоий, «ҳар шаръ аҳли ҳам тарих аҳли олдида ақида будурким, ул тирикдур».

Навоий шаръ аҳлини тарих аҳлидан ажратади. Уларнинг турли айрим гуруҳлар эканини кўрсатади. Тириклиги туфайли Идрисни «Набийу-л-ҳаёт» («Тирик пайғамбар») деб атаганлар. У кўп дарс ўқигани учун шогирдлари ҳам кўп эди. Идрис тўғрисидаги ҳикояни Навоий қуйидаги тўртлик билан якунлайди.

Чу Идрис олим ва бўлди муқим,
Расул эрди-ю, подшоҳ ва ҳаким.
Агарчи анга учмоқ ўлди макон[1]
Жаҳон ичра ҳуд қолмади жовидон.

БУТУН ДУНЁ ТЎФОНИ

Идриснинг учинчи авлоди Малик ул-мулукнинг ўғли Нуҳ пайғамбар мурсал эди. Унинг даврида бутун дунё тўфони бўлди. Ерда ҳаёт ўчадиган бўлди. Фақат Нуҳ туфайлигина инсон, ҳайвонот ва қуш зоти сақланиб қолди.

[1] Афсонага кўра, Идрисни малаклар осмонга олиб кетганлар – А.Қ.

Бутун дунё тўфони ва Нуҳ тўғрисидаги афсона ғоят мароқлидир. Бу тўфоннинг юз бериш сабаби, тафсилоти, оқибатлари Нуҳ билан боғланган. Сабаб бутпарастлик билан яздонпарастлик ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқади. Нуҳ бутпараст халқни ўз динига – яздонпарастликка қанчалик ташвиқот қилмасин фойдаси бўлмади. Фақат саксон киши Нуҳнинг ёнидан бордилар. Бошқалар Нуҳни изза қилар, у сўз айтса эшитмайлик, деб қулоқларини беркитиб олар эдилар. Бу одамларнинг қилмиши Нуҳни қаттиқ ранжитди ва Нуҳ уларни жазоламоқни талаб қилди. Ваҳий келиб Нуҳга тўфон олдидан сол дарахти эктирмоқни айтди. Нуҳ шундай дарахт эктирди. Бу дарахт ўсиб катта бўлгач, уни кесиб тахтасидан кема ясатди. Кеманинг узунлиги уч юз қари, эни ва кенглиги ҳам шунга яраша эди. Кема битгач, тўфон бошланди. Сув даставвал Нуҳ жойлашган ердаги тандирдан чиқа бошлади. Ҳам осмондан сув ёғар, ҳам ердан сув қайнаб чиқар эди. Бундай аҳвол олти ой давом этди. Бутун дунёни сув босиб кетди. Нуҳ, унинг уч ўғли ва унинг мухлислари бўлмиш саксон киши кемага кириб жон сақладилар. Кема уч қаватли бўлиб, бир қаватда ҳайвонлар, бир қаватда қушлар, бир қаватида одамлар ўрнашган эди. Сув юксак тоғлардан қирқ қарн баланд кўтарилди. Нуҳнинг кемаси Шарқдан Ғарбга икки қайта бориб келди, яна бир марта Ғарбдан Шарққа борди. Дунёда шу кемадагилардан бўлак бирор тирик жон қолмади. Тўфоннинг тасвири аниқ ифодаларда берилган. Ифода услуби жудда олдий, тушунарли. «Чун тамом оламда кема ичидаги махлуқотдин ўзга ҳеч махлуқ қолмади, барча ҳалок бўлдилар. Тўфон таскин топти ва сув озая бошлади ва Нуҳ кемаси Мусулда Жуди тоғи устида қарор тутти ва Нуҳ муҳаррам ойининг ўнидан кемадин чиқиб ҳамул ерда таскин тутуб, ул эл бирла бир кент ясадилар».

Тўфон босилгандан кейин кемадаги саксон мухлисдан бирортаси қолмай дунёдан ўтиб кетдилар. Нуҳнинг тўрт ўғли бор эди. Улардан бири Канъон бутпараст эди, у тўфонда ҳалок бўлди. Тўфондан кейинги авлод Нуҳдан тарқалган. Шунинг учун Нуҳни Одам дейдилар. Бу ҳол Нуҳнинг тўфон олдидан Одамнинг суякларини қабридан чиқариб олиб, кемага солгани тўғрисидаги хабар билан боғлиқ. Тўфон босилиб, кемадан чиқишгандан сўнг Нуҳ Одамнинг сўнгакларини Маъдин ёки Баҳф ерида қайта дафн этган эмиш.

Тўфон тугагач, Нуҳ дунёни уч ўғлига тақсимлаб берган. Турон ва Хўтан Ёфасга, Эрон Сомга, Ҳиндистон Ҳомга берилди. Шу жиҳатдан Ёфасни Абуттурк (турк отаси), Сомни Абулажам (Ажам отаси), Ҳомни эса Абулҳинд (Ҳинд отаси) дейдилар.

Турклар отаси Ёфаснинг етти ўғли бўлган. Улар Бука, Хизр, Суқлаб, Дус, Бик, Чин, Камо. Баъзилар саккиз ўғли бўлган, саккизинчиси Торах дейдилар. Ёфас ўғилларига улашилган ерлар уларнинг номи билан аталади. Шундан сўнг Навоий ёзади: «Чун бу тарихдаки, битиладур, хотирда андоқдурким, султони соҳибқирон ҳолат ва ансоби мазкур бўлғай, иншоАллоҳ таоло ул Ёфас тарихига мавқуфдур. Чун бўлғусидир, мунча била ихтисор қилилди».

Бу сўзлардан маълум бўладики, Навоий кейинчалик Султон Ҳусайн давридаги воқеаларни ҳам ёзмоқчи эди.

Шундай қилиб, Нуҳ тўғрисидаги ҳикояда бутун дунё тўфони, ундан кейинги юз берган воқеалар, Турк, Ажам, Ҳинд мамлакатлари ўтмишига оид афсоналар билан танишамиз. Нуҳ ўғилларига тўфондан сўнг тақсимлаб берилган мамлакатлар рўйхати бу тўфон Ер шарининг қайси қисмларида юз берганидан гувоҳлик беради.

Канъоннинг ўлими эса, гарчи у Канъоннинг Нуҳга имон келтирмаганлиги билан изоҳланса-да, аслида тўфон оқибатлари тасвирининг аниқлигини кучайтиради. Чунки бутун дунё аҳли ҳалок бўлганида Нуҳ оиласида бирор кишига лат етмаслиги табиий бўлмас эди. Афсонани яратганлар шу икир-чикирни ҳам диққатдан четда қолдирмаганлар.

ЯНГИ АВЛОД

Нуҳ давридан кўп фурсатлар ўтгач, икки набий бўлди. Улардан бири Ҳуддир. Унинг насабини Навоий бундай таърифлайди: «Ҳуд Абдулло бин Румоҳ Ҳорут бин Аваз бин Ирам бин Сом бин Нуҳнинг ўғлидир. Аксар кутубда ани Обир бин Салеҳ бин Арфахшод бин Сом бин Нуҳ дебдурлар». Яна Навоий ёзади:

«Ибрий тили била они Обир дебдурлар. Ибрий Обирдин муштакдур. Араб Ҳуд дейди, яъни Баниюллоҳ».

Ҳуд ташвиқот учун Од қавмига юборилди. Бу қавм аҳли баланд бўйли, кучли эл эди. Улар Ҳуд йўлидан юрмадилар ва қаҳатчиликка учрадилар. Етти йил ёғин ёғмади, дарё ва булоқлар қуриди. Ёғин тилаб Каъбага юборилганлар ичида Луқмон ва Од бор эди. Улар тилаган қора булут келди ва кучли шамол эсиб Од қавмининг уйларини бузди ва ўзларини ҳалок қилди.

Навоий Од қавмининг ўз кучи ва улкан гавдасига мағрур бўлиб кетганини қоралайди. Улар давр қудрати қаршисида бари бир ҳашак каби ожиз эдилар.

Ул қавми азим дедилар они Од,
Сардорлари шадид ёхуд шаддод.
Бир дам елидин оқибат ул аҳли инод,
Хошок киби барчаси бўлди барбод.

Од қавмининг ерларига Симуд қавми ўрнашди. Улар кўп мол жоҳ ва фароғатга эга бўлдилар. «Бу жиҳатдин ғурур димоғларига йўл топиб жаҳлу ғафлатдин гумроҳ бўлиб» кетдилар: «...азим фисқу фужурга иштиғол кўргуздилар». Солеҳ уларни бутпарастликдан воз кечиб, имон йўлига ўтказмоққа кўп ҳаракат қилди. Аммо ҳеч ким унга эргашмади. Ниҳоят бу эл яратувчининг қаҳрига учраб ҳалок бўлди.

Навоий бу ҳикояга бир неча мароқли лавҳалар киритган. Чунончи, симудлар талабига кўра, Солеҳ мўъжиза кўрсатиб, икки тоғ тоши орасидан бир тева (туя) ва бўта чиқарган. Аммо симуд аҳли бу тевани ўлдирдилар, бўтаси тоғ сари қочиб кетди. Солеҳни ҳам ўлдирмоқчи эдилар, аммо қаҳрга қолиб ўзлари ҳалок бўлиб кетдилар. Бир Зарпа отли аёл тирик қолган эди, у ҳам ўша қавм ҳалок бўлган жойда гирдобга чўкиб ўлди. Бу Зуол деган бир киши Каъба ҳарамида бўлиб, тирик қолган эди. Кейин у ҳам ўлди. Уни бир шоҳ олтинлари билан биргаликда кўмдилар.

Навоий бу ҳикояни ҳам умрнинг албат тугаяжаги тўғрисидаги хулоса билан якунлайди:

Солеҳ келди Симуднинг қавми чоғи,
Толеҳ эдилар бу қавм бошдин оёғи.
Бу турфаки чарх золининг ўйнамоғи,
Толеҳни доғи қўймади Солеҳни доғи.

Хатла бин Суфвон Қаҳр бин Қаҳтоннинг ўғли эди. Раъс қавмига юборилди. Раъс подшоҳи Симуд наслидин бўлиб, яздонпараст эди, аммо «Тули умр ва васъати салтанатдин димоғига ғурур юзланди, Тангрилик даъвоси қилди». Раъс қавми яна кўп нолойиқ ишлар ҳам қилар эдилар. Хатла уларни бу ишлардан қайтармоққа уринди, аммо улар бўйсунмадилар. Хатла уларнинг сувларини қуритди. Улар Хатлага қарши қўшин тортгилар. Хатла ҳам ўз

одамлари билан қарши чиқди. Хатлага бири ўқ отган эди, ўқ тойиб отувчини ҳалок қилди. Раъс қўшини жангда енгилиб бир қўрғонга беркинган эди, бари бир сўнг ҳалок бўлдилар.

Кўриниб турибдики, Нуҳдан кейинги авлодда бир қанча иллатлар пайдо бўлган. Од қавми ўзининг баланд ва кучли гавдасига ишонган, Симуд кўп мол-давлатга эга бўлиб, ундан ғурурланиб кетдилар. Раъс қавмининг подшоҳи узоқ умри ва катта салтанати туфайли ҳаддидан ошиб кетиб, Тангрилик даъво қила бошлади. Натижада улар ҳаммалари ҳалок бўлдилар. Навоий бу мисоллар орқали кишиларни беҳуда ғурурдан, манманлик ва ўзини баланд тутишдан сақланмоққа чақиради. Умрнинг чеклангани, ҳамманинг борадиган жойи бир эканлиги тўғрисидаги рубоийлар ҳам шу ҳақиқатни уқтиради.

РАҲИМЛИ ОТА (ИБРОҲИМ)

Иброҳим тўғрисидаги ҳикоя мароқли саргузаштларга тўла. У айни замонда эътиқоддар тўқнашуви, зулм ва зўравонликка қарши кураш, эзгулик ва ҳақиқат ғалабасини ифодалайди. Навоий Иброҳим тўғрисида бундай маълумот беради: «Отаси Озар эрдиким, они Тараҳ ҳам дерлар ва бу Озар Куфанинг Кавсармо отли кентидин эрди. Ва Иброҳим алайҳиссаломнинг валодати Симуд бинни Канъон бин Қуш бинни Орам бинни Сом бинни Нуҳ замонида эрди ва бу Симуд тарих аҳлининг иттифоқи била тўрт кишидинки, тамом оламда салтанат қилдилар, биридур». Бу тўрт салтанат эгалари Искандар, Сулаймон, Нимруд, Бухтунасарлар эди.

Ҳикоянинг қисқача мазмуни бундай: Нимрудга замонасининг мунажжим ва коҳинлари: “Бу йил бир бола туғилади ва сени йўқ қилади дедилар” бола пайдо бўладиган кунни айтдилар. Нимруд пойтахти Бобилдан ўша куни ҳамма одамни чиқиб кетмоққа буюрди. Шаҳарда қолган хотинлар сайрга чиқдилар. Иброҳимнинг отаси Озар Нимруднинг мулозими эди. У шаҳарнинг бир дарвозасига қўйилган эди. Озар хотинининг дарвоза ёнида сайрга чиққанини кўриб, унга майл қилди. Хотининг бўйида бўлди. Буни яширинча сақладилар. Нимруднинг буйруғи билан янги туғилган болалардан етмиш, юз мингга яқини ўлдирилган эди. Она Иброҳимни туққанда уни ҳатто Озардан ҳам яширди. Бола ўлик туғилди, деб унга хабар қилди ва боласини ўра ичида ўстирди. Иброҳим ўсиб улғайгач, бир куни онасидан сўради:

– Мени ким яратган?
Онаси жавоб берди:
– Мен.
Сенинг яратувчинг ким?
– Отанг.
Унинг яратувчиси ким?
– Нимруд.
– Нимрудинг ким?
– У олам аҳлининг яратувчиси.
– Нимруд чиройлими, отам?
– Отанг.
– Отам чиройлироқми ё мен?
– Сен.
– Сен чиройлироқми ё мен?
– Сен.

Иброҳим деди:

– Яратувчи ўзидан яхшироқни яратмайди.

Она ҳайрон бўлиб қолди. Бу гапни Озарга етказди. Озар Нимруд буйруғига кўра боласини ўлдирмоқ учун келган эди. Иброҳимнинг юзини кўргач, оталик меҳри устун чиқиб, уни ўлдирмади.

Иброҳим у вақтлардаги маъбудалар – бутларни ёмон кўрар, кишиларни ягона Тангрига ибодат қилишга ундарди. Нимруд бу хабарни эшитиб, уни ўз ҳузурига чақирди ва сўроқ асносида мунажжимлар айтган бола Иброҳим эканини англади. Нимруднинг буйруғига кўра Иброҳимни ўтга отдилар. Аммо у ўт гулистонга айланди ва Иброҳимга зарар етказмади.

Иброҳим Бобилдан сургун қилинди ва Мисрга борди. Унинг эмзодаси ва жуфти Сора ҳам у билан бирга эди. Миср подшоҳи Сибон бинни Алвон Сорани Иброҳимдан олди, аммо сўнг қилмишидан ўкиниб, узр қилди ва Сорага Ҳожар деган канизакни қўшиб қайтарди. Сора билан Иброҳим Мисрдан Фаластинга кетдилар. У ерда қаҳатчилик эди. Иброҳимнинг қуллари овқат тополмай қайтдилар. Бир қопга қум тўлдириб қўйилган эди, у қум буғдойга айланди. Иброҳим бу буғдойдан экин эккан эди, бой ҳосил унди, Иброҳим ундан элга меҳмондорчилик қилди.

Тангрилик даъво қилган Нимруд Иброҳимнинг қарғиши билан ҳалок бўлди. Сора Ҳожарни Иброҳимга бағишлади. Саксон яшар Иброҳим Ҳожардан ўғил кўрди. Унинг оти Исмоил қўйилди. Исмоил Макка ерида истиқомат қилди. Бу ерда замзам суви пайдо бўлди. Иброҳим Шомдан Маккага келиб, улардан хабар олиб турар эди. Сорадан бир ўғил туғилди. У Исҳоқ эди. Бўлғуси Муҳаммад пайғамбар ана шу Исҳоқ наслидандир.

Иброҳим шукрона юзасидан Маккада Каъбани бино қилди. У иморат битгач, Иброҳим унинг деворига суяниб туриб қилган ишидан фахрланди. Шу пайт бирдан нидо келди: «Бир очниму тўйғарибсен, ё бир яланғочни бутғорибсенким (тузатибсенми) фахрланасен». Иброҳим билдики, Каъба қурмоқ бундай хайр-эҳсон қаршисида аҳамиятсиздир. Шундан кейин элга зиёфат беришга бошлади. Бу нарса расм бўлди. Иброҳимнинг лақаби Ҳалилуллоҳ ва Халилурраҳмон, Иброҳим дегани Абураҳим, яъни раҳмли ота, демакдир.

Навоий Иброҳим тўғрисидаги ҳикояни қуйидаги тўртлик билан тугаллайди:

Гар Иброҳим ва агар Исмоил бўлсин,
Ки, ҳақ амрин қабул этмак керактур.
Ва фоний дайр аро чун қилди манзил
Туруб бир неча кун кетмак керактур.

Иброҳимнинг дунёга келиши, Нимруд зулмкорлигининг битирилишини англатар эди. Навоий Иброҳимнинг ҳаётини имкон борича муфассал тасвирлайди. Нимруднинг ёвузлиги туфайли неча ўн минглаб болалар ўлдирилаётган бир шароитда она Иброҳимни сақлаб қолди ва уни парвариш қилиб ўстирди. Бу оналик меҳрининг қотиллик устидан ғалабаси эди. Она ҳатто отасига ҳам бола ҳақида хабар бермайди. Фақат бола улғайиб, жиддий масалаларни ечишга интила бошлагандагина унинг берган саволлари ва қилган хулосаларидан ҳайратга тушган она Иброҳим тўғрисида отаси Озарга хабар етказади.

Тангрилик даъвосини қилган Нимруд оғир азоблар ичида ҳалок бўлади. Бу ҳам ёвузликнинг муҳаққақ мағлубиятини англатади.

Ҳикоянинг энг муҳим бўлаги Иброҳимнинг Каъба иморатини битказгандан сўнг қилган ишидан фахр қилиб турганда, юқоридан келган нидодир. Бир очни тўйғазмоқ, бир яланғочни кийинтирмоқ Навоий наздида Каъба бино қилмоқдан ортиқроқ эди. «Ҳайрат ул-аброр»да:

Каъбаки, оламнинг эрур қибласи,
Қадри йўқ андоқки, кўнгул каъбаси, –

деб ёзган Навоийдек инсонпарвар мутафаккирга энг яқин фикр инсон учун қилинган хизмат, эзгуликнинг Каъба қадридан баланд туражаги эди. Яна Навоий Иброҳимнинг деҳқончилик билан шуғулланганига алоҳида урғу беради. Қопдаги қум буғдойга айланиб қолгач, у ана шу буғдойдан экин экади ва мўл ҳосил етиштиради. Бу ҳосилдан элга зиёфат беради.

Юқорида Одамнинг ҳам деҳқончилик билан шуғулланганини ўқиган эдик. Демак, деҳқон меҳнатига Навоий ҳамиша алоҳида диққат қилган, уни ҳамиша шарафлаган.

ИСҲОҚ

Исҳоқ Шомда имон ташвиқоти билан машғул бўлди. Кўзи кўр бўлиб қолди. Исҳоқнинг икки ўғли бор эди: Айс овчи, Яъқуб эса қўйлари бор эди, шуларни боқарди. Исҳоқ кўпроқ Айсни яхши кўрар эди, она Рифқа эса Яъқубни. Бир куни Исҳоқнинг кўнгли бирён тилади. Айс ўқ-ёйни олиб тоққа югурди, Рифқа Яъқубга бир «улоғни бирён қилиб» отасига келтирмоқни айтди. Яъқуб келтирди. Исҳоқ хурсанд бўлиб дуо қилди. Анбиё уйи саодати Яъқубга насиб бўлди. Айс ҳам ўша таомни тайёрлаб келтирганда Исҳоқ салотин сенинг наслингдан бўлсин деб дуо қилди. Баъзилар айтадиларки, Сабир пайғамбар сенинг наслингдан бўлсин, деб дуо қиилган эмиш. Айюб Айс авлодидандур. Айсда Яъқубга душманлик пайдо бўлди. Яъқуб Айсдан хавотир қилар эди.

Яъқуб бир кеча тушида бир муқаддас жойда Байт ул-муқаддас шаҳрини бино қилиш ҳақида олий топшириқ олди. Уйғониб Исҳоқ дуосининг мустажоб бўлганлигини англади. Яъқуб Фадоғ деган жойга келди. Бу ерда Лубнон деган киши яшар эди. Яъқуб унга ёқди. Лубноннинг қизи Лиёга Яъқуб кўнгил берди. Аммо уйланмоқ учун маблағи йўқ эди. Яъқуб етти йил Лубнон қўлида чўпонлик қилди. Ниҳоят, озгина маблағ йиққач, ўша қизга уйланмоқчи бўлди. Лубнон Роҳил деган катта қизини Яъқубга берди. Яъқуб бунинг учун Лубнонга гина қилди. Лубнон, улуғ эгачи уйда қолиб кичик хасм уйига бормоғи номуносибдир. Кўнглинг Лиёда бўлса, яна етти йил хизмат қил, уни ҳам оласан, деди. У вақтда эгачи-сингилни бир кишига бермак мумкин эди. Мусо вақтида бу расм ман этилди. Яъқуб унинг айтганини қилиб, Лиёни ҳам олди. Яъқуб Лиёдан олти ўғил кўрди, Рупал, Шамъун, Яҳудо, Ловий, Зербун, Яшпар.

Роҳилдан Юсуф ва Бенямин дунёга келди. Филҳадан Дон ва Нафкол, Зулфадан Гав ва Ашира. Сўнг Яъқуб Канъонга борди. Яъқуб ватанига қайтгач, Айс Румга кетди. Унинг беш ўғли бор эди. Бирининг оти Рум эди. Бу мамлакат шу ўғил номи билан аталади. Айс ва Яъқуб бир пайтда бири Румда, бири Канъонда дунёдан ўтдилар.

Яъқубни ҳам сипеҳри пурфан
Берди неча кун жаҳонда маскан.
Паймонаи умр чунки тўлди,
Даврон анга доғи узр қулди.

ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО

Юсуф одамларнинг энг чиройлиси эди. У бир куни ўз ҳуснини ойнада кўриб, агар мен қул бўлганимда бирор киши менинг баҳомни бера олармиди, деб кўнглидан ўтказди. Юсуф бир куни туш кўрса қуёш, ой ва ўн бир юлдуз унга сажда қилар эмишлар. Бу тушни отаси Яъқубга айтди. Яъқуб бу тушнинг маъноси шуки, отанг ва қариндошларинг сенга муҳтож бўлажаклар, деди. У Юсуфга тушини оғаларига билдирмасликни маслаҳат берди. Аммо оғалари бундан хабардор бўлиб қолдилар ва сайр баҳонаси билан Юсуфни саҳрога олиб чиқиб, бир чуқурга ташладилар. Улар Юсуфнинг куйлагини қўйнинг қонига булғаб оталарига олиб келиб кўрсатдилар ва Юсуфни бўри еб кетди, дедилар. Яъқуб мотамда қолди.

Йўлда келаётган бир карвон ўша чуқур олдида тўхтаб, унда одам борлигини билди ва Юсуфни тортиб олди. Юсуфнинг оғалари бундан хабардор бўлиб, етиб келдилар ва бу бизнинг қулимиз эди, қочган экан деб Юсуфни карвонбоши Малик бин Зиар Ҳазоийга ўн етти ёки йигирма дирамга сотдилар.

Мисрга келиб карвонбоши Юсуфни Малик Райённинг хазиначиси ва Миср азизига катта пулга сотди. Азизнинг хотини Зулайҳо Юсуфни севиб қолди ва у билан яқин бўлишга интилди. Аммо ўн етти яшар Юсуф Зулайҳонинг бу таклифини рад қилиб, унга панд-насиҳатлар қилди. Шундан сўнг бу сирнинг очилишидан қўрқиб, Зулайҳо Юсуф менга тажовуз қилмоқчи бўлди деб, эрига арз қилди. Аммо Азиз Зулайҳонинг гапи туҳмат эканини англади. Бу гаплар Миср аҳлига ёйилгач, хотинлар Зулайҳо бир канъонлик қулга ошиқ бўлиб ўзини гап қилди, деб таъна қилдилар. Зулайҳо хотинларни зиёфатга чақирди. Улар турунж (лимон) тўғраётганларида Юсуф уйга кириб келди. Йигитнинг гўзаллигидан ҳайратда қолган хотинлар турунж ўрнига ўз бармоқларини тўғраб юборганларини сезмай қолдилар. Шундан сўнг улар Зулайҳога тан бердилар.

Зулайҳонинг иғвоси туфайли Юсуф зиндонга солинди. Малик Райён сувчиси билан дастурхончисининг уни заҳарлаб қўйишларидан қўрқиб, уларни ҳам зиндонга ташлаган эди. Юсуф зиндонда эканида сувчи ва баковулнинг ёлғон тушларини таъбир қилди, сувчининг тушини яхшиликка йўйди. Уч кундан сўнг Малик Райён унга марҳамат кўрсатди, дастурхончини эса ўлдирмоққа буюрди. Сувчига марҳамат Юсуфнинг яхшиликка йўйганининг тасдиғи эди. Юсуф сувчига Малик ҳузурида эътибор топганда мени эслатарсан деган эди. Аммо сувчи бу илтимосни унутиб юборди. Юсуф яна бир неча йил зиндонда ётди.

Бир кеча Малик туш кўрди. Етти семиз қўйни етти орик қўй еб қўйдилар. Етти боғ кўк ўтни етти боғ қуриган ҳашак чирмашиб қуритди. Бу тушни ҳеч ким таъбир қилолмади. Сувчи Маликка Юсуфга таъбир қилдиришни айтди. Юсуф тушни таъбир қилиб айтдики, етти йил серҳосил бўлади, сўнг етти йил қаҳатчилик бўлади. Шунга ошлиқ ҳозирлаб қўймоқ керак. Малик Юсуфни зиндондан озод қилди. Аммо Юсуф кўнмади. У бармоғини кесган хотинлар воқеасини текширишни талаб қилди. Малик бу ишни текширди ва барча Юсуфнинг поклигига гувоҳлик бердилар. Азиз хижолатдан Зулайҳони талоқ қилди. Юсуф зиндондан чиқарилиб, Мисрга азиз қилиб тайинланди. Юсуф ошлиқларини ҳозирлаб қаҳатчиликдан элни омон олиб чиқди. Ниҳоят Юсуф Зулайҳога уйланди, Зулайҳо бокира эди, чунки олдинги эри унга ноқобил бўлган. Зулайҳо ва Юсуф икки ўғил кўрдилар.

Қаҳатчилик йиллари атрофдан ҳам одамлар Юсуф ҳузурига келиб ундан кўмак тиладилар. Шулар ичида Юсуфнинг оғалари ҳам бор эди. Юсуф уларни таниди, аммо ўзини танитмади. Ҳадялар бериб уларни жўнатди ва қолган оғангиз ҳам келсин деди. У оға ибн Ямин Яъқуб ҳузурида доим бирга эди. Чунки Яъқуб учун Ибн Яминдан Юсуф ҳиди келгандай бўлар эди. Иккинчи қатла Ибн Ямин ҳам оғалари билан бирга Мисрга келди. Юсуф бир ҳий-

ла билан Ибн Яминни олиб қолди. Бундан хабар топган Яъқуб Миср азизига хат йўллаб, ўзининг икки ўғлидан ажралганини билдирди. Бу хатни Яҳудо ўғли Фориз олиб келган эди. Энди Юсуф оғаларига ўзини танитди. Юсуф Яҳудо орқали отасига ўз кўйлагини жўнатди. Яъқуб Юсуфдан айрилгач, йиғлай-йиғлай кўр бўлиб қолган эди. Юсуфнинг кўйлагини Яъқубнинг юзига сурганларида кўзи очилиб кетди. Сўнг Яъқуб Мисрга келди, Юсуф отаси ва онасини ҳурматлаб кутди. Орадан ё етти йил, ё йигирма тўрт йил ўтгач, Яъқуб вафот этди. Бир оз фурсатдан сўнг Малик Райён ҳам дунёдан ўтди. Юсуф Яҳудони бани Исроилга бошлиқ этди ва ўзини Нил дарёси ёқасида, Мисрдан бир йиғоч ерда кўмишларини васият қилиб, кўз юмди. Бани Исроил Яъқубнинг ўн бир ўғлидандир.

Ҳикоя қуйидаги байт билан якунланади:

Борди Юсуф, қолмади Қобус ҳам бўлмай адам
Ичтилар жоми фано Сиддиқ ҳам, Зиндиқ ҳам.

Навоийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» ҳикояси дидактик мазмунда.

Шоир бу ҳикояда яхшилик, инсоф ва афв ғояларини тарғиб этади; манманлик, кибру ҳавони қоралайди.

Ҳикоянинг бошланишида Юсуф ўз жамолини ойнада кўриб, ўзини бебаҳо гўзал деб ҳисоблаган эди. Ҳаёт эса бу фикрни рад қилди, у қул сифатида арзимаган пулга сотиб юборилди.

Ҳикоядаги Яъқуб ва Юсуф чизиғи ота-ўғил ўртасидаги меҳр-муҳаббатни улуғлайди. Бу туйғулар барча синовлардан бардош билан ўтадилар.

Зулайҳонинг Юсуфга муҳаббати эса чин инсоний севги, гўзаллик шайдоси бўлган аёлнинг фидокорона муҳаббати тимсолидир. Навоий ҳикоясида бу севги ёрдамчи ўрин тутади. Зулайҳонинг эҳтироси Юсуфнинг туҳматга қолмоғи ва зиндонга ташланмоғига сабаб бўлди. Навоий ўз одатига кўра, ҳикоядаги воқеаларни мантиқий боғлиқлигига катта аҳамият берган. Зулайҳо ўттиз ёшда эди. Демак, Зулайҳонинг ўн етти яшар қул Юсуфга муҳаббати авж олган йилларда қизнинг ёши ўн бешда бўлган. Яна Навоий Миср азизининг (Зулайҳонинг олдинги эри) ноқобил эканини билдиради. Шу билан Зулайҳонинг пок сақланганини шоир алоҳида уқтириб ўтади. Демак, Зулайҳонинг Миср азизидан ажралиши ҳам табиий эди. Бу тафсилотлар Навоийнинг ҳаёт кўринишларини ҳамиша аниқ ва бадиий ростгўйлик билан тасвирлаганидан далолат беради. Ҳикояда Юсуф бош ўринда туради. У оғаларининг ўзига нисбатан кўрсатган ҳасад ва жиноятларига инсоф ва авф билан жавоб қилди. Отаси Яъқубга фарзандлик меҳри ва садоқатини намойиш қилди. Аммо Юсуфнинг хатти-ҳаракатида илоҳий куч томонидан олдин белгилаб қўйилган йўл асосий ўрин тутар, Юсуф ундан ҳеч қачон чекинмас эди. Умуман, Юсуф бу ҳикояда Навоий тасаввуридаги юксак фазилатларни ўзида мужассамлаштирган изчил ижобий қаҳрамон сифатида ўқувчи кўз олдида гавдаланади.

АБАДИЙ ҲАЁТ

Хизр – Арфахшид бин Сом фарзандларидан бўлиб, Искандарнинг мулозими бўлган. Навоий Искандарни Зулқарнайн деб ёзади. Искандар Зулқарнайн ҳаёт сувини излаб зулматга кирганда, Хизр уни бошлаб кирди. Илёс ҳам улар билан бирга эди. Ҳаёт суви бу икковига насиб бўлди. Искандар эса қуруқ қайтди (Навоий бу ерда Хўжа Муҳаммад Порсога асосланиб, Хизрнинг Сабзавор вилоятининг Кўк деган жойидандир, деб ёзади).

Хизр умрин тиларлар аҳли Хирад
Ёр васлидурур ҳаёти абад.

Хизр Шарқ адабиётида жуда машҳур образ. Унга абадий ҳаёт насиб бўлганлиги қаршисида Искандарнинг қаро ерга дафн этилиши ҳукмронлик ҳавасларининг беҳудалигини англатади.

Яна бир абадий ҳаёт эгаси бўлган шахс Илёсдир. У Бани Исроилга ҳидоят учун юборилди. Илёс Юнусни ўз нафаси билан тирилтирган эмиш. Аммо Илёснинг яздонпарастликка ташвиқ этиш йўлидаги ҳаракатлари бенатижа бўлди. Бутпарастлар унинг йўлидан бормадилар, аксинча, уни ўлдирмоққа кўп қасд қилдилар. Ниҳоят, Илёс одамлар кўзидан беркинди. Илёс «Баҳру бар дармондаларига дастгирлик қилур ва ҳоло тирикдур, андоққи, Хизр...», деб хулоса қилади Навоий.

Илёсга элдин чу кўп ўлдики туғён,
Элнинг кўзидин чу руҳдек бўлди пинҳон.
Ҳар кимни халос қилса элдин яздон
Нетонг анга умри абадий бўлса ниҳон.

САБР ВА САДОҚАТ

Шарқ адабиётида чидамнинг олий тимсоли Айюбдир. Айюб ўзи пайғамбарзодалардан. Навоийнинг ёзишича, Айюбнинг онаси Лутнинг қизи, отаси эса Айс ва Исҳоқ авлодидан эди. У жуда бадавлат киши бўлган. Ҳамма нарса унда бор эди. Ўнта ўғли бор эди. Айюб фақат Тангрига ибодат билангина машғул бўлган, бошқа ҳеч нарсага аҳамият бермаган. Малоика Тангрига, сен Айюбга ҳамма нарсани ато этгансан, шунинг учун у сенга ибодат қилади, дедилар. Тангри айтдики, булар бўлмаса ҳам унинг иши тоатдир. Бу гапни исботламоқ учун Тангри Айюбга кўп балолар юборди. Айюбнинг мол-давлати барбод бўлди, парво қилмади. Эккан экинлари хароб бўлди, писанд этмади. Ўн ўғлини том босиб ўлдирди. Танасига касалликлар юзланди, жароҳатлар бўлиб, қуртлар тушди. У жароҳатлар ҳидланиб кетгани туфайли одамлар Айюбдан жирканиб, уни бир номуносиб ерга элтиб қўйдилар, теграсида ҳеч ким қолмади. Хотини Яъқуб пайғамбар авлодидан эди, гадолиғ қилиб Айюбни боқар эди. Айюб шуларнинг ҳаммасига чидади. Баданидаги қуртларнинг бирontаси тушиб кетгудай бўлса, Айюб уни олиб ўрнига қайтариб қўяр эди. Сизларга буни Тангри насиб этган дер эди. Шайтони Лаин Раҳимани (Айюбнинг рафиқаси) эрига парвариш қилишдан қайтармоққа кўп уринди, лекин қўлидан келмади. Бир куни Раҳима ҳеч нарса топа олмай қайтаётганида шайтон унга аёл сифатида учради. Менга сочингни бергин, сочимга улайман ва яхши ҳақ тўлайман, деди. Раҳима, мен сочсиз бўлсам бўлай, Айюб овқатсиз қолмасинлар, деб сочини қирқиб берди. Раҳима олган озуқасини Айюбга етказмаган ҳам эдики, ундан олдин шайтон Айюб ҳузурига келиб, Раҳиманинг сочини кўрсатди ва Раҳимага туҳматлар қилди. Раҳима келганда ҳақиқатдан унинг сочи йўқ эди. Айюб уни юз калтак урмоққа аҳд қилди.

Айюбнинг бошига тушган савдолар туфайли эл ўртасида шўришу ғавго кўтарилди. Малоика (малаклар) Айюбнинг сабр ва шукрига тан бердилар. Шундан сўнг Тангри иноят қилиб, уни соғайтирди. Жаброил келиб Айюбнинг қўлидан ушлаб кўтарди, бари қуртлар танасидан тушиб кетди. Икки ёнида икки булоқ пайдо бўлди. Жаброил Айюбнинг муборак

жисмини бу сувларда ювди, барча жароҳатлари тузалиб кетди. Раҳиманинг поклиги исботланди. Айюбга хос бўлган бойлигидан ортиқроғи берилди. Баъзилар дедиларки, ҳатто ҳалок бўлган болалар ҳам тирилдилар.

Баъзилар Айюб Шомда, баъзилар Хуросонда, Машҳадда яшаган дейдилар. Навоий хулоса қиладики, барча қатори ниҳоят Айюб ҳам жаҳондан кетди.

Бесабр улус гарчи жаҳондин кетти,
Айюби субур доғи кетмай нетти.

Айюб тўғрисидаги ҳикоя сабр ва садоқат ташвиқи сифатида аҳамиятлидир.

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Мусо тўғрисидаги ҳикоя анча узун ва ҳодисаларга бой. Бунда эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш тасвирланади. Бу кураш яздонпарастлик орқали кўринади. Бу эса ўша ҳодисалар содир бўлаётган даврдаги кўпхудолик, бутпарастлик расмларига нисбатан илғор ғоя эди. Бундан ташқари, ягона Тангрига сиғинишни талаб қилганларки, бу янада қолоқроқ ва жирканчроқ кўриниш эди. Ундан ҳукмронлар ўз шахсий ҳокимиятини сақлаб қолмоқ учун ҳар қандай ёвузликка тайёр турганлар. Чунончи, юқорида кўриб ўтилган Нимруд ўзини сақламоқ учун барча янги туғилган болаларни ўлдиришга буюрган ва етмиш, ҳатто юз мингга яқин бола бу буйруққа биноан қатл этилган эди.

Мусо тўғрисидаги ҳикоядаги бир образ Миср фиръавнларидан Валид бинни Мусъаб ҳам худди шу йўлдан боради. У бир куни тушида Шомдан бир олов чиқиб, мисрийларнинг кент ва шаҳарларини куйдириб юборганини кўрди. Коҳинлар бу тушни бир ёмонликка йўйиб, Шом томонда бир бола туғилади ва сенинг давлатингни йўқ қилади, дедилар. Шундан сўнг фиръавн Бани Исроилдан туғилган ўғил болаларни ўлдирмоққа буюрди.

Яна вабо бошланиб Бани Исроилдан кўп одам ҳалок бўлди. Шунда фиръавн атрофидаги кишилар, катга ёшларни вабо, кичик болаларни сен ўлдира берсанг, ким бизнинг хизматимизни қилади, дедилар. Шундан сўнг фиръавн болаларни ҳар йили эмас, йил аро ўлдириб туришга буюрди.

Навоий бу тафсилотларни келтирар экан, золимларнинг бешафқатлиги уларнинг ёш гўдаклар қонига ташна хунхорликларини очиб ташлайди, ўқувчида бундай ёвузликка қарши нафрат уйғотади. Ёвузлик бежазо қолиши мумкин эмас. Ниҳоят, Мусо туғилиб у ёвузликка қарши кураша бошлайди.

Мусонинг дунёга келиши ва ўсиб камол топиши мураккаб саргузаштлар орқали содир бўлади. Мусонинг отаси Имрон фиръавннинг ходими эди. Бола туғилғач, онаси унинг фиръавн буйруғига кўра, қатл этилишидан қўрқиб, болани бир сандиққа солиб Нил дарёсига оқизади. Фиръавннинг қизи онаси Осиё икковлари бу сандиқни тутиб олиб очадилар, унинг ичидаги болани олдилар. Болага Мусо (Сарв оғочи) деб ном қўйдилар. Мусонинг оғзи сувидан фиръавн қизининг бирпасда касали шифо топди.

Мусонинг сувга оқизилиши, ўзбек адабиёти тарихида «Тоҳир ва Зуҳра» достонидаги Тоҳирнинг сувга оқизилишини эслатади. Яна бу ҳодиса «Олтин бешик»[1] ҳикоясига ҳам ўхшаб кетади. Яна Эрон шоҳи Ҳумой ўз фарзандини бир беланчакка белаб, ёнига олтинлар

[1] Афсонага кўра, Фарғона подшоҳи Бобур афғон, ҳинд эллари сари чекинаётганида бир чақалоқ боласини олтин безакли бешикка белаб унга қимматбаҳо тошлар қуйиб, ташлаб кетган. Сўнг бу бешикдаги болани одамлар тарбиялаб вояга етказганлар. Қўқон хонлари бу боланинг авлоди эмишлар – А.Қ.

қўйиб ташлаб кетгани ва бир боласиз тегирмончининг бу болани топиб олиб, парвариш қилиши подшоҳ қизининг ўз акасидан кўрган фарзандини сандиққа солиб денгизга ташлагани ва бу сандиқни бир балиқчи тутиб олиб, болани тарбия қилиб ўстиргани тўғрисидаги ҳикояга ўхшаб кетади. Оқибатда бу бола Рим папаси бўлган эди. Демак, сандиққа солиб оқизилганлар тўғрисидаги ҳикоялар кўп учрайди. Мусо ҳикояси ҳам шулар қаторидан ўрин олади.

Мусони Осиё (фиръавннинг хотини) тарбиялаб ўстирди. Мусо ўттиз ёшга етганда қибтийларнинг Бани Исроилга ўтказаётган зулмларига қарши чиқади ва шу боисдан Мисрдан қувғин қилинади. Сўнг у Шуъайб пайғамбарнинг қизи Сафурога уйланиб, Шуъайб унга Одамнинг беҳиштдан чиққан асосини беради. Мусо бу асо ёрдамида кўп мўъжизалар кўрсатади. Бани Исроилга бош бўлиб, уларни Мисрга тобеликдан қутқаради. «Таврот» китобига Мусо эга бўлиб, уни Бани Исроил халқига муқаддас китоб этиб тайин қилади.

Мусонинг нафаси билан ўлик тирилар эди. Бу бўлимда Қорун тўғрисидаги афсона диққатга сазовордир. Қорун Исроилда илм соҳасида энг пешқадамлардан бўлган, ҳусни ҳам гўзал эди. У Мусонинг яқинларидан бўлган. Мусо тарбиятида улғайган, илмлар, хусусан, кимё илмида камол топган. Шунинг натижасида Қорун жуда бойиб кетди. Унинг хазина ва бисотининг калитлари қирқ хачирга юк бўлар эди. Аммо Қорун закот тўлашдан бош тортди. Мусо ундан закот қилиб молининг мингдан бирини беришни талаб қилганида, Қорун Мусони масхаралаб кулди. Қорун бир хотинга кўп мол берди ва уни Мусо халойиққа ваъз қилаётганида туҳмат қилишга ва Таврот орқали Мусони Бани Исроилга ёмон кўрсатмоққа кўндирди. Аммо бу туҳмат фош этилди, Мусога Қорунни жазолашга рухсат бўлди. Эл Мусо тарафига ўтдилар. Мусо чақириғига кўра, ер ёрилиб Қорун ошиғигача ерга кирди. Қорун Мусони сеҳргарликда айблади. Мусонинг чақириғи билан яна ер ёрилиб, Қорун тиззасигача ерга кирди. Қорун ваҳимага тушиб тавба қила бошлади. Аммо Мусо унинг тавбасини қабул қилмади ва унинг чақириғи билан ер борган сари Қорунни торта берди ва охири уни ер ютди. Одамлар ўртасида, Мусо Қоруннинг бойлигини тортиб олмоқчи бўлиб уни ҳалок қилди, деган гап ёйилди. Шунда Мусонинг чақириғи билан Қоруннинг бутун йиққан дунёсини ҳам ер ютди, ҳеч нарсаси қолмади. Бу жуда ибратли ҳикоя. Қорун – кўрнамаклик ва очкўзлик тимсоли. У Мусонинг тарбиясида камол топганига қарамай, молпарастлик йўлидан кетди ва шу йўлда ҳалок бўлди. Беғараз Мусо эса унинг мол-дунёсини ҳам унинг кетидан ер остига киритиб юборди.

Шундан кейинги Мусонинг хизмати Авж бинни Унукни енгганидир. Авж бинни Унук улканлар тоифасидан бўлиб, унинг боши булутларга суртилар эди. Мусонинг Аъмолика мамлакатини олмоқчи бўлиб юборган одамларини Авж этагига, ҳатго панжасига солиб ўз подшоҳига олиб борди. Уларни масхара қилиб қайта жўнатдилар. Бундан огоҳ бўлган Бани Исроил Аъмоликани тобе этишдан воз кечдилар. Аммо Мусо Ҳорун, Ювшоъ ва Колус билан тўрттовлари Шомга жўнадилар. У ерда булар Авж бинни Унукка дуч келдилар. Авж бир тоғ порасини кўтариб бу қавм устига ташламоқчи эди, аммо Ҳудҳуд келиб у тоғни шундай чўқиладики, тош тешилиб Авжнинг бўйнига тушди ва уни ҳалок қилди.

Мусо ўша қавмга етиб келганида бу қавм очлик ва ташналик азобини чекмоқда эдилар. Улар Мусога бўйин эгдилар. Мусо уларни боқди ва ташналикларини қондирди. Умуман, Мусо шунчалар фазлу камолга эришдики, набийлик даражасига кўтарилди. У бугун олам юзасида Тангри таолонинг мендан донороқ бандаси борми экан, деб кўнглидан ўтказа бошлади. Шунда хитоб келдики, эй Мусо, ўзингдан олимроқ бандани кўрмоқчи бўлсанг, Мажмаул Баҳрайнга бор. Мусо ва Ювшоъ ўша ерга бордилар. Йўлда бир тош устида озуқаларини унутиб қолдирдилар. У қоқ балиқ эди. Хизр у балиқларни тирилтирди, балиқ

ўзини сувга ташлади. Улар озуқани олмоқ учун қайтганларида бу ерда Хизрни учратдилар. Хизр ва Мусо бир кемага тушиб йўлга равона бўлишди. Биргалик чоғида Хизр уч иш қилди: ўзлари тушган кеманинг тубини тешди, сабабини Мусо сўради, аммо Хизр айтмади. Бир шаҳарга келдилар. Бу ерда Хизр ўйнаб юрган болалардан бирини ҳалок қилди. Мусо сабабини сўради, у айтмади. Кечқурун Литоҳия шаҳарига келдилар. Бу ерда Хизр бир бузуқ девор ўрнига иморат бино қилди. Мусо ажабланиб бу ишларнинг сабабини сўраганда Хизр жавоб бериб деди:

Манзар деган золим подшоҳ барчанинг кемасини тортиб олар эди, таги тешик кемани эса олмайди. Бу кеманинг эгаси фақат шу кема орқали тирикчилик қилар эди. Шу билан унинг турмуши бузилмай қолди. Ўлдирилган бола кейинчалик диндан қайтадиган эди. Қайтмай туриб кетди, бўлажак азоблардан қутулди. Харобада бир солиҳ ота ва она ўз болалари учун хазина кўмганлар. Бино қилинган иморат у болалар балоғатга етганда шу хазинани топишга нишона бўлади. Мусо Хизрнинг илмини эътироф этди ва улар бир-бирлари билан хайрлашишди.

Мусо «Таврот»ни ва бошқа китобларни Қавмга берди. Ювшоъга элни топширди, сўнг Ювшоъ билан Қавм орасидан чиқиб, у билан хайрлашаётганида кўйлак орасидан чиқиб ғойиб бўлди. Мусо ҳикояси қуйидаги шеър билан якунланади:

Мусоки, жаҳонга тушти ғавғоси анинг,
Ҳорун эрди вазири доноси анинг.

Чун бўлди беҳишт сори маъвоси анинг,
Не қолди асо, не яди байзоси анинг.

Мусонинг кўрган ишлари кўп эди. Лекин Навоий якунловчи шеърда Мусонинг мўъжизакор асоси ҳам, ўткир қиличи ҳам, ўзи ҳам қолмай ҳаммалари ўтиб кетганлигини эслатади. Ана шу азалий тақдирни унутмаслик керак. Мусонинг кўп ажойиб ишлар қилгани, фазл ва камоли баланд бўлганига қарамай, унда кейинчалик ғурур пайдо бўлди, ўзининг ҳаммадан мукаммал эканини ўйлай бошлади. Шунда у Хизрга дуч келди ва Хизр қаршисида Мусонинг ақл-фаросатда ожизлиги намоён бўлди. Бу ҳам ибратомуз бир хулосадир. Демак, ўзини ўзгалардан устун қўйиш ҳаммага юқадиган бир касаллик. Фақат энг доно ва ақлли кишиларгина бу касалликдан четлана оладилар. Ҳатго Мусодек баркамол киши ҳам ғурур иллатидан қутула олмади ва Хизр олдида юзи шувут бўлди. Навоий ана шу аҳволни алоҳида куч билан тасвирлайди ва кишиларни беҳуда ғурурланиш балосидан эҳтиёт бўлмоққа рамзий равишда таълим беради.

Мусо каби фазилатли ва улуғ набийнинг ҳатто қабри ҳам номаълум. У бутунлай йўқлиқ қаърига чўмган. Навоий шуни таъкидлар экан, кишиларни муҳаққақ тақдирдан огоҳлантирмоқда, ўшани унутмай иш тутмоқ кераклигини уқтирмоқда.

Навоий бу билан набилар, чунончи Лут, Ювшоъ, Колус кабиларнинг истилолари, уларнинг йўлига юрмаган одамларнинг Тангри томонидан жазоланганларини ёзади. Аммо уларнинг фаолиятида уруш ва кураш, муваффақиятсизлик ва унинг эвазига халойиқни жазолашдан бўлак ҳодиса юз бермаган. Шулар тўғрисида сўзлар экан, шоир ҳамманинг ҳам бир кун келиб йўқ бўлиб кетажаги тўғрисидаги мутлақ ҳақиқатни эслатиб ўтади. Масалан, Ювшоънинг шу тарзда қилган ишлари тўғрисидаги ҳикоясидан сўнг шоир ёзади:

Ювшоъки, солиб куфр эли кўнглига харош
Мусою юнайд эл била қилди маош.
Ҳар кеча қуёшга айлади мўъжиза фош,
Охир қаро ерга кирди андоқки қуёш.

Ёки Колус тўғрисида:

Колуски, Ювшоъ васий этти они,
Кўп вақт эрди олам аро даврони.

Ҳам шаҳлигу ҳам нубувват эрди шони
Гар шоҳу набий бўлурлар фоний.

Бундай шеърлар ҳар бир ҳикоя кетидан келади. Аммо бутун қилмишлари фақат қамал, жазодангина иборат бўлган шахслар тўғрисида айтилганда бундай фикрлар, айниқса, алоҳида таъсир касб этади.

ИБРАТЛИ ЛАВҲАЛАР

Ҳарқил отасининг икки хотини бор эди. Бир хотини фарзанд кўрмас эди. Ёши ҳам улғайиб қолган эди. Бошқа хотинидан эса ўн ўғли бор эди. Туғмас хотин ўғилсизликдан ҳам одамлар таънасини эшитар, ҳам «ажузалигидан шамотат кўргузур эрди». Бир кеча Ҳарқилнинг отаси Тангрига кўп илтижо қилиб ёлборди ва натижада ёш йигитга айланди ва хотини ундан ҳомила бўлиб Ҳарқилни туғди.

Ҳарқил Ила ёки Дорон шаҳарида одамларни ҳақ йўлга ташвиқ этди. Одамлар қабул килмадилар. Олдин улар вабога мубтало бўлдилар, сўнг осмондан қаттиқ садо келиб ҳамма халқ ўлди. Кўмгани одам қолмади. Ўликлар ҳидланиб, суякларидан этлари ажралиб тушди. Аммо Ҳарқилнинг дуосини Тангри қабул қилиб, ўликларни тирилтирди. Шунга қарамай, бу қавм гоҳ Ҳарқилга қулоқ осар, гоҳ осмас эдилар.

Ҳарқил эрди расули покиза сифот
Мурсал дедилар нубувватин барча сукот.

Ўлганлар агарчи даъбидин топти ҳаёт
Ўлмакдин ўзига бўлмади лек нажот.

Алисаъ Бани Исроилдан эди. Деҳқончилик қилар эди. Юқорининг топшириғига кўра, Илёс Алисаъни ўзига валиаҳд қилди. Бани Исроилни ҳақ йўлига ташвиқ қилар эди. У шундай мўъжиза кўрсатган: Бир уйга меҳмон бўлди. Иқбол фарзандсиз эди ва фарзанд бўлмоғини тилар эди. Алисаънинг дуоси билан мезбон фарзанд кўрди. Аммо бу фарзанд ўлди. Алисаъ яна дуо қилган эди ўлган фарзанд тирилди. Алисаъ тўғрисидаги хабарни Навоий қуйидаги шеър билан якунлайди:

Илёс чу Алисаъни валиаҳд этти,
Ҳақдин анга аввори нубувват етти.

Гар ул қочиб эл маломатидин кетти,
Ул кетгандек бу доғи кетмай нетти.

Зулкафл тўғрисидаги кўп ихтилоф бор, деб ёзади Навоий. Баъзилар уни Ҳарқил дейдилар, баъзилар Айюбнинг ўғли, оти Башар дейдилар. Бу нав турли фикрларнинг бари айтилса, кўп вақт кетади. Навоий шу айтганларга хулоса қилиб ёзади: «Ул фасиҳ ривоят била Алисаъ бин Айюб алайҳиссаломга васийдур, бу лақаб бўлғонида аҳвол кўптур. Бу мухтасарда икки қўл била ихтисор қилур».

Биринчиси Алисаъ Бани Исроилни Мусо динига ташвиқ этган тавротияни тарғиб қилган. Иккинчиси бир Канъон номли кофир подшоҳни ҳудо йўлига даъват қилганида у подшоҳ айтганки, мен кўп исён воқеъ этибмен, агар Тангри йўлига ўтсам, у мени қошида қабул қилурму ё йўқ. Агар сен бунга кафил бўлсанг, имон келтирайин деди. Зулкафл кафил бўлди... Канъон хат ёзиб бериб имон келтирди, подшоҳликдан кечиб Тангри ибодатига ўлтирди. Ўлим вақти келганда Канъон ўша хатни ўзи билан дафн қилмоқни васият қилди. Тангри ўз пайғамбарининг кафолати билан Канъонга беҳиштда жон берди. Сўнг бир мулкка амр бўлдики, ўша хат билан Канъон башоратини етказди. У қавм бундай ишдан жуда таъсирландилар ва унинг пайғамбарлигига ишониб имон келтирдилар. Буларнинг имонига ҳам у кафил бўлди. Унинг иши шундай ишларга кафолат бўлганидан Зулкафл лақаби билан машҳурда бўлди.

Навоий бу ҳикояни ҳам умумий хулоса билан якунлайди:

Зулкафл ишиким, ҳаққи далолат эрди,
Ҳақ раҳматидин элга кафолат эрди.

Чун қавмининг ойини рисолат эрди,
Ўтди чу замирига малолат эрди.

Навоий ёзадики, Зулкафл ўлгач, бир неча аср давомида Бани Исроил орасида пайғамбар бўлмади. Мамлакатга кўп футур юзланди. Бу сўзларни айтмоқдан мақсади, агар қавмга муносиб йўлбошчи бўлмаса, эл аҳволи ночор бўлмоғини эслатмоқдир. Одамлар Ашмуилдан ўзларига бир подшоҳ сўрадилар. Ашмуил Толут сизларга подшоҳ бўлади деди. Аммо қавм ундан ор қилди. Шу вақтгача Салтанат Яҳудо наслида эди. Шунда узоқ вақт ҳаракатсиз турган Қуддус тоғи ўтсиз қайнай бошлади (вулқон ҳаракатга келди – А.Қ.) Яна асрлар давомида йўқ бўлиб кетган Сакина тобути кўзга кўринди. Шундан кейин қавм Ашмуил таклифини қабул қилиб, Толут ҳукмронлигига тан бердилар.

Бу вақтда Жолут Фаластинда бўлган ва Бани Исроил эли ундан кўп озор кўрар эди. Яна жизя (солиқ) тайин қилди. Ашмуил Толутни Жолут дафъига саксон минг черик билан жўнатди. Толутнинг қўшини биёбонда сувсизлик ва иссиқ ҳаво шиддати ҳам Жолут ваҳимаси туфайли ёйилиб кетдилар. Толут уч юз ўн киши билан Жолут ҳузурига етди. Жолут унга қарши сипоҳ тортмоққа ор қилди ва ёлғиз ўзи майдонга чиқди. Толут Довудга ўз қизини бермоққа ваъда қилиб, уни Жолутга қарши курашга чиқарди. Якка-якка жангда Довуд Жолутни ҳалок қилди. Шундай қилиб, Бани Исроил Жолутдан қутулди, унинг кўп мулкини эгаллади.

Бу ҳикоя илоҳий эмас, тарихий воқеалар тасвиридан иборат. Унда Бани Исроилнинг Фаластиндаги курашлари, Толут, Жолут, Довуд ўртасидаги курашлар асосий ўрин тутади. Ашмуил фақат маънавий бошлиқ сифатида иш тутади. Асосий ҳаракатдаги образлар

Толут ва Жолут. Бу ҳикоя дунёвий ишлар ҳикояти, сиёсий ва ҳарбий воқеаларнинг баёни сифатида диққатга сазовордир.

Навоий Ашмуил ҳикоясини ҳам одатгидек, умрнинг интиҳоси мутлақ эканлиги тўғрисидаги тўртлик билан тугаллайди:

Чун қавмга Ашмуил бўлди ходий,
Жазм ўлди анга расул Лавсуссодий,

Элга қилибон ҳақ йўлининг иршоди,
Азм этти чу етти умрининг исноди.

ДОВУД ВА УНИНГ ЎҒЛИ СУЛАЙМОН

Довуд тўғрисидаги ҳикоя ҳам ибратли мисолларга бой. Довуд болаликда заиф ва ориқ эди. У чўпонлик қилар эди. Кейинчалик унга бағишланган фазилатлар аён бўлгач, Бани Исроил подшоҳи Толут Довудни ўзига куёв қилди. Лекин эл орасида Довуднинг обрўйи ошиб кетаётганидан хавотир бўлган Толут уни ўлдиришга қасд қилди (Бу эпизод Сиёвуш билан Афросиёб ўрталаридаги муносабатга жуда ўхшаб кетади – А.Қ.).

Ниҳоят, Толут дунёдан ўтди ва подшоҳлик Довудга муяссар бўлди. Довуд ҳусни савт (мусиқий истеъдод)га эга эди. Унга «Забур» нозил бўлди. Довуд савт билан «Забур»ни ўқиганда, барча беҳол бўлар эдилар. Довуд темирчилик ҳунарини касб қилди. У темирни ишлаганда, темир мум каби юмшар, ясалгандан сўнг яна аслига қайтар эди. Ўз вақтини Довуд бундай тақсимлади: бир куни олимлар билан суҳбат қуриб, дарс ва таълимга машғул бўлади, бир кун эл додини тинглайди, бир кун оиласи билан бўлади, бир кун муножот қилади.

Навоий ўз қаҳрамонларини бенуқсон қилиб кўрсатмайди. Довуд ҳам шулар жумласидан. У бир куни ювинаётган гўзал аёлни кўриб унга мойил бўлди. Бу аёл Урёнинг хотини эди. Урё Довуднинг иниси Савоб билан Балко шаҳарининг қамалида иштирок қилмоқда эди. Довуд Савоб орқали Урёга бир иш буюрдики, уни бажармоқ жараёнида Урё ҳалок бўлди. Иддаси ўтгач, Довуд Урёнинг хотинини ўз никоҳига олди. Довуднинг ҳарамида тўқсон тўққиз аёли бор эди.

Довуд ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, Урёнинг руҳидан узр сўради. Урё ўзини ўлдиртиргани учун Довудни кечирди, лекин хотинига уйланганини кечирмади. Довуд тавба-тазарру билан банд эканида эл ишидан чекинган эди. Бу пайт Довуднинг ўғли Салум мулк ихтиёр қилиб бош кўтарди. Довуд укаси Савобни Салумга қарши юборди, агар енгиб чиқса, Салумни ўлдирмасликни буюрди. Савоб ғолиб чиқиб Салумни қатл этди. Бу пайтда Бани Исроил халқи жуда кўпайиб кетган эди. Бир вабо келиб, юз етмиш минг киши ҳалок бўлди. Вабо тингач, унинг шукронасига Довуд масжиди Ақсони бино қила бошлади. Иш ярмига етганида Довуд дунёдан ўтди.

Бу ҳикоя драматизмга бой. Навоий айрим зиддиятли тафсилотларга кўпроқ аҳамият беради. Толут билан Довуд ўртасидаги зиддият эса торфикрлилик ва ёвузликнинг истеъдод ва истиқболга қарши кураши эди. Толут ўз куёви Довудни ўлдирмоққа буйруқ берди. Чунки тахт ва салтанат қаршисида ҳар қандай ахлоқий қоидалар унутилар, тахт учун курашда инсоний белгилар четда қолиб кетар эди. Аммо Толут ўзи ўтиб кетди ва ҳокимият Довудга қолди. Навоий Довудни адолатли ҳукмрон, моҳир ҳунарманд ва қобилиятли санъаткор сифатида тасвирлайди. Шу билан бирга, Довуднинг нуқсони ҳам аниқ кўрсатилади. Бу

Довуднинг Урёни ўлдиртириб, унинг хотинини ўз никоҳига олганида кўринади. Урёнинг ўлдирилиши жиноят эди. Довуднинг бу борадаги узрини Урё қабул қилди. Унинг хотинини Довуд ўз никоҳига олгани эса хиёнат эди. Урё Довуднинг бу хиёнатини кечирмади. Навоий бу орқали нафс устун чиққанида ҳар қандай одам ҳам шундай хато ботқоғига ботажагини кўрсатади. Бу хулоса қизиқ бир воқеа орқали ифода этилган. Маълумки, Довуднинг тўқсон тўққиз аёли бор эди. Бир куни Довуд тоат билан машғул пайтида бир неча киши келди. Улардан бири бошқасидан шикоят қилиб деди: менинг бир қўйим бор эди. Бунинг тўқсон тўққиз қўйи бор. У менинг биттагина қўйимни тортиб олди. Довуд деди: У сенга зулм қилибдир. Келганлар табассум қилиб: «Каз ар ражулу ало нафсиҳи» («Нафснинг гапига кирган» кишидек) дедилар ва ғойиб бўлдилар. Шундан кейин Довуд Урёнинг хотинини тортиб олганига пушаймон еди. Бу хотин Довудга бир шарт билан теккан эди. Агар ўғил туғилса, у Довудга валиаҳд бўлиши керак. Довуднинг валиаҳди Сулаймон шу хотиндан туғилган. Довуднинг ҳикоясига қуйидагича якун ясалган:

Довудки, шоҳ эрди ва пайғамбари пок,
Жоҳи қошида паст эрди авжи афлок.

Жонга ажал урурда тиғи бебок
Нафъ этмади шоҳлигу нубувват хошок.

Сулаймон тўғрисидаги ҳикоя ҳам воқеаларга бой. Уларнинг ибратли моҳияти аниқ сезилиб туради. Аввало, биз ҳикоянинг мазмуни билан танишайлик. Подшоҳлик ва набийликдан ташқари Сулаймон инсу жинс, қушлар, ҳайвонлар ва шамол устидан ҳам ҳукмронлик қилар эди. Ақсо масжидини у қуриб битказди. У ғоят безакли қасрда ҳукмронлик қилар, аммо кеч бўлганда замбил тўқишдан олган даромадига рўза очар эди. Бир куни у Ҳудҳуд орқали Санбо шаҳрининг подшоҳи гўзал Билқис тўғрисида хабар топди. Билқиснинг отаси Шарохил Яъриф Каҳитон наслидан, онаси Раёно Жин эса Хис шоҳининг қизи эди. Сулаймон Билқис тавсифини эшитгач, унга хат ёзиб Ҳудҳуд орқали йўллади ва Билқисни ўз ҳузурига таклиф қилди, уни ўз эътиқодига даъват эди. Билқис Сулаймон ҳузурига Мандир бинни Умарни элчи қилиб юборди. Элчига икки олтин, икки кумуш ғишт ва бир муҳрли қутича берди, икки қиз ва йигитни эркаклар либоси кийгизиб элчига ҳамроҳ қилди. Билқиснинг талаби бундай эди. Ғиштларни Сулаймон қандай қабул қилишига элчи аҳамият берсин. Сулаймон ўғлонларни қизлардан ажрата олсин. Қутичада нима борлигини айтсин. Элчи Сулаймон ҳузурига етиб келди. Бу ерда ўн икки ёғоч масофадаги девор бири олтин, бири кумуш ғиштдан қурилган эди. Фақат тўртта ғишт ўрни очиқ қолдирилган, Мандир хижолат чекиб, келтирган тўрт ғиштини ўша очиқ жойга қўйди ва Сулаймон ёнига кирди. Сулаймон уни очиқчеҳра билан қарши олди. Йигитларни қизлардан фарққилди, қутичада эса тешилмаган ёқут борлигини айтди ва уни тежамоқни буюрди.

Мандир қайтиб бориб, Билқисга бўлган ишларни айтиб берди. Билқис Сулаймон ҳузурига йўл олди. Сулаймоннинг буйруғи билан бир жин Билқиснинг тахтини келтирди. Билқисни ўз тахтига ўтқаздилар. Билқис бу ишлардан ҳайратда қолди. Охири Сулаймон Билқисни ўз никоҳига олди. Билқиснинг оёғида тук бор эди. Девлар ҳаммом биноси қурдилар ва бунинг иложини қилдилар. Шундан бери одамлар ҳаммом осойишига мушарраф бўлганлар. Билқис ва Сулаймон бир ўғил кўрдилар. Бу Сулаймоннинг яккаю ягона фарзанди эди. Аммо боланинг бир кўзи, бир оёғи ва бир қўли йўқ эди. Бола соғайди. Сулаймон бу боланинг муҳофозоти учун жинларни тайин қилди. Аммо болани бошқа болалардан устун қўйгани

Тангрига ёқмади ва боланинг жонини Азроил олди. Жасадини эса Сулаймоннинг тахтига ташлади.

Сулаймон Жазира подшоҳларидан Сайдунни ўлдириб, унинг гўзал қизини олди. У қиз шайтон иғвоси билан Сулаймондан ўз отасининг шаклини қилиб беришни сўради ва бу суратга сиғина бошлади. Сулаймон бехабар эди, Осуф бу ишдан хабардор бўлиб, Сулаймонни уйида бутпарастлик ўрнатишда айблади. Сулаймон бу бутни синдирди ва ўзи тавба қила бошлади.

Сулаймон ҳожатхонага кираётганида, ўз ҳотамини Жарода деган канизага топширди. Дев Сулаймон шаклида келиб, ҳотамни олди ва Сулаймон тахтига ўлтириб ҳукм қила бошлади. Сулаймон чиқиб ҳотамни сўраса, каниза уни танимади. Сулаймон тахт устида ўз сувратидаги бошқа кишини кўриб ишни тушунди. У шаҳарда кезар, одамлар кимсан десалар, Сулаймонман деса, уни телба деб, тош отар эдилар. Тахтга ўлтирган дев номақбул ишларни қилар, одамлар ундан ажабланиб муомалаларини ўзгартира бошлагач, дев бу иш унинг иши эмаслигини тушунди. У ҳотамни дарёга ташлаб, ўзи ғойиб бўлди. Сулаймон тирикчилик учун балиқчиларга мардикорлик қилар эди. Бир тутилган балиқни унга иш ҳақига берган эдилар. Бир куни шундай бир балиқнинг ичидан ҳалиги ҳотам чиқди. Сулаймон яна тахтга қайтди. Вақти келгач, Сулаймон ўз васиятларини бир китобга битди, ўзининг вафотини махфий сақлаш ниятида бир шиша уйга кириб олиб асога суяниб оламдан ўтди. Одамлар Сулаймоннинг асога суяниб турганини кўриб тирик деб ўйлар эдилар. Охири асони қурт еб ушалгандан кейин Сулаймон йиқилди, шунда унинг ўлганини билдилар.

Байт ул-Муқаддас битгандан сўнг асо ушалган эмиш. Навоий Сулаймон қилган ишлар орасида нуқсон томонларни ҳам бирма-бир кўрсатди. У ўз боласини бошқа болалардан устун қўймоқчи бўлди. Сайдун қизини зўрлик билан олди ва уни бутпарастликдан қайтара олмади, ҳотамни каниза Жародага топшириб ҳотамдан маҳрум бўлди. Булар барчаси ибратли ҳоллардир. Демак, Навоий Сулаймон сингари бир улуғ зот тўғрисидаги ҳикояда уни ҳеч қанча идеаллаштирмайди, аксинча, унинг йўл қўйган хатолари орқали одамларга шундай нуқсонлардан сақланиш таълимини беради. Сулаймон ҳикояси мароқли воқеаларга бой, драматизмга тўла ҳикоятдир. Навоий қаламининг насрдаги маҳорати бу ҳикояда аниқ кўзга ташланиб туради. Ҳикоя қуйидаги шеър билан тугалланган:

Оламни Сулаймонга ҳақ айлаб маъмур,
Ҳукми солди жину башар ҳайлиға шуур.
Охир чу ажал анга мақом айлади гўр,
Туфроқ ичида қилди ватан, уйлаки мўр.

Демак, шундай инсу жинслар, шамол ва инсон зотига ҳукмрон бўлган шахе чумоли каби ожиз бир нарса эди ва у гарчи ойнали уй ичида жон берган бўлса-да, бари бир охири бориб чумоли янглиғ тупроқ ичида ўзига ватан қилди.

ХАТО ВА КЕЧИРИМ

Юнуси Суй элига, яздонпарастлик ташвиқига юборилди. Аммо Юнус ҳеч бу элни ўз йўлига юргаза олмади ва уларни дуойибад қилди. Ўзи эса ҳеч ким топа олмайдиган жойга кетди. Тангри бу қавм устига бир булут юбордиким, ундан олов ёғар эди. У қавм имон келтирмоқчи бўлдилар ва Юнусни қидирдилар. Аммо уни тополмадилар.

Юнус бир кемада эди. Кема денгиз ўртасида эканида унга бир балиқ ҳамла қилди. Бу балиқдан қутулмоқ учун бир кишини унга ем қилмоқ керак эди. Қанча қуръа ташланмасин, кема аҳлидан фақат Юнусга қуръа тушар эди. Юнус ўзининг ғазабга учраганини англади ва ўзини балиқ оғзига ташлади. У қирқ кун балиқнинг ичида худога вирд ўқиш билан машғул бўлди. Ниҳоят Тангри унинг гуноҳидан ўтди. Балиқ қирғоққа келиб уни чиқариб ташлади. Бу вақтда Юнус худди янги туғилган боладек эди. Бир сутли кийик келиб уни эмизиб турди. Бир дарахт бошига соя солар эди. Қирқ кундан кейин Юнус аслига қайтди ва ўша қавм орасига борди. У қавм имон келтирдилар.

Юнуски нубувват кўзини ёрутти,
Тақвий ила қавм кўнглини ўргатти.
Балиғ ичида гарчи маскан тутти,
Ҳам охир ажал балиғи ани ютти.

Навоий асаридаги кўпгина ҳикоялар диний қобиқ билан маҳкам ўралганига қарамай, ғоят мароқли саргузаштларни ўз ичига олади. Улар маълум даражада бадиий фантастика маҳсулига ўхшаб кетади.

СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР

Зикриё Сулаймон наслидан. Имрон унинг эмзодаси эди. Иккаласининг хотинлари эгачи-сингил эдилар. Имроннинг фарзанди кўп эди. Зикриёда фарзанд бўлмади. Имроннинг рафиқаси Айхиса Марямга ҳомиладор эди. Имрон агар яна фарзанд бўлса, назр юзасидан Байт ул-Муқаддасга мувожир бўлмоқчи бўлди. Марямни бир нимага чирмаб Айхиса Байт ул-Муқаддасга элтти. Зикриё ўз тарбиясига олди. Зикриёнинг хотини Ашбоъ Марямнинг холаси эди. Зикриё Марям учун махсус масжид ва бир гурфа ясатги. Унинг эшиги йўқ эди. Зина билан унга чиқилар эди. Ўзи ғойиб бўлса тешигини ўзи қулфлар эди. Қишда ёз меваси ва акси ҳам бўлар эди. Зикриё айтдики, агар Марямга вафо насиб бўлса, у менинг ҳаётим шажарасидиндур. Шу вақт Жаброил Яҳё вужудига башорат юборди. Яҳё туғилгандан сўнг кўп ўтмай унга ваҳий қилди. Яҳё кўп тоат қилар ва йиғлар эди. Икки кўзидан икки навдондек хат пайдо бўлар эди. «Бу вафода Марям зуафо узридин ғусл қилур маҳалда Жаброил ани Исо алайҳиссаломга башорат қилди». Тўққиз ойдан кейин Исо туғилди. Халойиқ номуносиб сўзлар дедилар. Бани Исроил Исога ёмон кўз билан қарар эди. Зикриё бу элдан қочди. Улар қувладилар. Бир ёғоч қутига беркинди. Аммо этагининг бир учи ёғочдан ташқарида қолди. Улар ёғочни арралаб Зикриёни ҳалок қилдилар. Навоий бу мудҳиш жиноятга ўз муносабатини бундай ҳаяжонли ифодаларда изҳор этади: «Бу ерда чун сўз деярдин, балки дам урурдин ҳома тили лол ва тил ҳомаси гунги мақолдур».

Ўша замондаги подшоҳнинг ёшига етган (рафиқаси) бор эди. Қариган подшоҳ бировни никоҳга ола билмас эди. Бир кампирнинг гўзал қизи бўлган. Подшоҳга шу қизни олмоқни таклиф қилди. Подшоҳ Яҳёга маслаҳат солди. Яҳё, сенга унинг никоҳи раво эмас, деди. У қиз билан онасида Яҳёга душманлик пайдо бўлди. Бир куни подшоҳ маст эканида у қизнинг онаси қизини безатиб подшоҳ ҳузурига юборди. Подшоҳ унга майл қилди. Қиз ибо қилди, агар ҳожатимни раво қилсанг, шу иш бўлур деди. Сўрадики, ҳожатинг надур? У бадбахт, ҳожатим Яҳё қатлидир деди. У хиёнатчи (зоний) бу хиёнатчи аёл (зония) хотири учун бегуноҳ Яҳёнинг қатлига ризолик берди. Дейдиларки, бу ҳазрат қатл бўлгач, у икки

лаънатини ер ютди. Бани Исроилнинг икки фасодидан сўнггиси Яҳё қатлидир. Шундан сўнг форс подшоҳларидан Хурус деган Исроилни истило қилиб, бу икки пайғамбар эвазига кўп одамни қатл этди. Яҳёдан оз одам қолди. «Дедиларки, Байт ул-Муқаддас дарвозасидан Хурус ўрдисиғача рудхонадек қон оқти». Ҳикоя Яҳё ва Зикриё ҳақидаги тўртлик билан тугайди:

Айлаб Зикриё Яҳёни қабул,
Қилди иккисини олам аҳлига расул.

Не қилдилар эркин бу ота бирла ўғул
Ким элга яна аларни қилди мақтул.

ИСО ҲИКОЯСИ

Навоий Исо тўғрисида, унинг дунёга келиши борасида гаплар кўп эканини айтиб ёзади: «Масиҳ лафзида сўз кўптур ва Исо алайҳиссалом валодатида ҳам сўз кўптур ва тафосири кабирдин маълум бўлур. Чун бу мухтасарда матлуб ихтисордур» (таъкид меники – А.Қ.).

Демак, Навоий қизиққан ўқувчини катта тафсирларга йўналтиради. Ўзи у иккинчи даражада мулоҳазаларга вақт ва ўрин сарф этмоқни лойиқ топмайди.

Исо отасиз туғилган. Ҳомиладан бўшаш вақти келганда Марям Байт ул-Муқаддас шаҳаридан нарироқ бир ерга бориб, бу ишни амалга оширди. «Байт ул-Муқаддасдан чиқиб қирғоқроқ ерда вазъи ҳамл қилди». Одамлар бу ишдан хабардор бўлиб, гап қила бошладилар. Исо онасини ҳимоя қилиб бир неча сўзлар айтди. Халойиқ ҳайратда қолдилар ва жим бўлдилар. Марямнинг холазодаси Ҳабиб нажжор уни Исо билан бирга Дамашққа олиб борди. Исо ўн уч ёшгача у ерда яшади. «Инжил» Исога юборилган. Сўнг уччовлари Байт ул-Муқаддасга келдилар. Бу ерда Исо одамларни ягона Тангрига сиғинмоққа ташвиқот қила бошлади. Халқ унга ишонмай номуносиб сўзлар дедилар. Аммо Ҳамутлар имон келтириб бу динни қабул қилдилар. Улар ўн икки киши эдилар. Ҳунарлари бўёқчилик эди.

Исо кўп мўъжизалар кўрсатди. Ўзи жуда камтарона яшар эди. Унинг фақат бир жўн куйлаги, бўрки ва асоси бор эди. Бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. У тайин бир жойда яшамас, ҳамиша йўлда бўлар эди. Тирикчилик учун бирор касб қилмади. Нимаики тушса, шунга қаноат қилиб яшар эди. Ҳаворийлар бир уй қилиб бермоқчи бўлдилар. Исо кўнмади. Аёллар билан алоқа қилмас эди.

Исо балчиқдан бир қуш ясаб, унга ўз нафасини етказганда, у қушга жон кирди ва у қуш учиб кетди. Исонинг дуоси билан ўликлар тирилар эди. Исо Ибн ул-Ажузни тирилтирган. Исо йўл босиб кетаётганида бир қабр устида нола қилаётган аёлни кўрди. Исо у аёлдан ҳол сўради. Ўғлим эди ўлди, унинг фироқида бетоқатмен, деб жавоб берди аёл. Исо дуо қилгач, ўлик тирилди. Аммо ўлик илтимос қилдики, дуо билан уни яна эски ҳолига қайтарсин. Руҳуллоҳ (Исо) дуоси билан бу иш ҳам амалга ошди.

Насибин вилоятида бир мутакаббир ва золим подшоҳ бор эди. Исо уни имонга даъват қилмоқ учун келди. Исонинг одамларидан Яъқуб, Туман ва Шамъун ҳам бу шаҳарга кирдилар. Яъқуб Исонинг Тангри расули эканини эълон қилди. Одамлар эса унга ҳужум қилдилар, у қочди. Туманни тутиб подшоҳ ҳузурига келтирдилар. Подшоҳ қошида ҳам Туман ўша сўзларни айтди. Подшоҳнинг буйруғи билан Туманнинг қўлини кесиб, кўзларини кўр қилдилар. Лекин у сўзидан қайтмади. Шу вақт Шамъун етиб келиб маликдан Туман

илзомига сўз айтди. Тумандин бу киши ким? Сен унинг рисолатига иқрор қиласен, ҳеч ҳужжат ёки мўъжизаси борми, деб сўради. Туман, Акма ва Абрасни даволайди, деб жавоб қилди. Шамъун табиблар шериклик қилар, деди. Киши оқшом нима еганини, уйида нима борлигини айтиб беради. Шамъун жин сеҳр қилса керак деди. Туман балчиқдан қуш ясаб унга нафас билан руҳ бағишлайди, деди. Шамъун сеҳр бўлса керак деди. Ўлукни тиргузди. Шамъуннинг маслаҳати билан Исони келтирдилар. Исо барча айтилганларга иқрор бўлди. Шамъун айтдики, агар айтганларинг чин бўлса, аввал рафиқингдан бошла. Исо Туманнинг кесилган жойларини ўз ўрнига қўйиб дуо қилган эди, барчаси тикланди.

Салмони форсийда айтилганки, бу вилоятдаги барча касалларни даволашни талаб қилдилар. Даволади. Тўрт минг йил бурун ўлган ўликни тирилтирмоқни сўрадилар. У Сом бин Нуҳ эди. Исо қабр бошига келиб дуо қилди. Қабр ёрилиб ичидан бир соч-соқоли оқариб кетган одам чиқиб келди. У Исо Руҳуллоҳдир, унинг динига киринг, деди. Исо ундан сўрадики, нега соч-соқолларингиз оқариб кетган. У дедики, сенинг дуойинг овози келгач, қиёмат бўлди деб ўйлаб қўрққанимдан, соч-соқолим оқариб кетди. Сом элга насиҳатлар қилди. Сўнг Исонинг дуоси билан аввалги ҳолига қайтиб ёрилган ер орасига кириб кетди.

Бани Исроил сафарда озуқ-овқатдан қийналди. Шунда уларнинг илтимосига кўра Исо осмондан озуқ сўради. Жавоб бўладики, озуқ юборилади, фақат ношукур бўлганлар қаттиқ азобга дучор бўладилар. Барча рози бўлдилар. Тангри хони осмондан тушди. Унда нон ва бирён балиғ, туз ва сабзилар бор эди. Барча овқатландилар. Касаллар шифо топти. Аммо бир гуруҳ бу осмондан келмаган, балки Исонинг сеҳридир, деб инкор қилдилар. Шунда Тангри бу ношукурларни тўнғизга айлантирди. У тўнғизлар ўз нажосатларини ер эдилар. Улар Исо ҳузурига келиб тавба-тазарру қилар эдилар. Уч кундан кейин улар қабиҳ важҳ билан ўлиб кетдилар.

Навоий Исо мўъжизалари кўп эканини таъкидлаб, уларни «масбутроқ кутубдин маълум қилса бўлур», деб ёзади. Яна соҳиб «Гузида»да айтилишича, «ул жамоат яҳуд ва масиҳ бўлюндин сўнгра Исо... ёниб Байт ул-Муқаддасга келди ва ул гумроҳларнинг боқийяси Исо... қатлига қасд қилдилар. Ва Исо... махфий бўлди». Шамъунни тутдилар. У Исони кўргузмади, Парвис ўттиз дирам пора олиб, Исони уларга кўргузди. Исони тутиб ўлдирмоқчи бўлганларида, Тангри Исони уларнинг кўзидан осмонга чиқарди. Маҳди чиққач, Исо осмондан тушади. Дажжолни ҳалок этиб барчани «хотимал – нубувва миллатиға далолат қилгой», деган эътиқод бор. Навоий Исо ҳикоясини қуйидаги тўртлик билан якунланган:

Исоки, мужаррад айлади Тенгри ани,
Кўк равзаси бўлди жилвагоҳу чамани.
Ёр аҳлидин улки, бўлса тажрид фани,
Тонг эрмас агар кўк ўлса анинг ватани.

Навоийнинг ушбу асари Шарқ мифологик образларининг бадиий тасвирини ўз ичига олган.

Бу асарнинг биринчи бўлагидаги ҳикояларнинг кўплари набийлар (алайҳиссалом) тўғрисида. Аммо бу ҳикоялар қаҳрамонларининг баъзилари набийлар эмас. Лекин уларнинг барчаси турли миф ва афсоналарнинг бош образларидирлар. Ҳикоялардаги ижобий қаҳрамонлар яздонпарастлардирлар, яъни якка Тангрига ибодат қилмоқни ташвиқ этувчилардир. Бутпарастлик, оташпарастлик, турли-туман санамларга топинмоққа қараганда яздонпарастлик ўз даври учун илғор ғоя эди. Ижтимоий тафаккур тарихида якка Тангрига ибодат қилиш инсон онгининг олдинги давридагига кўра янги босқичга кўтарилмоқда

эканини билдиради. Яна бу қаҳрамонлар ўз ғояларига чин садоқат тимсолидир. Ғоя йўлида барча меҳнат ва кулфатни тортмоқ, чин юракдан берилиб маслак учун хизмат қилмоқ шахс табиатининг бой ва мукаммаллигини кўрсатади. Навоий ҳикояларида қаҳрамонлар фаолиятидаги ҳаётий белгилар аниқ кўринади. Қаҳрамонлар бир хил рангда берилмайди. Уларнинг улуғлиги, кўрсатган эзгу ишлари билан бир қаторда нуқсонлари, ғайри эзгу қилмишлари, ҳатто хатолари ҳам очиқ-ойдин кўрсатилади. Бу ҳол қаҳрамонлар табиатини аниқлаштиради, уларга ҳаётийлик беради, шу билан бадиий тасвирни таъсирли ва ишонарли қилади.

Навоий тасвирининг бадийяти яна услубнинг равшанлигида, фикрларнинг аниқлиги, жумлаларнинг лўндалиги, сўзларнинг камлиги, умумлашмаларнинг кенглигида кўринади. Навоий шарқ мифологик образларини XV аср ўзбек тилида қайта яратди. Навоийнинг умумий тарихга оид бу асари XV аср ўзбек бадиий насрининг характерли намунасидир.

Ҳар бир ҳикоя кичик бир тўртлик билан тугалланади. Бу тўртликлар ҳикояда баён этилган воқеаларга якун ясайди. Бу шеърий якунлар кўпинча ҳаётнинг интиҳоси бор эканини, бу интиҳонинг муҳаққақлигини эслатиб туради. Алишер Навоий одамларни ўлим билан қўрқитмоқчи эмас, балки ўлимнинг ҳақлиги орқали ҳаётни тасдиқламоқда, ҳаётни муносиб кечирмоқ тўғрисида ўгит қилмоқда.

АСҲОБИ КАҲФ

Юнон мулкидаги Ақсус шаҳарида Дақёнус деган золим подшоҳ бўлган. У бутпараст эди. Асҳоби Каҳф яширинча ягона Тангрига сиғинар эдилар. Дақёнус бундан хабар топиб уларни қатл этмоқчи бўлди, шунда улар бир жойга бориб беркинмоқ мақсадида йўлга чиқдилар. Биёбонда уларга бир чўпон учради. У ҳам Асҳоби Каҳфга қўшилди. Чўпоннинг ити ҳам эгасига эргашди. Ҳаммалари Раҳм деган ғорга кирдилар ва уйқуга кетдилар. Улар уч юз тўққиз йил ухладилар. Бир маҳал уйғониб Тамилҳо деганларини шаҳарга озуқа келтирмоқ учун юбордилар. У вақт шаҳарда худопарастлик ўрнашган эди. У шаҳардаги ўзгаришларни, одамларнинг Исо динига кирганларини кўриб ҳайрон бўлибди. Одамлар унинг озуқага тўламоқчи бўлган пулини кўриб, сен Дақёнус хазинасини топибсан, деб подшоҳ ҳузурига олиб келдилар. Подшоҳга бу одамнинг гаплари ғалати туйилиб уламодан сўради. Уламо «Инжил»да Асҳоби Каҳф тўғрисидаги гап борлигини айтди. Подшоҳ Тамилҳога йўл бошлатиб, Асҳоби Каҳф ҳузурига келди. Асҳоби Каҳф овқатланиб, шукр ва сажда қилганларидан сўнг жон бердилар. Подшоҳ бу ғор эшигига гумбаз ясаб бу ерни муқаддас маъбадга айлантирди.

Каҳф аҳлига юзланиб адув қайғуси,
Бўлдилар агарчи ғорнинг маҳбуси.

Чун кўзлари эрди уйқунинг мамлуси
Ҳам оқибат элтти адам уйқуси.

Асҳоби Каҳф ҳикояси яздопарастликнинг ўрнашуви муҳаққақ эканини билдиради. Золим Дақёнус ҳукмронлиги даврида бу оғайнилар (Асҳоби Каҳф) подшоҳ шахсига сиғинмоқдан кўра, ягона Тангрига сиғинмоқни афзал кўрганлар ва яширинча яздонпарастликка

ўтганлар. Улар шу эътиқодга садоқат билан оламдан кўз юмдилар ва улар ётган ғор эшиги муқаддас қадамжо бўлиб қолди.

Шарқ адабиётида «Асҳоби Каҳф» ҳикояси жуда машҳурдир. Бу ҳикоя О.Шарафиддинов тузган «Ўзбек адабиёти хрестоматияси»нинг I томида ҳам нашр этилган.

Навоий Асҳоби Каҳф ҳикоясининг қаҳрамонларини «Хамса»ни ёзишга киришаётганида эсга олди. Бу тўғрида Навоий бундай деб ёзган: «Ул вақтким, фақир «Хамса»га татаббу қилдим, бир достонда Ҳазрати Шайх Низомий ва Амир Хисрав Деҳлавий ва ул ҳазрат (Жомий – А.Қ.) маддоҳликларидаким, ўзимни ихлос ва ниёзмандлик юзидин оларга тобе ва пайрав тутуб, сухангузарлик воқеъ бўлуб эрдиким:

Каҳфи фани ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай робибуҳум калбуҳум[1]

(Фонийлик ғорида улар йўқолсалар, мен ҳам тўртинчилари, итлари бўлай).

Навоий «Хамса» ёзмоққа киришганда ўзини жуда камтарона тутиб Низомий, Хисрав, Жомийлар агар Асҳоби Каҳф бўлсалар, мен уларнинг тўртинчилари, яъни ёнларидаги итлари каби бўларман, деган фикрни изҳор этади. Бу мисол ҳам Асҳоби Каҳф қаҳрамонлари образларининг XV аср Ҳирот адабий муҳитида қанчалар шуҳрат топганини билдириб туради.

УЧ ҲИКОЯ

Бу уч ҳикоя Навоийнинг умумий тарихга оид асарининг биринчи қисмидаги иккинчи бўлагини ташкил қилади. Уни «Уббод зикри» деб аташ мумкин. Бу бўлакда уч обид (ибодат қилувчи) – Барсисо Обид, Шамсун Обид ва Жориҳ Роҳиблар тўғрисида ҳикоя қилинади. Ҳар бир ҳикоя кетидан шоир бир байт билан айтилганларга хулоса ясайди.

Барсисо Обид тўғрисида ҳикоя юз берган жиноят эвазига келадиган жазо муҳаққақ эканини, нафс васвасасига берилмаслик кераклигини билдиради.

Шамсун Обид тўғрисидаги ҳикояда эса ёмон хотиннинг хиёнати қандай мудҳиш бўлажаги тўғрисида сўз боради. Шеърий хулосада бу ёмон хотин умуман ёвузлик дунёсининг тимсоли сифатида талқин этилади.

Жориҳ Роҳиб ҳикояси зинодан (шаҳватга майл ва шаҳвоний ҳирс) сақланишни ташвиқ этади. Қуйида бу ҳикоялар мазмуни билан танишиб ўтамиз.

Барсисо Обид Исроил қавмидан эди. У Исодан кейин яшаган, етмиш йил ибодат қилган. Халқунга мурид бўлди.

Шайтон салоҳ суратида Барсисо ҳузурига келди, биргалашиб ибодат қилишди. Барсисо ва шайтон ўрталарида иноқлик пайдо бўлди. Чунки униси содда ва буниси ҳийлагар эди. Шайтон Обидга бир исм ўргатдики, у орқали гўё беморларни даволамоқ мумкин. Шайтон бир неча одамнинг бўғзини бўғиб келтирди. Обид ўша дуо билан беморларни даволаган бўлди. Бу давонинг шуҳрати ҳар ёнга ёйилди.

Подшоҳнинг қизи бемор эди, уни даволамоқ учун Обид ҳузурига келтирдилар. Беҳол ётган қизни Обид қошида ётқизиб кетдилар. Муолажа пайтида Барсисо бу қизни кўрмаган ҳолатда кўриб унга мойил бўлди. Жой хилват ва бехавф эди. Қиз эса гўзал ва беҳуш. Барсисо

[1] Навоий. Асарлар. XIV том 19-бет.

фурсатни ғанимат тугди. Истаган ишини қилиб бўлганида рафиқи кириб келди ва ажиб иш қилдинг деди. У ҳам қилган ишининг қабиҳ эканини тушунган эди, бирон чора топгин деб рафиқига илтимос қилди. Рафиқи, қизни ўлдириб ерга кўмгин, сўрасалар уйдан чиқиб кетган эди, қай ерга кетганини билмайман, деб жавоб берасан, деди. Рафиқи бошчилигида бу иш ҳам амалга ошди. Шундан сўнг рафиқи бориб подшоҳга бўлган ишларни хабар қилди. Подшоҳ Обидни қийноқлар билан ўлдирмоққа буюрди. Ўша ҳолатда рафиқи яна шайтонлигини кўрсатди. У Обидга, агар менга сажда қилсанг сени қутқараман деди. Барсисо шайтон айтганини қилди ва яна қатл этилди. Навоий бу ҳикоядан хулоса ясайди:

Бўлма мағрур куҳ ёки ассо
Кўрки, не ишга қолди Барсисо.

Барсисо Обид тўғрисидаги ҳикоя сюжет чизиғининг мураккаблиги воқеаларнинг драматизмга бой экани билан ажралиб туради. Агарда киши ўз нафси, ёмон интилишларидан устун тура олмаса, унинг барча тоат-ибодатлари беҳудадир. Энг муҳими, одамнинг ўз табиатидаги ёмонликни, яъни нафсни енга олмоғидадир.

Навоий ана шу фикрни таъсирли равишда ифодалайди. Ёвузлик маккор ва изчил. Буни шайтоннинг Барсисога қилган муомаласида аниқ кўрамиз. Ёвузлик ҳеч қачон ўзининг башарасини ошкора кўрсатмайди. У эзгулик ниқобини ёпинган. Шайтон даставвал Барсисо Обиднинг ишончини қозонди.

Бунинг учун у Барсисо билан биргалашиб ибодат қилди. Шунчалар ибодат қилдики, ниҳоят шайтон билан Барсисо Обид дўстлашиб кетдилар. Навоий бундай иноқликни униси (Барсисо – А.Қ.) содда ва буниси (шайтон – А.Қ.) ҳийлагар эди, деб изоҳлайди. Барсисо соф ва самимий одам бўлганидан шайтоннинг ҳаракатидаги қалбакиликни сеза олмади ва осонгина унинг тузоғига тушди. Бу тузоқ ҳам ғоят усталик билан қурилган эди. Шайтон Барсисога ўргатган даволаш усули – дуо шайтоннинг ҳийласи эди. Бу дуодан тузалган касалларни шайтоннинг ўзи бўғизлаб келтирган эди. Ҳикоянинг асосий палласи подшоҳ қизи билан Барсисо ўртасида содир бўлган воқеадан бошланади. Барсисо бир жиноят кетидан иккинчисини амалга ошира боради. Шу билан Обид Шайтоннинг тузоғига яна қаттиқроқ илина боради. Барсисонинг қизга тажовуз қилмоғи биринчи жиноят. Ундан кейингиси – қизнинг ўлдирилиши. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Барсисонинг жинояти очилгач, у ўлимга ҳукм қилинади. Шунда ўлимдан қутулмоқчи бўлиб, Барсисо шайтонга сажда қилади. Ана шу воқеа ҳикоянинг кульминацион нуқтасидир. Шу билан Барсисонинг жиноятлари авжига чиқади. У тажовузкорлик қилди, одам ўлдирди ва шайтонга сажда қилди.

Навоий бу ҳикояни қисқа, лўнда, бирор ортиқча сўз киритмаган ҳолда яратган. Бутун ҳикоя дафтарнинг бир саҳифасида жойлашгудек. Воқеалар эса ўз моҳиятига кўра бутун бир роман учун мавзу бўла олади.

Навоий воқеаларни баён этар экан, бирор йўсинда ўқувчига тазйиқ қилмайди. У воқеаларни холис баён этади, аммо Навоийнинг баён этмоқда бўлган фикри нафсдан тийилмоқ, шайтон макридан эҳтиётланмоқ ўқувчининг хотирида маҳкам ўрнашади.

Шамсун Обид Исо ва Муҳаммад замони орасида яшаган. Доим ибодат билан машғул бўлган. Жуда кучли бўлган. Мушрикларнинг унга ҳеч кучи етмас эди. Охири унинг хотинини қавм подшоҳи ўз никоҳига олмоқчи бўлиб алдаган ва ишга солган. Бир кеча Обид ухлаб ётганида, у ғаддора қўл-оёғини арқон билан боғлаган. Шамсун уйғониб, бир зўр берганида арқонлар узилиб кетган. Сабабини сўраса, хотин кучингни синамоқчи эдим,

деган. Шундан кейин мушриклар занжир юборганлар. Хотин Шамсунни шу занжир билан боғлаган. Шамсун уни ҳам узиб ташлаган. Охири макр-афсун билан Шамсунни банда қилиб подшоҳ ҳузурига келтирганлар. Подшоҳ тўрт тўсин устига ўрнатилган манзарда ўлтирар эди. Подшоҳ Шамсунни ўлимга ҳукм қилди. Шамсун бир дуо қилди. Шунда бир қушга ҳукм бўлдики, у қуш бандларни узди ва шоҳ ўтирган иморатларнинг тўсинини итариб унинг иморатини йиқитди. Подшоҳ ва унинг яқинлари ҳалок бўлдилар. Шамсун хотинини талоқ қилди, минг ой ибодат қилди. Лайлатулқадр келадиган минг ойлик муҳлат шундандир. Навоий бу ҳикоядан жаҳон арусини талоқ қилмоқ тўғрисида хулоса қилади. Ҳақиқий Обид шундайдир:

Улдурур обиди алал-атлоқ
Ки, жаҳоннинг ажузин этти талоқ.

Навоий ибн Аббосга асосланиб ҳикоя қиладики, Исодан кейин Жариҳ деган бир йигит обид бўлган эди. Ўн уч ёшидан ибодатга машғул бўлди. Шаръ аҳли доим изза қилмоққа, балки ибодатдан қайтармоққа макр қилар эдилар. Жариҳнинг бир солиҳа ва обида онаси бор эди. У ҳар куни ўғлига бир бор овқат келтирар эди. Бир куни онаси овқат келтириб, савмаа эшигини қоқади. Жариҳ намоз билан банд бўлгани учун эшикни очмоққа кечиқди. Онаси малол тортиб, сенга Тангри зония (хиёнатчи) хотинлар юзини кўрсатсин, деб қарғади. Бу қарғиш амалга ошиб Жариҳнинг қасдига тушганлар шундай хотинни молу бойлик ваъда қилиб унинг савмаасига юбордилар. Бу зония Жариҳга ўз зиноси билан туҳмат қилди. Душманлари Жариҳнинг бўйнига арқон боғлаб малик ҳузурига элтдилар ва Малик Жариҳни ўлимга ҳукм қилди. Онаси бу гапдан хабар топиб, Малик ҳузурига келди ва гувоҳим бор, ўғлим покдир. У менинг қарғишим туфайли бу туҳматга учради, деб арз қилади.

Малик, гувоҳинг кимдир, деб сўради. Она ўша зонияни чақириб қорнига қўлини қўйиб ундаги болани чақирди. Бола лаббай деб жавоб берди. Солиҳа, сенинг отанг кимдир, деб сўради. Бола, фалон кўнчидир, деб жавоб берди. Уч қайта сўради. Жавоб бир хил эди. Ҳамма ҳайратда қолди. Жариҳдан узр сўрадилар. Бола туғилгач, фасод аҳли яна туҳматни бошладилар. Уч кунлик бола яна айтган гапларини такрорлади.

Ниҳоят, Тангри Жариҳни бу балодан қутқарди. Навоий бу воқеалардан хулоса қилиб ёзади:

Ҳар кимсаки, пок эса зинодин
Тангри ани асрагай балодин.

Гарчи бу ҳикоя Обид тўғрисида бўлса-да, Навоийнинг қилган хулосаси тоатни эмас, покликни, ибодатни эмас, зинодан асранмоқни ташвиқ этади. Навоий кишиларни эзгулик, ҳалоллик, поклик йўлида изчиллик билан бормоққа ундайди.

Шундай қилиб, бу уч ҳикоя Навоий кўнглига яқин бўлган фикрларни тўғрилик, ҳалоллик, покликни ташвиқ этади.

Шамсун ва Жариҳ тўғрисидаги ҳикоялар тузилиши жиҳатидан Барсисо тўғрисидаги ҳикоядан анча фарқли. Лекин учала ҳикоя ҳам кескин тўқнашувлар асосига қурилган. Барсисонинг шайтон иғвоси билан ҳалок бўлмоғи ёвузликнинг кучи зўр эканини билдиради. Ёвузлик изчиллик билан эзгуликка қарши чиқади. Эзгулик йўлидан сал тойилмоқ ёвузлик домига мубтало этади.

Шамсун ҳикояси ҳам ёвузликни қоралайди. Бу ҳикоядаги аёлни рамзий бир образ деб қарамоқ керак. У енгил-елпи интилишлар, беҳуда ҳаваслар тимсолидир. Шунинг учун ҳам Навоий бу образни жаҳон аруси сифатида талқин қилади. Аммо агар бундай тубанликларга қарши қатъий чиқилмаса, улар устун келишлари ҳам мумкин.

Жариҳ тўғрисидаги ҳикояда воқеалар тугуни онанинг қарғиши билан боғланган бўлсада, ундаги асосий конфликт зониялар туҳмати орқали содир бўлади. Ниҳоят, бу туҳматни бартараф қилган ҳам онанинг ўзидир. Навоий онанинг ўз ўғлини оқлаб чиқиши билан ҳикояни якунлайди. Навоий қаламига оид бу уч ҳикоя эзгу фикрларни ташвиқ этувчи насрий обидалардандир.

ҲАКИМЛАР ҲИКМАТИ

Навоийнинг умумий тарихга оид асарининг учинчи бўлими «Ҳукамо зикри»дир. Бу ҳажм жиҳатидан унча катта эмас. Аммо мазмун эътибори билан жуда улкан. Навоий бу асарда ўн уч мугафаккир тўғрисида сўз юритади. Улар Луқмон, Фишоғурс, Буқрот, Буқротис, Суқрот, Афлотун, Аристотилис, Балинос, Жолинус, Батлимус, Жомасп, Содиқ ва Бузургмеҳрдирлар.

Луқмон. «Ҳукамо зикри» Луқмон тўғрисидаги ҳикоя билан бошланади. Луқмоннинг ҳакимлар ёки пайғамбарларга оид экани тўғрисида қарама-қарши фикрлар бор, деб хабар беради. Шунинг учун Навоий Луқмонни ўз китобининг набийлар тўғрисидаги бўлагига ҳам, ҳакимларга доир бўлагига ҳам киритган. Навоий Луқмонга тегишли уч ҳикоя ва тўрт ҳикматли гап келтирган. Навоий Луқмоннинг ажойиб ишлари ва фойдали гаплари кўп эканини алоҳида уқтириб ўтади. Навоий ёзадики, Луқмон қора рангли экан. У қул бўлган, аммо ўзининг ақл-фаросати, ҳозиржавоблиги ва жасорати билан озодликка эришган. Луқмоннинг хўжаси унга қўй сўйиб, яхши жойларидан таом пишириб келтирмоқни буюради. Луқмон сўйилган қуйнинг юраги ва тилини пишириб олиб келади. Шундан кейин хўжа яна бир қўйни сўйиб, шу қўйнинг ёмон жойларидан таом ҳозирламоққа буйруқ беради. Луқмон бошқа сўйилган қўйнинг яна ўша жойларидан таом тайёрлаб хўжасига келтиради. Хўжа Луқмондан нега бундай қилганини сўрайди. Луқмон жавоб бериб дейди: «Агар кўнгил номуносиб ишлардан, тил эса лозим бўлмаган сўзлардан узоқ турса, улардан яхшироқ аъзо йўқ. Агар шундай бўлмаса улардан ёмонроқ нарса йўқ».

Луқмоннинг қулликдан қай йўсинда озод бўлганлиги тўғрисидаги икки ҳикоятни Навоий набийларга оид бўлакда келтирган. Улардан бири Луқмоннинг тадбирлилигини кўрсатади. Луқмон бу фазилати билан ўз хўжасини ноқулай аҳволдан қутқаради ва бунинг эвазига озодликка эришади.

Луқмоннинг хўжаси дарё бўйида бир одам билан нард ўйини ўйнар эди. Ўйновчилар кимки ютқазса, шу дарёдаги сувнинг ҳаммасини ичади, ёки бўлмаса бугун молини беради, деб шарт қилишган. Луқмоннинг хўжаси бу ўйинни ютқазган. Ютган киши ундан дарёдаги барча сувни ичмоқни талаб қилган. Луқмоннинг хўжаси саросимада қолган. Шунда Луқмон ўйинни ютган кишига бундай талаблар қўйган: у ё шарт қилинган вақтдаги сувни ичмоққа ҳозирлаб берсин ёки бу қирғоқдаги сувни ичгунча нариги қирғоқдаги сувни тўхтатиб турсин. Ўйинни ютган киши бу шартларни бажармоқдан ожиз қолган. Шу билан Луқмоннинг хўжаси шартдан қутулган. Бу оқилона кўмак эвазига Хўжа Луқмонни қулликдан озод қилган. Бу тўғридаги бошқа ҳикоят Луқмоннинг ўз хўжасига қилган маънавий танбеҳини билдиради. Луқмон мантиқли ҳаракати билан қулликдан озод бўлади.

Хўжаси Луқмонга кунжут экмоқни буюради. Луқмон эса кунжут экмай, арпа экади. Хўжа Луқмондан, арпа экиб қандай қилиб кунжут ҳосили ола биласан, деб сўрайди. Луқмон хўжасига бундай деб жавоб беради: «Сен нолойиқ ишлар қиласан, яна Тангридан раҳмат ва жаннат кутасан. Шунга ўхшаб мен ҳам арпа эксак, зора кунжут ҳосили оларман, деб ўйладим. Хўжа ўз қулининг бундай мантиқий танбеҳидан хижолатда қолган ва Луқмонни қулликдан озод қилган.

Бу ҳикоятлардан сўнг Навоий Луқмоннинг айтган ҳикматли гапларидан бир намуна келтиради. Бу хайр ва авф тўғрисидаги панддир. Бу панднинг ифода шакли ғоят ажиб ва мазмуни унутилмасдир. Луқмон деган: «Тўрт минг сўз битибдурлар ва уни тўрт сўзгача қисқартирибдурлар. Шулардан иккитасини ёдда сақламоқ керак. Иккитасини эса унутиб юбормоқ лозим. Олдинги икки сўздан бири (яъни ёдда сақламоқ зарур бўлган нарса) ўзи қилган ёмонлик ва бошқа одам қилган яхшилик. Кейинги икки сўз (яъни, унутмоқ лозим бўлган нарса); ўзи қилган яхшилик ва ўзганинг қилган ёмонлиги.

Навоий ёзадики, Луқмон уч минг йил яшабди. Баъзилар эса Луқмоннинг ҳаёти етти каркас бўлган дейдилар. Ҳар бир каркас беш юз йилдан иборат. Демак, бошқа ҳикоятга кўра, Луқмон уч ярим минг йил яшаган. Шоир Луқмон ҳаётининг узунлиги тўғрисидаги бу гапларни келтирар экан, киши бундан минг баробар ортиқ яшаганда ҳам бари бир фурсати келгач, қайтмас сафарга жўнаяжаги тўғрисидаги шеър билан у гапларга якун ясайди. Луқмон тўғрисида Навоийнинг гаплари Ғарбда машҳур бўлган масалчи Эзопга нисбат бериладиган ҳикояларга жуда монанд келади. Бу фикрни Рустам Комилов билдирган эди (Навоий. Асарлар, XV том. 231-бет).

«Ҳукамо зикри»да Навоий олимларни бир-бирига боғлаган ҳолда тасвирлайди. Олимлар рўйхати бирининг бирига шогирд эканлиги асосида тузилган. Чунончи, Луқмондан сўнг Фишоғурс ва Жомасп тўғрисида сўз юритилади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Луқмоннинг шогирдлари сифатида талқин этилган.

Фишоғурс ҳаким Луқмон ҳакимнинг шогирдидир, деб ёзади Навоий. Шарқда Фишоғурс деб аталган ҳаким Ғарбда Пифагор номи билан машҳур бўлган.

Навоий олимларнинг яшаган даврини қадимий Эрон афсонавий ҳукмдорларининг тарихи орқали кўрсатади. Навоийнинг баъзи манбалардан олиб хабар беришича, Фишоғурс яшаб ижод этган давр Гуштасп ҳукмронлиги пайтига туғри келади («Баъзи дебдурларки, Гуштасп замонида эрди»). Гуштасп милоддан олдинги қадимий Ажам шоҳлари сулолаларидан қаёнийларга мансуб. Гуштасп давридан бошлаб зардуштийлик (зороастризм) юзага келган ва ёйила бошлаган.

«Ҳукамо зикри»да айтилишича, Фишоғурс мусиқий илмига асос солган, мусиқа асбобларини ихтиро этган («Мусиқий илмининг возеидур, андин бурун бу фанни тазвин қилғон киши маълум эрмас ва соз ҳам анинг мухтараидур»).

Жомасп ҳаким ҳам Луқмоннинг шогирди. Агар Фишоғурс Ғарб ҳакимларидан бўлса, Жомасп Шарқ ҳакимларидандир. Фишоғурс ва Жомасп каби шогирдлари орқали Луқмоннинг ҳар иккала дунё – Ғарб ва Шарқда қанчалар таъсир кучига эга бўлганини тасаввур қилиш мумкин. Навоий яна Жомаспнинг Гуштаспнинг биродари эканлигини айтади («Жомасп ҳаким Гуштаспнинг қариндошидур ва Луқмоннинг шогирди эрди). Жомасп илми нужум (астрология) бўйича билимдон бўлган. У уч минг йилгача юз беражак воқеаларни ўз китобида айтиб ўтган эмиш[1]. Жомаспнинг дафн этилган ери Форс вилоятидадир.

[1] Бу китобнинг номи «Жомаспнома»дир. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг ишқ қаҳрамони бўлиб дунёга келажаги шу китобда айтилган эди, деб ёзади. Бу ҳақда Фарҳодга Суқрот хабар беради. «Жомаспнома» тўғрисида эслатма яна «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий»да ҳам учрайди – А.Қ.

Фишоғурснинг шогирди Буқрот ҳаким. Уни Ғарбда Гиппократ деб юритадилар. Буқрот ҳакимнинг тиб илмида моҳир бўлганини, бу соҳада кўпгина китоблар ёзганини Навоий таъкидлаб ўтади. Бу китоблардан табиблар ўртасида жуда эътибор қозонгани «Фусули Буқрот»дир. Навоий Буқрот тўғрисида бундай деб ёзади: «Тиб илмида моҳир эрди, таснифоти бор ва «Фусули Буқрот» ул жумладиндурким, атиббо қошида бағоят мўътабардур».

Буқрот Баҳман ҳукмронлиги даврида яшаган. Баҳман ҳам кайёнийлар сулоласидан бўлиб, «Гуштаспнинг ўғли Исфандиёрнинг фарзандидир».

Суқрот ҳаким эса Буқротнинг шогирди. Суқротнинг яшаган даври Ҳумой бинт Баҳман ҳукмронлиги даврига тўғри келиши айтилади. Суқротнинг шогирди Афлотун ҳаким тўғрисидаги маълумот нисбатан тўлароқ. Навоий Афлотун «Дороб замонида зуҳур қилди ва Искандари Румийга мусоҳиб бўлди», деб ёзади. Яна Навоий Афлотунга характеристика бериб, уни «Ҳаким олиҳий» (Юксак даражали ҳаким») деб таърифлайди.

Суқрот ва Афлотун Ғарбда Сократ ва Платон деб юритилган олимлардир. Буқротис тўғрисида эса ҳозирча «Ҳукамо зикри»даги маълумот билан чекланамиз. Машҳур юнон файласуфи Аристотел «Ҳукамо зикри»да Аристотилис деб ёзилган. Навоий Аристотилис ҳаким Афлотуннинг шогирдидир, Искандарнинг вазири эрди, деб ёзади. «Садди Искандарий» достонида Искандарнинг вазири ва дўсти Арасту деб юритилади. Демак, «Ҳукамо зикри»даги Аристотилис ўша Арастудир.

Навоий Ғарб олимларидан яна Балинос, Жолинус (Гален), Батлимуслар (Птоломей) тўғрисида сўзлаб ўтади.

Балинос ҳаким Аристотилиснинг шогирдидир. У Искандария минорасининг тилсимини ясаган. Бу тилсимда бутун фаранг аҳлининг (Европа халқининг) туриш-турмуши кўриниб турар эди.

Балиноснинг шогирди Жолинус ҳаким, Батлимус ҳаким эса Жолинуснинг шогирдидир. Бу ҳакимлар тўғрисида бошқа маълумотлар «Ҳукамо зикри»да берилмайди. Шарқ олимларидан Навоий Содиқ ва Бузургмеҳр тўғрисида сўзлаб ўтган. «Содиқ Нуширавони одил замонида эрди ва Нуширавонга насиҳатнома битибдур», деб ёзади Навоий. Бузургмеҳр Нуширавони одилнинг вазири бўлган.

Нуширавон Эроннинг сосонийлар сулоласига оид подшолардан бўлиб, уни Нуширавонул одил биннул Кубод деб атаганлар. У Ажамнинг исломгача бўлган шоҳлари орасида энг адолатли подшоҳ сифатида шуҳрат топган. Пойтахти Мадойинда эди. Навоий ўзининг «Ҳайрат ул-аброр» китобида Нуширавоннинг подшоҳ бўлмасдан олдинги ёшлик чоғига оид мароқли бир ҳикояни келтирган.

ҲИКМАТЛАР

«Ҳукамо зикри»нинг туб моҳияти ундаги ҳакимларнинг айтган ҳикматли гапларидир. Бу ҳикматларнинг мавзуси хилма-хил.

Луқмон, Фишоғурс, Жомасп, Буқротис, Суқрот, Афлотун, Аристотилис, Балинос, Батлимус, Бузургмеҳрларнинг айтганлари турли ҳаёт кўринишларида инсон ўзини қандай тутмоғи лозимлиги тўғрисидаги панд– ўгитлардан иборат. Жолинус ва Содиқнинг сўзлари эса тани сиҳатлик қоидаларига доир.

Афлотун ва Аристотилиснинг ўгитлари юртга ҳукмронлик қилиш борасидадир. Бу мавзу Навоийнинг сиёсий-ижтимоий қарашларида муҳим ўрин тутган. Шунинг учун «Ҳукамо зикри»да Навоий бу масалага оид ҳикматларга ўрин бермоғи табиийдир.

Афлотун подшоҳнинг май ичмоғи мумкин эмас, дейди. Чунки майхўрга соқчи лозим. Ваҳолонки, ҳукмронлик қилувчининг ўзи элга соқчи бўлмоғи даркор. Ўзига соқчи керак бўлган посбон ҳукмронлик қила оларми эди? Афлотун сўзларини Навоий бундай изҳор этган: «Подшоҳга чоғир ичмак ҳаромдур. Нечунким, ул мулк ва райят нигаҳбонидур. Нигаҳбонким, анга нигаҳбон керак бўлғай яхши бўлмагай».

Аристотилис подшоҳни бир улуғ дарёга ўхшатади. Подшоҳнинг амалдорлари, унинг атрофидагилар ўша дарёдан оқиб чиққан ариқлардир. Барчасининг суви бир хил бўлади. Навоий ёзади: «Подшоҳ улуғ рудга ўхшар, атбоъ ариғларғаким, ул руддин айриладиларким, ул руд сувига ҳарҳол бўлса, ариғларга ҳамулҳолдур. Ул чучук бўлса булар чучук, ул аччиғ бўлса, булар аччиғ, ул соф бўлса булар соф, ул лой бўлса булар лой. Бас, подшоҳга вожибдур ғоят ҳикмат ва эътидол била маош қилмоқ то хайл ва хашами анга мутобиат қилгайлар».

Бу ҳикматда подшоҳнинг қандай бўлмоғи тўғрисида бутун бир низом баён этилган. Яна дарё ва ундан оқиб чиқадиган ариқлар орқали образли равишда ифодаланган фикр яхлит хулоса билан конкретлаштирилган.

Балиноснинг ҳикматли гаплари мамлакатни бошқариш тартибига оид. Мулкнинг барқарорлиги адолат билан подшоҳнинг оладиган солиқлари адолатли равишда ўрнатилмоғи даркор. Шу билан бирга подшоҳнинг инъомлари ҳам ўз меъёрида бўлмоғи керак. Агар подшоҳ одамларга адолатсиз равишда нарсалар улаша берса, мулк бузилади. Бу ҳақда Навоий Балинос номидан бундай деб ёзади: «Подшоҳ керакким, барча элдин нима олғай, аммо эътидол била, то мулк барқарор бўлғай, йўққи, барчаға нима бергай беэътидоллик била то мулк бузулғай».

Бир қанча ҳикматлар инсонни маънавий мукаммалликка чорловчи панд-ўгитлардан иборат. Унда эзгулик, хайр ташвиқ этилади. Эзгулик асослари қандай эканлиги баён этилади. Жамият ҳаётининг поклиги ёмонлик ва ёвузликни йўқ қилмоққа боғлиқ. Луқмондан сўраганлар: Ниманинг фойдаси барча халойиққа етар? Дебдики, ёмонларнинг йўқлиги.

Олийжаноб интилишлар, шарофатли билимлар фақат тоза кўнгиллардагина жо бўлиши мумкин. Шунинг учун эзгуликни кўнгилда ўрнатмоқдан бурун кўнгилни паст, тубан, нолойиқ феъллардан тозаламоқ даркор. Буқротис бу тўғрида шундай ўгит беради: «Шарофатли нима кўнгулда қарор тугмас, токим хасиси нималар кўнгулдан чиқмас» («Тубан фикрлар кўнгилдан чиқиб кетмагунча шарофатли илм кўнгулда ўрнашмас»). Батлимус кишиларни ҳамиша эл билан бирга бўлмоққа, эл аҳволидан ўзига хулоса қилмоққа маслаҳат беради. Ҳар бир жамият аъзоси жамиятдан ўрнак олиб иш тутсин. Агар кишининг нолойиқ ишларини кўриб, ундан эл ўзига хулоса ясайдиган бўлса, ундай кимса бадбахтдир... Некбахт улдурким, эл ҳолидин панд олғай, бадбахт улким, анинг ҳолидин эл панд олғай». Бир қанча ўгитлар кишиларни хулқ-атвори, юриш-туриши қандай бўлмоғи кераклиги тўғрисидадир. Уларда хушхулқлилик, камтарлик, сабр, шукр, ёқимли сўз айтмоқ, тадбиркорлик, идроклилик каби фазилатлар ғоят тушунарли, лўнда, эсда қоладиган ифодалар орқали ташвиқ этилган.

Луқмон дейди: «Хушхўй ётларга қаробатдур, бадхўй қаробатларга ёт» (Ёқимли хулқ эгаси бегоналарни ўзига яқин қилади, ёмон хулқ эгаси эса ўз яқинларидан узоқлашади).

Фишоғурс мақтанчоқликни қаттиқ қоралайди. У дейди: «Киши ўз мадҳин деса чин доғи бўлса нописанддур» (Агар киши ўзини мақтаса, чин гапирганда ҳам писанд бўлмайди).

Яна Фишоғурс сўзларидан ўтганлар билан қасам ичмак ялғон нишонасидур, «Мусибатга сабр қилмоқундан хурсандчилик қилувчининг қийноқ чекмоғидир», деган маънолар англашилади. Шукр категорияси Шарқ одобида муҳим ўрин тутган. Навоий Буқротиснинг шукр тўғрисидаги бир ҳикматини «Ҳукамо зикри»да айтиб ўтган. Унда фикр ғоят ажойиб – келин ва маҳр образлари орқали баён этилади. Маълумки, мусулмон одатига биноан, келин никоҳга ўтаётганида унинг маҳри аниқлаб қўйилади. Зарурият туғилганда никоҳдан ўтган келин ўша маҳрини албатта олади. Буқротис дейди: «Неъмат арусидирким, анинг маҳри шукрдир». Демак, неъмат бир келин бўлса, унинг маҳри шукр қилмоқликдир. Фақат шукр бор жойдагина неъмат бўлиши мумкин.

Аниқ ҳаётий бир қоида, яъни турмушнинг ҳаётий бир кўриниши Буқротиснинг бошқа бир ҳикматли сўзида ўз ифодасини топган: «Озким пойдор бўлғай кўпдин яхшироқдурки, нопойдор бўлғай» (Ўрнашган оз, ўрнашмаган кўпдан яхшироқ).

Суқротнинг ҳикматларидан бири ҳар бир ҳаракатнинг ўз ўрнида содир бўлмоғи кераклигини англатади. Ҳаким деган экан: «Саъй ишиким, ўз ерида бўлмағай қилур ишдин қоҳилликдан ёмонроқ» (Интилиш ўз ўрнида бўлмаса, қилар ишдаги сусткашликдан ёмонроқ).

Суқротга нисбатан берилган бир ҳикматда нодонга қандай муомала қилмоқ тўғрисида сўз боради. Агар киши нодон, жоҳил кимсаларга ҳурмат, иззат кўрсатса, фақат ўша кишиларнинг нодонлигини кучайтирмоғи мумкин, холос. Бу фикр ханзал деб аталган дарахт мисоли аниқлаштирилган. У дарахтга қанча кўп сув берилса, у шунча тахирроқ мева берар экан. Суқрот бу фикрни бундай баён этган: «Нодонга тавозеъ қилмоқ ханзалга сув бермакдур, неча ким сув ичса талхроқ бўлур» (Нодонга ҳурмат кўрсатмоқ ханзалга сув бермоққа ўхшайди. Ханзал қанча кўп сув ичса, шунча тахирроқ бўлади).

Яна бир ҳикмат душманга нисбатан тадбир бўлмоқни ўргатади. Суқрот таълим берадики, душманга маслаҳат солмоқ керак. Шунда унинг душманлиги не даражада эканини фаҳмлаб олмоқ мумкин. «Душман била машварат қилиб душманлигин билса бўлурки, не поядадур». Бир қанча ўгитлар ҳаётнинг умумий хулосаларига оид. Чунончи, Буқрот деган: «Умр қисқадур ва иш узун». Афлотун: «Ўзини бой кўрсатмоқчи бўлган камбағал ўзини йўғон кўрсатмоқчи бўлган пачаққа ўхшайди». «Инъомни тиламаганда бермак даркор».

Бир қанча ҳикматли гаплар тани соғлиққа доир.

Луқмон дейди: «Барча юкни торттим, бурчдин оғирроқ юк кўрмадим ва барча лаззатни торттим, офияттин чучукроқ шарбат тотмадим». Бу ҳикматда бурч (мажбурият)нинг нақадар оғир экани айтилади. Офият саломатликнинг чучуклиги ҳам шу қадар. Ҳар иккаласи ҳам ўз қуввати билан баравар баланд даражада туради. Бундан киши тани соғлиқни қанчалар қадр қилмоғи зарурлиги англашилиб туради.

Жолинус дейди: «Андуҳ жон беморлиғидур». Демак қайғу чекмоқ жонни касал қилади. Жолинус яна беморликнинг асосий давоси иштаҳадир, дейди. Унинг таъкидлашига кўра, иштаҳали бемор иштаҳасиз соғдан яхшироқ. Чунки олдингисининг соғлиғи яхшиланиб боради. Кейингисининг соғлиғи эса ёмонлаша боради («Беморким, иштаҳаси бўлғай ул тандурустдин яхшироқдурким, иштаҳаси бўлмагайким, анга сиҳат ортар, мунга ранж»).

Содиқ эса саломатликнинг муҳим шарти меъдада таом бор пайтда таом емаслик эканини таъкидлайди («Ло таъкулу таома фи меъдатикум таомун» – меъдангда таом борида таом ема). Навоий бу насиҳатнинг барчага – ҳам подшоҳларга, ҳам олдий халққа баравар, фойдали эканлигини уқтириб ўтади.

«Ҳукамо зикри»даги ҳикматли гаплар ғоят қисқа, лўнда ифодаларда айтилган. Улар мақол даражасида аниқ. Масалан, Жомасп бундай деган: «Каримнинг ёмонроқ хислати ўз

ишининг тарки ва лаимнинг яхшироқ хислати ўз ишининг тарки». Бу ерда асосий фикр бир ифода орқали баён этилади: «Ўз ишининг тарки». Жумладан, эганинг кимлигига қараб бу сифатнинг ёмонроқ ёки яхшироқ экани англашилади. Буқротис айтади: «Яхши сўз кўнгулни ёритур, яхши хат кўзни». Бу жумлада фикр шунчалар аниқ ва ўқувчига тез етиб борадиган шаклда ифодаланганки, бундан кўра мукаммалроқ ифода шаклини топмоқ мушкул.

ШЕЪРЛАР

«Ҳукамо зикри»да ҳар бир ҳаким тўғрисида маълумот ва буларнинг ҳикматли гапларидан кейин ҳар бир ҳикмат ва ҳаким сифатларига нисбат берилган бир шеърий хулоса келади. Бу шеърларда умрнинг қисқа ва ўткинчи экани, унинг бари бир бир кун келиб интиҳосига етажаги муттасил эслатиб ўтилади. Аммо бу фикр мотам ва умидсизлик уйғотмайди, аксинча, кишини шу қисқа умрни эзгулик ва хайр ишига сарф қилмоққа чақиради. Бу чақириқ шеърларда очиқдан– очиқ янграмайди, балки уни ўқигандан кейин юз берувчи таъсирли, ўйчанлик ортидан пайдо бўлади.

Луқмон уч минг йил яшаган эмиш. Луқмон тўғрисидаги ҳикоялардан сўнг бундай бир шеър келтирилади:

Ёшинг Луқмондин ар ҳуд бўлмаса кам,
Чу боргунгдур борур дамдур ҳамул ҳам.

Бу байтда гарчи киши уч минг йил яшаган тақдирда ҳам бари бир кетар фурсати келгач, кетади, деган фикр бор. Демак, киши барҳаёт экан, у эзгуликка хизмат қилиб улгуриши керак.

Мусиқий илмга асос солган Фишоғурс ҳаким тўғрисидаги бир шеър мусиқий асбоблари образини ўз ичига олган. Бир байтда умрнинг албатга тугалланажаги тўғрисидаги фикр созларнинг мотамсаро навоси орқали эшитилади:

Андаки, сози сафар ўлди анга,
Созлари навҳагар ўлди анга.

Биринчи мисрадаги соз «отланмоқ» маъносидадир. Демак, Фишоғурс дунёдан кетмоққа отланганида унинг созлари (мусиқий асбоблари) нола қилиб қоладилар.

Жомасп илми нужум (астрология) арбоби сифатида қайд қилинган. Навоий Жомаспга аталган байтда осмонлар сирини билган, самолар устидан ҳукмрон бўлган тафаккур эгасининг ҳам охири бориб ер остига киражаги тўғрисидаги мудҳиш ҳақиқат орқали умр интиҳосининг муқаррарлигини баён этади. Осмонга кўтарилган зотнинг ер каърига ботажаги нисбатидаги зиддият шеърнинг таъсир кучини оширади:

Кишига бўлса кўкка чиқмоқ фан,
Не осиғ, кўрса оқибат мадфан.

Ушбу байт Жомаспнинг дафн этилган жойи Форс вилоятида эканлиги тўғрисида хабар билан мантиқан боғланган. Тўғрироғи, ўша хабардан келиб чикади ва шеърдаги хулосани янада аниклаштиради. Буқротиснинг пойдорликнинг афзалияти тўғрисидаги гапларини Навоий шу маънодаги байт билан қувватлайди:

Бировким, пойдор ўлғай эрур Ҳақ.
Анинг ғайри эрур маъдум мутлақ.

Суқротнинг душман мақтовига учмаслик тўғрисидаги огоҳлантиришидан кейин худди шу маънодаги байт келтирилади:

Чекса душман сенинг салохингга тил
Махзи афсод бўлғусидур, бил.

(Агар душман сени таърифлаб сўз деса, бу фасоднинг мағзи эканлигини билиб қўй).

Афлотун сахийлик қоидаларини ўргатган эди. Шу ўгитлардан кейин келтирилган шеър сахийликнинг лўнда таърифи, баёнидир:

Тиламай жуд қил сахий эрсанг
Тиламак муздидир тилаб берсанг.

Аристотилиснинг ҳикматлари шоҳлик қоидалари баёнида эди. Навоий ўша сўзлардаги дарё ва ариқлар образларини бир байтда шеърий бўёқлар орқали такрорлаб айтилганларга якун ясайди.

Шоҳ дарёу, халқ эрур анҳор,
Иккисининг сувига бир маза бор.

Балиноснинг ҳикматли гаплари мамлакатни бошқаришга оид. Навоий келтирган шеърий хулоса ҳаким тавсия этган тартибни тасдиқлайди.

Чу шоҳ оз олса, мулк обод,
Чу кўп берди, бўлур мулк барбод.

Жолинуснинг сўзлари инсон саломатлиги борасида эди. Шунинг учун Навоийнинг бу фикрларга ясаган шеърий хулосаси саломатликнинг боиси иштаҳадир, деган фикрдан ташкил топган.

Бемори муштахийга саломат нишонидур,
Чун тандуруст муштахий эрмас, зиёнидур.

Содикнинг айтган хикмати ҳам саломатлик борасидадир. Навоий уни шеър билан бундай ифодалайди:

Зарари барча элга ом ўлгай
Ки, таом устига таом ўлгай.

«Ҳукамо зикри» Бузургмеҳр таърифи ва унинг ҳикматлари билан якунланган. Бузургмеҳрга нисбатан берилган ҳикматли гаплар асарга ҳам якун ясайди. Чунки уларда ҳакимнинг қуйидаги сўзлари келтирилган: «Устодимдан сўрадимким, йигитликда не қилмоқ яхши ва қариликда не қилмоқ яхши? Дедиким, йигитликда илм касб қилмоқ ва қариликда ани амалга киюрмак».

Бу фикрни Навоий бундай мисраларда баён этган:

Йигитликта йиғ илмнинг маҳзани,
Қарилик чоғи ҳарж қилгил ани.

Бузургмеҳрнинг бу ўгити асарга ҳам хотима ясайди. «Ҳукамо зикри»ни ўқиган ҳар бир китобхон бу асардан ўзига фақат эзгу панд-насиҳатлар олади ва уларга амал қилса эзгулик бобида абадий ном қолдиради.

Навоий умумий тарихга оид асар ёзишни ўз олдига қўйган экан, бутун мақсади она тилида ўтмиш афсона ва ҳикматларнинг мазмунини ўз халқига етказмоқ эди. Бу ҳикоятлар, ҳикоя ва ҳикматлар Навоий қаламида эзгулик ва хайр, яхшилик, инсоф, ҳалоллик ва покизаликни ташвиқ этувчи асарлар сифатида талқин топди. Навоийнинг умумий тарихга оид ушбу асари XV аср эски ўзбек тилида яратилган насрий асарлар ичида муносиб ўрин олади, Навоийнинг насрнавислик маҳоратидан дарак беради.

Ушбу тарих асарининг давоми бўлмиш «Тарихи мулуки Ажам» («Ажам шоҳлари тарихи») ҳам Навоийнинг шу кўзлаган мақсадига хизмат қилади.

Шулардан маълум бўлиб турадики, улуғ инсонпарвар шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳар бир асари, унинг қаламидан чиққан ҳар бир сатр диққатдан четда қолмаслиги, чуқур эътибор ва аҳамият билан ўрганилмоғи, тадқиқ этилмоғи шарт. Улар халқ даҳосининг бебаҳо бойликларини ўзида жамлаган муқаддас хазиналардир.

АЖАМ ҲУКМРОНЛАРИ ТАРИХИДАН

(Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асари)

Навоий ёзган умумий тарихга оид асарнинг иккинчи бўлаги «Тарихи мулуки Ажам» («Ажам подшоҳлари тарихи») деб аталади[1]. Бу асарнинг матни икки мартаба тайёрланган. Улардан бирини француз шарқшуноси Катрмер 1841 йили Парижда нашр этган[2]. «Тарихи мулуки Ажам»нинг илмий-танқидий матнини ўзбек олими Латиф Халилов тайёрлаган ва бу асарнинг қўлёзмалари, фойдаланган манбаларнинг таърифи ва асарнинг илмий таҳлили билан қўшиб 1975 йили Тошкентда номзодлик иши сифатида ёқлаган[3].

Бу асарнинг усмонли турк тилига таржимаси 1785 йили Венада нашр этилган.

«Тарихи мулуки Ажам» асари Тошкентда 1967 йилда босилган бўлиб, Навоий асарлари тўпламининг ўн тўртинчи жилдидан ўрин олган. Уни Латиф Халилов нашрга тайёрлаган[4] Ушбу асарнинг тўла матни Тошкентда нашр этилган «Навоий асарлари» 20 томлигида бор.

Шунингдек, «Тарихи мулуки Ажам»нинг қисқача мазмуни Огаҳ Сирри Лаванд томонидан 1968 йили Анқарада нашр этилган Навоий асарларининг тўртинчи жилдида берилган.

Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асари тўғрисидаги дастлабки маълумот Е.Э.Бертельснинг «Навоий» асарида учрайди. Е.Э.Бертельс «Тарихи мулуки Ажам»ни Шарқ адабиёти, шу жумладан, Навоий асарларини ўрганмоқ учун қўлланма сифатида таърифлаган[5].

---

[1] Бу асарни «Эрон подшоҳлари тарихи» деб ҳам таржима қиладилар. Бизнингча, ўзбек тилига «Ажам подшоҳлари тарихи» деб таржима қилиш тўғрироқдир. Чунки Ажам деганда фақат Эрон эмас, Араб ерларидан ташқари жойларнинг ҳаммаси кўзда тутилган. Н.М.Маллаев «Ажам шоҳлари тарихи» деб таржима қилган. Биз бунга қўшиламиз – А.Қ.

[2] Бертельс Е.Э. Навои и Джами. – М., 1965. – С. 174.

[3] «Халилов Л. Текстологическое исследование сочинения Алишера Навои «Тарихи мулуки Ажам» (Автореферат). Тошкент: 1975.

[4] «Алишер Навоий. Асарлар. XIV том. Тошкент: 1967. 185–238-бетлар.

[5] Бертельс Е.Э. Ўша жойда.

«Тарихи мулуки Ажам» тўғрисидаги тадқиқий мақолалар Абдуқодир Ҳайитметов қаламига мансубдир[1]. А.Ҳайитметов Навоийнинг бу асарда Эроннинг тарихи ҳақидаги афсонавий фактларни анча системага солгани, туркий тилда ўқувчиларни бу билимлардан огоҳ этгани, ўзининг халқпарварлик, адолатпарварлик ғояларини тарғиб этганини кўрсатган.

Н.М.Маллаев ҳам «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида «Тарихи мулуки Ажам» асарининг тарихий ва бадиий қимматини таъкидлаган[2]. «Тарихи мулуки Ажам» тўғрисидаги қимматли фикрлар В.Ю.Зоҳидов, Ойбек, И.Султон, С.Ғаниева ва бошқа Навоийшунос олимларнинг Навоий ижоди бўйича яратган тадқиқотларида мавжуддир. Аммо бу ишлар «Тарихи мулуки Ажам» тўғрисида умумий тушунча яратмоқ мақсадини ўз олдига қўйган ишлар эди. Л.Халилов «Текстологическое исследование сочинения Алишера Навои «Тарихи мулуки Ажам» номзодлик ишида (Тошкент, 1975) Навоий истифода этган илмий ва адабий манбаларни аниқлади.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг ўн тўққиз қўлёзма нусхаси борлигини хабар қилади. Ана шу қўлёзмаларнинг мўътабар нусхалари асосида Л.Халилов «Тарихи мулуки Ажам»нинг илмий-танқидий текстини тузди. Бу «Тарихи мулуки Ажам»нинг илмий тадқиқи соҳасидаги муҳим махсус иш сифатида кимматлидир.

А.Ҳайитметовнинг ёзишича, Навоий «Тарихи мулуки Ажам»ни Астроболдан Ҳиротга қайтгач, 1488 йили ёзган[3].

Л.Халилов эса 1486 йилни кўрсатади[4]. Е.Э.Бертельс 1488 ва 1501 йилларда Навоий ёзган тўққиз асар ичида «Тарихи мулуки Ажам» ҳам борлигини айтади[5]. Ҳар ҳолда, бу асар 1485 йилдан кейин ёзилганлиги аниқдир.

Навоий, А.Ҳайитметов айтганидек, қадимий афсона ва тарихий билимларни анча системага солди, улар орқали ўзининг илғор фикрларини келажакка эмас, ўтмишга қараб гавдалантирди. Ушбу тадқиқотда биз «Тарихи мулуки Ажам»га Навоий ёзмоқчи бўлган (ёки ёзган) тарих китобининг бир бўлаги сифатида ёндашамиз. Унга «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари билан бир бутун асар сифатида қараймиз. Шундан келиб чиқиб, Навоийнинг Ажам афсоналари ва ривоятларидан қандай ижодий истифода этгани, ўз халқпарварлик ва адолатпарварлик ғояларини ташвиқ этишда манбалардан қандай фойдаланганини кўрсатмоққа ҳаракат қиламиз. Бу асардаги насрий ва шеърий баёнларда Навоий бадиий маҳоратининг янги қирраларини кўрмоқчи бўламиз. Ҳозир муҳтарам китобхонни Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарининг мазмуни, унинг насрий ва шеърий бўлаклари билан таништириб ўтамиз.

БИРИНЧИ ТАБАҚА. ПЕШДОДИЙЛАР

Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да форс салтанатининг тўрт табақаси тўғрисида ҳикоя қилади. Бу ҳақда Навоий ёзади: «Ажам тарихида форс салотинини тўрт табақа қилиб турлар»[6].

---

[1] Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1960, 1-сон. 17–25-бетлар; Навоий даҳоси. Тошкент: 1970. 76–87-бетлар; Ўзбек адабиёти тарихи. II том. Тошкент: 1977. 440-449-бетлар.

[2] Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик, Тошкент: 428-бет.

[3] Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. 76-бет.

[4] Халилов Л. Автореферат. 7-бет.

[5] Бертельс Е.Э. Навои и Джами. – М., 1965. С. 174–175.

[6] Алишер Навоий. Асарлар. XIV том. 185-бет.

Биринчи табақа пешдодийлардир. Уларнинг биринчи вакили Каюмарс. Навоий Каюмарс тўғрисидаги барча бор гапларни ўз асарида келтирмайди. Аксинча, уларнинг кўпи «сиҳатдин йироғроқ учун битилмагани»[1]ни айтиб ўтади.

Каюмарс тўғрисида Навоий келтирган маълумотлар қуйидагилардир: Биринчи подшоҳ («биравким салтанат қилди») Каюмарсдир. Аммо унинг ким эканлиги тўғрисида турли гаплар бор. Муғлар (оташпарастлар) Каюмарсни Одам алайҳиссалом (биринчи одам) деганлар. Баъзилар унинг келиб чиқишини Одамга боғлайдилар ва Одамнинг набирасидир, дейдилар. Форс аҳлининг баъзилари Каюмарсни Нуҳнинг авлодидан деб ҳисоблайдилар. Ундай бўлса, Каюмарс бутун дунё тўфонидан кейин тарқалган одам наслига оид бўлиб чиқади. Бошқа бировлар Каюмарс лойдан («балчиқдан») яратилган. Шунинг учун Гилшоҳ (Лойдан яратилган шоҳ) деб атаганлар. Бу Каюмарснинг биринчи одам эканини билдирмоғи керак эди. Каюмарс сўзининг маъносини Навоий «тиригики, сўз дегай» («ҳаййи нотиқ») деб тушунтиради. Яъни Каюмарс сўзловчи бир вужуддир. Каюмарс Шис алайхиссалом авлодидандир деган фикрни Навоий асосли равишда рад қилади. «Тарихи мулуки Ажам» асари асосан подшоҳларга бағишланган. Шунинг учун бу китобда Навоий Каюмарснинг биринчи инсон эмас, биринчи подшоҳ эканига урғу беради. Каюмарс Дамованд ва Истаҳр шаҳарларини бино қилди. Бу шаҳарлар биринчи бўлиб қурилган эди.

Модомики, Каюмарс биринчи инсон ва биринчи подшоҳ экан, унинг халқи ўз авлоди бўлади. Демак, унинг подшоҳлиги мамлакат шоҳлиги эмас, катта бир оиланинг бошлиқлиги эди.

Навоий, Каюмарснинг умри минг йил, салтанати эса қирқ йил бўлди, деб ёзади. Гарчи бу ахборот олдий инсоннинг умри киёсида муболағали бўлса-да, мантиқий асосга эга. Чунки Каюмарс агар минг йил яшаган бўлса, шу фурсатда унинг авлоди кўпая-кўпая, ниҳоят бир халкни ташкил этади. Бу халққа эса подшоҳ керак. Каюмарс шунда биринчи инсонликдан биринчи подшоҳликка ўтади. Бу подшоҳлик қирқ йил давом этади. Иккинчи ахборот (подшоҳлик муддати) ҳаёт ҳақиқатига яқин. Бу хулоса Каюмарс афсонасининг якуловчи шеърида ҳам ўз аксини топган. Навоий ёзади:

Бурунроқ кишиким, тузуб руду жом,
Жаҳондорлиқ тахтин этти мақом.

Каюмарс эди. Лек даврони дун
Анга берди бозий боридин бурун[2].

Демак, Каюмарс биринчи бўлиб жаҳондорлик тахтига ўлтирди. Аммо паст даврон ҳаммадан олдин унга фириб берди, яъни Каюмарс ҳаммадан бурун дунёдан ўтди.

Навоийнинг бу тўртлиги ушбу китобнинг анбиё ва ҳакимларга оид қисмидаги тўртликларга ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан уйғун. Шоир ҳар бир ҳикоянинг охирида ҳаёт интиҳосини кўрсатувчи хулосалар қилмоқда. Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асарида Каюмарс образини тарихий шахс сифатида талқин қилади. Шу билан Навоий Каюмарс тўғрисидаги афсонани (мифни) ўз китобининг мундарижасига мослайди ва уни ривоят тарзида баён қилади[3].

---

[1] Ўша ерда.

[2] Ўша асар, ўша том. 186-бет.

[3] Миф энг қадимий замонга оид мавҳум тушунчаларни билдиради. Ривоят эса тарихий шахсларга оид. У аниқ бир жой, халқ ҳаёти билан боғлиқ. Ривоятда маълум урф-одат, воқеаларнинг келиб чиқиши, уларнинг ижтимоий аҳамияти тўғрисида сўз боради. Шунинг учун мифни узбек тилига афсона деб таржима қилинса, легенда, историческое предание ибораларини эса ривоят деб берилса, фикримизча тўғрироқ бўлар эди – А. Қ.

«Тарихи Табарий»даги Каюмарсга оид маълумотлар қисман афсона (одамнинг пайдо бўлиши, унинг лойдан ясалганлиги – Гилшоҳ ва ҳ.к), қисман ривоятга тааллуқли. Навоий эса ривоятларнинг бошига Каюмарс тўғрисидаги ривоятни қўйган. Лекин бу моҳирона ўйланган кириш қисмидир. Чунки Ажам мулкининг тарихи асосан Каюмарсдан эмас, балки Хушангдан бошланади. Шунинг учун хам Навоий Пешдодийлар сулоласининг номини хам Хушангнинг сифати, тутган ишларининг ижобий баҳоси билан боғлайди. Хушанг Каюмарснинг набираси, Сиёмакнинг ўғли. Навоий Сиёмак тўғрисида сўзламайди. Пешдодийлар сулоласига оид ўн бир ҳукмрон тўғрисида Навоий қисқача маълумотлар келтирган. Улардан Хушанг, Жамшид, Фаридун, Зоб бин Тахмоспларни Навоий ижобий баҳолайди. Тахмурас, Манучеҳр, Гиршаспларнинг қилган ишларини санаб ўтиш билан чекланади, уларга баҳо бермайди. Шаддод ва Шадидлар тўғрисидаги одийлар сўзи (келиб чиқиши ва уруғи тўғрисида)ни келтириш билан кифояланади. Захдок бинни Мардас Навдарнинг нолойиқ феъли ва ишларини кўрсатади.

Адолат ва инсоф билан иш тутгани туфайли Хушанг Пешдод лақабини олди. Унинг адолатли ишлари нимада кўринди? Тошдан темир чиқариш, ёғочдан тахта кесиб, тахтадан уйларга эшик ясамоқни Хушанг келтириб чиқарди. Одамлар фойдаланаётган конларнинг кўплари Хушангдан қолган. Хушанг овчилик, чорвачилик билан ҳам шуғулланган, «барсни ва итни кийик олғувчи қилди». Отга эгар ясамоқ, тевага юк ортмоқ Хушангдан қолган. Яна от билан эшакдан хачир келтириб чиқарди. Хушангнинг даврида ер ишлов кенг расм бўлди. Тулки ва бошқа юмшоқ терили ҳайвонлар терисидан кийим киймоқ пайдо бўлди. Яна Хушанг «Жовиди хирад» («Мангу ақл») деб аталган китобни ёзди. Бу китоб кейинчалик Маъмун халифанинг вазири Ҳасан Саҳл томонидан араб тилига таржима қилинган. Навоий Шайх Абу Али Мисковайхнинг «Одобул араб вал фуре» китобидан шу гапларни келтиради: Хушанг ёзган китоб Хушангнинг «фазл камолиға далилдир». Шу айтилганлардан хулоса қилиб, Навоий «Хушанг хирадманд ва одил ва олим подшоҳ эрди»[1], деб ёзади.

Демак, Хушанг ҳам кон, саноат ишини, ҳам ер ишловини барпо қилди; ҳам чорва ишини уюштирди; ҳам одамларнинг уй-жой, кийим-кечагини бут қилди; ҳам ақлий меҳнат маҳсулини яратди. Балх шаҳарини Хушанг қурган. Сус ва Бобил ҳам Хушанг даврида бино этилган.

Тахмурас Хушангнинг валиаҳди эди. Унинг ўрнига ўлтирди. Рўза Тахмурас вақтида расм бўлди. Қаттиқ қаҳатчилик бўлган эди. Тахмурас бойларга чошт таоми (кундузги овқат) билан чекланиб кечки таомни муҳтожларга (масокин) бермоқни буюрди. Шундан рўза суннат бўлди. Тахмурас бино қилган шаҳарлар: Марвда Куҳандиз, Хуросонда Нишопур, Исфаҳонда Маҳриз ва Сорийя. Омил ва Табаристон ҳам Тахмурас даврида қурилди. Форсий китоб битмак ва бўз тўқимоқ унинг замонасида юзага келди. Тахмурас замонасида «Ҳар кимнинг бир севар кишиси бор эрса, анинг суратин ясаб, анинг била хурсанд бўлур эрди, то бутнафастлиққа мунжаа бўлди». Подшоҳлик вақти 30 йил.

Жамшид салтанатга ўлтиргач, адолат билан иш тутди. Қурол-яроғлар, қалқонлар ишлаттирди. Унгача тош ва ёғочдан қурол қилар эдилар. Ҳаммом бино қилди. Ипак матолар тўқимоқни ташкил этди. Шахарлар орасида деҳлар бунёд этди. Истаҳр шаҳарини кенгайтирди. Чиҳил минор деган улуғ иншоот қурдирди. Бу иморат қурилиб битгач, олам улуғларини у ерда йиғиб катта байрам ўтказди. Байрамни Наврўз деб атади.

Жамшид охири ҳаддидан ошиб кетди. Ўзини Худо деб эълон қилди. Атрофга одам йўллаб ўз шахсига сиғинишни талаб қилди. Натижада халқ ўртасида ғалаён чиқди. Заҳҳок келиб, кўзғалган халқ билан биргаликда Жамшидни ўлдирди.

[1] Ўша ерда.

Шаддод ва Шадид. Одийлар сўзига кўра, Арфаҳшоднинг қардоши Эрамнинг етти ўғли бор эди: Од, Самуд, Саҳар, Там, Ҳадис, Ҳосим, Мора. Од Яманга борди, Самуд Ҳижозда ўрнашди. Саҳар Тайда, Там Уммонда ва Баҳрайнда, Ҳадис Ямомада, Ҳосим Ҳарам ва Синвонда, Мора ўзининг оти билан аталган вилоятда. Од авлоди қалин эди. Уларнинг ўғли Яршади Умлиқбинни Од эди. У ўтгач, ўғиллари Шаддод ва Шадид подшоҳ бўлдилар. Заҳҳокни Жамшидга қарши юборганлар шулардир.

Заҳҳок бинни Мардос Жамшиддан сўнг Поре тахтини олди. Навоий Заҳҳокни ғоят золим деб кўрсатади. У «зулму ситам оғоз қилди». Ҳуд пайғамбар таълимотини (яздонпарастлик – А.Қ.) Шаддод рад қилди. Шундан сўнг Шаддоднинг қавми ранжил ақим (наслсизлик) туфайли ҳалок бўлдилар. Шаддоднинг ўғли Мазид подшоҳ бўлди. Иброҳим алайҳиссалом унинг замонида бўлган. Юсуф ҳам шу замонда туғилган. Заҳҳокнинг салтанати ва зулми узоқ давом этди. Унинг икки эгнидан яра пайдо бўлди, қаттиқ оғритар эди. Баъзилар икки эгнидан илонлар чиқиб улар фақат киши мағзи билан овқатланар эдилар, дейдилар. Шу туфайли ҳар куни Заҳҳок икки кишини ўлдиртирар эди. Гуноҳли киши бўлмаса, чек солиб бошқа одамларни ўлдиртирар эди. Сипаҳонда Кова деган темирчининг икки ўғли бор эди. Бири чек тушиб қатл этилгач, иккинчисига ҳам чек тушди. Кова ғазабланиб Заҳҳокни қаттиқ сўкди. Эл унга қўшилдилар. Сипоҳон волийини ўлдириб, Заҳҳок устига юрдилар. Фаридунни (Жамшиднинг набираси, ёки Тахмурас наслидан Обитанинг ўғли, Заҳҳокдан қўрқиб қўйчилар ичида беркинган эди) олиб Кова қўшинбоши бўлиб, этагини бир ёғочга боғлаб байроқ қилиб кўтарди. Заҳҳок элдан қочган эди, уни тутиб келтирдилар. Фаридун Заҳҳокни жазолади. Салтанати минг йил.

Фаридун. Навоий Фаридунни «яхши ахлоқли олим ва одил подшоҳ эрди. Олам аҳли адолат била хушҳол қилиб, Заҳҳок жавридин топқон заҳмлариға адл била малҳам қўйди», деб таърифлайди. Фаридун одийларни бартараф этган. Кова Заҳҳокнинг байроқ қилиб кўтарган этагини баландга қўйди. Уни дирафши Ковиёни[1] дейдилар.

Фаридуннинг уч ўғли бўлган: Салм, Тур, Эраж. Рум ва Мағрибни то Ямангача Салимга берди. Туркистон ва Чинни Тургa; Форс, Ироқ, Хуросонни Эражга берди. Фаридуннинг Эражга муҳаббати баланд бўлган. Шунинг учун оғалари ҳасад қилиб, Эражни ўлдирдилар. Эражнинг ўғли Манучеҳр улғайгач, отасининг қасдини олди, Салим ва Турни қатл этди. Манучеҳрни валиаҳд этиб Фаридун дунёдан ўтди. Салтанати 500 йил.

Манучеҳр одил подшоҳ бўлган. Фирот ариғини қаздирди, Ироққа сув чиқарди. Боғлар, бўстонлар яратди, дарахтлар, гул-райҳонлар эктирди. «Кўпрак деҳқончилиғ зийнату зебин ул ароға кетурди».

Олтмиш йил ўтгач, Турнинг ўғли Афросиёб сипоҳ тортиб Манучеҳр устига юрди. Манучеҳр уруш қилмай Табаристонга чекинди. Аму сувининг нариги бетини Афросиёбга бериб, яраш қилди. Шулардан маълум бўладики, Фаридун вақтида ҳозирги Ўрта Осиё, яъни Аму сувининг нариги бети ҳам Ажамга кирган. Эҳтимол, Турон сўзи Фаридуннинг ўғли Тур номидан келиб чиққандир. Чунки Фаридун «Туркистон ва Чин ҳудудин» Тургa берган эди (Турнинг ўғли Афросиёб давридан бошлаб Аму сувининг нариги бети Ажамдан ажралиб чиққан – А.Қ.). Салтанати 120 йил.

Навдар Манучеҳрнинг ўғли, отасидан сўнг тахтга ўлтирди. Айшу ишратга берилган, бепарво киши эди. Мамлакатда тартиб ўрната олмади. Афросиёб черик билан келиб уни тутиб ўлдирди. Ўн икки йил Эрон мулкида Афросиёб «бузуғлиқ қилди». Оз ерда ободлиғ қолди. Навдарнинг подшоҳлиғи 6 ёки 2 йилдир.

Афросиёб Пушанг бинни Тур бинни Фаридун ўғлидир. Баъзилар уни Каюмарсга боғлайдилар. Эронни хароб қилди, ёғочларини кесиб, иморатларини бузди, коризларни

[1] Уч бурчакли, зийнатли байроқ.

ва булоғларни кўмди. Рустамнинг отаси Зол қўшин йиғиб, Афросиёбни Эрон мулкидан чиқарди. Салтанати 12 йил.

Зоб бинни Тахмасп ёки Фируз. Манучеҳрнинг набираларидан. Афросиёб бузган ерларни обод қилди. Етти йил халқдин солиқ олмади. Манучеҳр ва Навдардан қолган, аммо Афросиёб қўлига тушмай қолган хазинадан фойдаланиб, етти йил тирикчиликни таъминлади. Зол бинни Сом унга хизмат қилди, бузилган ерларни тузатмоққа қарашди. Зоб икки канал чиқарди. Уни Зобин дейдилар. Ироқ мулкидадир, баъзилар Диёр Бакрда дейдилар. Салтанати 5 ё 30 йил.

Гиршасп Яъқуб алайҳиссалом қизининг ўғли. Отаси Зоб бинни Тахмоспнинг қардоши. Зоб уни ўзи тахтга ўлтирғизган эди. Афросиёб Гиршаспга қарши қўшин тортиб келиб уруш қилди. Бу урушда Гиршасп ҳалок бўлди. Сўнг Золи зар Зобилистондан қўшин билан келиб, Афросиёбни Эрондан чиқарди. Гиршасп салтанати 20, ё 6, ё 5 йилдир. Шу билан пешдодийлар сулоласи битади. Иккинчи табақа Кайёнийлар сулоласи бошланади.

ИККИНЧИ ТАБАҚА. КАЙЁНИЙЛАР

Кайёнийлар сулоласи тарихига оид кисмларда Навоий воқеалар тасвирига кўпроқ ўрин беради. Бу баёнда таъриф ва хулоса озроқ.

Кайёнийлар тўққиз кишидирлар. Баъзилар Искандарни ҳам кайёнийларга қўшадилар. Улар кайёнийлар сулоласи ўн ҳукмрондан иборат бўлади дейдилар. Ажам маликлари орасидаги биринчи аёл ҳукмдор ҳам (Ҳумой) кайёнийлардандир.

Кайёнийларнинг биринчиси Кайқуболдир. У Жайҳун атрофида кўпроқ бўлар, турклар билан уруш қилар эди. Пешдодийлар тугагач, уларнинг қўшин бошлиғи Зол ўз ўғли Рустамни Кайкубодни олиб келмоққа юборади. Кайқубод келгач, Зол унинг бошига тож қўйиб, Эрон тахтига ўтқазади.

Кайқубод Турон ҳукмдори Афросиёб билан уруш қилди. Бу урушда Рустам кўп шуҳрат қозонган. Кайқубод Рустамга жаҳонпаҳлавонлиғ лақабини берди ва қўшин бошлиғи (сипоҳсолор) қилиб тайинлади.

Навоий Кайқубоднинг бошқа ишларини ёзмайди. Унинг ҳукмронлиги даврида яшаган пайғамбарларни (Ҳозқил, Хизр, Илёс, Алясаъ ва Юнус) санаб ўтади.

Асосий якун Кайқубоднинг ҳам «мухолиф табиатли чархнинг» қурбони бўлганига оид: Жаҳон базмини тузган ва кайёний оҳангларидан шод бўлган Кайқубоднинг шодлик асбоби ҳам фиғону нола чекмоққа ўтди. Чунки мухолиф табиатли чарх шодликни мотамга айлантирмоққа қодирдир.

Кўриниб турибдики, Навоий Кайқубодга бирор ижобий ёки салбий таъриф бермайди. Кайқубод қўшин бошлиғи эди. Бош қўшинбоши Зол унга салтанатини берди. Кайқубоднинг бирдан-бир қилган иши Рустам каби мард қўшинбоши ёрдамида Афросиёбни Эрондан ташқарига чиқарганидир. Ўз ерини хорижий ёвдан қутқармоқ катта хизмат. Навоий бу ўринда Рустамни юқори тутади. Кайқубод тўғрисида умумий баён билан чекланади.

Аммо Навоий Кайковус тўғрисида ҳикоя қилганда ўзининг бу ҳукмдорга муносабатини очиқ билдиради. Навоийнинг таърифига кўра, Кайёнийлар сулоласининг иккинчи подшоҳи Кайковус «мухталиф мизож ва мунқалиб рой киши эрди»[1], яъни қарама-қарши мизожли ва фикри тез-тез ўзгариб турадиган одам эди. Бу Кайковуснинг қилган нолойиқ ишлари орқали кўрсатилади. Кайковус, гарчи катта салтанат эгаси бўлса-да, ўз бошига таҳ-

[1] Алишер Навоий. Асарлар. XIV том. 193-бет.

ликали кунларни кўп солган, ғанимга асир тушган. Масалан, бир бор у Мозандаронда бандиликка тушиб қолди. Рустам хафтхон йўли билан бориб, қутқариб келди. Яман подшоҳи Ҳимярий Кайковусни бутун аркони давлати билан қўлга тушириб банди қилди. Яна Рустам бориб уни қуткарди. Рустам билан Зулазор ўртасида бўлган сулҳ битимига кўра, Кайковус Зулазорнинг қизи Судобага уйланди. Бу ишларнинг шукронаси учун Кайковус ўз синглисининг қизи Нозмеҳрни Рустам никоҳига ўтказди. Шу билан Рустам сипоҳсолорликдан салтанат поясига етишди.

Сиёвуш. Шарқда жуда машҳур бўлган бу қаҳрамон образини Навоий қисқа ва мароқли йўсинда ҳикоя қилади. Сиёвуш Кайковуснинг ўғли эди. Сиёвуш ғоят гўзал, хушхулқ бир йигит бўлган. Навоий ёзади: «Юсуф алайҳиссаломдан сўнгра анингдек жамил йигит йўқ эрди. Барча эрдамларда (одоб, ёқимли хулкда) ҳусниға яраша эрди»[1]. Ўгай онаси Судоба Сиёвушни севиб қолади. Аммо Судоба Сиёвушдан мурод ҳосил эта олмади ва уни отасига «бадном қилиб чақди». Сиёвуш ўзининг бегуноҳ эканини исботлаш мақсадида ўзини ўтга солди, аммо айбсиз бўлганидан ўтда ёнмади ва бутун чиқди. Аммо отасининг ёмон муносабатидан хавотирланиб, Туронга, Афросиёб қошига кетди. Афросиёб Сиёвушни яхши қарши олди. Унга ўз қизини берди, Туркистонга ҳоким этиб тайинлади. Аммо кўп ўтмай Гирсиюз (ёки Гаршиюз)нинг иғвоси билан Сиёвуш ўлдирилди.

Афросиёбнинг қизи Сиёвушдан ҳомиласи бор эди. Сиёвуш ўлдирилгандан сўнг ўғил туғди. Боланинг отини Кайхисрав қўйдилар. Кайхисравни ва онасини Гив бин Гударз Кашвод Исфаҳондан келиб, яширинча Эронга олиб кетди. Кайковус қариб қолган эди. У Кайхисравни ўзига валиаҳд қилиб, тахтига ўтқазди.

Бу ҳикояда икки образ бош ўрин тутади: Кайковус ва Сиёвуш. Навоий Кайковуснинг табиатидаги бўшлик ва ношудликни таъкидлаб ўтган эди. Булар Кайковуснинг бандиликка тушишида ҳам, сўнгра хиёнатчи хотини Судобанинг макрига ишониб, ўғли Сиёвушга ёмон муносабат қилишида ҳам кўринади. Бунинг устига Кайковус сандиқнинг тўрт тарафига қочар, ё бургут боғлаб осмонга учар, қушлар чарчагач, яна ерга тушар эди. Навоий бу ҳолни Кайковуснинг «фосид хаёлотидан бири» деб ҳисоблайди. Сиёвуш эса фажъ қисматга эга. Унинг ўз отаси Кайковусдан кўрган ёмон муомаласи Турон ҳукмрони Афросиёб томонидан ҳам қайтарилди. Сиёвуш иғво ва макр қурбони бўлди. Навоий Сиёвуш билан боғлиқ бўлган сиёсий ва ҳарбий воқеалар тўғрисида сўзламайди. У кўпроқ инсон тақдири ва табиатига хос ҳодисаларни тилга олади. Аммо Навоийнинг Сиёвушнинг ўлимига халқнинг қанчалар мотам тутгани тўғрисида айтганлари Сиёвушнинг эл орасидаги обрў-эътибори, кишиларнинг Сиёвушга муҳаббати нақадар баланд бўлганини билдиради. Навоий ёзади: «Сиёвуш учун Эрон аҳли андоқ мотам туттиларким, ҳаргиз ҳеч киши ёд бермас. Тарих аҳли муттафиқдурларким, соч қирмоқ ва кўк ва қаро киймак ул мотамдан қолди»[2]. Бундан яна маълум бўладики, азадорларнинг кўк ва кора кийим киймаклари Сиёвуш мотамидан бошланган. Яна шундай пайтда соч қирмоқ расми ҳам ўрнашган.

Бу ҳикояда Рустам образи ҳам алоҳида ўрин тутади. Рустам Кайковусни бандиликдан озод қилади. Сиёвушнинг қонини талаб қилиб, Турон подшоҳи Афросиёб билан уруш қилади. Воқеалар ривожида Рустамнинг эгаллаган ўрни анча сезиларлидир.

Кайковус ҳикояси Навоийда жуда қисқача берилган. Сиёвуш ҳаёти фақат умумий тарзда баён қилинган. Буни асарнинг ўз олдига қўйган вазифаси тақозо қилар эди. Чунки Навоий барча воқеаларни ихтисор (қисқа) қилмоғи шарт эди.

---

[1] Ўша асар, ўша том. 194-бет.
[2] Ўша асар, ўша том, 194-бет.

Кайхисрав Эрон тахтига ўлтиргач, Фаромурз ва Тусни Афросиёбга қарши урушга юборди. Сиёвуш наслидан Фаруд Туронда эди. Сиёвуш Фаромур ва Тусга Фарудга зиён етказмасликни буюрди. Аммо уруш пайтида Фаруд қўлга тушди ва Тус уни ўлдирди. Урушда Афросиёб енгиб чиқди ва Фаромурз билан Тус енгилиб, Эронга қайтдилар. Афросиёб билан иккинчи бор урушда яна Тус енгилди. Энди Кайхисрав ўзи катта қўшин билан Афросиёбга қарши борди. Афросиёб чекинди. Кайхисрав Афросиёбни қувиб борар эди. Кайхисрав Афросиёбнинг ўғли Шайдани қатл этди. Афросиёб Хоразмдан Ироқи Ажамга қочди. Кайхисрав уни қувиб келар эди. Ниҳоят, Кайхисрав Афросиёбни Озарбайжонда тутди ва шу ерда ўлдирди. Навоий Кайхисрав замонасидаги баъзи воқеаларни шунчаки айтиб ўтади (Рустамнинг юришлари, Гударз Кашваднинг Пирон ва Ясса билан қилган урушлари: «Бижаннинг Арман заминга бориб кабонларни ўлдиргани ва Манижа қўлига тушгани, Манижанинг уни Туронга элтиб Афросиёбга банди қилиб топширгани, Рустамнинг савдогар кўринишида Туронга келиб уни озод қилгани). Кайхисрав Афросиёб тугатгач, ҳокимиятни Луҳраспга топшириб, ўзи гойиб бўлди. Луҳрасп Кайқубод наслидан эди.

Луҳрасп насаб жиҳатдан Кайковусга алоқадор. Луҳраспнинг отаси Кайковуснинг укаси эди. Луҳрасп ҳокимиятни эгаллашдан олдин Балҳда ҳукмронлик қилган. Луҳраспнинг Ажам мамлакатига шоҳ бўлмоғини эл яхши қабул қилмадилар. Чунки унинг отаси шоҳ бўлмаган эди. Кайхисравнинг эса боласи бўлмаган. Шу туфайли Луҳрасп ҳокимиятга ўлтирган. Навоийнинг бу икир-чикирларни келтиришдан мақсади Луҳраспнинг кейинги фаолиятини изоҳламоқдир. Луҳрасп элнинг кўнглини олмоқ учун кўп хайрли ишларни амалга оширди. Бу ишларни Навоий Луҳрасп «оламнинг кўпрак мулкин очти», деб таърифлайди. «Мулк очмоғининг жиҳати» эса элу-юрт ўртасидаги ўша норозиликни йўқотмоқ учун эди. Луҳраспнинг бу хайрли ишлари элга маъқул бўлди ва «барча ани тиладилар».

Луҳраспнинг икки ўғли бўлган: Гуштасп ва Заррин. Навоий Зарриннинг фаолияти тўғрисида ҳеч қандай маълумот келтирмайди. Аммо Луҳраспнинг бошқа ўғли Гуштасп ҳаёти воқеаларга бой. Гуштасп «бағоят рошид ва баҳодир киши эрди». Луҳрасп Кайковус авлодига яхшироқ ерларни берди. Бу эса Гуштаспга малол келди. Гуштасп отаси ихтиёридан чиқиб Румга борди. Румда Гуштасп кўп яхши ишлар қилди. Навоий Гуштаспга нисбат берилган бундай ишлар тарих китобларида кўп ёзилган деб хабар беради. Ўз китобида эса фақат иккитасини Гуштаспнинг каркидон ва аждаҳони ўлдирганинигина қайд қилади. Рум подшоҳи Қайсар Гуштаспни ўзига куёв қилди. Шундан сўнг, Гуштасп қўшин тортиб Хуросонга келди. Гуштаспнинг мақсади отасидан ўч олмоқ эди. Луҳрасп буни англади ва Гуштаспни ўзига валиаҳд қилиб тайинлади. Шундай қилиб, Луҳрасп ўз хатосини тузатган бўлди. У ҳокимиятни ўғли Гуштаспга топширди. Луҳраспнинг ёши улғайиб қолган эди, энди у Балхга кўчиб ўтиб, у ерда ибодат билан машғул бўлди.

Гуштасп баъзи шаҳарларни ўз ихтиёрига ўтказмоқда эди. Шу пайтда Аржасп келиб Балхни эгаллади ва Луҳраспни ўлдирди.

Луҳрасп ҳикоясида Бухтун Насар бинни Гударз тўғрисида қисқача маълумот бор. Навоий Бухтун Насарни босқинчи ва бузғунчи сифатида кўрсатади. Навоийнинг ёзишича, «Оламнинг бузуғлиғи дерларки, анинг зулмидин эрди». Бухтун Насар икки қатла Байт ул-Муқаддасни ер билан яксон қилади. Ниҳоят, Дониёл алайҳиссалом қўшин тортиб Хузистон қўрғонига беркинган Бухтун Насарни қўлга туширди ва ҳалок қилди. Навоий Бухтун Насар тўғрисида сўз кўп эканини айтади ва бу ерда қисқача шу маълумот билан чекланганини таъкидлаб ўтади.

Гуштасп Халабда тахтга ўлтирди. Навоий «Тарихи мулуки Ажам» китобида биринчи бор Зардушт (Заратуштра) тўғрисида хабар беради. Зардуштнинг Гуштасп замонида

юзага келгани ва Гуштаспни ўз эътиқоди зардуштийлик (зароастризм – оташпарастлик) ка ташвиқ этиб, кўндиргани айтилади. Навоий Зардуштнинг «Занд» китобини ёзгани тўғрисида хабар беради, Зардуштнинг ҳаким экани, ўз риёзати билан халқни ўзига мойил этганини айтади. Гуштасп зардуштийликни қабул қилди, ўз халқини ҳам шу эътиқодга ўтказди. Навоий Гуштаспнинг зардуштийликни Румда ҳам тарғиб этганини ёзади. Аммо Рум қайсари уни кабул қилмайди. Гуштасп Истахр шаҳарида «Занд» китобини ўқимоқ билан машғул бўлди. Бундан кейинги воқеалар Турон подшоҳи Афросиёбнинг ўғли Аржасп ва Гуштаспнинг ўғли Исфандиёр билан боғлиқ.

Аржасп Балх шаҳрини эгаллаб, Луҳраспни ўлдиргач, Луҳраспнинг қизлари – Гуштаспнинг сингилларини асира қилиб олиб кетган эди. У яна Балхни бузган, уни талон-тарож ҳам этган. Гуштасп ўз ҳарбий қўмондони Рустамга Аржаспга қарши урушга бормоқни буюрди. Рустам Зобилистонда эди. У Гуштаспнинг буйруғини бажармади. Шунда Гуштасп ўз ўғли Исфандиёрни Балхга бориб, Аржасп билан уруш қилиб интиқом олмоққа буюрди. Бунинг эвазига Гуштасп Исфандиёрга ҳокимиятни топширмоққа ваъда қилди. Исфандиёр Балхни олиб Аржаспни ўлдирди, сингилларини тутқинликдан қутқарди, кўп ўлжалар олиб қайтди. Энди Гуштасп Исфандиёрни Рустамга қарши урушга жўнатди. Рустамни бир ёқлиқ қилиб, сўнг фароғат билан подшоҳлик даврини сургин, деди у Исфандиёрга.

Навоий бу ҳаракатнинг моҳиятини Гуштаспнинг макри сифатида талқин қилади. Чунки Исфандиёр Балхдан ғалаба билан қайтгач, Гуштаспдан ўз ваъдасини амалга ошириб тахтни унга, яъни Исфандиёрга топширмоқни талаб қилган эди. Шунинг учун Навоий Гуштаспнинг буйруғини «Гуштасп ё Рустам анинг ҳукмин ижобат қилмаган жиҳатдан ё мулк ва салтанатдин кечолмасдин» шундай буйруқ берганини таъкидлаб ўтади. Исфандиёр чор-ночор яна урушга жўнайди. Рустам Исфандиёрга таслим бўлиб, яна Гуштасп хизматида бўлмоқ истагини билдиради. Аммо Исфандиёр «ғурур ва паҳлавонлиғидан ундин уруш тиладиким, зўрдастр ила Рустамни тутқай».

Бу урушда Исфандиёр ҳалок бўлди. Гуштасп бу хабарни эшитгач, ўз қилмишларидан пушаймон еди, Исфандиёр ўғли Баҳманни ўзига валиаҳд этди.

Гуштасп замонида олим ва ҳаким Суқрот (Фишоғурснинг шогирди) ва улуғ олим Жомасп яшаганлар. Бу даврда Турон ва Эрон ўртасидаги Самарқанд қўрғони ва девори қурилган. Нисо ва Байзо шаҳарлари бино қилинган.

Баҳман. Адолат билан иш тутди. Байт ул-Муқаддас бино этилди. Икки ўғли бор эди: Сосон ва Дороб. Уч қизи: Ҳумой, Фаранг, Баҳмандўхт. Сосон узлатга чекинди. Ҳумойни ўз никоҳига олди. Ўлими олдидан унинг қорнига тожни қўйди. У Доробга ҳомила эди. То ўғли туғилгунгача Ҳумой подшоҳлик қилди.

Ҳумой ақлли ва гўзал аёл эди. Бола туғилгач, уни сандиққа солиб дарёга оқизди. Бир одам уни тутиб олди. Сувда топгани учун Дороб деб атади. Дороб ўсиб улғайгач, Ҳумой қўшини билан Рум жангида қатнашди. Жангда кўп шавкат қозонди. Ҳумой уни кўргач, эмчагига сут келди. Ўз ўғли эканин билиб тахтни унга топширди.

Ҳумой Истаҳрда Ҳазорстунни, Самара шаҳрини бино қилди.

Дороб адолат ўрнатди. Рум қайсари Файлақусни ўзига қарам этди. Унинг қизига уйланди. Аммо қизнинг баданидан сассиқ ҳид келар эди. Шунинг учун уни Рум қайсарига қайтарди. Қайсар қизини ўз никоҳига олди. Қиз Искандарга ҳомиладор эди. Бола туғилгач, қайсар уни Дороб ўғли демакдан ҳижолатланиб ўз ўғлим деб эълон қилди. Уни валиаҳд қилди.

Доро ибн Дороб отаси ўрнига подшоҳ бўлди. Золим эди. Искандар унга хирож бермади. У Искандар устига аскар тортди. Шунда унинг икки ноиби уни ўлдирдилар. Доро қошига

келган Искандарга у уч васият қилди. Қотилларни ўлдирмоқ, эркак авлодларини сақламоқ, қизи Равшанакка уйланмоқ. Искандар қабул қилди.

«Ва бу достонни фақир «Садди Искандарий»даким, «Хамса»нинг бешинчи китобидур машруҳ адо қилибтурмен» (201).

Искандар отаси Хирмиси Румийдир. Бир минг олти юз йил яшаган эмиш. «Ул замонда минг йилни бир қарн дер эмишлар», шундан лакаби Зулқарнайндир (Низомийда икки қарн, Хисрав 500 йил яшади деган).

Ва фақир ҳам «Садди Искандарий»да ул ики бузургвор (Низомий, Хисрав) қавлини сойир муаррихлар аҳволиға таржиҳ қилиб, назм адосиға қарор берибман. Ҳам ҳаким эрди, ҳам вали. Баъзилар набий ҳам дерлар. Зулматга кириб ҳаёт суви топмади. Хизр ва Илёс топдилар. Ўлими олдидан қуруқ қўлини тобутдан чиқариб қўймоқни васият қилган.

Яъжуж Садди. Марв, Ҳирот, Самарқанд ва Исфахонни қурди. Искандар ўлгач, ўғли Искандарус тахтни қабул қилмади. Румда Батлимус Қайсар бўлди. Эронзаминда мулуки таройиф. 360 йилгача алар ичин аро низо қилиб, Румга ҳеч Қайснинг зарари етмади.

УЧИНЧИ ТАБАҚА. АШКОНИЙЛАР

Ушбу табақага оид бобга киришар экан, Навоий Ашконийлар сулоласига оид қарама-қарши фикрлар бор эканини айтади. Навоий бу масалага қандай ёндашганини қуйидагича баён қилади: «Тарих аҳли орасида бу табақа, даҳи салотин тартибида бағоят мухолифат кўптур. Аммо бу сўзда барча муттафиқдурлар. Биз ул сўзники, муттафиқун алайҳдур, адо қилоли. Сўнгра ул сўзларниким; мухталафун фиҳ дур, зикр қилиб ҳар нимагаким, ўхшаши кўпроқтур, қарор бероли»[1].

Демак, Навоий барча олимлар бир хил сўзлаган гапларни ўз асарида келтиради. Келишмовчиликлар туғдирувчи (мухталафун фиҳ) гапларни эса текшириб чиқиб, бир-бирига яқин бўлганларини ажратиб олиб, уларни баён этажак эканини билдиради.

Шундан маълум бўладики, Навоий масалага чинакам илмий мавқелардан ёндашган. Унинг китобида келтирилган маълумот ва мулоҳазалар ана шу масалага оид барча манбалар берган хабарларнинг жавҳари десак бўлади.

Искандар Эрон ва Форс мулкларини эгаллагач, бу мамлакатларга ҳукмронлик қилган салтанат эгалари ва уларнинг авлодини асир олган эди (Навоий Искандар уларни йиғди, деб ёзади – А.Қ.) Бу кишиларнинг тақдири қандай бўлмоғи керак. Шу масалада Искандар бир фикрга кела олмади ва маслаҳат сўраб, ўз вазири Аристотилисга хат юборди. Аристотилис ёзган жавобида бундай деган: Бу кишиларни ўлдирмак, ҳеч қайси жиҳатдан тўғри бўлмайди. Шундай қолдирмоқ ҳам яхши эмас. Чунки кўп келишмовчиликлар ва қарама-қарши ишлар юзага чиқажак. Чунки уларга қарашли ерларни ўзгаларга бермоққа тўғри келади. Шунинг учун уларга ўзинг ер бергин, сендан ўз насибаларини олиб бу кишилар сендан мамнун бўладилар. Сен ҳам бу ўткинчи дунёда шунча салтанат эгаларининг беҳудага қонини тўкмоқдан қутуласан, яхши от қозонасан. Сендан кейин булар ўртасида бирон келишмовчилик юз берса, сенинг мамлакатинг Румга арзга борадиган бўладилар. Искандар бу сўзга кириб ўша, салтанат эгаларига ерлар бўлиб берди. Ана шу кишиларни мулуки тавойиф (айрим гуруҳларнинг бошлиқлари) дейдилар.

Навоий ўз олдига Ажам маликларининг қисқача тарихини яратмоқ вазифасини қўйган эди. Шунинг учун у мулуки тавойифга оид қарама-қарши фикрлар ва маълумотларни тўласича келтирмайди. Чунки бу нарса гапнинг чўзилиб кетишига олиб келиб, ўқувчини

[1] Навоий. Асарлар. XIV том. Тошкент: 1967. 204-б.

чалғитган бўлар эди. Яна улар мулуки тавойифнинг оти, сони, бошқарган йиллари кабиларга қарашлидир. Навоий ёзади: «Ва улча бу табақада аҳли тарих сўзида ихтилофдур. Бу жамоат оти ва ададида ва салтанатларининг муддати ва тақдим ва таърихида ва бу хилофлар тавфиқ бермак ва татбиқ қилмоқ сўзни пароканда қилиб, ўқиғувчини ёлқитиб, ҳавасини паришон қилур. Заруратан ижмол била андин ўтмак муносиброқ кўринди»[1].

Мулуки тавойифнинг Ашконийлар сулоласи деб аталмоғига сабаб бўлган воқеани Навоий бундай ҳикоя қилади:

Искандар Дажла ёқасидан бошлаб Ироқ, Рай ва Хуросонгача бўлган ерларни Абу Таҳший Румийга берган эди. Доронинг Ашк отли ўғли бўлган. Ашк Искандардан қўрқиб, яшириниб юрар эди. Абу Таҳший ҳукмронлигига тўрт йил бўлган пайтида, Ашк ҳужум қилиб келиб, Абу Таҳший Румийни ўлдирди ва тахтини эгаллади.

Ашк бинни Дороб Эрон мамлакатини Румга қарамликдан қутқарди. У бошқа мулуки тавойиф билан келишиб иш тутди. Мулуки тавойиф Ашк бинни Доробни ҳурмат қилиб нишонларида ўз отларида олдин Ашк бинни Доробнинг отини ёзадиган бўлдилар. Агар бирор ёв келса биргалашиб унга қарши чикадиган, катта-кичик бир-бирига кўмак қиладиган бўлдилар. Ашк ҳукмронлиги уч йил бўлди.

Ашконийлар қуйидагилардир:

Шопур бинни Ашк. Қайсар Август унга замондош бўлган. Исо алайҳиссалом, Яҳё ва Зикриё алайҳиссаломлар унинг даврида яшаганлар. Бошқариши йигирма йил бўлган.

Баҳром бинни Шопур (ўн бир йил), Ялош бинни Баҳром (ўн беш йил), Ҳурмуз бинни Ялош (ўн тўққиз йил), Нўш бинни Ялош (ўн йил).

Шопурдан эллик йилдан кейин Ироқ ва Форсда Уйғур отли подшоҳ бўлган. У Ашкнинг ўғли эди. Уйғурдан сўнг унинг ўғли Гударз ҳокимиятни эгаллаган.

Гударз бинни Уйғур (эллик етти йил), Эрон бинни Ялош (қирқ йил), Гударз бинни Эрон (ўттиз йил), Нарси бинни Гударз (тўққиз йил), Ҳурмуз бинни Ялош (етти йил), Фируз бинни Ҳурмуз (ўттиз йил), Хисрав бинни Фируз (қирқ йил), Ялош бинни Фируз (беш йил), Ардувон бинни Ялош.

Навоий ашконийлардан ўн бир кишини битган. Аммо «Тарихи мулуки Ажам»да бошқа тарихчиларнинг бу борада турли маълумотлар келтиргани кўрсатилади. Чунончи, «Низом ут-таворих»да ўн етти киши, «Тарихи Банокатий»да ўн тўрт, «Жомеъ ут-таворихи Жалолий»да йигирма, Ҳамидуллоҳ Муставфийнинг «Тарихи Гузида» асарида «уч фирқа» қилиб, йигирма бир киши битилган. Навоий яна баъзилар мулуки тавойифни тўқсон, баъзилари эллик, яна бошқалар ундан ҳам ортиқ деганларини ёзади[2].

Навоий Ҳамидуллоҳ Муставфий билан баҳс қилиб айтадики, мулуки тавойифдан баъзиларини Ашк бинни Доро ўлдирган. Ашконийларни эса Ҳамидуллоҳ бинни Муставфийнинг ўзи Ашк билан Доро насли деган. Бас, шундай экан, уларни уч фирқа қилиб йигирма бир киши демоқ хато бўлмайдими. Бу баҳсга хулоса қилиб, Навоий ёзади: «Бу фақир унча имкон ихтиёр бор эрди қилдимким, ўзларини сабт қилдим. (Аммо муддатларин эътимод қилгудей нақл топмадим.) Аммо муддатларин эътимод қилгудек нақл топмадим, битилмади. Аммо ҳар қайсисининг зикрида тафзил қилинибтур. Ҳисоб қилғон киши топар»[3].

Мулуки тавойифга оид ҳукмдорларнинг мамлакатни бошқариш йиллари ҳозирги тушунчага тўғри келади. Улар ичида энг кам подшоҳлик қилгани Ашк бинни Доро (уч йил),

[1] Ўша ерда.
[2] Ўша асар. 206-б.
[3] Ўша ерда.

энг кўп подшоҳлик қилгани Гударз бинни Уйғур (эллик етти йил). Навоий Ашконийлар сулоласининг охирги подшоҳи Ардувон бинни Ялошнинг қанча фурсат ҳукмронлик қилганини кўрсатмайди. Навоийнинг бу сулола вакилларининг қанча муҳлат ҳукмронлик қилганларини «ҳисоб қилган киши топар», деган гапига риоя қилиб ҳисоблаб чиқсак, Ашконийлар сулоласи 296 (икки юз тўқсон олти) йил подшоҳлик қилган бўлиб чиқади. Демак, Ашконийлар милоддан олдинги IV асрнинг биринчи чорагидан то милоднинг I асрига яқин даврга қадар ҳукмронлик қилган бўладилар. Чунки Искандарнинг Доро устидан ғалабаси милоддан олдинги IV асрнинг биринчи чорагига тўғри келади.

Навоий Ашконийлар сулоласи ичидан Эрон бинни Ялош, Нарси бинни Гударз, Ҳурмуз бинни Ялош, Хисрав бинни Фирузларни ижобий баҳолайди. Чунончи, Эрон бинни Ялош тўғрисида Навоий бундай деб ёзади: «Олим ва одил эди. Гударз замонида анинг зулм ва таҳаттукидан хазойин ҳоли ва мулк бузуқ эрди. У ривоят ва лутф қилиб, раиятни маъмур ва мулкни ободон қилди, хазинани мамлу қилди»[1].

Маъноси: «Билимли ва адолатли эди. Гударз замонида зулм ва расволик туфайли омборлар бўш, мамлакат бузилган эди. У қоидаларга мувофиқ иш тутиб, лутф қилиб, халқни тўқ ва хотиржам ва мамлакатни обод қилди, омборларни тўлдирди».

Нарси бинни Гударз ҳам яхши қоида ва расмлар яратди. Шу билан отаси Гударз бинни Эроннинг зулм ва душманлик йўлини йўқ қилди. Ҳурмуз бинни Ялош тўғрисида Навоий «дод ва адл қоидасини тузди»[2], деб ёзади. Аммо Ҳурмуз маишатни ва овни севар эди. Хисрав бинни Фируз ҳунарвар бўлган. «Унинг замонида ҳунар аҳли азиз бўлдилар ва ҳунарлар такмил топти»[3], деб ёзади Навоий.

Демак, Навоий бу адолатли подшоҳларни таърифлар экан, уларнинг хайрли ишларини бирма-бир кўрсатади. Бири хазиналарни тўлдирди, элни маъмур ва тўқ қилди. Бири ўзидан олдин ўтган подшоҳнинг зулми ва ёмонликларини йўқотди. Бири адолат ва тартиб ўрнатди. Бири ҳунар ва санъатни ўстирди. Улардан фақат биттасини – Ҳурмуз бинни Ялошни Навоий «айшу ишратга берилган» эканини кўрсатиб ўтади. Навоий бу сулола вакиллари ичида золим ва адолатсиз подшоҳларни ҳам алоҳида кўрсатган.

Гударз бинни Уйғур бани Исроил билан уруш қилиб кўп одамни ўлдирган. Унинг қотиллиги Бухтун Насарники сингаридур. Гударз бинни Эрон ҳам Шом вилоятида урушлар қилиб кўп одамни қирди. Навоий бу ишларни қоралайди.

Яна бу подшоҳлар турмушига оид айрим тафсилотлар ҳам муҳимдир. Улар асарнинг ҳам тарихий, ҳам бадиий қимматини оширади. Масалан, Гударз бинни Уйғур овда ҳалок бўлди. Нарси бинни Гударзнинг тўрт хотини бор эди. Шулардан бири Нарсини заҳар бериб ўлдирди. Ҳурмуз бинни Ялош ҳам овда ўқ еб ўлди. Бу тўғрида: «Овда руҳи ғизоли ажал ўқиға қатл бўлди», деб ёзади Навоий.

Ашконийлар сулоласи тўғрисида Навоий жуда қисқа маълумотлар берган. Шунинг учун уларнинг ҳар бирига алоҳида шеър бўлмай, бу сулола ҳақида бир маснавий ёзиб, ҳикоянинг охирига қўйган. Ўн байтдан иборат бу шеърда шоир мулуки тавойифга умумий баҳо беради ва умрнинг абадий эмаслиги, бир куни ҳамманинг кетажагини эслатиб ўтади. Бу маснавийда Навоий Искандарнинг мулуки тавойифга асос солганини айтади. Улар тахту тожга зеб бердилар. Аммо бу ўша ҳукмдорларнинг жаҳондан фириб еганларини англатар эди. Улар ўтиб кетгач, ашконийлар майдонга чиқдилар. Ашконийлардан ҳар бири ўз ҳокимиятини абадий деб ўйлар эди. Аммо вақт келиб улар ҳам кетмаклари зарур бўлди.

---

[1] Ўша асар. 205-б.
[2] Ўша асар. 206-б.
[3] Ўша ерда.

Шулардан Навоий ўқувчига турмушнинг ўткинчи афзалиятларига кўнгил бермасликни уқтиради. Шоҳлар ҳам, гадолар ҳам кетадилар. Шунинг учун жаҳондан йироқ турган яхшироқ деб шоир хулоса чиқаради.

ТЎРТИНЧИ ТАБАҚА. СОСОНИЙЛАР

Навоий сосонийлар сулоласининг бошқа бир номи акобира (улуғлар) эканини айтиб ўтади. Шундан сўнг бу сулолага алоқадор подшоҳларнинг нечта экани, уларнинг қанча вақт ҳукмронлик қилганлиги тўғрисида турли фикрлар борлигини билдиради. «Баъзи ўтуз икки ва баъзи ўтуз бир ва баъзи йигирма сакиз ва салтанатларнинг муддатини ҳам мувофиқ битмайдурлар», Соҳиби «Гузида» беш юз йигирма етти йил битибтур ва Банокатий беш юз ўтуз битибтур ва Қози Байзовий тўрт юз ўтуз йил дебдур»[1].

Шундан сўнг Навоий сосонийларнинг биринчи подшоҳи Ардашер Бобак тўғрисидаги ҳикояни келтиради. Бу подшоҳлик сиёсати эмас, бир инсон бошидан ўтган саргузаштомуз воқеалардан иборат ҳикоя. Унда ҳокимият учун курашнинг мудҳиш кўринишлари, тахту тож эгаларининг макри ва бешафқатлиги очиқ намоён бўлади. Аммо охири эзгулик ва ақл-хирад ёвузликдан устун чиқади.

Баҳманнинг ўғли Сосон подшоҳлик даъвосини қилмай бир чеккада яшар эди. Унинг ўғли бўлган. Бу ўғилнинг оти ҳам Сосон эди. У ҳам бир гўшада ҳаёт кечирар эди.

Форс вилоятида Бобак ҳукмронлик қилар эди. У охирги Ашконий ҳукмдори Ардувоннинг Форс вилоятидаги гумаштаси бўлган. Бобак Сосоннинг ақлу заковатига тан берди. Бир куни Бобак туш кўрди. Сосоннинг манглайидан қуёш чиққан эмиш. Бобак бу тушни яхшиликка йўйиб, Сосонни куёв қилди. Ана шу никоҳдан бир ўғил туғилди. Уни Ардашер деб атадилар. Бу пайтда Сосон ўлган эди. Шунинг учун бола Ардашер Бобак номини олди. Ардашер балоғатга етишганда билим ва одобда ягона бўлиб шуҳрат қозонди. Ардувон бундан хабардор бўлгач, Ардашерни ўз ҳузурига чорлади. Энди Ардашер Бобак Ардувоннинг ўғиллари билан бирга яшай бошлади. Бир куни ов пайтида Ардувон яширинча уларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб турди. Ардашер Бобакнинг ҳушёрлиги, қилган ҳаракати барчадан афзал эди. Ардувоннинг ғазаби ва рашки келди. Бир навкарнинг ўғлига салтанат касби муносиб эмас, деб Ардашерни мирохўрликка тайин қилди. Ардашер зарурат ва қўрқувдан бу хизматни бажара бошлади.

Ардашер бир тавили (отхона) устида ўтирганда тасодифан Ардувоннинг бир неча канизаклари ўтиб қоладилар. Улардан бири Ардашерни кўриб унга меҳри тушди. Ардашер билан бу канизак ўртасида яқинлик ўрнашди. Ардувоннинг яширин ишлари ва гапларини канизак Ардашерга етказиб турар эди.

Бир куни Ардувон туш кўрди. Таъбир қилдиларки, Ардувоннинг қўлидан ҳокимият кетажак. Ардувон вахимага тушиб ўрнига ўлтирмоғи мумкин бўлган кишини топиб ўлдирмоққа қасд қилди. Канизак бу хабарни Ардашерга етказди. Ардашер канизак билан бирга ўз қўлидаги отлардан олиб қочди. Ардашер Истаҳр шаҳарига келди. Бу ерда отасига қарашли кишиларни йиғиб куч тўплади. Истаҳрда Бобак ўлгандан сўнг ўрнига Ардувоннинг бир ўғли ҳокимиятга ўлтирган эди. Уни йиқитдилар. Ардувон сипоҳ билан келиб Ардашерга карши уруш қилди, аммо енгилди ва қатл этилди. Ардашер мулуки тавойифнинг қолганини ҳам ўзига бўйсундирди. Ардувоннинг қизини ўз никоҳига олди. Ардувоннинг тўрт ўғли бор эди. Иккитаси урушда ўлди, иккитаси қочиб, Ҳиндистонга бордилар. Улар ўз сингиллари

[1] Навоий. Асарлар. XIV том. 207-бет.

орқали Ардашерга заҳар бермоқчи бўлдилар. Ардашер овдан қайтгач, шарбат сўраганда қиз унга заҳарланган шарбатни тутди. Ардашер уни олмоқчи бўлиб турганда қизнинг қўли қалтираб, шарбатнинг ярми ерга тўқилди. Ардашер ишни фаҳмлаб, тўқилган шарбатга нон тўғраб, у нонни итга егизди. Ит ўлди. Ардашер қизни вазирга топширди ва қатл этмоққа буюрди. Ўлим олдидан қиз вазирга подшоҳдан ҳомиласи борлигини айтди. Вазир қизни ўлдирмади. Бир оздан сўнг бола туғилди. Унга Шоҳпур деб от қўйди.

Ардашернинг боласи йўқ эди. У бир куни шундан маъюсланиб ўлтирганида вазир унга бўлган ишларни айтди. Болани келтирдилар. Ардашерда оталик туйғуси уйғонди. Вазирга кўп иноятлар қилди. Шоҳпурни валиаҳд этиб тайинлади. Ардашер 30 йил подшоҳлик қилди.

Шоҳпур бинни Ардашер. Оқил ва одил подшоҳ эрди. Отаси вақтидаги ишларни сақлади. Рум қайсарини уруш қилиб енгди. Хуросонда Нишопур шаҳрини шахмат шаклида обод қилди. Яна Жандшоҳпур, Хузистонда Шодшоҳпур шаҳарларини бино қилди. Бино қилинган шаҳарлар жониворлар шаклида қилинар эди. Савсан илон шаклида, Шустар от шаклида ясалган. Рассом Моний Шоҳпур вақтида яшаган. Подшоҳлиги 30 йил.

Хурмуз бинни Шоҳпур. Отаси вақтида Хуросонни эгаллаб ҳукмронлик қилди. Иғвогарлар Шоҳпурга Хурмузни ёмон кўрсатдилар. Хурмуз гўё мустақил бўлмоқчи дедилар. Хурмуз бундан огоҳ бўлиб, бир қўлини кесиб отасига юборди. У вақтларда бир қўли йўқ кишини подшоҳликка кўтармас эдилар. Шоҳпур ўз қилмишидан ўкинди, Хурмузни валиаҳд этди. Монийни ва унинг одамларини иғвогарликлари учун, исботлаб жазолади.

Хурмуз Хузистонда Меҳри Хурмуз, Бағдодда Дастгир шаҳарларини бино қилди. 3 ёки 30 йил подшоҳлик қилди.

Баҳром бинни Хурмуз. Унинг даврида Моний таълимоти шуҳрат қозонган эди. Моний, руҳ инсон баданида зиндонда турган кабидир. У ни бу зиндондан қутқармоқ керак, токи юксак мақомга етишсин дер эди. Баҳром Моний тарафдорларини алдаб жам қилди. Сўнг катта баҳс уюштирди. Уларнинг куфрини исботлаб, ҳаммасини ўлдиртирди. Монийнинг айтганига биноан унинг жонини тана зиндонидан чиқартирди, терисига сомон тиқтирди. Подшоҳлик муддати 3 йилу 3 ой.

Баҳром бинни Баҳром. «Такаллуфи кўп эрди ва такаббури ва тахайюри беҳад. Оз саҳвға кўп итоб қилур эрди, жузвий гуноҳға номакдур сиёсат кўргузур эрди». Одамлар унинг бу феълидан ранжиб олим ва ҳакамларга арз қилдилар. Улар маслаҳат бердиларки, эрталабдан бошлаб ҳеч ким унинг олдига бормасин. Эрталаб подшоҳ кимни чақирса ҳеч ким келмади. Ожиз қолди. Олим ва ҳакамлар Баҳромга насиҳат қилиб, «подшоҳ улус ва эл била подшоҳдур, эл бўлмаса салтанат мумкин эмас. Сен элни норози қилдинг, улар сендан узоқлашдилар», дедилар. Баҳром ўз қилмишларидан тавба қилди. Олим ва ҳакамлар элни мурожаат қилиб чакириб келтирдилар. Баҳром ёмон феълини тарк қилиб адолат, муроса қиладиган бўлди. Салтанат муҳлати 20 йил.

Баҳром бинни Баҳром. Уни шаҳаншоҳ деганлар. «Шаъни аржуманд ва ахлоқи дилписанд подшоҳ эрди. Ахлоқи элга марғуб ва атвори улусқа матлуб, зулм биносини бузди ва адл асосин тузди. 4 ой давр сурди.

Нарси бинни Баҳром «отасидек хоксор ва олиймиқдор ва хирадманд ва ҳушёр подшоҳ эрди. Кўп кишвар олди ва охир риҳлат куйин чолди. Салтанат даври 9 йил.

Хурмуз бинни Нарси жуда золим киши эди. Тахтга ўлтирғач, яна золимлиғи ошар, деб халқ қўрқди. Лекин Хурмуз бинни Нарси ўз феълига ишончи баланд эди. Бир куни ўз, ўзидан мамнун ҳодда бир ҳакимдан сўрадики, менинг феъли хўйимга нима яна керакдир? У ҳеч нарса ортиқ керак эмас, деган жавоб кутди. Ҳаким деди: Халойиққа соҳиб ихтиёр

ва ҳоким бўлганинг сингари ўз нафсингга ҳам ҳоким ва соҳиб ихтиёр бўлмоғинг керак. Подшоҳ идрокли эди, тушунди, ғафлат уйғусидан уйғонди, яхши қилиқлар касб этди. Ўғли йўқ эди. Хотини ҳомиладор эди. Тожни унинг бошига осди. Подшоҳлиги 7 ё 9 йилдир.

Шопури зул Актоф «хирадманд подшоҳ эрди, аммо қоҳир эрди». Олти яшарида Шаҳоди деган вазири билан ўлтирганида ноғора овози келди. Нега ноғора чалмоқдалар, деб вазиридан сўради. Вазир деди: Одамлар дарёнинг нариги соҳилига ўтганлар. Уларни қайтармоқ учун кечга яқин ноғора чаладирларки, қоронғуда одам кўпайиб, кўприкда тиқилинч бўлиб дарёга йиқилмоқлари мумкин. Шопур буюрдики, яна бир кўприк солсунлар, токим кишилар дарёдан бемалол ўта олсинлар. Иккинчи кўприк шу йўсинда қурилди.

Шопур зул Актоф даврида араблар истилоси бошланган эди. Ғассонийлардан араб подшоҳи Тойир сосонийлар пойтахти Тайхунни эгаллади, Хурмузнинг эгачиси, Шопурнинг холасини асир қилиб, ўз никоҳига олди. Тойир бу хотиндан (оти Тушор) бир қиз кўрди. Қиз назокат ва гўзалликда беқиёс эди. Унга Малика деб от қўйдилар. Шопур қўшин билан Тойирнинг қўрғонини қамал қилди. Малика ичкаридан Шопурга ёрдам қилиб қўрғонни унга берди. Шопур Тойирни ўлдирди, Маликага уйланди. Бир кеча тўшақда Малика кўп бетоқат бўла берди. Қарасалар, тўшак остига бир олмурут барги тушиб қолган экан. Шопур сўрадики, нега бундай нозиксен? Малика деди: отам мени иликка наботдан қилинган унни сепиб едирар эди. Шопур деди: Шундоқ парвариш қилган отангга вафо қилмаган, менга вафо қиларми эдинг, ва маликани ўлдиртирди. Шопур бузуқлуқ қилган арабларнинг экинларин ёриб бағирларини сўктуруб ташлаб азоб билан ўлдиртирар эди. Шунинг учун уни зул актоф деганлар. Шопур сафар қилиб Румга борганда, Қайсар уни таниб қолиб асир қилди. Аммо Шопурнинг соқчисининг қизи унга ошиқ бўлиб ҳибсдан қутқарди. Икковлари қочиб Қазвинга келдилар. Шопурнинг вазири Рудбори сипоҳсолори Шаҳриёрда экан. Шопур уларни чақиртириб, куч йиғиб Қайсар билан уруш қилди ва ғалаба қозонди.

Навоий бу маълумотларни бошқа китоблардаги маълумотлар билан қиёслаб ўтган.

Моний Шопур зул Актоф даврида ўтган, дейдилар. Шопур унинг пайғамбарлигини рад этди. Қазвин шаҳристонини Шопур бино қилди. Мадойин шаҳарини янгилади, Шустарда Шодравон ва Феруз, Сийстон ва Ҳиндистонда неча ер ва шаҳарни обод қилди. Салтанати 70 йилдир.

Ардашер бинни Хурмуз Шопур зул Актофнинг иниси эди. Шопур вафот этганда унинг ўғли кичик ёшда бўлган. Шунинг учун валиаҳд улғайгунча Ардашер подшоҳлик қилиб турган. Ардашер бинни Хурмуз ақлли ва доно киши эди. Давлатга кўнгил боғламади, кўп яхши ишлар қилди. Уни Некукор деб атаганлар. Шопурнинг ўғли улғайгач, салтанатни унга топширди. Муҳлати 10 йил.

Шопур бинни Шопур «бағоят атвори, ҳусн ва ахлоқи махтавга сазовор» подшоҳ эди. Яхшилиғидан Рум Қайсари унга ихлос қўйди. Қайсар вафот этмасдан бурун Шопурдан илтимос қилиб, ўғлим ёш, бир ишончли одамингни Румга юбор, мендан сўнг подшоҳлик қилиб турсин, деб илтимос қилди. Шопур Қайсар вафотидан сўнг Ширвонни Румга юборди. Мулк вориси улғайгач, Ширвон мулкни унга топширди. «Бу иш агар воқеъ эрса ғаройибдиндур» деб шарҳлайди Навоий. Ширвон Қайсарнинг илтимоси билан Румда қолди.

Шопур чодирда эканида ел қўзғалиб чодир йиқилди ва тўсин бошиға тушиб ҳалок бўлди. Салтанат муҳлати беш йил ва сал ортиқроқ.

Баҳром бинни Шопур. Баъзилар унинг қилган ишларини яхши, баъзилар эса ёмон дейдилар. Лақаби Кирмоншоҳ. Отаси тирик эканида подшоҳлик қилган. Шунинг учун эл писанд қилмаганлар. Навоий бу подшоҳ тўғрисида бор гапларни холисона баён этади.

Гуноҳкорни ҳеч кимнинг ўртага тушувига қарамай озод қилмас эди. Банокатийнинг айтувига кўра деб ёзади Навоий: «анинг зулмидин эл ғавғо қилдилар ва ул ғавғода ҳалок бўлди».

Яздижурд бинни Баҳром. Золим ва нодон киши эди. Унинг ҳукмронлиги даврида юрт эгасиз қолгандек бўлди. «Барчанинг подошини (бадалини) бузуқлиқ ва паришонлиқ билан ҳаддин ошурди». От тепиб уни ўлдирди. Бу от ҳақида турли ривоятлар бор. Баъзилар уни сув оти, баъзилар фаришта, баъзилар дев дейдилар. Элга язо ва азоби 20 йил бўлди.

Баҳром бинни Яздижурд «отаси бузғанларни тузди ва анинг зулми ўрниға адолат кўргузди». Навоий маликлар таърифида бош ўринга уларнинг зулми ёки адолатини қўяди. Уни Баҳромгўр дедилар. Яздижурд ўлгач, одамлар унинг ўғлини тахтга кўтармоққа иккиландилар. Ардашер наслидан Кисро деганни тахтга ўлтирғиздилар. Баҳром ким шижоатлироқ бўлса, ўша подшоҳ бўлсин, деди. Тожни икки–уч арслон ўртасига қўйдилар. Ким тортиб ола билса, ўшангга тож насиб бўлар эди. «Кисро тож таркин тутиб бош саломатлиғин ғанимат билди». Баҳром арслонларни енгиб тожни олди. Тахтга ўлтурди ва адолат бунёд қилди. Шундан сўнг айшу нишотга юз ўгурди. «Ва чоғирки, мудовамати мужиби ғафлат ва бепарволиғдур, ани мулк ишидин фориғ қилди. Мамлакатда бошбошдоқлик келиб чиқди. Турк хоқони бундан фойдаланиб, унинг мамлакатига бостириб кирди. Баҳром юртни иниси Нарсига топшириб ўзи кетди. Хоқон юртни эгаллади. Баҳром Озарбайжон, Гуржистон, дашти Қипчоқ, Хоразм орқали келиб, Журжонда Хоқон қўшини билан жанг қилди. Хоқонни асир қилиб, ўз қўли билан унинг бошини кесди. Навоий шу ерда Ҳусайн Бойқаронинг Ёдгор қўшинини қандай қилиб енггани тўғрисида ҳикоя қилади ва «ўз маҳалида шарҳ билан битилғай», деб ёзади.

Баҳром сафар қилиб яширинча Ҳиндистонга борди. У ерда ов билан кун ўтказар эди. Бир маст филни ўлдириб элни қутқарди. Рой Баҳромни ўзига яқин қилди, кизини берди, валиаҳд этиб тайинлади. Баҳром ўзини танитди, Ҳиндистонни Ройга топшириб ўз юртига қайтди. Ҳиндистондан тўрт минг уйлик созанда, гўянда, раққос аҳлини кўчириб келтирди. Ҳозирги лўлилар ўшаларнинг авлодидир.

Навоий ўзининг Баҳром тўғрисида достон ёзганини хабар қилиб ёзади: «Ва Дилором жанги ва етти қаср ва Ҳаварнак (Қаср) ва сойир ҳолотин билан деган киши бу фақир «Хамса»сида «Сабъаи сайёр»ни ўқуб маълум қилсун».

Яздижурд бинни Бахром «подшоҳе эрби бағоят зеборўй ва хушхўй, адолат ва Озари (шарм) пеша. Мамлакат унинг вақтида обод, халойиқ хотиржам бўлдилар. Ҳокимият муҳлати бир йил, баъзиларининг айтишича, ўн йил, ё ўн саккиз йил ва беш ойдир.

Хурмуз бинни Яздижурд. Яздижурднинг ўғли Фируз ва Хурмуз бўлган. Фируз Сийстон ва Нимрўзда ҳукмрон эди. Хурмуз валиаҳд бўлган. Хурмуз Ҳиётила подшоҳининг ёрдамида Фирузни йиқитди.

Фируз бинни Яздижурд «мусулмон ва оқил ва кордон одил подшоҳ эрди. Адолат била мамоликни обод қилди ва саҳоват билан раоёни хушнуд ва шод этти, унинг салтанати даврида етти йил қаҳат бўлди. Халқдин солиқ олмади. Хазинадан муҳтожларга маош берди. Етти йил ўтгач, ёмғир ёғди. Мўл ҳосил бўлди. Туркистонга юриш қилганда чоҳга йиқилиб, қўшини билан бирга ҳалок бўлди. Салтанати 20 йил.

Ялош бинни Фируз тахтга ўлтиргач, отасининг вазири Сухрони ўз ўрнида сақлади. Юрт обод, турмуш фаровон эди. Ялошнинг иниси Қубод Ялошдан қочиб, Турк хоқонига бораётганда Исфаройинда бир деҳқоннинг қизига ишқи тушиб унга уйланди. Ундан ўғил кўрди. Қубод тўрт йил Хоқон қошида бўлиб, черик билан Ялош устига келаётганда Исфаройинда ўғли Нўширавонни кўрди. Шу куни Ялошнинг ўлгани ва Қуboднинг тахтга

таклиф қилинаётгани тўғрисида хабар келди. Қубод Мадойинга келиб тахтга ўлтирди. Сухрони вазирликда сақлади. Салтанат даври 5 йил.

Қубод бинни Фируз Сухро ҳаддидан оша бошлагач, уни четлатиб Шопур деганни вазир қилди. Баъзилар Бузургмеҳр Сухронинг ўғлидир ва Қубод хизматида бўлган дейдилар. Маздаки лаин Кубод замонида пайдо бўлди. Маздак элни бир-бирининг моли ва хотинига шерикликка рухсат берди. Бу жиҳатдан авбош ва арзол йиғилиб ғавғо қилдилар. Кўп одам унга эргашди. Қубод Маздак динига кирди. Эл Кубодни тутиб банд қилдилар. Иниси Жомаспни подшоҳ қилдилар. Маздак қочиб Озарбайжонга борди. Қубод Туркистонга қочди. Кўмак олиб қайтиб, Жомаспни йиқитиб ўз тахтини эгаллади. Яманли Шумур зул Жаноҳ билан уруш қилиб енгилди. Рум қайсарини урушда енгди. Баъзи тарихчилар Жомаспни подшоҳ деб хисобламайдилар. Салтанати 63 йил.

Нўширавони одил биннул Қубод. Ардашер Бобокон қоида ва расмларини ўрганиб чиқди ва тиклади. «Адолат ва шафқат қонунин андан дағи ортурди. Адл жўйборидин мулк боғинда фароғат анжори шодоб бўлди ва инсофи тарбиятидин амният ашжоридин фароғат гуллари очилди ва осойиш мевалари етилди». Муҳаммад пайғамбар унинг даврида туғилди.

Биров бировдан боғ сотиб олган эди, ерни кавлаганда хазина чиқди. У хазинани боғ эгасига қайтарди. Сендан боғ олганман, хазина эмас деди. Бурунғи боғ эгаси боғни сенга ундаги бор нарса билан сотганман, хазина сенгадир, деди. Баъзилар бу хазина подшоҳга дахлдор дедилар. Нўширавон айтдики, ўғил, қизингиз борми? Ул бирининг қизини бунинг ўғлига бердилар. Хазина янги уйланганларга топширилди.

Бир куни Нўширавон йўлда кетаётганда кабоб пиширмоққа буюрди. Туз йўқ эди. Туз келтиргани борадиган кишига Нўширавон тузни сотиб олмоққа буюрди. Одамлар тузнинг баҳоси қанча бўлардики, уни сотиб олинса, дедилар. Нўширавон айтди: Арзимаган нарса туфайли подшоҳ ёмон расм ўрнатмоғи керак эмас. Жузвий ёмон расмни ҳар ким орттириб кўпайтирар. Бадномлик уни ўрнатганга қолар. Нўширавоннинг пойтахти Мадойин эди. Бузургмеҳр унинг вазири бўлган. Маздакнинг одамларини унинг динидан қайтарди. Тарафдорларини тириклай чуқурга кўмдирди. Ўзини эса ўз қўли билан ўлдирди. Рум қайсарини уруш қилиб енгди. Хитой хоқонидан Фарғонани олди ва хоқоннинг қизига уйланди. Ҳиётила мулкини эгаллади. Ҳиндистонга юриш қилди. Дарбандни қипчоқдан озод ва обод қилди.

Навоий Мухаммад туғилиши билан боғлиқ афсоналарни келтиргач, ёзадики Нўширавон даргоҳида тўрт олтин курси бўлган. Уларда Бузургмеҳр, Рум қайсари, Қипчоқ хони ўлтирар эдилар. Нўширавон султонлик қоидасини тузиб васият қолдирган.

Адл сув билан бузилмас, ўт билан ёнмас, тўп билан йиқилмас бир қўрғондир. Адл бир хазинадирки, кўпрак олган сари кўпаяр, оз харж қилсанг озаяр. Ошкора қилиб бўлмайдиган, яширин иш қилмовчи одам ақлли одамдир. Бировнинг бетига айтиб бўлмайдиган гапни гапирмовчи киши оқил кишидир. Урушда душманни оз деб бепарво бўлмаслик керак. Чунки кўп ўтинни оз ўт куйдиради.

Тахтнинг тўрт поясига тўрт сўз ёзилган эди: Ҳар кимда подшоҳлик йўқ – хомкорлик йўқ; ҳар кимда хотин йўқ, ғамгусорлик йўқ; ҳар кимда буларнинг ҳеч қайсиси йўқ – беморлик йўқ. Румия ва Антокия шаҳарларини бино қилди.

Хурмуз бинни Ануширвон. Уни баъзилар адолатли ва инсофли, баъзилар эса золим ва жабр қилувчи дейдилар. «Ҳар бир тақдир ила сиёсати ғолиб ва интиқоми шадид киши эрди. Аввал Ануширвон қоидаларини жорий этиб турди, сўнг оз гуноҳга кўп сиёсат қилавергани туфайли эл ундан қўрқиб қолдилар ва нафратга учради. Солиқни оширди, қўшинда хато учун қатл этмоқни ўрнатди. Румдан Қайсар, Арабдан Аббосул аҳвол, Мағрибдан Амул

Азроқ, Туркистондан хоқони Чин унга карши чиқдилар. Бурунги учовни туҳфа ва ҳадялар билан қайтарди. Хуросонга хоқони Чинга қарши Баҳром Чубинни қўшин билан юборди. Баҳром ғолиб чиқиб Хоқонни ва ўғлини ўлдирди. Олган ғанимларини Хурмузга юборди. Аммо бадгўйлар Хурмузга, Баҳром кўп ўлжа олган эди, баъзисинигина Султонга юборди, деб иғво қилдилар. Хурмуз бу гапга ишонди ва Баҳромга бурунчак (ипак рўмол) ва чарх юбордики, қилган иши шунга муносибдир. Баҳром Чубин Хурмуздан хафа бўлиб, унинг ўғли Парвез хизматига ўтди. Хурмуз Парвездан бадгумон бўлди. Парвез қочиб Арманга борди. У ерда Ширинга ошиқ бўлди. Хурмуз ўғлининг бегуноҳлигини тушунди. Баҳром билан уруш қилди, аммо енгилди. Хурмуздан норози бўлганлар унинг кўзига мил чекиб, Парвезни шоҳликка чақирдилар.

Баҳром Чубин Парвезга қарши қўшин тортди. Парвез отаси Хурмузнинг маслаҳатига кўра, Рум қайсаридан мадад тилаб Румга борди. Баҳром Мадойинни эгаллаб тахтга ўлтирди. Парвез Рум мадади билан келиб Баҳромга қарши урушди, аммо енгилди. Энди у хоқон хизматига борди. Бу орада Баҳром Чубинга заҳар бериб ўлдирдилар.

Хисрав Парвез бинни Хурмуз. Бандуя ва Бастом унга тоғойи ва қўшинбоши эдилар. Хурмузга мил чекканлар ҳам шулар эдилар. Улар Хурмуз интиқомидан қўрқар эдилар. Улар Парвезга, агар сен Румга кетсанг, Хурмуз юртни Баҳромга беради. Шунинг учун Хурмузни орадан кўтарсанг, хотиржам бўласан, дедилар. Парвез индамади. Бандуя ва Бастом уни рози бўлди, деб ўйлаб Хурмузни ўлдирдилар, Парвезни эса оз қўшин билан Фирот сувидан ўтқазиб Румга жўнатдилар. Бандуя салтанат либосини кийиб ўзи қолди. Сипоҳ келгач, уни Парвез гумон қилдилар. У дайр томига чиқиб эрталабгача кутишни сўради. Эрталаб Бандуяни топиб тутиб, Баҳром қошига элтдилар. Аммо Бандуянинг одами кўп бўлгани учун ўлдиролмадилар.

Парвезни Рум қайсари яхши кутди, унга Марям исмли қизини берди. Парвез Қайсар мадади билан келиб, Баҳромга қарши уруш қилиб, уни енгди. Баҳром Чин хоқони ҳузурига қочди. Парвез Мадойинни эгаллаб тахтга ўлтирди. Навоий Парвезнинг шукуҳи савлати барча подшоҳлардан устун бўлганини ёзади. Унда ҳаммадан бой ва гўзал тахту тож, суҳбатгоҳ, Шабдиз отли учқур от бор эди. Доно вазири Бузург Уммид, Шопур деган наққош, Барбад отли муғаннийси бўлган. Ўн саккиз минг от унинг подасида бўлган, тўрт минги ўзиники эди. Ўн икки минг туркий теваси, неча минг соҳибжамол канизаклари бўлган. Минг кемада олтин ва жавоҳир дарё орқали Румдан ташилар эди. Уни шамол Парвез ерига Мадойинга келтирди ва Парвезга насиб бўлди. Бу хазинани ганжиобод овард дейдилар.

Ширин сингари маҳбуби бор эдики, оламда анингдек ҳусну латофат, жамолу малоҳат ҳеч кимда йўқ эди. Навоий ўзининг бу мавзуда достон яратганига ишора қилиб ёзади: «Ва фақир барча муаррихлар нақизи тарафидин икки сўз топибменким, анга даст бердики, ҳеч кишига даст бермади, ўтқон барчадин куллийракдир. Бири улким, агарчи Ширидек оламда нодираси бор эрди, вале Фарҳоддек хам олим ажубаси рақиби бор эрдиким, ишқ ва ниёз атрофидин бовужуди Хисравдек подшоҳ, кўнгли Фарҳодқа майл қилиб илтифот ва тараҳҳумлар зоҳир қилди. Ва ани билиб Хисрав рашкдин макр билан Фарҳод қатлиға боис бўлдиким, андин машҳурроқдурким, битмак ҳожат бўлғай». Хисрав Парвезга мусулмонлик таклиф этилганда у даъватномани йиртди. Фарҳод қатлига жавобан Шеруяки, Парвезнинг ўғли эди, Парвезни ўлдирди.

Шеруя бинни Хисрав. Хисравнинг ғурури кўпайиб элга сиёсат ва ғазаби ошиб кетган эди. Мунажжимлар унга заволинг ўз авлодингнинг қўлидадир, дедилар. Шу туфайли ўн етти ўғлини бир қалъага маҳбус қилди, улар ёнига бирор хотин кишини ётқизмас эди. Ўз улусидан йигирма минг кишини зиндонга солди. Улар орасида минг киши эътиборли, улуш кишилар эдилар. Бир черикда яхши юрмадингиз деб ҳар куни неча кишини ўддирар

эди. Мардоншоҳ деган қўшинбошини бегуноҳ ўлдиртиради. Шунинг учун халқ ундан безиб Парвезни қамадилар ва Шеруяни (Марямдан бўлган ўғли) подшоҳ кўтардилар. Шеруядан Парвезни ўлдирмоқни талаб қилдилар. Шеруянинг буйруғига кўра ўғли Парвезни ўлдирди. Отасини ўлдиргандан сўнг баданига касаллик илиниб Шеруя ҳам етти ойдан сўнг ўлди. Мулк ҳирсидан Шеруя ўн етти оға-инисини ўлдиртирган эди.

Ардашер бинни Шеруя. У отаси ўлганда етти яшар эди. Заруратдан подшоҳ қилдилар. Унга покнафас ва некандиш Меҳрижисни вазир этдилар. Парвезнинг Шаҳрирод деган бир улуғ кишиси бор эди. У Румда яшар эди. Ҳар ишни у билан бамаслаҳат қилар эдилар. Бу ишлар эса Шаҳриролдин бемаслаҳат бўлган эди. Шунинг учун Шаҳрирод ҳужум қилиб келиб Ардашер ва Меҳрижисни ўлдирди ва ўзи тахтга ўлтирди. Шаҳрироднинг ҳокимияти кўпларга ёқмади ва уни бир куни азоблаб ўлдирдилар, «тикмас киши салтанат хаёлин қилса жазоси будур».

Парвезнинг Турондўхт отлиғ қизи подшоҳ қилиб кўтарилди. Турондўхт бағоят оқила эрди. Билдиким, мулк анга ўзгалардек вафо қилмагусидир. Дод ва адл бунёд қилди, халойиққа кўп умидворликлар берди. Халқни солиқлар боқимандасидан озод қилди. Румдан келтирилган Жилсиё деган бутларни румийларга бериб, Қайсарни миннатдор этди. «Халойиқ басе андин мураффаҳ ва масрур бўлдилар».

Унинг даврида Муҳаммад пайғамбар дунёдан ўтиб, Абу Бакр Сиддиқ муқаррар бўлди. Турондўхт Шаҳриродни ўлдирган Машрух Хуросонийни тарбият қилиб, уни вазирликка кўтарди. Бир йилу тўрт ой подшоҳлик қилгач, Турондўхт дунёдан ўтди. Унинг ўрнига Парвезнинг уруғидан Жаштанд деганни тахтга ўлтирғиздилар. У ҳам бир ойдан сўнг ўлди.

Озармдўхт подшоҳликка ўлтирди. У вазир тайинламади. Мулк ишини ўзи бошқарди. Турондўхтнинг синглиси эди. Жуда гўзал эди. Парвезнинг Фируз Ҳурмуз отлиғ қўшинбошиси бор эди, унга Хуросон мулки берилган эди. У Рустам деган ўғлини Хуросонга ўз ўрнига жўнатди. Фируз Озармдўхтга кўнгил берди. Озармдўхт кечага ваъда қилиб уни келтирди, келгач буюрдики, бошини кесиб қаср эшигига осиб қўйсинлар. Эрталаб одамлар буни кўриб ҳайратда қолдилар, аммо воқеадан хабардор бўлгач, таскин топдилар. Рустам буни эшитиб Хуросондан қўшин билан келиб Мадойинни олди, Озармдўхтни тутиб отаси қилолмаган ипши қилди ҳам қонига қасос қилди. Шундан кейин салтанат тахтига одам топа олмадилар. Озармдўхтнинг салтанати олти ой сурди. Киср Меҳрижис Ардашер Бобак наслидан эди. Ахвоздан келтириб подшоҳ кўтардилар. Лекин эплай олмади. Бир неча кундан сўнг кетказдилар. Парвез ўғилларидан Хирод Хисравни кўтардилар, у ҳам бўлмади. Нўширавон наслидан Фируз Меҳрон деганни топдилар. У мажнунваш эди. Бу тахту тож менга нанг ва номусдир дер эди. Уни ҳам сурдилар. Парвез авлодидан Фаррухзод олти ой подшоҳ бўлди, сўнг ўлдирилди. Сўнг Яздижурд бўлди. У ислом қўшинидан енгилиб Исфаҳон, Кирмон, Марвга қочди. Бир тегирмонга беркинган эди, тегирмончи унинг оту тўнига кўз олайтириб ўлдирди. Салтанати 20 йил эди. Шу билан сосонийлар ҳокимияти барҳам топди.

«Тарихи мулуки Ажам»ни Навоий маснавий йўлидаги шеър билан тугаллайди. У 49 байтдан иборат.

МАСНАВИЙ

Бу шеърда Навоий ўз асарини ёзмоқдан мақсади нима эканини очиқ баён этган. Биринчи хулоса шуки, ҳеч ким абадий эмас. У ким бўлмасин – подшоҳми, олдий одамми, одилми, золимми, жаҳонни эгаллаган жаҳондорми ёки қулми – ҳаммаси ўтиб кетади. Бу мудҳиш

ҳақиқатни унутмаслик керак. Кимки вужуд уйига қадам қўйган бўлса, унинг йўқ бўлиб кетмоғи муқаррар.

Агар Яздижурд ўлсин, гар Шаҳриёр
Ва гар Баҳман ўлсин, гар Исфандиёр.

Ки, қўйди вужуд уйига чун қадам,
Яна анга бўлмоқ керактур адам.

Подшоҳликка муяссар бўлганлар ҳам буни ҳеч қачон унутмасликлари керак. Жаҳонда киши ҳаётига вафо, жаҳон аҳлига абадийлик йўқ.

Бировғаки жузъий бўлуб шоҳлиқ,
Замириға ҳақ солса огоҳлиқ.

Ки, билса жаҳонға вафо йўқтурур,
Жаҳон аҳлиға ҳам бақо йўқтурур.

Шундан сўнг Навоий кишининг қандай яшамоғи кераклиги тўғрисида сўз юритади. Шоир уқтирадики, киши жаҳон ҳашматини назарга илмасин. Энг асосий масала адолатни барқарор этмоқлик, зулму ситамни йўқ қилмоқликдир. Ана шунда, дейди шоир, Тангри ризо бўлади, Ҳақнинг (яъни Тангрининг) буйруғи ҳам шу. XV аср шароитида бирор фикрни тасдиқламоқ учун уни Тангри номи билан боғламоқ энг кучли исбот бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам Навоий адолатни устун, зулму ситамни йўқ қилмоқ учун «Ҳақ амрига тоат, Тангрига ризолигини олмоқ» тушунчаларини кенг қўллайди.

Кўзига жаҳон ҳашматин илмаса,
Ҳақ амридин ўзга амал қилмаса.

Адолат учун истаса мулку жоҳ,
Ситам дафъ айларга чекса сипоҳ.

Ҳар ишким, булур муддаоси анга,
Ғараз бўлса Тангри ризоси анга.

Шундан кейин Навоий фақржўйлик (олдий, камтарона ҳаёт, жаҳон дабдаба ва асъасасидан четланмоқ), дарвешхўйлик салтанат эгаси учун керакли хислатдир, дейди. Ўшанда шоҳ ғафлатдан қутулган, хабардорлиги ортган бўлади.

Бўлуб салтанат тахтида фақржўй ,
Шоҳ ўлса вале бўлса дарвешхўй.

Муни шоҳлиғ деса эрмас йироқ,
Ки, ғафлатдин огоҳлиқ яхшироқ.

Навоийнинг фикрича, Султон Ҳусайн Ғозий Баҳодирхон ана шундай подшоҳ эди.

Вале қилмади шоҳлардин киши,
Ки, бу иш эрур Шоҳ Ғозий иши.

Демай айни инсонки, инсонни айн,
Ҳам инсону ҳам айн Султон Ҳусайн.

Шундан сўнг, Навоий Султон Ҳусайнни таърифлайди. Ўзининг «Хамса» («Панж ганж»), Девон, «Назм ул-жавоҳир» ва бошқа асарларини ёзганини ва уларни Султон Ҳусайнга бағишлаганлигини айтади.

Сенинг вақтинг ичра кўруб заъфу ранж,
Замоники назм аил ад им «Панж ганж»...

Чу девониға дебоча қилдим рақам,
Сифотингни шарҳ айладим анда ҳам...

Чу «Назм ул-жавохир» битиб отингга,
Ўқуш васф дарж айладим зотингга...

Яна кўп дағи назми гавҳарфишон,
Басе, наср доғи жавоҳирфишон.

Ки чун торттим хомаи мушкбез
Санинг васфинга айладим нуктарез.

Шундан сўнг, бу маснавийдаги асосий фикр изҳор этилади. Навоийнинг мақсади Султон Ҳусайн тарихига оид бир китоб ёзмоқ. Унда Султон Ҳусайннинг ҳаёти ва сифатларини тавсиф этмоқ, унинг ота-боболари тўғрисида ҳикоя қилмоқ. Султон Ҳусайндан бурунги подшоҳлар, уларнинг аҳволини баён этиб, Ҳусайннинг тахтга қонуний ворис эканини кўрсатмоқ. Султон Ҳусайннинг адолат билан иш тутиб, жаҳон аҳлига тинч ва осуда турмуш бағишлаганини таъриф ва тавсиф этмоқ.

Вале эмди азмими будурким Худой,
Агар бўлса умримға муҳлат физой.

Чекиб турфа тарихингта хомани,
Қилиб нуктаға тез ҳангомани.

Сифотингни аввалдан охиргача,
Хаёлоти махфийю зоҳирғача.

Валодат (туғилиш) кунидан тутуб то бу дам,
Барин шарҳ ила айлагаймен рақам.

Бурунроқ солиб турфа бунёд анга,
Бериб зикри обоу аждод анга.

Сўруб нукта султонлар аҳволидин,
Ҳикоят қилиб хонлар аҳволидин.

Дебон барчанинг мулку давронини
Муайян қилиб даври поёнини...

Анга тегруким сен шахи некбахт,
Отадин ота вориси тожу тахт.

Ки, ҳоло чолиб салтанат навбатин,
Топибсен жаҳондорлиғ шавкатин.

Адолат била хос эрур йўқса ом,
Жаҳон аҳлини тиндурубсен тамом.

Маснавий Султон Ҳусайн отига дуо билан тугалланади. Бу маснавийдан аён бўладики, Навоий катта бир тарих китоби ёзиб, унда ўз замонасида содир бўлган воқеаларни баён этмоқчи эди. «Тарихи анбиё ва ҳукамо» ҳамда «Тарихи мулуки Ажам» асарлари ана шу тарих китобининг бошланғич қисмлари бўлган.

«ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ»ДАГИ БОШҚА ШЕЪРЛАР

Навоий ўз китобидаги ҳар бир ривоятни бир тўртлик билан якунлайди. Бу тўртликларнинг маъноси бир хил. Улардаги доимо такрорланувчи хулоса инсон абадий эмаслиги, ҳамма одамнинг бир куни бориб дунёни тарк этажаги тўғрисидаги фикрдир. Аммо шоир ўша дунёдан ўгган шахснинг таърифини унинг асосий хислати, ўзига хос белгилари орқали ифодалайди. Масалан, Каюмарс тўғрисидаги тўртликда Навоий Каюмарснинг биринчи бўлиб жаҳондорлик тахтига ўтирганлигини кўрсатади. Аммо биринчи бўлиб яратилган киши биринчи кетмаги ҳам аниқдир.

Бурунроқ кишиким, тузуб руду жом,
Жаҳондорлиқ тахтини этти мақом.
Каюмарс эди у, лек давронн дун,
Анга берди бозий баридин бурун.

Бу тўртликлар ҳаммаси икки байтдан иборат. Уларда биринчи ва иккинчи, учинчи ва тўртинчи мисралар қофияланади. Мисралар ўн бир бўғинли бўлиб мутақориби мусаммани мақсур баҳрида ёзилган: фаулун, фаулун, фаулун, фаул.

Хушанг адолатли ва оқил подшоҳ эди. Якунловчи тўртликда унинг шу сифатлари баён этилади. Хушанг сажда қилиб бош эгиб турганда девлар томонидан ўлдирилган.

Навоий шунга ишора қилиб, шундай малакшева шоҳнинг ўлимига фалак девларни юборганини ёзади. Малакнинг дев томонидан ўлдирилиши фалакнинг навбатдаги бир найранги сифатида тасвирланади.

Йўқ эрди жаҳондори анжумсипоҳ,
Жаҳон ичра андоқки Хушанги шоҳ.
Малакшева шаҳе эди боадл,
Фалак девига қилди они қатл.

Тахмураснинг қисмати ҳам шундай бўлди. У девларни банд қилувчи, жаҳонда яккаю ягона адолатли подшоҳ бўлган. Аммо фалак деви охири уни банд этади, яъни ўлдиради.

Шаҳе эрди Тахмурас офоқ аро –
Ки, адл этти чархи куҳан тоқ аро.
Неча деви банд ўлди, ул аржуманд,
Ажал деви охир ани қилди банд.

Жамшид тўғрисидаги шеърда Навоий асосий диққат-эътиборни Жамшиднинг ҳаддан ошган такаббурлигига қаратади. Гарчи Жамшид тўғрисидаги ривоятда унинг қилган эзгу ишлари бирма-бир санаб ўтилган бўлса-да, якунловчи шеърда шоир бу масалага урғу бермайди. Аксинча, Жамшиднинг хом хаёли, унинг ана шу савдо туфайли қилган номақбул иши (яъни ўзини худо деб эълон қилиб, барча халқдан ўз шахсига сиғинишни талаб қилгани – А.Қ.), Жамшиднинг ғазабга учраб жазо топиши бош ўринга қўйилган. Ривоятга кўра, Жамшидни «арра била икки бўлиб, жисмин пора-пора» қилиб ўлдирган эдилар. Ана шу тафсилот ҳам якунловчи тўртликда ўз ифодасини топган.

Чу Жамшид тахти узра топти мақом,
Димоғиға йўл топти савдойи хом.
Ани қилди Ҳақ макри айлаб ситез,
Сиёсати қиличи била рез-рез.

Шаддод ва Шадид тўғрисида Навоий кўп сўзламайди. Фақат уларнинг насл-насаби тўғрисида сўз юритади. Бу ривоятнинг якунловчи шеъри ҳам умумлаштирма характерга эга.

Фалак бўйлаким, жавр қилди падид,
Не Шаддоди қолғусидур, не Шадид.

Заҳҳок ва Фаридун тўғрисидаги тўртликлар мазмун жиҳатидан бир-бирига боғлиқ. Чунки Заҳҳок золим, Фаридун одил подшоҳ эди. Бу тўртликлар ана шу қарама-қаршиликларнинг бирлиги асосига қурилган. Заҳҳок қанчалик золим бўлса ҳам, Фаридун қанчалик одил бўлса ҳам, ҳар иккаласи фалак зулмига мубтало бўлдилар. Фалакнинг иши шу. У қанчаларни қатл қилса ҳам ҳеч тўймайди. Навоий бу иккала қарама-қарши қутбга оид подшоҳлар тақдирининг бир хил экани (яъни дунёдан ўтажагини) Заҳҳок тўғрисидаги тўртликка Фаридуннинг номини киритиш орқали кўрсатган.

Фалак то эрур зулм қилмоққа хос,
Эмас золиму одил андин халос.
Қилиб қатл Заҳҳокини тўймади,
Фаридунни дағи қуруқ қўймади.

Фаридунки, оламда ёйди бисот,
Баси олам аҳлиға етти нишот.
Ани ҳам фалак чекти туфроқ сари,
Не золим, не одил кетарлар бари.

Шуниси аҳамиятга моликки, Навоий Жамшиддек адолатпарвар, халқпарвар подшоҳнинг ўз шахсига сиғинишни талаб қилганини ва бу «савдойи хом» туфайли жазо олганини таъкидлаб ўтади. Аммо Заҳҳокдек золим подшоҳнинг ўлими тўғрисида гапирганда «золиму одилнинг» фалак зулмидан холи қолмаслиги тўғрисидаги умумий тушунчани таъкидлаш билан чекланади. Демак, ўз шахсига сиғинтириш, худолик даъвосини қилмоқлик, ҳар қандай зулмдан ортиқроқ жиноятдир.

Гарчи Заҳҳокнинг зулмини Навоий ривоятда қоралаб, шеърда таъкидлаган бўлса-да, Фаридуннинг элу юртга нишот етказганини алоҳида кўрсатади. («Баси олам аҳлиға етти нишот»). Демак, Навоий зулмни рад килиш билан бирга элпарварлик, юртга нишот етказишни алоҳида намоён этар экан, адолат ва эзгуликни ташвиқ ҳам этади.

Манучеҳр деҳқончиликка ривож берган, Афросиёб билан сулҳ тузиб урушнинг олдини олган эди. Навоий Манучеҳрга шоҳлар сипоҳ бўлдилар, деб ёзади. Демак, Навоий таъбирига кўра, «деҳқонлиғ зийнату зебин ул ароға» кетурган, урушмай яраш тузган подшоҳ шундай сифатловга сазовордир.

Манучеҳрким, бўлди оламға шоҳ,
Анга бўлдилар барча шоҳлар сипоҳ.
Анга ҳам жафосизлиғ этти жаҳон,
Кишига жаҳон қолмади жовидон.

Навдар тўғрисидаги шеър эса бу подшоҳнинг табиатини ифодалайди. Навдар айшу ишратга берилган шоҳ эди. Унинг даврида Афросиёб уруши бўлди, мамлакат кўп бузғунчиликка учради. Шунинг учун Навоий бу подшоҳ даври ва унинг сўзини тасвирлаб ёзади:

Чу Навдарға тушти жаҳон кишвари,
Халойиқ фароғатдин ўлди бари.
Ангаким, жаҳондин вафо етмади,
Жаҳон ичра тинмади, то кетмади.

Афросиёб тўғрисидаги фикр ҳам шундай. У жаҳон мулкини ўз мулки деб билган эди. Аммо уни ҳам суриб чиқарди.

Чу Афросиёб ўлди олам шаҳи,
Эмас эрди иш сирининг огаҳи.
Жаҳон мулкин ўз мулки қилди гумон,
Ани ҳам чикарди ародин жаҳон.

Адолат билан иш тутиб юртни обод этган шоҳ Зоб бинни Тахмосп тўғрисидаги шеър умумлашма тарзидадир. Навоий унда умр абадий эмас, аммо шу умрни зулмга эмас, адолатга хизмат эттирмоқ керак деб уқтиради.

Чу офоқ мулкига шоҳ ўлди Зоб,
Тузатти неким бузди Афросиёб.
Эрур зулмдин яхшироқ адл иши,
Чу қолмас на золим, на одил киши.

Ҳамманинг, шу жумладан, шоҳларнинг ҳам кетажак экани тўғрисида фикр қатъият билан Гиршасп тўғрсидаги тўртликда қайтарилган.

Чу Гиршасп бўлди жаҳон Хусрави,
Бор эрса яна шоҳлар пайрави.
Чиқорди ородин сипеҳри дижам,
Нечукким яна шоҳлар, они ҳам.

КАЙЁНИЙЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ШЕЪРЛАР

Кайёнийлар сулоласи вакиллари тўғрисидаги шеърлар ҳам ўз мазмуни ва шакли жиҳатидан бир хил. Улар ушбу тарих китобидаги барча шеърлар каби шеър қаҳрамонининг хислати ва умрининг боқий эмас эканлиги тўғрисидадир.

Кайёнийлар сулоласининг биринчи намояндаси – Кайқубод. Навоий Кайқубод тўғрисидаги тўртликда базм, куй мавзуларини ифодалайди. Бу шеърда Кайқубод жаҳон базмида Кайёний оҳанги билан шод эканлиги орқали унинг бу сулолага асос солганини кўрсатади. Аммо ўлим унинг мусиқий асбобларини фиғону нола чекмакка мажбур қилди.

Чу тузди жаҳон базмини Кайқубод,
Суруди Кайёний била эрди шод.
Вале қилди чархи мухолиф сияр,
Анинг доғи хунёгарин навҳагар.

Кайковус тўғрисидаги тўртликда шоир зебу зийнат мавзусини тилга олди. Кайхисрав тахт узра ўлтириб ўзига зеб берди. Аммо фалак унинг осмонга етган бошини ерга олиб урди. Бу Кайковуснинг ўз ўғли Кайхисравга қилган ёвузликлари ва уларнинг жазосига ишорадир.

Чу Ковус маснад узра топти зеб,
Неча кун анга чарх берди фиреб.
Агарчи фалакка етурди ани,
Фалакдин вале ерга урди ани.

Агар Кайқубоднинг тахт узра зебу зийнат билан ўлтиргани бош ўрингa қўйилган бўлса, Кайхисрав тўғрисидаги шеърда Навоий худди шу фикрни бошқачароқ усулда ифодалайди. Аммо Навоий бу тўртликда холисона, ҳатто бирор даража хайрихоҳлик билан сўзлайди. Ҳатто Кайхисравни уштулум айлаган фалакни Зол деб атаб, унинг зулмидан норозилик ҳам баён этгандай бўлади.

Яна бўлди Кайхисрави пок рой,
Жаҳон кишвару мулкида кадхудой.

Ва лекин бу Зол уштулум айлади,
Жаҳондин доғи они гум айлади.

Аммо Навоийнинг барча подшоҳлар ўлими тўғрисида ёзганлари асосан хабар тарзида. Бу воқеага шоир ўз муносабатини жуда эҳтиёткорлик билан билдиради. Бу тўртликлардаги асосий фикр ҳаётнинг ўткинчи экани, ўлимнинг ҳақлиги, хоҳ одил, хоҳ золим бўлсин, ҳамма подшоҳларнинг ўтиб кетганлиги тўғрисидаги фикрдир. Фақат бу фикр ўша подшоҳларнинг қилмишлари ва хислатларига боғланган ҳолда баён этилади.

Луҳрасп кўп шоҳларни ўзига қарам қилди. Лекин охири мулки Гуштаспга қолди, ўзи эса душмани Аржасп қўлида ҳалок бўлди.

Яна бўлди Луҳрасп соҳиб сарир,
Ки бўлди қўлида салотин асир.
Не мулки омон топти Гуштаспдин,
Не жони холос ўлди Аржаспдин[1].

Гуштаспга ҳам фалак душманлик кўрсатди. Гуштаспнинг ўрнатганлари Луҳраспники сингари йўқ бўлиб кетди.

Чу Гуштасп тузди сарир узра базм,
Анга ҳам фалак айлади кинға азм.
Адам бўлди, қонуни Гуштаспий,
Анингдекки, ойини Луҳраспий.

Баҳман тўғрисидаги ривоятда Баҳманнинг уч қизи тилга олинади: Ҳумой, Фаранг, Баҳмандўхт. Баҳман тўғрисидаги шеър унинг вафосиз жаҳонга меҳр қўйганлигидан бошланади. Навоий ана шу зиддият – жаҳонга меҳр қўйиб шавкатга эришган Баҳманнинг баҳор ели каби тезлик билан дунёдан ўтиб кетганлиги асосида дунёнинг вафосиз ва бақосиз эканлигини тасвирлайди.

Чу Баҳманга етти вафосиз жаҳон,
Анинг узри кўнглидан ўлди ниҳон.
Ёйилгон замон шавкати Баҳманий,
Равон қилди Баҳман елидек ани.

Ҳумой биринчи аёл подшоҳ эди. У ақлли ва чиройли аёл эди. Гарчи Ҳумойнинг қилган ишлари катта бир достон мавзуси учун етарли бўлса-да, Навоий Ҳумой тўғрисидаги тўртликда улар тўғрисида бир сўз демайди. Эркаклар ўтиб уларнинг ичи (оиласи, рафиқаси – А.Қ.) мулк эгаси бўлди. Бу бир неча кун давом этган шоҳлик фалак золи томонидан барҳам толди. Навоий ана шу ахбор билан чекланади.

Яна бир неча кун Ҳумой олди мулк,
Эронлар бориб ичига қолди мулк.
Туганди анинг мулку даврони ҳам,
Фалак Золи қатъ айлади они ҳам.

[1] Навоий. Асарлар. XIV том. 196-бет. Аржасп ўрнига Жонасп деб хато ёзилган – А.Қ.

Дороб тўғрисидаги тўртлик ҳам худди шундай. Унда ҳам Навоий ахбор билан чекланади. Аммо Доробга бир оғиз баҳо бериб уни «равшан замир» деб атайди. Шунга диққат қилмоқ керакки, Навоий бирор подшоҳ тўғрисида сўзлар экан, уларни танқидли ифодалар билан атамайди. Уларнинг ҳаммасига холис ёндашмоққа ҳаракат қилади.

Чу тахт узра Дороби равшан замир,
Ҳумой ўрниға бўлди оламгир.
Анинг доғи йиқти фалак поясин,
Бошидин айирди ҳумо соясин.

Дороб ўғли Доро тўғрисидаги тўртлик нўш ва заҳр бирлиги асосида қурилган. Доро замон подшоҳи бўлиб, бир неча фурсат даврон сурди. Аммо замона охири унга заҳар ичирди. Навоий бу тўртликда Искандарни ҳам тилга олиб, унинг ҳам бу қисматдан четда қолмаслигини айтади, яъни Дорога заҳар берган даҳр, Искандарга ҳам оби ҳаёт бергани йўқ. Бу ерда Искандарнинг оби ҳаёт қидириб, уни топа олмай зулматдан чиққанига ишора бор. Аммо асл мақсад Искандар умрининг ҳам чекланган эканини таъкидламоқдир.

Яна бир неча вақт Доройи даҳр,
Ичиб нўш даврон анга берди заҳр.
Фалак заҳр агар берди Дороға бот,
Скандарға ҳам бермай оби ҳаёт.

Искандар тўғрисидаги ривоятдан сўнг Навоий маснавий йўлида ёзилган саккиз байтли шеър келтиради. Бу шеър Навоийнинг улуғ фотиҳ Искандар фаолиятига муносабатини очиқ кўрсатади. Бу ривоятда Навоий ўзининг «Садди Искандарий» асарини ёзганини айтади («Бу фақир ҳам «Садди Искандарий»да ул икки бузургвор (яъни, Низомий ва Хисрав – А.Қ.) қавлини сойир муаррихлар аҳволиға таржиъ қилиб назм адосиға қарор берибмен». (XIV т. 207-бет)[1].

Шунинг учун ҳам Навоийнинг бу шеърда баён этган фикрлари «Садди Искандарий»да тўла ва ҳар томонлама ифодаланган, десак бўлади. Энди бу шеърнинг мазмуни билан танишайлик.

Даставвал, Навоий Искандарнинг шавкати, эришган юксак даражаси тўғрисида сўзлайди. Искандар қуруқлик ва сув юзасини ўзига қаратди. Унинг юксак ўрни фалаклардан баланд бўлди. У ҳам валий, ҳам ҳаким, ҳам шоҳ, ҳам набий даражасига эришди.

Скандарки, фатҳ айлади баҳру бар,
Кириб тахти фармонига хушку тар.
Етишти Зуҳал авжиға рифъати,
Чалинди фалак томига навбати.
Вилоят била ҳикмату шоҳлиғ,
Нубувват ишидин ҳам огоҳлиқ.
Гаҳи Садди яъжуж қисм айлабон,
Гаҳи юз ажойиб тилсим айлабон.

Шундай ҳашамат ва юксак даражага эришган шоҳга қўрқмас фалак катта жавру ситам

[1] Бундан маълум бўладики, Навоий «Садди Искандарий» асарини тугаллаганда ҳали Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» асари ёзилмаган ёки ёзилиб битмаган экан. Йўқса Навоий уни эслатган бўлар эди – А.Қ.

қилди. Искандар ўлганда унинг васиятига кўра тобутдан қуруқ қўлини чиқариб қўйганлар. Токим, бутун жаҳонни ўз ихтиёрига киритган бу қўлнинг дунёдан қуруқ кетаётганини кўриб кишилар ибрат олсинлар. Искандарнинг васияти шундай эди. Навоий ана шу ҳолни шарҳ этади ва ундан олинадиган ибратга ўқувчининг диққатини тортади.

Бу ҳашмат бериб изиди пок анга,
Не зулм этти кўр, чархи бебок анга.
Ки ҳолий қўлин бенаволар киби,
Узотиб борурди гадолар киби.
Чиқорди жаҳон мулкидин воясиз,
Қўли ком нақдидин моясиз.
Яналарга, кўр, чарх неткусидур,
Санга ё манга жуз не еткусидур.

Искандарники қисмати шундай аянч бўлган экан, у қуруқ қўлини бенаво гадолар каби чўзиб мақсаддан йироқда қуруқ кетмоқда экан, сен билан менинг ҳолим не кечар эди, деб хитоб қилади шоир ўқувчисига.

Мулуки тавойиф ва ашконийлар тўғрисида Навоий жуда қисқа маълумотлар берган. Бу боб охиридаги маснавийда (ўн байт) Навоий подшоҳлик ишларига зеб бериш жаҳондан фириб емоқ эканини уктиради. Мулуки тавойиф шундай фириб едилар. Улар ўзларининг адашган эканликларини сезганларида вақт ўтган эди. Уни тузата олмай бу дунёдан ўтиб кетдилар.

Скандар бўлурда жаҳондин ниҳон,
Мулуки тавойифқа берди жаҳон.
Алар ҳам бериб тахту тожига зеб,
Жаҳондин едилар неча кун фиреб.
Тағофулларин чун ки фаҳм эттилар,
Талофий қилурдин бурун кеттилар.

Аммо уларнинг ўрнига келган ашконийлар бу ибратдан хулоса қилганлари йўқ. Ашконийлар гўё ўзларига берилган мулку давлат абадий бўлганидек иш тутдилар. Улар ҳам ғурур ва манманликка берилдилар. Аммо вақти келгач, улар ҳам дунёдан ўтиб кетдилар. Ҳеч қайсиси бу жаҳонда ўз мақсадига эриша олмади. Ҳеч кимга бу дунё доимийликка насиб этилмаган.

Жаҳон мулкин ашконий олди тамом,
Аларға бўлар бўлди қойим мақом.
Қаю бирнинг ўлғач аён навбати,
Соғиндики, жовид эрур мулкати.
Неча кун димоғига солди ғурур,
Чу вақт ўлди кетмаклик эрди зарур.
Жаҳондин кетиб ҳам ола билмади,
Кишига жаҳон жовидон қолмади.

Ана шу фикрлар изҳоридан сўнг Навоий катъий хулоса қилиб айтадики, мулуки тавойиф ёки Ашконийлар сингарилар юз минглаб келса ҳам уларга ўхшаб булар ҳам охири йўқ бўлиб кетадилар. Бу қисмат фақат шоҳларгагина эмас, балки гадоларга ҳам, ҳамма-ҳаммага хос.

Алардек яна юз минг олса падид
Ҳам алардек ўлғусидур нопадид.
Бу кетмак эмас барча шоҳларга хос
Гадолар дағи топмас андин холос.

Навоий ана шу жиддий, ҳушёрликка чорловчи мулоҳазалардан хулоса ясаб жаҳондан вафо йироқ эканини, жаҳондан йироқ бўлмоқ афзаллигини уқтиради.

Жаҳонким, вафо қилди андин йироқ
Йироқ бўлса андин киши, яхшироқ.

Бу хулосаларда Навоий кишини дунёдан чекиниш, узлатга юз ўгиришга чақираётгани йўқ. Навоий ғурур ва манманликка берилиб кетмасликка, тахту-тож, ҳашамат, зебу зийнатга бино қўймасликка, жаҳондаги умрнинг абадий эмас эканини унутмасликка ундамоқда, ҳаётни ҳушёрликда, сермазмун ва муносиб кечирмоққа ташвиқ этмоқда.

СОСОНИЙЛАРГА ОИД ШЕЪРЛАР

Бу табақанинг биринчи вакили – шоҳ Ардашер. Унга бағишланган тўртликда Навоий Ардашернинг доно, дадил, қудратли подшоҳ бўлганини айтади. Аммо жаҳон мулкини эгаллаган шундай подшоҳнинг донолиги ҳам, қудрати ҳам унга ҳеч қандай фойда келтирмади, ўлим ҳужумини қайтара олмади.

Жаҳон мулкини олди чун Ардашер
Тавоно у доно шоҳ эрди далер.
Ўларда на нафъ этди донолиғи,
На дафъ айлай олди тавонолиғи.

Олдинги тўртликлардаги каби биринчи байт шоҳнинг таърифига бағишланган. Иккинчи байт эса ўлимнинг муҳаққақлигини таъкидлайди. Шоир ҳар иккала байт мазмунидаги боғликликка катта аҳамият беради. Ҳаёт ва ўлим зиддияти бу байтларда ўз бадиий ифодасини топа боради. Шоҳ Шопур тўғрисидаги тўртликнинг биринчи қисми Шопурнинг жаҳон подшоҳи бўлган, отаси янглиғ адолат билан иш тутганини тасвирлайди.

Чу Шопур бўлди жаҳон хисрави Адолатда бўлди ота пайрави.

Кейинги байтда Шопурнинг ўз отасига ўхшаганлиги тўғрисидаги фикр давом этади. Аммо ўхшашлик уларнинг тақдири тимсолида берилади. Яъни Шопур ҳам охири чархнинг фириби туфайли отаси сингари йўқ бўлиб кетади.

Вале охирул амр чархи дижам
Ани ҳам отасидек этти адам.

Ҳурмуз ўз қўлини кесиб отасига юборган ва шу билан отаси кўнглидаги шубҳани йўқотган эди. Хурмуз ақлли, адолатли подшоҳ бўлди. Тўртликнинг биринчи байтида ана шу таъриф ифодаланган:

Чу Хурмузни бахт этти маснаднишин
Адолат бирла тузди олам ишин.

Иккинчи байтда эса Ҳурмузнинг ўз қўлини кесганига ишора бор. Ана шундан сўнг, қўли узун фалакнинг Ҳурмузни олиб кетгани, фалак ўз қўлини ундан узмагани сингари зиддиятли ифода орқали баён этилади.

Агарчи қўлин қисқа қилди билик
Фалак қилмади қисқа андин илик.

Бахром бинни Ҳурмуз даврида Моний тарафдорлари бош кўтарган эдилар. Шунинг учун унинг тўғрисидаги тўртликда Моний тилга олинган. Охири Моний ҳам, уни маҳв этган Баҳром бинни Ҳурмуз ҳам, ҳар иккаласи фалак томонидан нобуд этилди. Гарчи Монийни Баҳром ўлдиртирган бўлса ҳам, шоир бу ишни фалакнинг зўравонлиги билан боғлайди. Шу фалак яна Баҳромнинг ҳаёт нақшини ҳам ўчириб ташлади.

Чу Баҳром даври замони эди
Замонида машҳури Моний эди.
Ани доғи нобуд қилди фалак Б
у бирнинг дағи нақшини қилди Ҳақ

(ўчирди – А.Қ.)

Иккинчи Баҳром – Баҳром бинни Баҳром. Унинг таърифини шоир фалак Баҳроми (Миррих сайёраси) образи орқали ифодалайди. Баҳром ғазабкор ва оз айбга итоб этгувчи эди. Шунинг учун шоир унинг тезлигини осмон баҳромининг тезлигига қиёс этади. Чунки у урушлар сайёраси эди. Аммо қанчалик тез ва ғазабнок бўлганига қарамай, бу Баҳром ажал тузоғига илинди.

Неча эрди Баҳром Баҳроми тез Иши чарх баҳроми янглиғ ситез.
Етиб вақт тушти ажал домиға Борур баҳс афлок баҳромиға.

Ундан кейинги Бахром –Бахром бинни Бахром бинни Бахром. У шаҳаншоҳ лақабини олди. Аммо фақат тўрт ой ҳукм сурди. Тўртликда ана шу икки фикр – унвоннинг улуғлиги ва шоҳлик муҳлатининг қисқалиги бош ўрин тутади. Бу фикр қуёш образи орқали тасвирланган. Шаҳаншоҳ қуёш каби оламни чароғон этди, сўнг қуёш каби тезда фалак айланмоғи туфайли ботиб кетди.

Шаҳаншоҳ чун сурди оламға рахш
Қуёшдек эди, даҳр уза нурбахш.
Неча меҳрдек топти авжи камол
Фалак давридин топти охир завол.

Насри бинни Бахром тўғрисида Навоий фақат баён билан чекланган. Унинг фақат ота тахтида ором олиб ўлтиргани ва шу билан ўз мақсадига эришгани айтилади. Аммо фалак унинг оромини ҳам, эришган мақсадини ҳам тортиб олди.

Чу Нарси бўлуб мулк ила комжўй
Ота тахтида бўлди оромжўй
Не қўйди фалак ҳам анинг комини
Не аждоди тахтида оромини.

Хурмуз бинни Нарси мутакаббир киши эди. Шеърда унинг ана шу одати бош ўрин олган. Бу тубан дунё Хурмузнинг ихтиёрига тушди. Бу унда ғурур пайдо қилди. Аммо ажал ҳужум қилиб келиб унинг ғурурини ҳам, ниёзини ҳам йўқ этиб ташлади. Демак, Хурмуз бинни Нарсидан фақат такаббурлиги тўғрисидаги ёмон отгина қолди, холос. Навоий бу тўртликда ғурур ва такаббурликни қоралайди, бундай ёмон сифатдан сақланмоқ зарурлигини уқтиради.

Чу Хурмузға тушти бу даҳри даний
Неча вақт ҳам қилди мағрур ани.
Ва лекин ажал айлагач турктоз,
Не қолди ғурур ул замон, не ниёз.

Шопурнинг зулактоф (елкалар эгаси) деган лақаби бор эди. Шопур тўғрисидаги тўртликда Навоий ана шунга ишора қилади. Шопур арабларнинг елкаларини ёриб, бағирларини сўктириб ўлдиртирар эди. Шеърда Шопурнинг кўп мамлакатларни эгаллагани ва жуда кўп елкаларни ёрдиргани тўғрисида сўз боради. Аммо унинг зиддига иш тутган фалакнинг айланиши унинг ўзини хам дунёдан чикариб ташлади. У эл кифтини қандай йирттирган бўлса, ўзи ҳам шундай бўлди. Бундан Навоийнинг ҳар ким ўз қилмишига яраша жазо олажаги тўғрисида гапираётгани аён.

Чу Шопур олиб Қоф то Қофни
Чиқарур эрди беҳад актофни.
Чиқарди ани гардиши мухталиф
Анингдекки ул эл танидин катиф (елкалар).

Бу фикр Ардашер тўғрисидаги шеърда ҳам бўлакча йўсинда такрорланади. Агар Шопур ўз зулми эвазига чархдан зулм кўриб кетган бўлса, Ардашер «давлатқа кўнгул боғламай эл била бас яхшилиқ» қилган эди. Шунинг учун унинг ўлимини шоир ўзгача тасвирлар орқали кўрсатади. Навоий Ардашернинг элига не этган бўлса, шу унга ҳам насиб бўлди, дейди.

Чу Шопур ўтуб, Ардашер олди мулк
Басе бийму уммид аро қолди мулк.
Неким олам аҳлиға қилди писанд
Анга они еткурди чархи баланд.

«Неким олам аҳлиға қилди писанд» мисрасида яна бир бошқа маъно ҳам бор. Навоий ёзадики, Банокатийнинг айтишича, Ардашер золим ва жабр қилувчи бўлгани учун эл уни

йиқитиб ўрнига Шопурни қўйдилар. Ардашернинг бу таърифи юқоридаги таърифга зид. Қайси бири тўғри? Бу савол очиқ қолган. Шунинг учун Навоий Ардашер элга неки қилган бўлса шуни олди, дейди. Яъни яхшилик қилган бўлса, яхши от қолдирди, ёмонлиқ қилган бўлса шунинг эвазига чархдан ёмонлик кўрди, яъни дунёдан ўтиб кетди.

Шопур бинни Шопур тўғрисидаги тўртликда унинг ўлими тафсилоти берилади. У чодирнинг устуни бошига тушиб ўлган эди. Навоий бу ҳолни шоирона ифодаларда тасвирлаган. Яъни устунсиз осмон Шопурнинг бошига устун тушириб ўлдирди. Яна чодирнинг осмон шаклида экани ҳам бу шеърнинг бадииятини оширади.

Чу Шопури Шопур тузди бисот
Жаҳон мулкида зоҳир айлаб нишот.
Стун бошиға етиб этти нигун
Ани доғи бу гумбази бесутун.

Баҳром бинни Шопур тўғрисидаги тўртлик зулмнинг барбод этилажаги муҳаққақ эканини билдиради. Чунки бу подшоҳ элга жабру ситам ўтказар эди, натижада эл ғавғо қилиб уни ўлдирдилар. Навоий тақдирнинг ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган куч эканлигини, бу куч ҳар қандай зулмкорни бари бир ҳалок этажагини таъкидлайди. Халойиқни мақсадига эриштирмаган, ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмайдиган бу зулмкор қўрқмас осмон томонидан йўқ қилиб юборилди. Яна бу таъкидда халкнинг норозилиги, унинг зулмга қарши исёни тақдир ҳукми каби кучли ва қайтмас эканига ҳам ишора бор.

Жаҳон мулки чун қолди Баҳромға
Халойиқ иши тушти нокомға.
Ани доғи гардуни беваҳму бок,
Чекиб кому ноком қилди ҳалок.

Ана шундай зулмкор подшоҳлардан бири Яздижурд бинни Баҳром эди. Навоий унинг золимлигини очиқ айтади. Зулми эвазига, шоирнинг сўзича, чарх Яздижурднинг соқолидан кулиб ажал қўли билан унинг ҳаммасини бирма-бир юлиб олади. Элга зулм ўтказган жафожўй чархдан ана шундай жазо олди.

Макон тутти чун тахт уза Яздижурд
Тааддию зулм айлади элга вурд.
Неча кун соқолиға ким, кулди чарх
Ажал илкидин барчасин юлди чарх.

Баҳром бинни Яздижурд май, айшу ишратга берилиб кетган подшоҳ эди. Шунинг учун унга бағишланган тўртликда, май, айш, шарбат образлари бор. Яна у гўр деган ҳайвон овига жуда қизиққан бўлганлигидан Бахром гўр деган лақаб олган эди. Навоий сўз ўйини қилиб Баҳром гўрнинг жойи охири гўр (қабр) бўлганини ёзади.

Чу шоҳ ўлди оламға Баҳромгўр
Жаҳонда маю айшдин солди шўр.
Ажал шарбати айшини шўр этиб,
Чиқорди жаҳондин ерин гўр этиб.

Навоий бу тўртликда бадиий изчилликни сақлайди. Айшу ишрат қилувчи – шоҳга охири ажал шарбати етади. Унинг абадий жойи эса базмгоҳ ўрнига қора ер бўлади.

Аммо бу ажал шарбати ҳаммага баробар. У одил ва элпарвар подшоҳларни хам олиб кета беради. Яздижурд бинни Бахром адолатли, халқпарвар, хушфеъл ва чиройли подшоҳ эди. Аммо уни ҳам фалак тирик қўймайди.

Яна Яздижурд бинни Бахром эди
Ки оламға адлидин ором эди.
Агар хўйи юмшоғ эди, гир ирик
Фалак қўймади они доғи тирик.

Фируз бинни Яздижурд тўғрисидаги тўртлик унинг шоҳлиги ва мулку сипоҳнинг унга карам бўлганликлари тўғрисидаги умумий мулоҳазалардан нари ўтмайди. Шундан кейин осмоннинг унга жафо этгани тўғрисида сўз боради. Аммо ўлим тафсилоти Фирузнинг Туркистон юришида олдиндан қазиб қўйилган чоҳларга йиқилиб ҳалок бўлганини кўрсатади. Шундай қилиб, ҳар бир тўртликда ўша подшоҳлар ҳаётига оид бир тафсилот албатта ўз аксини топади.

Масалан, бундан кейинги Ялош бинни Фируз тўғрисидаги шеърда ҳам унинг Исфаройинда уйланганига ишора бор. Фируз тўғрисидаги тўртлик қуйидагичадир:

Чу Фируз бинни Яздижурд ўлди шоҳ
Анга муфтахор эрди хайлу сипоҳ.
Анга доғи гардун жафо айлади
Ажал чоҳиға мубтало айлади.
Ялош бинни Фируз тўғрисида:
Ялош бинни Фируз офоқ аро
На беш йилки, беш кун эди кадхудо
Ва лекин ани доғи бу кунда пир
Ажал хайли илкига қилди асир.

Қубод тўғрисида сўзлаганда Навоий халойиқнинг ундан кўп баҳра олганини алоҳида таъкидлайди. Аммо ким бўлса ҳам, хоҳ Қубод, хоҳ Кайкубод бўлсин, барчанинг иши чархнинг тақозоси билан дунёдан кетмоқдир.

Қубод ўлди чун мулк уза қаҳрамон
Халойиққа андин эди баҳрамон.
Анга доғи чарх этти андоқ инод
Будур иш Қубод ўлсин, гар Кайкубод.

Навоий ўз асарининг ҳар бир қаҳрамонига улар хоҳ бир ой-икки ой подшоҳлик қилган бўлсин, хоҳ узоқ йиллар ҳукмронлик тахтида ўлтирган бўлсинлар, фақат тўрт мисра шеър бағишлайди. Бу тўрт мисранинг кейинги икки мисраси уларнинг дунёдан ўтганлиги тўғрисида. Бу ҳам маълум тимсолий аҳамиятга эга. Бу ҳам ўша икки мисрадаги каби ҳамманинг қисмати бир хил эканлигини билдиради.

Ҳамманинг насибаси бир хил. Ҳеч ким бу қисматдан ортиғига сазовор эмас. Яъни белгиланган муҳлатдагина яшайдилар. Ҳамма бунда баб-баравардир. Ҳеч кимга бундан ортиғи берилмайди.

Нўширавон-ул одил бин Қубод тўғрисида Навоий муфассал ҳикоя қилади. Қубоднинг Исфаройиндаги деҳқоннинг қизи билан қилган никоҳидан туғилган бу фарзанд Ажам тарихида энг кўзга кўринган ва адолатпарварлик билан шуҳрат топган подшоҳ бўлди. Ҳатто шундай подшоҳ ҳақида хам Навоий тўрт мисра ёзган. Унинг адолати туфайли мамлакат обод бўлганини алоҳида таъкидлагач, Ануширвонга хам даврон вафо қилмади, деб таассуф билан бу аччиқ ҳақиқатни эътироф этади:

Ануширвон Хисрави додгар
Ки обод эди адлидан баҳру бар.
Анга доғи даврон вафо килмади,
Санга қилмағай, чун анго қилмади.

Охирги мисра подшоҳлар ва олдий одамларнинг ҳаммаси бу қисмат каршисида баробар эканларини таъкидлайди. Ҳурмуз бинни Ануширвон отасининг зидди ўлароқ золим ва жабр этувчи подшоҳ эди. Навоий Ҳурмузнинг ана шу килмишларига ишора этиб у мамлакатни ўз ихтиёрига олгач, халқ Хурмузнинг сиёсатидан кўп безовта ва бесаранжом бўлганларига ва охири уни орадан кўтарганларига ишора қилиб ёзади:

Яна Хурмуз ўлди чу кишвар хидев (мамлакат эгаси) Сиёсатлари солди элга нирев (тўполон).

Аммо жабр-зулмлар бежазо қолмас эди. Шоир Ҳурмузнинг тахтдан четлатилиши ва ҳалокини шундай қилмишлари учун элдан етган жазо сифатида баҳолайди.

Анга доғи элдин етиб интиқом
Адам кишвари сари қилди хиром.

Бу байтлардаги кишвар биринчисида «мамлакат», иккинчисида эса «йўқлик мамлакати» маъносида бўлиб шеърнинг яхлитлигини таъминлайди. Хисрав Парвез сиёсий фаолиятдан ташқари Арман маликаси Ширинга қўйган муҳаббати билан машҳур эди. У рашк билан Ширинниng ошиғи Фарҳодни қатл этади. Аммо ўзи ҳам ўғли Парвез тўғрисидаги бор гапларни очиқ айтади. Аммо унинг таърифида ижобий бўёқлар ишлатилади. Парвезнинг бошқа шоҳлардан кўра ортиқроқ имтиёзларга эга бўлгани, ҳатто унинг йиқитилишида ҳам бошқалардан кўра устун турганини алоҳида таъкидлайди.

Чу Хисрав бўлиб мулк ила сарафроз
Мулук ичра топти бу навъ имтиёз
Вале чарх айлаб ситамсозлик
Заволида ҳам берди муттозлиқ.

Падаркуш Шеруяни Навоий «дун баргашта бахт» (тубан, бахти чаппасидан кетган, бебахт) деб атайди. Аммо шоир бундай лақаблар унга тахтга чиқаётганида берилганини айтади. Шу билан ўзи тарихий ҳақиқатни холислик билан баён этган бўлиб чиқади. Умуман, подшоҳлар, уларнинг фаолиятига ёндашувда Навоий доимо илмий, холисона мавқеда муқим туради, «дун баргашта бахт». Шеруя тахтига чиқар-чиқмас «фалак тахти» сари, яъни ўлим сари йўл олди.

Чу Шеруя дун баргашта бахт
Бу янглиғ лақаблар била олди тахт.

Ҳануз айламай тахт узра маком
Юруди фалак тахти сори маком.

Ардашер бинни Шеруяни етти яшарида тахтга ўлтирғиздилар. Аммо у ўз вазири Меҳрижис билан бирга Шаҳрирод томонидан ўлдирилди. Навоий ўз шеърида Ардашернинг болалиги мавзусини бош ўринга қўяди. У ғамли ёш бола эди. Буюк мақомга ўлтурди. У ерда қуйига йиқилиб ҳалок бўлди.

Яна Ардашер эрди тифли нажанд
Ки бўлди мақоми сарири баланд.
Бийик тахтидин чархи беваҳму бок
Қуйи ташлаб ул тифл бўлди ҳалок.

Шаҳрироднинг тахтга қонуний ҳаққи йўқ эди. Шунинг учун у ҳокимиятга ўлтиргач, тезда уни ҳам ўлдирдилар. Навоий уни мулкни ноҳақ эгаллаб қилган жинояти туфайли жазо олганини ёзади. Бу жазо сипеҳр томонидан амалга оширилди, деб талқин қилади шоир.

Чу ғасп айлади Шаҳрирод мулк
Анинг нангидин бўлди барбод мулк.
Жазосин анинг фарз билди спеҳр
Ўз ўрниға бу ишни қилди спеҳр.

Шаҳрироддан сўнг Акобира наслидан эркак номзодлар топилмай, аёллар ҳокимиятга кўтарилдилар. Улар Турондўхт, Озармдўхтлардир. Улар опа-сингил эдилар.

Турондўхт тўғрисида Навоий кўп яхши сўзлар айтган, унинг оқила, адолатли эканлигини таъкидлайди. Навоий Турондўхт сингари вафоли, адолатли бир зотга ҳам фалак вафо килмаганлигини таассуф билан қайд этади. Аммо бу фалакнинг бирор кишига вафо қилмаганини эслатиб ўқувчини юпатгандек бўлади.

Чу Турон сарир узро топти сукун
Анга ҳам вафо килмади чархи дун.
Ул этти вафо, чарх қилди ситам
Анга йўққи, ёлғиз яна бирга ҳам.

Озармдўхт ўз ор-номусини қаттиқ ҳимоя қилган аёл эди. У Фирузнинг ўзига нисбатан тубан интилишини барбод қилиб Фирузнинг бошини кесди. Аммо ўзи ҳам шу туфайли ҳақоратли ўлимга мубтало бўлди. Навоий Озармнинг мулк ишини паришон қилгани ва тезда қурбон бўлганини ифодалайди.

Чу Озармдўхт ўлди маснаднишин
Бас ошуфта қилди яна мулк ишин.
Қатил ўлди ул доғи топмай даранг (фурсат)
Вале келтуруб мулк золиға нанг.

«Тарихи мулуки Ажам»даги шеърлар «Тарихи анбиё, уббод ва ҳукамо»даги шеърлар каби келтирилган воқеаларни шарҳлайди, уларга якун ясайди. Агар воқеаларни Навоий

тарих китобларидан олган ва ўз сўзлари билан қисқача баён этган бўлса, ушбу шеърлар Навоийнинг ўз шеърий ижод маҳсулларидир. Улар Навоийнинг тўртлик шеърлар яратишдаги маҳоратидан дарак бериб турадилар.

«Тарихи мулуки Ажам»даги тўртликлар алоҳида олинса, Ажамнинг шеърий қисқача таърихи деб атаса бўлади. Чунки Навоий уларда ҳар уч табақа (пешдодийлар, кайёнийлар, сосонийлар)га оид хар бир ҳукмрон тўғрисида қисқача таъриф беради. Мулуки тавойиф ва ашконийлар тўғрисида эса умумий шеърий таъриф келтирган. Бу шеърлар фақат тарихий воқеалар ёки шахслар тўғрисида бўлмай, барча шеърларда асосий фикр ўлимнинг ҳақ экани, фалакнинг ҳеч кимга ҳеч қачон шафқат қилмагани тўғрисидадир. Бу фикр ўша ҳукмронларнинг фаолияти ва табиатига хос ифодаларда баён этилади.

Навоийнинг умумий тарихга оид ушбу асари асос– эътибори билан эзгуликни тарғиб этади. Унда чин инсоний фазилатлар – адолатпарварлик, инсонпарварлик ғояларини ташвиқи бош ўрин тутади. Навоий афсонавий ва тарихий воқеалардан хулосалар чиқарар экан, ҳамиша ёвузликни қоралайди, эзгулик ва ҳақиқатни улуғлайди. У чиркин иллатга карши кескин курашади. Ўз замонаси учун илғор ҳисобланган кўринишларни қувватлайди.

Ушбу асар қанчалик мавзу ва кўлам жиҳатидан чекланган бўлмасин, Навоийга хос бўлган халқпарварлик, адолат ва инсонпарварлик ғояларини ёювчи ва гўзал бадиият била тўла бир ижод намунаси сифатида биз учун қадрлидир.

«БУ ОҲАНГ ИЛА БЎЛҒАСЕН НАҚШБАНД...» НАҚШБАНДИЯ МУРШИДИ

Ҳиротнинг ғоят кўркам кузи. Гарчи боғлардаги мевалар ва далалардаги экин-текин йиғиб олинган бўлса-да, табиат таровати ўз дилрабо ҳуснини йўқотган эмас. Бутун борлиқ рангоранг зебу зийнат билан тўла.

Одатдагидек ярим тун бағрида Навоийнинг кичик мизи устида шамлар порлаб турибди. Атрофни қоплаган тинчликни фақат ғирт-ғиртов унигина бузади. Тафаккур ва хотира дунёсига кириб кетган Навоий ўзининг суюкли дўсти ва меҳрибон устози Абдураҳмон Жомийга бағишланган «Хамсатул-мутахаййирин» («Беш ҳайратлантирувчилар») китобини ёзмокда. 1492 йил 8 ноябрь куни устоз Жомий дунёдан ўтди. Муҳтарам муршиднинг нурли хотираси Навоий калбида абадий яшайди. Шоир устоз ҳақидаги фикрларини қоғозга тушира боради. Жомийнинг илм, шеър борасидаги даҳосини таърифлаб бўлгач, Навоий устозининг фалафий қарашларини кўрсатиб бундай деб ёзади: «Яна бир тасаввуф масоили истилоҳотин андоқ такмил қилдиларким, ўтган машойих ва авлиёуллоҳнинг расол ва кутубидинким, ғояти ийҳомдин ул шариф илмнинг идрокидин кўпроқ толиби номуродлар маҳрум, балки орий эрдилар ул илмни ўз рисола ва китобларида хўброқ алфоз ва адо била ул навъ таснифлар қилдиларким кўпроқ фақирлар анинг мутолаасидин ҳазз топиб баҳраманд бўлурлар».

Маъноси: «Тасаввуф масалалари, атамаларини шундай мукаммал қилдилар, ўтган шайхлар ва авлиёларнинг хатлари ва китобларини, уларнинг ғоят тушунилиши оғир экани туфайли кўп ўқувчилар бу шариф илмни уқа олмай, ундан баҳрасиз қолар эдилар, бу илмни ўз рисола ва китобларида яхши сўзлар билан бирма-бир ажратиб бердилар, кўп бечоралар уни ўқиб, маза қилиб баҳра топдилар».

Бу жумлаларни ёзиб бўлгач, Навоий бироз фурсат ёзишдан тўхтайди. Унинг ўйчан нигоҳи атрофни қуршаган қоронғулик қаърига чўмди. Устоз Абдураҳмон Жомийнинг ҳаёт

йўли унинг илм ва ижодга берилган сурати Навоийнинг кўз ўнгида гавдалангандек бўлди. Навоий фикри тасвирида устознинг ҳаёт йўли лавҳалари акс этди.

Мана Ҳиротнинг мўътабар мутафаккирларидан Саъдиддин Кошғарий. Нақшбандия хожалари силсиласининг бу замондаги энг комил вакили; тасаввуф мафкурасини янада юксакка етказган муршид ва халифа. Ёш Абдурахмон Жомий бу устоздан сабоқ олмоқда. Замонанинг бошқа танилган мутафаккирлари Боязид Пуроний ва Мавлоно Асадлар ҳам Жомийни ўз суҳбатларига мушарраф этганлар. Шундай устозлардан таълим олган Абдурахмон Жомий (1414-1492) ўз даврининг фозилларидан бўлиб етишди. У Нақшбандия таълимотининг моҳиятини элга ёйди, ўзи эса ана шу мафкуранинг жонли тимсолига айланди. Навоий ана шу мулоҳазаларни қоғозга туширар экан Жомийни таърифлаб ёзади: «Яна бир: тариқат одоби сулукида андоқ дақиқ равиш била тарикларини туздиларким, ҳеч киши аларнинг зоҳир улуми ва шеър ва муаммо ва иншо ва бу навъ номалардин шарифроқ ниҳоний амрға машғул эрканларини билмадилар».

Маъноси: «Тариқат одобига оид иш тутмоқда шунчалар нозик равиш билан йўл топдиларки, ҳеч ким у кишининг зоҳир илмлари, шеър, муаммо, иншо каби нарсалардан кўра шарифроқ ёпиқ буйруқ (ижроси) билан машғул эканини билмас, ҳатто фаҳм ҳам қилмас эди».

Дарҳақиқат ана шундай усулда иш тутмоқ нақшбандийликнинг туб моҳиятини ташкил этади. «Дил бо ёр, даст бо кор» («Дил ёр билан, қўл иш билан банд бўлсин»), ёки «Дил бо Ҳақ, худ бо халқ» («Дил Яратувчи билан, ўзинг эса одамлар билан»). Яъни киши ўз кундалик фаолиятини жамият билан, одамлар билан биргаликда уюштирмоғи керак. Ёрга (Яратувчига) муҳаббат ва садоқатини эса дилида асрамоғи лозим. Демак, уни намойиш қилабермоқ шарт эмас. Ҳақиқатан чин садоқат ва ихлос фақат юракдагина бўлмоғи керак.

1476 йил. Навоий устоз Жомий билан суҳбат қуриб ўтиришар эди.

– Муҳтарам устоз,– деди Навоий – Ҳазрати Расолатпаноҳ (Муҳаммад пайғамбар)дан сўнг набийлик эшиги боғланади. Аммо «Уламо пайғамбарлар ворисидир» сўзига кўра ул ҳазратдан сўнгра бузургвор асҳоби халойиққа раҳнамолиқ қила бордилар. Шулар тўғрисида бор китоблар, хусусан, Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» китоби ана шу асҳоб тўғрисида кўп маълумот берур. Аммо бу китоб ҳам ҳозир бир оз эскирмиш. Эмди бу маълумотни замона авлиёсининг аҳволи билан тўлдириб бир китоб битиб берсангиз.

– Бу яхши фикрдир, – деди Жомий майин жилмайиб – кўнгилдан шу ўтмоқда эди. Сиз шуни топдингиз. Айтганингиз бўлғай.

Ўша йили Жомий ижтимоий тафаккур тарихида бош ўрин тутган мутафаккирларнинг ҳаёти, уларнинг таълимоти, берган йўл-йўриқларини ўзида жамлаган китоб ёзди. Унга «Нафаҳот ул-унс мин ҳазорат ул қудс» («Пок зотлар ҳузуридан эсган дўстлик хуш ислари») деб от қўйилди. Орадан йигирма йил ўтди. Маҳдуми нуран устоз Жомий абадийлик дунёсига ўтган. Жомийнинг форсий тилида ёзилган бу асарини Навоий ўз она тили туркийда (эски ўзбек тили) қайта битмоққа жазм қилди. 1495/1496 йили Навоий шу асарни ёзиб тугаллади. Шоир унга «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» («Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шабодалари») деб от қўйди.

Асрлар давомида Ўрта Осиё, Эрон замин, Ҳинд ерларида кенг ёйилган, бутун-бутун авлодларнинг фикрида муҳим ўрин эгаллаган ва тарихда тасаввуф (суфизм) номи билан шуҳрат топган таълимотни яратган, унга ривож берган зотларнниг ҳаёти, таълими, каромат ва башоратлари тўғрисида маълум бўлган далил ва бор гаплар ана шу китобларда мавжуддир.

БАҲОВУДДИН НАҚШБАНДНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

XV асрдаги тасаввуф таълимоти бухоролик фозил Хожа Баҳовуддин Нақшбанд номи билан боғлиқ. Хожа Баҳовуддин Нақшбанднинг таржимаи ҳоли ва таълимотининг моҳияти тўғрисидаги маълумот Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» китобида келтирилган.

Хожа Баҳовуддин Нақшбанднинг асл оти Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийдир. Бу зотнинг устозлари тўғрисида Навоий бундай деб ёзади: «Аларға қабул назари Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдиндур ва одоби тариқат таълими зоҳир юзидин Амир Сайид Кулолдиндур, андоққи, дер эрмишлар. Аммо ҳақиқат юзидин алар увайсийдирлар ва тарбият ҳазрати Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний руҳидин топибдурлар»[1].

Шундан маълум бўладики, Хожа Муҳаммад Самосий ва Амир Сайид Кулол бу зотни тарбиялаб ўстирганлар. Аммо Хожа Баҳовуддин мустақил равишда Абдухолиқ Ғиждувоний асарларини ҳам ўрганиб чиққан, ундан баҳра топиб ўз таълимотини яратган. Чунки бевосита бу устоз қўлида ўқимаган бўлса ҳам, унинг асарлари орқали таҳсил топган кишини увайсий деб атайдилар.

Навоий ўша китобида Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий тўғрисида хикоя қилар экан, бир ажойиб воқеани тафсилоти билан келтиради. Хожа Бухоро атрофидаги Қасри Ҳиндувон деган кишлокдан ўтиб борар эди. Ёиида шогирд Бобойи тўхтаб атрофдагиларга деди:

– Бу туфроғдин бир эр иси келадур. Бўлғайки, Қасри Ҳиндувон Қасри Орифон бўлғай.

Уни ўраган кишилар бу сўзларни одоб билан тингладилар. Улар Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг халифаларидан бири Амир Сайид Кулолнинг манзилига кетмоқда эдилар. У ерга келиб бир икки кўй бўлдилар. Сўнг ўша жамоа Амир Сайид Кулол билан бирга яна Қасри Орифон сари йўлга чиқадилар. Қасри Орифонга яқинлашганларида Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий дедилар:

– Ул эр исики, бизнинг димоғимизга етар эрди, ортиқроқ бўлибтур. Ҳамонки ул эр туғилган бўлмиш.

Улар қишлоққа келиб бир уйда тўхтадилар. Мўътабар зотларнинг Қасри Орифонга келганлари қишлоқ аҳолисида катта шодлик уйғотди. Шу қишлоқлик бир киши қўлида чақалоқни тутганича Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий ҳузурига кириб келди. Ота чақалоқни Хожага ихлос ва ниёз билан унинг назарига тутди. Хожа болачани отасининг қўлидан олиб кўксига босди.

Неча кунликдир? – деб сўради.

Уч кун бўлди таваллуд топганига.

Хожа қўлидаги чакалоққа меҳр билан кулиб боқар экан:

– У бизнинг ҳам фарзандимиздир. Биз ани қабул қилдик, – деди.

Хожа ўз аҳбобига қараб сўзида давом этди:

– Бу ул эрдирки, бизга анинг иси етиб эрди. Рўзғорнинг муқгадоси (бошловчиси) бўлғай.

Шундан сўнг Хожа Муҳаммад Самосий ўзининг энг содиқ муридларидан Амир сайид Кулолга қараб бундай деди:

– Фарзандим Баҳовуддин ҳақида тарбият ва шафқатни дариғ тутмағайсиз, агар бу ишда қусурга йўл қўйсангиз, кечирмағайман.

Амир Сайид Кулол таъзим билан деди:

– Эр бўлмагайман, агар бу ишда қусурга йўл қўйсам! Шундай қилиб, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд номи билан тарихга кирган буюк мутафаккир Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий дунёга келган заҳотиёқ, ўз замонасининг улуғ зотлари назарига тушган ва уларнинг тарбия

[1] Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. XV т. 130-Б

ва таълимига мушарраф бўлган. Бу воқеа 1318 йили Бухоронинг Қасри Орифон қишлоғида юз берган эди.

Баҳовуддин сал улғайгач, Насаф шаҳрида Амир Сайид Кулол қўлида тарбия топа бошлади. Амир ёш шогирдига суҳбат нисбати тариқал сулук одоби таълимини берди, зикр талқинини ўргатди (Тасаввуф билимининг бўлаклари). Йиллар ўтди. Бир куни кўпчилик йиғилиб суҳбат қуриб турган пайтида Амир Сайид Кулол Хожа Баҳовуддинни чақирди ва ҳамманинг гувоҳлигида унга деди:

– Эй, фарзанд Баҳовуддин, устозим Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг нафаси васиятини сизнинг борангизда тамом бажо келтирдим. У зот айтган эдиларки, мен сенга тарбият бобида нима қўлимдан келса, шуни кўрсатган эдим, сен фарзанд Баҳоуддинга тарбият кўргизгил. Мен шундай қилдим. Энди сизнинг руҳониятингиз қуши башарият байзасидан (тухумидан) чиқди. Аммо сизнинг ҳимматингиз шаҳбози баландпарвоз тушубтур. Энди ижозат керакдир. Ҳар ердан тилаган нарсангизнинг иси димоғингизга етса, тиланг ва талабда ўз ҳимматингиз мужиби (сабаби) била тақсир (камчилик) қилманг.

Хожа Баҳовуддин устоз Амир Сайид Кулолнинг бу сўзларидан қаттиқ таъсирланди. У ҳаяжон билан аста-секин устозига деди:

– У сўзларки, Мир ҳазратлари айтиб бизга ижозат бердилар ибтилоға (оғирчиликка) восита бўлдики, ҳам алар тарбияти тахтида (остида) бўлсак эрди, саодат ва саломатқа яқинроқ бўлар эрдик.

Сайид Амир Кулолнинг ўз шогирди Хожа Баҳовуддин Нақшбандга ихлоси жуда баланд эди. Бир куни улар ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

– Муҳтарам Хожа Баҳовуддин, чун устод шогирдга тарбият қилса ҳар сана тиларки, ўз тарбияти асарини унда кўра билгай. Ўшанда устоз ўз тарбиясининг шогирдда ўрнашиб қолганига ишонч ҳосил қилур. Агар шогирд ишида халале кўрур, ул халални тузатқай – деди Амир Сайид Кулол. Сўнг бироз жим қолди, кейин яна сўзида давом этди: – Мир Бурхон менинг фарзандимдур. Ҳозир шу ерда. Бирор пирнинг иродат қўли унга етган эмас. У маънавий тарбият олган эмас. Шунинг тарбияси билан машғул бўлсангиз. Агар унинг асарини ўқий олсангиз санъатингизга тан берган бўлур эдим. Хожа Баҳовуддин устознинг бундай баланд ишончини қозонганидан тўлқинланди. У одоб юзасидан бу вазифани қабул қилмоқдан тортинди. Амир Сайид Кулол буни сезди.

– Тортинмангиз, – деди у Хожа Баҳовуддинга. Хожа устоз таклифини қабул қилди. Хожа Баҳовуддиннинг тиришқоқлиги туфайли тезда Мир Бурҳоннинг ҳам кўнглида, ҳам хатту ҳаракатида шундай яхши ўзгаришлар юз бердики, ундан отаси кўп мамнун бўлди.

Мир Сайид Кулолнинг рухсатини олгандан кейин Хожа Баҳовуддин Кусам Шайх хизматига борди. Чунки устоз деган эдиларки, димоғингизга қай ердан бир хуш ҳид келгудек, бўлса, ўшани тилашда қусур кўрсатманг.

Кусам шайх турк шайхларидан бўлиб, Хожа Аҳмад Яссавий хонадонига мансубдир. Хожа бу шайх ҳузурига етиб келди. Шайх қовун еяётган экан. У киши қовун пўчоғини унга ташлади. Хожа азбарои талаб ҳароратидан у қовун пўчоғини териси билан еди. Бу ҳол икки-уч мартаба такрорланди. Шундан кейин шайхнинг бир ходими кириб келиб уч тева (туя) ва тўрт отнинг йўқолганини хабар қилди. Шайх Хожа Баҳовуддинни кўрсатиб, буни тутингиз, деди. Тўрт киши дарҳол Хожани маҳкам ушладилар. Гўёки бу ишни у амалга оширгандай, Хожа Баҳовуддин кўнглидан ўтказдики, агар турк шайхларини яхши билмаганимда, уларнинг бундай қилиқларидан нафратланган ва ҳафсалам пир бўлган бўлур эди. Хожа шу аҳволда оқшомгача ўлтирди. Кечга томон ходим кириб йўқолган тева ва отларнинг ўзлари келганларини айтди.

Хожа Баҳовуддин бу шайх хизматида уч ойга яқин бўлди. Аввалида Хожани совуқ кутиб олган Кусам Шайх Хожанинг билимга интилиши, ихлос ва эътиқодига тан берди. Кусам Шайх Хожа Баҳовуддинни шарафлаб унга деган: Тўққизта ўғлим бор. Сен мен учун уларнинг барчасидан ҳам улуғроқ ва олдинроқдирсан. Шайх Кусам Нахшабдан Бухорога келганида хамиша Хожа Баҳовуддинга мулозаматлар кўрсатар эди. Шайх Кусам унга деган эканки, бу навъ талабгорликни, сенда кўрибмен, толиблардин ҳеч қайсисида кўрмабмен.

Хожа Баҳовуддин турк машойихидан Ҳаким отанинг шогирди Халил ота хизматида ҳам бўлган экан. Халил отани аввал тушида кўрган, сўнг у билан Бухоро бозорида учрашган. Навоий бу тўғрида Хожа Баҳовуддин тилидан бундай ёзади: «То бир кун Бухоро бозорида ул дарвешга йўлуқтум ва танидим. Отин сўрдум: Халил эрди. Ул замон анинг била мужоласат ва муколама (ўлтириб сўзлашув) муяссар бўлмади. Чун манзилга бордим ва оқшом бўлди. Ул дарвеш қошидин бирав келиб мени тилади. Куз айёми эди. Бир пора мева олдим ва ул дарвеш хизматига бордим. Чун тиладимки, ул воқеани анга изҳор қилғаймен. Айттики, улча сенинг хотирингдадур, бизга аёндур, баён қилмоқ ҳожат эмас. Менинг ҳолим ўзга бўлди. Кўнгил майли анинг суҳбатига кўп бўлди ва анинг суҳбатида шигарф аҳвол ва ғариб ва ажиб нималар мушоҳада бўлур арди андин»[1].

Навоийнинг ёзишича Мовараунаҳр салтанати анга «Халил отага мусаллам бўлди»[2]. Хожа Баҳовуддин олти йил унинг хизматида бўлган. Ниҳоят, Халил отанинг ҳокимиятига завол етди ва у Бухоро вилоятларидан бири Дарюртун деган жойда ўрнашди. Бу воқеанинг шоҳиди бўлган Хожа Баҳовуддиннинг кўнгли дунё ишидан бутунлай совуди.

Хожа Баҳовуддин Нақшбанд вужудга келтирган таълимот «Нақшбандия» номи билан жуда кўп жамоаларнинг эътирофига сазовор бўлган.

Навоий ёзади: «Мавлоно Жалолиддин Ҳолидий ҳазратларидин сўрубтурларки, ҳазрати Хожа Баҳовуддиннинг ва тариқнинг нисбати мутааххар машойихдин (охирги шайхлардан) қайси бирининг тариқига муносабати бор? Ул дебдурки, сўз мутақаддимийн). У машойихдин (олдинги шайхлардан) ва минг икки юз йилдан ортиқдурки, бу нав асари вилоят зуҳурики (валилик изларининг кўринишлари) ҳазрати Хожада Тангри таоло иноятидин воқе бўлубтур, тариқаи машойихига мутааххирлардин (кейингилардан) ҳеч кимга бўлмайдир».[3]

Шайх Баҳовуддин бу таълимотга дастлаб ўз кундалик турмушида қаттиқ риоя килар эди. В.Й.Зоҳидов «Мақомати нақшбандий» китобига асосланиб шундай бир ҳикояни келтиради:

«Бир куни Ҳирот подшоҳи Малик Ҳусайн Нақшбандни ўз ҳузурига меҳмондорчиликка даъват этди. Нақшбанд буни бажаришдан бош тортмоқчи бўлса-да, лекин ўзига боғлиқ бўлмаган маълум сабабларга кўра шоҳнинг ҳузурига боришга мажбур бўлади. Борганида ўзининг олдида минг хил нозу неъматларнинг қўйилганини кўради. Нақшбанд уларга лоқайд ўлтира беради, улардан истеъмол этмайди. Подшоҳ ҳайратга тушиб қўйилган таомлардан тановул қилишни Нақшбандга кайта-қайта таклиф этади. Лекин Накшбанд ҳеч нарса емайди. Шундан кейин подшоҳ ғазаб аралаш анча чуқурроқ ҳайратга тушиб, Нақшбанддан бунинг сабабини сўрайди. Ниҳоят, Нақшбанд мажбур бўлиб айтадики, мен подшоҳлар дастурхонидан овқат емайман. Чунки ундаги нарсалар ҳақсизлик йўли билан бу ерга келтириб қўйилган, подшоҳнинг ўз меҳнати, қўл кучи билан яратилмаган, демак улар ҳалол эмас».[4]

Худди шу фикр, ҳар кимнинг қўл меҳнати билан топган даромадга тирикчилик килмоғи кераклиги нақшбандийликда бош ўрин тутади. Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» китобида

[1] Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. XV т. 130 -бет 1
[2] ўша ерда
[3] Ўша асар, с 134.
[4] Зоҳидов В.Й. Навоий ижодининг қалби, Т. 1970. 338-бет

бундай ҳикоят келтиради: Сулаймон пайғамбар бутун борлиқнинг ҳукмрони эди. Унга барча одамлар, ҳайвонлар, инс-жинслар бўйсунганлар. Сулаймон бир ғишти олтиндан, бир ғишти кумушдан қурилган қасрда иш тутар эди. Кеч бўлиб, хизмат вақти тугагач, Сулаймон ўз уйига қайтиб келиб, сават тўқир ва шу саватларни сотиб тушган даромадга ифтор қилар экан.

Улуғ шайхларнинг хаммалари бир ҳунар эгаси бўлганлар. Чунончи бениҳоя юксак мавқеъга эга бўлган. Шайхул машойих шайх Абу Саид Харроз этикдўзлик қилган. Шайх Муҳаммад Саққо ўз замонасидаги шайхларнинг ягонаси пичоқчи бўлган. Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод темирчилик қилибтур. Шайх Абул Аббос Омилий қассоб бўлган. Шайх Иброҳим Ожарий ғишт қуйган. Шайх Банон ҳаммол, Шайх Абул Ҳасан нажжор, Шайх Хожа Баҳовуддин Нақшбанд кимхо нақшини боғламоққа машҳур бўлган.

Навоий «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») номли фалсафий-маърифий достонида Баҳовуддин Нақшбанднинг ўзига нисбатан ўта талабчанлиги ва камтарлиги тўғрисидаги бир ҳикояни келтирган[1].

Ҳикоя Шайхнинг таърифи билан бошланади:

Хожаи олий сифоти аржуманд
Шаҳ Баҳоулҳақ ваддин Нақшбанд.

Навоийнинг ёзишича, Шайх бутун иқлим бўйича маънавий ҳукмрон бўлган («Чун бу иклим узра бўлди тахтгир»). Шундай юксак мавқеъ эгаллаган муршид ўз вужудини ҳар нарса билан қиёс қилар эди. Шундай йўл билан ўзидаги нуқсни топар эди. Бу ҳол худди сарвгулидан хору хас топганга ўхшар эди.

Бу куни Шайх Баҳовуддин Нақшбанднинг кўзига бир ўлимтик ҳолатдаги ит кўринди (Ожиза қалб). Шайх ўзини ўша итга қиёс қилиб кўрди. Ўша итнинг кўринишида покликдан асар ҳам йўқ эди («Пайкаридин поклик ойини салб»). Аммо Шайх бутунлай бошқа хулосага келади:

Деди, ул аҳли вафодур, мен эмон
Ўзни онинг бирла эмди тенг демон.
Ул худовандиға қилмас жуз вафо
Лек мендин ҳозир ўлмай жуз жафо

Яъни, ўша вафо аҳлидандир. Мен у билан тенг бўла олмайман. У ўз эгасига вафодан бошқа нарсани кўрсатмайди. Мен эса ўз хўжамга фақат жафо етказаман.

Бу лавҳада ҳикоянинг бошида айтилган Баҳовуддин Нақшбанд бутун иқлимнинг тахтгири сифатидаги баланд даражаси билан Шайхнинг ўз тасаввуридаги ҳолати ўртасида жуда катта қарама-қаршилик бор.

Шайх ўзини ўзи итдан паст қўймоқда. Чунки ит вафо аҳлига мансуб. Шайх эса ўзининг хўжасига (яъни Яратувчига) фақат жафо етказувчи, деб ҳисоблайди. Ҳикоянинг давомида бу қарама-қаршилик яна кучая боради.

Ҳукм мундоқ айлагач соҳибназар
Қилди ит йўл бирла оллидин гузар.

[1] Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. 1 т. 204-205-бет

Шайх ўзини ит билан қиёслаб юқоридаги ҳукмга келган чоғида ўша ит йўл босиб Шайхнинг олдидан ўтиб кетди. Йўлда унинг изларигина қолган эди. Шайх бу изларга қараб, энди ўзини шу изларга қиёслайди. Сўнг Шайх:

Деди, мен ортуғ эканми ё бу из
Ёна ўзни деди, эй, инсофсиз.
Ул вафо аҳли аёғидин нишон
Сен вафосизлиқ сари доман кашон.

Шайх Баҳовуддин бу қиёс асносида ўзини инсофсиз деб атайди. Ахир у ўзини шу излар ортиқми ёки менми деб қиёс қилмадими. Бундай қиёснинг ўзи инсофдан эмас, деб ҳисоблайди у, чунки бу вафо аҳлининг оёғи изидир. Сен эса, дейди шайх ўзи ўзига, вафосизлик сари этак ёйгансан. Ана шундай хулосага келган шайхнинг энди қилган иши камтарликнинг энг юқори, ундан ортиғини тасаввур қилиб бўлмайдиган бир кўринишидир.

Хатм қилди чун бу маънига сўзин,
Ер ўпуб ул из уза қўйди кўзин.

Навоий Шайх Баҳовуддин Нақшбанднинг руҳий дунёсини кўрсатувчи бу бадиий лавҳадан хулоса чиқариб ёзади:

Аҳли Хақ бу навъ этиб салби вужуд
Будини бу важҳ ила айлаб набуд.
Бўйла ошом эттилар жоми фано
Қолмағандан сўнг асар ўздин ано.
Ҳақ вужудидин бақое топмайин
Жоми ваҳдатда лиқое топмайин.
Чун фано ҳайлига дохил бўлдилар
Боқийи мутлаққа восил бўлдилар.

Шайх Баҳовуддин Нақшбанднинг вафоти тўғрисида Навоий «Насойим ул-муҳаббат» китобида бундай деб ёзган: «Алар (Хожа Баҳовуддин Нақшбанд А.Қ,) етти юз тўқсон бирда раби ул аввал ойининг учида душанба куни оламдан ўтубтурлар»[1].

Ҳижрий календарнинг 791 йили милодий календарнинг 1388-1389 йилларига тўғри келади. Кўрсатилган кун 1388 йил 30 март бўлади.

НАҚШБАНДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИНИНГ АСОСЛАРИ

Тариқат йўл демакдир. Уни сулук ҳам дейдилар. Бу йўлдан борувчини солик (йўлчи) дейдилар. Бу йўл кўзланган мақсад, яъни Олий вужудга етишувга элтувчи йўлдир. Навоийнинг ёзишича, комил ва олим зотлар йўлдан чиққанларга йўл кўргузгайлар, халойиққа иршод ва аҳдо (устозлик ва йўлбошчилик) қилурлар[2].

[1] Навоий. Асарлар, т. XV. Т. 1968. 134-бет
[2] Ўша китоб. с 67.

Хожа Баҳовуддин Нақшбанд таълимотининг асосида юқорида айтилган қоида – «Дил бо ёр, даст бо кор» ётади. Яъни ҳар бир кишининг дили ёр (Яратувчи) билан, қўли эса иш билан банд бўлмоғи керак. Бу таълимотнинг ҳаётда қўлланмоғи учун ишлаб чиқилган қатор қоидалар бор.

Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Хилват дар анжуман, яъни анжуман ичра хилватда бўлмоқ.
2. Сайр дар ватан, яъни ватан ичра саёҳат қилмоқ.
3. Назар дар қадам, яъни ҳар қадамда назарни тутмоқ.
4. Хуш дар дам, яъни ҳар нафас ҳушёр турмоқ.

Ана шу қоидаларга риоя этиб яшовчи бир қуш тўғрисидаги ҳикоя Навоийнинг «Лисонут тайр» достонида бор[1]. Товуғ (Хўроз) Ҳудҳудга мурожаат қилиб Кўҳи Қофга бормоқдан воз кечмоғини билдиради. Чунки у айтадики:

Улки маҳлуқ этти сунъи, ваҳшу тайр
Бизга таскин рўзи этти, санга сайр.

Шунинг учун у «Тутти ҳарён сайр қилмоғдин маоф». Яъни у ҳар ерга сайру саёҳат қилмоқдан сақланади.

Ҳудҳуд унга жавоб бериб Сидра (жаннатда ўсадиган дарахт) шоҳида уя қурган бир қуш тўғрисидаги ҳикояни айтиб беради.

Бор анингдек қушки очмай болу пар
Сидра шоҳи устида айлар мақар (макон).

Бу куш болу парини очмади. Макони ўша дарахтнинг шоҳида. Унинг хилватгоҳи анжуман ичра, ҳар доим ўз ватани ичра сайр қилади. У элга кўрсатмаган ҳолда аршга парвоз қилди.

Келди хилватгохи онинг анжуман
Сайр этар, лекин ери доим ватан,
Арш парвоз ўлдию сидранишин
Элга зоҳир айламай парвоз ишин.

Демак, бу қушнинг хатти-ҳаракатида Нақшбандийликнинг – Анжуман ичра хилват тутмоқ, ва ватан ичра сайр қилмоқ каби асосий қоидалари амалга ошади. Шунинг учун ҳам бу қуш Симурғдан бир нафас айрилмайди, айрилмоқ азобларини чекмайди, «Суврати васлида ҳар дам нақшбанд». У етишув хурсандлигига эришган, лекин бу тўғрида ҳеч кимга сўзламайди, гарчи қалбида етишувнинг юз минг дуру гавҳари тўла бўлса-да, оғзи садаф каби ёпиқ, унинг аҳволидан ҳеч ким огоҳ эмас.

Боши узра мавҳибат (эҳсон, туҳфа) тожи анинг.
Жилвагоҳи васл меърожи анинг.
Васлидин мамлу (тўла), вале дам асрабон
Ғайрдин оғзини мубҳам айлабон.

[1] Навоий. Асарлар. т. XI. 1966. 62-63-бет

Васл юз минг дурридан кўнглида жўш
Лек ўлуб оғзи садаф янглиғ ҳамуш.

Ана шу Сидранишин қушнинг тутган йўли нақшбандийликнинг энг муносиб кўринишидир.

Анжумандаги хилват деганда кишининг жамоа, одамлар ичида бўлмоғи жамият ҳаётида фаол иштироки кўзда тутилади. Аммо у худди хилватда яшагандек ўзини тутмоғи, яъни кўнглидаги мавжуд сирларини ҳеч кимга билдирмаслиги керак.

Сафар дар ватан деганда кишининг фикри, тасаввури чуқурлиги, тафаккур дунёсидаги сайри кўзда тутилади. У ўз фикри, хаёли ила парвоз этганлиги туфайли васл меърожида жилва қилади, лекин бу парвозни ҳеч ким кўра ва била олмайди.

Навоий Сидранишин қуш тимсолида нақшбандия таълимотига амал қилувчи зотлар қандай олий мартабага эришажакларини кўрсатмоқда.

Юқорида Хожа Баҳовуддин Нақшбанднинг Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний таълимотини ўргангани ва шу асосда ўз таълимотини ишлаб чиққани айтилган эди («... тарбият Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний руҳидин топибдурлар...» деб ёзади Навоий. т. XV. 125-бет.). Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний эса Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган («То алар Бухорода эрмишлар, деб турларки, Хожа аларнинг сабақи ва зикри пиридурлар ва суҳбат ва ҳирқалари Хожа Юсуфдин». Навоий т. XV. 125-бет).

Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ўгитларидан: «Ботин зунноринки, ибрати ужбдиндур қатъ қилиб (кесиб) имон келтурали». Ужб дегани маҳфий манманликдир. Уни йўқ қилган киши имон келтирган бўлади.

«Ҳар соликки нафс фаноси сарҳадига етган бўлса, анга ғазаб даст бергай. Шайтон анга даст топгай. Чун нафс фаноси қилмиш бўлса, анга ғазаб бўлмас, ғайрат бўлур ва шайтон ғайратдан қочар».

Бу ерда шайтон ёвузлик тимсоли. Демак, кимки нафсни йўқ қилолмаган бўлса (нафс гапига кириб кетган) унда ғазаб пайдо бўлади, шайтон унинг қўлидан тутади. Агар нафсини енголган, уни йўқ қилолган бўлса, унда ғайрат кўпаяди, шайтон эса ғайратдан қочади. Бу ерда нафс ёмонлик сари етакловчи кучдирки, у ғазаб сифатида кўринмоқда. Ғайрат деганда ирода, қатъият, ёмонликни рад килиш кўзда тутилади. Бундай ҳолда ёвузлик кишидан чекинади.

Ана шундай панд-ўгитлар Абдухолиқ Ғиждувонийдан қолган. Хожа Баҳовуддин Нақшбанд таълимотини Навоий қисқа ва лўнда қилиб изҳор этади. Ундан сўраганларки: дарвешлик Хожа Баҳовуддинга меросми ёки уни касб этганми? Тангри жазбасидан бир жазба инсон ва жин амали учун баробардир ҳукми била бу саодатқа мушарраф бўлдук.

Яна алардин сўрадиларки, сизнинг тариқингизда зикри, жаҳр ва самоъ бўлур? Дедилар: бўлмас (Зикри жаҳр дарвешларнинг баланд овоз билан бажарадиган маросимий тадбирлари. Самоъ – дарвешларнинг қўшиқ, мусиқа, рақс билан зикр қилиши).

Яна сўрадиларки, сизнинг тариқингиз бинойи не ишгадир? Дедиларки, анжуманда хилват: зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло била.

Аз дарун шав ошнову ваз берун бегонаваш
Ин чунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.
Маъноси: (Ичдан ошно бўл, ташқаридан бегона
Бундай гўзал хатти-ҳаракат жаҳонда кам бўлади).

Хожа Баҳовуддин Нақшбанд қул ва чўри тутмас эдилар. Сабабини сўраганда деганлар:

Қачон бу бандалиқ хожалиқ била рост келур.
Сизнинг силсиланғиз не ерга етар?
Киши силсила била ҳеч ерга етмас.

Нафсларингизга туҳмат қилингки, ҳар ким Тенгри иноятн била ўз нафсининг ёмонлиғин ва қайд ва макрин билган бўлса, агарчи анга сахлдур (енгил бўлади).

Бизнинг тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур, ва шуҳратда офат (чунки шуҳратда офат бўлади. Шунинг учун шуҳратга берилмаслик, уни хилватда сақламоқ даркор).

Хайрият жамиятдадир. Жамият суҳбатда, бу шарт билаки, бир-бирига нафъий бўлғай (яъни суҳбатдошлар ҳаммалари бу суҳбатдан баробар баҳра олмоқлари, фойда кўрмоқлари керак).

Агар жамъи бу йўл соликлари (йўлчилари) бир-бири билан суҳбат тутсалар, анда кўп хайру баракат.

– Бизнинг тариқимиз урваи вусқодирур (йўлимиз ишонарли).

– Тариқда оз амал била кўп футуҳ етиштур (йўлда оз иш билан кўп нарсага эришмоқ).

– Кўп айтмоқ шарт эмас.

– Суҳбат чоғида ўз ҳолидан воқиф бўлмоқ, суҳбат замонини ўзга замона билан мувозанат қилмоқ (мувофиқлаштирмоқ).

– Ер бир тирноқ юзичадир.

– Карорматимиз зоҳирдир. Бовужуди бу навъ гуноҳ юки, ер юзида бора олурбиз.

Хожа Баҳовуддин Нақшбанд ўз жанозасида қуйидаги байтни ўқишларини васият қилган экан:

Муфлисонем омада дар қўйи ту
Лавшаиллоҳ аз жамоли рўйи ту.
(Биз нософлар сенинг кўчангга келдик. Юзининг жамолидан; ё Аллоҳ тоза тозаланурмиз).

Бу гаплар ҳаммаси Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» китобидан келтирилди.[1] Нақшбандийлик таълимотининг моҳиятини ана шу айтилган фикрлар ташкил этади. Булар орасида энг муҳими хилват дар анжуман. Яъни анжуманда хилват тутмоқ.

Академик Воҳид Зоҳидов бу қоидани шарҳ этиб бундай деб ёзганлар: «Хилват дар анжуман. Бу билан Нақшбанд айтмоқчи бўладики, жамиятдан, инсонлардан ажралган ҳолда яшаш яккаликда кун кечириш, хилватхоналарни маскан қилиб олиб у ерларда ўз ўзлигида чуқурланиб ҳаёт кечириш ярамайди. Нақшбандча инсонлар орасида ўрин олиш, улар билан биргаликда яшаш керак»114.

Навоий ана шу қоиданинг шарҳини зоҳир юзидан ҳақ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳаноҳу ва таоло била деб ёзган. Демак, Баҳовуддин Накшбанд таълимотининг бош қоидаси дилда Ҳақ эътиқодини сақлаган ҳолда, киши ўзи жамият ҳаёти ичида бўлмоғи керак. Яна бу қоида «дил бо ёр, даст бо кор» (дил ёр билан, қўл иш билан) ёки «дил бо ҳақ, худ бо халқ» («дил ҳақ билан, ўзинг халқ билан») шаклларида ҳам ифода этилган. Хуллас киши қалбида, юрагида ўз эътиқодини маҳкам тутмоғи, ўзи эса кундалик ишлардан, меҳнатдан, жамият билан биргаликдан узилмаслиги шарт.

---

[1] Навоий. Асарлар, ўн беш томлик. т. XV.-Т.: 1968. 130-134-бет. ||43оҳидов В. Навоий ижодининг қалби. -Т.: 1970. с. 337-бет.

Сафар дар ватан. Навоий нақшбандийликнинг бу қоидасини ифодалаб «Садди Искандарий»да бундай деб ёзган:

Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл
Тила хилвату анжуман ичра бўл.

Бу байтнинг иккинчи мисрасидаги фикр юқорида шарҳ қилинди. Биринчи мисра эса икки хил талқин қилинмоғи мумкин. Академик В.Зоҳидов бу қоидани (Сафар дар ватан– ватан ичра сайр) изоҳлаб ёзадилар:

«... бир ерда, хилватда ўтирабермасдан, узлатга қочмасдан, ҳар ерларга, бошқа шаҳарларга, жойларга бориш керак, саёҳат қилиш керак, дунёга сафар килиш керак...»[1].

Аммо Навоийнинг сидранишин қуш тўғрисидаги ҳикоясида («Лисон ут-тайр») у қуш «сайр этар, лекин ери доим ватан» дейилади. Яна «Садди Искандарий»да Навоий:

Киши ҳар не истар ўзинда топар Жаҳонда кезарнинг не маъниси бор– деб ёзган эди. Бундан келиб чиқиб шундай бир фикр туғиладики, эҳтимол «сайр дар ватан» қоидаси инсоннинг тафаккур, хаёл, фикрлов дунёсидаги сафари эмасмикан. Чунки бундай сафар шахснинг тафаккурини бойитиб, унинг маънавий такомилига боис бўлажаги шубҳасиздир. Бу ҳудди ҳеч кимга кўрсатмай парвоз қилгандек гап. Чунки у фикр парвозидир. Ҳам сайёр, ҳам парвоз самоси эса ватан. Навоий ёзган эдики:

Арш парвоз ўддию сидранишин
Элга зоҳир айламай парвоз ишин.

Хуш дар дам. Табиатдаги барча гўзалликлар инсон учун вужудга келтирилган.

Ганжинг аро нақд фаровон эди
Лек баридин ғараз инсон эди.

Барча мавжудотнинг энг олийси бўлган инсон ана шу гўзалликлардан баҳра олиб яшамоғи керак. Инсон ҳаётининг ҳар бир дақиқаси ғаниматдир. Уни эзгу мақсадлар ижросига йўналтирмоқ, яхшиликка сарф қилмоқ зарур. Қисқаси ҳаётининг ҳар бир дамини хуш кечирмоқ, эзгулик, хайр, яхшиликка қаратмоқ даркор.

Назар дар қадам. «Ҳар қадамни ўйлаб, фикрлашиб, тақдирлаб босиш керак. Босилган ҳар бир қадам бекорга кетмасин, ундан бахтсизлик келмасин». Ана шу тўрт қоида тўғрисида Навоий бундай хулоса ясайди:

Десанг хилватим анжуман бўлмасун
Керак анжуман ичра хилват сенга.
Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл
Сафардин агар етса меҳнат сенга.
Назарни қадамдин йироқ солмағил
Бу йўл азми гар бўлса рағбат сенга.
Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни
Ки юзланмагай ҳардам офат сенга.

[1] Ўша китоб. 338-бет

Бу тўрт иш била рубъи маскун аро
Чолинмоқ не тонг кўси давлат сенга.
Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд
Навоий, агар етса навбат сенга.[1]

«Ғам-алам етмасин, ҳар бир қадам фойда (эзгулик) томон босилган бўлсин, қадам ҳаёт ва табиат сари, хуррамлик томон босилган бўлсин. Ҳар бир қадамни ғанимат билинсин ва ғафлатда қолинмасин» (В.Й.Зохидов).[2]

Яна нақшбандийликка оид ёдкард (эсламоқ); бозгашт (қайрилмоқ); нигоҳдошт (сакламоқ); ёддошт (асранмоқ); қоидалари ҳам бор. Бу қоидаларнинг моҳияти ҳам юқоридаги асосий талаблардан келиб чиқади.

Ёдкард (эсламоқ) – ўтганлар хотирасини эъзозламоқдир. Ўтмиш аждодларнинг пок руҳини шод қилувчи ишларни амалга оширмоқ. Ўтганларнинг хотирасини баланд тутмоқ, унга иззат ва эҳтиром кўрсатмоқ.

Бозгашт (қайрилмоқ) – яхшилик ва эзгуликка юз ўгириш, одамлар учун фойдали ишларни амалга оширмоқ, яхши ниятлар билан яшамоқ, ёмонликдан сақланиш, йўл қўйилган қусур ва гунохлар учун тавба қилиш.

Нигоҳдошт (сақланмоқ) – ўзгалар тўғрисида ғамхўрлик, ҳамиша муҳтожларга ёрдам кўрсатиш.

Ёддошт – нафсга эрк бермаслик, маънавий поклик, ўзни тиймоқ, ўзи учун ҳеч нарса тиламаслик, ғараз ва тамаъдан сақланув.[3]

Баҳовуддин Нақшбандга Навоий ўз «Хамса»сида тўла бир боб бағишлаган. «Ҳайрат ул-аброр»нинг XXI боби сарлавҳасида ёзади:

«Хожа Баҳовуддин қоддаса сирриҳу мадҳидаким, сунъ наққоши ҳикмат хомаси била рўзғор саҳифасида анинг вужуди нақшин исломий тарх этти».

Маъноси: «Хожа Баҳовуддин, унинг сири муқаддас бўлсин, мадҳидаги санъат наққоши ҳикмат қалами билан рўзғор саҳифасида унинг вужуд нақшини исломона чизиб чиқди». Бу таъриф шоирнинг улуғ муршидга чексиз ҳурматини билдиради. Яна бу муршиднинг кўрсатган йўли ислом қоидалари асосида чизилганини кўрсатади. Бу таърифлардан кейин Навоий Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорийни тилга олади. Уни «Хожа Баҳовуддинга «халофи мутлақ», балки «Халифаи барҳақ» эканлигини таъкидлайди. Бу бобда Навоийнинг Хожа Баҳовуддин Нақшбанд таърифига бағишлаб ёзган ўн олти байт шеъри бошидан оёқ Нақшбанд мақтовидан иборат. Фақат бир жойда Накшбанд таълимотининг бир қоидаси сўзаро айтиб ўтилган:

Кўнгли чекиб маскан аро нақш сайр
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши хайр.

Бу мисраларда Накшбанд таълимотининг «сафар дар ватан «қоидаси» маскан аро накши сайр» ифодаларида эслатиб ўтилган. Яна шуниси диққатга сазоворки, ҳар бир байтда «нақш» ёки «нақшбанд» сўзлари турли маъноларда ишлатилади. Бу сўзлар киритилмаган бирор байт, ҳатто мисра учрамайди.

---

[1] 116Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. т. 1. Тошкент:1988
[2] Зоҳидов В. Ўша китоб, ўша ерда.
[3] Бу тўғрида қаранг: А.Абдуқодиров. Навоий ва нақшбандлик. Адабий мерос. -Т.: 1991. №4(58).

Ҳожаки, наққоши спеҳри баланд
Бўлғали ҳар сафҳасига нақшбанд.
Айлади авроқ мунаққаш басе
Нақш рақам айлади дилкаш басе.

Маъноси:

Баланд осмон хожаси бўлган наққош
Ҳар бир саҳифаси нақшли бўлсин учун
Варақларни бутунлай нақшли этди.
Ҳар бир нақш дилни тортувчи қилиб чизилган эди.

Демак, бу мисраларда жаҳон варақларининг гўзаллиги, улардаги дилрабо нақшлар васф этилмоқда, ҳаёт ва борлиқнинг гўзаллиги куйланмоқда.

Лек анинг нақши киби дилнавоз
Чекмади то хомасидур нақш соз.
Собит анинг кўнгли аро нақши жуд
Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд.

Аммо бу гўзалликлар орасида унинг (Хожа Баҳовуддин Нақшбанднинг – А.Қ.) чизган нақшлари сингари дилнавоз нақшлар учрамайди. Унинг нақш чекувчи қалами ана шундай нодир нақшлар солади. Унинг кўнглида борлиқ нақшлар тушган варақларга вужуд сингиб, киришиб кетган. Шундан кейин шоир улуғ муршиднинг фано нақшини чизмоқ учун жонга ранжу ано нақшини чекканлигини, жонига шу туфайли абадийлик нақшини ўрнатганини ёзади.

Жонға чекиб ранжу ано нақшини
Сизмоқ учун анда фано нақшини.
Жони чу ул нақш макони бўлуб
Нақшдин ўзга бори фоний бўлуб.

Турфа буким, нақшга кўз солмайин Жонида жуз нақши бақо қолмайин.

Нақшбанднинг ана шундай таърифлари сўнгида унинг ўрнига қолган қойим мақом тўғрисида сўз кетади. Бу киши Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорий эди. У киши тўғрисидаги таърифлар қуйидаги байтлар билан якунланган:

Ҳиммматидин бизни ҳам этсун Худой
Фақр йўлида ғани, имонга бой.

«Ҳайрат ул-аброр»нинг XXI бобидан келтирилган бу мисоллар[1] Навоийнинг устоз Баҳовуддин Нақшбандни қанчалар юксак тутганлигини кўрсатиб турибти. Аммо Навоий бу бобда муршиднинг кўрсатган йўлларини бирма-бир тасвир этмайди. Чунки улар Навоийнинг ўша даврдаги ўқувчилари учун аниқ, равшан эди. Энг муҳими, бу ерда Навоийнинг Хожа Баҳовуддин Нақшбандга чуқур эҳтироми ва самимий эътирофидир.

[1] Навоий. Хамса. -Т.: ЎзФА нашриёти, 1960 48-49-бетлар

Яна шуни қайд этмоқ зарурки, «Ҳайрат ул– аброр»нинг йигирма мақоласида баён этилган фикрлар, панд ва ўгитлар ҳаммаси нақшбандийлик таълимотидан келиб чиққан. Мана шулардан айримларини олиб кўрайлик:

Ҳотами Тоий саховат ва карампешаликда донг чиқарган бир зот эди. У бутун молу мулкини, давлатини кишиларга хайру эҳсон қилмоққа бағишлаган. Бир куни Ҳотам Тоий элга катта зиёфат берди. Зиёфат чоғида ўзи тоза ҳаводан нафас олмоқ учун сайрга чиқди. Ҳаво иссиқ ва дим эди. Шу пайт Ҳотам Тоий узоқдан елкасида бир боғ ўтин кўтариб келаётган бир чолни кўрди. Чол яқинлашганда Ҳотам Тоий унинг терга пишиб чарчаб қолганини кўриб раҳми келди. Саломлашиб бўлгач чолга деди:

– Эй, ота, бу қадар ранжу мехнат чеккандан кўра бориб Хотами Тоийнинг зиёфатида бўлганингиз афзал эмасмидур? Чол елкасидаги ўтинини ерга қўйди, пешонасидаги терни артди ва кулиб туриб Ҳотами Тоийга деди:

Кэй солибон хирс аёғингға банд
Озу тамаъ бўйнунга боғлаб каманд.
Водийи ғайратға қадам урмаған
Қўнгури ҳиммatга алам урмаған.
Сон доғи чеккил бу тикан меҳнатин
Тортмағил Хотами Тоий миннатин
Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж
Яхшироқ андинки, бирав берса ганж!

Маъноси: Эй оёғингга хирс занжир солиб қўйган киши, таъма ва очкўзлик бўйнингга сиртмоқ тортган, ғайрат водийсига қадам қўймаган, ҳиммат қалъасида байроқ тикмаган кимса, сен ҳам бу тиканнинг меҳнатини чек. Хотами Тоий миннатини кўтариб юрма. Уқубат чекиб меҳнат қилиб топилган бу қора чақа ўзганинг текинга берган хазинасидан яхшироқдир.

Ҳотами Тоийдан, саховатпешалик ва карамда сизга тенг келадиган бирор киши бўлганми, деб сўраганларида Ҳотами Тоий бундай жавоб берган:

Улки бу янглиғ сўзи мавзун эди
Мендин анинг ҳиммати афзун эди.[1]

Ушбу кичик ҳикояда ҳалол меҳнат билан кун кечирмак энг юксак ҳиммат экани очиқ-ойдин баён қилинган. Ҳалол меҳнат инсон ҳаётининг туб моҳиятини ташкил этади. Инсоннинг қадру қимматини ерга урадиган, уни хору зорликка мубтало этувчи иллат ғараз ва тамаъдир. Киши ҳеч қачон бировдан молу-давлат тамаъ қилмаслиги керак.

Ҳоли агар яхшидурур гар табоҳ
Кимсадин этмас тамаъи молу жоҳ.
Баҳрға етса тиламас шабнаме
Заҳмни кўрса аямас марҳаме.

Демак, ҳеч кимдан ҳеч нарса тамаъ қилмаслик, агар дарё бўйига келса ундан бир қатра таъма этмаслик олийжаноб инсонга хос фазилатдир. Аммо ўзганинг ярасини кўрса, у бор

[1] Навоий. Хамса. -Т:.1960. 70-71-бетлар

марҳаматини ундан аямайди. Лекин бу қилган яхшилиғини ҳеч қачон миннат ҳам қилмайди.

Тамаъ ва саҳо мавзусини давом этдириб Навоий ёзади:

Тарки таъма қилқи, саҳо ул эми
Базмда сарф этки ато ул эмиш.

Маъноси: Таъмани тарк эт. Саховатнинг ўзгинаси шудир. Бор нарсангни лутфу эҳсон учун сарф эт. Одамлар учун бағишла.

Бу ўгитлар Навоийнинг инсонпарварлик, эзгулик ва хайрни қанчалар куч билан ташвиқ этганини кўрсатувчи лавҳалардир. Улар улуғ шоир мансуб бўлган нақшбандийлик таълимотининг моҳиятидан келиб чиқади.

ЯКУН ВА ВАЗИФАЛАР

Баҳовуддин Нақшбанд яратган таълимот тўласича ислом дини қоидаларига асосланган. Нақшбандия мухлислари бу ҳақиқатни бош ўринга қўйиб келганлар. Навоий ҳам бу фикрни ҳар доим таъкидлайди.

Нақшбандийлик ўз даврининг илғор, дунёвий мафкурани ташвиқ этувчи ғояларни ўз ичига олган. Инсон, унинг ўз юксак даражасига муносиб бўлмоқ учун касб этмоғи лозим бўлган олийжаноб фазилатлар: инсонпарварлик, адолатпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанга муҳаббат каби улуғ сифатларни ташвиқ этган. Шу туфайли бу таълимот Ўрта Осиё, Эронзамин, Ҳиндистон ва бошқа ўлкаларда яшовчи халқларнинг ижтимоий тафаккурида муҳим ўрин эгаллади. Темурийлар ҳукмронлиги йилларида давлат мафкураси даражасига кўтарилди. Шунинг учун нақшбандийлик таълимотини ҳар томонлама ўргатмоқ мамлакатимиз халқлари ижтимоий тафаккур тарихини ёритмоқда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда бу сохада кўпгина ишлар амалга оширилган. Академик ёзувчи Ойбек ўзининг Навоий ижодига оид асарларида бу тўғрида муҳим фикрлар билдирган. Навоий дунёқарашининг асосий белгиларини аниқлар экан, Ойбек бу масалада пантеизм бош ўрин тутганлигини таъкидлайди. Яратувчи, коинот, табиат ва инсонни бир бутун деб ҳисобловчи бу таълим нақшбандийлик тасаввуфининг асосий мафкураси бўлган. Тасаввуф (сўфизм)нинг жамият ҳаётида эгаллаган мавқеи тўғрисида Ойбек бундай деб ёзади: «Навоий даврида Ҳиротда сўфизм ҳукмрон идеология формасини олган эди. Навоийнинг ижодиётида, айниқса, унинг лирикасида сўфиёна кайфиятларни, шубҳасиз учратишимиз мумкин»[1].

Тасаввуфнинг бутун борлиқни бир бутун деб қараши қанчалар ижобий якун келтириб чиқаражагини Ойбек мантиқан асосли ва ишонарли мулоҳазаларда баён этади. «Тасаввуф поэзияси қаҳрли ва дунёнинг хорижида турувчи МОҲИЯТНИ аллақандай яқин, сезиладиган ва идеал гўзалликка эга бўлган бир кучга айлантиради... Бунинг орқасида поэзияга Навоийнинг лирикасида бўлганидек, пантеистик идеялар кириб боради».

Ойбек бу фикрларини биринчи бор 1940 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (№ 3) журналида босилган мақоласида эълон қилган.

Тасаввуф (суфизм) тарихи ва моҳияти тўғрисида ғоят самарали ишларни амалга оширган олимлардан бири устоз Е.Э.Бертельсдир. Унинг «Суфизм и суфийская литература» китоби (М. 1956 й.) бу соҳада ғоят қимматлидир. Е.Э.Бертельс яна ўзининг

[1] Ойбек. Мукаммал асарлар. т. XIII.-Т.. 1979. 482-бет

«Навоий, Жомий» китобларида ҳам нақшбандийлик таълимотининг мазмунини баён этган («Навои и Джами» М. 1965 й.). Е.Э.Бертельс тасаввуфнинг келиб чиқишини араб халифалигида умавийлар ҳукмронлиги даврида пайдо бўлган оппозиция билан боғлайди, исломда юзага келган йўналишларни (хорижийлар, озракийлар, сифрийлар, наҳодиялар, ибодийлар, муржийлар...) бирма-бир таҳлил этади. Тасаввуф элементларини тушунтиради, нақшбандийликнинг моҳиятини очиб беради. Профессор А.А. Семенов нақшбандийлик тўғрисида қимматли фикрлар берган. Тасаввуфга оид манбаълар каталоги (Т. Изд-во АН УзССР, 1955) шу муҳтарам олим таҳрири остида нашр этилган.

Тасаввуфнинг моҳияти, унинг тадрижий ривожи (эволюцияси), Навоий тасаввуфи тўғрисидаги қимматли фикрлар академик В.Й.Зоҳидовнинг асарларида баён этилган. В.Й.Зоҳидовнинг 1961 йилда нашр этилган «Мир идей и образов Навои'Т.: ГИХЛ китобнинг VI боби «Отношение Навои к суфизму» (Навоийнинг сўфизмга муносабати) аталиб, Навоийнинг тасаввуфга алоқасини умуминсоний тафаккур тарихига боғланган ҳолда тадқиқ этишга бағишланган. 1970 йилда нашр этилган «Навоий ижодининг қалби» китобида В.Й. Зоҳидов бу масалани нақшбандия тўғрисидаги маълумот билан тўлдиради. Бу асарнинг IX боби «Навоий ва тасаввуф» деб аталган (335-342 бетлар.).

В.Й.Зоҳидов ёзади: «Янги мафкуранинг, адабиётнинг (XVI аср бошларидаги дунёвий оқим, реаллик, реал ҳаёт, табиат билан боғлиқ мафкура кўзда тутилади.-А.Қ.) униб ривожланиб кетишида накшбандийлик оқими ҳам катта роль ўйнади– Бу нақшбандийлик оқимининг асос солувчиси машҳур Накшбанддир».

Шундан кейин В.Й.Зоҳидов «Тарихи Роқимий», «Мақомоти Нақшбандий», «Нафаҳот ул-унс» каби асарлар асосида Нақшбанд ҳаётининг айрим лавҳалари ва нақшбандийлик таълимотининг асосларини баён қилади. У хилват дар анжуман, сафар дар ватан, назар бар қадам, ҳуш дар дам деб аталган қоидаларнинг моҳиятини лўнда, осон, тушунарли равишда шарҳ қилиб берган. В.Й.Зоҳидов хулоса қилиб ёзади: «Нақшбандча, инсонлар орасидан ўрин олиш, улар билан биргаликда яшаш керак. Хайрият жамиятдадир, дейди Нақшбанд. Ўз қўл кучи билан, ўз меҳнати билан, ўз меҳнатидан олинган ҳалол меҳнат унуми билан кун кечириш, тирикчилик ўтказиш хуррам яшашдир».

1991 йили Тошкентдаги Фан нашриёти ЎзФА Шарқшунослик институтида тайёрланган «Из истории суфизма: Источники и социальная практика» («Тасаввуф тарихидан: манбаълар ва ижтимоий тажриба») китобини нашр этди. Академик М.М.Хайруллаев таҳрири остида юзага келган мақолалар тўпламида Ўрта Осиёдаги тасаввуф тарихи, хорижий мамлакатлардаги сўфийлик ғоялари ва оқимлари тўғрисида сўз боради, бу масалага алоқадор баъзи қўлёзма манбаълар илмий истифодага киритилган. Бундан ташқари адабиёт, ижтимоий тафаккур тарихига оид тадқиқотларда ўзбекистонлик олимлар тасаввуф, унинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр билдириб келдилар, бу тўғрида анча мақолалар ҳам эълон қилинган.

1993 йили филология фанлари доктори Ориф Усмонов ўзининг «Маънавият чинорлари» (Мовароуннаҳр ва Хуросондаги энг йирик тасаввуфий тариқатлар ҳақида) илмий тадқиқотини яратди. Унда олим тасаввуфнинг тарихий илдизлари, уни юзага келтирган мутафаккирлар Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Йўъниддин Чиштий ва бошқа муршидлар тўғрисида муфассал маълумот берган. Бу йўналишлар ўртасидаги фарқларни кўрсатган, тасаввуф эволюциясини очиб берган.

Шу қисқа бобдан ҳам маълум бўладики, Ўзбекистонда тасаввуф таълимоти бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар фақат бизнинг авлод ҳаёти давридагина ярим асрлик тарихга эга. Жаҳон тафаккури тарихининг узвий бўлаги бўлмиш тасаввуф таълимотини

ўрганиш ва тадқиқ этиш қардош халқлар илм-фанининг ҳам диққат марказида тургани маълум.

Келгусида барча олим ва мутахассислар бу соҳадаги ишларни биргалашиб давом эттирмоқлари шарт. Бундаги вазифалардан энг муҳими тасаввуф таълимотига оид биринчи манбаъларни тўла ва ҳар томонлама ўрганмоқдан иборат. Уларнинг энг муҳимларини ҳам матн ҳолда, ҳам таржима қилиб нашр этиш керак. Бу манбаълардаги маълумотни (фақат далиллар, ҳужжатлар, фактлар) алоҳида тўплам тарзида эълон қилинса, улардан истифода этувчиларнинг қатори янада кенгайган бўлур эди.

Тасаввуф таълимотига баҳо беришда турли-туман фикрлар туғилмоғи табиий. Ҳатто бу масалада (қарама-қаршиликлар ҳам келиб чиқиши) мумкин. Ундан чўчимаслик керак. Илмий мазмунда, маданий шаклда мунозаралар уюштирилмоғи керак. Аммо мунозараларда бош ўринни далиллар эгалламоғи шарт, умумий мулоҳазалар эмас.

Тасаввуф тарихи, унинг эгаллаган ўрни ғоят салмоқли, уни муносиб равишда тадқиқ этмоқни илмий асосларда мунтазам давом эттириш даркор.

Тошкент, 1993.

АЛИШЕР НАВОИЙ МАШҲУР СИЙМОЛАР ҲАЁТИ

(Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида лавҳалар)

ХУШХАБАР

Совуқ қиш шамоли Ҳирот шаҳри кўчалари бўйлаб изғийди. У қасрлар ва юксак деворли уйлар томидан қорларни супуриб, ҳовли ва кўчаларга сочади, жипс ёпилган дераза ва кўча эшикларига ўзини уради, ўткинчи одамларнинг энгил– бошини юлқилайди. Мўйлаблари устидаги намни музга айлантиради, яноқ ва бурунларини чимчилаб ўтади. Тимлар билан беркитилган расталар остига кириб олган киши изғирин таъқибидан қутулгандек бўлади.

Очиқ майдондан ўтиб, тим остидаги ёпиқ дўкон олдида тўхтаган йўловчи эгнини қоқди, телпагини олиб, унга ёпишган корни силкитди-да, қайта кийди. У сал нафасини ростлаб олгач, шахдам одимлаб, йўлида давом этди.

Усти ёпиқ узун кўчанинг икки четида бир-бирига зич ёпишган дўконлар саф чеккан. Аҳён-аҳёнда тимнинг очиқ жойидан тушган нур кўча ва дўконларни ғира-шира ёритар, чироқ ёқишга ҳожат йўқ эди. Кўп дўконлар очиқ, уларда турли-туман матолар шифт баробар уюлиб ётарди. Улуғсифат дўкондорлар харидорни сабр-тоқат билан кутиб ўтиришарди.

Йўловчи дўконлар ёнидан жадал ўтиб борар, йўл– йўлакай баъзи дўкондорлар билан ўнг қўлини кўксига қўйиб саломлашарди. Ниҳоят у чолғу асбоблари сотиладиган дўкон олдида тўхтади. Дўкондор уни кўргач, ўрнидан даст турди-да, кўришгани қўл узатди.

– Ҳа, Мавлоно Али, қани ичкарига марҳабо, – деди дўкондор. – Не бўлди, барвақт йўлга ошиқибдилар?! Сал исиниб олинг, эрталабки изғирин бағоят заҳрлидир.

Йўловчи миннатдорчилик изҳор этиб, дўкон ичига кирди. Ковушини ечиб, кўрпачага чордона қуриб ўлтиргач, дарҳол совуқ қотган бармоқларини манқал устидаги чўққа тутиб, иситди. Дўкондор икковлари қўлларини юзларига тортиб фотиҳа ўқишгач, бир-бирларидан такрор ҳол-аҳвол сўрашди. Али дўкон деворларига осилган танбур, дутор, рубоб, қўшнай ва бошқа мусиқа асбобларини бирма-бир кўздан кечириб чиқди.

– Янги танбур олмоқчиман, – деди Али дўкондорга. Қўлимдаги яроқсиз бўлиб қолди.

Дўкондор Алининг юзига хушнудлик билан боқди. Али йигирма ёшлар атрофида,

хатлари энди сабза ураётган, чеҳраси ёқимли қотма йигит эди. Унинг юз-кўзидан хуш табиати, нозик дид эгаси экани сезилиб турар эди.

– Сизга атаб махсус тайёрлатганим бўлсин, – деди дўкондор. – Чунки жаноблари учун усталар алоҳида ихлос билан ясагайлар.

Улар яна бир неча фурсат суҳбатлашиб ўтиришди. Исиниб олган Али дўкондордан изн сўраб, ўрнидан турди.

– Йўллари бўлсин? – деди дўкондор хайрлаша туриб.

– Саройга, Ғиёсиддин поччамиз ҳузурига ошиғич етмагам даркор.

Али шундай деди-да, дўкондор билан хайрлашиб, йўлида давом этди. У қатор-қатор кўзни қамаштирувчи олтин, жавоҳир, ёқут, зумрадлар, ҳар турли қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган буюмлар, тақинчоқлар, поябзал растаси олдидан парвосиз ўтди. Али растадан чиқиб яна изғиринга дуч келди. У телпагини бостириб олди. Растадан чиққач, йўл иккига бўлинди. Бири карвонсарой сари кетарди. Ҳали барвақт бўлишига қарамай, кўчада юк ортилган аравалар, туя ва эшаклар тўхтовсиз ўтиб турарди. Аравакашларнинг бақириқ–чақириқлари қулоққа чалинарди. Али ўнг томондаги кўчага бурилди. Кўчанинг икки томонидаги пастак деворлар тепасидан ток сўкчаклари кўзга ташланарди. Токлар совуқ уришидан эҳтиётлаб ўраб-чирмалгани учун бу сўкчаклар ағдариб қўйилган панжарага ўхшаб кетарди. Али жадал юриб катта бир майдонга чиқди. Майдоннинг олд томонида уч катта Мадраса жойлашган бўлиб, уларнинг баланд пештоқлари сержило нақшлар билан безалган эди. Эрталабки машғулотга ошиққан талабалар совуқдан қунишиб Мадраса ҳовлисига кириб боришарди. Улар ҳовлида, ҳужрада яшайдиган «толиби илм»ларга қўшилишиб дарсхоналар сари ошиқишарди.

Ўнг томондаги муҳташам мадраса қуббалари оша олисдаги Ихтиёриддин қалъасиниинг муаззам қўрғонлари кўзга ташланарди. Али шу қалъа дарвозаси олдига келиб тўхтади. Қалъа шаҳардан анча юқорида жойлашган бўлиб, бу ердан бутун Ҳирот кўриниб турар эди. Усти ёпиқ кўчалар, бир-бирига мингашиб кетган ҳовлилар, муҳташам масжид ва мадрасалар, осмон сари улуғворлик билан кўкка юксалган миноралар... Шаҳар четидаги Херируд дарёсидан шаҳар сари тармоқланган ариқлар Ҳиротнинг сонсиз боғлари, ҳовузлари ва ҳовлиларига сув келтиради, унга ҳаёт бағишлайди. Аммо ҳозир ариқлар музлаган. Али шаҳарни хўп томоша қилгач, ичкарига юрди. Дарвоза олдида турган соқчилар бошлиғи Алини ҳурмат билан қалъа ичига кузатди. Яқинда хизматга кирган ёш соқчи ваҳшатли ва димоғдор бошлиғининг олдийгина кийинган, кўриниши ва энгил-боши билан бошқалардан фарқ қилмайдиган бу кишига эҳтиром кўрсатганидан ҳайрон бўлиб, ёнидаги шоп мўйлабли, афтидан анчадан бери хизмат ўтаётган шеригидан аста сўради;

Ким бўлди бу йигит, нега бошлиқ унга бу қадар иззат кўрсатдилар?

Бу йигит подшоҳга яқин оиланинг фарзандидир. Унинг поччаси Ғиёсиддин саройда бош ўрин тутган мансабдорлардан бўлади. Бу оила подшоҳ оиласи билан, болалари шаҳзодалари билан яқиндирлар, ҳатто қариндошликлари ҳам бўлса керак. Ғиёсиддин сарой хизмати билан банд эди. У бир неча кундирки, уйига боргани йўқ. Подшоҳнинг муҳим топшириғи билан у вилоят навоҳийларидан бирига бориб келган, икки кундан бери саройда эди. Қирқ ёшлар чамасидаги, қотмадан келган, чеҳрасидан шижоат, ҳар бир ҳаракатида қатъият ва шахдамлик ёғилиб турган бу киши сарой аҳли ўртасида катта мавқега эга эди. Унинг оқилона маслаҳатларига подшоҳ ҳам қулоқ осар, унинг дўстлари ҳам, душманлари ҳам бу одамнинг тадбиркорлигини, ҳар бир ишни чуқур мулоҳаза ва маслаҳат билан амалга оширишини, одамларга ғамхўрлигини яхши билар эдилар.

Хонанинг эшиги қия очилиб, Алининг боши кўринди. Ғиёсиддин унга туратур дегандек ишора қилиб, машғулотда давом этди. Али хонанинг эшигини беркитиб, ташқарида қолди. Бир оз фурсат ўтгач, хонадаги кишилар чиқиб кетишди. Шундан сўнг Али хонага кириб, Ғиёсиддин билан кўришди. Алининг чеҳрасида шодлик ифодаси зуҳур этиб турар, поччасининг хизмат сафаридан қандай қайтганини сўраб ўлтирмасданоқ гап бошлади:

– Суюнчи берасиз почча, хушхабар олиб келдим. Аллоҳ таоло сизга фарзанд ато қилди, ўғил! Бугун саҳар вақти опамизнинг кўзлари ёриди!

Ғиёсиддин азбаройи хурсандлигидан ўрнидан туриб кетди. Дарров белидаги олтин билан зийнатланган сербезак камарини ечиб Алининг белига тақди. Яхши хабар келтиргани учун уни дуо қилди. Қайтадан ўтиришди. Ғиёсиддин қайнисини саволга кўмиб ташлади. Али барча саволларга батафсил жавоб берди. Доярларнинг гапича чақалоқ соғлом, онасининг аҳволи яхши. Ҳовлида катта хурсандчилик. Мунажжим домла Идрис аллақачон фол очиб боланинг бахтли юлдуз остида дунёга келганини билдирди. Ҳамма отанинг йўлига мунтазир.

Ғиёсиддин шодлик тўла кўзларини Алидан узмас, унинг сўзларини жон қулоғи билан тинглар эди. У Алини яхши кўрар эди. Унинг хушхулқ, хуштаъб ва дардманд йигит экани, шеър ёзиш ва чолғучилик маҳорати, хаттотлиги, ўз мақсадлари йўлидаги ихлос ва садоқати Ғиёсиддинга маъқул эди.

– Раҳмат, сиздан ғоят миннатдорман, иним, – деди Ғиёсиддин. – Илоҳи умрингиз узоқ бўлсин. Яхши соатда хушхабар келтирдингиз. Жиянингизни сизнинг номингиз билан атаймиз. Сиздек шоир, фозил одам бўлсин. Яна шер ҳам қўшамиз. Шердек қудратли, жасур бўлиб ўссин. Фарзандимизнинг номи Алишер бўлади.

Бу воқеа ҳижратнинг 844 йили рамазон ойининг 17 кунида содир бўлди. Милод ҳисобида эса 1441 йилнинг 9 феврали эди.

ДИЛКАШ СУҲБАТЛАР

Орадан бир неча йил кечди. Алишер тўрт ёшга кадам қўйди. Али ва Алишер кўпинча бирга юришарди. Али севимли жиянини соя-салқин боғларда ўйнатар, биргалашиб бозор расталарида, кўчаларда кезишар, гоҳо мадрасадаги ўртоқлари ёнига ҳам олиб борар эди. Али уйда мутолаа билан машғул бўлиб ўтирганда, Алишер ёнига келиб ўтирар, овоз чиқариб ўқишни сўрар эди. Шеърларнинг қироат билан ўқилганини эшитиш Алишерга хуш ёқар эди. Али танбур ёки дутор чалиб, ашула айтишни севар эди. Алишер тоғаси айтган қўшиқларни мириқиб тинглар, чолғу асбобларининг қандай қилиб оҳанг чиқаришини билишга интилар эди. Али яхшигина шоир ҳам эди. У Ғарибий тахаллуси билан шеър битарди. Хуросон ва Самарқанд назм аҳли орасида Ғарибийнинг туркий ва форсий тилларда битилган шеърлари анча шуҳрат топган эди.

Алининг акаси Мир Сайид – Алишернинг катта тоғаси ҳам шоир эди. У Қобулий тахаллуси билан шеърлар ёзган эди. Қобулийнинг туркий тилда яратган шеърларини йиғса бир девон бўлгудек эди.

Ғиёсиддин гарчанд шеър машқ қилмаган бўлса-да, шоирлар, олимлар суҳбатини жуда ёқтирар эди. Шунинг учун Ғиёсиддиннинг катта меҳмонхонаси ҳамиша шеър, соз аҳли билан гавжум бўларди. Узоқ қиш кечаларида дўстлар жам бўлишиб мушоира қилишар, айрим байт, мисраларнинг мазмуни устида баҳслашишар, шашмақом куйларини тинглаб завкланишар эди. Ғиёсиддинлар хонадонида шеър ва мусиқа, илм ва фазл ҳукмрон бўлиб, ёш Алишер мана шу мусаффо муҳитдан баҳра олиб ўсди.

Тўрт ёшли Алишерга тоғаси Мавлоно Али машхур форс шоири Қосим Анворнинг қуйидаги байтини ўргатди. (Барча зодагон оиласидаги болалар каби Алишер туркий ва форсий тилларда эркин сўзлашар эди).

Риндему, ошиқему жаҳон сўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок.
(Риндлармиз, ошиқлармиз, жаҳонни куйдирувчи, ёқасин чок этувчилармиз.
Сенинг ғаминг давлатида жаҳон фикридан нега ғам чекар эканмиз.)

Бир куни одатдагидек Ғиёсиддиннинг ташқари ҳовлисидаги меҳмонхонасида шеър ва мусиқа аҳли жам бўлди. Бу гал суҳбатни Мир Сайид Қобулий бошқарди. Меҳмонлар парқуларга суяниб, шеър шакллари тўғрисида сўзлашишар, пойгакда Ғиёсиддин билан Ғарибийнинг ёнида Алишер ҳам ўлтирар эди.

Туюқ, гарчи ғоят кизиқарли бўлса-да, унда тўла бир мазмун баёни мушкулдир, – деди меҳмонлардан бири. – У фақат сўз ўйини учунгина мос.

Ҳар нарса шоирнинг қобилияти орқали аён бўлур. Туюқда ҳам ҳар қандай мазмун ифодаси жой ола билар. Зотан шеър мазмуни билан қимматлидир. Мазмунсиз шеър – маъносиз сўз демак, – дея бошқа бир меҳмон унга эътироз билдирди.

– Ҳар бир баҳс ҳужжат ила исбот топур. Мен яқинда Мавлоно Қобулийнинг бир туюқларини ўқиб эрдим. У хам мазмун, ҳам шакл комиллигига айни шоҳид бўлур, – деди бошқа бир меҳмон Қобулийдан ўша туюқни ўқишни илтимос қилди.

Мир Сайид Қобулий қўлидаги пиёлани дастурхонга қўйиб, айтилган шеърни ўқиди:

Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,
Гул адоқинда хумори ёзасиз.
Гар мен ўлсам турбатимнинг тошига
Куштаи бир шўх эрур деб ёзасиз.
(Эй дўстлар, агар ёзга етиб олсангиз, гуллар бағрида хумор тарқатасизлар. Аммо агар (мен ўшанда) ўлган бўлсам, мозорим тошига бир шўх (ёрнинг) қурбони бўлди деб ёзасизлар).

Мажлис аҳли Қобулийнинг шаънига таҳсин ўқиди. Шу билан туюқ тўғрисидаги баҳсга чек қўйилиб, сўз шашмақом тарихи, қайси вазннинг қайси оҳангига мое келишига кўчди. Мажлис аҳлининг илтимосига кўра Али Ғарибий қўлига танбур олди. Яна бири дуторини созлай бошлади· Хонада киши руҳини аллаловчи куй таралди.

Чашми бемори ту ҳар дам нотавонам мекунад,
Лаъли жон бахши ту, жоно, қасди жонам мекунад
(Сузилган кўзларинг ҳар доим мени ожиз қилиб қўяди, ҳаёт бағишловчи лабларинг эса, жонон, жонимга қасд қилади).

Бу ўша вақтда Хуросонда севиб айтиладиган ашула бўлиб, унинг шеърини Мавлоно Али Ғарибий ёзган эди.

Алишер отасининг тиззасига бошини қўйганича қўшиқни ҳузур қилиб тингларди.

Ниҳоят, меҳмонларга ош тортилди, чойдан сўнг улар ўринларидан қўзғалдилар. Ғиёсиддин тиззасига бош қўйиб ухлаб қолган ўғилчасини авайлаб кўрпачага ётқизди. Мир Сайид ва Али билан бирга меҳмонларни кузатиб чиқди.

МАКТАБ

1445 йили тўрт яшар Алишер олийнасаб оилаларнинг фарзандлари таълим оладиган мактабга берилди. Гилам тўшалган чоғроқ хонада болалар чордана қуриб ўлтиришарди. Болаларнинг ҳаммаси яхши кийинган, бошларида саллача, қўлларида Қуръон, ёнларида кичкина қора тахта. Тўрдаги кўрпачада ўтирган ўқитувчининг юзи нуроний бўлса-да, қовоқлари чимирилган, кўзлари жиддий ва таҳдидли боқади. Унинг кўнглидаги меҳр ва оталарча ғамхўрлик ифодаси юзидаги ясама ғазаб пардаси билан беркитилган. Ўқувчилар ҳамиша ундан ҳайиқишлари керак. Агар у тишининг оқини кўрсатиб қўйса бас, талабалар дарҳол тўпалонни бошлаб юборишади.

«Гарчи булар оқсуяклик даъво қиладиган кишиларнинг болалари бўлсалар-да, улар ўзларига хўб бино қўйиб фарзандларининг аъло хулқи ва тарбиясига ишонсалар-да, бари бир ёш бола ёш болалигига боради. Шунинг учун уларни қаттиқ қўлда маҳкам ушлаш шарт, шундагина улар билим оладилар», – деб фикр қилар эди домла. Шунинг учун у юрагидаги болаларга нисбатан бўлган меҳрни ирода билан жиловлаб, уларга қаттиққўллик билан муомала килар эди. Унинг куни болалар билан олишиб ўтар, ҳаммавақт унинг қўли баланд келарди. Юмшоқ табиат, кўнгилчан бу одам бутун умрини болаларни шундай усул билан тарбиялаб, уларга билим беришга бағишлаган эди. Ўқувчилар ундан қўрқсалар-да, аммо уни ниҳоятда ҳурмат қилишарди. У пухта билим берар, одоб ва тавозени «эзиб ичирарди».

Ҳар бир бола ўзича овоз чиқариб «Каломуллоҳ»ни ўқийди. Бағир-буғирдан қулоқ қоматга келади. Шовқиндан гаранг бўлган бола ўқишни тўхтатса, муаллим ўша онда унинг ёнида пайдо бўлиб танбеҳ беради. Бола яна ўқишга тушади. Шу йўсинда бир қанча фурсат ўтгач, муаллим болаларни ўқишдан тўхтатади. Ёнидаги китоблардан бирини очиб халфага узатади. Бу Саъдий Шерозийнинг «Гулистон»и эди.

Халфа ўқий бошлади. Ҳикоя ғоят қизиқарли. Ўқитувчи болаларни назмдан хабардор этишни ўз бурчи ҳисоблар, шу боис «Каломуллоҳ»дан ташқари «Гулистон» ва «Бўстон» каби китобларни мустақил мутолаа қилишга рухсат берган эди.

Бир нарсани ҳадеб такрорлай беришдан толиққан ўқувчилар янги мавзу ва мароқли ҳикоя туфайли сал дам олган бўладилар. Сўнгра яна қироат бошланади. Хонада яна сурон кўтарилади.

Алишер мустақил мутолаа учун Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» китобини танлади.

Қушлар Симурғ номли подшоҳларини қидириб йўлга чиқадилар. Йўл оғир ва машаққатли. Бу азобга чидолмай кўп қушлар йўлдан қайта бошлайдилар. Қушларнинг бошлиғи Ҳудҳуд уларга кўп таъна ва тазир қилади. Катта бир галадан атиги ўттиз қуш кўзланган тоғ чўққисига етиб борадилар. Аммо бу тоғ чўққисида ҳеч қандай тирик зот йўқ эди. Қушлар ҳайрон бўлиб Симурғни қидирадилар. Аммо уринишлари зое кетади. Пировардида маълум бўладики, барча азоб-уқубатларга чидаб, йўл машаққатларини енгиб бу ерга келган ўттиз қушнинг ўзи Симурғ экан. (Форс тилида Си-ўттиз, мурғ– қуш демакдир). Хулоса, ҳар бир жонивор шундай имтиҳондан ўта билса, у камолот касб этади.

Бу ўша замонда кенг ёйилган пантеизм таълимотига оид бир ҳикоя эди. Бу таълимот барча борлиқ, шу жумладан, инсон ҳам буюк илоҳиятнинг аксидир, деб уқтиради. Шунинг учун коинот ва инсонни севиш Аллоҳни севиш демакдир, деб таълим берар, ҳаёт ва инсонга меҳр қўйишга ташвиқ этар эди.

Ёш Алишер бу достонни севиб ўқиди. Унинг нозик қалби улуғ шоирнинг мазмундор ва бадиий баркамол мисраларидан ғоят таъсирланди. Алишер бу асарга шундай майл пайдо

қилдики, аста-секин бошқа гапларни унутди. Алишер бу китобни қўлидан қўймай ўқир, ҳар бир байтни қайта-қайта такрорлар, жасур Ҳудҳуднинг матонатига қойил қоларди. Гоҳо болалар билан сўзлашганда ўша китобдаги ҳикоялардан гапирар эди. Қушларнинг бир-бирлари билан қилган мулоқот ва баҳслари Алишернинг фикр-зикрини банд этди. Қушлар айтган ҳар бир фикрнинг мағзини чаққанда у ниҳоятда хурсанд бўлиб кетар эди.

Шу йўсинда бир қанча фурсат ўтди. Бола ўртоқларидан тамомила узилди, ҳеч кимнинг гапи унга ёқмас, болалар билан ўйнаш, суҳбатлашишдан ўзини тортарди. Агар биров Алишерга кундалик турмушдаги гаплардан гапирса, унинг ғаши келар, имкони борича одамлардан холи юрарди. Охир-оқибат шунга бориб етдики, Алишер одамлардан батамом узоқлашишга қарор қилди. У ўзича ғурбат ихтиёр қилиб, бир чекка жойга чиқиб кетсам, шу билан бемаъни одамлардан холироқ юрсам, деб ўйларди. Болалар унинг юриш-туришидан ҳайратга тушдилар. Улардан бири Алишернинг ота-онасини бу ҳолдан хабардор этди. Ота-она севимли фарзандлари телбалик дардига мубтало бўлмадими экан, деган хавотирга тушиб қолдилар. Қариндош-уруғ ташвишлана бошлади. Ниҳоят, улардан бирининг маслаҳати билан китобни яшириб қўйдилар. Алишерга дунё қоронғи бўлди. Гўё қуёш нурлари тўсилгандек туюлди. Отаси унга бу китоб тўғрисида сўзлашишни ҳам тақиқлади. Онаси ўғлини бағрига босиб, ўйнаб-кулиб юришини, бу китоб тўғрисида ўйламаслигини илтижо қилди. Орадан анча вақт ўтди. Ота-она ўз тадбирларининг бефойда эканини англадилар. «Мантиқ ут-тайр»нинг ҳар бир мисраси боланинг хотирида маҳкам ўрнашиб қолган эди. Унинг кўнгли ҳамон «Қуш тили» билан сирдош, бошқа гап-сўзга заррача мойиллик кўрсатмас эди. Энг яхши ҳакам – вақт. Кунлар ўтди. Алишер яна ўз машғулотлари билан банд бўла бошлади. Лекин «Мантиқут-тайр» унинг қалбида бир умр сақланиб қолди.

ҚИРОАТ ДАРСИ

Бир куни Алишернинг отаси Ғиёсиддин баҳодир уйда кичик бир маросим ўтказди. Унда бир қанча шу оилага яқин бўлган мўътабар кишилар жам бўлдилар. Аммо тадбир дарҳол бошланмади. Ҳаммалари кимнидир кутмоқда эдилар. Ниҳоят, сал фурсат ўтгач, бир нуроний чеҳрали, ўрта бўйли, сал тўлароқ киши салом бериб хонага кириб келди. Ҳамма ўлтирганлар дарҳол ўринларидан дик этиб туриб келган меҳмонни эъзоз билан кутдилар ва тўрга ўтқаздилар. Бу киши тўрга ўтиб ўлтирди. Кўлини фотиҳага очди. Фотиҳа тортилгач, суҳбат давом этди.

Бу киши тасаввуф илмида ўзининг ғоят билимдонлиги билан машҳур бўлган Ҳофиз Али Жомий эди. Яна бу зот Қуръонни қироат билан ўқимоқ санъатини мукаммал эгаллаган эди. Яна шеърларни ҳам қироат билан ўқимоқда.

Ҳофиз Али Жомий беқиёс эди. Шаҳардаги кўп қорилар ундан таълим олганлари билан фахрланар эдилар.

Меҳмонлар тарқалишгач, Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Ҳофиз Али Жомийдан бир оз муддатга қолмоқни сўради. Сўнг хонага ёш ўғилчаси Алишерни олиб кириб Жомийга рўбарў этди. Сўнг унга деди:

Муҳтарам устоз, бу ўғилчамиз сизнинг қўлингизда қироат дарсини ўтса, деган истагимиз бор эди.

Ҳофиз Али Жомий таъзим билан қаршисида турган болага диққат билан қаради. У майин бир табассум билан болага деди:

Қироат ўрганмоқни истармисан?

Истайман.

Бўлмаса эртага эрталабдан бизнинг хонақоҳга келгин. Эртаси куни Алишер айтилган

жойга етиб келди. У Ҳофиз Али Жомийдан қироат дарсини ола бошлади. Бу дарё Қуръонни баланд овоз билан ўқув усулларининг барчасини ўз ичига олар эди. Яна Алишер устоздан шеърларни ҳам оҳанг билан ўқишни ўрганди.

Мактабдош талабалар орасида шеър ва нафосатни чуқур ҳис этадиган Ҳусайн деган бир болани Алишер ўзига яқин олиб юрарди. У Алишернинг қушлар ҳақидаги ҳикояларини диққат билан тинглар, айрим болалар Алишернинг бу достон таъсирига берилиб кетганига истеҳзо билан қарасалар, Ҳусайн уларга танбеҳ берар, бундай баҳсларда у Алишернинг ёнини олар эди. Кўп ўтмай Ҳусайн билан Алишер қалин дўст бўлиб кетдилар. Улар доим бирга юрар, ўтилган дарсларини бирга такрорлашар, ўқиган асарларини муҳокама қилишар эди.

Ҳусайнларнинг оиласи ҳам Алишерлар оиласи билан жуда яқин эди. Ҳусайннинг бобоси Мирза Бойқаро Хуросон подшоҳи Шоҳруҳ хизматида бўлган. Ҳусайннинг отаси Ғиёсиддин Мансур эса давлат хизматидан ўзини четга тортди. Султон Ҳусайн етти яшар эканида унинг отаси дунёдан ўтди. Бобоси эса ундан олдин вафот этганди. Шундай қилиб, Темур авлоди, Умар шайх уруғидан бўлган бу оиланинг ягона вакили сифатида Ҳусайн қолди. У онаси Фируза бегим қўлида яхши тарбия олди. Фируза бегим Мовароуннаҳр ҳукмрони Султон Абу Саиднинг энг яқин қариндошларидан эди. Алишернинг ота ва она уруғи бу подшоҳзодалар оиласи билан азалдан яқин муносабатда эдилар.

Алишер ва Султоннинг дўстлигига фақат уларнинг болаликдан бир-бирига юлдузи тўғри келгани эмас, балки ана шу оилалар ўртасидаги яқинлик ҳам сабаб эди. Унинг дўстлиги бир умр давом этди.

1447 йил Хуросон ва Мовароуннаҳр подшоҳи Шоҳруҳ Мирзо вафот этди. У ҳаёт пайтида марказий ҳокимиятга қарши бош кўтариб юрган бек ва шаҳзодалар энди тахт талашиб бир-бирларига қарши қонли уруш бошладилар. Кўп бошлар кесилди, бегуноҳ халқнинг қони дарё бўлиб оқди. Кўп оилалар бу нотинч ўлкадан – уруш авж олган Хуросондан олис юртларга йўл олдилар. Ғиёсиддинлар оиласи ҳам улар орасида эдилар.

ТАФТ ШАҲРИДАГИ УЧРАШУВ

Хонақоҳ эшиклари ланг очиқ. Икки қаватли, ўзига яраша хашаматга эга ғиштин иморатнинг деворларида қуёшга қараган сон-саноқсиз кичик-кичик дарчалар бор эди. Қалин деворлар ёзда иссиқни ўтказмайди, қишда эса унинг ҳароратини сақлайди.

Ёз охирлаб қолган бўлса-да, чошгоҳ пайтлари қуёш ҳамон ерни яхшигина қиздиради. Сув сепилган кенг ҳовли салқин. Ҳовли этагидан ўтган ариқдан муздек эпкин уриб турибди. Муаззам қайрағоч, бақатеракларнинг барглари енгил шитирлайди.

Хонақоҳ ҳужраларидан бирининг олдидаги супачага тўшалган гиламча устида нуроний бир мўйсафид ўтирибди. Унинг олдидаги мўъжазгина хонтахтада чойнак-пиёла, икки– уч китоб турибди. У пиёладаги чойдан бир-икки ҳўплаб, тиззасидаги очиқ китобни ўқишга тутинди.

Кўчадан болаларнинг шовқин-сурони эшитилди.

Мўйсафид ҳорғин кўзларини китобдан узиб, кўчага боқди. Унинг сержин юзида ташвиш ифодаси пайдо бўлди. Хонақоҳнинг қаршисидаги карвонсарой майдонига катта бир карвон келиб тўхтади. Оғир юклар ортилган туялар ҳорғинлик билан чўкдилар. Уларга ортилган кажавалардан хотин-халаж, бола-чақалар тушишди. Эркаклар у ён-бу ён югуриб юкларни саранжомлашга киришдилар. Кажаваларнинг безаклари, тугунларнинг ҳажмдор ва кўплиги бу карвоннинг олдий савдогарлар карвони эмаслигини билдирар эди. «Омонлик

ва тинчлик излаб йўл олган дарбадарлар бўлса керак», деб ўйлади чол. Бир оздан сўнг янги келганлар жойлашиб олишди. Сал ўтмай карвондаги бир тўда бола хонақоҳнинг салқин ҳовлисига тўпланишиб қувалашиб ўйнай бошладилар.

Уларни кузатиб ўтирган мўйсафид болаларни ёнига чорлади:

– Қани, болаларим, бу ёққа келинглар-чи. Болалар нотаниш мўйсафиднинг овозини эшитиб чумчуқ галасидек тўзиб кетишди. Фақат 5-6 яшар бола қолди, холос. Унинг бошида оқ саллача, эгнида юпқа қизил матодан тикилган ихчам камзул, оёғида этикча. У чопқиллаб келиб қўлчаларини кўксига қўйганича салом берди.

– Ўғлим, отинг недур? – деб сўради мўйсафид.

– Алишер, – деди бола.

– Мактабга қатнайсанми?

– Қатнайман. Қуръоннинг «Таборак» сурасигача ўқиганман. Бола мўйсафиднинг саволларига бурро жавоб берар эди. Унинг ўзини тутиши, одоби мўйсафидга ёқиб тушди.

– Мен чақирганимда ўртоқларинг қочиб кетди. Сен эса ҳузуримга келдинг. Сўроқларимга яхши жавоб қилдинг. Шунинг учун сенга раҳмат. Умринг узоқ, бошинг омон бўлсин. Олим, фозил бўлиб яхши обрўга эришгайсан, – мўйсафид уни дуо қилди.

Алишер бошини қуйи солганича мўйсафиднинг дуосини тинглар эди. Қочиб кетган болалар Алишернинг нотаниш мўйсафид билан суҳбат қилаётганини бориб айтган бўлсалар керак, Ғиёсиддин етиб келди. У мўйсафидни таниб, эҳтиром билан саломлашди. Мўйсафид Алишерни кўп мақтаб, уни яна дуо қилди. Шундан сўнг ота-бола у киши билан хайрлашиб, карвонсарой сари равона бўлдилар.

Йўлда Алишер отасидан бу кишининг кимлигини, унга бу қадар ҳурмат кўрсатганининг боисини сўради.

– Бу киши машҳур олим, тарихчи Шарафиддин Али Яздий бўладилар! – деб жавоб берди Ғиёсиддин. У ўғлига олимнинг хизматларини, мартабасини тушунтирди.

Бу учрашув 1447 йили Тафт шаҳрида юз берди. Шарафиддин Али Яздий ўша даврнинг таниқли тарихчиси эди. У ёзган «Зафарнома» китобида Ўрта Осиё, Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон халқларининг тарихи, Амир Темур қўшинларининг фотиҳлик юришлари, уларнинг эришган ғалабалари муфассал тасвир этилган. Кексайиб қолган тарихчи олим Хуросоннинг кейинги ҳукмрони Султон Муҳаммад даврида ўз она юрти Язд яқинидаги Тафт шаҳрида жойлашиб, шу хонақоҳда истиқомат қилар эди.

Алишернинг Шарафиддин Али Яздий билан бўлган бу учрашуви рамзий маъно касб этарди. Бу – ўз даврининг буюк тарихчиси ҳамда келажак алломасининг учрашуви эди. Болалигида Али Яздий таважжуҳига сазовор бўлган Навоий кейинчалик ўз замонасининг зукко тарихчиларига ҳомий ва устоз бўлди. Чунончи, балхлик Сайид Хоншоҳнинг ўғли Мирхонд Навоийнинг таклифига биноан умумий тарих бўйича катта асар яратди. Бу ҳақида Навоий бундай деб ёзган: «Бу фақир илтимоси билан офаринийдин бу кунгача тарихи жомий битибдурким, таснифига етибдур, иншоАллоҳ тугатурга, тавфиқ топгайким, таворих орасида андин муайянроқ тарих бўлмагусидир».

(У киши менинг илтимосимга кўра дунё яратилишидан тортиб, ҳозирги кунгача умумий тарих (китоби) ёзмоқда, ниҳоясига етиб қолган, худо хоҳласа тугатар, тарихлар ичида бундай аниқроқ тарих бўлмаяжак).

Навоий тарбиясида Хондамир, Восифий каби тарихчилар етишиб чиқди. Навоийнинг ўзи «Садди Искандарий» достонини ёзишда ва бошқа асарларини яратганда ўзининг билимдон тарихчи эканини кўрсатди...

Ғиёсиддин ўғли Алишерни етаклаганича карвонсарой сари йўл олди. У мамлакатнинг осуда кунларга эришишини, ўғлининг улуғ олим ва фозил киши бўлиб етишишини орзу қиларкан, бугунги учрашувни саодатли келажакдан башорат деб ишонар эди.

Хуросон нотинч кунларни бошдан кечирмоқда эди. Маҳаллий ҳукмдорлар бир-бирлари билан уруш олиб боришар, деҳқончилик издан чиққан, турмуш тарзи бузилган эди. Бутун авлод аждоди подшоҳ саройига дохил бўлган, подшоҳнинг яқинларидан ҳисобланган Ғиёсиддин оиласи то ўз тарафдорларининг қўли баланд келгунча ғанимларининг кўзидан нарироқ бўлиш учун Ироқи Ажам сари йўл олган эди.

Ғиёсиддиннинг оиласи Хуросонга фақат 1452 йил бошларида қайтишга муяссар бўлди. Бу вақтда Хуросон ҳокимияти Абдулқосим Бобур қўлига ўтиб, мамлакатда қисман тартиб ўрнатилган эди. Ғиёсиддин подшоҳ билан яқин бўлгани учун Сабзавор шаҳрига ҳоким этиб тайинланди.

САБЗАВОР

Хуросоннинг қадим шаҳарларидан бўлган Сабзавор унча катта эмас. У Жебаруд дарёси ёқасида жойлашган. Катта ва шуҳратли Нишопур шаҳрининг яқинида. Сабзавор кўм-кўк дарахтлар ва гулзорларга тўла. Ҳар бир ҳовли ва майдонда ёз пайти ранг-баранг гуллар товланади. Шаҳар атрофи боғлар ва экинзорлар билан чулғанган.

1452 йилда тайинланган Сабзаворнинг янги ҳокими ўз оиласи билан келиб бу ерда яшай бошлаган. Ғиёсиддин адолат билан иш тутарди. У золимларга жазо бериб, мазлумларнинг бошини силамоққа ҳаракат қиларди. Унинг элу юрт ва ўз хизматдошлари ўртасида эътибори яхши. Ғиёсиддин қатъий иродали, кескин фикрли сиёсатчи ҳамда очиқ ва юмшоқ кўнгилли киши эди.

Ғиёсиддин хизмат юмушларидан бўш вақтини кўпинча оила даврасида ўтказарди. Айниқса, у катта ўғли Алишер билан суҳбат қурарди. Гарчи суҳбатдоши кичик ёшли бўлса–да, Ғиёсиддин унга жиддий мулоҳазаларини баён қиларди, кўрган-билганларидан сўйлаб, эшитганларидан хулосалар ясамоққа ўргатарди.

Бир куни отаси Алишерга ўз бошидан ўтган бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

Кеч кузнинг аёзли кунларидан бирида Ғиёсиддин хизмат иши билан сафарга чиқди. У қора тўриқ йўрғага миниб борар эди. Эгнида калта пўстин – жубба, бошида телпак. Ғиёсиддинни кузатиб бораётган икки мулозими ҳарбий кийимда. Уларнинг остидаги отлар ҳам хўжайиннинг отига тақлид қилгандай илдам йўрғалайдилар. Сафардошлар ўзаро суҳбатлашиб кетмоқдалар. Йўлнинг икки томони кенг дала. Ҳосили йиғиштириб олинган ерлар ҳайдаб қўйилган. Шудгорлар оралаб гала-гала қушлар кезади. Гарчи қуёш чиқиб турган бўлса-да, ҳаво анча совуқ. Унда-мунда дарахт шоҳлари, сарғайган ўтлар учида қиров йилтиллайди.

Тўсатдан Ғиёсиддиннинг оти бир сесканди-ю, ўзини четга олди. Отлиқлар суҳбатдан тўхтаб, отларнинг тизгинини тортдилар. Отлар тўхтади. Йўл четидаги пастқам дарахтлар ортидан бир киши чиқиб келиб, отлиқлар қаршисида йўл ўртасида тўхтади. Унинг оёғида чориқ, эгнида эски пахтали чопон, бошида кулоҳ бор. У елкасидаги хуржунини олиб ёнига қўйди ва икки кафтини бирлаштириб деди:

– Ассалому алайкум, яхшилар! Худо йўлингизни оқ, сафарингизни бехатар қилсин. Бу гумроҳ қаландарга бир эҳсон қилиб ўтингиз.

Шундан сўнг у пичирлаб бир дуо ўқиди-да, «Илоҳо омин» деб икки кафтини юзига олиб бориб, юзига сургач, ҳамроҳлари сари чўзди.

Отлиқлар ҳам фотиҳа тортган бўлдилар. Сўнг Ғиёсиддин имоси билан сипоҳий йигитларнинг бири остидаги отнинг эгарига ортилган хуржуннинг кўзига қўлини тиқиб бир сиқим танга олди ва уни қаршисида турган дарвешнинг ҳовучига тўқди. Қаландар тангаларни оёғи остидаги хуржуннинг кўзига солди-ю, яна бир бор дуо қилди. Шундан кейин у йўлда давом этмоққа чоғланган Ғиёсиддинга қараб:

– Жаноби олий, эгнингиздаги жуббани ҳадя этсангиз эди. Аллоҳнинг қулига бу ҳавода хўб яраган бўлар эди, – деди.

Ғиёсиддин бу гапни ҳазилга йўйди ва шу йўсинда жавоб берди:

– Аллоҳ ҳар кимга ўз улушини ўз вақтида берур. Бир кун насиб этса сизга айтганингизни ато этур.

– ИншоАллоҳ, – деди қаландар. – Худонинг иноятимўл. Яқин ўртада насиб бўлиб қолар.

Орадан икки-уч кун ўтди. Ғиёсиддиннинг хизмат сафари давом этарди. Бир маҳал йўлда яна бир қаландар дуч келди. Бундай ҳол тез-тез бўлиб турар эди. Шунинг учун Ғиёсиддин ва унинг йўлдошлари қаландарга садақа бериб ўтиб кета бердилар. Улар бир оз масофа ўтганларидан кейин сипоҳий йигитлардан бири Ғиёсиддинга деди:

– Жаноби олий, ушбу қаландар ўтган куни учраган ва сиздан жуббангизни талаб қилган киши эди.

Ғиёсиддин кулиб жавоб қилди: – Қаландар, дарвешлар шундай кўпки, уларни эсда сақлаб қолмоқ ҳам осон эмас.

– Мен унинг жуббага астойдил тиқилганидан билдим. Олдинги сафар ҳам кўзини узмаган эди.

Яна бир-икки кун ўтди. Сафар давом этар эди. Бу фурсатда Ғиёсиддин бир неча кент ва навоҳийларда бўлди. Маҳаллий бошлиқлар билан суҳбатлашди, кишиларнинг арзу додини тинглади. Ҳар бир бундай сафар ҳам давлат амалдорининг тажрибасини бойитади, ҳам элу юртнинг ҳожатини раво қилади. Ҳар ҳолда Ғиёсиддиннинг сафарлари шундай бўлади. Аммо жойларга келиб айшу ишрат билан машғул бўладиган, порахўрлик қилиб, совға-саломлар йиғиб бойлик орттирмоққа интилувчи малъун шахслар ҳам амалдорлар орасида оз эмас. Манфаатпарастлар фақат ҳоким идораларида эмас, руҳонийлик даъвосини қилувчилар орасида ҳам топилади.

Бугун ҳаво совуб кетди. Йўл бўйида яккам-дуккам ўсган буталарда қировлар кумушдек ялтирайди. Қиров далалар юзини ҳам шўр кўпигидек қоплаган. Ғиёсиддин ва унинг ҳамроҳлари вақтли йўлга чиққанлар. Отларнинг нафаси атрофга оқ буғлардек ёйилади. Отлиқлар ҳам қунишиб борардилар. Гоҳо қўлларини оғизга етказиб ҳовур билан иситадилар. Тўсатдан Ғиёсиддиннинг кўзи дала йўлнинг четида ўлтирган бир яланғоч одамга тушди. Унинг яланг оёғида кавуш, авратини сарғиш бўз иштон беркитган, белидан юқориси эса қип– яланғоч, бадани бўйнигача совуқдан кўкариб кетган. Бошидаги эски кулоҳ четида совуқдан қизарган қулоқлари бўртиб турибди. Қўли садақа сўраб олдинга чўзилган. Гадонинг аянч аҳволи Ғиёсиддиннинг дилини эзиб юборди. У отини гадо қаршисида тўхтатди. Хамроҳлари ҳам тўхтадилар. Ғиёсиддиннинг буйруғи билан йигитлардан бири отдан тушди. У хуржундан бир оз танга олиб дарвешнинг кафтига солди. Дарвеш дуо қилиб тангани олди-ю, ўша заҳоти уни ёнидаги хуржунга солди ва бояги ҳолатда ўлтиришда давом этди. Ғиёсиддин қатъий ҳаракат билан ўзининг эгнидаги жуббасини ечди ва йигитга узатиб деди:

– Дарвешга кийгизингиз.

– Йигит Ғиёсиддиннинг оти ёнига югуриб келиб, Ғиёсиддин узатиб турган жуббани олди ва дарвешнинг ёнига қайтиб келиб, жуббани унинг яланғоч кифтига ёпди. Дарвеш

миннатдорлик билан ғудраниб дуо кила кетди. Фотиҳа тортилгач, Ғиёсиддин ва унинг икки йигити ўз йўлларида давом этдилар...

Бу воқеани Алишерга айтиб бергач, Ғиёсиддин бир кулиб қўйди ва деди:

Қизиғи шундаки, ўша яланғоч дарвеш биринчи бор учрашганда жуббани ўзига сўраган қаландар экан. Иккинчи бор учраган ҳам ўша бўлган. Учинчи маротабада эса яланғоч йўлга чиқиб, ўтишимизни кутиб ўлтирган экан.

Яланғоч ҳолда совуққа қотиб турган кишининг ёнидан бефарқ ўтиб кетмаяжагингизни билган-да.

– Шундай, ўғлим. Ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом Маккада Каъба иморатини бино қилганлар. Сўнг шу ажойиб иншоотга фахр билан боқиб турганларида ғойибдан овоз келибди: «Бир очниму тўйдурдинг ёки бир яланғочнимики буткардингки, ғурурланасен!». Демак, бир очни тўйғазмоқ, бир яланғочни кийинтирмак Каъбани бино қилгандан ортиқроқдир.

Бу сабоқлар Алишернинг хотирида бир умрга ўрнашиб қолди.

СУҲБАТ

Сабзаворда яшаган пайтларида Алишер 11-12 ёшларда эди. У вақтларда Алишер мансуб бўлган доираларда бу ёшдаги болалар илм ўрганиш билан жиддий шуғулланганлар. Ҳиротда тўрт ёшидан мактабга қатнай бошлаган Алишер ўқиш, ёзишни ўрганган, олти ёшида Қуръоннинг «Таборак» сурасигача ўқиган бўлса, Ироқи Ажамда экан пайтларида уни батамом тугаллади, яна араб тили қоидаларини ҳам ўрганди. Болаликдан туркий ва форсийда тили чиққан Алишер энди араб тилини ҳам яхшигина билиб олган эди. Сабзаворга келган йиллари Алишер туркий, форс, араб тилларида, ўқий ва ёза олар, эркин сўйлашар эди.

Ғиёсиддин Ҳиротда бўлгани каби Сабзаворда ҳам олим, фозил кишилар билан кўп суҳбат қурар эди. Бундай суҳбатларда Алишер ҳамиша отасининг ёнида ўлтирар, фозилларнинг сўзларига қулоқ осар, гарчи ўзи чурқ этмай ўлтирса-да, ҳар бир ҳикматли гапни уқиб олмоққа тиришар эди.

Пайшанба оқшоми. Ғиёсиддиннинг ташқари ҳовлисидаги гулзорда мўл суғорилган гуллар ранг-баранг тусланадилар. Гуллар япроғидаги дур каби сув томчиларида ботаётган қуёш нурларининг ранги заиф акс этади. Енгил эсаётган шаббода хушбўй райҳон ҳидларини гулзордан супа сари елпиб етказади. Вақт оқшомга қараб келмоқда.

Супадаги гиламлар устига солинган кўрпачаларда ўрта ёшлардаги нуроний чеҳрали тўрт киши гаплашиб ўлтириптилар. Ўртадаги пастак миз устига дастурхон ёзилган, унга турли ноз-неъматлар тортилган. Одатдагидек супанинг пойгасида Ғиёсиддин, унинг биқинида Алишер ўлтиришипти.

Тўрда ўлтирган оқ соқол-мўйлабли, қорақош ва қоракўз, ўткир нигоҳли хипча бир киши қўлидаги шарбат тўла пиёладан бир ҳўплади-да, пиёлани дастурхон четига қўйди ва сўзида давом этиб деди:

Бу фармондан мен мамнундурмен. Исфаройин бизнинг она юртимиз. Аммо узоқ йиллар у ерлардан олисда юрдик. Энди яна она ер, она эл билан дийдор кўришмоққа мушарраф бўлғайбиз.

– Мавлоно, – деди Ғиёсиддин, – биз сиз ила бирга Сабзаворга келдик. Бу ерда оз фурсат бирга хизмат қилдик. Сизнинг қозилик маҳкамасида ўрнатган адолатли иш тартибларингиз Сабзаворда подшоҳ ҳокимиятининг барқарорлик касб этмоғига катта хизматлар қилди. Шунинг учун ҳам бизда, ҳам элу-юртда сизнинг кетмоғингиз таассуфлар қўзғатар. Аммо начора, амри подшоҳ ҳамиша вожибдир.

Мулла Абдулваҳҳоб Сабзаворда қозилик хизматини хўб адо этдилар. Исфаройинга ҳам шундай зот зарур бўлиб қолган кўринадур. Ҳар ерда бўлсалар ҳам соғ-омон бўлсалар, ишлари ривож топаберса, бизнинг тилагимиз шудир, – деди Ғиёсиддиннинг ўнг томонида ўлтирган ўрта бўйли мошгурунч соқол-мўйлаби ўзига ярашиб турган, хушбичим, очиқчеҳра киши. Бу одам олим ва фозил Дарвеш Мансур эди. Чап томонда юзи сарғишнамо, оқ мўйлабли, пешонаси тепасидан сочлари тўкила бошлаган, қора ҳожи дўппи кийган киши ўйчанлик билан ўлтирипти. У Сабзаворда номи чиққан мусиқий усталаридан. Оти Хожа Юсуф Бурҳон. Танбур, уд, ғижжакни яхши чалади. Тўрда қози Мавлоно Абдулваҳҳобнинг ёнида ўлтирган киши эса барваста, серсоқол, ўткир нигоҳли бир одам бўлиб, у Сабзавор фозилларидан Хожа Авҳад Муставфийдир. Бу киши кўп илмларда, хусусан фалакиётда мукаммал билимдондир. Яна у шеърлар ҳам ёзади. Сохибдевон шоирдир. Лақаби Кадуд.

Ҳалигача гапга аралашмай ўлтирган Хожа Авҳад орага бир дақиқа тинчлик чўккач, деди:

– Мавлоно Абдулваҳҳобнинг ташрифлари Исфаройин учун қанча хурсандлик бахш этса, Сабзавор учун шунчалар бунинг аксидир. Айниқса, Мавлононинг ёқимли суҳбатларидан баҳравар бўлиб ўрганган бизлар учун бу жуда сезиларли бўлур. Шу кайфият ўлтирган барчанинг фикрида ҳукмрон эди.

Мавлоно Абдулваҳҳоб Сабзаворга Ғиёсиддин билан бир вақтда қози этиб юборилган эди. Улар биргаликда ҳамжиҳатлик билан иш тутдилар. Қонун-қоидалардан ҳеч чекинмадилар. Натижада Сабзавор Хуросон ўлкасининг маъмур, осойишта бир шаҳари бўлиб қолди. Энди фармойиш келиб, Мавлоно Абдулваҳҳоб Исфаройин шаҳарига қози этиб юборилмоқда. Дўстлар бу кеча хайрлашувга йиғилганлар. Шунинг учун суҳбатнинг умумий руҳи сал маъюсона.

Хожа Юсуф Бурҳон қўлига танбурни олди. У Хожа Авҳаднинг гапи тугаши биланоқ танбурни чертиб, хониш бошлади.

Сенсен севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар,
эй моҳ, Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Ҳаққоки, қилич келса бошимга эшикингдин
Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...

Бу Хуросондаги энг йирик шоир, сўз подшоҳи деб лақаб олган Мавлоно Лутфийнинг ғазали. Бу шеърни кишилар тўй-маросимларда ҳам, тор суҳбатдошлар даврасида ҳам, ўзи ёлғиз қолганда ҳам куйлайдилар.

Лутфийнинг шеъри ҳам мазмуни билан, ҳам қўшиқнинг жозибаси, шеър руҳини тўла етказувчи оҳанги ҳамда қўшиқчи овозининг шираси ҳамда ижро маҳоратининг баландлиги билан суҳбат аҳлига кучли таъсир ўтказди. Суҳбатдошлар Лутфий таърифига ўтдилар, шеър ва мусиқа, бу иккала санъатнинг уйғунлиги тўғрисида сўз кетди.

Ёш Алишер учун бу суҳбатлар худди дарё кабидир. Яна бугунги суҳбат аҳлидан иккиталари Алишернинг ўқитувчиларидирлар. Хожа Юсуф Бурҳондан Алишер мусиқий илмини ўрганарди. Дарвеш Мансур Сабзаворий эса Алишерга аруз илми бўйича дарё берарди.

ДАРСЛАР

Дарвеш Мансур Сабзавор шаҳарининг шимоли– ғарбидаги эл оғзида Чинорли деб танилган мадрасада бир ҳужрада ёлғиз яшайди. Айтишларича, бу мадрасани Мовараунаҳр

томонидан келиб қолган бир савдогар қурдирган экан. Озгина вақф ери ҳам ўшандан қолган. Мадрасани бино қилган одам бошқа шаҳарларда савдо ишлари билан юриб, ўша ёқларда дунёдан ўтган. Авлоди ҳам бу ерда қолмаган. Аммо унинг мадрасаси, Мадраса ҳовлисида экдирган бир чинори ҳамон бор. Сабзаворлилар у одамнинг отини унутган бўлсалар-да, қурдирган иморати ва эккан чинорини қадр қиладилар, улардан баҳраманддирлар.

Алишер ҳар куни ҳали қуёш тиккага келмасидан бурун Чинорли мадрасага кириб келади. Бу ерда у икки соат давомида Дарвеш Мансурдан сабоқ олади.

Ёзнинг авж иссиқ кунлари. Мадрасада таҳсил қилувчи толиби илмлар таътилда. Дарвеш Мансур чинорнинг қуюқ сояси остида жилваланмоқда бўлган ҳовуз бўйидаги супада ёлгиз ўзи китоб ўқиб ўлтирипти. Шу вақт унинг қулоғига секин, одоб билан:

Ассалому алайкум, – деган овоз эшитилди. Дарвеш Мансур китобидан кўзини узиб, овоз чиққан томонга қаради. Супа ёнида таъзим билан Алишер турар эди. Унинг бошида оқ дўппи, эгнида бўйи баробар оқ юпқа аврa тўн, белида белбоғ. Яланг аёғида ихчам ковушча. Елкаси бўйлаб осилган таълида китоб, дафтар, қаламдоннинг учи чиқиб турипти.

– Ваалайкум ассалом, бек, келингиз, – деди Дарвеш Мансур ва ёнидан кўрпачадан жой кўрсатиб ўлтирмоққа таклиф қилди.

Алишер илдам таълини бўйнидан чиқариб кўрпачага қўйди-ю, муаллим каршисига чўкка тушиб ўлтирди. Муаллим фотиҳа қилди. Сўнг дарс бошланди. Ўқитувчи ва шогирд туркий тилда сўзлашар эдилар. Аммо дарс асносида гоҳо форсийга ҳам ўтиб кетардилар. Баъзан улар ўртасида араб тилида ҳам мулоқот бўлар эди.

– Вазифаларни адо этдингизми?

– Марҳамат.

Алишер таълидаги қоғозлар ичидан бирини олиб ўқитувчига узатди. Унда Хожа Ҳофиз Шерозийнинг ғазалларидан бир нечтасининг вазнлари белгилаб чиқилган эди.

Насиҳат гўш кун жоно, ки аз жон дўсттар доранд
Жавонони саодатманд панди пири доноро.

(Насиҳатга қулоқ ос, жоним, чунки саодатманд йигитлар доно устозларнинг ўгитларини жондан ортиқ севадилар).

Мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун Ҳазажи мусаммани солим.

– Мафоийлун қайси усулдандир?

– Ҳазаж усулидан.

– Нега мусамман деб атаймиз?

– Чунки усул саккиз бор такрорланади. Арабчада мусамман саккизланган демакдир.

– Нега солим дедингиз?

– Чунки усул тўласича келадир. Солим соғлом, тўла, тоза маъносидадир.

Бошқа мисоллар Саъдий, Хисрав Деҳғавий ғазалларидан эди. Ўкитувчи бажарилган вазифаларни синчиклаб текшириб чиқди. Маъқуллади. У таҳлил этилган шеърлар мазмуни, бадииятининг жозибасидан тўлқинланиб кетган эди.

– Бу ғазаллар ҳар жиҳатдан мукаммалдир. Бу асарлар форс шеъриятининг дурдоналаридирлар. Туркий тилда ҳам ана шундай дуру гавҳарлар яратмоқ сизнинг авлодингиз бажарадиган вазифа. ИншоАллоҳ, бу ҳам амалга ошгусидир.

Шундан сўнг Дарвеш Мансур Алишерга арузнинг бошқа усулини тушунтирди, унинг хилма-хил кўринишларини ўргатди. Сўнгра шогирдига шу мавзу учун вазифалар бергач, кетмоққа рухсат берди.

Алишер ўқитувчи билан хайрлашиб, Чинорли мадрасадан чиқди. У бир неча тор-тор кўчалардан ўтиб, бир гузар бошига чиқди. У ердаги дўконлар ёнидан ўтиб, чуқур серсув бир сой ёқасига келди. Сўнг шундоққина сой қирғоғидаги эшикка яқинлашди. Бу Хожа Юсуф Бурҳоннинг ҳовлиси. Ташқари ҳовлининг эшиги ланг очиқ. Алишер аста қадам ташлаб эшикдан ўтди ва ҳовлига кирди. Кун қиёмга яқинлашган. Ҳовли ўртасидаги гулзор хилма-хил рангларда товланади. Ҳовлининг четларида мева дарахтлари саф тортган. Тўғрида бир йўлак, унинг ичида ичкари ҳовлининг ёпиқ эшиги кўринади. Ўнг томонда эса меҳмонхона. Алишер меҳмонхона эшигига яқинлашди. Ичкаридан ашула овози эшитилар эди.

Расид мавсуми шодийю айшу тараб Агар гадо ба муроди диле расад чи ажаб.

(Шодлик, завқ, айш ва хушчақчақлик мавсуми етишди, бу ҳолда гадо дилидаги орзусига етишса, не ажаб).

Алишер то ашула тугагунча эшик олдида турди. Ниҳоят, ашула овози тинди. Алишер меҳмонхона эшигидан ўтиб, ўқитувчига салом берди.

– Ваалайкум ассалом, бек, келингиз, ўлтиринг. Хожа Юсуф Бурҳон қўлидаги танбурни деворга суяб қўйди, Алишерга ёнидан жой кўрсатди. Алишер бўйнидаги таълисини олиб ерга қўйди ва кўрсатилган жойга чўкка тушиб ўлтирди.

– Ушбу ғазални бугун битган эдим. Ҳозир уни «Исфаҳон» амалига солиб кўрдим. Ажаб, тўғри келадир, – деди Хожа ва Алишерга шеър ёзилган қоғозни узатди. Алишер варақка хушхат қилиб ёзилган ғазални ўқиди. Бу ҳозиргина эшитган ашуланинг сўзлари эди.

Ўқитувчи ижодий машғулоти таъсиридаги жўшқинлигини сал босиб олгач, Алишер билан навбатдаги дарсини бошлади. У аввал берилган вазифанинг ижросини текшириб чиқди. Сўнг Шашмақомнинг Рост мақомига оид қоидаларини тушунтира кетди.

ЁШЛИК ЙИЛЛАРИ

Болаликдан адабиётга чин юраги билан берилган Алишер жуда кўп шеърларни ёд билар эди. У кўпинча ўша шеърларни ёддан ўқиб уларнинг мағзини чақар, бу ажойиб сўз гавҳарларининг ранго-ранг товланувидан лаззат топар эди. Шеърга муҳаббати тушган Алишер ўзи ҳам жуда ёш пайтидан шеърлар машқ қила бошлаган. Унинг жуда гўзал ва жозибали ғазаллари, мухаммас ва мураббаълари мазмунан пухта, бадиий жаранги кучли бўлганидан эл оғзига тушиб кетди. Одамлар бу шеърлардан нусха кўчириб олар, анжуманларда ўқир эдилар.

Алишер туркий (ўзбек) тилида ёзган шеърларига «Навоий», форсий тилида ёзган шеърларига «Фоний» деб тахаллус қўяр эди. Шундай қилиб, у ёшликдан «Зуллисонайн» («Икки тилни эгаллаган») шоир бўлиб танилди. Навоийнинг ўзи кейинчалик бу тўғрида бундай деб ёзган:

Чун кичик ёшга манга бўлди насиб
Назм адосида хаёлоти ғариб.
Шеър ҳар синфинки, қилдим ибтидо
Турк алфози била топти адо...
Чун саҳоби табъим ўлди дурфишон...
Назмима эрди Навоийдин нишон...
Форсий назми ичра чун сурдим калам
Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам.
Файз еткоч ул маонийдин манго
Топти белгу назм Фонийдин манго.

Ёш шоирнинг жонбахш ва сеҳрли шеърлари Хуросон подшоҳи Абулқосим Бобур Мирзогача етиб борди. Табиатан адабиёт ва шеър мухлиси бўлган Султон Навоий шеърларининг юксак даражасига тан берди.

Тезда ёш Алишер Навоий Султон хизматига ўтди. Энди у Ҳиротда ва Машҳадда яшар эди. Кўпинча, Султон Абулқосим Бобур Мирзо суҳбатларида иштирок этар эди.

Абулқосим Бобур Мирзо камтарин, олдий турмуш тарзини ёктирувчи, шоирлар суҳбатини севган бир киши эди. Ўзи ҳам табъи назм эгаси бўлган. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» («Нафислар йиғини») китобининг еттинчи мажлисида Бобур Мирзонинг қуйидаги байти келтирилган:

Неча юзунг кўруб ҳайрон ўлайин,
Илоҳи, мен санга қурбон ўлайин...

Абулқосим Бобур Мирзо ёш Навоийга ғўмхўрлик қилиб, уни ўз ҳимояси остида тутди. Унинг ижодий қобилиятининг такомил топмоғига кўп рағбат кўрсатди. Натижада ёш шоирнинг адабиёт аҳли ва эл ўртасидаги нуфузи ўрнаша ва орта бошлади. Навоий ўз баланд мартабали ҳомийсининг бу муносабатини қадрлаб, кейинчалик «Мажолис ун-нафоис» китобида бундай деб ёзган эди: «Бобур Мирзо (нинг)... ҳиммати олдида олтуннинг дағи кумушнинг тош ва туфроғча ҳисоби йўқ эрди»[1].

Султон Абулқосим Бобур Мирзо кўнгли тортган ҳамсуҳбатлари билан боғ ўртасидаги тўрт тарафи очиқ кўшкда суҳбат қурмоқни ёқтирар эди. У ерда кичик мизлар атрофига кўрпачалар тўшалган. Мизларда дастурхон юзасидаги ликобчаларда турли-туман ноз-неъматлар тортилган. Султон ёнида, одатда суҳбатдошлар кўп бўлмас, фақат ўзига яқин бўлган бир неча кишилар йиғилар эди, холос. Сал четроқдаги миз атрофида эса хонанда ва созандалар жойлашганлар.

Ана шундай суҳбатлардан бирида Бобур Мирзо ўз отаси Шоҳрух Мирзо тўғрисидаги бир воқеани ҳикоя қилиб берди. Ҳиротлик машҳур меъмор Қувомиддин бир иморат бино этган. Бу бино Шоҳрух Мирзога ёқмаган. Шу билан улар ўртасига совуқлик тушган. Бир йилгача Султон меъмор билан учрашмаган.

Меъмор бундан изтироб чеккан, султон билан учрашмоқ йўлини қидирган. Янги йил олдидан меъмор осмоний жисмлар ҳаракатини тасвирловчи бир тақвим тузади. Уни садрга кўрсатади. Садр воситасида ниҳоят меъмор хоқон қабулига эришади. Шоҳрух Мирзога бу тақвим макбул бўлади. Шунда Шоҳрух мирзо кулиб туриб, меъморга қарата бундай байтни ўқиган экан:

Ту кори заминро неку сохти
Ки ба осмон яна пардохти.

(Сен ернинг ишини яхши бажариб, (энди) осмон ишига киришдинг). Шоҳрух мирзо ўқиган бу байт меъмор Қувомиддиннинг бинокорлик фаолиятига ҳам, осмоний жисмларнинг ҳаракати соҳасидаги билимдонлигига ҳам берилган юксак баҳо эди. Бу гап эл орасига ёйилиб кетди...

Ҳикояни якунлагач, Абулқосим Бобур Мирзо сал жимиди, ўлтирганлар Шоҳрух Мирзонинг топағонлигини баланд баҳоладилар. Шу суҳбатда бир чеккада ўлтирган ёш Алишер

[1] Навоий. Асарлар.-Т:. 1966. т. 12.172-бет.

Навоий гапга аралашмас эди. Навоий ўз ғамхорига ихлосмандлик билан боқди. «Ўшандек отадан мунингдек ўғил дунёга келган бўлса ҳеч ажабланарли эмас», деб кўнглидан ўтказди у.

Султон Абулқосим Бобур Мирзонинг бағри кенг, дилкаш бир киши бўлгани Шероздаги бир воқеада ҳам очиқ кўринади.

Шероз шаҳрининг жанубидаги бир қабристонда улуғ шоир ва мутафаккир Хожа Ҳофиз Шерозий дафн этилган. Мавлоно Муҳаммад Муаммоий Шерозда мукнат (ҳоким) пайтида шоир Ҳофиз мақбараси ёнига гумбаз бино қилдирган. Шу билан у улуғ шоир хотирасига муносиб бир ёдгорлик барпо этган. Султон Абулқосим Бобур Мирзо Шерозга келганда Мавлоно Муҳаммад Муаммоий султонни шу гумбазни кўрмакка таклиф қилди. Султон бориб Ҳофиз мақбарасини зиёрат қилди, ясалган гумбазни кўрди, таҳсин ўқиди. Султон шарафига зиёфат ҳозирланган эди. Мавлоно Мухаммад Муаммоий меҳмонни зиёфат хонасига бошлаб олиб кирди. Султон кўрганларидан мамнун, кўнгли хуш эди. Хонага киргач, султоннинг кўзи деворда осиғлиқ турган лавҳага тушди. Унда йирик жалий хати билан бир байт битилган эди. Султон байтни ўқиди-да, кулиб юборди. Сўнг деди:

– Э-ҳе, гап мундоқ экану, биз билмаган эканмиз. Султоннинг ёнидаги кишилар ҳам лавҳани кўриб унда ёзилган байтни ўқидилар:

Агарчи жумлаи авқоф ғорат кард Худош хайр даҳодки ин иморат кард[1]. (Агарчи шаҳар вақфларини бутунлай совурса-да, Худо хайрини берсинки, шу бинони қурди).

Енгил кулги кўтарилди. Ҳазил-мутойиба бошланиб кетди.

– Мавлоно марҳумлар ҳурматини тириклар ҳисобидан жойига қўйган кўринадилар.

– Арслоннинг ўлиги сичқоннинг тириги, дейдилар-ку.

Бу байтнинг биринчи мисраси олдинги мукнатларга, иккинчи мисраси эса Мавлоно шаънига битилган.

Агар ҳар бир ғорат қилинган вақфдан шундоғ гумбаз вужудга келганда, бу ўлкада ўтган азизларга тегишли бирор нообод жой қолмаган бўлур эди.

Биз ҳам шу байтдаги дуога қўшиламиз, – деди табассум билан Султон Абулқосим Бобур Мирзо, – хайриятки, Шерозда хуш табиат кишилар канда бўлмапти. Бу гўзал заминда устозларнинг муборак руҳи ҳамиша шод бўлаберсин.

Мавлоно Муҳаммаднинг кўнгли бу сўзларни эшитгач, тинчиди. Чунки ҳазиломуз шаклда бўлсада, вақфлар тўғрисидаги бу гап, агар султон бошқача муносабат кўрсатган тақдирда Мавлоно Муҳаммад учун кўнгилсиз оқибатларга олиб келмоғи мумкин эди.

Мавлоно Мухаммад Муаммоий бу воқеани ёш Алишер Навоийга сўзлаб берган вақтда Мавлоно Султон Абулқосим Бобур Мирзо қошида садрлик лавозимида эди. Шундай баланд мартабали ва ёши катта кишининг ёш шоир билан жиддий мавзуларда баробар даражада суҳбатлашуви Алишернинг ўн уч-тўрт ёшли пайтидаёқ ёшу қари, каттаю кичик орасида баробар эътироф қозонган бир киши бўлиб қолганини кўрсатади.

Султон Абулқосим Бобур Мирзонинг ўзи ҳам ёш Алишер Навоий билан жиддий мавзуларда мулоқот қилар, унинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан тинглар эди.

Абулқосим Бобур Мирзо Хуросон пойтахти Ҳиротдан ташқари кўп вақт Машҳад шаҳрида бўлар эди. Шунинг учун унинг хизматидаги бошқа кишилар қатори Алишер Навоий ҳам Машҳадда тез-тез бўлиб турган.

Машҳадда шоир ва олимлар, фақиҳ ва муҳаддислар, фозил, комил кишилар кўп. Шулардан бири Хожа Ҳасан Хизршоҳдир. Бу киши асли Астробод шаҳаридан, неча йилдан

[1] Навоий. Асарлар.-Т:.1966. Т 12. 45-бет.

бери Машҳадда яшайди. У ҳам шоир, ҳам хаттот. Ўзи яхши таъбли, хоксор, камтарин бир одам.

Бир куни Хожа Ҳасан Хизршоҳ Алишернинг ишхонасига кириб келди. Унинг кайфи чоғ, чеҳрасида табассум зоҳир эди. Алишер меҳмонни яхши қабул қилди. Хизршоҳ ўлтиргач, тортиниброқ сўз бошлади:

– Иним, Алишер, сиз ёш бўлсангиз ҳам, етук шоирсиз. Бу ҳаммага аён ҳақиқат. Мен бир достон ёзган эдим. Шуни ўқиб, бир фикр билдирсангиз.

У қўлтиғидан янги муқова қилинган қўлёзма китобни олиб Алишерга узатди. Алишер Навоий бу китобни ҳурмат билан Хизршоҳнинг қўлидан олди-да, оҳистагина унинг биринчи варағини очди ва ўқиди: «Зайд ва Зайнаб»

– Бу янги достонмидур, номи нотаниш?

– Йўқ, бу «Лайли ва Мажнун» муқобаласида ёзилган достон.

– Хўб бўлибтур, янгича от қўйгансиз.

Алишер ўша куни қечкурун ўлтириб «Зайд ва Зайнаб»ни охиригача ўқиб чиқди. Бу Лайли билан Мажнун ўртасидаги оташин севги бобида ёзилиб, асрлар давомида яшаб келаётган достоннинг янги бир нусхаси эди. У Навоийга мақбул бўлди. Навоий бу фикрини Хожа Ҳасанга айтганда, Хожа беҳад қувонди. Хожа ўзи пуристеъдод ижодкор эди. Шунинг учун у Навоийнинг адабиёт ва шеърият соҳасидаги диди, қобилияти ва билимдонлигига тан берар эди. Ана шундай билағон шоирнинг баланд баҳосидан Хожага давлатлар муяссар бўлди. Шу-шу Алишер Навоий билан Ҳасан Хизршоҳ ўртасида ҳурматли муносабатлар ўрнашди.

Хожа Ҳасан насхтаълиқ ёзувини хаттот ва хат назариясининг билимдони Мавлоно Жаъфар йўлига ўхшатиб жойига қўйиб ёзар эди. У Навоийнинг ғазалларини чиройли хатда кўчириб ёзмоқни ўзига шараф деб билар, Навоий ҳам ўз шеърларини унга кўчириб ёзмоқ учун мамнуният билан топширар эди.

Алишер ўз хизмат хонасида иш билан машғул. Унинг вазифаси турли ҳужжатларнинг иншоси. Хусусан, туркий тилда битилмоғи лозим ҳужжатлар – ёрлиғлар, фармойишлар ва дастурларни ёзмоқ кўпинча Алишерга топширилар эди. Айни замонда у форсий тилдаги ҳужжатларни ҳам мукаммал битади. Бу ҳужжатларда келтирилмоғи лозим бўлган араб тилидаги жумла ва ифодаларни у албатта туркий ва форсий тилга таржима ҳам қилади. Билимдон мутахассислар Алишернинг бу таржималарига баланд баҳо берар эдилар.

Алишер иш билан банд бўлиб ўлтирганидан секин эшик очилганини сезмади. Бир оздан сўнг енгил шарпани эшитиб бошини мездан кўтарди ва эшикка қаради. Эшик олдида 10 ёшлар чамаси бир бола турар эди.

– Ассалому алайкум, – деди бола.

– Ваалайкум ассалом, киринғиз.

Бола эшикдан кириб, Алишерга яқинлашди.

– Ўлтиринғиз.

Бола кўрпачага, Алишер қаршисига тиз чўкди.

– Хўш, нима гапингиз бор? – Бола индамай қўйнидан икки букланган қоғозни чиқарди ва уни Алишерга узатиб деди:

– Домулла поччам сизга бериб юбордилар.

Алишер боланинг қўлидан қоғозни олди ва уни очиб ўқиди. Хат Хожа Ҳасан Хизршоҳдан эди. Унда Хожа ўзининг тўсатдан қаттиқ беморликка мубтало бўлганини ёзар ва иложини топса, Алишернинг бир келиб хабар олмоғини сўрар эди.

Алишер дарҳол қоғозларини йиғиштириб мизнинг ғаладонига солди, сўнг бола билан етаклашиб бемор сари жўнади.

Улар етиб келишганда Хожа ўз ҳужрасида кўрпача устида инқиллаб ётар эди. Алишер болани гузарга чиқиб озуқа олиб келмоққа юборди, ўзи ўчоққа ўт ёқиб, қумғон қайнатди. Бола қайтиб келгач, икковлари ўчоққа декча осиб, келтирилган масаллиқлардан шўрва пиширдилар. Иссиққой ва қайноқ шўрвани ичган бемор терлаб сал ўзига кела бошлади. Алишер боланинг ёрдамида беморнинг тердан ҳўл бўлган кийимларини ечиб, тозаларини кийгазди. Сўнг у болага деди:

– Сиз хўб мақбул йигит чиқдингиз. Ота-онангизга айтинг, шу ҳужрада амакингизга қараб турасиз. Мен бориб табибни олиб келайин.

Бу бола қўшнининг ўғли экан. У хўб деганича югуриб чиқиб кетди.

Хожа Ҳасан оғир нафас олар, гоҳо ҳуши оққандай бўлар эди. Набзи суст. Анча дармони қуриган. Унинг Машҳадда қариндош-уруғи йўқ. Ёлғиз яшайди. Боши ёстиққа етганида Алишердан бўлак ғамхўр йўқлиги маълум бўлди. Шунинг учун унга одам юборган эди.

Алишер ўз ғамхўрлигини Хожа кутганидан ўн чандон ортиқ амалга оширди. Алишер чақириб кетган табиб султонга қарашли табиблардан эди. У Хожани диққат билан кўриб чиқди, дори-дармон тайин қилди. Шу кундан бошлаб беморнинг парвариши билан Алишер шахсан ўзи шуғулланди. Қўшнининг ўғли ҳам чаққон ёрдамчи чиқди. Иккаласи навбатма-навбат бемор қошида бўлар эдилар. Кечалари Алишер беморнинг ҳужрасида қолиб уни муолажа қилар эди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтди. Бу орада Алишер чақирган табиб бир неча марта беморни келиб кўрди. Секин– секин Хожанинг аҳволи яхшилана борди. Унда иштаҳа пайдо бўлди. Бу соғайиш аломатидир. Учинчи ҳафтада у тузалиб ўрнидан турди.

– Сизнинг одамохунлигингиз, ғамхўрлигингиз туфайли фақир шифо топдим. Сиздан миннатдорлигимга чек йўқ, – дер эди Хожа Ҳасан Хизршоҳ Алишерга.

– Беморликни кишининг табиати ва жисми енгадир. Дору дармон, ғамхўрлик беморга шу курашда ёрдам берар, холос. Шундай қилиб, шифо топганингизнинг боиси бақувват жисмингиз ва соғлом табиатингиздир.

– Ҳимматингизнинг шу қадар баландлиги учун ташаккур, иним Алишер. Бу яхшилигингизни бир умр унутмасмен, – деди Хожа, сўнг Алишерга бир лавҳани узатди, – мендан хотира учун ушбуни қабул қилсангиз.

Бу лавҳада ғоят чиройли насхтаълиқ хати билан бир ғазал битилган эди. Алишер ҳурмат билан лавҳани Хожанинг қўлидан олди ва лавҳадаги ғазалнинг матлаъини (биринчи байтини) ўқиди:

Сояат ҳар жоки афтад бар замин гул бар дамад
Не гули танҳоки сар то сар гулу шаккар дамад[1]

(Соянг ҳар жойга тушса, ўша ердан гул униб чиқади, ёлғиз гул эмас, бошдан оёқ гулу шаккар унади).

Бу Хожа Ҳасан Хизршоҳнинг соғайгандан кейин ёзган шеъри эди.

[1] Навоий, Асарлар, Т. 12-бет. Т. 1988.

ЛУТФИЙ

Шу даврда Ҳиротда ўзбек ва форс-тожик адабиётининг атоқли арбоблари яшаб, ижод этар эдилар. Шундай зотлардан бири ўзбек адабий тилининг ривожига катта ҳисса қўшган шоир Лутфий эди. Навоий эндигина шоир сифатида шуҳрат топа бошлаган йиллари Лутфий қартайиб қолган, ўз замонасининг машҳур шоири эди. Уларнинг ижодий суҳбатлари, Лутфийнинг ёш Навоий ғазалларига юксак баҳо бергани тўғрисида тарихчи Хондамир ўзининг «Макорим ул– ахлоқ» китобида бундай ҳикоя қилади:

«Бир куни ёш Алишер Навоий Лутфий ҳузурига келди. У ўзининг ёзган ғазалларидан бирини кекса шоирга ўқиб берди. Бу ғазал шундан бошланар эди:

Оразин ёпғоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш.
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон ўлғоч қуёш.

Кекса шоир бу ғазалдан бениҳоя хурсанд бўлди. У Навоийга ва бошқа суҳбатдошларига қарата деди: «Аллоҳ номига қасамёд қилиб айтаманки, ўзим ёзган туркий ва форс тилидаги ўн-ўн икки минг байтни шу ғазалга жон-жон деб алмашар ва шунда ўзимни ютиб чиққан деб ҳисоблар эдим».

Лутфий ёш шоирнинг шеърий истеъдоди ва маҳоратига ана шундай юксак баҳо берган эди.

Навоий эса ҳар доим Лутфийни туркийзабон шоирларнинг пешқадами, сўз ва шеър подшоҳи деб билар эди.

Лутфий Ҳиротнинг Деҳи Канор (Чекка қишлоқ) қишлоғида яшади, 99 йил умр кўрди. У йигитлик даврида зоҳирий илмлардан таҳсил олди. Сўнгра Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний устозлигида сўфийлиқ таълимотини ўрганди. У дарвешсифат киши эди. Навоий Лутфий билан мулоқотда бўлганини, унинг ҳамиша яхши ниятлар билдириб алқаганини таъкидлайди, ўша тилакларнинг амалга ошишига хоҳиш баён этади. Кейинчалик Лутфийни таърифлаб Навоий бундай деб ёзган эди: «У ўз замонининг маликул каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпроқ эрди ва туркча девони машҳурдир».

Яна Навоийнинг хабар қилишича, Лутфий ўн минг байтдан зиёд «Зафарнома» китобини маснавийда ўзбек тилига таржима қилган. Аммо бу асар баёзга ёзилмагани учун унчалик шуҳрат топмаган.

Лутфий ҳаётининг охирида «Офтоб» радифли бир шеър ёзди. Бошқа шоирлар унга назира боғлайдилар, аммо Лутфий даражасида ёзолмайдилар. Ҳаётдан кўз юмиш олдидан Лутфий бир ғазал бошлади. Унинг биринчи байти қуйидагичадир:

Гар кори дили ошиқ бо кофири Чин уфтод,
Беҳ зонки, ба бадхўйи чунин уфтод.

(Агар ошиқ дилининг иши Чин кофирига тушса, Менинг ўшанга ўхшаш бадфеъл ва меҳрсиз ёримга тушгандан афзалдир).

Лутфий бу ғазални тугатиб улгуролмади. У васият қилдики, уни Жомий (Махдуми Нуран) ёзиб тугалласин ва ўз девонига киритсин. Жомий бу васиятни бажо келтирди.

САЙЙИД ҲАСАН АРДАШЕР

Алишернинг шеърлари Ҳирот, Машҳад, Астробод ва бошқа шаҳарларнинг табъи назм эгалари орасида кенг шуҳрат топган пайтда, яъни 15-16 ёшлигида Алишер Саййид Ҳасан Ардашер билан учрашди. Саййид Ҳасаннинг отаси Бойсунғур султон давридан бошлаб сарой хизматида бўлган, ҳам шоир, ҳам олим, ҳам давлат арбоби сифатида танилган киши эди.

Бир куни шоирлар суҳбатида Саййид Ҳасан Ардашер Алишер Навоийнинг куйидаги байтларини завқ-шавқ билан ўкиди:

Фурқатингдан заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмас-ки, бағримдин эрур парколалар.

(Сендан айриликда сариғ юзим устига лолалар тўкаман, Улар лолалар эмас, бағримдан узилган қонли парчалардир).

Қирқ ёшлар атрофидаги бу одамнинг чеҳраси шеър ўқиётган пайтда батамом ўзгариб кетар эди. Кўзлари завқдан чақнар, одатда ғоят мулойим ва ҳалим эшитилувчи овози байт мазмунига қараб гоҳ шиддат, гоҳ маъюслик касб этарди. У бутун вужуди билан шеърга сингиб кетгани, жонбахш мисралар билангина яшаётгани унинг ҳар бир ҳаракатида сезилиб турарди.

Саййид Ҳасан Ардашер одоб, илм бобида мукаммал бўлганидан, у гарчи сарф, наҳв, араб тили, мантиқ ва калом, шариат қонуншунослиги ва пайғамбар сўзларининг талқини, илми нужум, шеър ва мусиқий илмини пухта билса-да, йиғинларда кам сўзлар, кишиларнинг бирор илмий борада айрим нуқсонли фикрларини эшитса, дарров уларнинг юзига солмас, унга илзом ва хижолат етишидан андиша килар эди. Саййид Ҳасан бундай фазилатлари билан кўпчилик орасида юксак ҳурмат ва эътиборга сазовор, билимдон ва хуштаъб киши эди.

Бу одамнинг шеърини ўқиб алқаши ёш шоирга жуда ёқди. Бироқ унинг таҳсинидан хижолат бўлиб бошини эгди.

Саййид Ҳасан яна Навоийнинг шеърини ўқий бошлади:

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга
Ишқидин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга...

Мажлис аҳли камгап кишининг бу қадар шеърхонликка тушиб кетганини завқ ва ҳазиломуз табассум билан кузатдилар. Алишер шеърни бунчалик қадрлайдиган, ҳар бир сўзни бутун нафосати билан идрок кила биладиган зотга ҳайрону лол бўлиб қолди.

Саййид Ҳасан билан Алишер дунёқарашлари, шеъриятга муносабатларига кўра бир-бирига ҳамоҳанг кишилар бўлиб чиқдилар. Гарчи уларнинг ёшида анча фарқ бўлса-да, мушоҳадалари бир хил эди. Икки унсдош кўнгилнинг бир– бирига интилиши табиийдир. Уларни чин дўстлик, маълум даражада устоз ва шогирдлик, ота ва болалик туйғулари чамбарчас боғлаб қўйди. Улар тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турадиган бўлдилар. Бу суҳбатларда шеър талқинлари, инсоннинг улуғлиги, унинг табиат яратган барча мавжудотларнинг энг олий мақоми экани, унинг фазилати, шоирлар ва шеър аҳлининг бурчи тўғрисида сўз борар эди.

Саййид Ҳасан ёш Навоийнинг порлоқ истеъдодига тўла ишонч ҳосил қилган эди.

– Сизнинг асос ишингиз назм айтмоқ, назм тараққиётини янада олий даражага кўтармоқдадир, – деди бир куни суҳбат асносида Саййид Ҳасан. – Фазл эгасининг шарафи фақрдадир. Фақр ва камтарлик фазилатли инсон қадрини янада оширгай.

Фақр тариқига далолат ва ундаш, назм тарғиби Саййид Ҳасаннинг Навоийга уқтирадиган доимий гаплари эди. Зотан, эзгуликнинг такрори яхшиликка йўл бошлар. Шоир учун эса назмга даъват этувчи, ёзган асарларини севиб ўқувчи ва қадрловчи кишидан азизроқ зот бўлмайди. Шундан сўнг улар яна Лутфий, Хўжа Ҳофиз Шерозий, Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Шайх Фаридиддин Аттор шеърларидан ўқирдилар, шайх Азиз Насафий китоблари тўғрисида фикрлашардилар.

Алишер Саййид Ҳасан Ардашерга қаттиқ ихлос қўйди, у киши билан ҳар кунги суҳбат ёш шоир учун ғоят мароқли ва зарурат бўлиб қолди. Саййид Ҳасан учун ҳам Алишер билан мулоқот худди шундай эди. Бир куни хизмат туфайли улар белгиланган вақтда учрашолмай қолдилар. Алишер кун бўйи бетоқат бўлиб юрди. Кечқурун Саййид Ҳасан Ардашер келиб дўстидан хабар топди. Улар бирор кун кўришмаса ҳамиша шундай кўйга тушар эдилар.

Икки улуғ зот ўртасидаги бу дўстлик Саййид Ҳасан Ардашер ҳаётининг поёнигача, яъни ўттиз уч йил давом этди.

Навоий Саййид Ҳасаннинг вафотидан сўнг унга бағишлаб «Ҳолати Саййид Ҳасан Ардашер» китобини езди. Унинг ҳаёт пайтида ёзилган «Ҳасби ҳол» шеърий мактуби ҳам шу зотга бағишланган эди.

МУҲАММАД ПАҲЛАВОН

1457 йили Алишернинг отаси Ғиёсиддин Баҳодир вафот этди.

Энди 16 яшар Алишер турмушнинг ҳар хил зарбаларига ёлғиз бардош беришга, унинг нотекис оқимида ҳушёрлик ва сергаклик билан сузишга мажбур эди. Чунки укаси Дарвеш Али ҳали жуда ёш, онаси эса ўша даврдаги мавжуд тартиб– қонунларга биноан, гарчи аслзодалар оиласидан бўлса-да, бирор мавқе эгаси эмас эди. Алишер ҳам оила бошлиғи, ҳам мустакил шахс сифатида иш тутмоғи шарт.

Ўша йили Машҳадда Султон Абулқосим Бобур Мирзо ҳам дунёдан ўтди. Ёш Навоий бирданига ҳам отасидан, ҳам ҳомийсидан маҳрум бўлган эди.

Абулқосим Бобур Мирзо даргоҳида Навоийнинг кичиклигидан бирга ўсган дўсти Ҳусайн Бойқаро ҳам хизматда бўлган.

Ҳусайн Бобур Мирзо хизматида эканида у билан бирга Самарқанд юришида иштирок этди. 1445 йили Бобур ва Абу Саид ўртасида сулҳ тузилгач, Самарқандда Абу Саид хизматида бўлди. Аммо Абу Саиддан кўп жафо чекди, яна Абулқосим Бобур Мирзо ҳузурига қайтди. Шунда улар Машҳадда яна Алишер билан учрашдилар.

Абулқосим Бобур Мирзонинг вафотидан сўнг Ҳусайн Бойқаро Машҳаддан Марвга кетди ва Хуросон тахти учун курашни бошлади. Шубҳасиз, Алишер Ҳусайн билан унинг сиёсий курашларида иттифоқдош эди. Ҳусайн Марв ҳокимлигини эгаллади. Алишер Навоий ҳам Марвга келди. Бу ерда илм ўрганиш билан банд бўлди.

Ҳусайн 1457 йили Несо ва Астробод шаҳарларини ҳам қўлга киритди. Алишерлар оиласи бу курашларда Ҳусайнга ибратли садоқат билан хизмат қилдилар. Шу сабабли Алишернинг тоғаси Мир Саид Қобилий Абу Саид Султоннинг буйруғига кўра Сарахс қўрғонида қатл этилди. Алишернинг суюкли дўсти ва кичик тоғаси Али Ғарибий ҳам Самарқандда ўлдирилди. Бундай шароитда Алишернинг Ҳиротда қолиши мумкин эмас эди. Шунинг учун у Машхадда яшади. Машҳадда яшашининг сабабини, «айни ифлос ва фалокат ва сарнавиш

ва ранжуриш Машҳад сари тортиб элтди» – деб изоҳлади. Бошпанасиз Алишер бир Мадраса ҳужрасига жойлашди. Муттасил таҳсил ва ижод билан шуғулланди, расмий ҳокимиятнинг шубҳа ва таъқиби остида бўлган мусофир йигитнинг ҳоли қандай кечиши аён. Бунинг устига мафосил (бўғин сирқираши) касали илашиб, Алишер ётиб қолди. Кун бўйи унинг суяклари сирқираб оғрир, бемор ҳеч қачон офтоб тушмайдиган зах ҳужрада ёлғиз ётар эди. Алишер яшайдиган жой ғариб ва камбағал толиби илмлар учун бериладиган буқъалардан (мадраса ҳужраларидан) бири эди.

Унинг икки эшиги бевосита ҳовлига очилар, эшик тепасида панжарали дарича бўлиб, ёруғ фақат ўша ердан тушар эди. Эшикдан кираверишда, ўнг томонда ўчоқ, ўчоқ устидан томга қараб кетган мўри ҳам тутунни, хам супирганда кўтарилган чангни тортарди. Ўчоқ устида кичик бир декча бўлиб, у аҳёнда бир ишлатиларди. Аммо ўчоқ бошидаги қумғон доим хизматда. Оёқ остига ғишт терилган. Устига похол солиниб, юмшоқ кигиз тўшалган. Девор яқинидаги хонтахта ҳам чой ичиш, ҳам мутолаа, ҳам ёзиш учун хизмат қилар эди. Токчалар китобга лиқ тўла, деворларда ғоят чиройли настаълиқ хати билан битилган қитъалар, рубоий ва байтлар ёзилган лавҳалар осиғлиқ.

Хонтахта атрофига кўрпача тўшалган бўлиб, бемор Алишер шу ерда ётарди. У ётган жойида токчадаги китобларни олиб ўқир эди. Хонтахта устида бир даста қоғоз, қора сиёҳли довот ва бир неча қамиш қалам турарди.

Бир куни эрталаб шоир барвақт уйғонди. Танасида қаттиқ оғриқ сезса-да, ўрнидан туриб, намоз ўқиди. Сўнгра ўчоққа ўт ёқиб, қумғон қайнатди. Иссиқ чойга ивитилган қаттиқ нон, майиз танасига қувват бағишлагандек бўлди. У дастурхонни йиғиштириб, қаламини қўлга олди. Қия очиқ эшикдан оқариб келаётган осмоннинг бир бўлаги кўринар, кўтарилаётган қуёш шуъласи шу осмон бўлагида сайр қилаётган ҳилолни борган сари нурсизлантирарди.

Алишер шамни ўчирди ва қамиш қаламни довотга ботириб қуёш нурида оқариб турган қоғозга қуйидаги байтни ёзди:

Ҳар қаён боқсам юзумга ул қуёшдин нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар ул ой манга манзур эрур...

Шоир ғазалнинг охирги байтини тахаллус тушириб якунлади:

Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж
Йўқ ажаб, нечунки хом этган киши ранжур эрур.

Ғазални бир неча бор ўқиб чиқди, ўзига ёққан байтларни қайта-қайта такрорлади. Шундан кейин уни оққа кўчириб чўнтагига солди.

Шеър илҳоми билан унутилгандай бўлган нотоблик ўзини сездирди. Алишер бўшашиб тўшакка ёнбошлади. Яна ёлғизлик, хасталик, ғариблик алами юрагини қиймалай бошлади. Фикри Ҳиротга – дўстлари сари учди.

Бир маҳал ҳужра эшигини биров эҳтиёткорлик билан тақиллатди.

– Марҳамат қилсинлар, мен шу ердаман, – деди Алишер. Эшик очилиб, ҳужрага баланд бўйли, норғул, ҳар бир ҳаракатидан куч-қувват ёғилиб турган бир киши кириб келди. Унинг бўйдор жуссаси қанчалик бақувват ва чайир бўлса-да, юз ифодаси, жилмайиб турган кўзлари пок қалбидан далолат бериб турарди.

– Ассалому алайкум, – деди у одоб билан.

Алишер эшикдан кириб келган кишини кўриб бирдан ўрнидан туришга интилди.

– Ваалайкум ассалом, марҳабо, марҳабо, – деди қувонч билан.

Меҳмон дарҳол Алишернинг ёнига чўкка тушди.

– Безовта бўлмасинлар, – деди қучоқлашиб кўришаркан. Бу киши Хуросонда номи чиққан куштигир (полвон), мусиқашунос ва хонанда Паҳлавон Муҳаммад эди. Алишер Паҳлавон Муҳаммад билан Ҳиротда танишган, ўшандан бери ўтган икки-уч йил давомида ўрталарида самимий дўстлик пайдо бўлган эди.

Паҳлавон Муҳаммад замонасининг ягона ва енгилмас полвони сифатида донг чиқарган, шунингдек, у кўп дилписанд ғазаллари, ёқимли овози, мусиқий илмидан мукаммал хабардорлиги билан ҳам машҳур эди. У замона фозиллари Устод Муҳаммад Хоразмий, Мавлоно Нуъмон, Мавлоно Соҳиб Балхий, Шайх Сафойи Самарқандий каби моҳир санъаткорларнинг даврасида юрар, уларнинг эътироф ва ҳурматига сазовор бўлган эди.

Муҳаммад Паҳлавон яратган машҳур амаллардан «Чоргоҳ», «Сегоҳ» каби куйлар, уларга туширилган Мир Бузург Термизий, Мавлоно Ҳисравий, Мавлоно Котибийнинг шеърлари Хуросондагина эмас, Самарқанд ва Ироқдаги барча хонандалар орасида ҳам кенг тарқалган, шуҳрат топган эди.

Алишер дўстининг келганидан ғоят шодланди. Уларнинг суҳбатлари узоқ давом этди. Паҳлавон Алишернинг оғриқ суякларига ором бериб, уни яхшилаб уқалаб қўйди, уни даволаётган табиб Мавлоно Абдусалом Шерозийнинг фазилатларини мақтади, дўстининг тезда соғайиб кетишига ишонч билдирди. Суҳбат мавзуси яна шеър ва адабиётга кўчди. Паҳлавон Алишердан сўради:

– Бу кун дерларким, Сиз туркча шеърни яхши айтибсиз ва туркча назм айтур элдин ҳам эшитамизки, бу сўзлар ҳақдир. Бизнинг бир саволимиз бор, шунга жавоб берсангиз.

– Билсам жавоб берай, Сиз саволингизни айтинг.

– Саволимиз булдурки, шеърлари ҳаётда пухта ўрнашган туркигўй шуародан қайси бири яхшироқ айтади? Сизнинг фикрингиз қандайдир?

– Барчалари яхши айтадилар.

– Сиз такаллуф ва камтарликни қўйинг, нима қандай бўлса, шуни айтинг. Ҳаммаси бир хил эмас, албатта, тафовут бор.

– Мавлоно Лутфий барчадан устундирлар. Бу қавмнинг устоди ва сўз подшоҳидир.

– Нега Саид Насимийни айтмадингиз?

– Хотирга келмади. Сайд Насимийнинг назми ўзга рангга эгадир. У зоҳир аҳди идрокидек шеър айтмайди, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур ва бу саволда Сизнинг ғаразингиз мажоз тариқида айтур эл эрди.

Паҳлавон киноя билан деди:

– Сайд Насимий борида сиз Лутфийни устун қўясиз. Ваҳоланки, Сайд Насимийнинг назми зоҳир юзидан мажоз тариқига алоқадордир ва маъни изидан ҳақиқат тариқида.

Шундан сўнг Паҳлавон шеър ўқий бошлади. Бу шеър Навоий эрталаб ёзган ғазалнинг айнан ўзгинаси эди. Тахаллуси байтда эса «Навоий» ўрнига «Насимий» дейилган эди.

Алишер ҳайратда қолди. У дўстига билдирмай секингина чўнтагига қўл юборди. Шеър битилган қоғоз чўнтакда. Яна унинг ҳайронлиги ошди. Тахаллус туширилган мисрага Насимий сўзи ғоят ўринли келган эди.

Паҳлавон ғазалнинг айрим байтларини қайта-қайта ўқир, Навоий билан бу байт, уларнинг мажозий мазмуни тўғрисида баҳс қилар эди.

– Бу шеърни қачон ёд қилган эдингиз? – деб сўради Навоий охири.

– Ўн икки йил бўлди, – деб жавоб берди Паҳлавон, – Бобур Мирзонинг суҳбатида ўқилганда менга бағоят хуш келди. Битиб олиб ёд тутдим.

Эртаси куни эрталаб Пахлавон Муҳаммад тўрт нафар шогирди билан Алишер ҳузурига келди. Йигитлардан бири дарров ўчоққа ўт ёқиб қумғон осди. Алишер билан Паҳлавон хонтахта ёнига ўтириб суҳбатга тушиб кетдилар. Шогирдлар пойгақда тиз чўқдилар.

Алишерга кечаги таҳайюр ҳамон тинчлик бермас эди. Тезроқ бу муаммони ҳал этиш ниятида яна ўша мавзуда сўз бошлади. Паҳлавон Муҳаммад кулимсираб деди:

– Ул шеърни мен ёд тутган пайтимда мана бу куштигир йигитлар ҳам бор эдилар, улар ҳам ўргандилар. – Шундан сўнг йигитларга қараб деди: – Мен билан ўрганган шеърингизни ўқинг.

Йигитлар бири олиб, бири қўйиб Алишернинг ўша ғазалини Насимий тахаллуси билан ўқий бошладилар. Шоирнинг таажжуби яна ортди. Пахлавон бу ғазални кўкларга кўтариб мақташга тушди. Унинг ҳар бир сўзи ҳақ, ғазалнинг ҳар бир байти мукаммал, унинг мазмуни таҳсинга сазовордир.

Паҳлавон йигитларга рухсат бериб юборди. Шоир билан ёлғиз қолгач, у Алишерга бу воқеанинг сирини айтди. Алишерни уқалаётганда чўнтагидан чиқиб турган қоғозга кўзи тушади. Уни секин олиб қараса янги битилган ғазал экан. Ғазал Паҳлавонга маъқул бўлади. Қайта-қайта ўқиб ёдлаб олади. Аммо охирги байтига «Навоий» тахаллусини «Насимий» билан алмаштиради. Кечқурун уйига қайтгач, ҳалиги куштигир йигитларга ғазални ўргатади.

Шундай қилиб, Паҳлавон Насимий номи остида Навоийни кўзда тутиб унинг туркигўй шоирлар ичида энг мукаммал ва устун эканлигини унинг ўзига исбот қилиб берди. Бу воқеа яна Паҳлавоннинг зеҳни ва ёдлаш қобилияти нақадар ўткир ва тез эканини исбот этди. Паҳлавон Муҳаммаднинг бундай ажойиб ишлари ва ғаройиб фазилатлари кўп эди.

Паҳлавон шоирлар, олимлар, мусиқашунослар ва санъаткорлардан кўпини яхши билар, улар тўғрисида Алишерга сўзлаб берарди. У ҳозир хизмат юзасидан Машҳадда яшаётгани сабабли Алишер билан ҳар куни учрашиб, суҳбатлашиб турарди.

Бир куни Паҳлавон Муҳаммад одатдагидек бир оз нарса харид қилиб келди. Ўчоққа ўт ёқди, декчани осиб, овқат тайёрлашга киришди.

Алишер ётган жойида Паҳлавонга деди:

– Сиз Шайх Камол Турбатийни яхши билурмисиз? Ўчоқ бошида уриниб турган Паҳлавон ўша жойдан жавоб қилди.

– Ўзларини яхши билмасам-да, шеърларини яхши билурман. Хусусан, Хўжа Ҳофиз ғазалларига боғланган мухаммаслари ғоят мароқлидир.

– Менга ҳам у кишининг шеърлари кўп мақбул, – деди Алишер. – Ўзларини кўришга орзумандман.

– ИншоАллоҳ насиб бўлғай, – деди Паҳлавон. – У кишининг ёзган кўп муаммолари ҳам кўпчиликка мақбулдир. Ўчоқда олов юришиб кетди. Паҳлавон келиб хонтахта ёнига чўкди. Икки дўстнинг суҳбати қизиб кетди.

ШАЙХ КАМОЛ ТУРБАТИЙ

Қурбон ҳайити арафаси эди. Ташқарида баҳор чеҳра очган, чечаклар гуллаган, атроф кўм-кўк сабзазор. Ҳужранинг эшиклари ланг очиқ. Дарича ва эшикдан ёпирилиб кирган шабада бинафша ҳидларини димоққа уради. Бугун Алишернинг аҳволи яна оғирлашди, қимирлашга ҳам мажоли қолмаган эди. Ғариблик ва хасталик биргалашиб ёпишганда киши туман оғриқларга дучор бўлиши табиий. Шоир маъюс нигоҳини югуртираркан, девордаги байт ва китъаларни ўқиб, кўнглини ҳижил қилаётган ўйлардан чалғимоқчи бўлди. Шу пайт эшик ортида бир гуруҳ одамларнинг шарпаси эшитилди. Қурбон ҳайит арафасида Машҳадга Имом равзасига зиёратга келган халқнинг буқъаларни ҳам айланиб чиқиш

одати бор эди. «Зиёратчилардан бўлса керак», – деб ўйлади Алишер. Шу пайт ҳужрага бир тўда кишилар кириб келдилар. Улар бир чеккада ўралиб ётган беморни кўрмадилар. Ташқаридан ярим қоронғи ҳужрага киргач, кўзлари қамашган бўлса керак улардан бири деворга осилган шеърлардан бирини ўқиди. Байтнинг мазмуни тўғрисида баҳс бошланди. Келувчилар орасида ёши улуғроқ бир киши бор эди, барчалари унга ҳурмат билан муомала қилар эдилар. У киши ҳам ўз фикрини билдирди, кўпчилик уни қувватлаган бўлди. Шу пайт Алишер ётган жойидан у кишининг фикрига эътироз билдирди. Шунда тўдадан бир одам бошлиққа қараб:

– Бу бемор йигит ҳам сўз айтмоқчидир, – деди. Гуруҳга бош бўлган зот қайрилиб бурчакда ётган Алишерни кўрди. Саломлашгач, айтган сўзини такрорлашни сўради.

Алишер у кишининг фикрига зид келадиган шеър талқинини баён қилади. У одам сал хаёлга чўмди, сўнг бош ирғаб Алишернинг фикрини маъқуллади.

– Дарҳақиқат, бу йигит ҳақдир, – деди у шерикларига. – Мендан саҳв ўтган. – Шундан сўнг у Алишерга юзланди. – Иним, сиз ким бўладурсиз, бу ҳужрада доим истиқоматдадурмисиз?

Алишер ўзининг ким эканлигини айтди ва шу ерда муқим яшаётганини билдирди.

Даврадаги кишилардан бири Алишерга ўз суҳбатдошини танитди.

– Бу ҳазрат Шайх Турбатийдирлар.

Бошқа таърифнинг ҳожати йўқ эди. Юксак истеъдод эгаси бўлмиш шоир Шайх Камол Турбатийнинг номи бутун Хуросонда маълум ва машҳур эди. Навоий қувониб кетди.

– Бениҳоя масрурманки, Сизни шахсан учратдим. Узоқ фурсатларки, Сиз билан танишмоққа орзуманд эрдим. Худо насиб этгани шу кун экан. Узр, мен бетобликда сизларни кўнгилдагидек кута олмадим, – деди у ҳаяжонини яшира олмай.

– Мен ҳам Сизнинг борангизда кўп эшитган, ғазалларингизни мамнуният билан мутолаа қилган эдим, деди Шайх Камол Турбатий. – Сизнинг ошнолигингизни ҳамиша орзу қилар эдим.

Унинг бу учрашувдан мамнунлиги юз-кўзидаги хушвақтлик шуъласидан яққол билиниб турар эди. У хонтахта ёнига ўтирди. Бошқалар ҳам бемор атрофига чўкдилар. Ҳар икки шоир бир-бирларига изҳори ҳурмат кўрсатиб ёқимли сўзлар айтдилар. Суҳбат асносида Турбатий ўзининг бир муаммосини ўқиди:

Онеки дар ҳавойи сари зулфи ёри маст,
Аввал зи зар гузаштау, дар охираш ҳабаст.

Бу байтнинг мазмуни тўғрисида қизғин баҳс бўлди. Сўнг зиёратчилар Навоий билан хайрлашиб ҳужрадан чиқдилар. Кечга томон ҳужрага икки йигит кириб келди. Уларнинг бошларида дастурхонга ўроғлиқ катта саватлар бор эди. Саватларни хонтахтага қўйишар экан, улардан бири деди: – Бу совғаларни Сизга ҳазрати Шайх Турбатий йўлладилар. Марҳамат қилғайсиз.

Саватларда турли ноз-неъматлар, қуруқ мева ва бошқа емишлар бор эди. Алишер миннатдорчилик изҳор этди. Шайх эртага ўзлари яна келажак эканларини айтдилар, – деди ҳалиги йигит. Сўнгра уй эгасидан рухсат сўраб, хайрлашдилар.

Эртасига шоир Камол Турбатий Алишер ҳужрасига ташриф буюрди. Улар ўзларининг янги шеърларини ўқиб, турли мавзуларда суҳбат қурдилар.

САМАРҚАНД

Алишер 1464 йили Машҳаддан Ҳиротга қайтиб келди. Бу пайтда у бутун Хуросонда таниқли шоир эди. Унинг туркий ҳамда форсийда ёзган ғазал ва мухаммаслари, рубоий ва

қатъалари, соқийнома ва туюқлари эл орасида кенг шуҳрат топган эди. Бастакорлар уларга куй басталаган, хонандалар бу қўшиқларни завқ билан ижро этар, илм аҳли мадрасаларда, шеърий суҳбатларда ҳар бир мисранинг мазмунини чақиб бир-бири билан толиққунча баҳслашар эди.

Марв ва Машҳаддаги давом этган таҳсил ва шеърий машқлар унинг илмий такомилини, мушоҳадасини ўстирди. Навоий шеър илмидан ташқари мантиқ, фалсафа, мусиқий, илоҳиёт, илми нужум, тарих илмларини чуқур ўрганди. Лутфийдек зотнинг Навоий ижодига берган юксак баҳоси Ҳиротдаги аҳли илм ва шеър орасида кенг тарқалди. Шоирнинг Саййид Ҳасан Ардашер, Муҳаммад Паҳлавон каби садоқатли дўстлари унинг шуҳратини янада ёйдилар.

Аммо Навоий бу пайтда шеър ва илм аҳли ўртасида қанчалик юксак эътибор ва обрўга эга бўлмасин, унинг Султон Абу Саид қаршисидаги мавқеи шунчалик пасаймоқда эди. Султон Алишердан ҳадиксирар, ўз сиёсий душмани Ҳусайн Бойқаронинг дўсти ва иттифоқдоши бўлмиш бир кишининг Хуросонда шунчалик обрў ва нуфуз эгаси бўлишига тоқат қилолмас эди. Бундан ташқари Абу Саид атрофига уюшган маддоҳ шоирлар ҳам Навоийнинг шоирлик шуҳратига ҳасад қилар, имкони борича, подшоҳ ва унинг ҳокимиятига очиқдан-очиқ салбий муносабати, золим подшоҳларнинг қилмишларини танқид этувчи шеърлари бу душманликни янада кучайтирар эди.

Аммо чин ижод аҳли Навоийга ҳурмат билан қарар, унинг юксак шоирона маҳоратини қадрлар эди.

Мавлоно Абдусамад Бадахший Ҳиротга яқинда келган. Асли Бадахшондан. Шоир Ҳиротга келгач, Султон Абу Саид Мирзо уни яхши қарши олди. У шоирга ўз давлатининг тарихини ёзмоқни топширди. Чунки Бадахший маснавий йўлида ёзмоққа моҳир бўлган. Бу асар ёзилдими ёки йўқми, бизга маълум эмас. Биз учун муҳими машҳур шоир Бадахшийнинг ёш, аммо шуҳрат топиб келаётган шоир Навоийга муносабатидир.

Бадахший билан Навоий ўртасида самимий ижодий алоқалар бўлган кўринади. Чунки бир ижодий мулоқот тўғрисида кейинчалик Навоий ўзи хабар бериб ўтган.

Навоий бир куни Бадахший ёзган шеърларни кўриб ўтирганда бир байтда хато ўтиб кетганини кўрди. Бадахший шеърдаги сўзни тажнис (шакли бир хил, аммо мазмуни турлича сўзларни ишлатиш усули) сифатида ишлатган. Бу эса қофиянинг бузилишига олиб келган. Навоий буни Бадахшийга айтди. Ёш шоир бу танбеҳнинг Бадахший томонидан қандай қабул қилинмоғидан андишада эди. Аммо Бадахший дарҳол бу танбеҳни қабул қилди. У Навоийдан миннатдор бўлганини қайта-қайта билдирди. Шундан бошлаб ёш шоир Навоий билан машҳур шоир Бадахший ўртасида яхши ошнолик пайдо бўлди.

Отасининг вафоти туфайли иқтисодий ва молиявий аҳволи оғирлашган шоир подшоҳнинг таъқибига дучор бўлиб, кўпгина қийинчиликларга учради.

1466 йилнинг ўрталари. Султон Абу Саид Навоийни ўз ҳузурига чақирди. Навоий шоҳ қабулхонасига неча хил хаёлларда кириб келди. Олтин ва қимматбаҳо тошлар билан нақшланган равоқлар, подшоҳни улуғловчи шеърий парча ва оятлар ёзилган пештоқлар келувчига буюк ҳокимиятнинг қудрати ва бузилмаслигини намойиш этиши, унинг шахси бу қудрат қаршисида ниҳоят ожиз ва заиф эканини билдириши керак. Навоий бу ҳашаматни кўриб кўнглидан ўтказди. «Бу равоқнинг ғиштлари масжидларни бузиб олиб келинган, остидаги харсангтошлар эса хароб қилинган мозористонлардан келтирилган, пардалари, иплари эл жонидан тўқилган, қизил нақшлари эса халойиқ қони билан бўялгандир. Бу жаҳондорлар унутадиларки, улусга игна учидек озор етказган кишига у туядек бўлиб қайтади, кундузлари зулм, кечалари фисқ билан шуғулланувчи бу тождорлар ана шундай ноҳакликнинг охири вой эканини идрок қилишдан ожиздирлар».

У шундай хаёллар билан қабулхонага кириб келди. Шоҳ мулозимларидан бири уни кутмоқда эди. Мулозим Навоийнинг саломига қошини чимирган ҳолда қуруққина жавоб қайтарди-да, дарҳол мақсадга кўчди.

Подшоҳ ҳазратларининг фармони олийларига кўра Сиз Самарқандга жўнайсиз. Самарқанд ҳукмрони Аҳмад Ҳожибек жаноблари бу фармондан хабардордирлар. У ерда лозим кўрилган муҳлатгача таҳсил билан машғул бўлмоғингиз вожибдир.

Подшоҳ ҳазратларининг улуғ илтифотларидан ғоят мамнунман. Қай фурсат сафарга отланмоқ лозимдир? – деб сўради Навоий.

– Имкон борича тез фурсатда Самарқандга етиб бормоғингиз даркор, – деди мулозим ва суҳбат тугаганини билдириб, олдидаги қоғозларга кўз югуртирди.

Навоий оқибат шундай бўлишини яхши билар эди. Подшоҳ ва амалдорлар билан бўлган муносабатнинг қай йўсинда якунланиши аён бўлганидан бу фармон уни ажаблантирмади, ўзи ҳам бу ердан бош олиб кетиш хаёлида юрарди. Аммо бари бир қувғин уни озми-кўпми ҳаяжонга солмай қўймади. Навоий паришон ҳолда Саййид Ҳасан Ардашернинг уйи сари йўл олди.

Эшикни очган хизматчи Навоийни очиқ чеҳра билан қарши олди ва Саййид Ҳасан Ардашернинг бир неча кунга Ҳиротдан бошқа ёққа кетганини айтди. Унинг қачон қайтиши аниқ эмас. Навоий хизматчи билан хайрлашаркан: «Хат ёзиб воқеа тафсилини баён қиларман», – деб кўнглидан ўтказди.

Кўп ўтмай Навоий катта бир карвонга қўшилиб Ҳиротдан Самарқандга йўл олди.

Самарқандда ғурбат азобини кўп чеккан Навоий Хуросондаги қадрдон дўстларини соғиниб ёдлар эди. Бир куни у танишларидан бирини Хуросонга кетадиган карвон билан йўлга чиқажагидан хабар топди. Навоий у киши орқали Саййид Ҳасан Ардашерга бир мактуб юборишга ният килди. Карвон саҳар пайти йўлга отланар эди. Ўша кеча Алишернинг фақирона ҳужрасида тонг отгунча чироқ ўчмади. Ойлаб кўнглида йиғилган кудурат, дард, ҳасратини қоғозга тўкди. Мисралар ёнаётган шамнинг кўз ёшидек тинимсиз қуйиларди. Хуросондаги бедодлик, зулм ва бидъатнинг ҳаддан ошгани, ғурбат ихтиёр этишнинг зарур бўлгани, тақдир тақозосига ризолик, келажакка умид қуйма мисраларга жо бўлар эди.

Саҳар чоғи у ҳужрадан чиқди. Регистон майдонини кесиб ўтди. Бибихоним масжидидан чиққан халқ ҳар тарафга тарқалмоқда эди. Уфқда ҳали чиқмаган қуёш шуълаларининг қизил акси кўринади. Навоий қирмизи осмонга боқиб, уни ғариблик ва истибдод зулмидан яра бўлган қалбига ўхшатди.

Туни билан ёзилган мактубда баён этган дардлари қайтадан кўнглидан кеча бошлади:

Бировга неча ғурбат изҳор этиб,
Чу бир ерда кўп турғузуб хор этиб.
Бировниким, айлаб бир эл ичра хор,
Ал га чора айлаб ул энди фирор...

Алишер рўпарасидан чиққан мўйсафидларга салом бериб ўтди. Улар ёш йигитнинг тавозеъли саломига алик олиб, улуғворлик билан йўлларида давом этдилар. Навоий пичирлаб шеърий мактубни ўқишда давом этди:

Жамол ичра тонг боши ноҳиддек,
Камол ичра туш вақти хуршиддек.

Вафо анга пеша, саҳо анга фан,
Вафоу саҳо кони Саййид Ҳасан.
Зихи равзадин хулқинг ортиқбасе,
Келиб боғи қадрингда тўбо хасе.
Чу сенсен букун олам аҳлида фард,
Ки ҳолин де олғай санга аҳли дард.
Манга ким видодингга хурсандмен
Жанобингға шогирду фарзанд мен...

Йўл чапга бурилди. Шоир янгигина тикланган, лекин ҳали тугалланмаган соҳибқирон Амир Темур мақбараси ёнидан ўтар эди. Дунёни титратган соҳибқироннинг авлодлари тахт талашиб қон тўкмоқдалар. Ўлкада тартиб йўқ. Навоийнинг кўз олдидан Хуросонда юз бераётган даҳшатли воқеалар бир-бир кечди. Яна мактубдаги Хуросон аҳволини тасвирловчи мисраларни такрорлай бошлади:

Элида кишиликдан носор йўқ,
Шароратдан ўзга падидор йўқ
Не эл, не киши балки шайтону дев,
Келиб барчаға даъб бедоду рев.
Бўлиб ло макон сатҳидин хонлари,
Адам мулки буғдойидин нонлари.
Қаро пул учун айлабон қатл фан.
Ўлуктин тамаъ айлаб, аммо кафан
Ўлум келса бир зори бедил сари,
Мадад айлабон лек котил сари.

Султон Абу Саид Навоийнинг эл орасидаги шуҳратидан беҳад хавфсирар эди. Унинг халқ ўртасида обрў-эътибор қозониши ҳокимият илдизига зарба бўлажагинияхши билар эди. Гарчи Навоий сарой хизматида саналса ҳам, эрксевар шоирнинг қалами истибдод эгасининг мадҳига юрмади. Шоҳ илтифотидан маҳрум бўлган шоирнинг тайин хизмати, муайян турар жойи ҳам йўқ эди. Атрофида шоҳнинг айғоқчилари изғиб юришар, нимаики ёзса, сўзласа, ўша онда шоҳга маълум бўлиб турар эди. Бу кеча мактуб битиб ўтириб Навоий кўп нарсани хаёл қилди. Олдида фақат икки йўл бор: бири таркидунё қилиб жаҳон ишларидан этак силкиб чекиниш, бири бирон комил йўлбошчи топиб, унинг фармони ва иттифоқида иш тутиб, адолат маслагига хизмат қилиш. Шоир қатъият билан иккинчи йўлни танлади. У ҳаётнинг машаққатлари ва зарбалари олдида эсанкириб қолмай олийжаноб ниятлар, олий интилишлар йўлига юз тутди, бутун умрини халқпарварлик ва адолатпарварлик учун бағишлашга узил-кесил аҳд қилди.

Агар бўлса бу йўлда умрим талаф
Чу бу йўлдадир ул ҳам эрур шараф.
Ва гар бўлсам ўз комима баҳраманд,
Зиҳи мулки жовиду тахти баланд.

Шоир ўз кечмиши ва мулоҳазаларининг ҳаммасини 294 мисрадан иборат шеърий мактубга жойлаб Саййид Ҳасанга жўнатмоқда эди. Бу хатда яратувчи ва унинг расули

номига қисқача ҳамду санодан сўнг шоирнинг ўз дўстига самимий ҳурмат ва муҳаббат изҳори баён этилган, сўнгра ўз аянч аҳволини тасвирлаб тарки ватан қилишга мажбур бўлганини айтган. Бу шеър чинакам инсонийлик, самимий дўстлик, юксак мақсадларга хизмат қилиш қасдининг шоирона изҳори, Навоий руҳий дунёси нақадар кенг ва бой эканининг намойиши бўлиб, айни замонда у тасвирланмоқда бўлган воқеа ва ҳаяжонли кечинмаларнинг ҳаётийлиги туфайли зўр таъсир кучига эга эди.

Навоий карвонсаройга етиб келди. Тонг ёришган, карвон йўлга ҳозир экан. У танишига хатни топширар экан деди:

– Устоз Ардашерга айтасиз, бу ерда барча ҳасбиҳолни баён этибман. Тангри насиб қилса, бир кун учрашармиз. Бизни соғинган нафасларида фонийлиғ оҳи билан сўзимизни айтиб, ҳиммат сипоҳи билан бизга мададкор бўлсалар. Сафарингиз бехатар бўлсин, омонлик билан манзилга етиб олғайсизлар.

Тонг отиб, шаҳар эртанги машғулот билан банд бўлди. Ҳозиргина карвонни кузатиб яна ёлғизлик, ғариблик ичида танҳо қолган Алишер билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Туни бўйи мижжа қоқмаган, фикрини турли -туман хотирот, ҳаяжон чулғаган шоир атрофга ғамгин бир назар ташлади. Ҳамма парвойи-палак. Бегона шаҳарда бирор таниш-билиш, ёру биродари йўқ эканини эслаб яна юраги сиқилди. Аммо бу кайфият узоқ давом этмади. У шахдам қадам ташлаб йўлга тушди. Қонуншунос мударрис Хожа Фазлуллоҳ Абу Лайснинг дарслари бошланишига оз фурсат қолди. Мусофир талабалар учун нонушта ҳам мадрасанинг ўзида берилади.

МУДАРРИС ТАЪРИФИ

Хўжа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абу Лайснинг ота–боболари ҳам Самарқандда машҳур олим ва фозил кишилар эди. Уларнинг дастлабки авлодига мансуб қонуншунос Абу Лайс бин Муҳаммад бин Иброҳим Самарқандий (984 йилда вафот этган) бутун Шарқ мамлакатларида ўзининг қонуншунослик, адабиёт назарияси ва бошқа фанлар бўйича яратган асарлари билан шуҳрат топди. «Танбиҳ ул-ғофилийн» – («Бехабарларга танбиҳлар»), «Хазинаҳои фикҳ» («Қонуншунослик хазиналари»), «Саҳоф ул-ҳаёт» («Ҳаёт варақлари») каби китоблари Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон, Ироқ ва Ажамда севиб ўқилди, турли баҳоларга сабаб бўлди, олимнинг овозасини ёйди. Шундан буён ўтган беш юз йил давомида бу оиладан чиққан олимлар ана шу шуҳратга шуҳрат қўшдилар: илм-фанни янги-янги асарлар билан бойитдилар.

Навоий Самарқандга келгач, шу авлоднинг вакили, машҳур мударрис Хўжа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абу Лайс қўлида таълим ола бошлади. Бу мударрис ҳам ўзининг ота- боболаридан мерос-олимлик ва қонуншунослик анъаналарини давом эттирарди. Навоий машҳур олимлардан Саид Шариф раҳбарлигида ҳам таҳсили улум қилди. Хўжа Жалолиддинга мударрислик фатвосини Саид Шариф ёзиб берган эди.

Алишер мадрасага кираверишда яқиндагина танишган, толиби илмлардан бири Юсуфга дуч келди. Юсуф Алишер билан самимий саломлашди.

– Ўзларининг кадам ранжида килишларига интизор эдим, – деди Юсуф ва уни тўғри ўз ҳужрасига бошлади. – Нонушта тайёр, яна Сиз учун хушхабарлар бор.

Алишер ва Юсуф хужрага кирдилар. Бу тор ва қоронғи ҳужранинг бошқа ҳужралардан ҳеч фарқи йўқ эди. Аммо Юсуфнинг ниҳоятда нозик таъб ва дидли йигит экани шу ҳужранинг ҳар бир бурчида, ҳар бир ашёсида кўзга ташланиб турарди. Ҳужра озода, кўрпачалар эски бўлса ҳам тоза, китоблар токчаларга тартиб билан терилган. Ўчоқ бошида на бир чимдим кул, на бирор дона ўтин парчаси кўринади. Шамдонлар ярақлайди. Алишер бу ҳужрада олдин ҳам бир–икки марта бўлган, Юсуфнинг серҳаракат, назокатли, ғоят хуштаъб ва

таъсирчан эканини яхши англаган эди. Улар хонтахта атрофига ўтирдилар, фотиҳа ўқилгач, Юсуф хонтахта устидаги сочиқни кўтарди. Дастурхонда уч-тўрт нон, озгина майиз, туршак, баргак ва қандолат қўйилган патнис турар эди. Юсуф сочиқ билан авайлаб беркитилган чойнакнинг учини очиб пиёлага чойдан қуяр экан, Алишерга деди:

– Кеча кечга томон мутавалли келган эди. Сизга қўшни ҳужра ажратилганини хабар қилади. Мударрис шундай топшириқ берган эканлар. Бугундан кўчиб келишингиз мумкиндир. Энди бундан буён ажралмаймиз, қўшни бўлиб олдик.

– Худога шукур, меҳрибон мударрисдан миннатдорман. У кишининг кўрсатаётган лутф-иноятларига не тур жавоб қайтармоқдан ақл ожиздир, – деди Алишер.

У Самарқандга келганига талай вақт бўлган, ҳамон Аҳмад Ҳожибекка қарашли уйлардан бирида истиқомат қилмоқда эди. Шаҳар хокими Алишерга марҳамат кўрсатиб ўша уйни ажратиб берган. Аммо Алишер у ерда ўзини жуда ноқулай сезарди. Ҳоким Алишерга меҳрибончилик кўрсатиб, унга хизмат қилувчи мулозимлар ҳам ажратган. Аммо айни замонда Султон Абусаиднинг буйруғига кўра улар Алишернинг ҳар бир қадамидан огоҳ бўлиб турар, мулозимлар хизматдан кўра кўпроқ пойлоқчилик ва чақимчилик билан шуғулланар эди. Буни яхши билган Алишер ўзини ҳибсда тургандек сезар, тезроқ мадрасага кўчишга рози эди. Мусофир талабалар қатори унга ҳам Мадраса вақфидан озуқа ажратилар, жойи бўлмагани учун уни Алишернинг илтимосига кўра Юсуф олар эди.

– Мударрис ҳазратларининг Сизга эътиқодлари жуда баланд, – деди Юсуф эҳтиром билан Алишерга чой узатар экан. – Ўтган куни бир гуруҳ шогирдлар билан суҳбатда у киши сизни барчага ибрат қилиб кўрсатдилар, таҳсил ва илмга муҳаббат Алишерда бўлгани қадар бўлмоғи даркор, дедилар.

Алишер камтарлик билан сукут қилди. – У киши қонуншуносликда Абу Ҳанифаи соний, адабиётда ибн Ҳожиби Каффасий деб ном чиқарганлар. Самарқанд олимларининг энг юксак даражадагиси Аъзамул уламосидирлар. Шундай зотнинг сизга бу қадар лутф ва муҳаббат билан қарашлари катта давлатдир, – деди Юсуф. Алишер мударрис Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абу Лайснинг бу сифатларини яхши билар эди.

Алишер мадрасага кўчиб ўтганига бир ҳафта бўлди. Қўшни ҳужрада Юсуф туради, ўнг томондаги ҳужрада ҳам Юсуф отлиқ йигит истиқомат қилади. Ҳар иккала Юсуф ҳам андижонлик. Фақат биринчиси Юсуф Андижоний Бадиий, иккинчиси эса Юсуф Сафоий деб тахаллус қилишган. Улар қаторидаги ҳужраларни марвли Нодир, Хоразмдан келган хушчеҳра чолғучи йигит Бақоий, Қундуз шаҳридан келган Муҳаммад Бадахший, Қаландар Ҳаримий эгаллашган. Мадрасадаги кўп сонли толиби илмлар ичида Алишер шулар билан дўстлашди. Улар фақат қўшни бўлганлари учунгина эмас, балки ҳаммалари ҳам таъби назм эгалари бўлганлари, кўнгиллари бир-бирига яқин келгани учун эди. Зотан барча таъби назм аҳли ҳамиша бир-бирига интилади.

УЛОЙИ ШОШИЙ

Самарқанддаги шоирлар орасида Улойи деган бир йигит ҳам бор эди. У асли Тошкентдан бўлиб, Самарқандга келиб ўрнашиб қолган. Улойи она шаҳрининг қадимий номига нисбат бериб Шоший тахаллусини танлаган. Шунинг учун ҳам уни улфатлари ва шеър аҳли Улойи Шоший деб атар эдилар. Улойи Шоший донишмандлиги, табиатининг ёқимлилиги билан ажралиб турар ва кўпчиликнинг эътирофини қозонган эди.

Улойи Шоший шеърнинг муаммо усулини мукаммал эгаллаган шоирдир.

Самарқандга янги келган Навоий бу кишининг шуҳратини эшитди.

Бир куни Навоий шоирни йўқлаб унинг уйига келди. Улойи Шоший нотоб ётган экан.

Навоий оёғи синиб ётиб қолган бемор қошида у билан суҳбат қуриб ўлтирди. Суҳбат асносида Навоий бир байт ёзиб суҳбатдошига узатди. Бу форсий муаммо байтда Уло сўзи беркитилган эди.

Дур бад аз ту дарду заҳмати по
Душманатро бало насибу адо.

Маъноси: Сендан дарду аёқоғриғи узоқлашсин, бало, кулфат душманигга насиб булсин. (Бало душманингга насиб бўлсин, дегандаги балонинг б си ўрнига насибдаги у (вов) келса, уло келиб чиқади).

Мавлоно Улойи ҳали Навоий билан яхши таниш эмас эди. Шунинг учун улар хайрлашиб Навоий кетганидан сўнг ўз яқинларидан келган ва унга шеър бағишлаган бу боадаб йигитнинг ким эканини сўради. Унга бу киши шоир Навоий, Ҳиротдан Самарқандга келган толиби илмдур деб тушунтирдилар.

Шоир ғоят мамнун бўлди. У ўзининг янги таниши Навоийга бир муаммо ёзиб жўнатди.

Чашми ту диду манаш нек надидам
Чун сер бубинам зи ту инаст умедам.

Маъноси:

Сенинг кўзинг кўрдию мен уни яхши кўролмадим,
Мен сен билан тўйиб учрашарман деб умид қиламан.

Афсуски, шу нотоблик ила шоир Улойи Шоший дунёдан ўтди. Унинг Навоий билан тўйиб учрашуви тўғрисидаги умиди ўзи билан бирга кетди.

ШЕЪР БАҲСИ

Самарқанднинг кўчалари кўп. Уларда қатор-қатор дўконлар ипга терилган маржонлар каби саф тортган. Хар бир дўконнинг ўз харидори бор. Шулар қаторида олдий, ҳеч қандай даъвоси йўқ безаксиз бир дўкон ҳам бор эдики, унда пешин намозидан кейин бир гуруҳ ёшлар жам бўлишар, уларнинг одоб доирасидан чиқмай, аммо муттасил бўладиган қизғин баҳслари бу дўкон ҳаётини қизитиб юборар эди.

Дўкондори Мирқарший савдодан кўра шу йигитларнинг тортишувига ишқибоз. У ўзини шу жамоанинг устози деб билар, баҳсларни якунлашга уринар, гоҳ бунга муяссар бўлар, гоҳ уддасидан чиқолмас эди.

Алишер Юсуф билан бирга бу ерда кўп бўларди. Мир Қаршийга таъби назми зўр, диди ўткир бу икки ёш маъқул бўлган эди. Шунинг учун уларни доим очиқ чеҳра билан қарши олар, олдиларига нон-чой қўйиб меҳмон қилар, дўкондаги барча китобларни кўрсатиб, уларнинг мутолаа ва муҳокамасига нима лозим бўлса, шуни ҳозир этар эди.

Бир куни Алишер Юсуф билан одатдагидек тушдан сўнг Мир Қарший ҳузурига кириб келишди. Дўкондор қўлидаги катта китобни бир чеккага қўйиб, ички чўнтагидан бир варақ қоғоз олди-да:

– Ҳар кимнинг ўз насибаси бўлур. Шоир кишининг насибаси шеър айтмоқ ҳам шеър тингламоқ, – деди.

– Бундан ортиқ ҳузур ҳеч кимга насиб этмаган, – деди Юсуф. – Бутун вужудимиз билан сермаъно мисраларни тингламоққа муштоқмиз.

– Ундай бўлса қулоқ осингиз, – деди Саҳоф хурсанд бўлиб:

Нест ойини муҳаббат кардан аз ёре гила
Варна зон бадахд мекардем бисёре гила...

(Муҳаббат одатида ёрдан хафа бўлиши йўқдир Бўлмаса у ёмон аҳдлидан кўп хафа бўлган бўлар эдик)

Ғазалнинг охирига Хатоий деб тахаллус туширилган байт ўқилиб бўлгач, Юсуф эндигина ғазални мақташга оғиз жуфтлаган эди, тўсатдан бир овоз эшитилди:

– Ўртамиёна шеър айтувчи шоирдан ҳам гина қилиш одат эмас. Шу туфайли ушбу ғазал таъби назми бор кишининг дидидан дарак берса-да, на таҳсин ва на гинага боис бўлмас.

Учала суҳбатдош дарҳол овоз чиққан томонга қарадилар. Дўкон эшиги олдида баланд бўйли, ранги заҳил, кўзлари чақнаб турган, устида эски, аммо тоза матодан тикилган чопон ва олифталик билан ўралган кичик саллали бир киши қўлини белига қўйиб, ғолибона табассум билан уларга боқиб турар эди.

– Ассалому алайкум Мавлоно Риёзий, марҳабо, марҳабо, – деди Саҳоф ўрнидан туриб. Алишер билан Юсуф ҳам дик этиб ўринларидан турдилар.

Алишер Риёзий билан яқинда Юсуфнинг ҳужрасида бўлган суҳбатда танишган эди. Бир-икки учрашувдаёқ унинг жуда билимдон, шеър илмига моҳир, яна мусиқийда хўб билимли эканига тан берган эди. Риёзий ўз маҳорати ва илмини намойиш этишни ёқтирар, илми кўп бўлишига қарамай илми йўқ, такаббур, ажиб табиатли киши эди. Унинг ҳозиргина Мир Қарший Хатоий шеърига беҳурматлик билан айтган фикри ҳеч кимга ёкмади. Чунки шеърни камситиш ёки мақташ эмас, унинг нуқсони ёки фазилати нимада эканини айтиш керак. Шундагина баҳо ўринли ва кимматли бўлади.

Риёзийнинг томдан тараша тушгандек айтган гапи билан совиган суҳбатни яна жонлантирмоқчи бўлиб Юсуф сўз бошлади:

– Мир Саҳоб, сизнинг даргоҳингиз, унинг файзи ва бу манзилгоҳнинг масиҳанфос эгаси сифатларига мое келадиган бир шеър пайдо бўлган эди. Ижозат берсангиз ўқисам.

– Марҳабо, марҳабо, – дейишди барчалари. Юсуф Мир Қаршийга қараб туриб ўқий бошлади:

Гар бад ин обу ҳаво кўят бувад манзилга ҳам,
Не зилоли Ҳизр бояд, не дами руҳуллаҳам...

(Агар кўчанинг шу оби ҳавоси манзилим бўладиган бўлса На Ҳизр зилолию, на тирилтирувчи нафаси менга даркор бўлмайди).

– Офарин! – дейишди Навоий ва Хатоий, сўнгиси, ҳатто мамнунликдан қизариб кетди. Риёзий индамади. У чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб кўзойнагини тақди. Бу унинг шеърий суҳбатда иштирок этиш нияти борлигини англатар эди. Учала суҳбатдош унга қулоқ осдилар. Риёзий ёқимли қироат билан ўқий бошлади:

Ситораест дури гўши он ҳилол абрў,
Зи рўйи ҳусн ба хуршед мезанад пахду...
(У ҳилол қошлининг қулоғида гавҳар бир юлдуздирки,
Ҳусндорликда қуёшга ёндошади)

Риёзий шеърини ўқиб бўлгач, Хатоий билан Юсуф бир неча мақтов сўзларини айтишди. Навоий сукут этди. У шундоқ кўзга ташланиб турган нуқсонга йўл қўйган Риёзийдан

норози эди. Илми арузни, шеър қоидаларини чуқур билган кишининг бундай хатога йўл қўйиши кечирилмас бир ҳолдир.

– Икки мисра орасида рабт (боғлаш) учун бир «ки» лафзи керак. Яна ҳилол, юлдуз тўғриларида сўз борганда, қуёшни тилга олиш мантиққа хилофдир, ундан кўра моҳ тўғрисида сўз бориши мақбул бўлмасми эрди. Агарда ўша матлаъни бундай ўқилса қандай бўлар экан:

Зи рўйи ҳусн дури гўши он ҳилол абрў,
Ситорайист-ки ба моҳ мезанад пахлу.

(Ҳусн юзасидан ҳилол қошлининг қулоғидаги гавҳар Бир юлдуздирки, ойга ёнбошлаб турибди)

Риёзий норозилик билан қошини чимирди. Унинг бутун вужуди, заҳил чеҳраси бу таҳрирни қабул қилмаслигини билдирар эди. У бош чайқаб деди:

– Ҳилол сўзи бор мисра ортидан моҳли келмоғи ғалатидир.

– Тунда қуёш бўлмас, – деди Юсуф. – Юлдузлар фақат ойга ёндошурлар. Шунинг учун айтилган нусхада бу матлаъ кўпроқ ҳусн бағишлар.

Мир Қарший Хатоий ҳам Юсуфнинг фикрини қувватлади. Учовлари ўртасида баҳс бошланиб кетди. Риёзий ўз сўзида туриб олди. Бироқ Навоий баҳсга аралашмади. «Такаббурлик ва манманлик фақат ижодни сийқа қилиши мумкин, холос», дея кўнглидан кечирди у.

Аҳмад Ҳожибек ҳовлиси гавжум. Катта гулзор ёнидаги супага гиламлар тўшалган, кўрпачалар солинган. Ҳокимнинг яқин дўстлари, шоирлар, ҳофизлар, созандалар жам бўлган. Суҳбат авжида. Шеърхонликдан сўнг созандалар торларини созладилар. Хушовоз ҳофиз шашмақом йўлида қўшиқ бошлади:

Ёрдин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасин,
Жумлаи оламда расволиққа машҳур ўлмасин.
Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтигў,
Оти онинг ҳар киши оғзида мазкур ўлмасин.
Жонима бед оду зулмин, ёраб, ул миқдор кил,
Ким анинг ошиқлиғи ҳар кимга мақдур ўлмасин.
Мен худ ўлдим, лек ҳар ошиққи, бордир покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоқда маъзур ўлмасин.
Панд ила кўнглим уйин қилма иморат, эй рафиқ,
Бизни бузди харгиз ул ёрабки, маъмур ўлмасин.
Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели,
Воқиф ул аҳволим айтур чоғда махмур ўлмасин.
Ёр васлиға қувондим, қувди кўйидин мени
Эй Навоий, ҳеч киши давлатга мағрур ўлмасин.

– Бу Навоийнинг янги ғазалими? – деб сўради Вафоий ашула тугагач.

– Шу куни ёзилган, – деди Ҳофиз. – Мен уни Юсуф Бадиий Андижонийдин олибдурмен.

– Туркигўй шуаронинг малик ул-каломидир, – деди Вафоий. – Навоий бу ашъорни олий мақомга етказибдур.

Навоий учун ҳар куни қирқ-эллик байт шеър айтмоқ – нонуштада нонни қаймоққа ботириб тановул қилмоқ каби енгил ва ҳаловатлидир, – деди суҳбатдошларидан бири.

– Форсигўйликда у кучли эмасдир, – деди кимдир.

Навоий ўн беш-ўн олти ёш пайтида Машҳадда эканидаёқ «Зуллисонайн» деб ном чиқарган эди.

– Унинг форсийдаги ашъори туркийдаги қадар латиф эмасдир, – деб бошқа биров яна эътироз билдирди.

– Яхшики, у туркий айтур, бўлмаса кўпгина форсигўй шоирларни четлатиб қўяр эди.

– Туркигўй шуаронинг имконияти чекланган. Туркийда ҳали «Хамса» битилмаган. Унинг ўқувчиси оздир, чунки туркий тилда кўпроқ авом сўзлашур.

– Авом элдир, тақсир. Эл учун унга тушунарли тилда шеър битмоқ шарафли бир касбдирки, Навоий бу борада кўп иш қилмоқдадур. Туркийда «Хамса»ни ҳам у битмаги ажаб эмасдир.

– Навоий ашъоридан яна бири ўқилсин, – деб Вафоий ҳофизга таклиф қилди, шу билан баҳсга чек қўйди. Ҳофиз танбурини қўлга олди.

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдим сенго,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдим сенго.
Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендан кўнгил,
Ваҳки, кун-кундин батарроқ мубтало бўлдим сенго.
Мен қачон дедим, вафо қилғил, менго зулм айладинг,
Сен қачон дединг фидо бўлғил, фидо бўлдим сенго.
Қай пари пайкарга дерсен телба бўлдинг бу сифат,
Эй парипайкар, на қилсанг қил менго, бўлдим сенго.
Эй кўнгул, тарки насиҳат айладинг, овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдим сенго.
Ғусса чангидан навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдим сенго.

АҲМАД ҲОЖИБЕК ВАФОИЙ

Алишер белгиланган тартибга мувофиқ Самарқанд ҳокими маҳкамасида тез-тез бўлиб турар эди. Султон Абу Саид бу ердаги ўз одамларига Навоийнинг ҳар бир қадами, одамлар билан муомаласини, борди – келдиларини қаттиқ назорат қилишни буюрганди. Бу фармойишни адо этиш бевосита Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибекка юклатилган бўлса-да, табиатан шоир ва Алишер Навоийга шахсан эътиқоди баланд бу киши ушбу фармойишнинг ижросида катта ўнғайсизлик сезар эди. У ич-ичида Султоннинг бу тарз беандишалигидан ранжиди. Аммо унинг фармойишига бўйсунишга мажбур. Навоий ҳокимнинг бу аҳволини ва кайфиятини яхши тушунар, шунинг учун тез-тез ўзи келиб унга кўриниш берар, гўё унинг дилига ёқмаган бурчини адо этишга кўмаклашар эди. Аҳмад Ҳожибек Навоийни қаттиқ ҳурмат қилар, унинг аччиқ тақдирини қўлидан келганича юмшатишга ҳаракат қилар, айни замонда ўзининг кўнгилсиз вазифасидан орланар эди. Истибдод не-не кишиларни бир–бирига зид қўйишга интилмайди, не-не покиза дил ойналарига раҳна солишга ҳаракат қилмайди, лекин сезмайдики, ҳар қандай мустаҳкам мустабиднинг ҳам куни саналган, бир куни тақдир унинг номаъқул килғиликларига чек қўйиши муқаррар. Дилларнинг дилларга унсдошлиги эса ҳеч қачон ўчмайди, унинг жозибали ҳарорати асрлар оша, кишилар қалбига илиқлик ва роҳат бағишлаб яшайберади.

Аҳмад Ҳожибекнинг отаси Султон Малик асли Қошғардан бўлиб, ўз замонасининг таниқли кишиси бўлган. Аҳмад Ҳожибек эса Хуросонда тарбия топди. Ҳиротда ўн йилга яқин ҳокимлик қилди, сўнгра Самарқандга ҳоким қилиб тайинланди. У ёқимли суратли,

дилкаш. андишали, хушхулқ одам эди. Ўзи ёш бўлса-да, дунё ишидан хабардор, тадбирли эди. У ҳокимликда қўлидан келганича мустакил йўл тутар, айни замонда олий ҳокимиятни тўла эътироф этар эди, ҳеч қандай бошбошдоқликка йўл қўймас, садоқат ва донолик билан элни бошқарар эди. Бирор одам ундан номулойим сўз эшитгани ёки норозилик баён қилгани Алишерга маълум эмас эди. Аҳмад Ҳожибек болаликдан назокатли тарбия кўрган, турли илмлардан бохабар киши бўлиб, айниқса, шеър ва адабиётга муҳаббати баланд эди. У ўзи ҳам яхшигина шеърлар ёзар эди, шеърларига Вафоий деб тахаллус чекар, унинг ёзган шеърлари ва тўла девони шеър мухлислари ўртасида шуҳратманд эди.

Навоий маҳкамага кириб келар экан, уни йўлакда ҳоким мулозимларидан бири қарши олиб, саломлашди. Навоий унинг саломига одоб билан жавоб қайтарди. Мулозим Навоийнинг келишини кутиб турган эканини, ҳоким шоир келиши билан унинг ҳовлисига олиб боришни унга буюрганини айтди. Навоий бу гапдан мамнун бўлди. Мулозим йигит Навоийни ҳокимнинг ҳовлисига бошлади. Улар боғ кўчаларидан ўтиб, маҳкамадан унча узоқ бўлмаган маҳалладаги Аҳмад Ҳожибекнинг ҳовлисига етиб келдилар. Ташқари ҳовлида Навоийни хизматчи йигит кутиб олди. Маҳкама мулозими Навоий билан хайрлашиб ортига қайтди. Хизматчи йигит Навоийни ҳовли тўридаги катта ва шинам меҳмонхонага бошлади. Меҳмонхонанинг шиплари баланд бўлиб, тўсинлари ва унинг орасидаги вассалари турли рангларга бўялган, деворлари ганждан ишланган жуда кўп кичик-кичик токчаларга тўла, пештоқларига чиройли настаълиқ хати билан қитъалар битилган бир уйдан иборат эди. Навоий меҳмонхонага кириши билан у ерда атлас кўрпачаларда ўлтирган икки киши дарҳол ўринларидан туриб, у билан саломлашдилар. Улардан бири Аҳмад Ҳожибек Вафоий эди. У калта қора соқолли, кўзлари доим кулиб турадиган, ниҳоят юлдузи иссиқ киши бўлиб Навоийни ғоят самимият билан қарши олди. Навоий иккинчи кишини ҳам дарҳол таниди ва у билан учрашганидан шодланди.

– Сизни бу ерга таклиф этганимиздан мақсадимиз маълум бўлгандир, – деди Аҳмад Ҳожибек Алишерга меҳмонни кўрсатиб. Жаноб Шайхим Сухайлийнинг Самарқандга ташрифлари кутилмаган хурсандликка сабаб бўлди. Холироқда, бемалол суҳбат қуриш иштиёқида сизга мунтазир эдик.

Навоий Шайхим Суҳайлийни Ҳиротдан яхши танир, уни қаттиқ ҳурмат қилар эди. Шайхим Суҳайлий Навоий билан деярли тенгқур эди. Улар жуда ёшликдан бир-бирларини билар эдилар. Шайхим Суҳайлий болаликдан зеҳнли, қобилиятли бўлиб ўсди. Яхши ахлоқи, билим ва истеъдоди унга яхши обрў бағишлади. У кўпгина шеърлар ёзган, улар эл ўртасида шуҳрат топган. У ҳозир Султон Абу Саиднинг махсус мулозимларидан бири бўлиб хизмат қилар, Самарқандга ҳам бирор топшириқ билан келганга ўхшайди. Аммо меҳмонхонада ҳоким ҳам, подшоҳнинг махсус мулозими ҳам, камбағал ва мусофир толиби илм ҳам уч шоир, уч дилкаш одам ва мазмунли суҳбатдош сифатида учрашдилар. Навоий Аҳмад Ҳожибекнинг тадбиркорлигига дилида тан бериб таҳсин қилди. Учалалари кўришиб бўлгач, кўрпачаларга ўлтирдилар. Фотиҳа ўқилиб дастурхон ёзилди. Суҳбат бошланди.

Шеър, адабиётга муҳаббат бу уч тоифага мансуб одамни бирлаштирган эди. Абу Саид томонидан тайинланган Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек Алишер Навоийнинг подшоҳга қарши гуруҳ одами эканини яхши билар эди. Абу Саиднинг сиёсий душмани Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг дўсти ва фикрдоши. Навоий шу туфайли Абу Саид томонидан Самарқандга жўнатилган ва ҳоким назорати остидадир. Ҳоким Навоийнинг Ҳусайн билан алоқаси мустаҳкам эканини, уларнинг Ҳусайн ҳокимиятини Хуросонда барқарор этмоқ учун фаол иш олиб бораётганлигини, Навоийнинг бутун оиласи шу мавқеда эканини яхши билар эди.

Шайхим Суҳайлий хизматчи одам. Ҳозирликда Абу Саиднинг шахсий мулозими. Аммо у Темурийлар хонадонининг хизматида. Шунинг учун агар Ҳусайн ва Навоийлар ҳокимияти

ўрнатилганда ҳам у бари бир хизматда бўлади. Абу Саид ҳам ўша улуғ хонадонга оид эмасми ахир. Аммо ҳозир бу учала суҳбатдошни сиёсий мулоҳазалар эмас, балки адабиёт ва шеър бирлаштирган. Аҳмад Ҳожибек Навоийнинг ҳурматли мухлиси. Шайхим Суҳайлий Навоий ижодини юксак даражада кадрловчи зариф таъб зот. Шунинг учун ҳам ҳар икки баланд мартабали арбоб камбағал толиби илмга эҳтиром билан самимий мехрибонлик ва айни замонда лозим иззат намойиш қилмоқда эдилар. Кун асрдан ошиб, окшом қоронғулиги атрофни тутди. Уч улфат шом номозини бирга адо этдилар. Сўнг яна сўз-сўзга, шеър-шеърга уланиб кетди.

Вафоий ўзининг кейинги пайтларда ёзган бир шеърини ўқиди:

Гирифти жони ман аз тан ба зулфи пуршикан бастий
Кушоди парда аз рухсори хешу чашми ман бастий.

(Танимдан олиб жонимни кўп занжирли қилиб сочинг билан боғладинг, юзингдан пардани олиб кўзимни беркитдинг).

Ҳар икки улфат бу шеърни диққат ва завқ билан тингладилар.

Шайхим Суҳайлий форсий тилда кўпроқ шеър айтар эди. Аммо ҳозир Навоийга маъқул бўлишини билиб, туркий тилда ёзилган ғазалларидан бирини ўқиди:

Зуҳд эли тасбиҳ деб ҳайрон қолур авбош аро
Риштаи жисмимни кўрса қатра-катра ёш аро...

Ҳар иккалалари ҳали ўз ғазаллари тўғрисида Навоийнинг фикрини кутар эдилар. Аммо Навоий ўзини улардан юқори тутишга андиша қилиб, бу шеърларга бирор баҳо беришдан тортинди, ғазалларнинг завқли ва маънодор эканини таъкидловчи оҳангдаги таҳсин аломати билан чекланди. Навбат Навоийга келди.

Кезармен кўйида йиллар назар ҳолимга солғай деб,
Агар ўлдурса қоним ранги туфроғида қолғай деб.

Буларнинг суҳбати узоқ давом этди. Ниҳоят, уй эгаси меҳмонларни дам олиш учун холи қолдириб, ўзи ичкари ҳовлига кириб кетди. Меҳмонлар учун шу ерга жой қилинди.

Навоий Ҳирот ва Хуросонни қаттиқ соғинган эди. Мана бир йилча бўлиб қолди, у Самарқандда ҳар доим Ҳиротдаги дўстлари, шоирлар, ҳунар эгалари. хаттот ва рассомларни эслайди. Шунинг учун Хуросондан эндигина келган Шайхим Суҳайлий билан унинг суҳбатига чек йўқ эди. Навоий ундан Мавлоно Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Муҳаммад Паҳлавон тўғрисида муфассал ахборот олди. Укаси Дарвеш Алининг Балхдаги қариндошлари қўлида тарбияда эканини билди. Кичик ёшли Дарвеш табиат қариндоши Ҳайдар ҳам у билан бирга экан. Суҳбат яна Аҳмад Ҳожибекка қайтди. Улар унинг ҳам инсонлик, ҳам шоирлик фазилатларини мадҳ этдилар. Шунда Шайхим Суҳайлий деди:

– Султон Аҳмад мадҳида бир қасида битилган эрди. Шуни жанобингиз бир кўздан кечирсангиз деб илтимос қилар эрдим.

У чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб Навоийга узатди. Навоий чиройли настаълиқ хати билан кўчирилган бу қасидани ичида ўқиб чиқди.

– Кўп хўб битилибдур, – деди у ўқиб бўлгач. Сўнг озгина тинликдан сўнг сўзида давом этди: – Мадҳ этилувчи зот исми ила безалмиш байтдан сўнгра бир байт керакдурки, у мисраларни бир-бирига улови даркор.

– Менинг фикримга ҳам шу келган эди. Илтифот этиб, шу байтни сиз айтсангиз, деб хоҳишдормен.

– Мен фикр қилайин, сиз ҳам бир ўйлаб кўрсангиз. Ҳар иккалалари ҳам қоғоз-қалам олиб тафаккурга ғарқ бўлдилар. Орадан бироз фурсат ўтгач, ҳар бири бир байтдан ёзишди, сўнгра бошларини кўтариб қўлларидаги байт ёзилган қоғозни бир-бирларига узатдилар. Иккалалари бир-бирларининг ёзган байтини ўқигач, бирдан кулиб юбордилар. Ҳар иккиси бир хил байт ёзган эдилар. Бу байтнинг бирор сўзи эмас, ҳатто бирор ҳарфи ҳам фарқ қилмас эди. У байт қуйидагичадир:

Баҳори боғи жавоний – ниҳоли гулшани адл
Гули риёзи карам, сарви жўйбори виқор.

(Йигитлик боғининг баҳори – адолат чаманининг ниҳоли, карам боғларининг гули, улуғворлик анҳорининг сарви).

Шеър маъносини бир хил тушуниш, васф қилувчининг сифатини бир хил тасаввур қилиш, шеърга диднинг баравар юксаклиги шундай натижага олиб келар эди.

СИЁСИЙ КУРАШЛАР

Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек Султон Абу Саид фармойишига кўра, дарбадарликда юрган тахт даъвогари Султон Ҳусайн Бойқаронинг тарқоқ қўшинларини таъқиб қилиб туриши керак эди. Султон Ҳусайн Марв ҳокими Санжар билан иттифоқ тузиб, унинг қизи Бека Султонбегимга уйланди. Аммо кўп вақт ўтмай, бу иттифоқ бузилди ва Ҳусайн Бойқаро Марв ва Хоразм оралиғидаги ерларда сарсон бўлиб қазоқийликда юрди.

Навоийнинг бутун оила, қариндош-уруғлари Бойқаро тарафида бўлганлиги маълум. Навоий Хуросонда илм-фан, санъат ва адабиёт ривожини таъминламоқ, осойишта ҳаёт барпо этмоқ учун адолатли ва кучли ҳукмрон бўлиши керак деб ҳисобларди. У Ҳусайн Бойқарони ана шундай ҳукмрон бўлади, деб ишонар эди. Ҳусайннинг шоирлик истеъдоди, улар ўртасидаги болалик йилларидан бошланган дўстлик бу ишончни янада мустаҳкамлар эди. Шунинг учун Навоий ўз сиёсий фаолиятининг бошиданоқ, Ҳусайн Бойқаро тарафида бўлди ва бу мавқеда ҳаётининг охирги дақиқасигача қолди.

У Самарқандда эканида ҳам Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон ҳокимиятини эгаллаш йўлидаги курашларидан четда тургани йўқ. У Ҳусайнни ҳар доим кураш ва ғалабага илҳомлантирди, қўлидан келганича унга дардкаш ва кўмакчи бўлди, имкони борича унинг одамларига мадад кўрсатди.

Бир куни Аҳмад Ҳожибек Навоийни чақиртирди. Жума куни бўлганидан мадрасада таҳсил йўқ эди. Навоий айтилган муҳлатга етиб келди. Ташқи ҳовлида одам кўп, отлар эгарланмоқда, бир гуруҳ навкарлар сафар тайёргарлигини кўрмоқда эди. Ҳоким Навоийни очиқ юз билан кутиб олди.

– Шоир, биз билан бирга бўласиз, – деди ҳоким. – Бир гуруҳ бузғунчилар атрофга таҳдид солишмоқда. Бу черикни тартибга солиб қўймоғимиз даркор.

Навоий дарҳол масаланинг моҳиятини англади. Гап Ҳусайнга қарашли қўшин тўғрисида борар эди. Ҳоким атайлаб Навоийни ўзи билан боришга даъват этмоқда. У шоирнинг қайси тарафда эканини яхши билади. Навоийнинг юраги шув этди. Лекин сир бой бермади.

– Марҳаматлари учун ташаккур, – деди босиқ. – Сиздек зот билан бўлмоқ ифтихорли бир машғулотдир. Қаҳрамонлик ва адолатпарварлигингизга шоҳид бўлмоқни пуршараф бир вазифа деб қабул қилғайман.

Ҳоким жилмайиб қўйди. Қувғин ва тутқинликда бўлган шоирдан бошқача жавоб кутиш мумкинмиди? Унинг буйруғига кўра Навоийга яхши жабдуқланган бир от келтирдилар. Шоир ирғиб отга минди. Ҳожибек бошлиқ отлиқ навкарлар ҳовлидан чиқдилар. Улар шаҳар қалъаси дарвозаси олдида мунтазир турган қўшинга бориб қўшилдилар. Суворийлар от қўйиб шаҳар дарвозасидан чиқиб кетдилар.

Навоий ҳоким ёнида сукут сақлаб бормоқда. Лекин унинг фикри бўлажак жанг билан банд эди. Унинг хотирига ёшликда эшитган бир ҳикоя келди. Икки дўст ёв қўлига асир тушади. Улар ўлимга ҳукм қилинади. Шунда дўстлардан ҳар бири, олдин менинг бошимни кес, деб жаллоддан илтижо қилади. Дўстимнинг боши кесилишини кўрмайин, дейди. Бошқаси эса, йўқ олдин менинг бошим кесилсин, токим унгача дўстим тирик бўлсин, деб ёлборади. Жаллод нима қиларини билмай туриб қолади. Шу пайт асирлар озод қилинсин, қатли ом тўхтатилди, деб хабар келади. Дўстлар вафодор бўлганликлари туфайли ўлимдан қутулиб қоладилар.

Навоийнинг хаёли бўлинди. Қир ортида беркинган қўшин Ҳожибек аскарига ўқ уза бошлади. Ҳожибек йигитларини ёйилиб ҳужумга ўтишга буюрди. Отлиқлар эндигина ўсиб чиқаётган экинларни пайҳонлаб от чопиб кетдилар. Кундалик юмуши билан машғул деҳқонлар пана-панага беркиндилар.

Бир соатча давом этган жангдан сўнг Ҳусайннинг қўшини чекинди. Аҳмад Ҳожибекнинг ғолиб аскари асирлар билан қайтди. Ҳоким бир қайрағоч остига апил-тапил тўшалган гилам устида ўтирар, Навоий унинг ёнида тик турарди. Уларнинг ёнидаги икки сипоҳи жанг оқибатларини муҳокама қилишмоқда. Атрофда ҳар икки томондан қурбон бўлган жангчи йигитларнинг ўликлари чўзилиб ётибди.

Қайрағоч остига навкарлардан бири қўллари орқасига боғланган икки асирни ҳайдаб келди.

– Асирларни не қилмоққа буюргайсиз? – деди у Аҳмад Ҳожибекка караб.

– Боши кесилсин, – деб буюрди ҳоким. – Ҳар иккисининг кесилган боши Самарқанднинг олий ҳукмдори, султон Соҳибқирон Абу Саид Мирзо кўзининг оқу қораси Султон Аҳмад Мирзога тортиқ қилинсин. Шундай буйруқ бўлган.

Навоий икки навқирон ҳаётнинг қурбон бўлишига чидаб туролмади. Уларни сақлаб қолиш тадбирини излай бошлади.

– Андак сабр қилсинлар, ҳазрат ҳоким, – деди у Аҳмад Ҳожибекка мурожаат қилиб. Асирларнинг бошини кесиш учун уларни четга тортаётган навкарлар тўхтади. Ҳоким Навоийга юзланди. – Бу асирларни волий Султон Аҳмад Мирзога тириклай юбориш керак. У ҳазрат буларни сўроқ қилиб, улардан рақибнинг қандай аҳволда эканини билиб оладилар, сўнгра эса ўз хоҳишларича ҳукм чиқарадилар.

Ҳамма сукут сақлаб ҳокимнинг жавобини кутди. Ҳоким бир Навоийга, бир асирларга қараб олгач, буюрди:

– Бу яхши маслаҳатдир. Тутқунлар волий ҳузурларига тириклайин жўнатилсин.

Навкарлар уларни олдиларига солиб ҳайдаб кетдилар. Бу воқеани ҳикоя қилган тарихчи Хондамирнинг «Макорим ул-аҳлоқ» китобида айтишича, ўша асирлар Султон Аҳмад Мирзо ҳузурига келтирилган, уларни сўроқ қилганлар, сўнгра волийнинг буйруғига кўра уларни қамоқда тутилган. Кейинчалик улардан бири қамоқдан қутулиб чиқиб, Навоий ҳузурига келади, ҳаётини сақлаб қолгани учун ундан то абад миннатдор бўлиб, ҳамиша унинг хизматида юради.

Султон Ҳусайн қўшинлари қазоқийликда эканида мамлакатнинг турли жойларида пайдо бўлиб қолар, қўққисдан ҳужум қилиб, яна чекиниб бошқа жойдан чиқар эди.

Навоий Абу Саид одамларининг назорати остида бўлгани учун уларнинг сафида бўлишга мажбур. Навбатдаги шундай урушлардан бири Жаҳжаҳ деган жой яқинида юз берди. Абу Саид қўшинлари Ҳусайн аскарини енгиб, ҳар ёққа тарқатиб юбордилар. Қўлга олинган асирларнинг бошларини кесиб, подшоҳга совға қилиб юборишга қарор қилинди.

Навоий Амир Султон Арҳангийнинг ўғли Мирзабек билан бирга аскаргоҳда эди. Мирзабек Навоийга ўхшаш инсофли, мард йигит эди. Лашкарбоши Амир Ҳасан қаергадир кетган, Мирзабек ва Навоий суҳбатлашиб ўтиришар эди. Шу пайт товачи (хабарчи) икки асирни ҳайдаб келди. Мирзабекни кўрган товачи иккала бандини олдинга туртиб чиқарди:

– Ҳозир иккисини ўлдириб бошларини подшоҳга юборингиз. Бошқа амирлар ҳаммаси ўз улушларини олдилар.

Мирзабек асирларни олиб қолди. Навоий асирларга юраги эзилди. Улар 20–25 ёшлардаги туркман йигитлари эди. Ҳусайн байроғи остига жам бўлган кишилар ичида турли-туман элатдан одам бор эди. «Наҳотки, бу бегуноҳ кишиларнинг боши Абу Саидга совға учун танасидан жудо этилса? Амир Ҳасаннинг йўқ эканидан истифода қилиб, Навоий Мирзабекка деди:

– Бек, бу одамларни ўлдирмангиз. Уларда ҳеч қандай гуноҳ йўқдир. Агар подшоҳга кесилган бош зарур бўлса, бошқа йўли бор. Уруш майдонининг бир бурчагида ариқ лабида ўлдирилган кишини кўрганман. Жаллодга бир-икки танга беринг, унинг бошини келтирсин, асирларнинг бирининг ўрнига ўшанинг бошини юборсин.

Мирзабек бу гапни маъқуллади. Икки тилло олган жаллод дарҳол катта, серсоқол одамнинг боши солинган қопни кўтариб келди. Шу вақт узоқдан от чопиб келаётган товачининг қораси кўринди. «Бу бадбахт яна қандай шум хабар келтирмоқда экан, дея хавотирланиб кўнглидан кечирди Навоий. Товачи етиб келгач, янги фармойишни хабар қилди: – Яна бир асирни ўлдирмангиз, совға учун бир бош кифоядир.

Самарқанддаги фазл аҳли ўртасида Мирзабек энг мўътабар зотлардандир. Навоий бу кишини жуда улуғлаб таърифлайди. «Зеҳни диққат ва маоний нуқудидин ғани эрди ва табъи бу навъ таърифлардин мустағний». Маъноси: унинг зеҳни диққат ва эътибор маъно ва мазмун бойликлари билан тўла табиати шундай мақтовлар билан бойиган эди.

Мирзабек қаламига мансуб бир байт:

Кўзинг не бало қаро бўлубтур,
Ки жонга қаро бало бўлубтур.

Қўш қофияли ва тарди акс қофиядошдир. Шундай гўзал шеърлар ёзса-да, уларни парво этиб тўпламас эди. Навоий кейинчалик бу байтни давом эттириб бир ғазал ёзган. Мирзабек хотираси учун ўз девонига киритган.

Шу ғазални қуйида тўла келтирамиз:

Кўзинг не бало қаро бўлуптур,
Ким жонға қаро бало бўлуптур.

Мажмуъи давони дард қилди
Дардингки, манга даво бўлуптур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки, санга фидо бўлуптур.

Бегона бўлуптур ошнодин
Бегонага ошно бўлуптур.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сори анга ҳаво бўлуптур.

Бақо топар улки, бўлди фоний
Раҳравга бақо фано бўлуптур.

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

Мирзабек ёшлигида дунёдан ўтган. Навоий ёш ва гўзал, пуристеъдод ижодкор Мирзабекнинг бевақт вафот этганидан қаттиқ қайғурди. «Ҳайф ва юз ҳайф ва дариғ ва юз минг дариғким, ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади ва умри нахлидин бар емади... Макони равзаи жинон ва руҳиға фирдавси аълода макон бўлсин!» – деб ёзган эди Навоий бу тўғрида.

Навоий елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тортди. У худди ўз боши қиличдан омон қолгандек қувонди.

Навоий Ҳусайн Бойқаро Хуросонда ҳокимиятни эгаллаш учун олиб бораётган кураши ғалаба билан якунланишига ўзини ҳам, Султонни ҳам ишонтирар эди. Гарчи у Ҳусайн Бойқаро билан бирга бўлмаса-да, улар махфий ёзишмалар олиб боришар, муҳим масалалар бўйича кенгашиб туришар, Навоий умидбахш, фойдали маслаҳатлари билан уни руҳлантирар эди. Абу Саид одамлари Навоийни шундай алоқада гумонсирасалар ҳам, бунинг исботи учун қўлларида бирон далил йўқ эди. Шу туфайли уни қаттиқ назорат қилиш билан чекланар эдилар.

Султон Ҳусайн Ҳиротга юриш бошлади. Унинг тарафдорлари, шу жумладан, Навоий ҳам, Ҳусайннинг ғалабасини сабрсизлик билан кутар эдилар. Бу шафқатсиз ва қонли кураш бўлиши муқаррар эди.

Навоий ўз ҳужрасида мутолаа билан банд. Ўтган ҳафта у Ҳусайнга хат йўллади. Ҳусайн баъзи ҳарбий муваффақиятсизликлардан сўнг анча руҳи тушган эди. У Навоийга ёзган хатида ўзининг қазоқийдаги дарбадарликларидан шикоят қилган, тақдирнинг зарбалари оғир бўлаётганидан, кўп яқинларининг хиёнатчилик йўлига ўтганидан нолиганди. Ҳусайннинг бундай кайфияти Навоийнинг эл фаровонлиги тўғрисидаги умидларини барбод қилар, орзу қилган осойишта ҳаёт, халқларнинг биргаликда санъат ва маданиятни гуллаб-яшнатиши ҳақидаги ниятлари хом хаёллигича қолиб кетиши мумкин эди. У буларнинг амалга ошиши, фақат Ҳусайннинг ғалабасига боғлиқ деб ҳисоблар эди. Шунинг учун у Султонга руҳлантирувчи, ғалабадан умидвор бўлишга ундовчи мактуб жўнатди. Навоий ўз дўстига инсон нуқсондан, бирор ишни охирига етказмай тўхтатиб қўйишдан холи эмас. Ҳар ким ўз қилмишларини жиддий мулоҳаза қилиши, кўп хатолар ўзи туфайли юз беришини эслатди. Яқин кишиларнинг хиёнатидан шикаст бўлганида уларга шафқат кўрсатмаслик керак. Агар кўзда тутилган бирор мақсадни амалга оширишнинг йўли аниқ кўринмаса, таваккал билан иш бошлай бериш лозимлигини уқтирди.

«Ҳар кун то ҳандақдан чиқиб зангбар шоҳнинг гулчеҳралар сунбул зулфидек паришон хайлини тору мор қилиб фалак ҳисорни фатҳ қилғай. Ул саҳархандалик, қуёшройлик, чобук суворлар шоҳи учун Тангри таоло ўз жўйбори ҳифзидин ҳандақ қилиб мухолиф черигининг зулмин мунхазим этсин ва хазмда эхтиёт ҳандақи жўйберидин сабо хайлидек ўткариб хок-

сор адувнинг туфроғин кўкка совуриб кишвару мулк хисорининг фатҳин насиб қилсин», деб мактубини якунлади.

Навоийнинг бу самимий сўзлари унинг ғалабага қаттиқ ишонганини билдирар эди. Бу ғалабага шунчалик эътиқод қўйган одам унинг ижроси учун ҳам кўп хизмат қилди. Ёзишмалардан маълумки, Ҳусайн Бойқаронинг энг яқин маслаҳатчиси, ишонган дўсти, унга юпанч ва умидворлик бағишлаган кишиси Навоий бўлган.

Ҳужрада танҳо ўтирган Навоий тўсатдан эшик очилиб, бировнинг шошиб кириб келаётган шарпасидан ҳушёр тортди. У дарҳол эшикка боқди. Ҳужрага Юсуф Бадиий Андижоний кириб келди. Унинг важоҳати тамом бўлакча, нафаси бўғзига сиғмас, ранги гоҳ қизариб, гоҳ бўзарарди. Юсуф Навоийнинг ўрнидан туришига ҳам қўймай, дарҳол унинг ёнига чўкди ва қулоғига шивирлаб нималардир деди. Унинг айтганларини эшитиб Навоийнинг ҳам авзойи ўзгарди. У дарҳол пичирлаб Қуръондан бир оят ўқиди ва «Жойларини Аллоҳ таоло жаннатдан ато этсин», деди. Улар қўлларини юзларига тортиб фотиҳа ўқидилар. Сўнг Юсуф воқеанинг барча тафсилотларини сўзлаб берди.

Султон Абу Саид Хуросондан қўшин тортиб Табриз ва Рум мамлакатларининг истилосига отланган экан. Қўшин Қорабоққа етганда қаттиқ урушлар бўлибди. Лашкар хасис ва очкўз подшоҳидан норози эди. Чунки шоҳ йиққан давлатини жам қилар, аскарни эса танг аҳволда тутар эди. Озурда сипоҳийларнинг кўплари душман томонга ўтиб кетибди. Султон Абу Саиднинг ўзи қатл этилибди. Бундан хабар топган Ҳусайн Бойқаро қўшини Астроободдан Ҳирот сари жадал йўл олган, бугун-эрта подшоҳсиз қолган Хуросон ерида Султон Ҳусайн ҳокимияти ўрнатилиши муқаррар.

Навоий узоқ муҳлат кутгани бу хабарнинг етиб келганидан жуда тўлқинланди. Аммо ўзини ғоят сипо тутиб Юсуфни тинглади. Ўз хаяжонини изҳор этмади. Юсуф гапини тугатгач:

– Хуросон тахтига Султон Ҳусайн Баҳодирхондан бўлак муносиб номзод йўқдир. – деди Навоий. – У мамлакатни адл ва инсоф билан бошқаражак, мазлумлар бошини силаб, золимлар бошини танасидан жудо этажак. ИншоАллоҳ, шу кунларни кўрармиз. Бугун-эрта султондан ҳам дарак келиб қолар. Ҳар ҳолда сафар тадорикига тушганимиз маъқул.

– Мен ҳамиша сиз билан бирга бўлмоқдин бахтиёрман. Соянгиз каби ҳамиша ёнингизда бўлурман деб хохишманддирман, – деди Юсуф.

Дўстлар Султон Ҳусайн Бойқародан хабар келиши билан Ҳирот сари йўлга чиқишни аҳд қилдилар.

Бир неча кундан сўнг одатда махфиёна қатнайдиган хабарчи бу гал очиқ-ойдин келиб Навоийга Ҳусайн Бойқаронинг навбатдаги мактубини топширди. Ҳусайн Навоийнинг имкон борича тезлик билан Ҳиротга, ўз қошига етиб келишини таклиф қилар эди.

1469 йил рўза ойининг биринчи жума куни Ҳиротда хутба Ҳусайн Мирзо номига ўқилди. Рўза ҳайити кунлари Султон Ҳусайн Бойқаро ва Навоий Ҳиротда учрашдилар.

«ҲИЛОЛИЯ»

Навоий Султон Ҳусайннинг ҳокимият тепасига келишига бағишлаб «Ҳилолия» қасидасини ёзди. «Ҳилолия» 90 байтдан иборат.

Бу қасиданинг дастлабки мисраларида осмон гумбазида пайдо бўлган янги ой (ҳилол) тасвири берилган. Бу ҳилолнинг эгилган шаклини шоир севгили ёрнинг қошига ёки ўзининг таъзим билан эгилган қоматига ўхшатади:

Ўйла зоҳир бўлдиким, қилғай ани кўрган киши
Дилбарим қошиғау, менинг қадимға нисбатин.
Ҳилол осмонда янги пайдо бўлган уч кунлик ойдир.

Бу қасидада шоир дастлаб янги ой, янги давр, янги ҳокимият бошланганини шу янги ойнинг пайдо бўлишига нисбат беради. Чиройли сўз ўйинлари ва бадиий тасвир воситалари орқали ўзининг янги ҳокимиятга таъзим ва садоқатини изҳор этади. Унинг қудратини машҳур Эрон шоҳи Дорога қиёс қилиб фалак гумбазининг ҳам шу ҳокимиятга хизмат мақсадида таъзим бажо келтирганини ёзади.

Иккинчи масканда нодир бир зот билим аҳлини ўзининг донишмандлиги билан ром этган. Учинчи гулшанда руҳафзо суруд қилувчилар:

Чолибон нақшу амал, боғлаб Навоий шеъриға
Ийд жашни хуш тутарға шоҳ базми ишратин.

Тўртинчи манзилда ирамвашлар суҳбати учун маскан яратилган. Унда шоҳ «ҳарими» хилвати жойлашган.

Бешинчи гулшанда Рустам сингари паҳлавон шоҳ тинчини қўриқлайди. Олтинчи манзарада юзидан тақво, ақл, илм, садоқат шуълалари ёғилиб турган зот хутбада шоҳ отини ўқийди. Еттинчи дайрда юзи ошиқлар учун айрилиқ шоми қандай бўлса, шундай бир қора ҳинду хуш бўй таратиб ёмонлиқ зулматини даф қилади. Саккизинчи бўлимда гавҳару зар билан безалган кумушбадан гўзаллар шоҳнинг осмон қадар улуғ тахтида байрам куни юксаклик хонини ёядилар. Тўққизинчи боргоҳда ажойиб санъатли ўйинчилар ўз ҳунарларининг камолини кўрсатиб шоҳнинг инъому эҳсонидан баҳраманд бўладилар. Шундан сўнг:

Эй, қошингнинг рашки айлаб ҳам янги ой қоматин
Ийди рухсоринг қилиб нобуд байрам зийнатин дейилади.

Бу байт қасиданинг умумий мазмуни бўлиб, қасидагўй шу байтга ўхшатма қилиб қуйидаги байтни ёзади:

Эй, сенинг қошинг қилиб зоҳир янги ой ҳижлатин
Вей, юзинг шарманда айлаб ийди акбар талъатин.

Бу матлаъни шоир шоҳга бағишлаган. «Фош қилмоқ истадим олдида табъим қувватин», деб ёзади шоир. У ўз шеърининг мукаммаллигидан мамнун. Аторидни хижолатда қолдирдим, деб ишончи комил. Шоир хурсанд бўлиб уйга киради. У ерда байрам ҳилолини кўришга келган маҳваш ҳозир бўлади. Унинг сўзи Исо дамини эслатар, чеҳраси қуёшдек чароғон:

Чун мени кўрдики кирдим музтариб қилди савш,
Ким не ҳол ўлмиш сенга, шарҳ эт анинг кайфиятин.
Юз тафоҳур бирла арз эттим Аторид ҳолини
Ким бу матлаъ бирла синдурдим шукҳу шавкатин.

Шоир Аториднинг ва ўзининг байтини ўқиб ундан мақтов кутади. Маҳваш эса бир кулиб қўлига қалам ва довот олиб, қуйидаги ўхшатма матлаъни ёзади:

Кей, юзинг зоҳир қилиб байрам сабоҳи сафватин
Анда қошинг айлабон пайдо янги ой ҳолатин.

Шоир шоҳ ҳузурига келиб, ҳар учала байтни ўқийди. Унинг фикрича, бу мазмунда бундан ортиқ шеър айтмоқ мумкин эмас.

Шоҳ бу байтларни эшитгач, қуйидаги шеърни битади:

Кей, ҳилолинг майли айлаб тоқ кўнглим тоқатин,
Жой бериб ёд айлагач, ийди висолинг жаннатин.

Навоий Султон Ҳусайннинг ана шу фазилатини, шеърда баланд, назмда қалами ўткирлигини биринчи ўринга қўяди, шуни барча сифатлардан юқори тутади.

Шоҳликда ғояти дарвешликдан кўрмайин.
Бўрёйи фақрча заркаш сарири рифъатин.
Шоҳлар дарвешию, дарвешлар шоҳики ҳақ,
Шоҳ қилди сувратин, дарвеш қилди сийратин.

Навоийнинг фикрича, Ҳусайннинг барча фазилатларидан кўра муҳимроғи ана шу хислатидир. Бу таърифдан кейингина қасидагўй одатдагидай мамлакат ҳукмронининг шаън-шавкати, саховати, қудрати, золимларга шафқатсиз эканини, душманлари устидан доим зафар қозонажаги, жанг майдонида шахсан мардлик кўрсатиши каби сифатларини бирма-бир санаб ўтади. «Ҳилолия» қасидаси Навоийнинг:

Хисраво, зотингни васф этмак Навоий ҳадди йўқ,
Авло улким зоҳир этгай бенаволар одатин

деган мисралар билан якунланади. Унда таъриф ва тавсиф юқорида кўрганимиз воқеабанд ҳикоялар билан қўшиб берилган. Бу асар Навоийнинг истеъдоди етуклик касб этганидан далолат берар эди.

ХУРОСОНДА ҲУСАЙН БОЙҚАРО САЛТАНАТИ

1469 йили Хуросонда қарор топган Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти темурийлар авлодининг мустаҳкам ва обрўли давлатларидан бўлди. Унинг чегаралари шарқда Балх, ғарбда Бистон ва Домғон, шимоли Хоразм, жануби Қандаҳор ва Сейстондан иборат эди.

Султон Ҳусайн 1470 йили Навоийни муҳрдорлик вазифасига тайинлади, кейинчалик унга амирлик унвони берилди. Навоий саройда подшоҳга энг яқин турган арбоблардан эди. У Ҳусайн Бойкарога сидқидил билан хизмат қилди, унинг ҳокимиятини барқарор этиш учун қанчалик ҳаракат қилган бўлса, уни мустаҳкамлаш учун ҳам шунчалар курашди. У кучли ва адолатпарвар подшоҳ мамлакат халқига тинч ва осойишта ҳаёт бағишлайди, деб ишонар эди.

1470 йили шаҳзода Ёдгор Муҳаммад Ҳусайнга қарши Астрободда қўзғолон кўтарди ва у ердан келиб Ҳиротни эгаллади. Ҳусайн бу пайтда Ҳиротдан ташқарида эди. У ўз мағлубиятидан қаттиқ изтироб чекди.

Навоий Ҳусайнни тезлик билан Ҳиротга ҳужум қилишга даъват этди. Аммо бу сирдан ҳеч кимни огоҳ қилмаслик лозимлигини уқтирди. Бойқаро қўшини жадал Ҳирот сари йўл олди. Фақат Ҳирот яқинидаги Лангар Бўкан деган жойга етиб келишгандагина,

амирларга юришнинг сабаби маълум қилинди. Улар бу фармонни шодлик билан қарши олдилар. Кўпчилик Ёдгор Муҳаммад қароргоҳи «Боғизоғон»га кундуз куни туш пайтида ҳужум қилмоқни раво кўрдилар. Навоий бу фикрни рад этди. У кечаси ҳужум килишни маслаҳат берди. Чунки кундузи Ёдгорнинг одамлари тезда жам бўлиб ҳужумни қайтаришлари мумкин. Кечаси эса бунинг уддасидан чиқишлари мушкул. Мабодо ҳужум мувафаққиятсизликка учраса, тун пардаси остида чекиниш осон. Кундуз куни эса бундай қилиш маҳол, шу таклифга барча рози бўлди.

Султон Ҳусайн қўшини Ёдгор Муҳаммад жойлашган жойни ўраб олди. Алишер Навоий ўз навкари Бобоалини ичкарида кимлар борлигини билиб чиқишга юборди. У ичкарида ҳеч ким йўқлигини билиб чиққач, Ҳусайн киришни буюрди. Лекин ҳеч ким журъат этмади. Шу пайт Навоий отини Бобоалига топшириб, ўзи қиличига ҳассадек таянганича ичкарига йўналди. Ҳусайннинг буйруғига биноан унинг ортидан амир Қулалий юрди. Одамларда журъат пайдо бўлиб саройга ўзларини урдилар. Ҳожи Али Навоий бошлаган йўлдан бориб, маст ҳолда ухлаб ётган Ёдгор Муҳаммадни қўлга олди. Эртаси куни Ёдгор Муҳаммад ва унинг таянчи бўлган амир Али Жалойир қатл этилди. Хуросонда яна осойишталик барқарор бўлди.

Бу даврда Ҳиротда жуда кўп шоирлар, олимлар, санъаткорлар камол топдилар. Улар маданият тарихимизни бойитган дурдона асарлар ижод этдилар. Бу аҳли фазлнинг устози ва ҳимоячиси Хуросон давлатида энг обрўли шоир хамда арбоб Алишер Навоий эди. Унинг жонбахш шеърлари халқ орасида кенг тарқалган, маърифатпарварлик фаолиятидан жуда кўп истеъдодли кишилар баҳра олиб ижод билан машғул бўлдилар.

Навоий отасининг мулки қайтариб берилгани ҳамда ўзи баланд мавқега эга бўлганидан давлатманд бўлиб кетди. У ўзининг бугун молу мулки, ерларидан тушган даромадларни мамлакат ободонлиги, шоирлар, олимларнинг тарбиясига сарф этди.

Навоий ўз жамғармаси ҳисобига Ҳиротда ва бутун Хуросон мамлакатида жуда кўп бинолар, мадраса, шифохона, карвонсарой, ариқ, кўприк, йўллар барпо этди. Ҳиротдаги «Ихлосия» мадрасаси, унинг қаршисидаги «Халосия» хонақоҳи, Инжил ариғи бўйидаги масжиди жоме, тиб илми ўқитиладиган «Шифоия» мадрасаси, «Низомия» мадрасаси, Марвдаги «Хисравия» мадрасаси, Ҳиротдан ташқарида «Работи ишқ», «Работи санг», шоир Аттор қабридаги мақбара, Нишопур атрофидаги жойлардан биридаги «Работи яздбод», Гуласт булоғидан Машҳадга тортилган ариқ (узунлиги 70–80 км) ва бошқа жуда кўп иншоотларни Навоий бино қилдирган. Тарихчи Хондамир шулардан 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом, кўпгина тўғон ва масжидларни номма-ном келтиради. Бундай иншоотларнинг сони 300 дан ортиқрокдир. Навоий яна подшоҳ саройига кўп илм ва фазл аҳлига эҳсон, совғалар юбориб турар эди. Аҳолига солинган солиқни ўзи тўлаган пайтлари ҳам бўлган. 1500 йили Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолидан 100 минг кепакий солиқ йиғиладиган бўлди. 50 минг кепакийни Ҳирот халқидан ундириб олиш керак эди. Бу маслаҳат Навоийга хабар қилинганда у ҳозирги фурсатда халққа ўринсиз солиқ солиш соҳибқирон давлатига муносиб бўлмас, элда норозилик уйғотар, деб шунча пулни ўзи тўлаб юборди. Халқ бундан ғоят миннатдор бўлиб, у ни дуо қилди.

Алишер Навоийнинг бутун ер-суви, мол-мулкидан ҳар куни 18 минг шоҳруҳий динор миқдорида даромад келар, бу пуллар юқоридаги каби хайрли ишларга сарф этилар эди.

«ВАҚФИЯ»

«Вақфия» асари Навоийнинг ўзи томонидан ёзилган таржимаи ҳол. Навоийнинг ўз даврига, доирасига муносабати ҳамда Навоийнинг шахсий мулки, бу мулкдан улус манфаати учун истифода этилганлиги тўғрисида бир ҳужжатли асардир.

Шоир, аввало, Хуросонда Ҳусайн Бойқаро давлати ўрнатилганини таъкидлаб, подшоҳ ҳокимиятининг кимларга суянгани, қандай иш тута бошлаганини ёзади. Навоийнинг ота ва боболари Султон Ҳусайн аждоди хизматларида бўлиб улуғ мартаба ва буюк мансабларга сазовор бўлган эдилар. Аммо Навоийнинг ўзи «фано кунжини мужгон билан супуриб, у ерга мужгон сиришки («кўз ёшлари)дан сув уриб» узлатга чекинмоқ ниятида эди. Аммо султондан хат келиб, унда шоҳ Навоийни ўз хизматига чорлайди. Навоий бу таклифни кабул қилади ва то ҳаётининг охиригача сидқидил билан подшоҳ ҳузурида бўлиб эл учун хизмат қилади. Бу хизматнинг моҳияти тўғрисида Навоий «Вақфия»да бундай деб ёзган: «Илигимдин келгунча зулм тиғин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом марҳамин қўйдим. Ва илигимдин келмаганин ул ҳазрат арзига еткурдим.

То зулм палангти терисидан кийик сувратлик бодполар ғошиясиға зийнат берди ва мазлум жони кийиги кўзига амният марғзориди қоплон доғлари ўрнига лола доғлари кўргузди»[1].

Навоийнинг молу мулки кўп эди. «Вақфия»да шуларнинг миқдори, қаерда, қандай экани муфассал кўрсатилган. Ана шу мулклардан тушган даромадлардан Навоий ўз хизматидаги бир кишининг тирикчилигига етарли қисмини ўзига қолдириб, қолган ҳаммасини элу юрт манфаатлари учун сарф қилган («ўз маошимға сойир авомдан бирининг маоши ўтгунча иссиқ-совуқ дафъи учун бир турма тўн дағи мунча муносиб емакка қониъ бўлиб...»[2].

1476–1477 йили Султон Кўшки Марғони деган жойдан Навоийга ер инъом этади. Навоий бу ерни обод қилади. У жойга иморатлар қурдиради, боғлар барпо қилади. Мадраса, масжид солади. Мадрасанинг тўрига гумбаз бино қилади. Мадрасага «Ихлосия» деб от қўйилди. Гумбазни «Дор ул-хуффоз» деб аталди. Мадраса қаршисида хонақоҳ солдирди. Уни «Халосия» деб атади.

Навоий ўз мулкидан тушадиган даромадни ана шу мадраса ва хонақоҳ учун вақф қилиб берди. Ушбу «Вақфия» асарида шу вақф шартлари бирма-бир баён этилган. Ҳар ўттиз йилда мутавалли бу «Вақфия»ни кўчиртириб, ундан янги нусха тайёрламоғи керак. Аммо бирорта шартга ўзгариш киритмасин. «Вақфия» 1481–1482 йили ёзилган.

Навоийнинг «Вақфия»си ҳар томонлама муҳим бир асардирки, у ўзининг қобилиятли ва тиришқоқ тадқиқотчисини кутмоқда.

СЕВГИ ВА ЭЗГУЛИК МИСРАЛАРИ

Навоий давлат ишлари, элга ғамхўрлик қилиш, илм ва санъат аҳлига ҳомийлик қилиш билан қанчалик банд бўлмасин, ижод доимий машғулоти эди. Унинг теран мазмунли ғазаллари, қитъалари, ўйноқи туюқ ва муаммолари, дардманд маснавийлари ҳар куни эл орасида ёйилар, халқнинг қалбига ўрнашиб қолар эди. Бу тўғрида шоир ўзи бундай деб ёзган:

Кўнгилда не маъни бўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо.
Ул назмга жонини қилибон халқ фидо,
Солурлар эрди гунбази гардунга садо.

Навоий Ҳиротдан четда яшаб юрган пайтлари. Ҳиротлик адабиёт мухлисларининг бир анжуманида суҳбатдошлар ўртасида тортишув бўлиб ўтди.

---

[1] Навоий. Асарлар. –Т., 1966. 14-бет.
[2] Ўша асар. 169-бет.

– Нега Навоий ўз девонини тартиб этмас? – деб сўради бир киши.

– Навоий ҳали ёш. У девон тузмоқ учун вақт ҳали эрта деб билса керак.

– Навоийнинг шуҳрат ва эътирофи катта сўз усталариникидан ортиқ бўлса борки, лекин кам эмас. Демак, у девон тузмоғи керак.

– Навоий камтарлик қилиб девон тузмаяпти. Келингиз, шу вазифани ўзимиз адо этайлик. Навоийнинг элга маълум бўлган ҳамма шеърларини бир жойга йиғиб, унинг девонини тузайлик.

– Тўғри ran. Ахир бу ишдан ўзимиз баҳра топамиз-ку. Навоийнинг ўзига эса девон керак эмас. У ҳамма шеърларини ёддан билади, дейдилар.

– Ҳатто бошқа шоирларнинг шеърларини ҳам, – деб қўшимча қилди бир суҳбатдош. Анжуман Навоий шеърларини йиғиб бир девон тузмоқни суҳбатдошлардан иккитасига юклади. Котибликни ўша вақтда Ҳиротнинг жуда хушхат, лекин ҳали унчалик шуҳрат топмаган хаттотларидан Султонали Машҳадийга топширдилар. Ушбу йиғинда иштирок этаётган ёш хаттот Султонали бу таклифни қабул қилди. Қабул қилди-ю, аммо юрагининг ич-ичида иккиланиб қолди. У Машҳаддан яқиндагина Ҳиротга келган. Хаттотлик санъатини тўла эгаллаган, аммо туркий тилни мукаммал ўрганиб олганича йўқ. Навоийнинг шеърларини бехато кўчириб бера олармикин? Султоналига икки сабаб бу таклифни қабул этмоққа боис бўлган эди. Биринчиси, бу хизмат эвазига яхшигина ҳақ тўланади. Тирикчилик учун бу ҳам зарур. Иккинчидан, Навоийнинг ўзи бу таклифни қилаётгани йўқ– ку. Унинг мухлислари ташаббус кўрсатмоқдалар. Навоий гарчи дадил қадамлар билан бўлса-да, ҳар ҳолда адабиётга энди кириб келаётган бир шоир. Агар девон ёзувида хатолар ўтиб кетса кечирарлидир. Афсуски, Султонали Машҳадийнинг иккилануви асосли бўлиб чиқди. Навоийнинг мухлислари тузиб, Султонали кўчириб ёзган бу девоннинг хати ғоятда гўзал. Аммо ёзувида хатолар кўп. Бу девон Навоийшуносликда «Илк девон» номи билан машҳурдир[1].

«Илк девон»дан кейин Навоийнинг ўзи тузган девон «Бадое ул-бидоя» деб аталади. Бу «Бошланиш гўзалликлари» деганидир. Бу девон Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтганидан сўнг тузилган. Демак, 1469 йилдан кейин «Бадое ул-бидоя»нинг 1486 йилда кўчириб ёзилган бир нодир қўлёзма нусхаси Тошкентда, ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланади (№ 21 б)[2].

Йиллар ўта борди. Навоийнинг шеърлари кўпаяверди. Чунки шеър ёзмоқ Навоий қалбининг талаби эди.

Шоир шу йўл билан кўнгилдаги тугунларни ечар, ҳаётнинг аччиқ-чучукларидан тин топар, энг муҳими, дардкашларнинг аламли жароҳатларига малҳам қўяр эди.

Иккинчи девонини Навоий «Наводир ун-ниҳоя» деб атади[3].

Агарда «Бадое ул-бидоя»га Навоийнинг ёшлик йилларида ёзилган шеърлари кирган бўлса, «Наводир ун– ниҳоя» етук ёшда ёзган шеърларидан ташкил топган.

---

[1] «Илк девон»нинг 1465 йилда Султонали кўчириб ёзган нусхаси ҳозир Санкт-Петербургда Салтиков-Шчедрин номидаги давлат халқ кутубхонасида сақланади. Бу қўлёзмани Ё.Исҳоқов тадқиқ этган. «Илк девон»нинг яна бир қўлёзма нусхаси (XVI аср) Қозонда. Бу тўғрида қаранг: П.Шамсиев Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: «Фан» 1986. 11-бет «Илк девон» факсимиле ҳолида нашр этилган. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Т., 1968.

[2] Навоийнинг ЎзФА томонида нашр этилаётган 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламининг 1-жилди «Бадое ул-бидоя» девонидан ташкил топган. ЎзФА – Т.: «Фан» 1988, нашрга тайёрловчилар Ш.Шарипов, М.Раҳматуллаева, масъул муҳаррир А.Қаюмов.

[3] «Наводир ун-ниҳоя» девонининг Навоий барҳаёт экан пайтида кўчирилган қўлёзма нусхаси Тошкентда ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланади. Навоий 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламининг 2-жилдини «Наводир ун-ниҳоя» ташкил этган. ЎзФА. – Т., 1988, нашрга тайёрловчи М.Раҳматуллаева, масъул муҳаррир А.Қаюмов.

Навоий бутун умри бўйи гўзал шеърлар ёзди. Бу фаолияти унинг фақат юраги тепишдан тўхтагандагина тўхтади, холос. Умрининг охирги йилларида Навоий барча шеърларини тўрт девонга бўлиб чиқди. Тўрт девоннинг умумий номи «Хазойин ул-маоний»дир. Яъни «Маънолар хазиналари». Уни қисқартириб «Чор девон («Тўрт девон») деб ҳам юритилади. Бу тўрт девон қуйидагилардан иборат:

«Ғаройиб ус-сиғар» – «Болалик ғаройибликлари», «Наводир уш-шабоб» – «Ёшлик нодирликлари», «Бадое ул-васат» – «Ўрта ёшлик гўзалликлари», «Фавойид ул-кибар» – «Кексалик фойдалари», «Хазойинул маоний»да 50000 мисрага яқин шеър жамланган.

Бундан ташқари Навоий тўртлик шеърлардан иборат китоб тузган. Унинг номи «Назм ул-жавоҳир» («Шеър дурдоналари»)дир. Бу тўртликлар, асосан, насиҳатомуз шеърлар, ҳаёт тажрибаларидан олинган хулоса, якуний фикрлар мажмуасидир.

Навоийнинг форс тилида ёзган шеърлари алоҳида девонга йиғилган. Бу «Девони Фоний»дир. Яна юқорида кўрсатиб ўтганимиз шеърий мактуб «Ҳасби ҳол» (Саййид Ҳасан Ардашер номига), «Ҳилолия» қасидаси (Ҳусайн Бойқаро номига), «Туҳфат ул-афкор» деб номланган қасида, дидактик характердаги қирқ рубоий ҳамда муаммолар тўплами ҳам Навоий қаламига мансубдир.

Навоий шеърларни мазмунига кўра иккига бўлади:

1. Ошиқона шеърлар. 2. Орифона шеърлар.

Севгучи қалб изтироблари, ёр гўзалликлари, айрилиқ азоблари, етишув шодликлари, ёрнинг илтифоти ёки илтифотсизлиги, ағёр, уларга нисбатан қаҳру ғазаб, рашк, севги йўлидаги фидокорлик, бевафоликдан ҳасрат ва шунга ўхшаш туйғуларни ифодаловчи шеърлар ошиқона шеърлардир. Агар шеърнинг мазмуни эзгуликнинг тарғиби, инсоннинг баланд мартабаси, унинг бу юксак мартабага муносиб бўлмоғи учун касб этмоғи керак бўлган фазилатларнинг ташвиқидан иборат бўлса, бундай шеърлар орифона шеърлар бўлади. Вафодорлик, садоқат, раҳм-шафқат, тўғрилик, инсоф, халқпарварлик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик ва шулар сингари сифатларнинг таъриф ва ташвиқ этилмоғи орифона шеърларнинг асосий мавзу ва вазифасидир.

Навоий ташвиқ этган севги чин инсоний муҳаббатдир. Навоийнинг лирик қаҳрамони соф ва аниқ тушунчадаги инсон. Унга барча инсоний туйғулар, фазилат ва нуқсонлар хос. У севади. Севги йўлида турли-туман мусибатларга мубтало бўлади. Айрилиқ азобларига чидайди. У доимо севикли ёрга етишув умиди билан яшайди. Севги бу қаҳрамон ҳаётининг мағизи, мазмунидир. Севгили маҳбуба ошиқ учун бирдан– бир азиз ва мўътабар зот. Ошиқ уни қаттиқ эъзозлайди: ўзини ёр йўлида фидо этмоққа у ҳар доим тайёр. Навоий ана шундай покиза, соф, фидокорона инсоний, яъни дунёвий севгини ўз шеърларида куйлайди.

Бу шеърлар инсон қалбида туғён ураётган илҳомли кечинмаларнинг юксак шоирона тасвиридан иборат. Уларнинг ҳар бир байти юракларни ларзага келтирувчи чуқур мазмундорлиги ва баланд бадиияти билан ажралиб туради.

Кезарман кўйида йиллар назар ҳолимға солғай деб,
Агар ўлтурса қоним ранги тупроғида қолғай деб.

Кўнгулга юз туман ниш урса ҳижрон, айламам нола,
Висолинг нўшидан ул заҳмлар шояд тузалғай деб.

Кўнгулга новакинг то кирди беҳад ҳифзин айларман,
Ки, бу шиша ичинда ул дағи ногаҳ ушалғай деб.

Кўнгулни куйида юз ранж ила меҳнатға топшурдум,
Ки, гар кўрса бу суврат бирла шояд кўнглум олғай деб.

Сиришким қони қилди куйининг туфроғин оғушта,
Итига шояд ул балчиғ била бир уй ясалғай деб.

Ҳарам васлин тиларсан, пўя ур мардона, эй солик,
Қадам оҳиста чекма бағринг ул елмақда толғай деб.

Навоий бенаволиқ бирла доим май ичар ҳар тун,
Наво нақшини даврон мутриби базмида чолғай деб.

Бу ғазалда лирик қаҳрамоннинг муҳаббат кўйида дарбадарлиги тўғрисида сўз боради. Аммо унинг ўз севгилисига садоқати мустаҳкам ва барқарор. У ёрнинг бир қараб қўйишини кутиб йиллар давомида ёр кўчасида тентирайди. Мабодо унинг бу қилмишидан ғазабга келган ёр уни ўлдириб юборгудек бўлса, қони ёр кўчасида тўкилмоғидан, шу қон ранги, унинг учун муқаддас тупроғда қолмоғидан бахтиёр бўлур эди. Севгучи кўнгил унга санчилаётган айрилиқ нишларига парво қилмайди; чунки у етишув малҳамлари бу нишлар яратган яраларни даволайди деб умид қилади. Ғазал бошдан оёқ ошиқ кўнглидаги чин ва самимий туйғуларнинг юксак бадиият билан тўла ифодаларидан ташкил топган. Ёр кўйида ошиқ қанча изтироблар чекмасин, у ҳеч қачон умидини йўқотмайди, тушкунликка берилмайди. У бир куни келиб даврон мутриби наво нақшини чалажак, деган орзу билан яшайди. Навоий ғазаллари инсон гўзаллиги, бу гўзаллик вужудга келтирган энг нафис ва мураккаб туйғуларни баён қилади, Навоийнинг лирик қаҳрамони шу гўзаллик шайдоси, унга эзгулик, вафо, садоқат хос бўлган олийжаноб бир инсондир.

Дин офати бир муғбачаи маҳлиқодур майхораю бебок,
Ким, ишқидин онинг ватаним дайри фанодур, сармаст, ёқам чок.

Ҳам туррасининг дуди вараъ белига зуннор, мен кофири ишқи,
Ҳам юзи мажус ўти киби шуъла физодур мен ўртанибон пок.

Ул чеҳра фуруғи тушубон зор танимға бир навъ куярким,
Ҳар кимса ани кўрди, соғиндики, ёнодур ўт ичида хошок.

Ҳайвон суйи жонимни лаълидин айру ул журъаи майким,
Тегмуш анга майгун лаби жонимға даводур не заҳру не тарёк.

Бу навъки, айлар мени васли ҳавасидин махмур бўлубмен
Мушкилки, ёзилғай бу хуморики мангодур соғар бўлуб афлок.

Сойилмену мақсудум эрур нақди висолинг бухл айлама, жоно,
Ким барча мазоҳибдаки, ишқ аҳли ародур мазмум эрур имсок.

Ҳажрингда юзи сарғарибон дам ура олмас бечора Навоий,
Гўёки хазон фаслида бебаргу наводур ул булбули ғамнок.

Навоий ўзининг орифона шеърларида панду насиҳатлар қилиб, кишиларни эзгуликка чорлайди: ёвузлик, тубанликни қоралайди, яхши фазилатлар касб этмоққа ундайди.

Дўстлар, даҳр вафосини хаёл айламангиз,
Буржу коҳига тамаъ, ғайри завол айламангиз.

Турфа маҳбубдурур умру, вафоси йўқ анинг,
Андин истарға вафо фикри маҳол айламангиз.

Ҳар киши комил эрур бас, анга ҳақ бандалиги,
Мундин ўзга тамаъи касби камол айламангиз.

Йўқ жамол ичра вафо ҳуснға доғи бунёд,
Ғарраи ҳусн бўлуб арзи жамол айламангиз.

Олами фоний учун ранжу машаққат чекманг,
Мол учун ғам емангиз, фикри манол айламангиз.

Ишқ дардиға Навоий киби мағрур ўлманг,
Ўзни ҳар маҳваш учун шифтаи ҳол айламангиз.

Бу шеърда шоир даҳрдан, яъни дунёдан шикоят қилиб, ундан вафо кутманг, деганда атроф-муҳитдаги кишиларда бевафолик кўп эканидан шикоят қилмоқда эмас. У, умуман инсон ҳаётининг вафосизлиги, яъни бир маҳал келиб унинг тугаяжаги, йўқ бўлиб кетажагини кўзда тутмоқда. Кишининг умри қисқа. У бир куни келиб ўз интиҳосига етади. Ана шуни унутмаслик керак. Киши ўткинчи интилишлар асири бўлиб қолмасин. Дунёнинг ташвишларини чекабериб ўзини хуноб этмасин. Молу давлат, бойлик йиғмоққа ҳирс қўймасин. Ҳар бир дуч келган гўзалга берилла бермасин. Инсон камолот сари интилсин. Унинг инсон сифатида вужудга келганининг ўзи катта саодат эмасми!

Бу таркиббанд шеър қуйидаги мисралар билан якунланади:

Тарк пири каби оламдин этакни силкинг,
Дўстдин ғайри таманнои висол айламангиз.

То саломат бу хатар манзилидин солиб ком
Маъмани васлиға бўлғай тута олмас ором.

Навоий ўз шеърида ўқувчини умидсизлик сари бошламоқда эмас, аксинча уни ҳушёрликка чорламоқда. У кишиларни дунё ишидан этак силкишга чақирар экан, уларга завол етказувчи иллатлар: ҳирс, тамаъ, ҳасад, молпарастлик, гина ва душманликдан қутилмоққа ўгит беради, хатар манзилидан эзгулик масканига ўтиб қарор тутмоқ зарурлиги уқтиради.

Навоийнинг бевосита жамият аҳлига муносабати унинг қитъа – шеърларида ўзининг аниқ ифодасини топган.

Масалан, шоҳлар тўғрисида ёзар экан, шоир уларни аждаҳога ўхшатади. Шоҳлар хазинани сақлаб ётган аждаҳо кабидирки, улар билан бирга бўлмоқ аждаҳо билан яшамоқ сингаридир.

Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,
Ки, ўтлар сочар каҳр ҳангомида.
Анинг коми бирла тирилмак эрур
Маош айламак аждаҳо комида.

Навоийнинг берган ўгитлари турли-туман ижобий сифатларни касб этмоққа қаратилган. Масалан, ориф кишиларнинг фазилати ўз файзини яширин тутмоқ, кўз-кўз қилмасликдадир. Бу фикрни шоир ажиб унутилмас ифодалар орқали изҳор қилади.

Эрур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин они ёшурмоқ.
Қуёш акси тушиб дарё ичинда
Не мумкиндур онинг сувин тошурмоқ.

Одоб, тавозуъ кўп яхши фазилат. Агар бу фазилатлар давлат эгаси бўлганлар томонидан амалга оширилса яхши бўлади. Кечирим ҳам яхши. Аммо бу фазилат ҳам қудрат эгаси бўлганлардан содир бўлса ўринли бўлади.

Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур,
Агар даъб этса они аҳли давлат.
Эрур ҳам авф хўбу хўброқ ул
Ки, зоҳир бўлғай эл топқонда қудрат.

Шундай қилиб, Навоийнинг девонларида эл кўнглига яқин бўлган, инсон қалбининг энг нозик, мураккаб ва эзгу ҳис-туйғулари ўзининг гўзал ва мукаммал шоирона ифодасини топтан.

«Назм ул-жавоҳир» асари 1485 йили ёзилган. Унда тўртлик шеърлар жамланган. Бу тўртликларнинг жуда кўпчилиги ахлоқий-тарбиявий мазмундадир.

Навоий «Назм ул-жавоҳир»га Алига нисбат бериладиган «Насруллаолий» деб аталмиш панду ўгитлар тўпламини асос қилиб олган. Ҳатто Навоий ўз асарини ана шу араб тилида ёзилган тўпламнинг таржимаси деб атайди. Аслида эса Навоий эзгу фикр, панд-ўгитлардан иборат мустақил ва катта бир асар яратган.

Навоий адолат мамлакатни бошқаришда энг асосий қоида бўлмоғи кераклигини алоҳида куч билан уктиради.

Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким – адл сифоти бўлмиш.
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл ила мулк саботи бўлмиш.

Адолатни шунчалар баланд қўйган шоир ўз ўқувчисига турмушнинг барча жиҳатлари бўйича оқилона насиҳатлар қилмоқда давом этади. Масалан, у касб-ҳунарни улуғлаб бундай деб ёзади:

Косиб кунжи кафи зар олғинчи эрур,
Икки қўли мезони дирамсанжи эрур.
Ким бўлса ҳунарсиз иши ўқ ранжи эрур,
Бу важҳ илаким, ҳунари ганжи эрур.

«Назм ул-жавоҳир» катта тарбиявий аҳамиятга молик бир асардирки, уни чуқур тадқиқ этиб илмий истифодага киритмоқ галдаги муҳим вазифалардан биридир.

«ДЕВОНИ ФОНИЙ»

Навоий форс тилини мукаммал билар, бу тилда эркин сўзлашар ҳамда гўзал шеърлар ёзар эди. Бу шеърлар «Девони Фоний»га жамланган[1].

«Девони Фоний»даги ғазалларнинг кўплари татаббу (ўхшатма) тарзида ёзилган. Чунончи дастлабки ғазалдан кейин Шайх Саъдийга татаббу келади.

Эй ба гулистон ҳазор наргиси шаҳло,
Дар гилу гулзори оразат ба тамошо.

(Эй гўзал) гулистондаги мингларча шаҳло кўзли наргис гуллар лойда туриб оразинг гулзорин тамошо қилмоқдалар).

Татаббу шеърлар Ҳофиз, Хисрав, Суҳайлий, Жомий, Саъдий, Хожа Салмон, Котибий, Шоҳий, Хожа Ҳасан, Хожа Камол, Хожа Уҳд, Амир Вафоий, Ҳусайний, Саидқосим Анвар, Шайх Камол каби шоирларнинг ғазалларига ёзилган.

Яна форсча қасида «Туфҳат ул-афкор», Жомий ғазалига боғланган мусаддас, Жомий вафотига марсия каби катта шеърий асарлар ҳам «Девони Фоний»дан ўрин олган.

Булардан ташқари, девонда қитъа, рубоий, таърих, луғат, муаммо кабилар ҳам бор.

Форсча шеърларнинг мавзуси хилма-хил. Унда маҳбуба гўзаллиги, унинг ошиққа бепарволиги, севги ўтининг авж олуви, айрилиқ аламлари, висолга интилув, ёрга садоқат, ағёрга нафрат каби Шарқ лирик шеърияти учун анъанавий мавзулар учрайди. Фоний Шарқ классик адабиётининг улуғ арбобларига ўхшатма қилиб ғазал ёзар экан, улардан ўрганган маҳорат сирларини ижодий қўллаб, форс шеъриятига зеб берувчи жўшқин мисралар ижод қилди.

Гар аввал оташи ишқ осон намуд моро,
Зў як шарар баровард аз сина дуд моро.

Орому хоб аз мо, эй ҳамдамон, мажўед
Рафтонки, чашми роҳат хуш меғунуд моро...

Фоний, чи сон тавон буд дар шаҳр банд ҳастий
Чунрў ба нестиҳо ҳижрон намуд моро.

(Бошда бизда ишқ ўти енгил кўринган бўлса ҳам,
Лекин ундан чиққан биргина учқун сийнамиздан дуд чиқарди.

Эй ҳамдамлар, биздан орому уйқуни изламанг,
Бизни ухлатадиган кўз роҳати (маҳбуб) кетиб қолган.

Эй Фоний, айрилиқ бизни йўқлик томон етаклаётган маҳалда
Бу борлиқ зиндонда қандай тоқат қилиб ўлтирибсан?)

[1] Навоий. Девони Фоний. Асарлар. Т. 5 . 1–11 китоб. – Т., 1965.

Саидқосим Анварга татаббу қилиб ёзилган ғазалда Фоний ажойиб бадиий образлар орқали икки халқ – ўзбек ва тожик халқининг бирдамлигига ишора қилади:

Нигори турку тожикам кунад сад хона вайрона,
Бадан мужгони тожиконаву чашмони туркона.

(Ўша тожикларча киприк ва туркларча кўзлар билан турк-тожик нигорим юзларча уйни вайрон қилади).

Нигорнинг киприклари тожиконаю, кўзлари туркона. Кўз ва кифриклар бир бутун. Шунинг учун лирик қаҳрамон ўз севгилисини турку тожик деб атайди. Ана шу кўз ва кифриклар юзлаб дил уйларини ўз гўзаллигининг жозибаси, сеҳри билан банд қилиб вайрон этиб ташлаган. Ўзбекларда бир бутунликни англатмоқ учун тирноқ ва этни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини ишлатадилар. Худди шу тушунчани Фоний кўз ва кифрикнинг бирлиги орқали ифода этмоқда.

«Девони Фоний»даги кичик ҳажмли шеърлар – қитъаларда ажойиб фикр дурдоналари мавжуд. Бу шеърларда Фоний таъсирли бадиий воситалар орқали эзгулик, олийжанобликни ташвиқ этади, тубанлик, тамаъгирликни қатъийян рад қилади:

Чу иззат боядат тарки тамаъ кун
Гадаёнро аз ин монест хорий.

Маҳ аз хуршед равшан чун зиё хост
Сиях рў гашт аз он беэътиборий.

Дурафшон гашт чун бар фарқи мардум
Ба шоҳон чатр шуд абри баҳорий

(Иззат тиласанг тамаъни тарк қил
Гадоларни хор қилган нарса тамаъгирликдир.

Ой порлоқ қуёшдан ёруғлик сўрагани учун
Эътибори кетиб юзи қаро бўлди.

Баҳор булути (тамаъсизлиқдан) халойиқ бошига дур сочгани учун
Шоҳлар устига соябон бўлди).

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

Навоий яшаб ижод этган даврда энг шуҳратли шоир ва олим форс-тожик адабиёти намояндаси Абдураҳмон Жомий (1414–1492) эди. Уни Навоий махдуми Нуран (Нурли махдум) деб атайди. Такдир тақозосига кўра бу икки буюк мутафаккир бир-бирлари билан дўст, ҳамфикр, устоз ва шогирд эдилар. Жомий ва Навоий ўртасидаги якдиллик ва дўстлик ўзбек, тожик халқларининг биродарлиги ва дўстлигининг ёрқин тимсолидир.

Жомий «Хамса»дан («Беш достон») ошириб етти достон ёзган. Уларни бирлаштириб «Ҳафт авранг» деб атаган. Улар қуйидаги етти достондан иборат: «Силсилат уз-захаб» («Олтин занжирлар»), «Соломон ва Абсол», «Туҳфат ул-аҳрор» («Эркинлар туҳфаси»), «Сибҳат ул-аброр» («Яхшилар тасбеҳи»), «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун»,

«Ҳирадномаи Искандар». Булардан ташқари яна «Баҳористон» китоби, уч шеърлар девони: «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшлик фотиҳаси») «Воситат ул-иқд («Марварид шодаларини боғловчи») «Хотимат ул-ҳаёт» («Ҳаёт хотимаси») ва адабиёт назарияси, мусиқий илмига оид бир қанча китоблар, таржималар Жомий ёзган ўттиз саккиз асарининг рўйхати «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайратда қолганлар») китобида келтирилган.

Алишер туғилган йили Абдураҳмон Жомий 27 ёшли йигит эди. Алишер Навоий шоир сифатида танилганда Жомий ўз даврининг машҳур шоири ва мутафаккири сифатида донг таратган мўйсафид эди. Навоий Жомийни таърифлаб жуда кўп шеърлар битган. Жомийни ўзининг энг яқин дўсти, устози, маслаҳатгўйи деб билар эди.

«Мажолис ун-нафоис» («Нафис кишилар мажлиси»)да Навоий Жомийни тасвирлаб бундай деб ёзади: «Мавлоно Абдураҳмон Жомий – то жаҳон бўлғай аларнинг ёруғ хотираларининг натойижи жаҳон аҳлидан кам бўлмасун ва то меҳр эврулгай аларнинг очуқ кўнгилларининг фавоиди даврон халойиқидан кам ўлмасин...

Ё раб, бу маони дурринінг уммони,
Бу донишу фазл гавҳарининг кони.

Ким айладинг они алам аҳли жони,
Олам элига бу жонни тут арзони».

Навоий ўзининг Жомий билан дўстлиги ва бир-бирига меҳр-оқибати, махдуми Нуранниинг унга ниҳоятда ғамхўр эканини таърифлаб ёзади: «Бу навъ соҳиб давлати бузургвор ва бу янглиғ соҳиб камоли нубувватқирдор, бу хоксори паришон рўзғорни азим илтифотлари била сарбаланд ва ғариб навозишлар била орзуманд қилиб абнойи жинсим аро сарафроз, балки жинси башардин мумтоз қилур эрдилар».

Жомий билан Навоийни дўстлаштирган нарса фақат уларнинг катта фалсафий масалалардаги ҳамфикрлиги, жамият ва табиат ҳодисаларини бир хил талқин этишларигина эмас, балки уларнинг табиати, кишиларга муносабатлари, дунёқарашлари, хуллас, инсоний сифатлари ҳам деярли бир хил бўлганида эди.

Бир куни Навоийнинг қўлига Хўжа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома» китоби тушди. Уни котиб Шайх Абдуллоҳ олиб келган эди. Бу одам яхшигина котиб эканидан ташқари китоб савдоси билан ҳам шуғулланар эди. Яна у киши ўзи ҳам Абдулло Ансорийнинг авлодидан экан. Навоий хушхат қилиб кўчирилган, чиройли муқовадаги бу китобни диққат билан кўздан кечирди. Асар икки катта бўлимдан иборат эди. Навоий унинг бирор варағини ўқиб чиқмоқчи бўлиб секин мутолаа қила бошлади. Асарнинг тили шу қадар латиф ва равон, бадиияти шундай жозибали эди-ки, китобхон ундан ўзини узиб олиши қийин.

Навоий асар латофатига берилиб кетди. У бошқа ишларини ташлаб, тинимсиз шу асарнинг мутолаасига киришди ва бир ўтирганда ҳар икки жузвни тамомлагандан сўнггина ўрнидан турди.

Дўстлари билан суҳбат асносида шу ҳолни у айтиб берганида, ҳозир бўлганлар ҳайратда қолишди. Бундай катта асарни бир мартада бошидан охиригача ўқиб чиқиш анча иш, дедилар улар.

Эртаси куни эрталаб Жомий Навоийнинг уйига келди. Ўша китобни кўриб Жомий уни қўлига олиб очди ва диққат билан қараб чиқди. Тунов куни суҳбатда ҳозир бўлган одамлар ҳайрат юзасидан у кунги гапни Жомийга айтиб бердилар.

Улуғ шоирнинг серсоқол ва нуроний юзида табассум пайдо бўлди. У майин жилмайиш билан деди:

– Ажаб амри иттифоқий бизнинг ва сизнинг оралиқда воқъи бўлғон эрмиш: икки ё уч кун бурунроқ Мавлоно Шайх Абдулло ушбу рисолани бизнинг қошимизга келтириб эрди, биз доғи аввалдин бунёд қилдук, охириға дегинча ҳеч ерда турмоқ бўлмай туганди.

Эртаси Шайх Абдуллоҳ келиб китобнинг ё ўзини, ёки пулини олмоқчи бўлди. Навоийнинг яқинларидан бири унга Навоийнинг бу китобни бир ўлтиришда тўхтатмай бошидан охиригача ўқиб чиққанини айтиб берди. Шайх Абдуллоҳ ҳайрон бўлди ва деди:

– Ҳазрати Махдумий (Жомий) хизматларига ҳам элтуб эрдим, аларға ҳам ушбу ҳол воқъи бўлди.

Бир куни Жомий билан Навоий узоқ суҳбатлашишди. Сўз китоб ва унинг аҳамияти тўғрисида кетди. Даврлар, инсонлар ўтиб кетади: шаҳарлар бузилади, қалъалар харобага айланади, экинзорлар ва боғлар ўрнини саҳро ва чўллар эгаллаши мумкин. Аммо сўз яшайди, китоблар авлоддан-авлодга авайлаб ўтказилади, уларда битилган олийжаноб фикрлар, ташвиқ этилган юксак интилишлар ҳамиша инсонлар қалбидан жой олади, шунинг учун ҳар авлод ва халқ қўлёзмаларни авайлаб-асрайди, улардан нусха кўчиради, ўз тилига таржима қилади, ундаги сўз ва фикрларни болаларга уқдиради. Хуллас, одам боласи барҳаёт экан, китоб яшайди, кишиларга яшаш илмидан мураббий бўлиб қолади. Яна ҳар бир маърифатли инсоннинг энг азиз дўсти, ҳамдами китобдир.

Навоий кекса устози ва дўстини шодумон этиш ниятида унинг девонини чиройли қилиб кўчиртиришга аҳд қилди. Эртасига хаттот Абдусамадга одам юборди. Абдусамад тезда етиб келди. У Ҳиротнинг энг машҳур ва атоқли хушнависларидан бири эди.

– Мавлоно Жомий ҳазратларининг девонларидан бир нусха кўчиргайсиз, – деди Навоий. – Фақат ғоят диққат ва эътибор ила бу ишни амалга оширмоқ даркор.

Абдусамад ғоят эҳтиром ва тавозеъ билан бу таклифни қабул қилди.

– Мундоқ улуғ вазифага мушарраф қилганликлари учун беҳад миннатдордурмен, – деди у қувониб. – Амрингиз кўнгилдагидек адо этилғай.

У шошилиб китобни кўчиришга киришди. Чунки унинг қўлида яна бир зарур буюртма ҳам бор эди. Агар ҳар иккаласини тезроқ битирса, қанча ҳақ олишини дарҳол ҳисоблаб кўрди. Жомий девонини тезроқ кўчириш керак. Чунки Навоийнинг бу ишга қанчалик саховат билан ҳақ тўлашини котиб яхши биларди. Орадан икки-уч ҳафта ўтди. Абдусамад белгиланган фурсатдан олдин девонни кўчириб олиб келди. Навоийнинг буйруғига кўра унга яхши ҳақ тўланди, қўлёзмани Навоийнинг кутубхоначиси кабул қилиб олди ва эртаси куни уни Жомий ҳузурига элтди. Жомий миннатдор бўлиб, китобни бир-икки кун қолдиришни сўради.

Орадан бир мунча муддат ўтди. Навоий Жомийнинг ҳузурига келди. Хонтахта устида ўша қўлёзма очиқ турар эди. Жомий қўлёзмани паришонлик билан варақлаб туриб деди:

– Бу китобни ғариб навъ битибдур, анга ўхшарким, зойиъ бўлғай шошиб турган. Бирор мисра йўққи, ғалатсиз битилган бўлса, баъзи ерларида такрор ёзилган байтлар бор, баъзи ўринларида эса керакли байтлар тушиб қолган. Ўзи кўп хушхат котиб экан. Аммо эхтиёж юзасидан шошиб ишлайди, шекилли. Агар шундай иш тутадиган бўлса, у бечоранинг ҳоли хароб бўлур.

Навоий хижолатда қолди. Улар узоқ суҳбатлашиб, бу тўғрида фикр алмашдилар. Охири Навоий деди:

– Агар Сиз ўз муборак қўлингиз билан ўша нуқсонларни тузатиб чиқсангиз, бу китоб нусхаси табаррук бўлиб қолур ва ҳар қўл урган жойингиз бу китобга зебу зийнат бўлур.

Жомий бу маслаҳатга рози бўлди. Хатолар кўплигидан кўп тузатиш бўлди. Бу иш интиҳосига етгач, Жомий ана шу воқеани тасвирловчи бир қитъа ёзиб девонга тиркади.

Ҳиротнинг кўп шоирлари Жомий ва Навоий атрофида уюшган эдилар. Уларнинг шоирлик иқтидори турлича бўлиб баъзилари юксак истеъдод билан шеър айтар, баъзилари ўз ҳолига яраша ғазал битар, аммо барчалари ҳам Жомий ва Навоийнинг илтифоти ва суҳбатидан ҳамиша баҳраманд бўлар эдилар. Зотан шеър ёзиш қобилиятигагина эмас, балки шеърни тинглаш ва англаш қобилиятига эга бўлган кишилар ҳам шоирлар учун азиз бўладилар. Агар бу тоифа кишилар бўлмаганда шоирлар ким учун ёзар эдилар? Ким уларнинг жон ҳароратининг тафтида тобланган мисраларининг қадрига етар, ким уларнинг бебаҳо лаззатидан кайф қилар эди? Шоир учун ҳар бир таъби назми бор одам, ҳар бир шеър қадрига етувчи заршунос инсон учун озуқ, сув, ҳаво қанча зарур бўлса шунча зарурдир.

НАВОИЙ ВА ҲИРОТ МАДАНИЙ МУҲИТИ

Бобур айтадики, аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча тарбия берувчи ва мададкор киши ҳеч бўлган эмас.

Хушнавислар – Султонали Машҳадий, Абдулжамил котиб, мусаввирлар – Беҳзод, Шоҳ Музаффар, аҳли нағма – Хожа Абдулла Марварий (қонун – чанг); Қул Муҳаммад Удий (ғижжакчи) ғижжакка уч қил тортди; Шайх Нойи уд ва ғижжакчи. 12–13 ёшидан най чалган. Шоҳқули Ғижжакий яхши мусиқа асарлари яратган. Ҳусайн Удий уднинг торларини якка қилиб чалибтур.

Мусанниф ва бастакорлардан Ғулом Шодий яхши савтлари ва хўб нақшлари бор. Ул онча нақш савт боғлар (мусиқа ёзар).

Мир Азу – мусанниф. Биноий – яхши савт ва нақшлари бор. Куштигир Паҳлавон Муҳаммад савт ва нақшлар боғлар эди. Чоргоҳдаги бир яхши нақши бор.

БЕҲЗОД СОЛГАН СУВРАТ

Боғ, қушлар, гуллар, ариқлар тасвири. Навоий ҳассага суяниб турибди. Олдида бир лаган олтин-кумуш.

Мавл. Фасиҳиддин – гуллардан бирини узиб олиб салламга тақсам.

Соҳиб Доро – аммо қушлар чўчиб учиб кетишлари мумкин.

Мавл. Бурҳон – Агар жим турмасам Навоий аччиғланиши мумкин.

Мавл. Бадахший – Навоий ҳассаси билан бошингга урар эдим бу сўзунг учун.

Навоий – яхши сўзларингиз учун раҳмат. Агар мавлоно Бурҳон одобсизлик қилмаганда лагандаги зарларни бошингизга сочмоқчи бўлиб туриб эдим.

ХОЖА МАСЪУД ҚУМИЙ

Қум вилоятининг кўзга кўринган мўътабар зотларидан бири Хожа Масъуд эди. У Ироқи Ажамдаги бу машҳур шаҳардан Хуросонга келиб Ҳиротда ўрнашди.

Хожа Масъуд Қумийнинг шеърдаги маҳорати баланд эди. Навоий бу тўғрида «Маснавийси пухта, ғазаллари равон эрди» деб ёзади.

Шоирни Ҳиротдаги ҳукмрон доира яхши қабул қилди. Унинг истеъдодли шоир ва эътиборли зотлардан экани туфайли бўлса керак, унга муҳим бир ижодий буюртма берилди.

Саройга таклиф этилган Хожа Масъуд бу таклифнинг моҳиятидан бехабар эди. Сарой амалдорларидан бирининг иш хонасида шоир билан ушбу аркони давлатга мансуб киши ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтди.

– Мавлонога яхши маълумдирки, ҳар бир подшоҳ ва унинг давлати тарихи турли таворихда битилиб келгуси авлодларга етказилур. Ҳозир Султон Соҳибқироннинг (Ҳусайн Бойқаро – А.Қ.) давлат тарихини ёзмоқ тўғрисида маслаҳат бўлди.

– Истак шундай бўлдики, бу вазифа шоирга буюрилса. Хусусан, сиз жанобнинг маснавиётда маҳоратингиз бу вазифани сизга топширилмоғига асос бўлди.

Хожа Масъуд Қумий таъзимга бош эгди. Сўнг озроқ ҳаяжон билан деди:

– Бундай улуғ ва улкан ишнинг ухдасидан фақир чиқа олармикин? Агар уч-тўрт киши баравар, бўлиб-бўлиб ишласалар мақсадга мувофиқ бўлмасми экан?

– Мақсадга мувоқиф бўлмас! Чунки бир муаллифнинг таснифи бир хил. Илҳом ва меҳнат жараёни узлуксиз бўлур. Яна маълумки, таърихни бир киши битар.

– Шунчалар зўр ишонч менга куч ва қувват бағишлайди. Олий даражадаги юмуш ижросига ғайрат ила киришмоқ менга вожибдур.

Шу билан шоир Хожа Масъуд Султон Соҳибқирон Ҳусайн Бойқаро тарихини ёзмоққа киришди.

Хожа Масъуд Хуросонга келган вақтидан бери Алишер Навоий билан бу киши ўртасида муттасил дўстона муносабатлар ўрнашган эди. Уларнинг ўзаро ҳурматли алоқалари кучайиб борар, улар бир-бирлари билан тез-тез учрашиб суҳбат қурар эдилар.

Навбатдаги суҳбатлардан бирида Навоий Хожадан сўради:

– Султон Соҳибқирон тарихини яратиш иши қандай бормоқдадир?

– Ўн икки минг байтқа яқини битди.

Хожа Масъуд Қумий сермаҳсул ижодкор эди. Унинг шеърлар тўплами эл орасида машҳур бўлган. Яна у «Юсуф ва Зулайҳо» достонини ёзган. «Шамсу қамар» («Қуёш ва Ой»), «Тиғ ва калам» мунозаралари ҳақидаги асарлар ҳам Хожанинг қаламига мансуб эди. Афсуски, 1490 йиллар орасида Хожа Масъуд Қумий дунёдан ўтди. Шу билан кўзланган шеърий тарих китоби ҳам битмай қолди.

РАВОСИЙ

Навоий ўз давридаги мўътабар ва муносиб зотлар билан жуда ҳурматли муносабатлар ўрнатган эди. Шундай кишилардан бири Шайх Садриддин Равосийдир.

Бу киши Шайх Зайниддиннинг халифаларидан бири бўлган. Шайх Равосий ғоят ёқимли кўринишли ва гўзал бир шахс эди. У ҳақиқат ва орифлик сўзларини тушунтиришларни шундай усталик билан амалга оширар эдики, дарҳол кишиларнинг кўнглини ўзига боғлаб олар эди.

Шайх Равосийнинг дарслари катта муваффақият билан ўтар эди. Навоий шайх Равосий суҳбатларини улуғлаб «Шариф суҳбатиға фақир мушарраф бўлдим» деб фахр билан ёзади.

Шайх Садриддин Равосийнинг муридлари ичида Бадаҳшон шоҳи ҳам бўлган. Навоий бундай ҳолатни юксак баҳолайди. Агар «Замон подшоҳи ҳам шайх мулозаматига етар эрди, ўзга халойиқға худ не етгай» деб ёзади Навоий. Шайх Садриддин Равосий ўлкада баланд эътиборли зотлардан бири бўлган.

Айни замонда Шайх Равосий шеърлар ҳам ёзар эди. Навоий шайхнинг бу фазилатини алоҳида кўрсатади ва шайхнинг қуйидаги матлаъсини келтирган:

Зиҳи аз оризат чашми маро нур,
Ҳамиша аз жамолат чашми бад дур.

Маъноси: Сенинг юзингдан кўзимга нур келади. Ҳамиша жамолингдан ёмон кўз узоқ бўлсин (С.Ғаниева таржимаси).

ҲОФИЗ ЁРИЙ

Навоийнинг доимий суҳбатдошларидан бири Ҳофиз Ёрий бўлган. У жуда хушсуҳбат, сўзи ширин киши эди. Яхши шеърлар ёзар эди. 1482 йили Навоий «Ихлосия» мадрасасини қуриб битиргач, Ҳофиз Ёрийни мадрасада хизматга тайинлади. Шоир шу ерда бир ҳужрада яшар, бўш вақтини тиловат билан ўтказар эди.

Бир куни Навоий «Ихлосия»га келганда одатдагидек ошнаси Ҳофиз Ёрийнинг ҳужрасига ташриф буюрди. Ҳужра эшиги очиқ. Ичкаридан тиловат овози келиб турар эди. Навоий бир оз фурсат эшик олдида кутди. Ичкарида Қорининг фотиҳа тортгани эшитилгандан сўнг, Навоий салом бериб ҳужрага кирди.

Тиловатни тугатган Ёрий дарҳол ўрнидан туриб Навоийни қаршилади. Икки ҳамсуҳбат кўрпачаларга ўлтирдилар. Фотиҳа тортилди. Сўнг Навоий таҳсиномуз оҳангда:

– Қироат илмин яхши билурсиз, эшитмоқдин жон ҳузур топар, – деди.

Шоир Ҳофиз Ёрий майин табассум билан жавоб қилди.

– Қироат илмин сирларин яхши билган ва пухта ўзлаштирган жон ҳузур топар. Бу фазилат жанобларига хос экани туфайли бизнинг ноқис ҳунарга шунчалар баланд баҳо бераралар.

Навоий сал фурсат жим турди сўнг ўйчан бир ҳолда деди:

– Ёшлик йиллари фақир қироат илмини марҳум Ҳофиз Али Жомийдан сабоқ олмиш эдим. Сизнинг таъриф ва тавсифингиз ўша зот номига қаратилмиш бўлғай.

Ҳар иккалалари ўтмиш устозлар хотирасига ҳурмат юзасидан бир оз сукут сақладилар. Сўнг суҳбат давом этди.

Навоийнинг илтимосига кўра Ҳофиз Ёрий ўзининг кейинги шеърларидан бирини ўқиб берди. Бу ғазал қуйидагича бошланар эди:

Гирам бар сар ҳазор ояд бало шойистаи онам,
Ки, ҳастам бадтарин аз халқу худро нек медонам.

Маъноси: Агар бошимга минг (турли) бало келадиган бўлса, шунга сазоворман. Чунки халқнинг энг ёмониману лекин ўзимни яхши деб биламан (С.Ғаниева таржимаси).

Навоий шеърга қизиққан кишиларга кўп диққат-эътибор берар, уларнинг ижодини ўстирмоққа ҳамиша ёрдамлашар эди. Аммо бу соҳада гоҳо кутилмаган нохушликлар ҳам бўлиб турар эди.

Бир кун шеърхонлар даврасида бир-бир шеър ўқилди. Ҳиротда мавлоно Анисий деган шоир бўлар эди. У ҳам ўз шеърини ўқиди. Форсий бу ғазал қуйидаги матлаъ билан бошланар эди:

Гарчи межўяд дилам доим висоли ёрро.
Ёр межўяд ба рағми ман дили ағёрро.

Маъноси: Агарчи менинг кўнглим доим ёр васлини тиласа ҳам, ёр менга қаршилик қилиб ағёр дилини қидиради (С.Ғаниева таржимаси).

Суҳбат аҳлиға бу ғазал манзур бўлди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, ўша даврада ҳозир бўлганлардан бири Навоий билан учрашган пайтда Навоийга бу тўғрида сўзлаб берди. У Анисийни таърифлаб, унинг ўқиган ғазали кўпчиликка ёққанини айтди.

Навоий сўради:

– Ўша ғазалдан бирор байт ўқий оласанми?

– Албатта. Кейинчалик мен уни кўчириб ёзиб олдим.

– Қани, бош байтини ўқигинчи.

У киши Навоийга юқорида келтирилган матлаъ билан бошланувчи ғазални ўқиб берди.

Навоий жим қолди. Суҳбатдоши ажабланиб унга қаради. Навоийнинг авзои бузилган эди.

– Анисий деганинг бебизоат (сармоясиз, ижодий бойликка эга бўлмаган) шоир экан, – деди Навоий паст овоз билан, – элнинг шеърини ўзига боғлар. Ахир бу менинг шеърим-ку!

ВАЙСИЙ

Вайсий Ҳиротдаги хушхат котиблардан бири бўлган. У шеърлар ҳам ёзар эди. Навоий хабар берадики, Вайсийнинг «ғазаллари ёмон эрмас ва девони ҳам бордур».

Ўзи кўп содда ва гул одам бўлган. Вайсийнинг кўп соддафахм киши эканига Навоий ҳам, унинг атрофдаги таниш-билишлари ҳам ҳайрон бўлар эдиларки, шу қадар гўл ва содда киши қандай қилиб шеър ёзмоғи мумкин. Аммо Навоий Вайсийнинг шеъридан мисол келтирар экан, уларнинг яхши шеър эканига диққатни тортади.

Рафтам бу сайри боги тавофи бинафшазор,
Омад зи ҳар бинафша таро бўи зулфи ёр.

Маъноси:

Бинафшазорни зиёрат этмоқ учун боғ сайрига кетдим.
Ҳар бир бинафшадан менга ёр зулфининг ҳиди келар эди.

Ҳусайн Бойқаро хизматида Сайид Козимий деган бир сипоҳийлик хизматидаги киши бор эди. Ўзи жуда ёқимли табиатли, чаққон, серҳаракат киши эди.

Султон уни Шоҳи жаҳонга элчи қилиб жўнатди. Аммо элчи вазифа адосидан кейин Ҳиротга қайтмади. Ироқда қолди. Кейинчалик Шерозда дунёдан ўтгани тўғрисида хабар келди.

Сайид Козимий Ироқда эканида Навоийга хат ёзиб турар эди. «Андин фақирга бир икки рукъаси келди», деб ёзади Навоий. Сайид Козимийнинг шеърлари ва қасидалари ўз даврида анча маълум эди. У ҳажвиётда ҳам ўз ўрнига эга бўлган кўринади. Чунончи, Навоий бу шоирнинг ҳажвларидан бирини келтирган:

Шукрки Худоки, қозии шаҳри Ҳарий наям,
Дар силки одамий сифатонам харе наям.

Маъноси: Худога шукрки, Ҳирот шаҳарининг қозиси эмасман, инсонлар қаторидаман, эшак эмасман.

Ҳирот адабий муҳитида форсийзабон шоирлар кўпроқ эди. Аммо туркигўй шоирлар ҳам бўлган. То туркийзабон адабиётни Навоий олий даражага кўтаргунча бу туркигўй шоирлар ўз ижоди билан туркий халқларни мамнун этиб келганлар. Туркигўй (туркий тилда шеър айтувчи) шоирлар шеъри атрок (турклар) ўртасида кенг ёйилган. Бу шоирлардан кўплари форсий тилда ҳам шеър ёзганлар. Зуллисонайнлик (икки тиллилик) ўша давр адабиёти учун хос бўлган. Лекин туркигўйликнинг шеъриятда мавжуд бўлгани қадимий туркий шеърият анъаналарининг Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги соғлом давомидан дарак бериб туради.

Туркигўй шоирларнинг пешқадами Малик ул-калом (сўз подшоҳи) Мавлоно Лутфий бўлган. Яна ўша замонда Балхли шоир Мавлоно Отойининг туркигўй шоир бўлганини

таърифлаб Навоий ёзадики, унинг («Отойининг) «Ўз замонида шеъри атрок орасида кўп шуҳрат тутти». Отойининг ғазалидан Навоий келтирган бир байт ўз нафосати ва гўзаллиги билан ажралиб туради:

Ул санамким сув қироғинда паридек ўлтирур,
Ғояти нозуклигидин сув била ютса бўлур.

Ҳиротлик шоир Муқимий ҳам туркигўй шоирлардан эди. Бу киши дарвеш машраб бўлиб сўфиёна шеърлар айтар эди.

Навоий унинг ёзган шеърларидан бир байт мисол келтирган: Бу байт мазмуни шоирнинг тасаввуфда нақадар кучли бўлганидан нишон беради:

Сенсен асли вужуди ҳар мавжуд,
Сендин ўзга вужудда не вужуд!

Балхли шоир Мавлоно Камолий ҳам туркигўй шоирлардан бири эди. Навоий таъкидлайдики, «Анинг назми ҳам ул навоҳийда (туманларда) халойиқ орасида холий аз шуҳрат эмас эрди», яъни кенг шуҳрат топган эди. Камолийдан келтирилган бир байт ана шу шуҳратнинг боиси шеърнинг назокатли бадииятга бой эканлиги туфайли бўлганини кўрсатиб туради:

Ирнинг(лабинг) қулидир найшакар эй жон, бели боғлиқ,
Гул доғи юзинг бандасидур тўни ямоғлиқ.

Бир куни Навоийга бир шоирнинг шеърини ўқиб бердилар. Бу шеърни Навоийга хос нодимларидан бири келтирган эди. Шеър бундай матлаъ билан бошланар эди:

Гаҳ оқар, гаҳ томар лабинг шакари,
Бизга тегмасму ҳеч оқар, томари.

Навоий бу шеърни тинглар экан, деди:

– Агарчи турконадир (соддадир), аммо қойилининг (шеър айтувчининг) хуш таблиғи маълум бўлур. Сўнг нодимдан сўради:

– Бу шоир қаердандир?

– Маълум эмас, деди нодим, – мен бу шеърни қўлдан қўчириб ёзиб олдим.

Эшитишимга кўра бу ёш йигит бўлган, аммо дунёдан ўтган.

Навоийнинг қошлари чимрилди. Чеҳрасида ғамгинлик булутининг сояси кўринди.

– Афсус, – деди у, – қабри қаердадир?

– Маълум эмас, – деди нодим. Ҳар иккалалари яна жим қолдилар.

– Табъи хили шўх экандур, – деб қўшиб қўйди нодим.

– Сўзи ҳам оз қолган, – деди Навоий хулоса қилиб.

Дунёдан бевақт кетган бу ёш туркигўй шоирнинг тахаллуси Лутфий экан.

АСТРОБОД

Навоий подшоҳнинг топшириғига кўра кўпгина юришларда иштирок этар, гоҳо муҳим юмушларни адо этмоқ учун у ёки бу вилоятларда бўлар эди. У Мурғобда ҳам бўлди, подшоҳ билан Қундуз сафарида иштирок этди. Подшоҳ фармонига кўра Мурғобдан Машҳадга йўл олди. У барча юқори мансабли амалдорлар каби подшоҳ амри билан иш юритар эди.

Мана бир йилдирки, Навоий Астрободда. Кундузи маъмурий хизмат билан шуғулланади. Кечалари эса севган машғулоти – шеърларини тартибга солиш, шеър битиш билан машғул бўлади. Узоқ қиш кечалари, сафоли ёз ва баҳорнинг қисқа тунлари у тинимсиз ижод қилди.

Баҳор оқшомларидан бирида Навоий гулзор ўртасидаги супада мутолаа билан машғул бўлиб ўтирган эди. Шабада гул шоҳларини енгилгина тебратиб, атир таратиб ўтди. Навоий китобдан бош кўтариб, боққа кўз ташлади. Дарахтлар айни гулга кирган. Қаердадир чигиртканинг чириллаган овози эшитилади. Беихтиёр Навоийнинг кўз олдига Ҳиротдаги Неъматобод боғи келди. Бу боғда Навоийнинг дўсти Муҳаммад Паҳлавон хизматда. Бу ерда доим юздан ортиқ куштигир яшар, уларга яна шунча одам хизмат қилар эди. Тун-кун тўхтовсиз қозон қайнар, хушхўр таомлар тайёрланарди. Созанда ва гўяндалар ҳам ҳозиру нозир. Шеърий суҳбатлар, мусиқий, ижодий баҳслар, кураш машқлари муттасил бўлиб турарди. Бу боғнинг неъматларидан ҳатто подшоҳ саройига ҳам юбориб туриларди. Хуллас, доим гавжум, ижод, машқ, ҳангома ҳамиша баравж бир жой эди.

Навоий хотираларга ғарқ бўлиб ўтирар экан, беихтиёр қўлига қалам олди. Қаламидан дардли мисрлар қуйила бошлади:

Дар силсилаи фақр ба иршоди туем,
Дар шому саҳар ҳамиша боёди туем.
Дар доираи фано ба авроди туем
Яъники ятими Неъматободи туем.

(Фақирлик йўлида сенинг йўлбошловинг билан борамиз
Шому саҳар ҳамиша сени ёд қиламиз.
Фонийлик доирасида сени ёдлаб сўз сўзлаймиз,
Яъни, сенинг Неъматободингдан етим бўлганларданмиз).

Шеър форсийда битилгани учун шоир Фоний тахаллусини туширди.

Эртаси кун чиройли қилиб кўчирилган бу тўртлик Астроботдан Ҳиротга Муҳаммад Паҳлавонга жўнатилди.

Орадан уч ҳафтага яқин муддат ўтди. Ҳиротдан Астрободга келган карвон билан Муҳаммад Паҳлавоннинг Навоийга йўллаган жавоб мактуби ҳам етиб келди. Уни Навоийга топширганларида у ғоят шодланди. Боғ ўртасидаги супада ўтириб дўстининг ёзганларини қайта-қайта ўқиди:

Эй, Мир ту пиру мо ба иршоди туем,
Доим ба дугўйу бо ёди туем.

Ин шаҳр ба ту хушасту мо бо ту хушем,
Мурдему хароби Астрободи туем.

(Эй Пир, сен пирсен, биз сенинг йўлбошчилигингда борамиз,
Доим сени дуо қиламиз ва ёдлаймиз.

Бу шаҳардан сен хурсанд бўлсанг, биз сен билан хурсандмиз.
Ўлсак сенинг Астрободинг хароби бўлиб ўламиз).

Алишер Навоий Астрободда бир йилга яқин турди. Унинг бу вилоятдаги ҳукмронлиги Хуросон давлатининг ғарби-шимолий чегараларининг ҳимоясини кучайтириш, қўшни

туркман давлати билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Астробод азалдан валиаҳд ҳукмронлигига топшириларди. Аммо шаҳзодалар бу шахарни талашиб уруш олиб борар, кўп қирғинлар уюштирар эдилар.

Навоийнинг Астрободга ҳоким этиб тайинланиши мамлакатнинг Ҳиротдан кейинги иккинчи муҳим шаҳрини энг эътиборли арбобларидан бирига топширилишини билдирар, бу билан шаҳзодаларнинг даъволарига чек қўяр эди.

Туркманларнинг бошлиғи Ёқуббек Навоийни беҳад ҳурмат қилар эди. Шунинг учун у Астрободга элчи юбориб изҳори ҳурмат баён этди, ўзаро муносабатлар тўғрисида ҳам келишиб олинди.

Навоий ҳам Ёқуббекка бир неча дафъа одам юборди, ҳар икки халқ ўртасидаги савдо-сотиқ ишлари, дўстона алоқалар ва биродарликни мустаққамлаш тадбирлари амалга оширилди. Бу ишда донишманд ва фозил кишилар хизматда бўлиб, кўп муҳим топшириқларини адо этдилар. Гарчанд хизмат билан машғул бўлса-да, Навоий Астрободда кўп изтироб чеқди. У Ҳиротда қолган дўстларини ёдлар, уларнинг тақдири тўғрисида қайғурарди. Душманлари унинг ҳимоясида бўлган аҳли назм ва санъаткорларни таъқиб этаётганликларини биларди. Унинг бу хавотирини тасдиқлагандай навбатдаги карвон билан Муҳаммад Паҳлавоннинг Навоийга аталган рубоийсини келтирдилар. Куштигир ҳасрат билан ёзарди:

Гар жон ажалам аз мани ношод барад
Хошоки маро меҳри ту аз ёд барад
Ҳоҳамки, шавам хок, маро бод барад
Бошад-ки, басуйи Астробод барад.
(Агар ажал келиб ношод танимдан жонни олиб кетса ҳам
Аммо ҳеч менинг ёдимдан сенга бўлган севгини ола билмайди.
Истардимки, тупроқ заррасига айлансаму,
Мени шамол учириб, Астробод сари элтиб ташласа).

Самимият билан битилган бу мисраларда баён этилган соғинч ва фироқда изтироб чекаётган юрак нолалари Навоийга қаттиқ таъсир этди. У ҳаётнинг бундан бешбаттар зарбаларига чидаган Машҳад ва Самарқанддаги дарбадарликда эзилган кунларни ёдига олди. Ўшанда ҳам Саййид Ҳасан Ардашер ва Муҳаммад Паҳлавон каби дўстлари у билан бирга эдилар. Орадан кўп йиллар ўтди. Уларнинг дўстлиги нақадар кучли экани маълум бўлди.

Навоий Ҳирот кўчаларини, Неъматободдаги суҳбатларни, Муҳаммад Паҳлавоннинг қиёфасини кўз олдига келтирди. Паҳлавоннинг чеҳрасида курашларда қозонган ғалаба севинчи сезилмаётгандай, балки бу ғалабалар дўстидан йироқлиги туфайли татимаётгандай туюлди. У олдидаги қоғозларни нари суриб қўйди-да, бир варақкоғоз олди. Ўйчан нигоҳини кўкка тикди. Ой атрофини турли шаклдаги булутлар қоплади. Улар хаёл каби беқарор, дам-бадам ўз суратларини ўзгартириб турардилар. Бири туяга ўхшайди, бири баайни оҳу. Навоий оҳу шаклидаги булутга узоқ боқди. Беихтиёр қуйидаги мисраларни езди:

Аз оҳуий роми худ фаромуш макун,
Боз сайдгохи роми худ фаромуш макун.
Ҳарчандки, бошад фаромушкорий,
Аз сари ғуломи худ фаромуш макун.

(Ром бўлган оҳуйингни унутма, ўз роминг овлоғини унутма, қандай фаромушлик юз берса-да, ўз қулингни унутма).

Астроболдаги хизмат давлат манфаатлари учун нечоғли фойдали бўлмасин Навоий учун беҳад машаққатли эди. Гарчи Навоийдек бобрў кишининг қудратли туркманлар элига қўшни бўлган вилоятда туриши Хуросон давлати учун зарур эса-да, шаҳзодаларнинг бу шаҳарга даъволарига чек қўйса-да, мамлакат пойтахти Ҳиротда ҳокимиятни Мажидиддин Муҳаммад каби золим ва фитначи кўлига топшириб қўйилиши ҳайратомуз бир ҳол эди. Мажидиддин кўп бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритди, уларнинг мол-мулкини талаб, хазинани тўлдирмоқчи бўлди. У Навоийга якин кишиларни таъқиб этиб, кўп озор етказди. Мажидиддиннинг ўзбошимчалиги, унинг атрофидаги ёвуз ниятли кишиларнинг бадкирдорлиги мамлакат аҳволини мушкул қилар эди. Яна подшоҳ Ҳусайн Бойқаро ва унинг яқинлари майхўрликка муккасидан кетган. Мажидиддин ва унинг гуруҳи шоҳни янада ҳалокат сари элтмоқда эди.

Навоий Астроболдан туриб бу аҳволдан ташвишланар, бунинг ҳаддидан ошиб кетишига йўл қўймасликка уринарди. У подшоҳга ҳамда шаҳзода Бадиуззамонга йўллаган мактубларида бундай иллатдан сақланишни, майхўрликка чек қўйишни маслаҳат берарди. Агар буни кескин тақиқлаб бўлмаса, эрталабдан ичилмасин, ҳеч бўлмаса тушдан кейин бошлансин, деб ёзади. Навоий ўз мактубларида, машҳур санъаткорлар тўғрисида ғамхўрлик қилишни илтимос қилди, бидъат уяси бўлмиш турли хил жойларни беркитишга даъват этди.

«Яна улким,– деб ёзади Навоий шаҳзодага, – алассабо ҳарамдан чиққач, девонда ўлтириб додхоҳ сўрулса, доғи додхоҳ сўрарда ўзлук билан машғуллик қилинса, агар бир мазлумға бировдан зулм ўтган бўлса, золимга андоқ сиёсат қилинсаким, ўзга золимларга мужиби интибоҳ бўлса...

Яна улким, умид улдурким, ҳақтаоло чоғирдин кулий тавфиқ берган. Агар бу учурда уйқу иртикоб қилинса, албатта пешиндин бурун бўлмаса... Бори борча ҳол била ҳар неча ичмоқишида эҳтиётлик, балки таъзир вожиб билилса...

Яна улким, мулк ва мол ишидин, бас додхоҳ ишидин фароғат ҳосил бўлса, малолат дафъи учун кутубхонаға кирилса, кутубхона аҳли била машғуллик қилилса. Наввобдин ҳар қайси муносиб кўринса, таворих ўқумоқ буюрилса.

Яна улким, шаҳр иҳтисоби амрида яхши иҳтимом қилилса, андоқким, шаробхона, байтуллутф, қиморхона – буларға ўхшаш номашруъ умурни қуллий манъ қилинса. Муҳтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидан вуқуф топсалар».

Шу мактубнинг икки жойида Навоий Ҳофиз Муҳаммад Саноийдан бохабар бўлиб туришни, унга диққат-эътибор қилишни сўрайди, унинг ғанимат бўлиб қолганини таъкидлайди.

Халқ орасида «Тўғри гап туққанингга ёқмайди», деган мақол бор. Навоийнинг олисдан туриб шунчалар насиҳат қилиши, унинг Ҳиротда экан пайтида подшоҳ ва унинг яқинларига қанчалар таъсир кўрсатиши мумкинлиги маълум. Шунинг учун ҳам майхўрликка берилиб кетган, давлат иши, эл ташвишидан қўл юва бошлаган ҳукмронлар турли товламачи фосид, ғоратчиларнинг таъсирига берилиб, насиҳатгўй ва элпарвар, ўз мақсад ва муддаоси йўлида қаттиқ турадиган Амир ва шоирни ўзидан нарироқ тутиши табиий.

Ҳар ҳолда Навоийнинг Ҳиротдан четлаштирилиши ёвуз ниятли гуруҳларнинг тантанаси, олиймақом санъат ва адабиёт аҳли, соф ниятли халқпарвар кишиларнинг таназзули эди. Навоий ва унинг яқинлари, Хўжа Афзалиддин кабиларнинг ҳаракати билан Мажидиддин бир мартаба подшоҳнинг эътиборидан қолган эди. Аммо бир куни подшоҳ ўз вазирлари Хўжа Низомулмулк ва Хўжа Афзалиддиндан икки туман кепакий (икки минг) маблағ талаб этди. Улар буни адо этишга ҳозир имкон йўқ эканини билдирдилар. Шу аснода ҳозир бўлган Мажидиддин Муҳаммад, агар унга вазирлик топширилса, икки туман эмас,

икки юз туман бўлса ҳам топиб келтиражагини айтди. Подшоҳ Навоийни Астрободга жўнатгач, Мажидиддинга вазирликни топширди. Мажидиддин Низомулмулк даврида эътиборга эга бўлган кишиларнинг мол-давлатини талаб, ўзларини зиндонга ташлади. Бу талончилик туфайли хазина бойиди, айш-ишрат, маишат авжига чиқди. Майхўрликка берилган султон давлат ишларини Мажидиддинга батамом топшириб қўйди. У истаган номаъкулчиликларини қилаверди. У Навоийга қарши ҳам талай иғво ва ёвузлик қилгани маълум. У Астрободга юборган ошпаз Навоийга заҳар бермоқчи бўлгани тўғрисида гап тарқалди. Бу суиқасдда подшоҳнинг ҳам қўли бор экан деган миш– мишлар кўпайди. Подшоҳ бу гапни рад этди. Бу гапни гапирган Ҳайдар (Навоийнинг жияни, унинг фарзанди каби яқин бўлган киши) кишанга солинди.

Балх ҳукмрони, Навоийнинг укаси Дарвеш Али акасига кўрсатилаётган илтифотсизликка қарши норозилик билдирди ва Мажидиддиннинг ҳокимиятдан четлатилишини талаб қилди, акс ҳолда у подшоҳга қарши қўзғолон кўтаражагини айтиб, таҳдид қилди.

Икки катта шаҳар – Астробод ва Балх ҳукмронлари, ака-уканинг талаби, уларнинг қудрати ва эл ўртасидаги обрўси билан подшоҳ ҳисоблашмай иложи йўқ эди. Шу туфайли у Мажидиддинни вазирликдан бўшатишга мажбур бўлди. У Навоийнинг Ҳиротга қайтишига ҳам рухсат берди. Навоий 1488 йили Астроботдан Ҳиротга келди. Ҳеч қандай расмий лавозимни қабул қилмади. Подшоҳ фармон чиқариб унга «Муқарриби султон» (султоннинг яқин кишиси) деган унвон берди. Барчани Навоийга илгаридан ҳам ортиқ иззат-ҳурмат кўрсатишга чақирди. Аммо тақдир Навоийга янги зарбалар тайёрламоқда эди. Навоийнинг укаси Дарвеш Алини Султон Ҳусайн Балх ҳукмронлигидан четлатди. Жияни Ҳайдар эса 1499 йили давлатга хиёнатда айбланиб катл этилди.

Яна қайта бошдан вазирликка эришган Низомулмулк ва Султон Ҳусайннинг рафиқаси Хадичабегимнинг фитнаси билан шаҳзода Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзо 1497 йили қатл этилди. Мастлик вақтида фармонга имзо чекиб юборган Султон Ҳусайн ўзига келиб фармонни бекор қилди. Аммо фурсат ўтган эди. Кейинчалик Султоннинг фармонига кўра Хўжа Низомулмулк ва унинг ўғиллари, иттифоқчилари Низомиддин Курд, Хўжа Абдулазизлар қатл этилди. Аммо ваҳшиёна тадбирлар чок-чокидан сўкилаётган ҳокимиятни тиклашга наф келтирмасди.

Навоий ўн уч ёшли Мўмин Мирзо ўлдирилган чоғда Машҳадда эди. Бу ёш ва қобилиятли шаҳзодага у кўп умид боғлаган эди. Мўмин Мирзонинг ўлдирилганлигини эшитиб Навоий қаттиқ қайғуради, у алам билан: «Бир вақтлар шайх Мажидиддин Бағдодийнинг ўлдирилиши оқибатида Чингиз қўшинларининг ҳужумидан Мовароуннаҳрда, Хуросон ва Ироқда қандай қирғин ўтказилган бўлса, Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши оқибати ҳам худди шундай бўлажак», – деди.

Навоий фалак зарбаларига матонат билан дош берди. У бутун фаолиятини подшоҳ ҳукмронлигини мустаҳкамлашга, отасига қарши бирин-кетин бош кўтараётган шаҳзодаларни марказий ҳокимиятга бўйсундиришга қаратди. У барча тадбирлар билан беҳуда қон тўкишларни тўхтатишга уринди.

ТУҲМАТЧИЛАР ХУРУЖИ

Ҳиротда махсус бино этилган суҳбатхоналар кўп. Шулардан бири шаҳарнинг шарқи-шимолидаги «Боғи дилоро». Боғнинг жанубидан катта ва чуқур сой ўтади. Сой соҳилидан сал нарида боғнинг биқинида катта ва баланд шийпон бор. Шийпоннинг тўрт тарафи гулзор. Уларда атиргулнинг барча навлари, яна турли-туман чечаклар очилган. Бир тараф райҳонлар. Гулзорлар ортидан ток ишкомлари, анорзорлар келади. Оқшомлари бу

даргоҳнинг эгаси юқори мансабли амир ўз яқинлари билан шийпонда суҳбат қурмоқни ёқтиради.

Бугун ҳам гулзорлар орасидаги шийпонда амирлардан бир-иккиталари, муҳрдор, Шайх ул-ислом ва аъёни хослардан баъзилари жам бўлганлар. Тўрда тахтсимон қилиб тузилган ўринда амир ўлтирипти. Унинг икки томонида ҳар бир киши ўз мавқеъсига яраша ўрин эгаллаган. Ўртадаги мезда ноз-неъматлар лиқ тўла. Ёз шаббодаси ғир-ғир эсади. Осмондаги ҳилол шийпондаги шамлар нурини сал-сал оширгандай. Оқшом нашъаси эса бундан янада жило топгандай туюлади. Марказий супадан анча нарида машшоқлар, хонанда ва раққосалар ўлтиришарди. Амир супасидан берилган ишорага кўра улар бирин-кетин мусиқий, қўшиқ, рақслар ижросига киришадилар. Бундай ўлтиришлар тез-тез бўлиб туради. Хонандалар навбатдаги қўшиқни тугатмоқдалар:

Навоий ҳажрда қолди, қилинг висолда шукр
Жамоатеки, севар ёрингиз била биласиз.

– Бале, – деди Амир қўшиқ тугагач, – офарин Навоийга, шундай жонларга ларза солгувчи шеърлари учун. Ташаккур сизларга ҳам, – деди у қўшиқчи ва машшоқларга хитобан.

Ўлтирганлар жим амирга қулоқ осмоқдалар. Улар ҳаммаси Амирнинг жўшқин ва таъсирчан табиатини яхши биладилар. Табиатан шоир ва дарвеш, амалда қудратли амалдор бўлган Амир бир туйғулар туғёнига тушиб кетса, анчагача ўзини босиб ола билмас эди. Бунинг учун маълум вақт керак. Ҳозир у Навоийнинг жонбахш мисраларини ўликни ҳам тирилтириб юборадиган даражадаги ширали овоз эгаси, моҳир қўшиқчи ижросида эшитганда, бу қўшиқнинг шеъри ҳам, дилрабо оҳанги ҳам уни бутунлай мафтун қилиб қўйди. Амир худди мастоналардек бу ажойиб санъаткорлик таъсирида беқарор эди.

– Ҳай, ҳай, қандай гўзаллик, қандай такомил, – деди у бир оз жимликдан сўнг сўзини давом этдириб. – Навоий шеърлари бир гўзал гулзор кабидир. Ундан ҳамиша гулу райҳонлар иси гуркираб туради. Ёки бу шеърлар бир зилол сувли тиниқ чашмадирки, узоқ ва машаққатли йўл босиб келаётган бир йўлчи бу булоқ сувини қандай ташналик билан шимирса, Навоий шеърларини ана шундай лаззат билан тинглайсан киши.

Ўлтирганлар амирнинг Навоий шеърларини таърифлаб айтган бундай сўзларини олдин ҳам кўп эшитган эдилар. Шунинг учун улардан бирортаси ҳам чурқ этмай, бошларини қуйи солиб бу мақтовларга қулоқ осмоқдалар. Аммо уларнинг бу гапларни маъқулламоқдами ёки шунчаликки тингламоқдами эканларини уларнинг қиёфаларидан аниқламоқ мушкул.

Ниҳоят, амирнинг гапи тугади. Орага бир оз жимлик сўнди. Сал туриб бу сукутни Шайх ул-исломнинг йўғон, салобатли ва қатъий овози бузди:

– Аъло ҳазрат, сизнинг Навоий шеърларига айтган таҳсинли сўзларингиз сиз аъло ҳазратнинг кўнгиллари қанчалар нафосатли ва мусаффо экани, Тангри таолонинг ҳазратимга улуғ иқтидор ва таассурот бахш этганидан бир шаҳодатдир. Дарҳақиқат, шеър салоҳияти Навоийда ғоят улуғ. Аммо бу салоҳият кўпинча май ва маҳбуб, висол ва ҳажр, ёр чиройи, лутфи, илтифоти ёки бепарволиги, нозу ишваси кабиларни васф ва таъриф этадир. Шу билан одамларни ёр, севги, висол сари ундамоқда. Уларни дин ва худо йўлидан қайтармоқда. Ислом уйини бузмоқда.

Шайх ул-исломнинг гаплари шундайин кескин ва катъий оҳангларда айтилган эдики, ўлтирганлар лом-мим деёлмай қолдилар. Амир чуқур ўйга ғарқ бўлди. Кимнингдир ишораси билан машшоқлар аста-секин ҳамду наът ижросини бошладилар.

Кўкдаги янги ҳилол булут тўдалари орасида ғойиб бўлди.

Бу суҳбатгоҳла Навоийга қарши айтилган гап эртаси куни кўпларга маълум бўлди.

Навоий ислом уйини бузмоқда. Унинг севги ва висол, ёр жамоли, ошиқ кўнглининг изтиробларини куйловчи шеърлари кишиларни май ва маҳбуб сари ундаб дин ва худо йўлидан қайтармоқда. Олдий инсонлар ҳунарманд, косиб, деҳқон, талаба, сарбоз учун ғайри табиий туюлган, қуруқ туҳмат экани ошкор бўлиб турган бу аччиқ гаплар қандай қилиб мўътабар зотларнинг оғзидан чиқмоғи мумкин. Бунга ақл ишонмайди. Аммо бу айб қўйилган. Унга жавоб бўлмоғи керак. Бу жавоб ҳам асосли, адолатли, яна бу айбни қўйган кишиларнинг талабларига яраша бўлмоғи керак. Бундай шароитда ҳар ким ўз билганча бекор айтибсиз, дея олмайди. Кишиларнинг кўнгли Навоий шеърларига қанчалар мафтун бўлмасин, мамлакатни ўз ихтиёрида тутмоқда бўлган аҳли шаръ, уларнинг пешвоси Шайх ул-ислом ва унинг ёнидаги гуруҳ билан ҳисоблашмоқ ҳам шарт.

Навоий «Боғи дилоро»да бўлган гаплардан хабардор бўлгач, қаттиқ ранжиди. У ким бундай гапларни гапирганини яхши билар эди. Аммо Навоий ўзини гўё ҳеч нарса бўлмагандек тутди. У одатдагидек хизмат юмушларини адо этар, фуқаронинг арз-додини тинглаб, бева-бечораларга кўмаклашар, золимларнинг зулм тиғини қайтармоққа уринар, тамаъ хорлиғини бўйнига олган азизлар билан, уларга нисбатан дилидаги нафратини яширган ҳолда муомала қилар; кун бўйи хизмат билан банд бўлиб, ундан тунлари холий бўлганда ижод билан машғул бўлар эди. Аммо шоирнинг қалбини муттасил мушук таталар, Шайх ул-исломнинг туҳматига бирор жиддий ва муносиб жавоб қайтармоқ йўлини ўйлар эди. Амирнинг бу туҳматга жавоби учун унга ҳам бирор кўмак бермоқ керак. Тағин иш ҳақиқатан Навоий шундай айб қилгану, Амирнинг илтимосига кўра Шайх ул-ислом Навоийни кечиргандай бўлиб қолмасин. Ана шундай мулоҳазалар Навоийга тинчлик бермас эди. Навоий бир китобча ёзмоққа қарор қилди. Унда шоир шеър билан исломнинг асосий беш қоидасини баён этади. Исломнинг пойдевори бўлган шу беш қоида ислом уйини тутиб турмоқда эмасми? Шу пойдеворни мустаҳкамлаган одам ислом уйини бузган бўладими?

Вақт ўтмоқда. Навоий ҳали ўйлаган режасини амалга ошириб улгурганича йўқ.

Бир куни Навоийнинг ҳузурига бир меҳмон келди. Уни самарқандлик машҳур муршид Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрорий юборган эди. Мовароуннаҳр ва Хуросон дин аҳли орасида юксак нуфуз эгаси бўлган бир кишининг вакили шунчаки ҳол-аҳвол сўрашмоққа келмаган, албатта.

Меҳмон Навоийга Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрорийнинг мактубини келтирган. Навоий бу хатни олгач, уни диққат билан бир неча бор ўқиб чиқди.

Мусулмон аҳлининг маънавий бошлиғи, машҳур диний пешво ва муршид Навоийга ислом динининг беш асосий қоидасини содда ва лўнда қилиб тушунтириб берувчи бир асар ёзмоқни сўраган эдилар. Шеърнинг кучи зўр. Шеър билан ёзилган фикрнинг ёдда қолуви ҳам осон ва қулай. Агар Навоий шундай бир асар ёзса, унинг Ислом билимларини ёймоқдаги хизмати катта бўлажак. Айниқса, Навоийнинг элу юрт ўртасидаги обрў ва эътибори, бу асарнинг кенг ёйилмоғига боис бўлурки, шоирнинг бу иши кўпчиликка манзур бўлмоғи шубҳасиздир.

Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрорийнинг таклифини рад қилмоқ мумкин эмас. Буни Навоий яхши тушунар эди. Яна Хуросондаги Навоийга қарши амир суҳбатгоҳида бўлган хуруж ҳали дафъ этилган эмас.

Навоий ана шу вазиятни ҳар томонлама ўйлаб кўрди. Тазйиқнинг кучи зўр, оқибати қоронғу. Амирнинг бир мақбул йўл топмоғи ҳам мушкул, у кўмакка муҳтож. Ана шундай шароитда Навоий ўзининг «Сирож ул-муслимин» асарини ёзди. Маснавий йўли билан ёзилган бу асарнинг ҳажми жуда кичик. Унда исломнинг беш асосий қоидаси: Муҳаммад унинг Расули бўлган Аллоҳнинг ягона экани, бешвақт намознинг канда қилинмаслиги,

йилда бир мартаба рўза тутмоқ, мулкидан бир қисмини закот (солиқ)га бермоқ, умрда бир мартаба Маккани зиёрат этмоқ (ҳаж) тўғрисида сўз боради. Асарнинг кириш кисмида Навоий уни ислом уйини бузмоқда деб айблаганлари, Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрорийнинг таклифи, ўзининг бу шароитдаги ўй-фикрларини баён этади.

Эшиттим базмнинг бир нуктадони,
Шаҳи соҳибқирон жон дар миёни.

Демиш, не суд гар бир уйни тузмуш,
Ки назми шайнидин кўп уйни бузмуш.

Ўқуғон эл анинг шеърини пайваст,
Тилар бўлғай ҳамиша ошиқу маст.

Солиб ислому дин уйига ошуб,
Бинойи хайр буткармоқни маҳсуб.

Тушуб бу нуктадин жисмим аро печ,
Чу билдим ким демиш, дам урмадим ҳеч.

Шоир мамнуният билан ўз асарини она тили – туркийда ёзганлигини алоҳида қайд этиб ўтган.

«Сирож ул-муслимийн» («Муслимлар чароғи») асари 1499 йилда, шоир ҳаётининг охирги йилларида ёзилган.

УМР ЯКУНИ

Совуқ қиш оқшомларидан бири. Султон Ҳусайн Бойқаро исён кўтарган ўғли Муҳаммад Ҳусайн Мирзога қарши қўшин тортиб кетган. Султон ўзи йўқ пайтда ҳокимиятни одатда Навойга қолдирар эди. Навоий кун бўйи девондаги ишлари билан банд бўлади. Кечалари ижодхонасидан чиқмайди. Аммо унинг хотири паришон, тани носоғ эди. Бир неча муддат-дирки, Навоий ўзини ёмон сезади, бош оғриши, қўл титроғи тез-тез безовта қилади. У доно мўйсафидларга хос ҳушёрлик билан умрининг интиҳоси яқинлашаётганини сезар эди.

Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг янги кўчирилган саҳифаларини кўздан кечирар экан, оҳиста овоз билан чиройли настаълиқда ёзилган мисраларни ўқиди:

Чун кетди йигитлику узади қарилик,
Дам совуди, яъни қолмади қон ҳам иссиқ.

Оғзига ҳаёт шарбати бўлди аччиқ,
Ўлмоқ хушроққи, умр бу навъ қаттиқ.

Дарҳақиқат, инсон ниҳоятда бардошли. Мана саккиз йилдирки, унинг дўсти ва устози Абдураҳмон Жомий мангулик уйқусига чўмган. Бир умрлик дўст ва қадрдонлари Саййид Ҳасан Ардашер, Муҳаммад Паҳлавонлар ҳам бақо дунёсига сафар этдилар. Навоийнинг олтмиш йиллик баракали, сермаҳсул умри ортда қолди. Ўша қадрдонлари ҳузурига етиш фурсати ҳам яқинлашди.

Навоий ўйчан кўзларини юмди. Паҳлавон Муҳаммад хотирасига ёзган тўртлиги хаёлан такрорланди:

Эй чарх, не даврларким даст этдинг,
Даврингда муҳаббат аҳлини маст этдинг.

Ҳар кимники, оламда забардаст этдинг,
Охир ажал илкида ани паст этдинг.

Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас 1500 йилнинг 31 декабрь куни Навоийда мияга қон қуйилиш касали юз берди ва 1501 йил 3 январь куни буюк шоир, олим ва мутафаккир дунёдан абадий кўз юмди. Бутун Ҳирот ва Хуросонни мотам босди. Подшоҳ Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг маъракасига ўзи бош бўлди. У уч кунгача Навоийнинг уйида аза тутиб ўтирди.

Навоий вафотидан беш йил ўтгач, Ҳусайн Бойқаро ҳам Шайбонийхон билан бўладиган уруш тадорикини кўраётганда вафот этди. Унинг жасадини Ҳиротга келтириб дафн этдилар.

УЛУҒ ЁШ ФОЙДАЛАРИ

(Навоийнинг «Фавойид ул-кибар»
девони хусусида айрим қайдлар)

НАВОИЙНИНГ «ФАВОЙИД УЛ-КИБАР» (КЕКСАЛИК ФОЙДАЛАРИ) ДЕВОНИ ХУСУСИДА

Йигитлик ва қарилик

Бу девондаги шеърлар мазмун жиҳатидан бошқа девонлардаги шеърларга яқин. Шунинг учун биз унинг ўз сарлавҳасига кўра кексалик, қариликка оид ғазаллари тўғрисида кўпроқ сўзлашга қарор қилдик. Чунки кексаликнинг фойдалари нимадан иборат бўлмоғини билмоқ керакда!

Бу мавзуда Навоий ижоди билан шуғулланган дўстимиз Ҳабибуллоҳ Абдусаломович Жўраев номзодлик диссертацияси ёқлаганлар. Бу диссертация 1993 йилда Тошкентда ЎзФА Адабиёт институтида ёқланган. Бизнинг ишимиз шундай тадқиқотлар сафини тўлдира борар деган умиддамиз.

«Фавойид ул-кибар»даги шеърлар қамрови жуда катта. Айрим ғазалларда шоир ҳам кексаларга ҳам ёшларга фойдали ўгитлар беради. Ҳар иккала тоифанинг юриш-туриши, ўзаро муносабатлари қандай бўлмоғи кераклигини ўргатади. Улар – ҳаётий сабоқлар. Бу сабоқларда айтилган фикрларга амал қилмоқ жамиятнинг бу икки қутби ўртасидаги муносабатларни тўғри ва онгли равишда ўрнатмоққа хизмат қилади. Жамият ва жамият аъзоларининг маънавий мукаммаллигини таъминлайди.

Мен, Азиз Қаюмов, Қўқонда ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимда (бу XX асрнинг 30 йиллари) устоз шоир Асқарали Ҳамроалиев Чархийдан (1900–1979; кейинчалик Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвонига сазовор бўлган машҳур шоир) шогирд сифатида адабий ижодга оид билимларни ўрганганман. Шундай машғулотлар пайтида Чархий домулла ёшлик йилларида юз берган бир воқеани айтиб берган эдилар.

Чархий домулла Қўқон мадрасаларидан бирида таҳсил олаётган йиллар. Бир куни уч-тўрт ёш йигитлар суҳбат қурганлар. Ҳаммалари тенгқур. Бундай жамоада ёшлар ҳаётига нима оид бўлса шу тўғрида гап кетади. Айни суҳбат қизиб ҳамма хуш кайфиятда чақ-чақлашиб ўлтирганларида ҳужрага бир кекса киши кириб келади. Ёшлар уни ҳурмат билан қаршилайдилар. Бу одам ёшлар билан саломлашгач, улар билан ўлтириб олиб гапга аралашади. Ёшлар суҳбати совиб боради. Бу бетамиз кексанинг оғзидан ҳар хил маза-бемаза латифалар ва ярашмаган гаплар чиқади. Уни ҳайдаб чиқармоққа ёшлар тортинадилар, аммо унинг ёқимсиз ҳазиллари уларни бездиради. Ниҳоят бу чақирилмаган меҳмон кетмоққа отланганда ёшлар ўзларини эркин сезадилар ва хайрлашиб уни жўнатгач, ёшлар суҳбати яна жонланиб кетади.

Шунда суҳбатдошлардан бири шоир Чархийга шу воқеа тўғрисида бир ҳажвия ёзмоқни сўрайди. Ёш шоир Чархий бу қариб қуюлмаган кимсани ҳажв қилиб бир шеър ёзади. Уни ёшларга ўқиб берганда ҳамма ҳузур қилиб кулган экан.

Ўша шеърнинг айрим бандларини Чархий домулла менга ўқиб берган эдилар. Унда бетамизлик, ёпишмаган ямоқ бўлиб ҳар нарсага аралашмоқ, беҳуда алжирашлар, ўзига нолойиқ ҳаракат, ҳазил деб ҳисобланган шаллақиликларни гапирган кекса қаттиқ танқид қилинган. Ўша шеърдан ҳар банд охиридаги «Ҳама ишки бўлди, бўлди ҳазили касофатингдан деган» нақорат эсимда қолган.

Навоийнинг қуйидаги байтлари менга шу воқеани эслатди. № 69

Йигитлигингда қариларға қилмадинг хизмат,
Қарилиғингда йигитларга бўлмагил заҳмат.

Қарилиғ истар эсанг, қариларни ҳурмат тут,
Қаридинг эрса йигитлардин истама суҳбат.

Демак, қариган одам йигитларга заҳмат етказадиган иш қилмасин. Қариган киши ёшлар суҳбатига ҳам тиқилишмасин. Ўз обрўйи билан бир четда турсин.

Бу иккала байт асосан қариларга қаратилган. Яна ўша қариянинг ёшлик йиллари қари кишиларга нисбатан лозим ҳурмат кўрсатмаганлиги тўғрисида таънаомез фикр ҳам баён этилган.

Қариларга қаратилган панду ўгитлар ушбу ғазалнинг деярли ярмини эгаллайди. Агарда кекса киши май ичиб юзи қизарса, бу ҳам хунукдан-хунук кўринишдир. Бундай ҳол худди кампирларнинг юзига қизил ранг (элик) суртиб, уни қизартирмоққа интилганларига ўхшаб кетади. Албатта, бундай шармандаликдан сақланмоқ даркор.

Агарда қари одам кизил, яшил кийим кийиб ясанмоқни истагудай бўлса, бу худди қуриб қолган шоҳга ғунча ва кўм-кўк баргни ёпиштириб қўйганга ўхшайди. Бу ҳам жирканч бир кўринишдир.

Кишининг ўзига зийнат бериш мақсадида кофур (оқ) ва мушкин (қора) рангларни ишлатмоғи ҳамма оқу қораларга кулги бўлади. Бундай ишдан сақланмоқ керак.

Қари қизарса ичиб бода, бордур андоқким,
Юзига ғоза била зол истагай ҳурмат.
(қизиллик)
Қуруқ яғочқа эрур боғламоқ шукуфаю барг
Қарики, истаса киймак қизил, яшил хилъат.

Чу мушкин айлади кофур кулгай оқу қаро
Агар тилар эса кофиру мушк ила зийнат.

Қарияларга шоир ана шундай ўгитларни берди. Уларни ўша нолойиқ ишлардан сақланмоққа чақирди.

11 байтдан иборат ғазалнинг 5 байти шу мазмунда.

Олтинчи байт эса қарияларга айтилган гапларнинг якунига ўхшаб кетади.

Қарига тавбаю тоат керак шиор ўлса,
Ўзин йигит ясаса, айлар ўзига туҳмат.

Демак, қариганда киши тавба ҳамда тоатни ўзига шиор қилсин. Агар беҳуда қилиқ қилиб ўзини йигит сингари кўрсатадиган бўлса, ўзига туҳмат қилган бўлади. Яъни унинг қилган хато иши, хатту ҳаракати ёлғончилик, қалбакилиқдан иборат бўлиб қолади.

Йигитларга қаратилган икки байтда шоир тоат ва шаҳват тўғрисида сўз юритади.

Агар киши йигитликда тоат қилган бўлса, қариганда нега тоат билан машғул бўлмасин. Албатта, у тоат қилади.

Йигитлигингда агар тоат айласанг сен-сен,
Қаридинг эрса, не қилгунки, қилмагунг тоат.

Бу ерда тоатни кенг маънода тушунмоқ керак. У фақат намозхонлик ва рўза тутишдан иборат эмас. Тоат итоат қилиш, бўйсуниш маъносида ҳам келади. У интизом, тартиб

маъносини ҳам англатади. Тоат қилмоқ, яхшилик, эзгулик, хайр тушунчаларини қабул этмоқ, уларга бўйсунмоқ ва уларни ижро этмоқдан иборат. Шунинг учун йигитликда ҳам қариликда ҳам тоат қилмоқ эзгулик йўлида маҳкам ва қатъият билан олға босмоқни билдиради.

Энди ана шундай юксак маънодаги фикрлар изҳоридан сўнг шоир инсоннинг кундалик турмушга оид хатти-ҳаракатининг бир бўлаги шаҳват масаласига ўтади.

Бу ҳам жиддий масала. Унга енгилтаклик билан қараш хато. Шунинг учун Навоий бевосита тоатга оид мулоҳазалардан сўнг шу масала тўғрисида фикр юргизади.

Саодат аҳли эди, ул йигитки, айламади
Юзини дуд била тийра шуълаи шаҳват.

Ул йигитки шаҳват ўтининг тутунлари билан юзини қора этмаган бўлса, ўша йигит бахтиёрдир. (Саодат аҳлига мансуб). Яъни йигитликда шаҳватга берилиб кетмаслик керак. (Ўшанда у инсонда узоқ вақт, ҳатто қариликда ҳам сақланади). Лекин агар қари одамда шаҳват қичимаси (хариш) қўзғаладиган бўлса, бу ҳол қариган ҳезда ўша ишга бўлган қичимага (ҳиккаи шанъат) ўхшайди. Маълумки, бу ҳолат самарасиз ва бенатижадир.

Шундай қилиб, ушбу ғазалда Навоий ҳам қариларга (кўпроқ албатта), ҳам йигитларга (нисбатан озроқ) фойдали панду ўгитлар бермоқда. Улар инсон кундалик турмушининг асосий томонларига оид.

Албатта ҳар бир ғазал мавъизат (умумлашма фикр, ўгит, панд) изҳорига ҳам эга. Навоий бу ғазалда ҳам ана шу тартибдан чекинмайди. У уқтирадики, пири дайр ва муғбача ҳузурида ҳам қари, ҳам йигит баробар, улар улфат бўла оладилар.

Ўзунгни муғбачаю пири дайр жониби чек
Тилар эсанг қари ёхуд йигит била улфат.

Якунловчи байт чуқур фалсафий мазмунга эга. Унда лирик қаҳрамон (бу ерда шоирнинг ўзи) ўзининг ҳаётда салоҳ билан шуҳрат топганини ёзади.

Салоҳ – яхшилик, тузуклик, бир ишнинг исталган даражада яхши бўлиши; ободлик, осойиш. Демак, шундай хайр ва эзгуликда шуҳратланган зот, ўз хатти-ҳаракати, юриш-туриши, борлиғини ўта камтаринлик билан баҳолайди.

Шу фикр исботидан олдин бир ҳикояни айтиб ўтай. Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисида сўзлар экан, ёзадики, эмиш одамлар Баҳоуддин Нақшбанддан каромат кўрсатишини сўраганлар. Ҳазрат Баҳоуддин деган эканлар:

– Елкамизда шунчалар гуноҳ юки бўлгани ҳолда ер юзасида юрганимизнинг ўзи каромат эмасми?

Ҳеч ким Баҳоуддин Нақшбанд каби бир зотда заррача гуноҳ юки бўлмоғини тасаввур қила олмайди. Бу аён ҳақиқат. Лекин ҳазрат Баҳоуддин ўзларини шундай деб ҳисобламаганлар. У киши шу қадар тоза бўлсалар-да, ўзларини гуноҳ юки елкасида ғоят кўп бир киши деб билганлар ва ўша гуноҳлардан (гўёки улар бордек – А.Қ.) қутилиш керак деб ҳисоблаганлар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг издоши, мухлиси, унинг олийжаноб ишларининг давомчиси Алишер Навоий ҳам худди шундай фикр қилади.

У дейдики, гарчи Навоий салоҳ билан шуҳрат топган эса-да, умрини фасод билан сарф қилган эди.

Навоий айлади умрин фасод бирлан сарф,
Агарчи берди ўзига салоҳ ила шуҳрат.

Улуғ устознинг бу ўзига нисбатан ўта камтаринликнинг олий даражасида туриб муболаға билан айтган гаплари унинг ҳаётда нақадар талабчан, камтарин, хоксор бўлганини; бадиий ижодда эса қанчалар юксак маҳорат эгаси эканлигини яққол кўрсатиб туради.

Навоийда ҳам унга замондош шоирлардан Ғарибийда ҳам «Йигит» радифли ғазал бор.

Ғарибийда ўқиймиз:

Гарчи кўрдум хўблардин кўп малаксиймо йигит,
Кўрмадим ўз ҳолима бу навъ бепарво йигит.

(Шоҳ ғариб Мирзо Ғарибий, «Девон». – Т., 2001. 35-бет. Нашрга тайёрловчи: Шафиқа Ёрқин).

Айрим шеърларда «Йигит» сўзи тез-тез ишлатилиб туради. «Йигит» сўзи ҳозирги ўзбек тилида ёш, норғул, барно эркак киши маъносидадир. Аммо олдинлари «йигит» деганда ёш, кучга тўлган, баркамол гўзал бир инсон кўзда тутилган. Бу мазмунан тожик-форс тилидаги «жувон» билан маънодош. Чунки «жувон» сўзи форс-тожик тилида худди юқоридаги «йигит»ни англатади ва ҳам ёш эркак киши, ҳам ёш хотин-қизларга нисбатан ишлатилади.

Мен бир мўътабар ва билимдон кекса кишининг ўз қизи тўғрисида «опангизнинг йигитлик даври келган» деганларини ўз қулоғим билан эшитганман. (Бу гап тахминан XX асрнинг ўттизинчи йилларида бўлган эди).

Демак, «йигит» сўзи етуклик ёшига етган ўғиллар ва қизларга нисбатан қўлланилган. Модомики бундан 70–80 йиллар бурун ўзбек тилида «йигит» сўзи шундай маънога эга бўлган экан, бундан 5,5 аср бурун бу маънода кенгроқ ишлатилганини тасаввур қилмоқ қийин эмас.

Ҳар ҳолда «йигит» сўзининг туб маъноси балоғат ёшидаги ёш одамларни билдирмоғи маълум бўлди.

Бундан ташқари «Йигит» сўзининг ҳозирги маъноси, яъни ёш ўғил, ёш эркак маъноси ҳам шеъриятда кенг ишлатилган. Чунки кекса киши ёш, норғул йигитга ўз фарзанди, дилбанди сифатида муҳаббат билан муомала қилмоғи мумкин. Буни ҳеч қачон бирор ғайри табиий ёки ўзгача талқин қилмоқ керак эмас.

Биз Навоийнинг «Фавоид ул-кибар» девонидаги бир ғазал билан шу нуктаи назардан танишиб чиқамиз.

№ 80.

Кўнглимни қилди шифта бир махжабин йигит,
Ким, халқ аро анинг каби йўқ нозанин йигит.

Дониш элита солғучи торожи ақлу ҳуш,
Ислом элига қилғучи яғмойи дин йигит.

Урду сўнгинча ит каби саргаштаманки, бор,
Ёрим сипоҳ офати хиргаҳнишин йигит.

Мана шу уч байт ўша йигитнинг тавсифига бағишланган.

Шоир ўша йигитнинг баркамоллигини унинг ойдек чеҳрасида, келишган қадду қоматида кўради. У шу қадар гўзал ва барноки, билимдонларнинг ақлу ҳушини барбод қилғудек. Ислом дини аҳлининг эса динини тор-мор қилмоққа ҳам қодир.

Қўшин орасида, дейди лирик қахрамон, мен ит каби тентирайман, чунки менга мақбул ўша йигит хиргоҳда ўлтирганларга офат етказувга кучи етади.

Ғазалнинг иккинчи ярми, яъни кейинги уч байти қари киши билан ана шу ёш йигит ўртасидаги муносабатлар тасвирига бағишланган.

Дин аҳли ичра минглаб қариларни бу йигит асир этган. Мен эса, дейди лирик каҳрамон, куфр аҳлиданман. Аллақачон бунга ўтиб кетганман. Аммо бутун куфр аҳли орасида менга ўхшаган бирор киши бормукин.

Дин аҳли ичра минг қарийни айладинг асир,
Куфр аҳли ичра мен каби борму экин, йигит?

Ана шундай йигит агар унинг динига ҳам, жонига ҳам душманлик кўрсатиб тургач (ким кўргузса), нотавон қария учун қарору сабр этмоқнинг иложи қолармиди.

Шундан кейин шоир ўша йигитга мурожаат қилиб қариларга лутф кўрсатмоқни сўрайди. Шунда сен узоқ яшайсен, дейди. Чунки миннатдор қариялар уни дуо қилажаклар. Аммо кари эмасларга эса қовоқ солиб қарамоқни ундан сўрайди.

Лутф айла қариларға десанг ким узун яшай,
Ким, қаримас аён қилибон юзга чин, йигит.

Ғазалнинг охирги байти яна Навоиёна бадиият билан тўла. Унда Навоий хас (чўп) каби ёнадиган бўлса, бунинг ажабланарли жойи йўқ экани айтилади. Чунки ўша севикли йигитнинг чеҳраси оташин гул кабидир. Бу оташдан хас-чўплар қандай тез куядиган бўлса, шоир қалбининг ҳам ўшандай ёнмоғи табиий.

Бу ғазал тўғрисида мен берган талқиннинг ҳаётий ва тўғри эканлигини асослаш мақсадида Шайх Саъдийнинг бир ҳикоясини сўйлаб берсам, уни билганларга эса эслатиб ўтсам.

Маълумки, «Гулистон»да Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг бошидан ўтган воқеаларнинг кўпи келтирилган. Ўшалардан бири бундай:

Саъдий Кошғар томонда экан пайтида бир барно йигит билан учрашди. Бу йигит Замахшарийнинг «Муқаддамат ул-адаб» китобини қизиқиб ўқимоқда эди. Улар суҳбати шу китоб тўғрисидаги гаплар билан бошланди. Йигит бу нотаниш, ёши катта кишини танимас эди. Шунинг учун у сўради:

– Сиз асли қайси ердансиз?

– Мен Шерозданман – деб жавоб берди унга Саъдий.

– Шероздан бўлсангиз шоир Шайх Саъдийни танирмисиз, – деб қизиқиб сўради йигит.

– Танийман.

– Менга Саъдийнинг шеърлари жуда ёқади, – деди йигит ва Саъдийнинг шеърларидан бир парчани форсий тилда ўқиди. У ўз ҳамсуҳбатидан Саъдийнинг бирор шеърини, агар билса, ўқиб бермоқни сўради.

Саъдий ўша заҳоти араб тилида бир тўртлик тўқиди. Унда ана шу ёш суҳбатдошининг таъриф ва тавсифи қилинган эди.

Йигитга бу шеър мақбул бўлди. Уларнинг суҳбатлари янада жонланди ва қизғин давом этди.

Шунда бу суҳбатни кузатиб турганлардан бир киши йигитга унинг Шайх Саъдийнинг ўзи билан гаплашаётган эканлигини айтиб берди.

Йигитнинг суҳбатдошига муносабати кескин ўзгарди. У шоирга улуғ эҳтиром билан ёндошди. Унга бугун-эрта шу ерда қолиб унинг меҳмони бўлмоқни таклиф қилди. Саъдий бу таклиф учун миннатдорлик билдирди, аммо бугун кечқурун карвон билан бирга йўлга чиқажагини айтди. Ҳозиргина танишиб дўстлашган кекса шоир Саъдий ва унинг мухлиси бўлмиш йигит бир-бирлари билан эски қадрдонлардек ғоят илиқ хайрлашдилар.

Ақлли ва доно қариянинг ёш одамга ҳурматли ва ёқимли муомаласи йигитда жавобий ана шундай муносабатни вужудга келтирган эди. Бу ҳикоя Саъдийнинг «Гулистон» асарида унинг ўзи томонидан ёзилган.

«Фавоид ул-кибар» девонидаги бир ғазал қарилик ва йигитликнинг низоми кабидир. Унда шоир хушчақчақлик қариликда кўпроқ учрашини ёзади. Лекин ўшандай одам йигитлар орасида бўлганида унда вазминлик, босиқлик устун туради. Бу шоирнинг бир юз берган кўринишни тасвир этиши эмас, балки кексаларга ёшлар ичида эканида ўзини қандай тутмоқлиги лозим эканини ўргатувидир.

№ 132

Қарида гарчи сабукруҳлуғ фаровондур,
Вале йигитлар аро чун кирар гаронжондур.

Ана шундай ўгит келгуси байтда бир бошқача ҳолат орқали давом этади. Шоир маслаҳат берадики, агар кекса одам ёшларга ҳавас қилиб соқолини ранг билан бўяйдиган бўлса, бунинг ҳеч фойдаси йўқ. Чунки сабза (яъни, кишининг соч-соқоли туклари) оқаргудай бўлса, уни яна кўм-кўк қилмоқнинг иложи бўлмайди-ку. Демак, қари одам ўзини ёшларга ўхшатмоққа интилиб овора бўлмагани тузук.

Шабобнинг ҳавосидин соқолни ранг этма,
Оқарса сабза кўкармоқ (кўкартмоқ – А.Қ.) яна не имкондур.

Бундан кейинги ўгит ҳар иккала томонга, ҳам қариларга ҳам ёшларга баробар тааллуқли. Қари одамнинг йигитлар қиладиган ишни қилмоғи ҳайронлик туғдиради (ўзининг беҳудалиғи билан – А.Қ.). Қарилар қиладиган ишни қилган йигит эса том маънодаги нодондир. Демак, ҳар ким ўзига ярашадиган ишни қилсин. Ўзига ярашмаган ишни эса қилмасин. Қари ҳам, ёш ҳам.

Қари йигитлар ишин чун қилур, эрур мабҳут,
Йигит қарилар ишин пеша қилса нодондир.

Биз 1949–1958 йиллари ЎзФА Шарқшунослик институтида илмий ходим экан пайтимизда шу институтдаги мўътабар олимлардан бири Абдуқодир Муродов суҳбат асносида биз ёшларга ибрат қилиб бир арабча шеър ўқидилар:

Шийъону аллази асноу асъабу мин ях
Шайхун муташаббийу шабийюн муташаййих.

Унинг маъноси бундай эди:

Икки нарса муздан ҳам совуқроқ бўлади. Бири қари одам ўзини ёш қилиб кўрсатмоқчи бўлса; иккинчиси эса ёш одам қарилар сингари кўринмоққа интилса.

Юқорида келтирилган Навоий байти ҳам худди шу маънони билдиради. Шундан бундай одоб қоидаси ўша вақтларда кенг тарғиб этилган ва қанчалар ёйилган экани кўриниб туради.

Навоий ғазалида қарилик сувратини изчил чиза боради. Асо кекса кишига йўл босмоқда ёрдамлашади. Лекин бу қари ўша асони найза сингари ўқталса, бу унинг йўл босмоғига зарар беради. Демак, ҳеч қачон бу асодан бир ҳамла ёки ҳужум учун фойдаланмаслик керак.

Асо юруруға мададдур вале асо аҳли
Чу найза тутти, ҳамул йўл юрурға нуқсондур.

Эндиги байт эса анча оғриқли. Унда шоир қўлига асо тутган қариянинг жойи ғам уйининг бир бурчагида эканлигини айтади. Чунки тутилган асо билан бари бир эгилган қад тик, тўғри бўла олмайди.

Чу қад эгилди, асо бирла доғи бўлмас туз,
Эшитса туз анга бир кунжи байтулаҳзондур.

Қарилик тўғрисидаги қуйидаги ғазал шоир юрагидаги барча маъюсликларни ўзида акс этдиради.

Соч оқарган, тишлар тўкилмоқда, энди сўнгги сафарга ҳозирлик кўрмоқ пайти келди.

Оқара бошлади бошу, тўкила бошлади тиш,
Сафар яроғини қилғилки, тушти бошинга иш.

Кекса одамнинг кўриниши, унинг ҳаёт таркига қилаётган тайёргарлиги биринчи байтдаёқ ўз тасвирини топган.

Кейинги байтларда эса шоир умумлашмага ўтади. У йигитликнинг ўтиб кетгани, қариликнинг етиб келганига иқрор. Аммо киши нима қила олар эди. Йўқлиқ йўлидан бориш-келиш шундан иборат. Лирик қаҳрамон – кекса инсон бу ҳаёт ҳақиқатини мардлик билан қабул қилган.

Йигитлигим борибон келди бошима қарилиғ,
Фано йўлида бу янглиғ эмиш боришу келиш.

Шоир бу оғир кайфиятни тиниқлаштиради. Кишининг ёши қирқдан элликка ўтгандан сўнг ишларни адо этмоқ, яхшилиқ қилмоқни давом этдириш мушкил бўлиб қолади. Ваҳоланки, бундай қилинмоғи лозим ишлар мингдан ошиқдир. На чора, ҳаёт қонунияти шундай.

Юз улки, қирқдан элликка қўйди юз, қилса,
Минг ишидан бирига яхшилиқ маҳол эрмиш.

Қари одамнинг асога суяниб қолгани ўқ билан ёй тасвири орқали берилган. Ўқ тез учади. Ҳаёт ҳам шундай тез ўтади. Қомати эгилиб қолган кишининг асога суянмоғи эса ёйга ўхшатилади.

Эрур ҳаётнинг ўқ янглиғ ўтмакига далил
Кишики, ё каби қадға асодин этти кериш.

XIX аср I ярмидаги Қўқон адабий муҳитига мансуб шоирлардан Ғозий қарилик фурсатини қуйидаги таъсирли ва аниқ тасвирда берган эди:

Эгилган қадим кўр, қўлимда ассо
Ажал қилди тайёр ёвуз бир ё.

Тутиб кўзга ойнакни дермен ўзим,
Ажал йўлига тўрт бўлмиш кўзим.

Бу тўртликнинг иккинчи бўлаги оғир қисматни мардона қарши олаётган қари одамнинг аниқ сувратидан иборат.

Бу тўртликнинг биринчи байти эса Навоийдаги «қадга асодин ўзига кериш қилган кишининг» кўринишига ўхшаб кетади. Демак, турли асрлардаги шеъриятда қарилик, унинг ҳаёт интиҳосига яқинлиги ҳар доим ўз бадиий ифодасини топа борган.

Аммо ҳеч қачон шоирлар ҳаётдан воз кечмоқ фикрини ўтказмаганлар. Охирги дақиқагача ҳаёт гули ўз гўзаллигини сақлайди. Аммо фалакнинг инсон ҳаётига қарши кўрсатаётган шумлиги ҳам ҳеч қачон камайган эмас.

Навоийнинг айтишича, етти фалак ҳамиша олти жиҳатдан кишига душманлигини ўтказа боради. Бунда одамнинг неча ёшда, ҳатто олтмиш ёки етмиш ёшда эканлигининг ҳам ҳеч фарқи йўқ.

Адудур олти жиҳатдин манга чу етти фалак,
Не суд ёшим агар олтмиш ва гар етмиш.

Ғазалнинг лирик қаҳрамони умр баҳорининг ўтганлигидан афсус қилади. Қарилик қишга ўхшайди. Ҳатто бирор киши узоқ умр кўргин деб тилак билдирса, қари одам уни қарғиш сифатида қабул қилиш даражасига етган. Чунки бу қари одамда қиш нишоти ҳам қолмаган, наҳори ҳам хазон бўлган, хазони ҳам барбод.

Йигитлик ўлди баҳору куҳулат ўлди хазон
Дегай бу сўзни – қарилиғни қишга ўхшатмиш.

Не қиш нишоти менга қолди, не хазон, не баҳор
Наҳорима чу хазон қўйди юз, хазонима қиш.

Не турфа ишки, биров чунториқги умридин
Деса узоқ яша, қарғишдур анга бу олқиш.

Ғазал охирида Навоий одатдагидек фано аҳлининг, яъни барча одамларнинг нажот йўли битта эканини айтади. Бу тақдирга кўникишдир. Шуни тан олмоқ, шунга эришмоқ лозим халос.

Навоиё тутар аҳли фано нажот йўлин
Эришмоқ истар эсанг ишда, ҳам аларни эриш.

Бу ғазал қанчалар қарилик кулфатлари, улар туғдирган оғир кайфиятни ифода этмасин, лирик қаҳрамоннинг ана шундай мардонавор нидоси билан якунланади.

Навоийнинг «То йигит эрдим қариларға кўп эрди хидматим, Қариган чоғда йигитларга оғирдур суҳбатим» – деб бошланадиган ғазали ҳам юқорида келтирилган ғазалларга маънодошдир.

Демак, Навоийнинг лирик қаҳрамони ёшлигида қариларга хизматда бўлган, уларнинг ҳурматини жойига қўйган. Лекин энди унинг ўзи қариган пайтида унинг суҳбати йигитларга ёқмайди. Бу йигитликни қўмсаш эмас, балки кексалик пайтида ёлғизликда қолганидан ўксишдир. Ҳақиқатан ҳам қайси ёшлар жамоасига бир қари кишининг суҳбати хуш ёқади. Ҳеч қайсисига ёқмайди. Гарчи Навоий буни ўз ўқувчисига уқдирар эса-да, ўзи ана шундай қарилик кулфатидан нолийди, оғирлигидан шикоят қилади.

Не учун бўлдим кичик ёшлиғлар ичра кўп сақил
(оғир, вазмин)
Гарчи кўп зоҳирдурур син касратидин хиффатим
(енгилтаклик).

Кичик ёшлилар орасида уларга оғир, ғализ бўлдим, гарчи ўзимнинг ёшим катталигидан енгилтаклигим кўзга ташланиб турсада.

Ўн бир байтдан иборат бу ғазалнинг ана шундай қариликдан шикоят, у туфайли келиб чиқадиган ноқулайликлардан ҳасратли бир неча байтидан сўнг шоир бевосита ўзининг эллик ёши тўғрисида сўзлай бошлайди. Бу эллик йил ичида топган ҳурмати сақлансин деган киши бир чеккага чекиниб, ибодат билан машғул бўлсин. Чунки ўтган эллик йил мобайнида куч-қувват сарф этилиб бўлган. Унинг устига шоир дейдики, ўша эллик йил ичида исён билан машғул бўлган эди. Агар яна эллик йил муҳлат бўлганда ҳам энди у нима қила олар эди.

Эй кўнгул, тут гўшае эмди ибодат қилғали,
Қилмоқ истар бўлсанг эллик йилги бўлган ҳурматим.

Чунки эллик манзил ўтди умрдин сокин бўлай,
Не учунким, эмди йўқ суръат қилурға қувватим.

Нетдим эллик йилда жуз исёнки, эмди нетгамен,
Ёна эллик йилғача туттумки, бўлса муҳлатим.

Ана шундай эллик ўтган йил давомида кечган умрга шоир якун ясар экан, Тангри лутфидан умидвор эканини билдириб ғазални тугаллайди.

Эй Навоий, ғам емаким, баҳри ғуфрон урса мавж,
Тенгри лутфидан не мумкин жуз умиди раҳматим.

Демак, агарчи ғазал мавзуъси қайғули бўлса-да, шоир ўз шеърида кўтаринки руҳ билан Тангрининг раҳматига умид боғлаб ўқувчида ҳаёт ва унинг оқимига яхшилик билан қарамоқни ўргатади.

Ишқ катта ва кичикка, ёш ва қарига қарамайди. Ишқ ўти Фузулий ёзганидек, кўнглида «ишқ дарди бор»лигига қарайди.

Ишқни гўзаллик пайдо қилади. Гўзаллик эса ёшликка хос. XIX аср Қўқон адабий муҳитидаги шоира Увайсий ҳам «Қолдим балоға кўнгилни бердимки ёшқа» деб ёзган эди.

Увайсийнинг байти шоиранинг Абдураҳмон Жомийнинг ғазалига боғлаган мухаммасининг биринчи байтига оид. Жомий эса ёзган:

Ишқинг хаёли тушгали шўрида бошқа,
Ғам бошқа ўлдирур мени, ҳижрони бошқа.

Жомий эса Навоийнинг замондоши, дўсти, ҳаммаслаги ва устози. Демак, маҳбубалар Увайсий сифатлагандек ёшлар. Навоий буни ўзининг «Фавойид ул-кибар» девонидаги бир ғазалда очиқ айтган:

№ 553

Бир кичик ёшлиғ нигоре топмишам нозуккина.

Ана шундай ёш маҳбуба тўғрисида Навоий ўзининг шу девондаги бошқа бир ғазалида бундай деб ёзади:

№ 585

Ул шоҳу мен гадомен ул тифлу мен қари,
Гар боқмаса менинг сари, ҳақ бор анинг сари.

Демак, ошиқ қари одам. Унинг севгилиси эса ёш. Маҳбубанинг ёшлиги унинг иккинчи байтдаги сифатларида ҳам кўринади. Ўйин чоғида у гоҳо югуради, узоққа кетиб қолади. Ошиқ эса бундай ҳаракатлардан гоҳ ўлгудай бўлади, гоҳ тирилгандай.

Бир лаҳза тиргузуб мени, бир лаҳза ўлтурур,
Гоҳи бери югурса ўйин вақти, гоҳи нари.

Ғазал шу йўсинда давом этиб шу ёш севгилининг тавсифини бера боради.
Аммо севгучининг қари экани ҳам шу ғазалнинг асл моҳиятини ташкил этади.
Ана шундай қаринининг образи № 596 ғазалда ҳам бор.

Ишқ орзусини қилур ул навжувон сари
Ўтқа солур ўзин яна бир нотавон қари.

Демак, ёш ва қари ўртасидаги севги, унинг мадҳи Навоий ғазалларида ўз ўрнини топган. Демак, Навоий қарилик тўғрисида сўзлар экан, уни фақат инсон умрининг охирги бўлаги сифатидагина тасвирламайди. Балки бу қари ёшдаги одам ҳам ёшларга хос севги ва унинг изтиробларини чекмоғини кўрсатади. Бу фикримиз Навоийнинг ўз сўзлари орқали тасдиқ топади.

№ 163

Демаким, бўлдинг қарию ўтти даври ишқким,
То тирикдурмен менга ишқу муҳаббат чоғидур.

Қарилик ва йигитлик тўғрисидаги фикрларини Навоий «Фавойид ул-кибар» девонидаги айрим қитъаларида ҳам баён этган.

Шулардан бирини шарҳ этиб шоир ёзади: «Йигитларга дилбасталиғ йигитликда дилписанддир ва қарилиғда бу иш мужиби решханддур».

Демак, ёшларга дил боғламоқ ёшликда ярашади. Бу иш қариликда кулги бўлмоққа сабаб бўлади.

Қитъада эса Навоий бу гапларни очиқ-ойдин ва хаммага енгил тушунадиган тарзда ифодалаган.

Киши йигитлар ила ишқибозлиқ қилса,
Йигитлигида эрур хўбу мунда эрмас шак.

Қариға тавбау тақво керак ва гар бу ҳарф
Ўзини йиғмаса, хуштур соқолиға кулмак.

Ки пўя (чопмоқ) қилса назар солғали йигитларга,
Ва лек жисми асо истаса, кўзи ойнак.

Ёшлик пайтида ёшлар билан ўйнаб кулмоқ яхши. Бунга шак-шубҳа бўлмоғи мумкин эмас.

Қари одам эса тақвою тавба билан банд бўлгани макбул ва ақлу ҳушини йиғиб сиполик билан юриш-туриш қилса тузук. Акс ҳолда унинг соқоли фақат кулгига сабаб бўлади. Дарҳақиқат у қари ёшларга назар ташламоқ учун елиб югурмоқчи бўлса-ю, лекин жисми асога, кўзи эса кўзойнакка муҳтож бўлиб турса, бу иш амалга ошармн эди.

Бошқа бир қитъада Навоий ана шундай фикрларини жиддийроқ йўсинда айтган.

№ 50.

Йигитлигимдаки, тақвою зуҳд вақти эди,
Фужуру фисқ била зое айладим овқат.

Ўтиб йигитлик, уйла менга келди чун қарилиғ,
Маош одати маъҳуд ила кечурсам уёт.

Десамки, тоат этиб саждадин кўтармай бош,
Бошимга ургали лойиқ кўрунуб ул тоат.

Қазодин улча менга келди зикри ҳожат эмас,
Билур чу шиддати ҳолимни қозийюл ҳожот.

Шоир гарчи бу гапларни ўз «мен»и орқали айтаётган бўлса-да, улар ҳаммага оид. Уларда кекса кишининг истиғфори хам бор. Йигитликни қумсаш, унинг ўтиб кетгани ва қарилик чоғи келганидан ўксиниш ҳам бор. Айни замонда ана шу қарилик вақтини қандай ўтказиш кераклиги тўғрисида мулоҳазалар хам айтилган.

Энди қарилик даврини илгарилар ёшлик чоғлари одат бўлиб қолган каби ўтқазмоқ ярашмайди. Бу уят.

Саждага бош эгайин, қариликка бўйин сунайин десам, бу тобеълик худди бошимга тушаётган зарбалар каби туюлди, деб таассуф билдиради, шоир.

Аммо ана шундай зиддиятли, мураккаб, ҳаяжонли кечинмалар лирик қаҳрамон қалбини эгаллаган экан, у бутун ҳаёти давомида – ёш йигитликдан то қарилик фурсатигача кўрган-

кечирганларини эсга олади. Улар қозиюл ҳожотга (худога) маълум, дейди ва унинг иноят ва марҳаматига, кечиримига умид боғлайди. Шу йўсинда «Ўз ҳолининг йигитлигида фисқ била табоҳлиғи ва қариликда шармандаликдан рўсиёҳлиғи» тўғрисидаги хулоса билан қитъа якунланади.

Бу, албатта, бир кишининг тавбаси эмас. Бу бутун инсонларни огоҳлантириш. Ҳеч ким ёшлик йилларини фисққа сарф этмасин. Шу туфайли қарилиқда шармандаликка учрамасин, дея айтилган панд насиҳатлардир. Бизга маълумки, бу оқилона ўгитларни айтаётган зот ўз ҳаётида ҳеч қачон шундай қисматга мубтало бўлган эмас. У бир умр барчага энг яхши ибрат ва намуна бўлиб яшаган. Буни қозиюл ҳожот билади. Бизга ҳам маълум. Шундай улуғ поктийнат вужуд ўз ҳаётига ана шундай якун ясар экан, бошқа гуноҳкор кимсалар не қилурлар. Барча одам зоти эзгулик ва хайр йўлида қойим бўлсин, йигитлик ва қариликда ўша умрга муносиб ишлар қилсин, деган таълимдир бу сўзлар!

Бу келтирилган мисоллардан ўқувчиларимизда, демак, Навоий «Фавойид ул-кибар» девонига қариликдан нолиш, йигитлик даврининг ўтганлигидан афсусланмоқни билдирувчи шеърларнигина киритган экан, деган тасаввур туғилмаслиги керак. Шеър, назм гўзалликни куйлайди. Гўзаллик эса севгини келтириб чиқаради. Девонларга турли мавзулардаги шеърлар жамланади. Албатта, уларнинг кўпчилиги ёр ҳусни, латофати тавсифига бағишланади. Ишқ дарди, севгучи кўнгил изтироблари ва шодликлари ўз аксини топди. Шеърият ҳаёт гўзаллигини куйлайди. Ҳаёт эса севги билан гўзалдир.

«Фавойид ул-кибар» девонида ҳам ана шундай шеърлар кўп.

«ЎЗГАЧА»

«Фавойид ул-кибар» девонидаги ишқий шеърлардан бири «Ўзгача» радифли ғазалдир.

У табиатнинг гўзал кўринишлари мақтови билан бошланади. Чамандан эсган шамол атрофга хуш ҳидлар ёяди. Унинг ёқимли бўйларидан кўнгилларда ўзгача ҳол юз беради.

Шоир ана шу ҳолат ва кайфиятни тўлқинлантирувчи куч билан бадиий ифодаларда баён этади.

№ 548

Ваҳки, чамандин яна эсти шамол ўзгача,
Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

Бундай баҳорий табиат манзараси булбуллар, қумриларнинг нағмалари билан тўлади, ғунчалар кулиб очиладилар. Бундай гўзалликлардан баҳра топган элнинг кўнгли яйрайди, барча малоллари йўқ бўлиб кетади.

Булбулу қумри чекиб лаҳну наво ўзга навъ
Кўргузадур сарву гул ғанжу далол ўзгача.

Савсан ўлиб сарбаланд, ғунча қилиб нўшханд,
Элга алардин етиб дафъи малол ўзгача.

Буралган сунбуллар, сероб лолалар, уларнинг ўтдек қизилликлари, ўша ўтнинг тутунлари ҳам ажиб кўриниш пайдо қиладилар.

Сунбули пуртоб ҳам лолаи сероб, ҳам
Дуд ила ўтдин бўлуб шабҳу мисол ўзгача.

Ана шундай гўзал бўстон бағрига менинг дилбарим кириб келади. Унинг гулшандаги сайрида дилидан не-не фикру хаёллар кечади.

Кирди магар дилбарим, ҳури пари пайкарим,
Гулшан аро кўнглида фикру хаёл ўзгача.

Лирик қаҳрамон бу пари пайкар билан бирга бўлмоқни орзу қилади, унинг ёнида бўлгуси, бу гўзал дилбар билан суҳбат қурмоқни тилайди. Бу истак қуйидаги дилбанд мисраларда ўз ифодасини топади.

Бўлса менга доғи йўл, андаки айш айлар ул,
Қилсам эди маст ўлуб қолу мақол ўзгача.

Агарда бундай учрашув насиб бўлса, ўша пайтда бу пари пайкар менга бир кадаҳ тутгудай бўлса, ўшанда ошиққа дунёлар муяссар бўлар, у абадий умр топгандай қувонар эди.

Умри абад топқамен, тутса менга бир қадаҳ,
Нашъаи майдин анга ҳусну жамол ўзгача.

Ана шундай дилрабо мисралар ортидан шоир катта умумлашмаларга ўтади.

Даҳрда йўқтур карам, даҳрнинг аҳлида ҳам,
Қилмағасен, эй кўнгул, фикри муҳол ўзгача.

Ҳаётда карамнинг йўқлиғи, лирик қаҳрамонни қайғулантиради, унинг карам истовчи фикри хато экани унда афсус уйғотади.

Бирдан-бир чора дайр аро кирмоқ, у ерда жойланмоқ. Чунки бу карамсизликдан қутилишнинг йўлини на зуҳд, на масжид кўрсата олади.

Зуҳд, Навоий сенга бермади масжидда файз,
Эмди кириб дайр аро тарҳни сол ўзгача.

Бу ғоят гўзал, жарангдор ва пурмаъно ғазал кўп Навоийхонларнинг қалбидан ўрин олган. Ана шундай Навоийнинг қадршуносларидан бири Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Абдуллажон Насриддинов Бокий домулла эдилар (1882–1967).

Мен, Азиз Қаюмов, Қўқонда ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларимдан бошлаб у кишини яхши танир эдим.

У кишининг суҳбатларида кўп бўлганман. Бокий домулла Қўқон шаҳари яқинидаги Риштонда яшар эдилар. Ўша ердаги колхозда боғбонлик қилар эдилар. Бу киши боғдорликнинг энг нозик соҳаси ток шоҳларининг пайванди бўйича айниқса моҳир уста бўлганлар.

1940 йили Ўзбекистонда Алишер Навоий туғилганига 500 йил тўлиши муносабати билан Бокий домулла Тошкентга Навоий юбилей Комитетига ишга таклиф қилиндилар. Бошқа шаҳарлардан ҳам келган нодир мутахассислар билан бирга Бокий домулла Навоий асарларини нашрга тайёрлаш ва Навоий асарларига луғат тузиш билан банд бўлдилар.

Ана шу вақтда Тошкентда чиқадиган «Қизил Ўзбекистон» газетасида Бокий домулланинг катта бир шеъри босилиб чиқди. Бу шеърни мен биринчи бор ўшанда ўкиганман. Бу

шоир Бокийнинг Навоийнинг «Ўзгача» радифли ушбу ғазалига боғлаган мухаммаси эди. У вақтларда мен ёш бўлганимдан ўша газетани сақлаб қолмаганимга ҳозир ҳам афсус қиламан. Орадан йиллар ўтди.

1979 йилда Тошкентда «Оқсоқоллар каломи» номли бир шеърий тўплам нашр этилди. Ана шу тўпламда шоир Бокийнинг Навоий ғазалига мухаммаси бор. Қуйида ана шу мухаммас билан муҳтарам ўқувчимизни таништириб ўтамиз.

1939 йили Ўзбекистон халқи Фарғона водийсида 270 км га чўзилган Катта Фарғона каналини қирқ беш кун ичида қуриб битқазди. Асрлар давомида ташна бўлиб ётган чўли биёбонларга оби ҳаёт етиб келди. Янги чаманзорлар, боғлар, пахтазорлар яратиш имкони туғилди. Ана шу шодиёна Бокий мухаммасининг моҳиятини ташкил этади. Бу мухаммас орқали Алишер Навоий ҳам бундай меҳнат ғалабаси тантаналарида иштирок этгандай, бу тарихий зафар билан ўзининг севикли халқини табриклаётгандек туюлади.

Бокий ёзади:

Давлати ферузимиз топти камол ўзгача,
Ғайрат ила қозди эл янги канол ўзгача,
Шодлиғ айлаб тузунг базми висол ўзгача.

Шоирнинг бундай илҳомли чақириғига жавоб бергандай бўлиб Навоий дейди:

Ваҳки чамандин яна эсди шамол ўзгача,
Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

Навоий мисралари Бокий куйлаётган байрам қувончига ҳамоҳанг, бу байрам пайтида чамандан эсаётган шамолнинг кишига қанчалар гўзал, ўзгача бир кайфият бағишловини тасвир этади.

Навоий ана шу табиат чирой очган фурсатда булбулу қумрилар наволари, сарву гул жилвалари нақадар фусункор эканини ёзган. Бокий ана шу тасвирни тўлғазади. Эришилган буюк ғалаба эл кўнглига кайфу сафо бахш этди, диллар бир-бирларига меҳру вафо билан тўлиқ. Улар завқу шавқ касб этганлар.

Бокий – Элда бу эҳсонидин кайфу сафо ўзга навъ,
Бир-бирига кўргузуб меҳру вафо ўзга навъ,
Ҳар ким этиб завқ илан касбу ҳаво ўзга навъ.

Навоий – Булбулу қумри чекиб лаҳну наво ўзга навъ,
Кўргузадур сарву гул ғанжу далол ўзгача.

Бу шеър тўғрисида бир махсус мақола ёзилса арзигулик.

Биз Бокий мухаммаси билан таништирув мақсадида сўз бошлаган эдик. Шуни қайд этмоқ керакки, Бокий ўзига хос маҳорат билан Навоийни ўз замондошига айлантирди. Унинг ҳаётбахш мисраларига замонавий жаранг берди. Бу нарса Навоийнинг ҳар сўзи ҳамиша, ҳар қачон халқнинг юрак тепиши билан ҳамнафас ва унсдошлигини кўрсатиб туради.

Навоий байтларига боғланган мухаммас охирида Бокий ўзидан бу шеърга икки бешлик қўшган. Уларда шоир Навоийга элнинг иззат-ҳурмати баланд эканини билдиради. У Навоийни халқнинг меҳнат байрамидаги иштироки билан табриклагандай бўлади:

Неча бу гулшанда бир булбули достон саро,
Ҳар бири ширинсухан шоири нозик адо.
Янги канол сувини мадҳига айлаб ҳаво,
Бокийи парвона ҳам бўлди Навоий наво,
Тўтийи нуткиндадир лутфу маҳол ўзгача.

Севикли ёр тўғрисида

Ўн бир байтдан иборат бир ғазални Навоий ошиқнинг дардли кечинмаларидан бошлаб охири «Чархи кажрафтор»нинг қилмишларига чидам даркорлиги билан тугаллайди. Унда турмушда учрайдиган барча нохушликлар, яъни заъфига Масиҳодан илож бўлмаслиги; ёнидаги суяклар тўпланиб бир-бирига текканда мусиқор деган мусика асбобига ўхшаш овоз чиқармоғи; унинг жунунини ҳеч қандай тумор тугата олмаслиги; ошиқ кўнглини тўлдирган ўқлар мисмор (қозиқ) сингари уларнинг шавқини беркитгани; олам аҳлига қўшилмаслик кераклиги ва бошқалар тўғрисида сўз боради.

Бу ғазалдаги ҳаёт лавҳалари ёрнинг ошиқ кўзига кўринишидан бошланади. Афсуски, у ёлғиз эмас, балки ўзга ёр билан бирга. Шундан ошиқ изтироб чекмоқда. Ошиқ ёрни ағёр билан кўрса, унинг ҳоли қандай бўлади. Ошиқнинг тани бу азоб туфайли пайдо бўлган жароҳат билан тўла. Уни кўрган одамлар эса ғусса тоғида лолалар очилганми деб ўйлашлари мумкин.

№ 546

Кўргали чун тоқатим йўқтур сени бир ёр ила,
Ваҳ не бўлғай ҳолатим кўрган замон ағёр ила.

Ғусса тоғида улус кўргай очилғон лолазор,
Ҳар ён этсам майл бу урён тани афгор ила.

Шундан сўнг ўша дардманд ошиқнинг бошига тушган дарду аламларнинг саноғи ва тасвири давом этади.

Ошиқнинг аняч аҳволи шундайки, у осмон остида Масиҳодан илож кутмайди. Унинг заъфига агар девор сояси тушгудай бўлса, шунга ҳам хурсанд.

Торами хуршид уза найлай Масиҳодан илож,
Заъф аро куйида хушмен сояи девор ила.

Бундай оғир аҳвол кейинги байтларда ҳам ўз тасвирини топа боради?

Ғазалнинг охирги уч байти мавъизот мазмунидаги байтлардир. Улар ўша айтиб ўтилган дард, заъф ва изтироблардан сўнг ўқувчини ҳушёрлантиришга қаратилган. Уларда шоир айтилганлардан хулоса ясаб дейдики, киши олам аҳлига ортиқча қўшилиб, боғланиб кетмасин. Чунки охири бундай яқинликдан юз озор ила айрилмоққа тўғри келади.

Олам аҳлига қўшилмоққа ўзингни қилма зор
Чунки айрилмоқ керактур сўнгра юз озор ила.

Яна ҳар қандай одам тўғриликда қойим бўлсин. Ҳар қандай ҳолда ҳам ўзини хуш тутсин. Яъни унинг кайфияти бузилмасин, умидсизликка тушиб кетмасин, маъюсликка берилмасин, хуш, яхши, хайр ва эзгуликка ишонган ва суянган ҳолда бўлсин. Чунки, юқорида

айтганимиз, «кажрафтор чарх» билан душманлик, хусумат, ситез қилиб бўлмайди. Бунга кўникмак даркор.

Эй Навоий, туз бўлуб не келса, тутқил ўзни хуш
Ким ситез этмаклик ўлмас чархи кажрафтор ила.

Демак, ҳаёт шароити, қонунияти тақозо қилган ҳолатни қабул қилмоқ, унга яхши қарамоқ, уни хуш тутмоқ бу заруриятдир.

Шундан келиб чиқиб, ушбу ғазал гарчи ошиқнинг ўз ёрини ўзга ёр билан кўриб чеккан изтироблари, бошига тушган кулфатлар тасвирига тўлиб тошган бўлсада, инсоннинг ҳаётда чекадиган изтироблари «чархи кажрафтор» томонидан унинг бошига тушган калтаклар экани айтилади. Инсоннинг эса бари бир «чархи кажрафтор»га қарши курашуви мумкин эмас. Шунинг учун шоир инсонни «туз бўлиб» – доимо тўғри йўлдан бермоғи, бу йўл эса не келса, киши ўзини хуш тутмоғидан иборат эканлигини тушунмоққа чақиради.

№ 628

Деманг андин хўб кўптур, севма ул худройни,
Зуҳроға вола нетар хуршид бирла ойни.

Лирик қаҳрамон учун ўз севикли ёри яккаю ягона. Унга дейдиларки, бу гўзалдан кўра яхшилар ҳам кўп. Бу ўзбошимча, ўзбилармондан кўнгил уз, уни севма. Осмоний жисмлар ичида Қуёш ва Ой Зуҳрага кўнгил берарми эди. Демак, бундай «Носеҳлар» ўша гўзални Зуҳрага ўхшатсалар, бу севгучи ошиқни ундан юқори қўймоқдалар. Ошиқ худди Қуёш ва Ой сингари. Шунинг учун ўша худройни севмоқдан воз кечиб қўя қолсин. Ошиқнинг бундай гапларга жавоби битта: «Бундай деманг!»

Парвона мажлисга ҳусн бериб турган шамга интилади. Унинг жаҳонга безак бўлувчи, уни ёритиб турган қуёш билан иши йўқ-ку!

Чун эрур парвона шамъи мажлис аро волиҳи
Найласун ул машъали меҳри жаҳон оройни.

Искандарга ҳайвон суви (оби ҳаёт) керак эди. Шунга у етиша олмади. Бас шундай экан, унга урушлар қилиб жаҳонни эгаллашидан, етти денгизни қўлга киритганидан қандай фойда бўлди. Демак, ошиқ кўнгил берган дилбаргина унинг учун худди Искандар тилаган оби ҳаёт сингари қадрлидир.

Чун Скандар ўлди ҳайвон суйи шавқидин, не суд
Етти баҳр олмоқ, суруб рахши жаҳон паймойни.

Бундай нисбатлар ғазалда бирин-кетин келтирила боради. Ишқда куйган кўнгилларга фиғону вой солувчи ўша гўзалнинггина ҳуснидир. Унинг ўртамиёна нозик қадду қомати кифоя. Осмонга кўтарилган сарв қад бўлмоғи шарт эмас. Хоқон луъбати Чинни (Чин ўйноқиси)ни кўнгли тилайди: Ҳинд ройи равшан чеҳрали гўзални севади. Демак, ҳар кимга ўзининг маҳбубаси қадрли.

Навоий бу айтилганлардан келиб чиқиб ошиқлик бобида бундай хулоса қилади:

Эй Навоий қилмағил парво улус кўп сўз деса,
Муғтанам тут ҳолиё ул шўхи бепарвойни.

Яъни, одамлар нима десалар дея берсинлар. Гарчи сенга бепарво бўлса ҳам ўша ўзинг севган шўхни ғанимат тутгил.

Бошқа бир етти байтдан иборат ғазалда Навоий бутун бир севги достони бўла олувчи сюжетни берган. Маҳбубанинг гўзаллиги, унинг юзи, бетларининг равшанлиги, ўзининг эса ҳурсифатлилиги, унинг бутун вужуди нурли экани билан бошланади, бу шеър.

№ 160

Юзинг равшан, энгинг ҳам равшан, эй ҳур,
Аларнинг шонида нурун ало нур.

Бу ҳурваш гўзалнинг кўзлари одамни ўлдирмоққа ҳам кучи етади. Бу мастона кўзларга кўнгил берган ошиқ эса бемор.

Ики қотил кўзинг бемориенким,
Эрурлар айни усрукликда махмур.

Ошиқнинг юрак-бағри шу ишқ оташида ўртанади. Унинг яқинлари ошиққа дейдиларки, ёрнинг жафолари бениҳоя ортиб кетди. Ундан кечиб қўя қол. Ошиқнинг жавоби эса бундай: бу иш менинг қўлимдан келмайди. Бу севги менга белгилаб қўйилган қисматдир.

Чу бўлди жаври бемиқдор, дерлар
Кеч андин, ваҳ менга бу иш не мақдур.

Охири шундай бўлдики, бу ошиқнинг ўша ҳурсифат гўзалга муҳаббати ҳар ёқда шуҳрат топди, эл оғзига тушиб кетди. Бу шуҳрат ўша ёрнинг ҳусндорлиги шуҳратича бор. Шамнинг атрофида парвонанинг айланиб ўргулиши қанчалик машҳур бўлса, бу бечора ошиқнинг ўз ёрига севгиси ҳам шунчалар машҳур бўлиб кетган.

Анинг ҳуснича ишқим тутти шуҳрат
Ки, бўлди шамъича парвона машҳур.

Севги ўти ошиқ қалбида тобора авж олади. Бу кўнгилда хавотирлик ва қўрқинч туғдирмоғи мумкин. Йўқ дейди у ўзи ўзига, ёнаётган табъ нега оловдан ҳайиқсин.

Не тонг бийм ўлса ишқингдин кўнгулга,
Ки, бор ўтдан ҳоросон табъи маҳрур.

Ана энди ишқ савдоси, унинг ошиқ вужудини куйдираётган олови, ёрнинг бепарволиги, бу севгининг эл оғзида достон бўлиб кетгани ҳаммаси айтиб ўтилди. Ўша ҳурваш гўзал муҳаббати билан тўла қалб эгаси бўлмиш ошиқнинг бу гапларига хулоса қилмоқ вақти келди.

Бу хулоса кейинги икки байтда ўз ифодасини топган. Ошиқнинг жунуни ҳаммага маълум. Жунун аҳлини панду насиҳат билан йўлга солиб бўладими. Йўқ, албатта. Шунинг учун ошиқ шайхга хитобан дейди:

Хирадқа бизни тарғиб этма, эй шайх,
Бу ишдин тут жунун аҳлини маъзур.

Ошиқ учун энг мудҳиш воқеа унинг ўз ёридан айрилгани. У чархга илтижо қилади. Чархдин бу бечора аламкашни ёр висолига етказмоқни сўрайди. Шу висол унга қисмат бўлсин. Охирги байтнинг иккинчи мисрасида шоир тахаллуси келган. Албатта, биз барча айтилганлар Навоийнинг шахсий ҳаёти лавҳасидир, дея олмаймиз. Шунинг учун шоирнинг ўз сўзларини келтирмоқ ила чекланамиз.

Висол эт элга қисм, эй чарх, баским,
Навоий маҳвашидин бўлди маҳжур.

«Чўх» радифли бир ғазалда Навоийнинг лирик қаҳрамони ўз ёрининг гўзал таърифини берган («чўх» – кўп, талай маъносида).

Бу парисифат гўзалнинг шайдолари кўп. Уларнинг ҳар бири мен каби телбадир. Чунки бу ҳур олам мулкига кўп ғавғо солган.

Ул париваш ҳурнинг мен телбадек шайдоси чўх,
Не ажаб, гар бўлса олам мулкида ғавғоси чўх.

Аммо бу ҳур ўзининг нозу истиғноси кўплиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу беҳуш ва сабрсиз телба ошиқ етишув умидидан воз кечган.

Эй кўнгул, мумкин эмастур васл, невчунким эрур
Сабру ҳушим озу онинг нозу истиғноси чўх.

Ошиқ ўзининг ёр қаро сочларига харидор эканини айтади. Лекин ўша умидсизлик бунда ҳам ўз ўрнини эгаллайди. Чунки бу сочларга гадо қандай қилиб кўнгил боғлай олсин, ахир не-не шоҳларнинг димоғиға ҳам бу қора сочларнинг савдоси тушган-ку.

Шундан кейин келадиган байтда Навоий ёзади:

Арманидур гўё ул шўх кофур, туркмон,
Ким етар дин мулкига кофур кўзи яғмоси чўх.

Гўзал ёрнинг турли қавм, халқ, элга мансублигига шоир кўп аҳамият бермайди. Унинг диққат марказида ўша севгили нигорнинг гўзаллиги бош ўрин тутади. Шунинг учун бу ғазалда ҳам шоир ўша париваш ҳурнинг шўх туркмон, ёки арманийми эканлигини айтади-ю, урғуни унинг дин мулкини талон-тарож этадиган кўзларига қаратади.

Шоирнинг ўз қаҳрамонининг ким эканлиги тўғрисидаги масалани (миллий жиҳатдан) умуман бош ўринга қўймаслиги унинг бошқа мавзудаги шеърларида ҳам учрайди. Масалан, № 93 ғазалда (70-бет) асосан диний, тақво, намоз мавзуларида сўз боради.

Аммо хулосавий охирги байтда мақсуд чеҳрасини тиламоқ кераклигини билдирар экан шоир ёзади:

Навоий, иста мазоҳирда чеҳраи мақсуд
Араб ва гар чиғатой, йўса туркману халож[1].

№ 100 ғазалда Навоий ёрнинг сочлари таърифини берган. Унинг икки сочи ҳар бири бир неча тугунлардан иборат. Лекин ҳар бир тугун бир неча қулочдек узун.

Қайд айларга жунун аҳлини бер ул ики соч
Ҳар бири неча тугун, ҳар тугуни неча қулоч.

Ана шундай дилни мафтун этувчи узун сочлар эгаси турк гўзали. Шоир бунга бепарво эмас. Аксинча, ана шу узун сочлари ўзига ярашиб турган гўзалнинг туркона қошлари, кенг қабоғи, қиймоч кўзларига маҳлиё. У ана шу гўзалнинг қули.

Туркларнинг қулидурменки, нигоримнинг эрур
Қоши туркона, қабоғи кенгу кўзи қиймоч.

Ўша дилрабонинг (арманий, гўё туркмон) либосдаги суврати ҳам ғазалда ўзининг шоирона ифодасини топади.

Дилраболиғнинг либоси чўхасидир гўйё
Ким ани кийгач, кўнгул олур қади раъноси чўх.

Ўзига ярашган либосни кийган дилрабонинг раънодек қадди яна кўнгилни оладиган бўлди. Демак, унинг кийими келишган қоматини янада жозибалироқ қилиб юборди. Турли жинслардаги нарсалардан етти ранг ҳар хил боғламлар пайдо қилади Ҳусн бозорида кўринувчи рангоранг буюмлар кўп.

Бу байтда шоир ўша ўзига ярашган либосдаги ёрнинг кийими ҳам қанчалар қимматли ва рангоранг эканини айтмокда. Бу кийим ёр кийиминит руҳ бағишловчи даражада келишганлиги ва раънодек қаддининг нафосатини аён қилаётганлигини ҳам кўрсатади.

Солланиб чун жилва айлар, халқни вола қилур,
Ҳам қади раъноси ҳам андоми руҳафзоси чўх.

Эндиги икки якунловчи байт ана шундай хушқомат, жисмига ярашиқли либосдаги, нозик қадду қомати, жилвалари мафтункор фусун эгаси бўлган дилбарга ошиқнинг асиру банда эканлиги, ёр висолига интилишини ифодалайди.

Лаълидин ком истарам, не чора етса кўнглума,
Кирпикининг найзасидин захм ила изоси чўх.
Бас баҳодирваш эрур, лекин мулойим ҳам эрур,
Ким Навоий кўнглига тушмиш анинг васвоси чўх.

Ана шу ёр ўзи дадил ва қатъий эса-да, муомаласи мулойимдир. Унинг лирик қаҳрамон – шоир кўнглига солган васвоси оз эмас.

[1] Халож – туркий қабилалардан бирининг номи. Бу қабилага мансуб кишилар ҳусндор бўлиб танилган эканлар. – А.Қ.

Шундай қилиб биз ушбу ғазалда ана шу васвосни шоир кўнглига солган дилбарнинг ҳам сифатлари, ҳам кўпчиликка мақбул ва маҳбуб эканлиги, кийган кийимлари, уларнинг ўша дилбарга ярашиб турганини кўрдик. Унинг гарчи дадил ва жасур эса-да мулойимлиги билан ҳам танишдик. Шундай бинойи бир инсонга ошикнинг кўнгил берганига ишонч ҳосил қилдик.

Энди ошиқ кўнгли нима тилайди? Бу саволга жавобни бошқа ғазалдан топамиз. Унда лирик қаҳрамон айриликдан ўлганини ёзади. Лекин у ёрнинг бир бўса инъом этишини кутади ва тилайди. Ўшанда ошиқ ҳажр туфайли ўлган бўлсада, бир бўсадан юз жон топиб ҳаётга қайтажак.

№ 96.

Гар Навоий ҳажридин ўлмиш, вале юз жон,
Топар Лаъли руҳафзосидин бир бўса инъом айлагач.

Ўзбекча-арабча ғазал.

№ 443

Ул кони малоҳатда демон бор эди бир он
Лав танзур фи ҳусниҳи-л-он камо кон.

Ин иҳтариқа жисми мин нори ҳавойиҳ
Куймаслиги хаснинг чақин етганда не имкон.

Ўлгум сусабон ҳажр биёбонида, раҳм эт
Конат шафаҳам айну ҳаёт ана аташон.

Ё қуррату айни жиъ ва-р-ҳам бидумуъи
Ким қилди бу селоб кўзум уйини вайрон.

Эй қонки, кўзумдин оқасен раҳмки ўлгум
Мин жайри дами-л-айни лино ҳосилу айқон.

Лав лом якуни-р-ройиҳати-л-манзили салмо
Юз қатла банд манзилидин кетмиш эди жон.

Ҳар важҳ ила гар ўлса Навоий не ажабким,
Мин кулли вужуҳин суфи важҳика ҳайрон.

Маъноси:

У малоҳат конида ҳуснда унга баробар кела
оладиган йўқ бир гўзал эди.

Жисмим унинг оловида ёниб кул бўлган.
Чақинга дуч келган хаснинг куймасликдан бошқа не чораси бор.

Айрилиқ чўлида сувсаб ўладиганман, раҳм қил.
Мен чанқоқмен, ҳаёт булоғидан мадад қилиб ҳаёт суви бергил.

Кўзим қурраси кел, ақдимга раҳм эт
Бу сел кўзим уйини хароб қилди.

Эй қон, кўзимдан оқасан, раҳм эт, йўқса ўлгумдир
Пайдо бўлган ва аниқ билганим кўзимдан оқаётган қонлар туфайли.
Тинчлик манзили йўли берк бўлмаганида
Бандлик манзилидан юз қатла жон чекиб кетган бўлар эди.

Бу ҳайратли важҳларнинг кўплигидан
Нима бўлса ҳам Навоий ўлса ажаб иш бўлмайди.

Араб ва ўзбек тилларидаги бу ғазал ўзининг тузилиши жиҳатидан форсий тил билан ёзиладиган ширу-шакар ғазаллардан фарқ қилади. Асар форсий тил ва ўзбек тили ўша байтларда бир олдинги ёки иккинчи мисрадагина ишлатилса, бу ғазалда ҳар бир байтда арабий ва ўзбекча мисралар ўрин алмашади, ўзбек тилидаги мисрадан кейин арабча мисра келади. Иккинчи байтда эса биринчи мисра араб тилида, иккинчи мисра ўзбек тилида. Учинчи байтда биринчи байт каби биринчи мисра ўзбек тилида, иккинчи мисра араб тилида. Шу тартиб то ғазалнинг еттинчи байтигача давом этади.

Энди ғазалнинг мазмунига мурожаат қилайлик.

Ғазалдаги асосий масала кони малоҳатда ягона бўлган гўзал ва унинг ишқида ошиқ жисмининг куйиб ёниши. Бундай ёнишни шоир чақиннинг ёндирувчи қудрати қаршисида хаснинг қанчалар ожиз эканига нисбат беради. Бу бадиий муболағанинг энг юқори даражадаги намунасидир.

Айрилиқ бир чўли-биёбон. Унда сувсаб толиққан бир кимса бормоқда. У ғоят чанқаган. Бу бечорага мадад қилиб сув бермоқни сўрайди. Унинг учун ёр қўлидан тегадиган бу сув ҳаёт суви каби бўлажак.

Шундан кейин ошиқнинг кўзидан окаётган кўз ёшлари тўғрисида сўз боради. Бу кўз ёшлар селоби кўз уйини хароб этиб бўлган. Энди кўз мияга ёрдам кўрсатсин.

Ўша кўздан оқаётган қон ёшлар бу биз (ошиқлар) учун ҳосил бўлган, аниқ, қонлар.

Шу билан кўз ёшлари тўғрисидаги сўз тугайди.

Шундан сўнг бандиликдаги жоннинг кетмоғи тўғрисида сўз боради. Агарда салмо (саломатлик) манзилидан эсаётган шамол бўлмаганида аллақачон жон чиқиб кетган бўлар эди.

Навоийнинг, дейди шоир, барча сабаблар ичида сенга боғлиқ сабаб ҳайрон қоларлидир. Шунинг учун бу важҳлардан унинг ўлмоғи ажабланарли эмас.

Ушбу ғазалнинг моҳияти ошиқ кўнглидаги мураккаб туйғуларнинг изҳори. Улар айрилиқ азобини чекаётган ошиқ юрагидаги дардлар. Уларнинг кўриниши кўздан оқаётган қон ёшлар, бандиликдаги жон, унинг мураккаб аҳволи, турли-туман сабаблар, уларнинг ўлимга олиб келиш эҳтимоли.

Ҳар ҳолда бу ишқий ғазал ўз маъноси жиҳатидан бошқа ишқий ғазаллардан кам фарқ қилади. Лекин унинг ўзбек ва араб тилидаги мисралардан ташкил топгани, бу мисраларнинг турлича жойлаштирилуви Навоий маҳоратининг янгича бир кўринишидир,

Навоий девонларида айрим мисралари араб тилида битилган шеърлар кам бўлса ҳам учраб туради. Аммо бундай ширу шакар тарзидаги ўзбекча-арабча ғазалларни биз бошқа жойда учратмадик.

«Фавойид ул-кибар» девонида Навоийнинг тасаввуфга оид, тасаввуф тўғрисида махсус бир ғазали бор.

Тасаввуфга оид масалалар ҳозир жуда кўп одамни қизиқтирмоқда. Унинг таъриф ва тавсифига оид кўп мақола, китоб ва тадқиқотлар яратилмоқда. Бу яхши. Чунки бу таълимотнинг моҳияти чуқур, амалий аҳамияти улкан. Уни билмоқ шарт. Аммо тасаввуфнинг назариясини Навоий талқинида ўрганмоқ ва ташвиқ этмоқ мақсадга мувофиқдир.

Менимча, тасаввуф таълимотини ўзбек тилида, ўзбек китобхонига Навоий сингари содда, тушунарли ва тўла таъриф этмоқ ҳеч кимга насиб бўлмаган.

«Фавойид ул-кибар»даги тасаввуфга оид ғазал матни қуйидагича:

№ 306

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф,
Ки зотида мавжуд эмастур такаллуф.

Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф.

Тасаввуф эмас зуқду тақвою тоат
Ки анда риё йўл топар бетаваққуф.

Эрур маҳз тақвою лекин риёсиз
Убудият сарфу айни талоттуф

Не эл қавлу феълига андин тоадди
Не ҳақ амру наҳйига андин тасарруф.

Ўзин уйла беихтиёр англабон ким,
Не қолиб тараддуд анга, не таассуф.

Қилиб ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин
Навоий муни бил тариқи тасаввуф.

Бу шеърга луғат:
Мусаллам – таслим бўлган; бўйсунган.
Тариқ – йўл;
Такаллуф – хижолатпазлик; зўрма-зўракилик; юзакилик.
Истилоҳот – атама, шарту шароит;
Зуҳд – дунёдан воз кечиш, фақат тоат-тиловат билан шуғулланиш.
Тақво – тийиниш.
Тоат – бўйсуниш.
Риё – мунофиқлик; икки юзламалик.
Бетаваққуф – тўхтовсиз.
Маҳз – тоза, соф.
Убудият – бандалик; тобеълик.
Қавлу феъл – гап-сўз; хатти-ҳаракат.
Талаттуф – меҳрибонлик; лутфу марҳамат.
Тоадди – душманлик; зулм-зўравонлик.

Наҳй – манъ этмоқ.

Тасарруф – эгаллаб олиш; қўлга киритиш.

Тараддуд – иккиланиш; шубҳаланмоқ.

Энди шу луғат ёрдамида тасаввуф тўғрисидаги ғазалнинг мазмуни билан танишайлик.

Агарда бирор киши тасаввуф йўлини эгаллаган, унга ўзини таслим этган бўлса, унинг бу иши ҳеч қандай хижолатпазлик, ёки зўрма-зўракиликка олиб келмайди. Яъни, ҳар бир одам ўз ихтиёри, хоҳиши билан бу йўлни танлай билади.

Тасаввуф унга рози бўлган, яъни уни кабул қилиб унга риоя этадиганлар (ризо ахди)дан яхши хулқ, одоб, юриш-туришни талаб қилади.

Ана шундай яхши ахлоқ унга безак, одат бўлади. Тасаввуф деганда дунё ишларидан воз кечиш (зухд), улардан тийиниб ўзини тортишни (тақво) ёки шундай юриш-туришга бўйсунмоқни тушунмаслик керак. Агарда шундай ишлар рўй берадиган бўлса, унда тўхтовсиз мунофиқлик, икки юзламалик (риё) юзага келади. Тасаввуфда тоат (бўйсуниш) бўлиши мумкин. Лекин у чин кўнгилдан, соф ва тоза бўйсунишдир. Унда риё бўлмайди. Бундай бўйсунмоқ, тобеълик, айни лутф марҳаматнинг ўзгинаси.

Одамларнинг (элнинг) сўзи, хатту ҳаракатига бундай тобеъликдан душманлик содир бўлмайди. Ҳақ томонидан белгиланган топшириқ ва тақиқларга амал қилинади, ўшаларни тўла эгаллаб олинади.

Одам тасаввуф йўлини танлагач, унда шундай беихтиёрлик пайдо бўладики, бу одам учун иккиланиш, шубҳа ёки афсус-пушаймонга ўрин қолмайди. Бу инсон ўзининг покиза, соф вужудини ҳақ вужуди билан қориштириб, бирлаштириб юборади.

Навоий тушунишидаги тасаввуф ана шундан иборат.

Демак, Навоий ўз ғазалида тасаввуфни қандай қабул қилиш, уни қандай амалга оширмоқ тўғрисида ўгитлар, йўл-йўриқлар бермоқда. Тасаввуфнинг зуҳд, тақво ва тоатдан фарқини тушунтирмоқда, унинг табиати соф ва покизалигини, унга риё ва душманликнинг ёт эканини таъкидламоқда.

Бошқа шеърий машқлар. «Фавойид ул-кибар» девонининг охирги бўлаклари Навоийнинг мустазод, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржеъбанд, соқийнома, қитъа, фард шеърларидан иборат.

Мухаммаснинг иккаласи ҳам Навоий қаламига мансуб.

Бир мусаддасни эса Навоий Лутфий ғазалига боғлаган. Девонда бошқа мусаддас йўқ. Бир мусамманда[1] фақат Навоий тахаллуси бор.

«Фавойид ул-кибар» девонидаги «Кўргузуб юз кўнглума юз минг жафому қилмадинг» деб бошланадиган мухаммас олти банддан иборат.

Бу мухаммас да худди айрим ғазаллардаги каби севги, ошиқнинг севги йўлида чекаётган изтироблари; севгили нигорнинг бепарволиги, зулмкорлигидан шикоят бош ўрин эгаллайди.

Даставвал севгучи ўз ёрини кўрди, унинг ишқига мубтало бўлди. Шу билан унинг уқубатли кечмишлари бошланди. Унинг қисмати дарду балолардан иборат. Бу ўтдан кўтарилаётган тутунлар унинг хонумонини барбод қилган.

---

[1] Мухаммас беш мисрадан иборат бандлардан тузилган шеър. Мусаддаснинг ҳар банди етти мисрадан, мусаммаснинг ҳар банди эса саккиз мисрадан иборат бўлади (мухаммас – бешлик; мусаддас – олтилик, мусамман – саккизликни англатади). Булар шоирнинг ўзи томонидан ёзилмоғи, ёки бошқа шоирнинг ё ўзининг ғазалига боғланмоғи мумкин. – А.Қ.

№ 2

Кўргузуб юз, кўнглума юз минг жафому қилмадинг,
Жисм уйидин хаста жонимни жалому қилмадинг.
Хотиримни ишқ ўтиға мубталому қилмадинг,
Ишқ ўтидин қисматим дарду балому қилмадинг.
Дуди бирла хону монимни қарому қилмадинг.

Ғазалда айрим ҳис ва кечинмалар умумий йўсинда, қисқа ва лўнда баён этилади. Унда ўша туйғуларни шарҳ этиш имконияти кам. Мухаммасда эса, аксинча шоир ифода этаётган ҳаяжонли ҳис-туйғулар ўзининг кенгроқ ифодасини топмоғи мумкин. Шеър миқёсининг кенглиги туфайли бу ифодаларнинг шеърий шакли ҳам тўлароқ бўлади; мисралардаги қофиядошлик шеър матосини бойитади, унинг жарангини оширади, шу билан шеър ўқувчи ёки тингловчига ортиқроқ эстетик ва бадиий завқ бахш этади.

Токи кўрдум йўл озиб, кўй ичра сен дилхоҳни,
Қайси ўтқа солмадинг ҳар дам мени гумроҳни.
Этмадингму жонима қотил ғами жонкоҳни,
Куймакимга барки офат қилмадингму оҳни,
Ўлмакимга ашкими сели балому килмадинг.

Мухаммас шу йўсинда давом этади. Унинг ҳар бандида ўша севгучи қалбидаги меҳнату дард ўз ифодасини топа боради.

Шеърнинг охирида шоир кўнгилга мурожаат қилади. Бу севгучи кўнгил дардлар чека-чека гадо бўлди; у аҳли дард орасида подшоҳ даражасига етди, бенаволиқ кўрмагунча ҳеч ким наво топган эмас. Ишқ денгизи билан танишмоқ учун эса унинг кўз ёшлари юм-юм тўкилади. Бу кўз ёшлар бир кўзидан Арас дарёси иккинчи кўзидан эса Амударё каби тўлиб оқади. Чин севгучининг аҳволи, қисмати кўриниши ана шундай. Бу лавҳаларнинг шоирона тасвири билан мухаммас якунланади.

Эй кўнгил, то дарди куйида гадолиқ топмадинг,
Билки, аҳли дард ичинда подшолиғ топмадинг,
Кўрмадим ҳаргиз наво, то бенаволиғ топмадим.
Баҳри ишқ ичра Навоий ошнолиғ топмадим,
То бу бир кўзни Арас, ул бирни Ому қилмадинг.

Девондаги ягона мусаддасни Навоий Лутфий ғазалига боғлаган. Одатда ўзбек шеъриятида мухаммас боғлаш кенг ёйилган. Лекин мусаддас боғлаш фақат Навоийдагина учрайди. Бу тасодифий ҳол эмас. Балки Навоий ижодига хос бир хусусият. Чунки ижоддаги ҳар бир янгилик, уни бойитишга оид кўриниш Навоий шеъриятига, унинг бутун ижодиётига хос экани барчага маълум.

Лутфийнинг ғазали:

Эй қадинг тўбию жаннат ҳадди гулгун устина
Кўрмади даврон сенингдек ой гардун устина

деган байти билан бошланади.

Демак, бу тўбий сингари нозик-ниҳол гўзал қомат эгаси бўлмиш гулгун юзли маҳбуба шунчалар бемисл ҳусндорки, бундай ой чеҳрани ҳали осмонлар кўрган эмас.

Ана шундай маҳбубанинг суврати Навоий томонидан кенгайтирилган тарзда шарҳ этилган.

Унинг қора сочлари худди Қорун[1] хазинасидаги афъи (илон)га ўхшайди.

Бунинг устига бу гўзалнинг кўзлари сеҳргар. Улар ўша хазиналар устига афсун учун ўрнашганлар. Менинг маҳзун жонимга ишқинг дарди тушган, дейди ошиқ. У ўша дилбарнинг мавзун (келишимли) қадди устидаги беҳад чиройли юзини кўргач. Шундан Лутфийнинг хулосаси келиб чиқади.

Мана ўша Лутфий ғазалига Навоийнинг боғлаган мисралари:

Навоий – Дарди кўргач, оразинг ул қадди мавзун устида
Зулфу сиймин жисминг афъи ганжи Қорун устина,
Ганж уза соҳар кўзунг афъиға афсун устина,
Дарди ишқинг улки, қўйди жони маҳзун устина.

Лутфий – Эй қадинг тўбию жаннат ҳадди гулгун устина,
Кўрмади даврон сенингдек ой гардун устина.

Етти банддан иборат бу мусаддас шу йўсинда давом этади. Уларда айтилганки, заиф жисм ўлар ҳолатда эди. У зарофатли шўх ўзининг лаъл янглиғ лабларидан сўнг айтганда бу заиф жисм жон топди. Аммо кўзимга дунё қоронғу, баданим хаста, жоним беҳол. Аммо унинг мавзун қоматига назар солганимда, кўзи, зулфи, лаъл лабларини кўрганимда сўзим нозиклашди, кўнглим хуш бўлди, таъбим латифлик касб этди.

Навоий – Топти жон ҳар дам ўлар ҳолатда бу жисми заиф
Лаълидин жонбахш сўз айтурда ул шўхи зариф
Қилди кўзум тийра, жисмим хастаю жоним наҳиф
Зулфу кўзу лаъли ҳажриға бўла олмай ҳариф

Лутфий – Бўлди сўзум нозуку кўнглим хушу табъим латиф
Ҳар қачон солдим назар ул шакли мавзун устина.

Навоийнинг Лутфий ғазалига боғлаган мусаддасидаги охирги байт нисбий тушунчаларга бой. Унда кўз ёши селобидан тўлиб тошган дарё ва баҳрлар тўғрисида сўз боради.

Чеккан азоб-уқубатлар туфайли ошиқ кўзидан оққан ёшлар бир денгизга ўхшаб кетди. Бу кўзлар туфайли кўз денгиздаги кема деган лақаб олди. Эй, нўшлаб, деб хитоб қилади ошиқ ўз нигорига, сен унинг кўзида ўрнашиб қолгансан, бу кемага хурсандлик, айшу тараб учун кирмоқ керак.

Шоирнинг лирик қаҳрамони эса дейдики, Лутфий кўзида ватан тутмадинг. Албатта, Жайҳун дарёсида уй қурмоқ мумкин бўларми эди.

Чун Навоий ашки баҳр ўлди чекиб ранжу тааб
Кемаликдин кўзлари ул баҳр аро топти лақаб
Кўзида тонг йўқ, агар туттунг мақом, эй нўшлаб
Чун кирар эл кемага қилмоқ учун айшу тараб,

[1] Қари бир метр чамасидаги ўлчов бирлиги.

Гар ватан Лутфий кўзида тутмадинг, йўқтур ажаб
Уй қўпормоғлиғ эрур душвор Жайҳун устина.

Шундай қилиб, Лутфий ва Навоий бир мавзуда сўз юритадилар. Ошиқнинг кўзидан оқаётган ёшлар кўплиги туфайли Жайҳун (Амударё) сингари катта бир дарёни ташкил этди. Ёр эса Лутфий кўзида ватан тутмаган. Дарё устида уй қуриб бўлмаслиги аниқ-ку, ахир.

Навоий эса бу мавзуни ўзгача баён қилади. Унинг шеърида бу кўз ёшлари денгизи орасида ошиқ кўзи худди ўша сузиб юрган кемага ўхшайди. Ёр образи эса ўша кемада ўрнашган. Кемага одамлар хурсандлик қилмоқ учун келадилар.

Демак, ёр образи ана шу кемада шодлик ва тараб қилмоғи мумкин.

Ҳар ҳолда ҳар иккала шоир денгиз ва кема, Жайҳун дарёси ва унинг устида уй қуриб бўлмаслиги орқали ошиқнинг ўз севикли маҳбубасига бўлган ишқи ва у билан учрашувга интизорлигини тасвир этмоқдалар. Кўздан оқаётган ёшларнинг мўл-кўллиги ҳам шу дарё сингари.

Мусамман. Навоийнинг бу шеърида шоирнинг кўнглига мурожаати бор. Шеър бошдан оёқ ана шу мурожаатнинг баёнидан иборат.

Бу шеърни ҳатто сюжетли шеър демоқ ҳам мумкин. Унинг мундарижаси бундай: Ёр сафарга отланган. Аммо у ўз ошиғини ўзига ҳамсафар қилмайди, уни қолдириб кетмоқда. Ошиқ ўз кўнглига («эй кўнгул») шундан шикоят қилади. Бу сафар туфайли ёрдан узоқлашуви, бу фироқнинг эса унга (ошиққа) оғир ва машаққатли бўлажагини айтади. Сен, дейди ошиқ кўнгулга, уни севдинг, мен у билан улфат бўлдим, уни тамошо эта кундан кунга ҳайратим ортди. Энди эса унинг фурқатига мубтало бўлмоқдаман.

Аммо бундай айрилиқнинг юз бермоғига ошиқнинг ўзи ҳам сабабчи. Чунки унинг «заъф ичра кўптур шиддати, йўқ турарға тоқату муҳлиқдир онсиз меҳнати, не борурға қувватию, не турурға тоқати» бор. Ҳар ҳолда ёр сафарга жўнар экан, ошиқ айрилиқ дардига гирифтор бўлади. Фақат у кўнгилдан сўрайдики, зинҳор ёрдан узилмасин.

Эй кўнгул сен севдинг ул ойнию бўлди улфатим,
Ким тамошосиға кундан кунга ошти ҳайратим.

Ул борур эмдию ўртар жонни доғи ҳасратим,
Шуъла гардунға чекар ҳар лаҳза сўзи фурқатим.

Гар десам ҳамроҳ борай, заъф ичра кўптур шиддатим,
Йўқ турарға тоқату муҳликтур онсиз меҳнатим.

Не борурға қувватим бор, не турарға тоқатим,
Бизни бу ҳолатқа сен қилдинг гирифтор, эй кўнгул.

Ёр чун айлаб сафар паймону аҳдин синдурур,
Минг алам юз захмлиқ жонимға ҳар дам еткурур.

Гар десам ҳамроҳ борай, таъбида шиддат билгурур,
Бормасам ҳажри бало ўқи танимға ёғдурур.

Ҳар бирида бир судбатдурки, жонни куйдурур,
Бормоғим йўқ мумкину турсам, фироқи ўлтурур.

Бора хул олмон, туруб ҳам, чун тирилгум йўқтурур,
Бас видоъинг қилдим андин қолма зинҳор, эй кўнгул.

Мусаммандан кўриниб турибдики, лирик қаҳрамонининг юрагида дардлари кўп. Шунинг учун шоир айни ана шу шеърий шаклни танлаган.

Еттита саккизликдан иборат бу шеърда ана шу оғир, аламли кечинмалар ўз изҳорини топа боради. Мусамман бандларида ошиқ ўзининг ёрга садоқати, унга фидокорлигини, ёрнинг итлари қаторида «кеча тонг отгуча қилсанг посбонлик ихтиёр» дея изҳор қилади. Ёр даргоҳини қанчалик қадрлашини бирма-бир билдиради.

Ниҳоят, ёр даргоҳида бир чеккада жойлашиб, базм пайтида эл маст бўлмасидан олдин Навоийнинг дардларини унга етказмоқни кўнгилдан илтижо қилади.

Албатта, кўнгил ошиқдан айри эмас. Бу ерда шоирона тушунчада, гўё кўнгил алоҳида бир образ сифатида берилмоқда. Лекин у ошиқ кўнгил. Шунинг учун унга юклатилаётган вазифа айнан ошиқнинг ўзи қиладиган хатти-ҳаракатдир.

Мусамманинг охирги мисралари бундай:

Боргоҳи айшида бир гўшада тутсанг ўрун
Жаннат ойин базмиға эл маст бўлмасдан бурун

Илтимосим будурурким, барча элдин ёшурун
Қилғасен мискин Навоий дардин изҳор, эй кўнгул.

Ушбу мусамманнинг мазмунини биз қисқача баён ва шарҳ этдик. Аммо гўзал шеърда шунчалар чуқур маънолар, бадиият, дардлар, туғёнлар ўз аксини топганким, унинг мукаммал талқини бир достон бўлгудекдир.

Мустазод. «Фавойид ул-кибар»нинг иккинчи бўлаги, яъни ғазаллардан кейин келтирилган шеър жойлаштирилган қисми бир мустазод билан бошланади. Мустазод ҳам ғазалга ўхшаш. Аммо у кенгайтирилган ва чўзиқ мисралардан иборат. Шунинг учун унинг ҳар мисраси узун ва қисқа икки бўлакдан иборат бўлади. Ўқишда ҳам ана шу бўлаклар алоҳида ўқилади. Қофия тартиби ғазалдагидек. Байтлар сони ҳам ғазалдаги сингари. Фақат мустазодда узун ва қисқа мисралар бирлаштирилган деб қаралади. Шунинг учун қофияланиш асосан тўртинчи бўлак орқали амалга ошади. Лекин узун ва қисқа мисралар ҳам ўзаро алоҳида қофияланади.

Навоийнинг ушбу девондаги мустазоди қуйидаги мисралар билан бошланган:

Бордим бу сафар дайри фано сари уруб гом махмури шабона,
Тортар эди ҳар лаҳза сабуҳ аҳли ичиб жом ноқуси муғона.

Ана шу байтдаги мисраларнинг ҳар иккаласи узун ва қисқа мисралардан иборат. Улардан кейинги байтлар ҳам худди шундай. Қофияланиш тартиби эса бундай: а–б (1, 2) – уруб гом, шабона; а–б (3, 4) ичиб жом, муғона.

Мустазод тўлқинли, ҳаяжонли туйғулар изҳори учун хосроқдир.

Бу мустазодни сюжетли шеър деб атасак ҳам бўлади.

Унда лирик қаҳрамон «Бордим бу саҳар дайри фано сори уруб гом махмури шабона. Тортар эди ҳар лаҳза сабуҳ аҳли ичиб жом ноқуси муғона» деб сўз бошлайди.

Яъни, у дайри фано сари хумор ҳолда етиб борди. У ерда сабуҳ аҳли (ичувчилар) жом кўтарар ва муғлар каби ноқус эдилар.

Энди ана шу базм, дайри фанодаги ичиш маросими тўғрисида сўз кетади. Бу ердагилар шу базмда иштирок этмоқ учун келгандирлар. Дайр ўзи бир харобот, у ерда махмурлар бор. Улар ўша сабуҳ аҳли билан бодай гулфом ичмоқ учун бу ерда йиғилганлар.

Базм ўртасида пири хароботқа маскан, лекин анга соқий
Бир муғбача, не муғбачаким, офати ислом ошуби замона.

Демак, бу базмга безак бўлган пири хароботга яқин, ўнта май тутувчи бир муғбача бор. У одамни исломдан чиқаргучи даражада мафтункор («офати ислом»).

Шундан сўнг ўша муғбачанинг тавсифи бошланади. У қаерга қараса одамларда унга ишқ яратган ҳасрат ўтини туташтиради, у севгининг оловли маскани («оташкадаи ишқ»). Унинг тутган май тўла жомлари юз шуъла чиқариб жонларни асиру банди қиладилар.

Базм тасвири шу йўсинда давом этади. Бир неча чолғучилар дилкаш наволарни чалмоқдалар. Лекин уларнинг ҳаммаси тарсолар (ғайри динлар). Уларнинг чалган машқлари эл кўнглига ором етказади.

Базм ичра неким, турфа муғанний бари дилкаш
Ҳам нағмалари олибон эл кўнглидин ором ҳам чангу чағона.

Ана шундай базмда майхўрлик авж олган, яна чолғучилар дилкаш наволар билан эл кўнглига ором бахш этиб уни элтиб қолаётган бир муҳитга тушган бизнинг лирик қаҳрамонимиз бир жом майни кўтарди-ю шу билан май-ю беҳуш бўлди.

Мен телбани бир жом била айладилар маст не мастки, беҳуш
Андин бери бўлдум бу куҳан дайрда бадном ишқ ичра фасона.

Бу шароитда муғбача соқий гўзаллигига маҳлиё бўлган, чолғучиларнинг чалган куйлари фирибига берилган, май тўла жомни сибқорган бечора лирик қаҳрамонимиз шундан бери ишқ ичра афсона бўлиб бадном бўлиб кетди.

Модомики, иш шу ергача етган экан, деб ёзади Навоий, вараъ (тортинчоқлик, ҳушёрлик) дан сўз оча кўрма, ошиқ деб атасалар ун бер (ҳа дегин), агарда май тутсалар дарҳол уни нўш этгин, ичмасликка баҳона қидириб овора бўлма.

Иш етти чу бу ерга Навоий яна зинҳор дам урма вараъдин
Ошиқ десалар, ун беру май тутсалар ол ком, кўп қилма баҳона.

Шундай қилиб, бу мустазодда Навоий дайр, харобот пири, муғбача, муғаннийлар (чолғучилар) ва улар чалган наволар тўғрисида ҳикоя қилади.

Эрта саҳарда бу масканга келган, кечаси билан майга махмур бўлиб чиққан кексанинг ўша сабуҳ аҳли билан гул рангидаги бодани ичмоқ учун келган майхўр образини яратади. Унга бу ишратгоҳдаги шароит ва кайфият ғоят ёқиб тушди. Шунинг учун у бир жом май билан маст бўлиб беҳуш йиқилади.

Энди бу нарса одатга айланиб қолади, у ошиқ бўлган, май қуйилган жомни бўшатмоққа тайёр. Бу ерда ўша майхўрнинг ошиқлиги соқийлик қилаётган муғбачанинг гўзаллиги. У ишқ оловини ёқучи оташкада, унинг шуълалари барча юракларга ишқ ўти солади.

Демак, ушбу мустазодда биз майхона ва у ерда юз бераётган ҳолатларни кўрмоқдамиз. Бу одатдаги бир дайри фано (Ўткинчи дунёнинг майхонаси). Аммо мустазоддаги икки кўринишга диққат қилайлик.

Айтилган муғбача «не муғбачаким офати ислом, ошуби замона.

Яъни, у ўз гўзаллиги билан исломга мансубларни ўз қўлига ўтқазувчи, шу билан исломга «офат» етказувчи бир гўзал. Энди бу майхонада чолғу чалаётганлар ҳаммаси дилкашлар, «лекин бари тарсо».

Лирик қаҳрамонимиз ана шуларга берилиб май ичади, ошиқ бўлади, шундай бўлмасликка баҳона қидириб ҳам ўлтирмайди.

Навоийни билган ҳар бир ўқувчи бу анжуманнинг сўфиёна кайфиятдаги, «майхўрлар макони» эканини биладилар. Бизнинг ҳам бу фикрга эътирозимиз йўқ.

Аммо шоир саҳардан шу даргоҳга интилган майхўрнинг бу ердаги хуш кайфиятдан масту беҳуш бўлганини ёзар экан, бу дайрнинг дунёвий майхона, майхўрлар, ошиқлар маскани қилиб ҳам кўрсатувига шоҳид бўламиз. Улуғ шоирона даҳо ушбу мустазодни ҳар бир қавм ва аҳл ўз билганича талқин қилмоғига имкон бергандай бўлади, шеърнинг адабий ва ғоявий мазмуни эса кенгаяди.

Таржеъбанд. «Фавойид ул-кибар» девонидаги таржеъбанднинг ҳар бир банди ўн бир байтдан иборат. Ўнинчи байтдан кейин

Яна муғ дайрига кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст.

деган икки мисра нақарот сифатида такрорланади. Ушбу таржеъбанд жамеъ ўн банддан ташкил топган. Биринчи банднинг мазмуни бундай: Мен хароботда ишим доимо қуйқа май ичиб айш қилмоқ эди. Куфр йўлига ўтган деб аҳли ислом мени савмаъанинг бир бурчига келтириб қўйдилар. Улар мени риёли шайх олдида хор этдилар. Шайхдан ҳеч қандай фойда бўлмади. Мен ринд сифатида фано касбига йўналган эдим.

Май кўзгусида оразининг аксини кўрмоқ, ўша акс кўринган кўзгудан кўзимни узмасликни тилар эдим.

Мени зўрлик билан ўша майкададин узиб тавба қилдириб тортиб олдилар, кўп зулм қилдилар. Кўп оғирликлар бошимга тушди, нозу неъматлар менга ҳаром бўлди.

Бари бир хонақоҳда яширин май ича бердим ва ниҳоят дайр (майхона) сари қочиб кетдим.

Яна муғ дайрида (майхонасида) маст бўлдим. Эй бодага берилган муғбача, менга май тутабер.

Бу банд икки масалани ёритади. Биринчиси риндлар йиғиладиган жой. Бу ерни шоир майкада (майхона) деб атайди. Бу ерда ринд май кўзгусида ёр образининг инъикосини кўради. Ундан кўз узмайди. Шу билан ринд мастлик қилади, фано касбига интилади. Риндлар мақсади ва маскани ана шу ер, шу ердаги муғбача – соқийи маҳваш улар хизматида. Риндлар унинг қўлидан «май қуёшини тўла айлаб жом» тутиб туради. Бу соф маънода тасаввуфий майхона, бу май ёр жамоли акс этаётган кўзгу сингари жом билан нўш этилади.

Аммо бундай базмдан бехабарлар (шоир уларни ислом аҳли деб атаган) бу риндона кайфиятдаги шахсни куфрга ўтган деб билиб, уни бу майхонадан олиб кетдилар ва ўзларининг шайхлари олдига келтирдилар. Уни савмаъа (ибодатхона) бурчига ташладилар. Аммо шоирнинг ёзишича,

Шайхдин етмади нафиъ иршод
Хилват ичра доғи юзланмади ком.

Шайхдан бирор фойда келтирувчи йўл-йўриқ чиқмади. Бу ерда ўша ринд дейди:

Муддате ранжу риёзат чекдим,
Қилиб ўзимга танаъумни ҳиром.

Бир неча фурсат ринд бу ерда озор ва машаққатлар кўрди, унга бирор хурсандлик, кўнгил тўлмоғи муяссар бўлмади.

Энди бирдан-бир мақсад бу ранжу риёзатлардан қутулмоқ эди. Ринд дейди:

Хонақоҳда ёшурун бода ичиб,
Айладим дайр сари маст хиром.

Шу билан бечора инсоннинг бошига тушган кулфатлар тугади. У яна қайтиб келиб муғ дайрида ором топди.

Яна муғ дайрига кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст.

Шундай қилиб, мустазодда бўлгани каби таржеъбанднинг бошланиш қисми ўша риндлар майкадасининг жозибаси, инсон табиатига мойиллиги ва мослашгани кўрсатилади. Унга қарама-қарши қўйилган савмаъанинг шайхи риёкор, алдамчи ва фирибгардир. Бу ерда киши ҳеч қандай нафъ топмайди, фақат ранжу риёзат чекади.

Бу шеърда соф тасаввуф ва зуҳд ўртасидаги қарама-қаршилик ўз аниқ ифодасини топган. Навоий тўласича хонақоҳга қарши турган муғ дайрини улуғлайди.

Таржеъбанднинг иккинчи банди ҳусни жаҳонга оро берувчи рухларни кўтарувчи, қадди раъно, сочларидан хушбўй ҳидлар таралаётган, икки лаби худди қадаҳ тутаётган каби кўринувчи гўзалнинг таърифи билан бошланади. Ошиқнинг ишқи шунга тушган, аммо висол умиди амалга ошмайди.

Шоир бу таърифларга якун ясаб ёзади:

Тоату тақво ила бўлмади кам
Ишқ ошуби мени шайдодин.

Ҳушсиз бўлди кўнгил жилва чоғи
Ул ики орази маҳ сиймодин.

Дину имонима офат етди
Бир бути ишвагари тарсодин.

Ана шундай гўзалнинг ишқи ошиқни шайдо қилди. Ҳатто зуҳд ҳам, кеча-кундуз ҳақ ёдини қилмоқ ҳам уни бу муҳаббатдан қайтаролмайди.

Зуҳд туттум унутқаймен ани
Кеча-кундуз қилибон Ҳақ ёдин.

Ана шулардан ҳам ёрини унута олмаган ошиқ яна дайрга юзланади ва муғбачаю бодапарастдан май сўрайди.

Таржеъбанднинг учинчи бўлимида ошиқнинг саргашта аҳволи ўз тасвирини топган. Унинг кўнгли дардга тўла. Айрилиқ туфайли жони ғам билан чулғанган.

Ишқдин кўнглум эрур дард олуд
Ҳажрдин жоним эрур ғам фарсуд.

Ошиқ шунчалар изтироб чекадики, унга бутун оламда бор йўқ – унинг учун бефарқ. У фарёд қилиб дейдики, менинг олам аҳлига мақбул эканимдан нима фойда, агар сен рад қилган бўлсанг. Ошиқ шунчалар аламзададирки, у ишқда кофир бўлиб майхонага киради· Бут қаршисида мастона сажда қилади. Бодадан роҳат топади. Ҳатто, унинг айтишича, осмон айланаётгани йўқ, балки ўша ойга бўлган муҳаббатининг дардларидан бутун атроф тўлиб кетган.

Тақво йўли васл иқболига бошламади, муни билган муғбача ошиққа бода тутдию уни дайр сари олиб кетди.

Тўртинчи бўлим майкадада шод ўтган фурсатни тасвирлайди. Шундан сўнг ошиқ, шоирнинг «мен»и дейдики, «сайр бўлди бири оламда ишим, аёғим остида тай бўлди билод». Яъни не-не шаҳарларни у кезмади. Бари бу бир хил ҳолатни кўрди. Унга учраганлар ҳам фарёд чекар эдилар.

Ҳар неча саъйин кўпроқ қилдим
Топмади ҳеч ишим ойини кушод.

Бешинчи бўлим эса ёр гўзаллигининг тасвири билан бошланади. Унинг юзи олимнинг баҳорий боғига монанд. Бу юздаги терлар гул устидаги шабнам сингари. Кўп боғдаги гуллар бу чеҳра гули учун қулдирлар. Унинг қошига ўхшаш бирор янги ой оламда кам бўлади. Оғзи йўқдек. Шу ёр билан ошиқ кўришди. Улар суҳбатлаша бошладилар. Аммо «Чун чиқишмай суҳбатимиз, Ул ҳарамга қадам урди, мен ҳам».

Шундан сўнг ошиқ дайри фанода оламга ишкидан алам етгани тўғрисида сўзлайди.

Сўнг яна муғ дайрига у сармаст ҳолда кириб келади.
Олтинчи бўлимда ўша гўзал ёр тавсифи давом этади.

Эй бути сарф қаду, гулрухсор
Ғунчанг айтур чоғи ширин гуфтор.

Майи гулгун юзунга шуъла сочиб
Ул гулунгни бу гулунг айлаб гулнор.

Оразинг кўнглума очти юз гул
Кирпикинг бағрима тикти минг хор.

Ҳар нафас лаъли лабинг нукта била
Исо эъжозини айлаб изҳор.

Ана шундай тавсифлардан сўнг шоир катор тарихий ва афсонавий шахслар билан боғлиқ равишда бу ишқ савдосининг кучи, қудратини баён қилмоққа ўтади.

Шайх Санъон бу ишқда дин тарки қилди, зуҳду тақводан бош тортди. У тарсо шунчалар ҳаётбахшдирки, унинг қаршисида Масиҳо дам ура олмай қолади.

Габр (оташпараст) эгнига палос ёпиниб, хунту хираддан узоқлашади. Буту тарсо гўзалига сажда қилиб мусҳафни куйдиради, белига зуннор боғлайди, киши.

Шу аҳволда қаҳрамон яна муғ дайрига киради.

Шайх Санъон каби дин тарки қилиб,
Зуҳду тақводин этиб истиғфор.

Ул не тарсоки, Масиҳоға эрур
Оллида дам ура олмоқ душвор.

Габрки шол солиб эгнимга
Бўлубон ҳушу хираддин безор.

Буту тарсо қошида сажда қилиб,
Куйдуруб мусҳафу боғлаб зуннор.

Бу жуда кучли ифодалар орқали шоир ўша мусҳаф, дин ва тақводорликни рад этаётгани йўқ. Булар ҳаммаси адабий муболағалар, бадиий тасвир воситалари. Аммо шундай ифодалар орқали шарқ адабиётида бирор фикрни қатъий тасдиқлов одат бўлган. Навоий ҳам шу анъанага риоя этмоқда. Зинҳор бу мисраларни ўқиган одам шоир даҳрийликни кўрсатмоқда деган хулосага келмасин. Бу катта хатодир. Шоир ўз ишқи, шу ишқдаги фидойилик тимсоли бўлмиш лирик қаҳрамонининг юрагини тўлдирган тўлқинли ҳисларни кўрсатмоқда.

Шарқ мумтоз адабиётининг улуғ намояндаларидан бир инсон кўнглининг нақадар азиз ва мўътабар эканини таъкидламоқ мақсадида ўз ўқувчисига бундай чақириқ билан мурожаат қилган эди:

Май бихўр, зуннор дор, мусхаф бисўз
Сокини майхона бошу мардум озори мабош!

Маъноси:

Майли май ичгин, бут осгин, мусхафни куйдир
Майхонада тинмай ичиб ўлтир,
Лекин одамларга озор етказма.

Тарсо қизига кўнгил бериб дин, зуҳду тақво йўлидан воз кечган Шайх Санъон ҳикояси Шарқ адабиётида катта ўрин тутгани ҳаммага маълум.

Бу ерда Навоий ҳам ўшалар каби Шайх Санъон, Масиҳо, габр, тарсо образлари орқали ишқ савдойиларини улуғламоқда.

Еттинчи бўлимда шоир ўз севгиси таърифини берган.

Улки бир ой каби рухсора анга,
Бўлмишам бедилу бечора анга.

Куйига борди кўнгул, то неткай,
Яна ул шўхи ситамкора анга.

Ана шундай гўзалдан айриликда бўлган ошиқ пора-пора бўлиб кетган яна «юз туман минг яра ҳар пора анга».

Бундан фақат баҳри фано (йўқлиқ денгизида) ғарқ бўлиб кетмоққина қутқармоғи мумкин холос.

Шоир бу дардлар изҳоридан сўнг «жуз маю дайри фано чора анга» дея хулоса қилади ва муғ дайрига сармаст чекинади.

Саккизинчи бўлимда «Яна муғ дайрида масту бебок, кезарам бош ялангу хирқам чок» деб ўша ошиқ, телба, девонавашнинг аҳволи тўла кўрсатилган. Агар у савмаъада хуморликдан ҳалок бўлмоғи мумкин. Хонақоҳда эса фақат хокни кўради.

Шу йўсинда муғ дайридаги ошиқ учун хонақоҳ ва совмаъа бефойда экани айтилади. Навоий бу ерда чин ошиқларнинг зуҳд тақво ва зоҳидлар билан асло бир бўла олмасликларини тасвирлайди.

Тўққизинчи бўлимда ошиқ ўзининг дайр, бу макону заминнинг садоқатли одами эканлигини таъкидлайди. Ундан ташқарида бу ошиқ ҳузур ҳаловат топа олмайди ва топа олмаяжак.

Дайрдин маст чиқиб май тиладим
Кимсадин етмади бир жоми ҳузур.

Яна май дайриға кирдим сармаст
Май тут, эй муғбачаи бодапараст.

Ўнинчи бўлим дайр, уни тўлдирган риндлар тасвирига бағишланган.

Дайр эшигида эди базми ғариб
Риндлар барчаси масти майи ноб.

Бу ўша риндларнинг бетоблиги, бу уларнинг табиати, бор-йўғи. Ана май, унинг хумори билан яшайдилар барча риндлар.

Ки эй хумор илгида ринди ожиз
Сени махмурлиғ этмиш бетоб.

Таржеъбанднинг бу охирги бўлими яна ошиқнинг муғ дайрига сармаст кириб бормоғи ва бодапараст муғбачага май сўраб қилган мурожаати билан якунланади.

Ташқи кўринишда майхона ва унга интилувчи махмур тилидан айтилган гаплар, махмурнинг ўз қилмишлари тўғрисидаги ҳикоясидан иборат таржеъбанд моҳияти албатта бундай содда шаклдан жуда узоқ. Унда ҳақиқий ишқ майига махмур риндларнинг кайфияти, ҳолати, ҳаётда нималарни устун қўймоғи кўрсатилмоқда. Албатта бу ерда айтилмоқда бўлган дайр, дайр пири, муғбача ва ҳоказо ҳаммаси тимсолий аҳамиятга эга. Юқорида айтиб ўтилганидек, улар ҳақиқат образлари, шу ҳақиқатнинг афзалиятини билдирадилар.

Навоий таржеъбандда ҳақиқат йўлида изчил борувчи, турувчи қойим шахслар, уларнинг қарашлари ифодаси орқали зуҳд, тақво, хонақоҳ каби риё масканлари ва уларнинг шайхларини, бу шахсларнинг қилғуликларини рад этмоқда, риндлар дунёсининг маънавий устунлигини баён қилмоқда.

Мен, Азиз Қаюмов, 1964 йилдан то 1974 йил бошигача, деярли 10 йил Ўзбекистон Министрлар Советининг Киноматография давлат комитетига раис бўлиб ишлаганман. Бу иш кўп серташвиш, ғалвали, чек-чегарасиз эди. Гарчи ижтимоий мавқеъ холи, баланд, маош ва хизмат учун шароит хам ёмон бўлмаса-да, бу хизматга менинг раъй ва муҳаббатим йўқ эди. Аммо «Амр муқаддам дар адаб» («Одобда амр олдин туради»). Менга юқори идорадан амр бўлдики, шу ишни ижро этажакмен. Хизмат одобига кўра мен қабул қилдим, қўлимдан келганича анча фурсат шу вазифани адо этдим. Бу хизмат адосининг қандай бўлгани тўғрисида бирор сўз дейишим ортиқча. Буни билганлар айтишар. Лекин шу фурсат давомида икки мартаба «Ҳурмат белгиси» ордени, бир мартаба Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи, бир мартаба Белоруссия Республикаси Олий Советининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланганим бор. Яна «СССР кинематография аълочиси» деган унвон ва нишон ҳам берилган. Бу тўғрида гапни шу ерда тўхтатайину мақсадга кўчай.

Тошкент ёзининг кўркам ва иссиқ кунларидан бири. Эрталаб Навоий 30 адресли катта, тўрт қаватли иморатнинг биринчи қаватида жойлашган Кинематография давлат комитетининг идорасига ишга келдим. Хизмат хонасига кириб жойлашгач, озгина вақт ўтар-ўтмас эшикдан қуюқ салом бериб бир йигитча кириб келди. Мен алик қайтариб уни ўлтирмоққа таклиф қилдим. Ўлтирди. Сўнг юмшоқ овоз билан назокатли одоб сақлаганча сўз бошлади:

– Муҳтарам Расулов домулла сизга мана бу мактубни бериб юбордилар.

Мен сал хавотир тортдим. Муҳтарам домулла Абдуфаттоҳ Расулов билан мен ЎзРФА Шарқшунослик институтида бирга ишлаганман. Биз у ерда ишлаётган, эндигина Университетни битириб чиққан ёшлар бу мўътабар олимни жуда ҳурмат қилар, кўп масалаларда у кишидан илмий кўмак ва маслаҳатлар олар эдик. А.Расулов домулла ҳам бизга нафақат ўз шогирдлари, балки ўз фарзандларидек муҳаббат билан қарар ва ҳар доим илмий ишларимизга ёрдамлашар ва мамнуният билан илмий фаолиятда ҳамкорлик қилар эдилар.

Йиллар ўтиб мен бошқа ишларга ўтиб кетган бўлсамда, А.Расуловдек улуғ олим билан ҳурматли муносабатларни сақлаганман, ҳозир ҳам унинг оромгоҳи нурга тўлсин деб тилаклар изҳор этаман.

Менинг хавотирлигимнинг сабаби шунда эдики, ўша вақт Ўзбекистон ОЎЮларига қабул кетаётган пайт. Бу йигитчага бирор ОЎЮга кирмоққа ёрдам кўрсатгин, деган мактуб эмасмикин деб ўйладим. Агар шундай бўладиган бўлса, мен уни бажара олмасман, деган андиша кўнглимда уйғонган эди.

Секин конвертни очиб ундаги мактубни олдим. Қоғозда араб ёзувидаги домулланинг муборак ва менга ғоят таниш почерклари дарҳол кўзимга ташланди. Уни ўқий бошладим. Хатни ўқиган сари кўнглим тинчиб, руҳим кўтарила бошлади. Ўқиб бўлгач, ҳалиги йигитчага кўп миннатдорлик изҳор этдим, домуллага мендан кўпдан-кўп салом етказмоқни сўрадим.

Бу вақтда А.Расулов домулла бемор бўлиб уйда ётиб қолган эдилар. У кишига соғлиқ-саломатлик тилашимни билдирмоғини йигитчадан илтимос қилдим.

Хат келтирган ёш одам мен билан хайрлашиб хонадан чиқиб кетди. Хатни ўқиб чиққанимдан сўнг, ундан таъсирланиб, анча вақтгача хушҳол ўлтирдим. Бу конвертни иш столимнинг кўзга ташланиб турган жойига қўйдим. Узоқ вақтларгача ишга келганимда иш кунининг бошланишидан олдин ўша хатни ўқиб чиқар, сўнг ишга киришар эдим.

Ўша хатнинг мазмуни бундай эди: Абдуфаттоҳ Расулов домулла салом изҳоридан сўнг менга хизматда муваффақиятлар ва соғлиқ-саломатлик тилаганлар, бир-икки ҳаётий ўгитлар ёзганлар. Шу гаплар сўнгида Навоийдан икки байт келтирганлар.

Чу бўлар бўлди ўзингни хуш тут
Ҳар баҳона била кўнглунгни овут.

Бир нафас айшдин бўлма ғофил
Ки, жаҳон мулки эрур беҳосил.

Шундан сўнг у киши ёзибдиларки, сен Беруний тўғрисида бир асар ёзмоқдасан деб эшитдим. Шунда фойдаланиш мумкин бўлган китоблар рўйхатини юбормоқдаман. Хатга Беруний тўғрисида маълумот бор қўлёзма китоблар ва уларнинг шу саҳифалари бирма-бир ёзилган эди.

А.Расулов Навоийдан кўчириб менга юборган шеърий парча Навоийнинг «Соқийномаси»дандир. Бундан деярли 40 йил бурун қўлимга теккан ўша шеърий ўгитларни ҳозир «Фавойид ул-кибар» дан ўқиб ўлтирар эканман, ўшанда А.Расулов домулланинг кўрсатган ғамхўрликларини эсламай иложим йўқдир.

Навоийнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир мисраси авлодлар учун нақадар қимматли бўлганини кўрсатиш мақсадида шу лавҳани келтирмоқдаман. Келгуси авлодлар учун Расулов домулланинг бу ишлари ўрнак бўлар деган умидим бор.

Соқийнома. Сарлавҳадан ҳам кўриниб турибдики, бундай шеър соқийга мурожаатдан иборат. Аммо шуни кўзда тутмоқ лозимки, Навоийнинг кўп асарларида соқийга мурожаат учраб туради. «Соқийнома» матни билан яқинроқ танишган киши бу сарлавҳанинг асос моҳиятини эмас, балки бу узун ва чуқур мазмунли шеърдаги лирик чекинишларга тааллуқли эканини дарров пайқайди.

«Фавойид ул-кибар» девонидаги «Соқийнома» 32 бўлимдан иборат. Бўлимларнинг ҳажми турлича. Масалан биринчи бўлим 31 байтдан ташкил топган бўлса, иккинчи бўлим 13 байтдан иборат ва ҳоказо. Аммо «Соқийнома»нинг мазмуни Навоий мансуб бўлган муҳит, ундаги ижтимоий кайфият, айрим Навоийнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган зотлар, Навоийнинг ўз шахсий ҳаётига оид лавҳалар, Навоийнинг ўй ва фикрларининг баёнидир.

«Соқийнома», албатта, бевосита соқийга қарата айтилган сўзлар билан бошланади.

Соқиё тут қадаҳи шоҳона
Қатраси лаъл вале якдона.

Модомики, биринчи байтда шоҳона қадаҳ тўғрисида сўз борар экан, «Соқийнома»нинг биринчи бўлими Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлангани маълум бўлади. Шоҳ бу майни Хизр суви каби ютсин. Шоир шоҳга фалакнинг ўзгариб бориши, не-не номдор ҳукмронларнинг дунёдан ўтиб кетганларини эслатади, сўнгра уни мамлакат аҳлига адолатпарвар бўлмоққа чақиради.

Мулку кишвар элига дод айла,
Адл ила иккисин обод айла

Тангри ёди чу санга бўлди ҳисор,
Дод ила адл улус бирла шиор.

Ана шу ўгитлардан кейин «Лавҳа»да келтирганим байтлар келади. Навоий султонга маслаҳат бериб дейди:

Чу бўлар бўлди ўзингни хуш тут,
Ҳар баҳона била кўнглунгни овут.

Бир нафас айшдин бўлма ғофил,
Ки, жаҳон мулки эрур беҳосил.

Бўлмағил ҳеч нафас ғафлат ила
Адл қил, йўқ эса бўл ишрат ила.

Элга сендин чу етар осойиш,
Тенгридин айла таъма бахшойиш.

Иккинчи бўлим бир марҳум шаҳзодага бағишланган. Навоий уни «Хамса» да тилга олганини айтади.

«Хамса» ичраки, анга ҳар бир ҳарф,
Баҳр эрур, зимнида юз дурри шигарф

Шаҳзода уларнинг ҳаммасини хотирида тутар эди. Учинчи бўлимда Навоий Ҳусайний номини яна тилга олади. Уни таърифлаб: «Ҳам Ҳусайний сўзидан ранги ғариб, ҳам ғариби дамидин байти ажаб» деб ёзади.

Тўртинчи бўлимда хилофат курратул айни бўлмиш шаҳзода Музаффар ҳақида сўз кетади. Охирги байтда сўз ўйини орқали унинг номи келтирилган.

Ҳар неким коми муяссар бўлсун,
Барча аъдоға Музаффар бўлсун.

Бешинчи бўлим Куббатул ислом Ҳайдарга бағишланган. Навоий бу кишини таърифлаб ёзади:

Улки Ҳайдар отидур, хулқи Ҳасан,
Ҳар неким, қилса, бари мустаҳсан.

Олтинчи бўлимда ўқиймиз:
То боқиб Марв сари бош урайин,
Бошни кўк манзаридин ўткарайин.

Санжари мулкига бўлган ворис
Санжари сонию балким солис.

Бу киши Марв шоҳи Абулмуҳсиндир.

Еттинчи бўлимда ҳам яна бир Шаҳзода номига айтилган яхши истаклар бор.

Саккизинчи бўлимда энди шоҳ оиласига мансуб бўлмаган шахслар тўғрисида сўз боражаги айтилган.

Тўққизинчи бўлимнинг қаҳрамони Ҳусайн Иброҳим деган киши. У Ҳиндистон билан чегарадош бир вилоят ҳукмрони экан («Бир ҳоди кишварининг Ҳиндистон»).

Ўнинчи бўлимда бирор кишининг оти зикр этилмаган. Ўн биринчи бўлимда «Ибн Ҳусайн» деган кишининг «Шоҳға мақбул дағи мулкка зайн» эканлиги айтилади. Ўн иккинчи бобда яна бир шаҳзода тилга олинган. Унга Қосим Анвар руҳи мадад бергусидир.

Ўн учинчи бўлимда мамлакатдан ташқарида яшовчи икки шаҳзода тўғрисида сўз боради. Ўн тўртинчи бўлимда «ул иков ёди» ҳақида гап бор. Ўн бешинчи бўлимда бундай истак бор:

Бўлсун чун бода учун базм аро
Султон Вайс ибни Бойқаро.

Унинг «Отаси Бойқаро ибн Мансур» эканлиги ҳам билдириб ўтилган.

Ўн еттинчи бўлим эса Мироншоҳ хотирасига ва унинг таъзиясига бағишланган. Ўн саккизинчи бўлим шоҳга жонажон рафиқ бир киши тўғрисидадир. Аммо кимлиги айтилмаган. Шоҳ ва унинг яқинлигини таърифлаб шоир «Бир-биригизга бўлинг арзони» деб хоҳиш билдиради.

Ўн тўққизинчи бўлим қаҳрамони «Шоҳлар шоҳи Абулғозий эрур». Йигирманчи бўлим Мўмин тўғрисида. Навоий уни «Поклар ҳодийи роҳинг бўлсун. Қодири пок паноҳинг бўлсин» деб дуо қилади.

Йигирма биринчи бўлим қуйидаги байтлар билан бошланади:

Соқиё, базмда тут жоми висол,
Ким келур ёдима айёми висол.

Ўтти бир қарнки, ҳижрон аромен,
Васл айёмиға армон аромен.

Бу бўлимда шоирнинг ўз яқинларининг дунёдан ўтган эканликлари тўғрисида сўз боради. Уларнинг ҳар бири шоирга энг яқин дўст, ҳам ёр, ҳам фарзанд каби унинг умрини тўлдирар эдилар. Улар, дейди шоир, – «Бири ҳамсуҳбату ҳамдарду рафиқ, туққанимдан дағи юз қатла шафиқ» эдилар. Сўнг шоир уларнинг баъзиларини атайди.

Ул бари оти чу мазкур бўлуб,
Мирзобек ила машҳур бўлуб.

Бу бири исмини айларда хитоб,
Мир Дарвеш дебон шайх ила шоб.

Ҳам анинг фурқати куйдурди мени,
Ҳам мунинг ҳасрати ўлтурди мени.

Улар жаннат боғида базм қурмоқдалар.

Шундан сўнг шоир ўз ўқувчисига мурожаат қилади. Уни ҳаёт жомини ғанимат тутмоққа чақиради. Оламда ҳеч ким доимо қолмайди.

Қани султону шаҳиду хайли,
Барчасин ёпти ажалнинг зайли.

Шунинг учун шоир ўз ўқувчисини «То абад умрдин навмид ўлма, Майи мақсуд ила жоминг тўлсун, Тангридин офиятинг хайр ўлсун», деб дуолар қилиб, бу бўлимни якунлайди.

Йигирма иккинчи бўлим «Жаҳон аҳли аро зоти нафис» Сухайлий тўғрисидадир. Навоий бу шоир ва давлат арбобини ҳурмат билан тилга олади. Унинг ёзган шеърлари шунчалар гўзал ва ёқимлики, худди улардан ҳаёт суви оқиб турганга ўхшайди.

Дурри назминг суйи ул навъ равон,
Ки, оқиб сўфтидан оби ҳайвон.

Суҳайлий шоирнинг энг яқин дўстларидан бири эди.

Сен эдингким менга дамсоз эрдинг,
Ҳар ниҳон нуктада ҳамроз эрдинг.

Лек фалак зулм қилиб мени сендин айирди, фироқингга мубтало қилди. Шоир ўз дўстига дуолар йўллаб дейди:

Манга гар дарду ғам анбуҳ ўлди,
Қисматим ғуссаю андуҳ ўлди

Сен фалак меҳнатидин шод ўлғил,
Даҳр бедодидин озод ўлғил.

Олами ҳузн аро бўлма ғамда,
Ўзни ҳуш тут неча кун оламда.

Навоий, айниқса, Суҳайлийнинг назмига юксак баҳо беради, унинг шеъри гуҳаррез, сўзлари мўъжиза ангез эканини ёзади. Навоий шоир Сухайлийни шарқ адабиётининг буюк арбоблари Саъдий, Хусрав, Салмон, Камоллар билан тенглаштиради.

Навоий Суҳайлийга қарата дейди: «Сен алар ўрнидадурсен бори». Бу бўлимнинг охирида Навоий ўз дўсти Суҳайлийни дуо қилиб ёзади:

Шодлиғ таркини тутма охир,
Ҳам бу ғамингни унутма охир.

Кимки, келса бу тараф ёд айла,
Тараб ойин сўз ила шод айла.

Шоир Суҳайлий адабиёт аҳлига Шайхим Суҳайлий номи билан таниш. Бу шоир ижоди афсуски ҳозир Ўзбекистонда унчалик шуҳрат топган эмас. Биз ҳозирча бу шоир тўғрисида ҳурматли адабиётшунос олим Раҳимжон Воҳидовнинг бир китобчасига эгамиз, холос.

Таниқли адабиётшунос олима Суйимахон Ғаниева менга айтган эдиларки, Шайхим Суҳайлийнинг форсий шеърлари алоҳида, туркий шеърлари алоҳида девонни ташкил этади. Навоий шунчалар улуғлаган бир шоир ижодини ўзбек адабиётшунослиги яхши ўрганмоғи, Навоийнинг унга берган юксак баҳоси асосида Суҳайлий ижодининг илмий тадқиқини амалга оширмоғи лозим. Умидвормизки, ёш талантли ўзбек адабиётшунос олимлар авлоди бу вазифани ижро этажак.

Йигирма учинчи бўлим Баёний деган зотга бағишланган бўлиб, шоир унинг яқинларидан жудо бўлганига афсуслар изҳор этади. Улар шоирга ҳам яқин эдилар.

Фалаки анжуми бемеҳр дани,
Барчасиз қилди сени доғи мени.

Энди унинг ўзи соғ-омон бўлсин. Шоир ўша зотга ўгит бериб: «Бир нафас бери ўзингни хуш тут» – дея насиҳат қилади.

Йигирма бешинчи бўлим шоирга дўст ва ҳамдам бўлган

Маъни аҳлиға имоми барҳақ,
Ҳақдин ислом аро қутби мутлақ

бир зотга бағишланган, аммо унинг оти айтилмаган. Эҳтимол «Маст жоми азали орифи Жом» деб сифатланган киши шудир. Унда бу зот Нуриддин Абдураҳмон Жомий бўлмоғи керак. Шеърдаги юксак тавсифлар ҳам шу тўхтамга асос беради.

Йигирма олтинчи бўлим Навоийга «зоҳирда атоу устод, лек маъни аро пиру иршод» бўлган Саййид Ҳасан Ардашер тавсифидадир. Аммо уни ҳам чарх «равзаи жаннат сари» йўллаган. Шоир бу олийжаноб зотга изҳори ҳурмат ва ихлосини баён қилиб, унинг руҳидан ўзига мадад тилайди.

Йигирма еттинчи бўлимда шоирнинг дўсти, қадрдони Паҳлавон Муҳаммаднинг нурли хотирасига ҳурмат баёни бор. У Неъматободни бунёд қилиб, у ерда халқнинг неъматини обод этган эди. Шоир Паҳлавон тўғрисида бундай деб ёзади:

Бари ҳамдамлар ичинда фардим,
Ёриму ҳамнафасу ҳамдардим.
Ани ҳам чархи таадди ойин,
Мендин ойирди қилиб қасдима кин.

Йигирма саккизинчи бўлим. Навоийнинг ўзи тўғрисида. Шоирнинг ўчмас оловли, аммо бахтсиз муҳаббати тўғрисида. Бу тўғрида биз «Фарҳод ва Ширин»нинг муқаддимасида ўқиганмиз. «Хамса»даги достонлардан ҳар бирида, яна «Лисон ут-тайр» («Қуш тили»)да бу тўғрида дилни юз пора қилувчи дардли сўзлар айтилган.

«Соқийнома» («Фавойид ул-кибар»)да ҳам Навоийнинг ана шу севгиси тўғрисида, шу муносабат билан ўз ҳаёти тўғрисида сўзлаб ўтган.

Ўттиз уч байтдан иборат бу шеър кичикроқ ҳасби ҳол кабидир.

Ким нелар қилди мени зорға ишқ,
Жони зору тани беморға ишқ.

Ана шу кириш байтидан сўнг Навоий бир шўх гўзалнинг унинг кўнглини олганини, шоирнинг эса бу севгида тамомила ўзини йўқотганини ёзади.

Кўнглум олди бути шўхе ногоҳ,
Қолмадим ишқида ўздин огоҳ.

Ул пари васли чу бўлди матлуб,
Телбалиқ қилди кўнглини мағлуб.

Ошиқ ўз сирини бир одамга билдирган эди. Оҳ, шуни қилмаса бўлар экан. Шундан сўнг унинг бошига балолар ёғилди. Натижада энг яхши дўстлар ҳам энг қаттиқ душман каби бўлдилар. Улар ҳам, бошқалар ҳам ошиққа кўп малоллар етказдилар.

Ўзу ёт неши малолат урди,
Еру кўк бошима тош ёғдурди.
Ақрабо (яқинлар) танга уруб тиғи жафо,
Кўзима игналар урди зуафо.

Ошиқнинг ўлмакдан бошқа чораси қолмагандек эди. Лекин шоҳ унда васл умиди туғдирди. Шу билан ошиқ ўлимдан омон қолди.

Мен бўлуб умр ила жондин навмид,
Шаҳ бериб васл умидиға навод (яхши хабар).

Яна бу сўз била жоне топдим,
Бир дам ўлмакдин омоне топдим.

Аммо, дейди ошиқ, мендек ёмон толеъ эгасига (бадрўз) қандай қилиб етишув муяссар бўлсин. Бу амри маҳолдир.

Мени бадрўзға, вах, қайси висол,
Ким хаёлимда висол эрди муҳол.

Атрофимдаги одамларнинг ҳеч қайсилари менга ёрдам кўрсатмадилар. У айриликка учради. Севги туфайли етаётган малолга, яна айриликдарди қўшилди.

Улки ишқида малолим бу бўлиб,
Шиддати ҳажрида ҳолим бу бўлиб.

Шу аҳволда орадан икки йил ўтди. Унинг ҳар дақиқаси икки йилга тенг эди. Энди ўша ёр гоҳо аҳволимни сўрагандай бўлади, оғир ва мусибатли ҳолатимни тамошо қилади, ўзи ҳам анча ўзгариб кетган. Лекин бундан не фойда. Унинг яқин кишиси ким, ким билан ҳар дам бода ичади, ким билан кундузи беҳуду маст бўлади, кечалари қандай базмларда иштирок этади. Булар менга маълум эмас.

Кимга бу навъ бало бўлса насиб,
Маст хушроқдурур ул зори ғариб.

Шу билан бир тоза ва гўзал севги хароб бўлди, бузилди. Гарчи аввал бепарво бўлган ёр энди «гаҳ-гаҳе ҳолима парво айлар», бундан ҳеч қандай нафъ йўқ. У ўз ошиғидан узоқда, ўзгалар базмида ҳозир.

«Фавойид ул-кибар»даги «Соқийнома»нинг йигирма тўққизинчи бўлими шоирнинг «Зору бекаслигима шеван этай» деган гапларига мос.

У жаҳон ичра кўп жойларда бўлди. Дайр ва масжидларга ҳам етди. Шавкат, мансаб, мол ҳам унинг қисмати эдилар. «Ҳар не эл, қилди талаб, мен топтим, барчадин силкиб этак, кўз ёптим» деб хулоса қилади шоир.

Фақат у бир истаган нарсасини топа олмади. Бу топилмаган нарса – ВАФО эди. Шундан кейинги бир неча байтларда ана шу қайғули хулоса исботига хизмат қилувчи ҳоллар кўрсатилган.

Вафо қидирган киши ўз жонига жафо қилади. Аммо, дейди шоир мен вафо қиламан, ҳеч қачон бевафо бўлмайман ва бўлмаяжакман.

Олам аҳлида чу йўқ аҳли вафо,
Айларам мен доғи жонимға жафо.

Чун бир иш мумкин эмас оламда,
Йўқ эмиш жинси бани одамда

Бир агар аҳли вафо даҳрда йўқ,
Дашту водий элию шаҳрда йўқ.

Бу сифот (яъни вафо, А.Қ.) соҳиби мен басдурмен,
Бевафолар каби эрмасдурмен.

Ҳаёт йўлларини таҳқиқ ва тадқиқ эта Навоийнинг қилган хулосаси шу. Дарҳақиқат, Навоий тарихга вафо ва вафодорлик тимсоли бўлиб кирган инсондир.

Ўттизинчи бўлимда Навоий ўз дўстлари пири Муаммоий, Хожа Комил, Мир Садр, Ёр Танбал, Сабзаворийларни эсга олади, уларнинг фазилатларини бирма-бир санаб чиқади. Уларнинг ҳар бири беназир зотлар эди. «Бордилар, барча – не айлай тадбир» деб навҳа чекади шоир.

Ўттиз биринчи бўлимда эса шоир ўтганларни ёдлагандан сўнг,

Нутқнинг гарчи шикоят ери бор,
Шукрдан доғи ҳикоят ери бор –

деб ўзини юпатади. У ҳозир у билан ёнма-ён турган аҳбоб таърифига ўтади. Улар Мир Атойи, Дарвеш Фанойи, Осафий, Бинойи, Машҳадий, Котибийлардир. Яна кўп муносиб одамлар борки, улар тўғрисида «Мажолис»да айтилган. Шоир ёзади:

Гар алар тутти эса дашти адам,
Шукр, бу хайл эрурлар ҳамдам.

Охирги ўттиз иккинчи бўлим шоирнинг шукронаси ва «Риндлар шоҳи Абулғозий» (Султон Ҳусайн Бойқаро) номига дуолар билан тугалланади.

Шундай қилиб кўрамизки, «Соқийнома»да Навоий яшаган давр, Навоийнинг унга муносабати очиқ кўрсатилади.

Навоийни ўраган давра, унга мансуб бўлган Султон Ҳусайн Бойқаро, унинг авлоди; Навоийнинг яқин дўстлари бўлмиш хизмат ва ижод аҳли, уларнинг дунёдан ўтган, ҳозир барҳаёт бўлган намояндалари, шоирнинг уларга муносабати очиқ ва таъсирли ифодаларда баён этилган.

Албатта, соқийнинг ўзи, май, майхона, муғбача юқорида айтилганидек тимсолий тушунчалар. Улар кундалик турмушдаги майхўрлар ишратгоҳи эмас. Аммо шоир бу ҳолларни реал, тўппа-тўғри, худди ҳаётда бўладиган воқеалар тарзида тасвирлаган. Бу тасвирнинг реаллиги ва бадиий таъсири баланд.

Соқий ва муғ дайри тўғрисидаги гаплар, албатта, лирик чекинишлар, уларни ўзгача талқин қилмоқ керак эмас.

«Соқийнома» Навоийнинг турмуш воқеаларига муносиб, унинг ҳаёт образи ва тафаккур дунёсини ўрганмоқ учун бой бадиий ва амалий аҳамиятга эга манбаълар сифатида қаралмоғи лозим.

ЖАВОҲИРИ МУФРАДОТ

Фард – бир байт шеърни англатади. Муфрадот эса унинг кўплиги. Демак, бу сарлавҳанинг мазмуни икки мисра ёки бир байтдан иборат шеърий жавоҳирлар (гавҳарлар) дир. Яна жавҳар моҳият, асл маънони ҳам билдиради. Хуллас, ушбу бобнинг туб мазмуни икки мисрали шеърий гавҳарлар бўлади.

Навоий, аввало, сўзни Ҳақдан бошлайди.
Улки, Ҳақ боринда мақсуд истагай ҳар зотдин,
Меҳр боринда ёруғлуғ кўз тутар зарротдин.

Бу фарднинг маъноси шундайки, киши нима тиласа фақат Ҳақдан тиласин, бировдан эмас. Қуёш бор жойда бир заррадан ёруғлик тилаш хатодир. Демак, одам ўз кучи, қуввати, меҳнатига яраша худо берганини олсин, бировлардан ҳеч нарса тамаъ қилмасин. Сўнг набий номига айтилган фард келади.

Ана шундай муҳим гаплардан сўнг шоир бевосита ўз ўгитларига ўтади. У одамларни тамаъдан сақланмоққа чақиради. Инсонни хорликка келтирувчи йўл тамаъдир.

Тамаъ этма, кўп ўлса эл моли,
Кўрмайин ҳақ хазинасин холий.

Бу фикр кейинроқ бошқа бир байтда жуда аниқ ва лўнда, қатъий ва кескин айтилган:

Элни хор айлаган тамаъ, билгил,
Доимо азза мен қанаъ, билгил.

(«Азза ман қанаъ» – «ким қаноат қилса иззат топади»).

Одамларга ҳамиша яхшилик қилмоқ, уларнинг оғирини енгиллаштирмоқ ҳар бир кишига хос сифат бўлмоғи керак. Лекин ҳеч қачон буни тилга олмаслик шарт.

Мурувват – барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват – барча қилмоқдур, демак йўқ.

Шулардан кейин равшан замир ҳоким тўғрисида шоир ёзади:

Тиндирур боюу жиғойни ҳокими равшан замир,
Ёрутур обод ила вайронани меҳри мунир.

Мамлакатни тинч ва осойишта этувчи, бойларни ҳам камбағалларни ҳам тинч тутувчи юрак-бағри бутун, равшан фикрли ва покиза табиатли хукмрондир. Бу маънонинг илдизи жуда чуқур. Унинг шарҳи бутун бир китоб бўлғусидир. Аммо биз фақат бир талқинда

тўхтаймиз. Ўша замири равшан ҳоким ҳамманинг бошини қовуштира, элни тинч ва осойишта тута олади.

Шоир бу ҳолни худди нур сочувчи қуёшнинг обод билан вайронани баравар ёритмоғига ўхшатади. Қуёш ҳар томонга бир хил нур сочади.

XIX аср ўзбек шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий худди шу фикрни бундай баён қилган.

Эй шоҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Чун меҳр нурин тенг сочар вайрону обод устина.

Бир қанча панд-ўгитлар бевосита кундалик турмуш кўринишларига алоқадор. Масалан, кимки сенга бировнинг айбини гапирса, сенинг айбингни ҳам излаб топувчи бўлади ва бу айбни одамларга етказади. Шуни билиб қўй.

Улки анга элдин эрур айбгў,
Элга дағи сендин эрур айбжў.

Аммо сенинг айбингни ўзингга очиқ айтса ундан ранжима. Чунки у кўзгу сингари айбингни сенга кўрсатиб турибди. Агар бу кўзгу қорайса, айбингни кўрсатарми эди.

Киши айбинг деса, дам урмагилким ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму.

Шу ерда бир чекиниш қилмоқчиман.

Бу воқеа XX асрнинг 60-йилларида содир бўлган эди. Бир куни Тошкент газеталаридан бири мендан бир кичик мақола ёзиб бермоқни сўради. Мен бир-икки кун ичида бу мақолани ёзиб бердим, у тезда босилиб чиқди. Мамнун юрдим.

Орадан бир оз фурсат ўтди. Бир қадрдон дўстим менга телефон қилиб деди.

– Салом, мақолангизни ўқидик.

Мен энди мақтов ёки миннатдорлик кутиб жим турибман.

– Иккинчи бор бундай мақола ёзманг. Ҳаммаси қуруқ гаплар. Уларда бирор далил ёки исбот йўқ. Шакли хам шаблон, мазмуни суюқ ва бедалил. Биз сизнинг яхши ёзганларингизни ўқиб фикр қилар эдик. Буни ўқиб хижолатга қолдик. Бизни бундай ҳолатга туширманг.

– Йўғ-е, – дедим мен – унда бир-икки янги фикрлар ҳам айтилган.

– Йўқ, йўқ, – деди дўстим гапимни қатъият ила кесиб, – ундай деманг, унақа фикрни ҳеч кўрмадик. Бундан буён ҳушёр бўлиб ёзинг.

– Раҳмат сизга, айтганларингизни албатта инобатга оламан.

Шундай жавоб қилмоқдан бошқа иложим қолмаган эди. Орадан бирмунча вақт ўтди. Евгений Михайлович Блок деган киши бор эдилар. (Оромгоҳи нурга тўлсин). Ҳам лектор, ҳам ўқимишли, фозил бир инсон эди.

Мен у одам билан, гарчи у мендан ёши анча катта бўлса-да, дўстона муносабатларда эдим. Бир куни суҳбат чоғи мен у кишига шу воқеани айтиб бердим. Евгений Михайлович буни эшитиб тўлқинланиб кетди ва менга деди:

– Азиз Пўлатович, сиз бахтли одам экансиз. Чунки шундай қадрдон ва жонкуяр дўстларингиз бор экан!

Дарҳақиқат ана шундай садоқатли ва чўрткесар дўст кўзгу сингари сенинг айбингни ўзингга намоён этади. Уни кўриб ҳушёр тортасан киши ва кўпчилик олдида хижолат доғидан омон топасан!

Шунинг учун Навоий ўгитларини ҳамиша ёдда тутмоқ шарт.

Фардлар ҳам шеър. Шеърда эса ишқ бош ўрин тутади. Бу ишқ ўзининг чуқурлиги, самимийлиги ва покизалиги билан ажралиб туради.

Агарчи ишқ аро бўлди мубаддал куфр ила диним,
Не ғам, чун поклик расмидурур бу ишта ойиним.

Модомики, ошиқнинг одати поклик расми экан, мабодо унинг ишқи куфр ёки динни алмаштирар даражасида кучли бўлса ҳам ундан ғам чекмак даркор эмас. Чунки у покдир.

Ишқ маҳбубанинг гўзаллигидан келиб чиқади. Ўша севгили ёрнинг бели шу қадар нозик, оғзи шу қадар кичиқдирки, уларнинг бору йўқлигини ҳам била олмайди киши. Навоий бу фикрни эртакларнинг бош жумласи орқали беради:

Белу оғзидин деди ҳар ким, дегил афсонае,
Бошладим филҳолким, «Бир бор эди, бир йўқ эди».

Ёр лабининг, кўзининг гирифтори бўлган ошиқ дейди:

Икки кўзингу лабинг ғамидин
Мен хаста ўлуб-ўлуб тирилдим.

Ёр лабидан чиқадиган сўзлар Масиҳ мўъжизасидан (Масиҳ сўзи ўликни тирилтирар эмиш – А.Қ.) ҳам ортиқдирки, у мўъжизакор хижолатда қолади.

Лабингдин сўзга то гўё қилибсен,
Масиҳо мўъжизин иҳё қилибсен.

Бу нигор қизил тўн кийиб чиқади. Унинг қомати, ҳуснига ярашиғли бу либос юз хаста жонга офат келтургудек.

Қизил тўнинг била юз хаста жонга офатсен,
Ҳадиси мухтасар айлай қизил қиёматсен.

Бир гўзаллик соҳибига ошиқ кўнгил берган. У ўз ёрини агар кунда бир марта кўргудай бўлса шунга юз қатла шукр қилади.

Ошиқеким, кўргай ул бир қатла ҳар кун ёрини
Тангрисига айладик юз қатла шукр изҳорини.

Худди шу фикр яна бир фард-байтда ўзгача шаклда такрорланади.

Кишиким, ёрини ҳар кун кўрарга ўрганур эрмиш,
Чу бир кун кўрмас эрмиш, бениҳоят эмганур (қийналур) эрмиш.

Ошиқнинг айриликдан шикоятлари, ёрнинг илтифотсизлигидан шикояти кўп фардларнинг мазмунини ташкил этади. Аммо бари бир ошиқ ҳеч қачон ўз севгилисидан воз кечмайди. Ишқда ёрнинг зулми ҳам, эҳсони ҳам ёр учун хушдир. Энг муҳими шу ишқдаги покликдир.

Пок ҳусн аҳлики, хуштур зулми ҳам, эҳсони ҳам,
Саъб эмиш пок элга онинг васли ҳам, ҳижрони ҳам.

Кўриниб турибдики, фардларнинг моҳияти хилма-хил. Айрим фардлар турмуш қарама-қаршиликларини ўзида акс эттиради. Ҳаёт туғдирадиган айрим ҳис-кечинмалар бу фардларда ўз бадиий ифодасини топган. Аммо энг кўп тилга олингани ишқ мавзуси. Зотан, шеъриятнинг туб моҳияти ҳам шу эмасми.

Қитъалар. «Фавоид ул-кибар» девонида элликта қитъа бор. Қитъалар ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан бошқалардан ажралиб туради.

Шоир аввало қитъа мазмунини унинг сарлавҳасида тушунтиради. Мана ушбу девондаги бир қитъанинг сарлавҳасини кўрайлик.

«Фавойид ул-кибар» муқаттаотининг сарсуханлари раззоқ алал-итлоқ банда рўзисин муқаддар қилибтур саъй била ортмасида айтур.

Маъноси: «Фавойид ул-кибар» («Кексалик фойдалари»)даги қитъаларга кириш сўз. Ризқ берувчи (раззоқ) бандасининг қисматини аниқлаб қўйган, уни ҳаракат қилган билан орттириб бўлмайди. Шу тўғрида (шоир) айтадир.

Ҳақ таоло бандасининг қисматин
Чун азал девонида қилмиш рақам.

Чун анинг тағйирининг имкони йўқ
Нечаким, қолмиш ўзи жаффул қалам.

Кимки, андин ортуқ ўксук истагай
Бордур онинг жаҳди ортуқ, ақли кам.
Тенгри эҳсонига шод ўлған, қилур
Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам.

Шокир ўлмай ўлки, озу ҳирсдин
Доим этгай ўзни ғамгин, кимга ғам.

Маъноси: Ҳақ таоло ўз бандасининг қисматини, яъни унга ажратилган улушни азал (тақдир) китобига ёзиб қўйган. Уни ўзгартирмоқнинг иложи йўқ. Кимки уни орттирмоқчи ёки камайтирмоқчи бўлса, унинг билмаслиги (жаҳли) кўпу, ақли камдир.

Кимки, Тангри эҳсонига хурсанд бўлса, ўзини ҳам шод этади, ўз меҳнати билан элни ҳам шод қилади.

Шукр қилмаган кимса очкўзлиги ва ҳирси туфайли доим ўзи ҳам ғамгин бўлади, ўзгаларга ҳам ғам-қайғу етказади. Демак, бу қитъа одамларни борига қаноат қилмоққа ўргатади. Чунки ҳар кимнинг қисматини худо ўзи олдиндан белгилаб қўйган. Уни ўзгартирмоққа интилув хато.

Бу ерда кишиларни ҳаракатсизлик, меҳнат қилиб ўз турмушини яхшилашдан четланишга чақирув йўқ. Ҳар ким Ўз қобилият, куч меҳнатига яраша топади. Ҳар бир

одамда бу тушувдаларнинг маълум меъёри бор. Ундан ортиққа минг уринган билан етиша олмайди. Масалан, ожиз ва заиф кимса оғир юкни кўтара олмайди. Бўйи паст одамнинг қўли баланддаги нарсага етмайди. Табиатан қаноатли одам борига шукр қилади. Соф ният, покиза табъ инсонлар тамаъ хорлигига ҳеч қачон бормайдилар. Ундан нафратланадилар.

Ана шу олдий ҳаёт ҳақиқатини тушунмаганлар, шоирнинг фикрича, жаҳли ортиқ, ақли кам кимсалардир. Ундайлар ўз очкўзлиги ва ҳирси туфайли ўзларини ва ўзгаларни ҳам ғам-қайғуга мубтало этадилар.

Навоий ўз қитъа шеърларида мажозий ва ҳақиқий севгининг ягоналиги, бир-бирига боғлиқлиги ва бир-биридан келиб чиқишини тушунтиради. Ана шу олдий ҳақиқатни тушунмаган зоҳидни, унинг ошиқликни манъ этмоқчи эканини танқид қилади.

Қитъаларнинг сарлавҳасида ўқиймиз: «Мажоздин мақсуди ҳақиқат эканин изҳор қилмоқ ва суратдин ғараз маъни эканин падидор қилмоқ».

Демак, мажозий севги (инсоний, дунёвий муҳаббат, ошиқнинг ўз севгилисига ишқ қўйиши) ишқи ҳақиқий (Аллоҳга муҳаббат)ни билдиради. Суврат, ташқи кўринишдан мақсад туб маъно, унинг гўзаллигини англатмоқдир. Чунки дунёдаги, шу жумладан, инсондаги бор гўзаллик ва буюклик Яратувчининг гўзаллиги ва буюклигининг инъикосидир. Буни Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да тўла тушунтириб берган.

Навоийнинг қитъаси бундай:

Мажоздин менга мақсад эрур ҳақиқий ишқ
Нединки, аҳли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.

Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ
Қилур мажозни нафйи улки беҳақиқат эрур.

Мажозий ишқдин мурод ҳақиқат эканларнинг мониъларига монеъ бўлмоқ ва носиҳларига носиҳ. Маъноси: Мажозий ишқдан мақсад ҳақиқат эканлигининг тўсқинчиларига тўсқинлик қилмоқ ва ташвиқчиларига ташвиқчи бўлмоқ.

Кўрмаса ҳусни мажози ичра жуз ҳақ сунъини
Ошиқе ким, бўлса ишқ атвори ичра покбоз.

Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,
Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдир мажоз!

Бу ғоят катта масала бўлганидан бу ерда ортиқча шарҳларга ўтмаймиз. Навоийнинг сўзларини келтириш билан чекланамиз.

Навоий ўз шеърларида дунёда вафонинг йўқлигидан кўп шикоят қилади. Бу тўғрида шоирнинг фикри қатъий. У вафонинг даҳр элидан қочганлигини ҳам билдирган эди. У вафони бу дунёда қидирмасликни, хусусан уни ҳусн аҳлида топилмас эканини баралла ва такрор айтади. Бу масала шунчалар кенг ёйилган ва бу хулоса шунчалар шуҳрат топганки, Навоий давридан тортиб (балки ундан олдинлари ҳам) то ҳозиргача ўз давомини топиб келади.

Навоий бир қитъасида бундай деб ёзган:

Замонда ҳусн элиға жон фидо қилиб не навъ
Вафони мен каби бир бенаво тамаъ тутқай.

Замона аҳлида йўқгур вафо не етгай анга
Ки кимса хўбларидин вафо тамаъ тутқай.

Демак, замона гўзалларидан уларга жонини фидо қилувчи мен каби бир бенаво вафони кутмоқда.

Ваҳоланки, замона хўбларида вафо бўлмайди. Шунинг учун улардан вафо кутган кимса унга етиша оларми эди. Бу шоирона якун кўп шоирларда учрайди.

XIX аср ўзбек шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий бир ғазалида бундай деб ёзган эди:

Зоҳир ўлубдурур қачон ҳусн элида вафо, деди.

XX–XXI аср ўзбек фозил ва олимларидан Қувомий (у киши менинг яқин дўстимдир – А.Қ.) шу ҳақда суҳбат қурган пайтимизда менга бир бўлиб ўтган ишни айтиб берганлар. Унинг МОҲИЯТИ бундай. Бир йиғинда фикр алмашинув бўлган. Унинг иштирокчилари ҳаммаси бир-бирларининг фазл ва билимларидан яхши хабардор ҳамкасабалар. Улар Қувомийнинг ёзган илмий тадқиқотини муҳокама этиб уни қувватламаганлар ва бу ишнинг келажагини ёпиб қўйганлар. Бу иш қанчалар тўғри ва адолатли эканини мен айтолмайман. Чунки ўша пайтда бўлмаганман. Аммо дўстим бу натижадан қаттиқ озурда бўлган ва бу амалга этак силкиб иш юзасидаги меҳнатларига чек қўйган.

Билимдон яқинларининг бундай ноҳақ муносабати Қувомийга ранж ва озор етказди. У ўз ҳолатини бир тўртликда баён этган. Мен дўстимнинг ижозатига кўра ўша тўртликни қуйида келтираман.

Қувомий, дунёдан бақо истама,
Вафоли ёру дўст, сафо истама.

Бу дунё ҳеч кимга қилмаган вафо,
Ўзи йўқ вафодан вафо истама.

Назаримда, Навоийдан беш аср кейин Қувомий номли бир фақир ҳам «Вафони мен каби бир бенаво тамаъ тутқай» деб ўртага тушгану Навоийга ўхшаб ҳафсаласи пир бўлган кўринади.

Дунёнинг ишлари шундай, дўстлар! Қитъаларнинг мазмуни шу қадар турли-туманки, улар алоҳида тадқиқотга асос бўла олади. Шунинг учун мен қитъаларнинг моҳияти ва мазмуни тўғрисидаги мулоҳазаларни шу ерда тўхтатаман. Фақат гапимнинг ишонарли бўлмоғи учун шоирнинг ўз қитъалари тўғрисида ёзганларини келтираман. Бу қитъа ўз қитъалари таърифидадурким, бу ҳам алардин бордур ва таъриф мунга ҳам содиқ келур.

Мундоқ муқаттаотким, мен йиғмишам эрур
Ҳар бир ҳодакаи хирад айлар учун фароғ.

Мажмуъин уйла кишвари англаки, сатҳини,
Ҳикмат суйидин айламишам қитъа-қитъа боғ.

Бу қитъанинг маъноси бундай: Мен яратган қитъаларнинг ҳар бири ақл-ҳуш боғчаларидир, унда (сайр қилиб) фароғат топмоқ мумкин.

Уларнинг тўпламини бир мамлакат деб билгин. Бу мамлакатнинг майдонини ҳикмат сувлари орқали канча-қанча боғларга айлантириб юборганман. Шундай қилиб, Навоий

ёзган қитъалардан яратилган боғларга бир назар ташлаб ўтдик. Бу иш ўзининг мукаммал давомини топмоғи керак.

«Фавойид ул-кибар» девонидаги бир қитъада Навоий ўзи ижодда ибрат олган зотларни айтиб ўтган. Ғазал ёзмоқда уч устоз энг яхши ғазалларни битганлар. Улардан бири ҳинд соҳири (Хисрав Деҳлавий)дир. Яна бири «Исо нафасли» (сўзи билан ўликни тирилтирувчи) Шероз ринди (Ҳофиз Шерозий), яна бири «орифи жом» (Жомий)дирлар.

Навоий ана шу улуғ ижодкорлар каби ёзмоққа ҳаракат қилган. Навоий шеърлари ана шу уч шоир ҳолидан холий эмасдур.

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ,
Ким андин яхши йўқ назм эҳтимоли.

Бири мўъжиз баёнлиғ соҳири ҳинд
Ки, ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.

Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи.

Бири кудси асарлик орифи Жом
Ки, жоми жамдурур синған сафоли.

Навоий назмига боқсанг, эмастур,
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холий.

Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.

Навоий ижоди ана шу уч гўзал ижод намуналарининг акси тушган кўзгу сингаридир.

«Фавойид ул-кибар» девони Навоий «Хазойин ул-маъоний» китобининг охирги қисмидир. Унда Навоий шеъриятининг сўнгги намуналари жамланган.

Умидвормизки, адабиёт тадқиқотчиларининг янги авлоди Навоийнинг бу ижодий хазинасини тўласича эгаллаш ва ундаги беҳисоб назмий дурру гавҳарлардан халқимизни бақраманд этишда янги-янги ишларни амалга оширажаклар.

СУЙИМА ҒАНИЕВА

НАВОИЙ НАСРИ НАФОСАТИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НАСРИ ҲАҚИДА

Алишер Навоий ижодининг салмоқли қисмини унинг насрий асарлари ташкил қилади. Яна шуниси эътиборни ўзига тортадики, улуғ адиб уларни (1481-82 йилда яратилган «Вақфия»ни истисно қилганда) умрининг сўнгги ўн йили мобайнида яратган. Даврининг буюк шоири ва мутафаккири сифатида Навоий насрнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билгани, унинг имкониятлари шеъриятга нисбатан кенгроқ эканлигини тушунганлиги учун маълум маънода, маълум мақсадлар билан насрга мурожаат қилган, албатта. Бу мақсадларнинг қандай эканлиги ҳар бир насрий асарнинг ёзилиш сабаблари ва унда қўйилган масалаларнинг моҳиятини очиш чоғида ойдинлашади. Бу бир томондан. Иккинчи томондан, Навоийнинг насрга бундайин кеч қўл уриши ўша даврларда ҳукмрон бўлган назмнинг насрдан устунлиги анъанаси билан ҳам изоҳланади. Лекин Навоий даҳо санъаткор сифатида насрнинг реал ҳаёт мазмунини анча кенгроқ ва чуқурроқ ифодалай олиш имкониятларига эга эканлигини тушунди ва асос эътибори билан прозадан шу маънода фойдаланди.

Алишер Навоий насрининг умумий манзараси қуйидагичадир:

1. Илмий филологик характердаги асарлар: «Муҳокамат ул- луғатайн», «Мезон ул-авзон», «Мажолис ун-нафоис», «Рисолаи муаммо» (форсча).

2. Мемуар-биографик характерга эга бўлган асарлар: «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад».

3. Ижтимоий-фалсафий ва дидактик характердаги асарлар: «Маҳбуб ул-қулуб».

4. Тарих, тасаввуф ва дин тарихига оид асарлар: «Вақфия», «Тарихи мулуки ажам», «Насойим ул-муҳаббат», «Тарихи анбиё ва ҳукамо».

5. Иншо санъати (эпистоляр наср) намунаси: «Муншаот».

6. Девонларга ёзилган «Дебоча»лар, «Назм ул-жавоҳир» муқаддимаси ва эпик асарлардаги, қитъалардаги сарлавҳалар.

Алишер Навоий ана шу асарларни яратар экан, ўзигача бўлган ўзбек насрининг энг яхши хусусиятларини ўзлаштириб, уларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият билан қаради. Шунинг учун Навоий насрини услубининг шаклланишида Авфий, Низомий Арузий, Саъдий ва Жомий каби форс-тожик адабиётидаги насрнинг таниқли ижодкорларининг маълум таъсири ва роли бор.

Ўша даврдаги туркий тилда бадиий адабиётнинг форсий тилидагига нисбатан суст ривожи, қадимий ўзбек тили мавқеъининг қуйи эканлиги, ўзбек тилида аруз ҳақида илмий адабиётнинг йўқлиги ва булар билан боғлиқ қатор масалалар Навоийдек маданият, адабиётнинг жонкуяри ва ҳомийси учун шунчаки масалалардан эмас эди. Натижада шу бўшлиқни тўлдириш маъносида «Мезон ул-авзон» яратилди, «Муҳокамат ул-луғатайн» ёзилди, «Мажолис ун- нафоис» қаламдан чиқди, кейинчалик у яна тўлдирилди.

Булардан биргина «Мажолис ун-нафоис» тимсолида шуни кўрамиз. Навоий бу асари билан ўз салафларидан Авфийнинг «Лубоб ул-албоб» , замондошларидан Давлатшоҳнинг «Тазкират уш-шуаро» ва Жомийнинг «Баҳористон» (VII равзаси)даги тазкирачилик анъаналарини давом эттирди ва шу соҳада катта янгиликни юзага келтириб, янги тазкирачиликка асос солди. Чунончи, Навоий ўз тазкирасида асосий эътиборни ўтмиш адабиёти ва унинг намояндаларига эмас, балки ўз даври адабий ҳаёти ва унинг ижодкорларига қаратди. Асарга материал танлаш, ижод намуналарини келтириш ва ижодкор фаолиятини баҳолашда Навоий ҳассос шоир ва улкан адабиётшунос, даврнинг буюк гуманисти сифатида иш кўрди. Адабиётни халқ хизматига қўйишга интилиш, унинг

мазмундорлиги ва юксак бадиийлиги ва шу асосда уни ривожлантириш учун кураш ғояси асарда бош хат бўлиб ўтади.

«Мажолис ун-нафоис»да биринчи марта ижодкорларнинг маънавий қиёфасига, ахлоқига алоҳида эътибор қилиниши, сўз санъаткорларининг ижоддан ташқари ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишларига мамнуният билан, турли касб эгаларининг, ҳунар соҳибларининг моддий қийинчилик машаққатини чекиб ижод қилувчилар, адабиётга янги кириб келаётган истеъдодли ёшлар ҳақида самимият ва хайрихоҳлик билан қараш майллари тазкиранавислик ва адабиётшуносликда янги, илғор анъанани бошлаб берди.

«Муҳокамат ул-луғатайн» ва «Мезон ул-авзон» каби асарларда Навоий тил ва тафаккур, қадимий ўзбек ва форс тилларнинг ўзига хос жиҳатлари, ўзбек тилининг сўз бойлиги, фонетик ва стилистик хусусиятлари, ўзбек тили ва адабиётининг форсий тил, форс-тожик адабиёти масалаларининг қиёсий таҳлили ва бунинг сабаблари, адабий ва тарихий шароит, аруз ва ўзбек шеърияти, ўзбек халқ шеърияти ва аруз вазни каби масалалар давр учун мустасно аҳамиятга молик назарий ва амалий проблемалар юзасидан фикр юритади. Бу асарларнинг ўзига хос хусусиятлари, ноёб жиҳатлари Навоий ижодининг реалистик анъаналари ва халқчиллигини юзага келтиради.

«Муҳокамат ул-луғатайн»нинг моҳиятини ташкил қилувчи Навоийнинг бош ғоявий нияти ва бу йўлдаги амалий фаолияти Европа Ренесансининг типик вакили, француз шоири, тилшуноси ва давлат арбоби Дю Беллени (1522-1560) ёдга солади. Навоийнинг бу асари Дю Белленинг француз тили адабий нормалари ҳақида баҳс юритувчи ва ана шу миллий тилда асарлар яратишга даъват этувчи «Француз тили ҳимояси ва мадҳи» (1549) номли назарий лингвистик трактати билан ҳамоҳангдир.

Бу каби фактлар ҳар бир халқнинг ўзига хос ва қайтарилмас воқеаси саналган маданияти тарихида, жумладан адабиётида мавжуд бўлган бошқа халқлар маданияти ва адабиёти билан ўхшаш бўлган типологик хусусиятларни кузатиш имкониятини беради.

Навоий насрий асарларидан «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» муаллиф замонасида маданий ҳаётда улкан рол ўйнаган машҳур фан ва маданият арбоблари - Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан ва Паҳлавон Муҳаммадларнинг ижодий биографияларини яратиш билан боғлиқ бўлиб, муаллиф улар билан ўзининг ҳар соҳадаги ҳамкорлиги, мулоқотлари ҳақида қизиқарли, ҳаётий лавҳалар орқали сўз юритади. Бу учала асар ўзбек тилида яратилган ёднома характеридаги наср намунаси сифатида ғоят аҳамиятлидир. Уларда бадиий насрнинг илк унсурлари мавжуд бўлиб, бу ҳол, айникса, Навоийнинг портрет яратиш маҳоратида ёрқин намоён бўлади.

Навоийнинг бу асарларини бирлаштириб турадиган, улар учун умумий бўлган муҳим бир хусусият бор. У ҳам бўлса, мазкур асарларнинг шарқ Ренессанси руҳида ёзилганидир. Зероки, уларда инсонга, шахсга ҳурмат ва самимият билан қараш, ундаги гўзал фазилат ва юксак интилишлар ардоқланади.

Алишер Навоийнинг тарих, тасаввуф, дин тарихига оид прозаик асарларида унинг бу соҳалардаги илмий ва фалсафий қарашлари ўз аксини топгандир. Бу туркумдаги асарларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос йўналиши ва аҳамияти, хусусиятларидан ташқари уларни бирлаштириб турувчи жиҳатлари ҳам мавжуд. Биринчидан, бу асарлар Навоий ижоди ва фаолияти билан боғлиқ кўп масалаларни тўғри тушуниш, изоҳлаш имконини беради. Иккинчидан, уларда жамият тараққиёти тарихи ҳамда донишманд олим Навоий билан буюк давлат арбоби Навоий биргаликда фикр юритади. Мазкур асарларда бу ҳол қуйидагилар билан изоҳланади:

«Тарихи мулуки ажам»даги тарихнинг зиддиятли жиҳатлари ва ҳудуди шу асардаги мамлакат иқтисодиёти, маданий ҳаётини кўтаришга эътибор берган шоҳлар мадҳи, босқинчилик уруши, зулм ва адолатсизликнинг қораланиши;

«Тарихи анбиё ва ҳукамо»даги машҳур мутафаккир ва олимларни пайғамбарлар сирасида берилиши, уларни катта ҳусн, рағбат билан тилга олиниши;

«Насойим ул-муҳаббат»даги йирик шайхлар, тасаввуф арбобларига берилган таърифу мадҳлар, уларнинг хайратомуз кароматлари тавсифи орасида гоҳо пардаланган, гоҳо очиқ ҳолда баён этилган дидактик пандлар, ўгитлар, оддий касб-ҳунар билан машғуллик ғоясини илгари сурилиши ва ҳ. к. Лекин, шуниси диққатга сазоворки, бунда Навоийдаги маънавий даҳо, рационализм устунлик қилади. Юқорида қайд қилинган жиҳатлар Навоийнинг ана шу асарларидаги биз учун қимматли бўлган фикрларидир. Айни чоғда бу асарлар илмий проза намунаси сифатида ўз муаллифларининг тили ва услуби хусусида фикр юритиш имконини беради.

Алишер Навоий ўзининг «Муншаот» асари билан қадимги ўзбек тилининг иншо фани – эпистоляр жанрдаги имкониятларини намойиш қилади.

«Маҳбуб ул-қулуб» Навоий прозаик асарлари ичида алоҳида ажралиб турувчи энг мураккаб асаридир. У Навоий бадиий тафаккурининг қаймоғи, ҳаётий мушоҳадаларининг якуни, хулосасидир.

«Маҳбуб ул-қулуб»да Навоийнинг ўзигача бўлган форсий насрнинг энг етук намуналари, жумладан, Саъдийнинг «Гулистон», Убайд Зоконийнинг «Ахлоқ ул-ашроф», «Рисолаи риш» ва бошқа асарларидаги илғор, реалистик анъаналарни ривожлантиргани ҳам, қатор-қатор масалаларни янгича талқин этиши ҳам, бирмунча концепцияларни конкрет ҳал этиб бериши ҳам, ахлоқий-этик категориялар юзасидан жиддий баҳс юритиши ҳам, халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланиши ҳам, ниҳоят, шуларни ифода этишдаги бадиий маҳорати ҳам энг юксак даражада ўз тажассумини топгандир.

«Маҳбуб ул-қулуб»даги инсонни улуғлаш, уни комил кўришга интилиш, тасаввуфий оҳанглар - асарнинг бош хатини; ундаги сатирик портретлар, фош қилувчилик қудрати, рад этишлик мантиқи-исёнкорлик руҳини; ахлоқий-этик сентенциялар унинг дидактик йўналишини; баёндаги аниқлик, лўндалик, пухталик, услубий жилолар, бадиий восита ва приёмлар, ҳикматли сўз, мақол, афоризм, ҳикоят ва шеърият парчаларининг истифода этилиши унинг юксак бадииятини белгилаб беради. Асарнинг бу хусусиятларидан бири иккинчисини келтириб чиқаради.

Ижодкорнинг бадиий маҳоратини таҳлил қилишда адабиёт назариётчилари ҳар бир асар, шу асар ижодкорининг дунёқараши, ғояси, руҳий олами, эстетик идеали, унинг ҳар бир образи, ҳар бир тасвирий воситасида намоён бўлишлигини диққат марказида тутиш лозимлигини қайта-қайта таъкидлайдилар. Ҳеч шубҳасизки, бу талаблар таҳлил мезонлари Навоийнинг бадиий маҳорати, жумладан унинг насрий асарлари бадииятига ҳам тўла тааллуқлидир. Бинобарин, Навоий насридаги бадиият адибнинг шу асарларда илгари сурган ғоявий нияти, уни талқин қилиш, ҳал этишдаги муқаррар позицияси, ўзининг руҳий олами ва дунёқараши билан мутлақо боғлиқ, албатта.

Навоийнинг насрий асарлари жанр хусусиятларига кўра ҳозирги маънодаги бадиий асар бўлмасаларда, улардаги бадиийлик унсурлари шу қадар маҳорат билан сайқалланганлиги, ифодалаш восита ва усулларининг ранг-баранглиги, ҳар бир бадиий бўёқнинг буюк ва сержилолиги - ҳаммаси бирлашиб, уйғунлашиб, асарнинг асосий ғоясини ёрқинроқ очишга хизмат қилади ва уларнинг бадиий асар сифатида ўқилишини таъмин этади.

Навоийнинг қатор прозаик асарлари нисбатан содда, равон тил ва услубда ёзилган. Лекин бу адибнинг барча насри учун характерли эмас. Навоийгача туркий тилда насрий асарлар жуда ҳам оз яратилгани ва форсий наср услуби тобора мураккаблашиб, машҳур чех шарқшуноси Ян Ринка таъбирича, эксцентрик даражасигача бориб етганлиги Навоий насри тили ва услубига таъсир кўрсатмай қолмади. Шунинг учун Навоий насрида мураккаб иборалар, араб ва форс сўзлари, мавҳум образлар кўплаб учрайди. Бу ҳолни олимларимиз Навоий адабий методининг шартлилик аломати, ўзига хос хусусиятларидан бири деб санайдилар.

Навоий насрининг қарийб белгиловчи хусусиятларидан бири уларнинг ҳассос шоир қалами билан битилганлигидир. Бу, аввало, наср билан назмнинг биргаликда, ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан узвий алоқада ишлатилганлигида кўринади. Прозаик асарлар таркибидаги назмий парчалар насрий баёнда ифодаланган фикрни хулосалаш, муаллифнинг асардаги ниятини янада кучайтириб, бўрттириб, эмоционал таъсирчан қилиб бериш учун хизмат қилади.

Навоий насрининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, уларни муаллиф образи бирлаштириб туради. Ҳар бир асарда арбоб Навоий шахсиятининг янги бир жиҳати, ижодкор Навоий даҳосининг янги бир қирраси намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда:

Навоий ижодиётини тўғри баҳолашда насрий асарларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс даражада каттадир;

Навоий ўз насрида, бутун ижодида бўлганидек, қадимий анъаналарни ижодий ўзлаштирди ва даҳо сифатида уларга янгиликлар киритди. Бу билан Навоий ўзбек адабиётини бойитди.

Навоий ўзбек насрига асос солди, кейинги даврлардаги бадиий прозанинг ривожига ҳам катта таъсир кўрсатди.

«ҲАР ҚАЙСИ ЎЗ ФАҲМУ ИДРОКЛАРИГА КЎРА БАҲРА ОЛҒАЙЛАР»

«Маҳбуб ул-қулуб»

Алишер Навоийнинг умри охирида, 906/1500 йилда бу асар ёзилган бўлиб, унда улуғ мутафаккир, буюк шоир улкан давлат арбобининг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси ва хулосаларининг йиғиндиси берилган.

Асарнинг яратилиш тарихи ва ундан муаллиф кўзлаган мақсад муқаддимада муфассал баён этилган. Жумладан, Навоий ёзган: «...мақсуд буким, ҳар кўй ва кўчада югурубмен, ва яхши-ямоннинг афъолин билибмен ва ямону яхши хислатларни тажриба қилибмен... Бу навъ асҳоб ва аҳбобға интибоҳ ва аларни бу навъ ҳолатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўрунди».

Демак, Навоий бу асар одамларга, авлодларга ўрнак бўлиши, яхшиликка интилишлар ва ёмонликдан қочишларида дастуруламал бўлиши кераклигини назарда тутган. Бинобарин, инсонсеварлик ва халқпарварлик асарнинг бош ғоясини белгилайди.

«Маҳбуб ул-қулуб» уч қисмга бўлинади. Асосий ижтимоий мазмунда бўлган биринчи қисмни Навоий «Сори ун-носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти» (яъни, ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи ҳақида) деб атайди. 40 фаслдан иборат бу қисмда феодал жамиятидаги турли ижтимоий табақаларнинг шу жамиятда тутган ўрни ва

вазифаси, уларнинг ўз бурчига тўғри ва ҳалол муносабатда бўлишлари кераклиги ҳақида фикр юритилади.

Подшоҳ ва вазирлар, сарой амалдорлари, жойлардаги мансабдорлар ва қатор нуфузли табақалар ҳақида ўта танқидий руҳда, мударрислар, табиблар, котиблар, шоир ва санъаткорлар каби ижтимоий гуруҳлар ҳақида уларнинг ҳам камчиликлари, ҳам ижобий жиҳатлари кўрсатилгани ҳолда, деҳқонлар ҳақида эса мутлақо кўтаринки ижобий руҳда ёзилади.

Навоий фикрича, шоҳ одил бўлса, мамлакат обод, халқ фаровон бўлади. Аксинча, агар шоҳ золим бўлса, юрт ҳам, раият ҳам оғир ва таҳликали аҳволда қолади. Мансабини суиистеъмол қилувчи вазирларни Навоий золимлар деб атайди. Улар «мулкни барбод бергувчилардур ва мулк ақли йиғиштирғонларни йитиргувчилардур. Авло улким, булар зикрида киши хома сурмағай. Заҳр бериб бемор ўлтургувчи табиб, буларнинг ҳолига мушобиҳдур ва қариб... Булар чаёнлар, халойиққа еткурур зиёнлар».

Навоий «Ясоғлиқ ва қора черик зикрида» деган фаслда ўзининг мамлакатлар ва халқлар осудалигини бузадиган, эл-юрт бошига кулфат ёғдирадиган босқинчилик урушларига ўта салбий муносабатини баён этади. Навоий дейдики: «ясоғлиқ деган қора черик яъжуж ва маъжуж хайлига шерик. Эмгакдин аларга ором йўқ, ясоқ тортардин бир нафас фом йўқ. Ишлари талай олғонни таламоқ, ёт юртда чугурткадек сабза ва яфроғни яламоқ». Кўринадики, Навоий феодал тузумининг таянчи, муҳофаза кучи бўлган лашкарларнинг ғоратчилик ҳаракатларини қаттиқ қоралаган.

Ўз-ўзидан маълумки, ўрта аср феодал тузуми шароитида деҳқонлар асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлган. Навоийнинг катта таҳсинига сазовор бўлган деҳқонлар жамиятнинг бутун моддий базасини яратган. Бу ҳолни алоҳида таъкидлаб, Навоий дейдики, «деҳқон дон сочишидан бошлаб қушлару жониворлар, барча жонзотлар ундан баҳраманд, ҳамма борлиқ ундан обод». Навоий деҳқоннинг таърифи учун ожиз қолганлигига иқрор бўлиб дейдики, «деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур». Бу фаслдаги чуқур самимият билан айтилган сўзлар деҳқон шарафига айтилган насрий қасидадир.

Алишер Навоийнинг мударрислар, табиблар, тожирлар, котиблар ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, уларнинг ижобий томонларини ҳам, камчиликларини ҳам намоён этади. Жумладан, мударрислар жамият учун ғоят керак. Аммо улар амалпараст бўлмасликлари, ўзи билмаган нарсалар ҳақида сўз юритмасликлари ва дарслардан изҳори фазл учун фойдаланмасликлари даркор. Табиблар хусусида сўз юритар экан, бу тойифа ўз ишида билимдон ва маҳоратли, беморларга шафқатли ва марҳаматли, айниқса, улар билан хушмуомала бўлишликлари лозим деб уқдиради.

Замонанинг маърифат тарқатувчилари саналган котиблар меҳнатига Навоий катта баҳо беради. Лекин бу ғоят муҳим ва маъсулиятли санъатга катта талабчанлик билан қараган шоир унинг намояндалари орасида саводсиз, лоқайд ва бадхатлари бўлишлигини зинҳор истамайди ва шундайларни қаттиқ койиб ўтади.

Навоийнинг адабиёт ва санъат аҳлларига бўлган қарашлари ҳам муҳим, албатта. Зероки, бу соҳаларга оид қарашлари бутун бир давр маданий ва адабий ҳаётини йўналтириб турган, унга раҳбарлик қилган, унинг бурчини белгилаб берган буюк арбобнинг, маданият ҳомийсининг қарашидир. Навоий адабиёт ва санъатнинг муҳим ижтимоий-сиёсий қурол эканлигини чуқур идрок этган. Шунинг учун ҳам у адабиёт аҳлида алоҳида асар, шеърият назариясига оид рисола ёзади, достонларида ҳам санъаткорлар ва уларнинг санъатига мадҳиялар битади.

Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб»ида шоирлар ижодини ғоявий йўналишига қараб муайян

гуруҳларга ажратиши, номига шоир бўлиб саёз ижод этганларни танқид қилиши, унинг бутун асарларида, хусусан «Мажолис ун-нафоис»да илгари сурган, сўз санъаткорининг бурчи ҳақидаги ақидаларининг хулосаси сифатида аҳамиятлидир. Навоий уларни шунчайин шоирлик даъвоси ёки шуҳрат таратиш учун эмас, балки «эл файзи учун», «бағоят аржуманд, бениҳоят ташриф ва дилписанд» шеъриятни яратиш йўлида жиддий меҳнат қилишга даъват қилади.

Асардаги санъат аҳлига бағишланган фасл ҳам жуда мароқли ва ибратлидир. Навоий санъаткорларни 4 тоифага ажратади. Улардан бири созанда ва ҳонандалар, иккинчиси бадиий сўз усталари нотиқлардир. Навоий ҳар тоифа намояндалари ижоди ва табиатининг яхши ва ёмон томонларини таҳлил қилиб беради. Навоий мутриб на муғаннийлар ҳақида сўз юритар экан, уларнинг «иккаласига дарду ҳол аҳли жон қилурлар фидо», деб юксак баҳо беради. Чунки шоир таъкидлашича, кўнгил яхши куй чолғувчидан қувват олади, яхши хонанданинг ижросидан руҳ озиқланади. Навоий таассуф билан дейдики, инсон руҳиятига катта таъсир этишга қобил одамлар орасида саёҳсийрат ва гадолари ҳам бор, улар «то буюрғувчида сила ва инъом бор, алар мулозимдур ва хизматкор». Буюрғувчилар сийлови ва дастурхондаги неъматлар тугаши билан ижрочиларнинг нозу истиғноси бошланади. Бундай садқан санъаткорларнинг «аксари фосиқ ва бадхуй ва қолғани кажтабъу дуруштгуй». Бу танқидлар ўз замонаси учун ҳам, хозирги куйларимиздаги айрим ўткинчи, суллоҳ санъаткорларга ҳам тааллуқлидир.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг бу қисмида аёллар ҳақида фасл бор, уни Навоий «Кадхудолиғ сифати ва хотунлар зикрида» деб атаган. Унда уйланиш, оила ва оилада хотинларнинг роли ҳақида сўз кетади. Айниқса, ўрта аср феодализми шароитида Навоий хотин кишининг оиладаги ўрни, айни чоғда, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини эътироф этиши ҳамда уларни улуғлаши Навоийнинг илғор гуманистик ақидалари сирасидандир. У ёзади: «Мувофиқ тушса кадбону, давлат ва жамиятга бўлмоқдурур ҳамзону», «...уйнинг оройиши андин ва уйлуқнинг осойиши андин». Навоий таърифига кўра, хотин агар оқила, саранжом, кўнгилга ёқимли бўлса, оилани гул қилади. Эрларга мурожаат қилиб, агар хотин хушахлоқ, пок табиат бўлса, «рўзғордин ҳар жафо етса, анисинг ул ва чархи даввордин ҳар ибтило келса, жалисинг ул», – деб ёзади, шунинг учун уларни қадрлаш, уларни оиланинг таянчи деб эъзозлаш лозим. Айни чоқда, номувофиқ табиати чиркин, тили аччиқ, беҳаё бўлса, оила учун бедаво дард, чексиз малолат бўлади, оила завол топади. Бу билан шоир хотин-қизларни ана шундай нуқсонлардан ҳоли бўлишга даъват этади.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисми моҳиятан ахлоқий масалаларга бағишланган бўлиб, 10 бобдан иборат. Уларда яхши фазилатлар ва ёмон хислатлар таҳлил қилиб берилади.

XV асрнинг ахлоқий масалалари - одоб, тавозуъ, тавба, зуҳд, қаноат, саховат, карам, ишқ, вафо, сабр, таважжуҳ каби бир-бирига даҳлдор масалалар мавжуд эдики, Навоий уларга ҳам ўзининг илғор позициясидан туриб муносабат билдиради.

Навоий фикрига кўра, тавозуъ такаббурликнинг акси ўлароқ ҳокисорлик, камтарликни англатади. Тавозуъли кишиларга халқнинг меҳри ортади. Навоийнинг образли қилиб айтишича, тавозуъ кишилик чаманида янги-янги гуллар очади, яъни тавозуъли одам янги дўстлар орттиради. Чамандаги ҳар бир гулнинг эса ўзига хос бўйи, атри ва чиройи бор, чаманнинг дилраболиги ва кўркамлиги шундандир. Бу ғоят теранфикр. Дўстлик бир чаман бўлса, ундаги анвойи гуллар дўстлар бўлса, бу дўстликка, ҳамжиҳатликка даъват эмасми?!

Қаноатнинг табиатини таърифлар экан, Навоий, уни суви қуримайдиган булоққа, бойлиги камаймайдиган хазинага, кишига иззат-ҳурмат меваларини туҳфа этувчи дарахтга нисбат беради. Қаноатга одатланган киши бировга ялинишдан, мутеъликдан, тубанлик-

дан, барча руҳий азоблардан фориғ бўлади. Демак, қаноат инсонни қуллик занжирига боғлаб қўйиш учун эмас, балки инсон шахсининг қарамликдан ҳоли, эркин, озод бўлиши учун зарур.

Навоий қаноатга алоқадор бошқа бир тушунча сабр ҳақида шундай дейди: сабр аччиқ нарса, аммо у тотли манфаат келтиради, у қаттиқ нарса, аммо зарарни мулойим даф этади. Навоий сабрни суҳбати зерикарли бўлса ҳам мақсадга аниқ олиб борувчи суҳбатдошга, охири муродга етказувчи улфатга, қадам ташлаши сужет бўлса ҳам манзилга етказувчи уловга ўхшатади. Сабр - табибнинг аччиқ дорисидир, уни ҳеч ким ҳушламайди, аммо у шифо берувчи доридир. Сабр не чоғлик азоб бўлмасин, унинг замирида одамлар манфаати ётади:

Ажаб ранжеки, андин саъб йўқ ранж,
Вале чеккан кишининг баҳраси – ганж.

«Маҳбуб ул-қулуб»даги ишққа бағишланган бобнинг мазмуни шу вақтга қадар тўла талқин қилинмаган эди. Бунинг сабаблари эса изоҳ талаб қилмайди. Навоий ишққа шундай таъриф беради. «Ишқ ахтаредур дурахшанда, башарият кўзи нур ва сафоси андин ва гавҳаредур рахшанда, инсоният тожининг зеб ва баҳоси андин Шўълаедур сўзанда, хошоки кўп жону кўнгул бўлғон ва барқеъдур фурузанда, кўп жону кўнгул ашиъасида кул бўлғон... Ошиқ кўнглиға маъшук хавосин солгувчи ҳам ул ва бир жилваси била нақди ҳаётин олғувчи ҳам ул». Булар ишқнинг умумий моҳияти ва қудрати таърифидир. Ана шундай ишқ ўз рутба, даражасига кўра учга бўлинади ва уларнинг биринчисини Навоий авом ишқи деб атайди. Оддий одамлар орасидаги ишқ. Навоий таъбири билан айтганда, «фалон фалонга ошиқ бўлубтур» мазмунида бўлиб, унинг буюк мартабаси шаръий никоҳдир, пасткиси эса «паришонлик ва мушаввашлиқлар ва бесомонлик ва нохушликларики, зикри тарки адабдур ва баёни беҳижобликка сабаб»дир.

Иккинчи қисм хос ишқи, яъни улуғлар, хос одамларнинг ишқи. Бу ишқни Навоий шундай таърифлайди: «Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси билан ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ». Авом ишқига нисбатан кенгроқ моҳиятга эга бу ишққа мансуб шахслардан Навоий Амир Хусрав Деҳлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомийларни келтиради. Мажоз тариқининг куйчилари Хусрав Деҳлавий ва Ҳофиз Шерозийлар бўлса, Жомий ижодиёти ҳам ишқи мажозий, ҳам ишқи ҳақиқий тараннумининг тимсолидир. Бинобарин, хослар ишқи ишқи ҳақиқий томон бир босқичдек англашилади. Бу босқичда ишққа анчайин кенг боқимдан қаралади, кўнгилларни поклаб, пок эътиқод билан, покиза нафас билан ишқнинг қудрати, у туфайли етишган ҳаяжон ва изтироблар, нашида ва куйинишларни ўзларининг ҳароратли шеърлари орқали тарғиб ва ташвиқ қилиб, бунда сўзнинг мустасно аҳамиятига диққатни тортадилар. Навоий ёзади: «Сўзким дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай ва назмким, ишқ ҳароратидин ҳирқати бўлмағай, нурсиз шам бир ва сарварсиз жам гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур на кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур. Байт:

Сўзки, маъносида ишқ ўти нишони бўлмағай,
Бир тахарруксиз бадан онглаки, жони бўлмағай:

Навоий талқинидаги ишқнинг учинчи таури сиддиқлар ишқидир. «Алар Ҳақнинг тажаллиёт жамолиға музоҳир воситасидин айру вола ва мағлубдурлар». Булар висол майидан

маст бўлган, Ҳақ мушоҳадасидан бўлак нарсалар билан қизиқмайдиган ошиқлардир. Навоий ёзади: «Бу тоифани восиллар дебдурлар, ишқдин васл мақсуди ҳосиллар».

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг учинчи қисми «Мутафарриқа фавойид ва амсол сурати» деб номланган, унда турли фойдали панд-насиҳатлар ва мақол, ҳикматлар жамланган. Одам ва одамийлик, инсоний фазилатлар тўғрисида асрлар мобайнида халқ тажрибаси яратган, халқ билимининг хулосаси сифатида авлодлардан авлодларга кўчган ҳикматларга Навоий ўз ҳаётий мушоҳадаларининг натижаларини омихта қилиб, ўзи айтганидек, «Оз сўз-соз сўз» мақолига амал қилиб, янги-янги маъно ва ниҳоятда халқчил афоризмларни яратади. Ҳеч шубҳасиз, уларга риоя қилинса, баркамол инсон даражасига кўтарилади одам.

Навоий эзгуликлар ва яхши фазилатларни мадҳ этибгина қолмайди, балки жамият учун зарарли, инсонийликка зид ва инсонга ярашиқсиз ҳаракат ҳамда хулқ-атворни фаол ва ҳужумкор танқид остига олади. Шоирнинг танқиди тиғи феодал замонасининг сир хусусиятларидан бири ижтимоий адолатнинг мутлақо номавжудлигига қаратилади. У «танбеҳ»ларидан бирида замонасининг тескарилигидан шикоят қилиб дейдики, бу замонда бировга яхшилик қилганга ёмонлик қайтади, ҳурмат кўрсатсанг такаббурлик оласан, кимгаки бир хизмат қилсанг ўнлаб туҳматга тайёр туришинг керак.

Навоий кимлар ҳақида сўз юритаётгани маълум, албатта. Булар ҳукмрон синф вакиллари, булар нуфузли доирадаги шахслар. Ундайлар олдида, уларнинг хизматида «ҳар вафога юз жафо тортмасанг, гунаҳкорсен на ҳар меҳру муҳаббатга минг дарду меҳнат қабул қилмасанг, табаҳ рўзғорсен. Аларға жон фидо қилсанг, шукронаи жонға миннат қўймоқ тиларлар, агар бу шукронани адо қилсанг, такрорға шуруъ қилмоқ истарлар... Бошларига гул сочсанг, алардин юзунгга тикан сончилур, агар ул гул сочмоғни бас қилсанг, бағрингга чўкур тикилур».

Навоий нафсониятга берилганларни қаттиқ қоралайди. Бу дардга гирифтор бўлганлар, деб уқдиради у, бошқаларнинг бошига тушган кулфатга парво қилмайди, бировга яхшиликни раво кўрмайди, булар ҳамиша ёлғиз ўзи ҳақида қайғуради «ўзгадин ўзи азизроқ ва ўзгалар сўзидин ўз сўзи лазизроқ». Инсон бундай худпарастликдан фориғ бўлмоғи лозим, у барчага ҳамдам, ҳамдаст ва ҳамнафас бўлмоғи даркор.

Жоҳиллик, аччиқ тиллик, ёмон қилиқлик, қаноатсизлик, бачканалик, ғаламислик, ичкиликбозлик, фисқ-фужур ва ҳасад ишлар билан машғуллик Навоий талқинида энг ярамас сифатлар бўлиб, бу иллатларни шоир ҳеч кимда кўришни истамайди. Буларга қарши Навоий эҳсон ва саховатли, карамли ва ҳожатбарор, вафодор ва мурувватли, юмшоқ кўнгилли ва садоқатли, ширинсухан ва ростгўй одамлар фазилатларини қўяди, бундайларни кўкларга кўтариб мадҳ этади.

Навоий халқни талаш ҳисобига бойлик орттиришни харом ҳисоблайди. У халқ ва мамлакат манфаати хизматига қўйилмаган бойликларни кимлар, қандай йўл ва воситалар билан жамлашларини очиқ кўрсатишга интилади. Булар халқ таламчиси золим шоҳ ва фирибгар вазиру амалдорлар, риёкор қозию соҳта шариат пешволари, савдогару чайқовчилар ва х.к.лардир. Навоий ёзади: «Ҳар ғанийки, тириклигида эҳсонидин кўнгулларни шод қилмағай, ўлганидин сўнг ани кимса дуо била ёд қилмағай. Эҳсон тирикликда яхши отдур, ўлгандин сўнг дўзах азобидин-нажот». Бошқа бир «танбеҳ»да Навоий бу ҳақда ёзади: “Киши молдин неким баҳра олди, анингдур. Ҳар неким асради ўзганинг. Заҳмат билан топқонингни ўзунгдин аяма ва меҳнат била йиққонингни дўстлар била егил, душманлар учун асрама”.

«Маҳбуб ул-қулуб»да Навоий вафо билан ҳаёни узвий боғлиқликда олади. Вафони таърифлар экан, вафо инсоният тожини безаб турган қимматбаҳо дур, одамийлик бошидаги ловиллаб турган гавҳарли тождир, дейди. Вафо аҳлининг кўнгли пок, табиати покиза бўла-

ди. Улар ҳасад, кудурат ва кулфатдан узоқдирлар. Лекин катта таассуф билан «жаҳон гулшани вафо гулидин зийнатсиздур на башарият гули вафо райхонидин накхатсиз», - деб ёзади. «Ҳар кўнгулниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур». «Вафосизда ҳаё йуқ, ҳаёсизда вафо йўқ», - деб уқдирар экан, Навоий вафо ва ҳаё шунчаки инсоний фазилатгина эмаслигини, улар ижтимоий-ахлоқий омиллар эканини ҳам таъкидлайди.

Навоийнинг тил ва сўз масаласи, муомала ва нутқ ахлоқига оид фикрлари бошқа асарлари, жумладан, «Мажолис ун-нафоис» достонларида ҳам мавжуд. Лекин «Маҳбуб ул-қулуб»да «Тилга ихтиёрсиз - элга эътиборсиз» деган ғоят теран, ниҳоятда доно фикрни битадики, бу ҳақиқатдан ҳам халқчил ҳикмат замирида бир олам маъно бўлиб, башарият наслини, унинг ўтмишини ҳозирги куни билан боғловчи, халқнинг адабиёти, маданияти узвийлигини таъмин этувчи фаол восита тил эканлиги англашилади. Навоий сўздан эҳтиёткорлик билан фойдаланишни маслаҳат кўради. Уни ёлғонга булғаш ёки аччиқ тилли бўлиш, асли ёлғон сўзни бировга нисбат бериш, сўз ташиш, кўп сўзлаш катта айбдир. «Сўзнинг аснофи бағоят чўкдур, ёлғондин ёмонроқ синфи йўқдур... Улки сўзни бир ердин яна бир ерга еткургай, анинг ўтган гуноҳини ўз бўйнига индургай... Сўз тергувчининг агар улуғи, агар кичиги - билки, эрурлар тамуғ ушнинг тутруғи... Сўзи ҳисобсиз - ўзи ихтисобсиз». Бир сўз билан айтганда, «Чин сўз мўтабар, яхши сўз муҳтасар».

Асардаги қатор «танбеҳ»лар шуҳратпарастликнинг зиёни, бахилликнинг касофати, жаҳолатнинг зарари, бадхўрликнинг оқибати, қариганда қилинган бачканаликнинг кулфати, ўринсиз ҳазилнинг ҳурматсизлик келтириши ва х.к. мавзуларига бағишланади. Навоий дейдики, «саҳву хато башарият лозимидур», яъни инсоннинг хато қилиши табиийдур. Аммо ҳамма жасорат тасодифан ёки заруратан йўл қўйилган саҳву хатони тузата олиш, ундан тўғри хулоса чиқара билишдадур.

Навоий илмнинг хосияти, олимларнинг шаънига кўп мадҳиялар айтган. Илмпарварларни хирадмандлар деб олқишлаган, толиби илмларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Лекин Навоий олимлар ўз билимларидан амалда фойдаланишларига катта аҳамият берган. Бу ўринда Навоийнинг олимлик одоби юзасидан билдирган фикрлари диққатга сазовар бўлиб, ўз аҳамиятини бугунги кунларда ҳам йуқотмаган дейиш мумкин. У айтади, олим ўз илмининг даражасини, қадрини сақлаши керак, илмига нисбатан жаҳолати устун олимлар билан беҳуда суҳбатлардан қочиш лозим, зероки, бу гавҳарни тошга уришлик билан баробардир. Навоийнинг «Билмаганни сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим». «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» каби доно ўгитлари халқ ҳикматларига айланиб кетган.

Шундай қилиб, Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ўз даврига, ундаги ижтимоий табақалар, гуруҳлар, ахлоқий масалаларга фаол муносабат билдиради, ўзининг авлодларига қаратган энг эзгу, энг покиза туйғулари, истаклари, панду насиҳатларини дадиллик ва қатъийлик билан баён этади.

Асарда наср билан назмнинг биргаликда келиши, унда саж санъатининг кенг ишлатилиши, асосий фикрни далиллаш учун ҳикоятлар келтириш, насрга хос бўлган турли бадиий санъат ва воситалардан фойдаланиш Навоийнинг бадиий маҳоратини рўйи рост намоён қилади.

Навоий ўз фаолияти ва ижодида адабиёт ва санъатнинг муҳим ижтимоий қурол эканлигини эътироф этган назариётчи ва тадқиқотчи ижодкор сифатида қалам тебратади. Натижада асар барча давр ва замонлар эҳтиёжини қондирадиган муҳим бир жиҳатини намоён қилади.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг 10 бобдан иборат иккинчи қисмидаги диний-ахлоқий тушунчалар ҳақидаги қарашлари тўла ўрганилмаган. Уларни шоир қарашларидаги «маҳдудлик» дея изоҳлашга ҳаракат қилишган. Бу давр ётлик сиёсати ва мафкураси тазйиқи билан содир бўлгани ҳозирги кунда маълум ва равшан. Бу қисмда тариқат мақомларидан баҳс этувчи «тавба», «зухд», «таваккул», «сабр», «ризо» ва ахлоқий тизимга алоқадор мафкумлар ҳақида сўз юритилади.

«Тавба» тасаввуфда соликнинг худованд томон сафаридаги биринчи мақом бўлиб, истилоҳда тавба рухнинг бедорлиги, деб таъриф қилинади, хатто тавбани руҳнинг биринчи исёни ҳисоблайдилар. Қуръони Каримда тавба 87 марта эслатилади. Муҳаммад (а.с.) пайғамбар «мен ҳар куни 70 марта тавба қиламан» деган эканлар.

Навоий ёзади: «Тавба шақоват тариқининг ниҳоятидур. Аноният ғафлатидин сескан-макдур ва башарият уйқусидан уйғанмак ва ношойист аҳволин англамоқдур ва нобойист афъолин тонгламоқ... Бу мартаба тариқат аҳлининг аввалги гомидур ва мақсад водийсининг аввалги манзилига ҳомийдур».

Навоий бу мақом талқинида ирфоний адабиётда айтилганларга риоя қилади ва уни босиб ўтишда айниқса, «нафси аммора» фасодини енгиш, унга банда бўлишни тарк этишлик, хулқни поклаш билан саодатга эришиш мумкинлигига урғу беради. Шариатда вожиб, тариқатда лозим бўлган тавбани Оллоҳ тоати ва нафснинг тарбияти ҳам дейилади. Бу мақом моҳияти Шайх Абдуллоҳ Муборакнинг тавбаси ҳақидаги ҳикоятда очиб берилади.

«Зуҳд» мақомини ҳам Навоий мавжуд таъриф ва ундаги қайдларга мос тарзда талқин қилади... Зуҳд бандаларнинг Худога юз қаратишларидир. Зуҳд қўлни мулкдан ва дилни ёмонликлардан ҳоли қилишдир.

Машҳур аллома Жунайд: «Дунё лаззатларидан кечмак – нафснинг зуҳди, охират лаззатларидан кечмак – дилнинг зуҳди ва бу йўлда ўздин кечмак жоннинг зухдидир», – деб ёзади. Хожа Абдуллоҳ Ансорий зуҳд уч нарсада: 1 дунё, 2 хулқ, 3 ўзликда намоён бўлади, деб уқдиради. «Зуҳд» сўзидаги ҳарфларга ҳам шундай маънолар берилади: «з» – тарқи зийнат, «ҳ» – тарки ҳаво, «д» – тарки дунё.

Навоий ёзади: «Зуҳд – дунё орзуларидан кечмакдур ва нафс аларнинг мавто заҳрин ичмак. Ва молу жоҳ ҳаёли ристасин кўнгулдин узмакдур ва нангу номус бутларин ушатурга ўзин тузмакдур». Зоҳиднинг аъзолари - боши, кўзи, қулоғи, оёғи нималардан асраниши лозимлиги ҳақида сўз юритиб, «ҳар солиҳгаким, бу мақом муяссар бўлса, ошнолиги шамъидин нур етгай ва ул нур парчави анинг кўнглини масрур этгай», деб ёзади.

Бу боб сўнгида Навоий воқеъий ҳикоят келтиради. Мавлоно Шамсуддин Муъидди Уча Хазрат Расул (а.с.)нинг Ухуд жангида муборак тишлари сингани хотири учун 32 тишини синдириб, остида бир бўйра, бошида бир ғишт, масжидда яшар экан. Кичик Мирзо (Ҳусайн Бойқаронинг жияни) уни зиёрат қилгани масжидга кирибди, унинг ахволини кўриб лол қолибди, бир ховуч тилло инъом этмоқчи бўлибди. Шунда Мавлоно: «Ҳеч нимарсага эҳтиёжим йўқ. Агар олгудек бўлсам, сиз ўргатинг - қайга қўяй ва не қилай?» – дебди. Кичик Мирзо ғоят таъсирланиб, кўз ёш қилиб чиқиб кетган ва бу воқеани унинг ўзи Навоийга айтиб берган экан. Кейинчалик Навоий ҳам Мавлонони зиёрат қилишга мушарраф бўлган экан.

Асардаги «таваккул» мақоми талқини ҳам ўзига хос. Бу маком Қуръони Каримда 40 марта тилга олингани Таваккул зоҳидлар дилининг асоси. Расуллоҳ суннати касби, иймон чашмасидир. Таваккул дил аҳволининг ҳолати ва иймон самарасидир. Таваккул тариқатда сулук асосидир.

Алишер Навоий талқинида таваккул Ҳақ йўлида ҳар қандай восита ва васила кабиларни орадан кўтариб, узрсиз ва сабабсиз яратганга банда бўлмоқдир. Навоий ёзади: «Таваккул

аҳликим, мақсуд водийсига қадам қўюбтурлар», йўл зоди (озуқа) ҳақ хони (дастурхони) эҳсонидин билибтурлар. Таваккули дуруст элнинг емаги хақ хони инъомидиндур... ва қиймати анинг хизонаси эҳсон икромидин.

Саъй била азал қисматин орттурай деган ёғин риштасига гиреҳ урай дер. Важд (холдаги туғён, шавқ) билан қалам ёзган қазони қайтарай деган қуруғ ерда кема сурай дер...» Бу мақом мохиятини Навоий Шайх Иброхимнинг шогирди билан Каъба сафарига бориш ҳикоятида очиб беради.

«Ризо» мақоми соликнинг охирги ва олий макоми. Унга худованднинг барча иродатларига рози бўлиб, барча риёзатларидан рози колиб етишилади. Илоҳнинг қазосига ризолик унга бўлган комил муҳаббатнинг самараси экан. Бу орифлар даражаси бўлиб, уларнинг дилига Оллоҳнинг лутфлари тез-тез тушиб туради, бунда «хол» содир бўлиб туради. Зуннун: «ризо дилнинг шодлиги ва қазонинг аччиқлиги», - деган экан.

Бу мақом моҳиятини ҳам Навоий ўзига хос бир тарзда талқин қилади: «Ризо - ўз дилхоҳ ва ризосидин кечмакдур ва ҳақ субхонаху ризоси жомин ложуръа ичмакдур». Навоий солик бу мақомда ҳам ички изтиробу интилиш (талаб)лардан, ҳам зоҳирий гўзалликлардан ўзини халос бўлган ҳолда сезиши, лекин назарсиз уларни тасаввур қилиши, жаннатдан шод бўлмаслиги, дўзахдан ўртанмаслигини гўзал тимсоллар, бадиий бўёқларда беради. Мана бу сўзларга фикр беринг: «Дўст ризосиға жон фидо қилғай ва агар яна жон тиласа, анинг учун бўлғайким, мунунг шукрин адо қилиш бўлғай. Тирикликни анинг ризоси учун тилағай ва ўлумда анинг ризосин топса, жон бериб истағай ризосин». Навоий ҳикоят ўрнида Ҳазрат Алининг ризо мақоми ҳақидаги сўзларини келтиради.

Шундай қилиб, бу қисмда Навоий «тавба», «зуҳд», «сабр», «таваккул», «ризо» мақомларига таъриф беради «Вараъ» ва «фақр»ни киритмайди. Шунингдек, бу қисмда «қаноат», «тавозуъ», «зикр», «таважжуҳ» ва «ишқ» таърифларини ҳам беради.

Модомики, мақомлар соликнинг ҳаёти мобайнидаги Ҳаққа етишишдаги унинг риёзатлари, машаққатларидан ўтиш манзиллари зоҳирий амрлар, бурчлар экан, Оллохнинг соликка кўрсатган лутф-марҳамати «ҳол» бўлиб, у ботиний (зеҳний) таъсирлар, амрлардир ва улар 10 та. «Ҳол» онийдир - елдирим, чақмоқдекдир: 1 - Муроқаба, 2 - Қурб, 3 - Муҳаббат, Ишқ; 4 - Хавф, 5 - Ражоъ, 6 - Шавқ , 7 - Унс , 8 - Мушоҳада, 9 - Итмийнон, 10 - Яқийн.

Хожа Абдуллоҳ Ансорий «Сад майдон» асарида ёзади: «Аз ошноий то дўстдорий ҳазор мақом аст, аз огоҳий ба густоҳий ҳазор майдон аст ва аз ин жумла бар сад майдон ниҳода». (яъни, танишишдан севишга қадар минг мақом бор, огоҳликдан густоҳликгача минг мақом бор ва булар юз майдонга жойлашгандир (У ҳар мақомни майдон деб атайди). Аввал «тавба» мақоми юзинчи майдон баҳодир, деб қайд қилади. Ансорий таснифлаган мақомлар ичида «ҳол»га дахлдор мафҳумлар ҳам берилган. Алишер Навоий ҳам шу йўлдан боради. Бунинг ўз маъноси бор. Бир жиҳатдан, Навоий Абдуллоҳ Ансорий шахсиятига ва ижодига катта таважжуҳ билан қараган, ҳатто давлат хизматидан кетмоқчи бўлганида Ҳусайн Бойқарога Гозургоҳда Абдуллоҳ Ансорий қабри бошида жорубкашлик қилсам, деган фикрни билдирган.

Иккинчиси, XIV-XV асрларда тасаввуфни ахлоқий жиҳатларини илгари суриш (рус шарқшунослари таъбирича, «морализация суфизма»), ҳаёт билан яқиндан боғлаш ғоят кучаяди. Ана шундай назар Ансорийдан бошланган ва Навоийда ҳам ўз аксини топган. «Тавозуъ» ва «адаб», «сабр» ва «қаноат», «таважжуҳ» ва «ишқ» таърифига «Маҳбуб ул-қулуб»да алоҳида боблар ажратилиши шулар билан изоҳланади.

Хожа Абдуллох Ансорий «ишқ»ни алоҳида майдон сифатида бермайди. Лекин ўз асарини шундай сўзлар билан якунлайди: «Ин сад майдон ҳама дар майдони муҳаббат мустағрак.

Аммо дўстий се мақом аст: аввал ростий ва миён мастий ва охир нестий» (яъни, бу юз майдон муҳаббат майдонида ғарқдир. Аммо дўстлик майдони уч мақомдир: аввал ростлиқ ўртаси ростлиқ охири йўқликдир).

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг учинчи қисмида у ёки бу фойдали фикрлар ва масаллардаги ҳикматлар юзасидан сиёсий, ижтимоий, аҳлоқий ва таълимий қарашларни бирлаштириб, қисқа, аниқ «танбеҳ» (огоҳ этиш, хушёр қилиш)лар бериб юради. Улар 127 та бўлиб, ҳажман бир-биридан фарқ қилади. Ана шу "танбеҳ"лардан Навоий асарлари 15 жилдлигида 22 таси маълум сабабларга кўра тушириб қолдирилган ва бинобарин, кенг ўқувчиларга етказилмаган эди. Бу ерда уларнинг умумий манзараси ва моҳиятига қисқаси тўхталиб ўтиш жоиз кўринди.

Бу танбеҳларда Оллоҳ даргоҳининг юксаклиги, боқийликка рағбат, улухиятнинг сифатлари, Тангри дўстларининг ҳикояти, уларнинг аҳлоқи ҳақида ривоятлар, Тангрининг иноятлари, бебаҳо нарсаларга кўнгул боғламаслик, ишқи ҳақиқий, вали неъматда айб кўрувчи қуллар, нафснинг балоси, тавба, баднафслар зулми, соҳибдиллик, оламнинг бевалиги, давлатга эътимоднинг оқибатлари, подшоҳлар, шариат, зуҳд, риё, фосиқлиқ, тенгри ҳукмларини адо қилишлик ёки қилмаслик, солик пешалари, кўнгил уйини асраш ва охират тадоруки ҳамда муножотлар қаламга олинади.

Тенгри дўстларини билиш учун яқин кўзи очиқ бўлмоғи керак, Тенгри ёдида югурмоқлик учун эса тавфик оёғи ланг бўлмаслиги керак, дейилган «танбеҳ»да яқиндил билангина кўриш мумкин бўлган нарса, кўз билан кўриладигани илм дейилади. Баъзи тасаввуф истилоҳлари луғатида яқин зуҳури нури ҳақиқат, деб уқдирилади. Навоий аҳли яқин иборасини авлиёлар маъносида ҳам ишлатади, тавфиқ деганда умур (бирлиги амр) - ишлар жараёни англашилади, вафқ (фойдали) муродга интилиб, хақ ва хақиқатга мойил тарзда чин кўришлик тушунилади. Тавфиқнинг аввали ислом, ўртаси иймон, оҳири эхсон саналади. «Танбеҳ»даги исломий тарбия ўгити бошқа бир неча «танбеҳ»лардаги ўгитларга ҳамохангдир.

Тенгридан иноят неларга қодир эканлиги ҳақидаги «танбеҳ»да Луқмон ва Жолутлар тилга олинади. Навоий ёзади: «Агар Хақдин иноят бўлса, қул шоҳлар шоҳи бўлиши мумкин. Акс эса шавқатли шоҳ ҳам маҳв бўлиб кетади. Луқмон ҳикмат ва нубувват фарҳин (бошин) кўкка етказди. Жолут ривоятларга кўра кофирлар подшоҳи бўлган ва беҳисоб қулларга эга бўлган. Уни Толут деган Бани Исроил ҳукмдори Довуд амри билан қатл этган. Бир «танбеҳ»да вали неъматга, пирга айб раво кўргувчининг гуноҳи ҳақида «Муридга пир, ўғулга ота, ҳодимга маҳдум хаққи андоқдурким, бандаларга Қодири қайюм ҳаққи», деб ёзади Навоий. Бу «танбеҳ» моҳияти Навоийнинг Биноийга берган баҳосида ҳам ўз аксини топган: «Чун пири ва муршиди ишқ эрди ўз бошича иш қилган учун ҳеч фойда бермади... риёзатлар тортти».

Навоий шеърларида, насрий асарларида, хусусан, «Муножот»да нафс, кибр-ҳаво, ҳирс ва х.к.лардан етишадиган зулмларни енгиш учун тавба лозимлиги ҳақида кўп ёзган. Бир неча «танбеҳ» шулар ҳақида.

Нафси кофирдин неким етгай санга,
Айлаб тавбада мардона бўл.
Йўл икидур, журм бирдур, тавба - бир,
Ул агар боғланди, очуғдур бу йўл.

Кўнгил таърифи ҳам Навоийда кўп учрайди. Уни Оллоҳга муҳаббат хилватхонаси, анвори Илоҳий тажаллийси қиладиган жой, табиат покланадиган маскан, деган таърифлар шарқ шеъриятида бот-бот тилга олинади. Икки «танбеҳ»да бу ҳақда ёниқ фикрлар берилади. Уларда ҳам мажозий, ҳам ирфоний мазмун бор. Навоий ёзади: «Кўнгул маърифат боғидин ва ваҳдат раёҳинининг эсган насимидур ва руҳоният гулистонидин ошнолиғ гулларининг шамимидур. Хусн малоҳатин идрок қилувчи ҳам кўнгул ва ишқ ўти ёлинига ёқилгувчи ҳам кўнгул. Хўблар хусни тўзига кабоблиғ қилувчи ҳам ул ва жамол латофати ганжига хароблиғ қилгувчи ҳам ул. Ишқ мулқи ободлиги анинг ашки селобидин ва шавқ шабистони ёруғлиги анинг шуълаи тобидинким, аҳли диллар кўнгулни бу ишқ шуъласи нуридин, ул шуъла нурли суруридин айрулмасунлар ва риёйи зуҳд хайлиға қотилмасунлар».

Яна бир «тадбеҳ»да ўқиймиз: «Сувдин асрағуликдур туфроқ ва болчиғ уйин ва ўтдин асрағуликдур ёғоч ва қамиш ўйин ва елдин асрағуликдур бўз (чодир) ўйин ва туфроғдин асрағуликдур кўз ўйин, жамиъ мосуваллоҳ (Худодин бошқа) дин асрағуликдур кўнгул ўйин». Кўринадики, бу ерда шоир кўнгулни ирфоний маънода покиза сақлаш лозимлигидан огоҳ қилади.

Мени бедилға, ёрабю бу кўнгулни тутғил арзоний,
Ани мендин айирма дағи менсиз тутмагмил они.

Бу ерда кўнгилга етишадиган энг катта офат риёдандир, деган тушунчани уқамиз. Ахлоқ уламолари риёни юқорида айтилганидек, инсоний ихлос ва диний эътиқоднинг энг зарарли офати ҳисоблаганлар.

«Дунёга кўнгул боғлаш ғафлат. Олам умрдек бевафодур анинг давлатиға эътимод қилмоқ хато»; «Бу беш кунлик дори фонийда дорулбақо узун йўли яроғин солиҳ амал қил», мазмунида ҳам «танбеҳ»лар бор.

«Маҳбуб ул-қулуб» сўнгидаги хотима - муножот ҳам тушириб қолдирилган эди. Унинг мазмуни Навоийнинг “Муножот” асаридаги илтижоларга ҳамоҳангдир. «Илоҳи, бу ажзоки (яъни) «Маҳбуб ул-қулуб») яхши ва ёмон сифати анда мазкурдур, мақбул ва мардуд ҳолати анда мастур, битгувчи агарчи ямонлардин на яхшилардин эмас, аммо сендин яхшилик тамаъига ўзин ёмонлардин демас... Кўнглини тасаллийи висолинг била овут ва кўзини тажаллийи жамолинг била ёрут. Бу замири фарзандин кўзларга маҳбуб эт ва бу бағри пайвандин кўнгулларга марғуб эт».

Модомики, Алишер Навоий ҳар бир асарини ўз фарзанди деб билган экан, бизлар ана шу аржуманд фарзандларни мажруҳ эмас, яратилганича бўлиқ бекаму-кўст нашр этмоғимиз уларни авайлаб, ҳар жиҳатдан ўрганиб, халқимизнинг маънавий камолоти хизматиға кўймоғимиз даркор.

«БУ АСР ШУАРОСИ БИЛА БУ ДАВР ЗУРАФОСИ ОТИН САБТ ЭТИЛГАЙ»

«Мажолис ун-нафоис»

Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» номли тазкирасининг энг диққатга сазовар хусусиятлари шундан иборатки, унда муаллиф сўз санъатини жамият, халқ хизматига қўйишга интилиши, адабиётнинг чуқур мазмундорлиги ва юксак бадиийлиги учун кураши, уни шу асосда ривожлантириш учун ҳаракат қилиши кўзга ташланиб туради; унда Навоий замонасининг маданияти кенг акс эттирилади; унда муаллиф адабиётга, уни баҳолашга ўз даврининг энг билимдон олими сифатида ёндашади.

Шунингдек, Навоий ўз тазкираси билан ўтмиш шоирлар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёт бўлган қалам аҳлини рағбатлантириш, айниқса ёш шоирларни илҳомлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу ҳақда тазкира муқаддимасида Навоий шундай деб ёзади: «... шикаста хотирга ва синиқ кўнгулга андоқ келдиким, бир неча варақ битилгай ва бу аср шуароси билан бу давр зурафоси отин анда сабт этилгай, то бу ниёзмандлар ҳам бурунги шуаро акобири зайлида мазкур бўлғайлар ва бу пайравлар ҳам ул раҳбарлар ҳайлига кўшулғайлар. Бу жиҳатдин Султон соҳибқирон (яъни, Хусайн Бойқаро)нинг ҳумоюн валодатлари замонидин рузафзун давлатлари давронигачаким, қиёматгача барқарор ва олам инқирозигача пойдор бўлғай, улча фақир этибмен, аммо хизматларига етмаймен ва улча хизматларига эшитибмен, аммо ҳоло бу фарруҳ замонда намояндадурлар ул ҳазратнинг зоти малакий сифатига мадҳи сароянадурлар, жамъ қилилғай ва ҳар қайсининг натойижи табъидин бирор нима нишона йўсунлуқ ёзилғай...»

Шундай қилиб, Алишер Навоий ўзининг бу ажойиб асарини ўз замондошларига бағишлади. Бу билан у тазкирачиликда янги мактаб яратди. Ана шу жиҳатлари билан ҳам «Мажолис ун-нафоис» ёзилганидан сўнгги йиллардаёқ у Шарқ мамлакатлари шоирлари, тарихчилари ва олимларининг диққатини кўп марталаб ўзига жалб этиб келган, кейинги яратилган тазкираларга чуқур ижобий таъсир кўрсатган.

«Мажолис ун-нафоис» 896/1490-91 йилда яратилган. Асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш жараёнида шу нарсани аниқладикки, 903/1497-98 йилда Навоийнинг ўзи бу тазкирага бир қанча янгиликлар киритган, яъни асарнинг иккинчи таҳririни амалга оширган.

Навоий асарни саккиз қисмга «мажлис»га бўлади ва 459 шоир ва адабиёт аҳллари ҳақида маълумот беради. Тазкира мундарижасидан шу нарса яққол сезилиб турадики, адабий ҳаётда жуда кўп кишиларнинг қатнашиши (уларнинг аксарияти профессионал шоир бўлмаса ҳам) Навоийга чуқур мамнуният ва қониқиш бағишлаган.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да шоирлар ижодини таҳлил қилиш, уларнинг асарларидаи намуналар келтириш билан чекланиб қолмасдан, умуман адабиёт назарияси, хусусан, шеършунослик масалаларини ҳам ўртага ташлайди. Адабиётнинг асосий масалаларидан бўлган шакл ва мазмунни Навоий диққат марказига қўяди ва бу ҳақда илғор фикрларни олға сурилади. У шаклнинг мазмундан устун қўйилишига қарши чиқади. Шунинг билан бирга шаклни менсимасликни ҳам қоралайди. Шакл мукаммаллигини Навоий сўз санъатининг муҳим белгиси деб ҳисоблайди. Булардан келиб чиқиб, Навоий шоирлар ижодига баҳо беришда фақат асарларнинг ғоявий мазмунигагина эмас, балки унинг бадиий маҳоратига ҳам алоҳида эътибор беради. Навоийнинг шу масалалар билан алоқадор мулоҳазаларини диққат билан ўрганиш шуни кўрсатадики, унинг фикрича,

шеърият, умуман адабиёт инсоният маданиятининг юксак бадиий шаклсиз тасаввур қилиш қийин бўлган бир қисмидир.

Навоий ҳар бир шоир ижодига тамомила конкрет ёндашади, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳам конкрет хулосалар чиқаради. У шоир камчиликларини кўрсатибгина қолмасдан, катта санъаткор сифатида йўл қўйилган хатоларни тузатиб кетади, бошқача қилиб айтганда, қандай қилиб яхши ёзиш керак деган саволга жавоб бериб боради. Масалан, Навоий Риёзий деган шоирнинг қуйидаги:

Ситораест дурри гўши он хилолабрў,
Зи рўйи ҳусн ба хуршид мезеанад паҳлў

матлаъсида икки мисранинг ўзаро боғланиши учун бир боғловчи зарурлигини таъкидлайди ва уни шундай таҳрир қилади:

Зи рўйи ҳусн дурри гўши он ҳилолабрў,
Ситораест ки бо моҳ мезанад паҳлў

(яъни, ҳусн юзасидан ул ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу шундай бир юлдузки, ой билан ёндошиб туради).

Навоий таҳририда ўхшатиш ҳаётий моҳият касб этади, зотан «юлдуз қуёш билан қўшни» (Риёзийда) эмас, «юлдуз ой билан қўшни» дейилса, мантиқан тўғри бўлади ва шеъриятнинг муаййян қонунига мос ҳам келади.

Муаллиф шоирлар ижодига баҳо беришда ёлғиз бадиий ижоди билангина чекланмайди. У жамиятга фойда келтирувчи фан ва маданият соҳасида ҳар томонлама кенг маълумотга эга бўлган истеъдодли шахсларни олқишлайди. Бу билан у кишиларни фақат шеъриятни эмас, балки фанни, касб-ҳунарни атрофлича эгаллашга даъват этади. Бу ўринда Навоийнинг ҳиротлик шоир Мавлоно Биноийга берган таърифи мароқлидир: «...Бағоят қобилияти бор, аввал таҳсилга машғул бўлди, анда рушди бор эрди... хатқа ишқ пайдо қилди, оз фурсатда ободон битди. Андин сўнгра мусиқий фанига майл кўргузди, бот ўрганиб, хейли ишлар тасниф қилиб, рисолалар дағи адворда битди...»

Навоий шоирларнинг маънавий қиёфасига ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. Улардаги ичкиликка берилиш, фитна-фужурга мойиллик, безорилик каби нуқсонларини қаттиқ қоралади, улардаги софдиллик, олижаноблик, меҳнатсеварлик, одоб-тавозеъ ва бошқа фазилатларни улуғлади.

Маълумки, Навоий замонида ҳукмрон бўлган мафкура вакиллари ҳур фикрли кишиларга қарши аёвсиз кураш олиб борар эдилар. Навоий улардан фарқли ўлароқ ҳукмрон мафкурага қарама- қарши фикрлар баён этувчилар ҳақида ҳам холис тўхтаб ўтади. Айрим ҳолларда уларга ҳайриҳохлик билдиради: «Мавлоно Ҳусайн Хоразмий - ...Мавлонони Шоҳруҳ мирзо замонида бир ғазал учун такфир қилиб, Хоразмдин Ҳирийга келтирдилар, чун донишманд ва истилоҳ билур киши эрди, ҳеч нима собит қила олмадилар, қайтиб ўз мулкига кетди ва ул ғазалнинг матлаъси будурким:

Эй дар ҳамаи олам пинҳон туву пайдо ту,
Ҳам дарди дили ошиқ ҳам асли мудово ту

(яъни: Эй бутун оламга яширин ҳам, ошкора ҳам ўзингсан. Ошиқ дилининг дарди ҳам, асл давоси ҳам ўзингсан)

Шайх Озарий деган шоир Ҳиндистонга қилган сафарида Гулбарга деган диёр подшоҳи унга «бир лак ёрмоқ таклиф қилади» ва буни олишда ҳиндлар одати бўйича ерга бош қўйишни айтади. Лекин шоир бунга рози бўлмайди. Тазкирадаги бу ва бу каби жиҳатлар эркин фикрлиликнинг ўсишига рағбат бўлиб хизмат қилганлиги шубҳасиздир.

«Мажолис ун-нафоис»да Ҳирот шаҳри ҳунармандлари кенг ўрин эгаллайди. Булар ҳақида Навоий самимий муҳаббат билан ёзади: косагарлар Машриқий, Саидий, Ҳамдамий, жомабоф Нажмий, калвогар Офатий, куфтагар (металлга зарб чекувчи) Мир Хошимий, камонгар Бақоий, кордгар (пичоқчи) Устод Муҳаммад Убаҳий, кафшдўз Тоҳирий, киссадўз Зайн, ҳаймадўз (чодир тикувчи) Арғун, дарзилик қилувчи (тикувчи) Хонарий, хиштмоллик (ғишт қуйиш) санъатига мансуб Дарвеш Деҳақий ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тазкира материаллари, адабий ҳаётда фақат ҳунармандларгина эмас, шунингдек, ўрта аср шаҳарлари учун характерли бўлган бошқа касб эгалари ҳам фаол қатнашганини кўрсатади. Булар Мадраса мударрислари Бурҳониддин, машшоқ бастакор, мусиқа назариячилари, номини айтиб ўтганимиз Биноий, Солимий, Шайхий, Камолиддин Удий, Қул Муҳаммад, табиблар - Дарвеш Али, Шомий, хаттотлар – Жамшид, Мажнун, Султон Али Машҳадий, Султон Али Коиний, мунажжим Кавкабий, кимёгар Абдукаххор, наккош Ҳавоий, Ёрий ва б.

«Мажолис ун-нафоис» ўша даврда адабиётда қандай жанрлар тараққий этгани ҳақида ҳам маълумотлар беради. Масалан, маснавий, ғазал, қасида, рубоий, қитъа, рубоий, туюқ муаммо ва б.

Тазкирада Навоий шоирлар ижодидаги энг характерли намуналарни келтиради. Уларни танлашда Навоий ўзининг танқидий қарашларидаги илғор позициядан келиб чиқади.

Хуллас, бу асар Навоий ижодига хос бўлган халқчиллик ва реалистик руҳда ёзиганлиги билан, ўша даврлар адабий маҳсулотидан келтирилган қимматли ва ноёб намуналар ва шоир ҳамда адабиёт аҳлларига берилган ҳаққоний таъриф, баҳолари билан алоҳида бир аҳамият касб этади.

«Мажолис ун-нафоис»даги энг диққатга молик масалалардан яна бири шундан иборатки, унда ўзбек тилида ижод қилган шоирлар ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Навоий сиёсий-ижтимоий ва адабий-танқидий қарашларининг белгиловчи жабҳаларидан бири она тилидаги бадиий ижоднинг равнақи бўлган. У ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари ва девонларига ёзган «дебоча»сида шоирларни ўз она тилларида ижод қилишга даъват этади. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да ўзбек тилида ижод қилган 39 шоир ҳақида маълумот беради. Бинобарин, туркийгуй шоирлар ғоят камчиликни ташкил қилган. Бунинг сабабини Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида жуда яхши изоҳлаб берган. Навоий ўзбек адабиётининг равнақини таъминлаш учун шу халқ орасидан чиққан санъаткорлар ўз она тиллари хусусиятларини, унинг шеърият учун бой имкониятларини ўрганишлари, бу йўлда учраши мумкин бўлган қийинчиликлардан чўчимасликларини таъкидлаб ўтади.

«Мажолис ун-нафоис»да автобиографик маълумотлар ҳам анчагина учрайди. Булар - Навоийнинг хаёлларда бўлгани, кимлар билан учрашгани, унинг муаллимлари, устозлари, мураббийлари, яқин дўстлари, суҳбатдошлари, у билан ёзишиб турган шоирлар, қариндошлари, фарзанди ўрнидаги шахслар ва х.к.лар ҳақидаги қимматли қайдлардир. Тазкирада давр мусиқа маданиятига оид маълумотлар ҳам мавжуд.

«Мажолис ун-нафоис» Алишер Навоийнинг ғоят қизиқарли ва энг ҳаётий асарларидан биридир. У жуда жонли ва равон тил билан ёзилган. Ҳар бир шоирга бағишланган мақолалардаги жумлалар ихчам, фикр ва баҳолар йиғноқ. Улар оригинал тасвир, ҳазил-мутойиба, гўзал лавҳаларга бой. Навоийнинг ижодкор портретини чизиши, характерини

яратиши, адабий анжуманлар, бадиий ижодга алоқадор вокеаларни тасвирлаши ва ҳ.к.лар насрдаги маҳоратини рўйи рост намоён қилади.

Навоийнинг ўз даври маданий ҳаётидаги ижодкор ёшларга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қарагани, уларга катта ғамхўрлик қилгани, уларнинг ҳар жиҳатдан камолоти хусусида қайғургани уни ҳамма замонларга ҳамнафас буюк сиймо эканлигидан далолат беради.

«Мажолис ун-нафоис»и билан Навоий тазкирачиликнинг янги бир йўналишига асос солди, кейинги даврларда яратилган тазкираларга баракали таъсир кўрсатди. «Мажолис ун-нафоис»нинг тарихига қайтиб...

Филология фанлари доктори Эргаш Рустамов «Гадоийнинг бир қасидаси ва «Мажолис ун-нафоис»нинг ёзилиши тарихи» (Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1967 йил, 2-сон) номли мақоласида Гадоий ижодига тўхталаркан (шу ўринда айтиш жойизки, Э.Рустамов ўз тадқиқотида Я. Экманн нашрига таянади), унинг тугалланмаган қасидасининг кимга бағишлангани масаласига алоҳида эътибор беради. Олимнинг фикрига кўра, қасида Амир Темурнинг севимли набираси Халил Султонга бағишланган. Шунингдек, Э. Рустамов ўз мақоласида Халил Султоннинг туғилиши (1384) Темурнинг Ҳиндистонга юришида (1399) қатнашиши ва севгилиси - оддий табақадан чиққан қиз Шод Мулкка уйланиш (1404) тафсилотларини баён этади.

Гадоий қасидаси бағишланган ва қасидада номи келтирилганлиги султон Халиллулоҳни Темур набираси деб тушунган). Э. Рустамов «Қасида ёзилган пайтда Гадоий йигирма ёшлардан ошган Абулқосим Бобур саройида хизмат қилган даврда (1452-1457) 9 ёшларга кирган бўлса керак деб фараз қилиш мумкин»[1], деб ёзади.

У «Мажолис ун-нафоис»да Навоийнинг ўзи қайд этган тарих – 896/1490-1491 йилни тазкиранинг фақат иккинчи мажлисигагина оид деб қарайди ва «Тазкирада келтирилган бошқа тарихлар[2] 896/1490-1491 йилдан илгариги вақтни кўрсатадики, бу ҳам иккинчи мажлиснинг бошқа мажлислардан кейин ёзилганини тасдиқлайди»[3], дейди.

Э.Рустамов бу ерда бир нарсага аҳамият берган. У ҳам бўлса, «Мажолис ун-нафоис»ни форс тилига таржима қилган Фахри Ҳиротий тазкира ёзилган йилни 890/1485 йил деб кўрсатади, дейишидир. Ҳолбуки, Фахри Ҳиротий тазкира яратилган йилни 890 йил деб бермайди. У асарни ўз ихтиёридаги қўлёзма асосида таржима қилар экан, иккинчи мажлис сарлавҳасида кўрсатилган тарихни таржимада бериб кетаверади. Э.Рустамов келтирган иқтибос остидаги изоҳда бу ҳақда очиқ-ойдин айтилади. Негадир Э.Рустамов унга эътибор қилмайди. Ҳамма гап шундаки, Гадоий қасидасида номи келтирилган шаҳзода Темур набираси, Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон бўлиши мумкин эмас. Чунки Халил Султон 1404 йилда Темурнинг розилигисиз Шод Мулкка уйлангач, Темур ғазабига учрайди ва Темур уни Тошкент атрофидаги аскарларига бошлиқ қилиб пойтахтдан узоқлаштиради. Темур вафотидан сўнг 1405-1409 йилларда Халил Султон Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилади. 1409 йилда Шоҳрух Темур давлатининг олий ҳукмдори деб эълон қилингач, у ўз ўғли Улуғбекни Мовароуннаҳрга ҳоким қилиб тайинлайди ва Халил Султонни пойтахтдан узоқлаштириш тадбирини кўради. Халил Султон, Абдураззоқ Самарқандийнинг хабар беришича, 812/1409-1410 йилда Шоҳрухга мулозим бўлиб Мовароуннаҳрдан Ҳиротга

---

[1] Ўша жойда, 39-бет. Э. Рустамов булар ҳақида ҳеч қандай далил келтирмайди. Ваҳоланки бошқа тарихларга ишора қилувчи маълумотлар илгари эмас, аксинча, кейинги йилларга ишора қилади.

[2] Э.Рустамов булар ҳақида ҳеч қандай далил келтирмайди. Ваҳоланки бошқа тарихларга ишора қилувчи маълумотлар илгари эмас, аксинча, кейинги йилларга ишора килади. Каранг: Алишер Навоий, Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий текст. Тошкент, УзССР ФА нашриёти. Тошкент, 1961, 206-бет. Шу асардаги макола.

3 Ўша жойда, 40-бет.

келади. Бир неча кундан кейин «номдор амирларни ўн минг сувори билан унга қўшиб (собиқан) унинг марҳум отаси мирзо Мироншоҳ девонига тааллуқли Ажам Ироқи ва Озарбайжонга юзланишни ва эплаган ерларини (бошқалардан) халос қилиб олиб, қайси ерни мамлакатдан деб билса, ўша ерда мақом қилишни тайинлади... Мирзо Халил еттинчи Зул-л-каъдада (13 март, 1410) Ироқ томон жўнади»[1].

Халил Султон бир неча муддат Райда яшайди. Бу аснода у Умар шайх ўғли Рустамнинг иниси Искандарга қарши юришларида ёрдам сўраб илтижо қилганига кўра Исфаҳонга келади. Халил Султон Рустам номидан Искандарга сулҳ таклиф қилади, лекин уларни муросага келтира олмай, Райга қайтиб кетади ва ўша ерда 16 ражаб 814 йилда (3 ноябрь 1411) вафот этади[2].

Гадоийнинг бу Халил Султонга, яъни Темурнинг учинчи ўғли Мирошноҳнинг фарзанди Халил Султонга қасида бағишлаши ҳар қандай эҳтимолдан жуда йироқдир.

Бизнинг фикримизча, Гадоий ўз қасидасини Темурнинг катта ўғли Жаҳонгирнинг биринчи ўғли Муҳаммад Султоннинг тўнғич ўғли Халил Султонга бағишлаган.

Абдураззоқ Самарқандий маълумотларига кўра, Шоҳрух 816 йил 14 жумодул охирда (1413 й. 11 сентябр) ўз қизини Муҳаммад Султоннинг ўғли Муҳаммад Жаҳонгирга узатади. Никоҳ маросими Ҳиротда Боғи Зоғонда ўтказилади. Бу никоҳдан 826 (1423 й. 19 август) йил 12 рамазонда Халил Султон туғилади. Тарихий манбаларда Халил Султон хақидаги навбатдаги қайдни биз Шохрух вафоти билан боғлиқ маълумотда учратамиз. Шохрухнинг вафоти куни (1447 йил. 12 март) унинг бошида шаҳзодалардан Абулқосим Бобур, мирзо Абдуллатиф ва Шохрухнинг қизи томонидан набираси бўлмиш Мирзо Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли Халил Султонлар ҳозир бўлганлар. Шоҳрух ўлимидан кейин тахт учун кураш айниқса авж олади. 1417–1452 йилларда ҳокимият тепасига бирин-кетин Улуғбек, Абдуллатиф, Мирзо Абдуллоҳлар чиқдилар[3]. Феодал иртижоъ авжига минади. 1452 йилда эса Хуросон тахти Улуғбекнинг жияни Абулқосим Бобур қўлига ўтади. Абулқосим Бобур 1457 йилда вафот этади.

Гадоий ўзининг хомийси Абулқосим Бобур мирзо ҳали ҳаёт эканида ёнида унинг салтанати ва тахтининг тақдири ҳақида бош қотириб юрган ва шу пайтларда ўз қасидасини ёзган:

Замоне субҳидам андиша бирла ҳамнишин ўлдум
Ки, муддатлар анинг-ла бўлмиш эрдим ҳар қаён ҳамроҳ.
Дедимким, билса бўлмас дунёнинг ишини баъдул-яъм,
Агар топса заволе бу камоли салтанат ногоҳ,
Кима қолгай бу мунча карру дору мансаби олий,
Ким ўлғай уш мукнатга ким бўлғусидир шоҳ?

Гадоий Абулқосим Бобурдан сўнг тахтда унинг яқин мулозимларидан, ўзи яхши таниган ва билган шахзодалардан бири - султон Халилни қўришни истайди:

Лисон ул-ғайбтин келди қулоғимга хитобеким:

Шаҳаншоҳларнинг сарвари султон Халилуллоҳ.

---

[1] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн. Т.: Фан, 1969. Б. 145. Ўша асар, Б. 169.
[2] Ўша асар. Б.ЗЗО, 421, 6-изох.
[3] Абдураззок Самарқандий. Матлаи саъдайи ва мажмаи бахрайн II жилд, 2-кисм. Иктибос асарнинг узбек тилига мутаржими А.Уринбоевнинг нашрга тайёрлаган кўлёзмасидан (265-бет) олинди.

Э.Ахмадхўжаев «Гадоий ижодининг ўрганилишига доир» деган мақоласида шоир ижоди юзасидан ёзилган илмий мақола ва айрим қайдларга тўхталиб ўтади. Қасида ва унинг адресати юзасидан Э. Рустамовнинг юқорида тилга олинган китобида ва «Ўзбек тили ва адабиёти» журналидаги мақоласида айтган фикрларига тўла қўшилади ва унинг «Мажолис ун-нафоис»нинг ёзилган йили ҳақидаги: «Тазкиранинг биринчи ва иккинчи мажлислари Навоий замондошларига бағишланган асосий мажлислардан кейин, қўшимча равишда ёзилган бўлса керак». «...Асарда келтирилган бошқа тарихлар 1491 йилдан илгариги вақтни кўрсатади» деган фикрларини келтиради ва «ана шу нуқтаи назардан қараганда Э.Рустамовнинг тахмини ҳақиқатга яқиндир», деб ёзади[1].

Яна шу муаллиф «Мавлоно Гадоий – номли бошқа мақоласида шоирнинг яшаган даври ва туғилган санасини аниқлашда Э.Рустамов «бирмунча ҳақиқатга яқин хулосаларга келган», деб ёзади. «У бу масалада, – давом этади Э.Ахмадхўжаев, - Гадоийнинг қасидаси ва Алишер Навоийнинг маълумотларга суянган холда иш қуриб, шоирнинг туғилган йилини 1360 йиллар атрофида бўлса керак, деган хулосага келади. Гадоий, Навоийнинг гувоҳлик беришича, темурийлардан Шоҳрухнинг набираси, Бойсунғур Мирзонинг ўғли Абулқосим Бобур Хуросонга подшоҳлик қилган 1452/1457[2] йилларда 90 ёшлардан ошган эди. Шундай экан, шоир тахминан 1360 йил атрофида туғилган бўлади»[3].

Аввало, шуни айтиш керакки, Навоий шоир Гадоий Абулқосим Бобур даврида 90 ёшдан ошган эди, деб гувоҳлик бермайди. У «Бобур мирзо замонида шеъри шуҳрат тутди», дейди. Бу қайддан кейин шоир шеъриятидан намуна келтиради ва «Мавлононинг ёши тўқсондан ўтубтур» дер экан, Гадоийнинг «Мажолис ун-нафоис»и ёзилган пайтдаги ёшини кўзда тутади.

Айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкин:

Гадоийнинг бизгача кичик парчаси (13 байтдан иборат) етиб келган қасидаси Темурнинг набираси Халил Султонга эмас, Шоҳруҳнинг набираси (қизининг ўғли) Халил Султонга бағишланган.

Қасида ёзилган пайтда Гадоий йигирма ёшлардан ошган, Абулқосим Бобур саройида хизмат қилган даврда (1452-1457 йилларда) 97 ёшларга кирган бўлса керак, қасида ёзилган даврда шоир эллик ёшларда бўлган ва 896/1490-1491 йилларда («Мажолис ун-нафоис» ёзилаётганида) у 90 ёшлардан ошган. Навоий тазкирасида у учинчи мажлисда, яъни хаёт ва Навоий бевосита мулоқотда ва суҳбатларда бўлган шоирлар сирасида келтирилади. Юқорида келтирилганидек, «Мажолис ун-нафоис» 896/1490- 1491 йилларда ёзилган ва 903/1497 1498 йилларда Навоийнинг ўзи томонидан унинг иккинчи редакцияси амалга оширилган.

«Мажолис ун-нафоис»нинг форсий таржималари. Алишер Навоийнинг бу асари Шарқнинг кўп мамлакатларида шоирлар, адабиётшунос олимлар диққатини ўзига жалб этиб келган. Жумладан, Сафавийлар Эронида, Туркияда Усмонли султонлар саройида, Шайбонийхонлар Мовароуннаҳрида тазкирага зўр таважжуҳ билан қарадилар. Бу ҳол Яқин Шарқ мамлакатларининг маданияти тараққиётидаги турли тенденциялар билан боғлик эди. Баъзилар ўз янги ҳокимиятларида Ҳиротнинг бутун маданий ёдгорликларидан баҳраманд бўлиш мақсадида, бошқалар ўз адабий фаолиятларида уларни ўзлаштириш учун, баъзилар эса истиқболдаги адабиёт равнақи йўлида ўтмишдаги санъаткорлар ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиш ниятида Навоий тазкирасига алоҳида эътибор билан

[1] Адабий мерос. 2-китоб. Т.: Фан, 1971. Б. 183-189.
[2] Мажолис ун-нафоис». Илмий-танқидий текст. Тошкент: Фан, 1961. Б. 6-12.
[3] Шарқ юлдузи. 1971. 12-сон. Б.199.

қарадилар. Мана шулар натижасида XVI асрнинг ўзидаёқ «Мажолис ун-нафоис» уч марта форс тилига таржима қилинди[9].

Биринчи таржима 928/1521-22 йилда Эрон шоҳи Тахмаспнинг сарой шоири Фахрий бин Султон Муҳаммад Амирий томонидан бажарилган. Фахрий ўз таржимасини сафавийлар сулоласининг асосчиси шоҳ Исмоил, унинг иккинчи ўғли Соммирзо, қизилбошлардан бўлган шоҳ Исмоилнинг энг яқин амири Амир ул-умаро Дурмишхон Шомлу ва вазир Каримиддин Хожа Хабибуллоҳ Соважийга, охирги бобини эса, шоҳ Исмоилнинг вазири Мирзошоҳ Ҳусайнга бағишлагандир.

Иккинчи таржима 929/1522-23 йилда Истамбулда тугалланган. Мутаржими Муҳаммад Қазвиний Турк султони Салим I (1512- I 520) ва унинг вориси Сулаймон I нинг сарой табиби эди. У ўз таржимасини Султон Салим I га бағишлаган.

Бу икки таржима ноширн, Эрон олими Али Асғар Ҳикмат китобига анчайин муфассал сўз боши ёзган. Унда «Мажолис ун- нафоис»нинг аслияти ва форсий нусҳалари билан қай йўсинда танишгани, уларнинг қўлёзма нусҳалари, Алишер Навоий, унинг номи билан боғланган осори атиқалар (25-бет), таржимонлар ва таржималар тарихи, ёзилган йили ҳақида маълумотлар, асарнинг 1 асл нусхасидаги муқаддиманинг таржимаси[2], ношир ихтиёридаги асл нусхаларнинг тавсифи, нашр принциплари ҳақидаги маълумотлар келтирилади. (913-бет).

А.Ҳикмат аслиятнинг уч нусхаси (907/1588-89, 1030/1620-21 ва 1051/1641-42 йилларда кўчирилган) билан форсий таржималарнинг турли қўлёзма нусхаларини муқояса қилади ва ўз нашрида ўрни-ўрнида мавжуд фарқларни матн остида изоҳлаб ўтади. Олимнинг таҳлилига асосланиб айтиш мумкинки, таржимонларнинг иккиси ҳам Навоий муқаддимасини тушириб қолдирганлар ва унинг ўрнига ўзлари сўз боши ёзганлар; баъзан муаллиф матнига янги маълумотлар илова қилганлар, баъзан эса аслиятдаги қатор номларни ташлаб ўтганлар.

Фахрий Ҳиротий ўз таржимасини «Латойифнома» деб атайди ва ўзидан 189 шоир ҳақида маълумот берувчи IX мажлисни илова қилади. Бу мажлис ўз навбатида яна 9 қисмга бўлинади ва биринчи қисм Алишер Навоийга бағишланади. Ҳусайн Бойқаро ижодига бағишланган VIII мажлис жуда ҳам қисқартирилиб, фақат 2 та туркий байтгина намуна тарзида келтирилади.

Муҳаммад Қазвиний ўз таржимасининг рўёбга келиш сабабини муқаддимада шундай баён килади: «Навоий тазкирасида келтирилган шеърлар форс тилида, шоирлар ҳақидаги маълумотлар эса туркийда (Қазвиний «туркийи тотор», дейди) берилган. Бу тилни кўпчилик билмаганлиги туфайли форсчага таржима қилинди, токи шеър билан шоирлар ҳақидаги маълумотлар бир тилда бўлсин ва форслар улардан тўла баҳраманд бўлсинлар».

Қазвиний асарнинг номини ўзгартирмайди. «Мажлис»ларни эса, «беҳишт» деб атайди. Бу мутаржим ҳам VIII мажлисни ғоят қисқартириб, уни VII мажлис охирига қўшиб юборади ва ўз тарафидан махсус боб - «беҳишт» очади ва бу янги «беҳишт»ни икки қисм - «равза»га бўлади. Уларнинг биринчисида классик шоирлар (Жомийнинг «Баҳористон»идагидек), иккинчисида эса турк султони Салим поэзияси ва унинг 150 та сарой шоири ҳақида маълумот берилади.

Қазвиний Навоийнинг шоирларга берган таърифини таржима қилар экан (Фахрий хам), аксар холларда улар ҳақида ўзи билган, ёхуд эшитган маълумотларни илова қилиб, кетади матнни истаганча қисқартиб ёки ўзгартиб ҳам юборади. Шубҳасиз матнга нисбатан бундай

[1] Бу ҳақда яна қаранг: С.Ғаниева. Давр - адабий ҳаёти кўзгуси / Алишер Навоий.

[2] Ноширнинг илтимосига кўра таржималарда эътибордан четда қолган аслият муқаддимасини Исмоил Амир Хизий амалга оширган.

эркин муносабат у даврларда таржима ишларини бирмунча бошқача тушунилганидан далолат беради. Бинобарин, таржима оригинал асар ҳақида умумий тушунчанигина беради ва ўзи маълум даражада оригиналлик касб этади ва мустақил асар бўлиб қолади. «Мажолис ун-нафоис» таржимасига ҳам бу айтганларимиз тааллуқли бўлиб, унга киритилган қўшимча ва иловалар Навоий хаёти, ижоди ва муҳитини, шунингдек, XVI асрнинг биринчи ярмидаги усмонли турклар даври адабий ҳаётини ўрганишда муҳим манба сифатида аҳамият касб этади.

Навоий III мажлисни Абдураҳмон Жомий номи билан бошлайди. У Жомийнинг асарлари барчага ғоят маълум бўлгани учун намуналар бермайди. Қазвиний эса Жомийнинг турли ғазалларидан 7 байт келтиради.

Мавлоно Соҳиб Навоийнинг мусоҳибларидан, даврнинг кўзга кўринган маданият арбобларидан бири эди. Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вакоеъ» асарида Навоий билан Соҳиб орасидаги муносабат ва муомаланинг жуда яқинлигини кўрсатиб берувчи бир катор ҳикоятлар келтиради. Хондамир ҳам «Макорим ул-аҳлоқ»да уларнинг дўстлиги ҳақида ёзиб, Соҳибнинг Навоий вафотига атаб ажойиб марсия ёзганини эслатиб ўтади. Қазвиний Соҳибга берилган таърифининг сўнгида бир сафарда Соҳиб билан Навоий ораларида бўлиб ўтган зарофатни ҳикоя қилади ва Соҳибнинг Навоий вафотига ёзган марсия – қасидасини келтиради. Қазвиний таъкидлашича, ундаги ҳар байтнинг биринчи мисраси Навоий таваллудига, иккинчи мисраси эса унинг вафотига таъриф ҳамдир. Қасида ҳар банди 8 байтдан иборат таркиббанд шаклида ёзилган[11] бўлиб, ҳақиқатан ҳам абжад ҳисобида ҳар байтнинг биринчисидан Навоий туғилган 844/1441, иккинчисидан у вафот этган 906/1501 йил чиқади.

Қазвиний «Мажолис»даги Биноий ҳақидаги мақолани тўла таржима қилади ва Навоийнинг «Ҳирида тура олмай Ироққа борди» деган жумласидан сўнг ўзидан Ироқдан Озарбайжонга борганини ва Табрезда Султон Яъқубга мусоҳиб бўлганини ва аксар вақтини ижод билан ўтказганини илова қилади. Сўнгра мутаржим Биноийнинг «Мажолис»даги байтини келтиргач, Навоий билан Биноий ўртасидаги ҳазл-мутойибалардан икки зарофатни ҳикоя қилади. Булар «Бобурнома» ҳамда «Бадоеъ ул-вакоеъ»ларда Навоийга бағишланган ўринларда келтирилган. Шундай ҳазиллардан кейин, – дейди Қазвиний, – Навоий билан Биноий муносабатлари кескинлашиб кетди ва Биноий Хуросонда тура олмай Ироққа жўнайди, ҳамда Султон Яъқуб саройида шуҳрат қозонади. Султон Яъқуб вафотидан кейин яна Хуросонга қайтади ва Шоҳибекхон ўзбек салтанати айёмида иззат ва ҳурматларга сазовор бўлиб, юксак лавозимларга кўтарилди. Ва ниҳоят ўзбекларнинг сафавийлар билан қилган жангларининг бирида шаҳид бўлди, деб ёзади. Учинчи бандда бир байт етишмайди. Фахрий Ҳиротий бу марсия 45- байтдан иборат эди, деб ёзади. Лекин намуна учун фақат 2 байтинигина келтиради. «Мажолис»нинг I мажлисида Навоий шоир Котибий ҳақида «Мавлоно Астрободда тоун марази (ўлат касали С.Ғ.) била оламдин ўтти ва ўтар ҳолда бу қитъани айтиб эрдиким...», – деб ёзади ва шоирнинг бир қитъасини келтиради. Қазвиний эса, Мавлоно Астрободда тоун тарқалганида бир қитъа айтган эди – дейди ва асл нусхадаги қитъани келтиради. Шундан сўнг у шоирнинг ўлими ҳақида Навоийда йўқ маълумотни беради. Қазвиний эшитганига кўра ёзишича Котибий бир бемаза ўйин (ҳўкизнинг калласини отиб ўйнаш) пайтида меҳр боғлаб юрган бир йигитни ўлдириб қўяди. Бу вокеадан сўнг ўзини ўзи ҳалок қилади. Қазвиний Шарафиддин Али Яздий ҳақида ҳам ғоят қизиқарли бир нақл қўшади. Бу нақл ўша даврларда анча машҳур бўлганини таъкидлаб ўтади: Мирзо Улуғбек Шарафиддин Али Яздийни Тафтдан Самарқандга таклиф қилади. Шоир ўзининг жавоб номасида қуйидаги байтни хам битиб юборади.

Зинҳор Шараф зи Тафт берун нарави,
К-овози духул шунидан аз дур хуш аст

(яъни, Шараф зинҳор Тафтдан четга чиқмагил, чунки нигора овозини узоқдан эшитган яхши).

Бу байтнинг икки маъноси бўлиб, бири Мавлоно овозаси (яъни, Шарафиддин Али Яздий ўзидан кўра маъқул яхшироқ деган маънони билдирса, иккинчиси - Мир (яъни Улуғбекнинг - С.Ғ.) овозаси ўзидан яхши деганни билдиради. Мирзо ана шу иккинчи маънони ўқиб Мавлонодан каттиқ ранжийди. Кейинчалик уни тан олмай юради. Абдуллатиф билан жангда мағлуб бўлган Мирзо ҳеч ким танимаслиги учун шоҳона либосини ечиб оддий кийимда бир отхонага яширинади. Ҳаво жуда совуқ бўлганлигидан ўша ердан полон (от ва эшаклар ёпинчиғи) топиб устига ташлайди. Шунда Мирзо ёдига Шарафиддин Али Яздийнинг шеъри тушади. Уни Мирзо «никбат» (мусибат, фалокат аломати) деб тушунади ва 9 байтли қитъа битади. Қитъа замонанинг гуллар юзидан иззат ниқобини кўтариб ташловчи шамол эканлиги, у баъзан мурод отига миндириб, баъзан никбат полонини устингга ёпади, кўзга саодат сурмасини торттирмай, дил кўзини ғафлатга мойил қилади. Хулоса шуки, машаққат домидан халос бўлишни ўйлама, дунё учун машаққат чекилади-да. Қандай яхшики, мард шер виқорли қадам билан Шарафдек узлатдан этак силтайди, - мазмунида ёзилган бўлиб, Улуғбекнинг ҳаёти сўнгидаги руҳий кечинмаларини очиб беради. Қазвиний ўз таржимасида Бобо Савдоий, Дарвеш Қози Исо, Шайх Нажмиддин каби ижодкорларга Навоий бағишлаган мақолаларни турли маълумотлар билан тўлдиради. Бу зайлдаги қўшимчалардан ташқари Қазвиний жуда кўп шоирларнинг, чунончи, Бисотий, Саййид Али Охий, Савдоий, Хожа Муайяд Меҳна, Хожа Масъуд Қумий, Риёзий ва бошқаларнинг шеърларидан яна биттадан еттитагача байт келтиради. Бу билан ҳам мутаржим «Мажолис»нинг адабий манба сифатидаги аҳамиятини янада орттиради.

Таржимада баъзи чалкашликларга ҳам йўл қўйилган. Масалан, Навоий III мажлисда Сойилий деган шоир ҳақида ёзади: «Мавлоно Сойилий-Жуяннинг Ховаршосидиндур. Дарвешваш ва камсухан кишидур. Баъзи ашъори ёмон тушмас». Қазвиний бу таърифни айнан таржима қилгач, қуйидагиларни қўшади: (таржимада келтирамиз). «Мажолис»да (у ҳақда) қанчалик кам гапирилган эса-да, шеър ва асар яратиши шунчалик кўп эди. Ҳозир Румда. Ўша ернинг котибларидандир. Султонга китобат қилиб маош олади. Лекин аксар вақтини ўз шеърларини кўчириш ва таснифлар қилишга сарфлайди. «Гулистон» ва «Бўстон» жавобида асарлар ёзди. Бу билан ўзини ҳажв қилди. Мавлоно умри давомида пархез тутади ва ҳайвон гўшти емайди, ва лекин Султон улуфасини (маош, озиқ-овқат) ейди. Содда кишидир. Шеър ёзишда муҳайё ўлиб, уни ўрнига қўяди». Шундан кейин Навоий келтирган бир байтини беради.

«Мажолис»нинг VI мажлисида яна бир Сойилий деган шоир бор. У ҳақда Навоий ёзади: «Мавлоно Сойилий -Қаршиликдур. Анингдек сариъ ул-қалам (қалами чаққон) котиб ўз замонида йўқтур. Ҳар кун беш юз байт осонлик била битир. Туркваш (гўзал) сода йигит кўрунур, аммо кўрунгандек эмас. Бу яқинда девон дағи тартиби ҳуруф билан тузатти...» Қазвиний юқоридагиларни ўз таржимасида шундай беради. «Мавлоно Сойилий - Қаршиликдир. Сариъ ул-китобат, фоний йигитдур. Ақли тез ва содда, шеър битишда муҳайё ва чаққон». Кейин ўзидан илова қилиб ёзади: «Ҳозир 968 (яъни 1559-60) йилда Румдадур. Ҳамиша парҳезкор, ҳайвон гўшти емайди. Ва лекин Султон улуфасини ейди. «Гулистон» муқобаласида бир асар ёзди. Аммо ўзидан бўлак ҳеч ким китобат (кўчирмайди)

ҳам қилмайди, ўқимайди ҳам. Ҳар байта ҳарф тартибида девон тузди, аммо қоралама ҳолдадир».

Кўринадики, мутаржим қаршилик шоир ва котиб йигит Сойилий билан жўянлик парҳез сақловчи, дарвешваш, камсухан шоир Сойилийни чалкаштириб юборади. Натижада иловаларда такрорга йўл қўяди, гарчи шеърларни келтиришда адашмаган эса-да. Бу ҳол Қазвиний таржимасига, айниқса унинг I-VII мажлислардаги қўшимчаларига танқидий қарашни тақозо қилади.

Қазвиний таржимасининг яна бир камчилиги - туркигўй шоирларга бағишланган мақолаларни ё бутунлай тушириб қолдириши, ёхуд ниҳоятда қисқартиб беришдир. Масалан, Лутфий, Атоий, Саккокийлар ҳақидаги маълумотлар қисқартиб ташланган, улар ижодидан намуналар ҳам бир байтдангинадир. VII мажлисдаги темурийлар ҳонадонидан шеърият билан машғуллик қилганлар орасидаги туркигўй Абубакр мирзо, Султон Искандар, Халил Султон, Саййид Аҳмад мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Шоҳ Ғариб мирзо, Фаридун Ҳусайн мирзолар туширилиб қолдирилган. Бу ҳол Қазвинийнинг ўша даврларда қадимий ўзбек тили ва шу тилдаги адабиётни камситиш тенденциясига риоя қилганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги баъзи нуқсонлар, чалкашликлар ва тенденциозликдан қатъи назар Қазвиний таржимаси қўшимчалари, тўлдирилган маълумотлари ва янгидан ёзиб илова қилинган охирги боби билан муҳим адабий манба сифатида қимматлидир.

«Мажолис ун-нафоис»нинг учинчи таржимаси ҳақидаги маълумотлар Ч.Ръёнинг фиҳристида учрайди. Мазкур икки таржима нашри сўзбошисида Шоҳ Али Абдулали томонидан қилинган, лекин тугалланмай қолган бу таржима Британия музейида сақланаётгани қайд этилади. Ўтган йили қўлёзманинг микрофильмини олишга муваффақ бўлдик.

Қўлёзма 200 саҳифадан иборат. Асар муқаддимаси «Одоби тасниф»га кўра «Басмала», Оллоҳнинг ҳамди, Муҳаммад пайғамбар наъти ва бағишлов берилгандан сўнг мутаржим номи келтирилади.

Таржима Султон Динмуҳаммад Баҳодирга бағишланган. Динмуҳаммадни ўзбек султонларидан Жонибекнинг ўғли бўлган, Абдуллоҳ эса Жонибекнинг холаваччаси эди, деб ёзади. Шу номда яна икки ҳукмдорлар бўлган: бири шайбонийлардан Аванешхон ўғли Динмуҳаммад Марв ҳукмдори бўлиб, Убайдуллохоннинг ашаддий мухолифи бўлган; яна бири Пирмуҳаммад Шайбонийнинг ўғли бўлиб, у Балхда 974/1566-67 - 980/1572-73 йилларда ҳукмронлик қилган.

«Музаккири аҳбоб»да Хожа Ҳасан Нисорий Динмуҳаммад Жонибек набираси, ўғли Пирмуҳаммаднинг ўғлидир, деб ёзади.

Ҳар қалай, таржима бағишланган Динмуҳаммад ана шу Пирмуҳаммаднинг ўғли бўлиши керак. Бинобарин асар 60-70 йиллар орасида таржима қилинган. Агар асар Ч. Ръё ёзганидек, Абдулмўъмин вафотидан сўнг Ҳирот тахтига ўтирган Динмуҳаммадга бағишланган, V 1006/1586 йилда шоҳ Аббос томонидан шикаст егач Мовароуннаҳрга қочган ва қочиш пайтида вафот этган эди. Агар бу версия инобатга олинса, таржима 80-90 йилларда Нишопурда бажарилган бўлади. «Мажолис ун-нафоис»нинг илмий-танқидий матни бўйича 459 биринчи таржимада 385, иккинчи таржимада 389 шоирлар ҳақида маълумот мавжуд. Учинчи таржима эса тугалланмаган, унда 383 шоир ҳақида маълумот келтирилади. Айтиш мумкинки, таржимонлар муаллиф иродасига маълум даражада эҳтиётлик билан ёндошганлар. Матнни бузиш, мазмунни ўзгартиб юбориш ҳоллари деярли учрамайди, лекин уни янги маълумотлар билан тўлдириш бор. Учинчи таржима аввалги иккисидан бир муҳим фарқи билан эътиборни тортади. У ҳам бўлса, туркийдаги шеърият намуналари форсийга таржима қилиниб, қўлёзма ҳошиясида берилиб борилишидир. Айни чоғда таассуф уйғо-

тадиган бир ҳол хам кўзга ташланадики, Навоийнинг ҳар бир шоир шеърларидан намуна келтирганидан кейин берган маълумотлари - унинг қачон ва қаерда вафот этгани, қаерга дафн этилгани ва бошқа турли мазмундаги қайдлари таржимада туширилиб қолдирилган.

Учинчи таржимада Навоийнинг ўзи томонидан тўлдирилган, мажлислар оҳирида берилган «итмом», «ихтитом», «хатм», «охир», «ғоят», «ниҳоят» деб номланган якуний қисмлар сақланган.

Бу уч таржимани асл нусха билан ва ўзаро қиёслаб ўрганиш ўша давр таржима санъатининг ўзига хос жиҳатларини белгилаш имконини беради ва мутаржимларнинг бу соҳадаги маҳоратларини ҳам юзага чиқаради.

Фахрий Ҳиротийнинг икки тазкираси – «Равзат ус-салотин» ва «Жавоҳир ул-ажойиб»нинг ноширн, покистонлик олим Саййид Ҳусомуддин Рашидийнинг «Фахрий Ҳиротийнинг аҳвол ва асарлари» деб номланган (урду тилидаги) муқаддима мақоласида «Мажолис ун-нафоис»нинг тўртинчи таржимаси ҳам мавжудлиги ва бу Абдулбокий Шариф Резавий томонидан 1246/1830-1831 йилда форсийга таржима қилинган ва мутаржим хати билан кўчирилган нусха 445 рақами остида Мадрасада сақланаётгани таъкидланади.

«МАЖОЛИС УН-НАФОИС» ТАЪСИРИДА ЁЗИЛГАН ТАЗКИРАЛАР

Содиқ Китобдор.
«Мажмаъ ул- ҳаввос»

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси унинг достонлари, лирик шеърлари қатори кенг тарқалган ва шуҳрат қозонган асаридир. Бу асар ундан кейин яратилган қатор тазкираларга чуқур ижобий таъсир кўрсатди, Ҳасан Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб», Сом Мирзонинг «Туҳфаи Сомий», Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро», Малеҳо Самарқандийнинг «Музаккир ул- асҳоб», номаълум муаллифнинг «Тазкираи шоирон», Саййид Муҳаммад Сиддиқ Ҳасанхоннинг «Шамъи анжуман», Табибийнинг «Мажмуат уш-шуарои Ферузшоҳий» ва ҳоказо тазкираларда бу хусусда тазкира муаллифларининг махсус қайдлари ҳам мавжуд.

«Мажолис ун-нафоис» таъсирида ёзилган тазкиралардан яна бири Содид (ёки Содидбек Афшор) Китобдорнинг «Мажмаь ул- ҳаввос»[1] асаридир. Бу асарнинг аслият ва форсий тилига таржимачаси билан танишиб чиқиш қуйидаги маълумотларга эга қилди.

«Мажмаъ ул-ҳаввос» 1016/1597-98 йилда мўғул тилида ёзилган. Табриз университетининг профессори доктор Абдурасул Ҳайёмпур уни форс тилига таржима қилиб, 1327 йил шамсияда (1948 йил) Эроннинг Табриз шаҳрида нашр эттирган. Асар 327 бетдан иборат.

Мутаржим муқаддимада қуйидагиларни маълум қилади: Абдурасул Хайёмпур Истамбулда Университет кутубхонасида тасодифан Шоҳ Аббоснинг китобдори Содиқ Афшор томонидан ёзилган «Мажмаъ ул-ҳавосс» номли тазкирани кўриб қолади. Кўлёзма ўзининг ажойиб мавзу ва нафис ҳуснихати билан олимнинг эътиборини жалб қилади. Ҳайёмпур асарни қунт билан мутолаа қилиб чиққач, Алишер Навоий тазкираси қабилидаги муҳим асар эканлигига амин бўлади. Олимда уни форсийга таржима қилиш иштиёқи пайдо бўлади.

Мутаржим тазкира муаллифи ҳақида берган маълумотларини – «хорижий» (ташқи) ва «дохилий» (ички) манбалардан олганлигини уқтириб ўтади. «Ҳорижий» манбалардан «Донишмандони Озарбайжон» (муаллифи Муҳаммад Али Тарбият)да Содиқбек Афшор ҳақида анчагина маълумот берилади.

Содиқбек 940/1533-34 йилда Табризда дунёга келади. 20 ёшида отаси ўлдирилгач, амирлар хизматига киради. Шоҳ Исмоил II даврида давлат кутубхонасига ишга олинади. Шоҳ Аббос уни «Жадиди китобдорий» (улкан китоб сақловчи» мансабига кўтаради. Содиқбек форс ва турк тилларида ҳам назм, ҳам насрда бемалол ижод қила олган. У шунингдек, муншилик ҳам қилган, наққошлик ва чизмачилик (тарроҳий)да ўз замонининг беназири бўлган.

Муҳаммад Али Тарбият Содиқбекнинг қуйидаги асарларини санаб ўтади:

«Зубдат ул-калом» («Сўзнинг қаймоғи») – қасидалар мажмуаси.

«Фатҳномаи Аббоси номдор» («Машҳур Аббоснинг зафарномаси») – маснавий.

«Мақолалар ва ҳикоятлар».

«Саъд ва Саъид» – маснавий.

«Девон» (форсий ва туркий шеърлар туплами).

«Мажма ул-хавосс» (нуфузли – шахслар йиғини) тазкира.

---

[1] Россия ФА Петербург бўлимининг асосий кутубхонасида 360 рақами остида сақланаётган бу асарнинг доктор Абдуррасул Ҳайёмпур нашрига лутфан эътиборимизни қаратган муҳтарам олим А.П.Қаюмовга чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

(Муаллифнинг қайд қилишича, тазкирада 480 нафар сўз санъаткори ҳақида маълумот мавжуд. Лекин мутаржимнинг изоҳлашига кўра, унинг ихтиёридаги нусҳаларда бу рақам шоирлар ададига мувофиқ келмайди. Нусхаларда шоирлар сони 333 тадир).

«Манзумаи қонуни наққоши» - наққошлик қонунлари ҳақида шеърий асар.

Мактублар мажмуаси.

«Тазкират уш-шуаро» Содиқбекка замондош шоирларнинг рубоий ва муаммолари тўплами.

«Ҳаззиёт» (баҳралар, лаззатлар) Муъий Астрободийнинг «Рисолаи лаззат» номли асарига ўхшатиб ёзилган.

Мутаржим яна бир манба сифатида Искандарбек туркманнинг «Тарихи оламороийи Аббосий асаридан қуйидаги маълумотларни келтиради: “Содиқ китобдор наққошлик билан машғул бўлиб турган даврларида иши ривож топмайди ва бу ҳунарни тарк қилиб, қаландарлик либосини кийиб, бир гуруҳ қаландарлар билан саёҳатга жўнайди. Ҳамадонда шаҳар ҳокими уни ўз хизматида олиб қолади. Кейинчалик у Искандархон, Бадрхон афшордар хизматида бўлди. Лекин ҳеч вақт наққошликни ташламайди ва бу соҳада катта муваффақиятларга эришади. Бебадал нозикқалам наққош ва тарроҳ бўлиб шуҳрат қозонади. Яхши маснавийлар, ғазал ва қасидалар ҳам тасниф этади.

Мутаржим «доҳилий» манба сифатида «Мажмаь ул-хавосс» тазкирасининг ўзини олади. Асарда муаллиф у ёки бу шоир ҳақида сўз юритар экан, ўзининг аҳволи, сафарлари ва ўзи билан мулоқотда бўлган шахслар, ижодкорлар ҳақида тўхталиб ўтади. Бу маълумотлардан биз Содиқбек кўп вақт сафарларда бўлганини, талай шоирлар билан учрашиб, улар ижодидан намуналар йиғиб тазкирасига маълумотлар тўплаб юрганини, ўзи наққош, тарроҳ мунши, шоир ва адиб бўлиши билан бирга кимё фанида катта олим сифатида ҳам танилганини биламиз”. Бу маълумотлардан кейин мутаржим Содиқ китобдорнинг ўз асарига ёзган муқаддимасини келтиради.

Озарбайжон ФА академиги Ҳамид Ораслийнинг «Навоий меросини ўрганиш тарихидан» («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1961 йил, 1-сон) номли мақоласида қайд қилинишича, бу муқаддима тазкиранинг «Мажолис ун-нафоис» таъсирида ёзилганини исботлаши билан мароқлидир.

Содиқ китобдор бу муқаддимада Навоийга юксак баҳо беради. У Навоийни қуёш, ўзини зарра, уни дарё, ўзини қатра деб атайди. Тазкирасини Навоий каби саккиз қисмга ажратганини баён қилади.

Муқаддимадаги Худо ҳамди Навоий тазкирасидагидан кўпроқ ўрин эгаллашини назарга олмаганда, у «Мажолис ун-нафоис» муқаддимасига ўхшатиб ёзилган. Муаллифларнинг ўзидан олдин яратилган тазкираларни тилга олиши, замондошларига бағишлангани, асар мундарижасини бериши, унга ном қуйиши ва муқаддима сўнггида подшоҳи замонни мадҳ этиши фикримизнинг далили бўла олади.

Содиқ китобдор ҳам Навоий каби ҳар бир шоирга характеристика берганда унинг қаердан эканлиги, тахаллуси, насаби, қобилияти, қайси тилларда ижод қилиши ҳақида ёзади ва у яратган асарларини санаб ўтади.

Навоийдан фарқли равишда Содиқ китобдор шоирлар ижодидан келтирилган намуналарни чеклаб кўймайди. У баъзи шоирлар ижодидан бир байт ёки бир рубоий, бошқаларидан эса шеърий парча, бир ғазал ё қасида, гоҳо ундан ҳам кўпроқ намуналар келтиради. Масалан, Фузулийга бағишланган мақола сўнгида 56 мисра, Боқий ижодидан 92 мисра шеър беради. Бу намуналарни танлашда муаллифнинг Навоийга ўхшаб шоир ижодидан характерли намуна келтиришга интилиши кўзга ташланиб туради.

Содиқ китобдор баъзи мақолаларда бирор шоир ҳақида ҳудди Навоий каби, қизиқ латифалар, зарофатлар келтирадики, бу билан ўша шоирнинг характери янада ойдинлашади.

Масалан, Навоий Мавлоно Кавсарий деган шоир ҳақида ёзади: «...Қобилиятлиғ, хушсуҳбат, ширингўй киши эрди. Бир кун хужрасида ўзига яраша табҳ қиладур (овқат пиширар – С.F.) биров киribдур ва қозон остиға ўтун қўюбдур. Мавлоно дебдурким,

- Табҳ ишида мадад қилмаким, шерик бўлурсен...» Содиқбек Қози Абдуллоҳ Розий ҳақида шундай ёзади: «...Рай вилоятида муътабардурлар... аксар авқот Шоҳи жаннатмакон бирла хуштабъликлар қилур эрди. Аз жумла: бир кеча шоҳи жаннатмакон бирла зиёда шабнишин қилурлар. Сўз асносида шоҳ айтурким, «Қози, элчийи мо аз Рум наёмад» яъни, Қози, бизнинг элчимиз Румдан келмади - С.F) айтмишким, «Подшоҳим, нишастаим то беояд» (яъни, подшоҳим, то келгунича ўтирамизда - С.F.). Шоҳи жаннатмакон шигуфта бўлур, жойизалар шафқат қилурлар. Бу янглиғ латифаси кўп...»

Маълумки, Навоий «Мажолис ун-нафоис»да халқ орасидан чиққан, меҳнат аҳлига мансуб шоирларга хайрихоҳлик билан қарайди. Юқори табақадан бўлган баъзи ижодкорларни халққа зулм ўтказгани учун қоралайди.

Содиқ китобдор тазкирасида эса мадҳия руҳида ёзилган таърифлар кўп ўрин эгаллайди. Бу ҳол иккала тазкиранинг принципиал фарқ қилувчи хусусиятидир. Балки буни «Мажмаъ ул-ҳавосс»нинг аксар қисми подшоҳларга бағишланиши билан изоҳлаш мумкиндир. Лекин айтиш керакки, тазкирада моддий томондан қийналиб ижод қилган, сиёсий воқеалар тақозоси билан тарки диёр этган шоирлар ҳам учрайди.

Масалан, бир шоир ҳақида маълумот берар экан, Содиқ китобдор унинг юз минг байтидан бирортасини ҳам подшоҳлар мадҳида битмаганини, умуман юқори табақа намояндалари, нуфузли шахслар билан муносабат боғлашни ёқтирмаганлигини бу шоирнинг ижобий томони деб шарҳлайди.

«Мажмаъ ул-ҳаввос»даги бир хил деталлар Содиқ китобдорнинг Навоийнинг тазкирасидаги илғор анъаналарни ўзлаштириб, уларни муаллиф тили билан айтганда, фахр билан давом эттирганлиги биз учун ғоят аҳамиятлидир.

Қардош Озарбайжон ҳақида маданияти тарихида, жумладан, тазкирачилик соҳасида муҳим ўрин эгаллаган Содиқ китобдор томонидан Алишер Навоийни катта ҳурмат ва юксак эътиқод билан тилга олиниши ва буюк шоиримиз ижодининг, хусусан унинг тазкирасининг Содиқ китобдорга ижобий таъсири икки халқ маданий ҳамкорлиги илдизлари узоқ мозийлардан бошланганлигидан ва бу ҳамкорликнинг ғоят самарадорлигидан далолат берадиган омиллардандир.

ФАХРИЙ ҲИРОТИЙ

«Равзат ус-салотин»

«Мажолис ун-нафоис»ни форс тилига таржима қилган («Латойифнома» номи билан) Фахрий Ҳиротий қаламига яна қуйидаги асарлар мансуб: «Равзат ус-салотин» - султонлар ҳақидаги тазкира, «Жавоҳир ул-ажойиб» - аёл шоиралар ҳақидаги тазкира, «Туҳфат ул-ҳабиб» - форсий шеърлар мажмуаси, «Санеоъ ул-ҳусн» - шеърият назариясига оид асар «Ҳафт кишвар» - тарихий ривоятлар ва тасаввуф ҳақидаги асар, ўзининг «Девони».

Фахрий Ҳиротийнинг хаёт йўли ҳақида маълумотлар жуда оз. Унинг асарлари қачон ёзилган ва қайси ҳукмронларга бағишланганидан келиб чиқиб, қаерларда яшаганини аниқлаш имкони бор.

Фахрийнинг отаси Муҳаммад Амирий ғоят маърифатли шахс бўлиб, «Амирий» тахаллусида шеърлар ёзган. Покистонлик олим Саййид Ҳусомиддин Рошидий на эронлик олим Гулчин Маонийлар Амирий ҳақида шундай деб ёзадилар: «Олиймакон буржининг юлдузи, комил баён дуржи (қутича)нинг гавхари. Мавлоно Амирий Хуросоний аъён ва акобирлардандир. Дейдиларки, амирлик лавозимида хизмат қилгани боис «Амирий» тахаллусини олган. Ҳирот шаҳрида таваллуд топган. «Туҳфат ул-ҳабиб»нинг соҳиби Мулло Фахрий унинг ўғлидир. Нақл қиладиларки, Шоҳ Исмоил Ҳиротни босиб олгач, уни Амирий ва Дурмишхонга берган. Улар жуда яхши ҳукмронлик қилганлар. Аммо Амирий фозилроқ ва машҳурроқ бўлган. У ниҳоятда хуш таъб, фаҳм (тушунувчи), ҳаким (донишманд) ва доно бўлган. У Бадруддин Ҳилолий ва Абдуллоҳ Хотифий ҳамда бошқаларга ҳамиша азиз бўлган».

Тазкиранавис ва муаррихларнинг тахминларига кўра, Фахрий 903/1497-98 йилда дунёга келган. Манбаларда у олим, фозил, фасиҳ (назокатли сўзловчи), хуш мизож, хуш табъ, хуш хат, ифтихори замон, зубдат ул-муаллифи (муаллифлар сараси), хуш табиат одам ва яхши шоир деб таърифланади.

Фахрий Ҳиротийнинг «Ҳафт кишвар» асари 907/1559-60 йилдан аввал ёзилган. Муқаддима, 7 кишвар ва 7 манзилдан иборат.

«Манзил» деб аталган бобларда манзиллар сифати ва инсони комилни таниш, адаб ва аҳли талаб, тавозуъ, илм ва унинг фойдаси ҳамида афъоллар (гўзал феъл-атворлар) ҳақида фикр юритилади. «Кишвар» деб номланган фаслларда тарихий мавзулар ёритилади. Айни чоғда, раъиятпарварлик, инсонсеварлик ғоялари Юсуф, Феруз ва Хурмузлар фаолиятида тимсолида, уламолар, олийҳимматлик, туз билмаклик, қазо, кадар ва ҳ.к.лар пайғамбарлар, тарихий шахслар ва мифологик ҳукмдорлар фаолияти орқали кўрсатиб берилади.

Фахрий Ҳиротийнинг «Туҳфат ул-ҳабиб» номли мажмуаси турли шоирларнинг форсий ғазалиётидан таркиб топган ва бизда «Радойиф ул-ашъор» деб юритилади, унда ғазаллар радифлар тартибида берилгандир.

«Саноеъ ул-ҳусн»ни Фахрий 958/1551 йилдан кейин ёзган. Унда шеърий санъатлар хусусида фикр юритилади.

«Латойифнома» эса «Мажолис ун-нафоис»нинг форсча таржимаси бўлиб, мутаржим унга ўзидан баъзи фикраларгагина эмас, балки алоҳида боблар ҳам қўшгани ҳақида фанимизда озми-кўпми фикрлар билдирилган.

«Жавоҳир ул-ажойиб» эса муаллифнинг аёллар ҳақида ёзган тазкирасидир. 968/1554-55 йилда яратилган, 31 шоира ҳақида маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар баъзи

ўринларда билганларимизни тўлдиради, аксаран эса янги маълумотлар ёхуд янги шеърий намуналарни беради.

Фахрий Ҳиротийнинг «Равзат ус-салотин» тазкираси «Мажолис ун-нафоис» таъсирида битилган. Асар одоби таснифга кўра, Оллоҳнинг ҳамди, Пайғамбар наъти, асарнинг ёзилиши сабаби, нияти таълиф ва асар мундарижаси муқаддимада берилади. Фахрий ёзади: «Кунларнинг бирида Шоҳ Хасан[1] ҳузурида шеърият хусусида сўз кетар эди, ул жаноб дедиларки, Ҳусайн Бойқаро Девонларини бизга совға қилишди, дея таъзим ва даъват юзасидан шундай байт ўқидилар:

Сухан назди сухандон бузургвор бувад,
Сухан зи осмон омад, сухан на хор бувад

(яъни, сўз уни билувчилар наздида улуғвор бўлади; сўз осмондан тушган, сўз хор бўлмайди). Бу таъзим, бу хурматни мушоҳада қилгач, менда назм ибтидосидан бошлаб шеърият билан машғуллик қилган султонлар ҳақида бир асар ёзиш нияти пайдо бўлди ва тазкира яратилди ва унга «Равзат ус-салотин» номи берилди. Муқаддима ва етти бобдан иборат бу асар мундарижаси қуйидагичадир:

Шеър ва унга гоҳо илтифот қилган Баҳромгур, Тўғрулбек, Султон Санжарлар ҳақида.
Яхши шеърлар ёзган чиғатой подшоҳлари.
Темур авлодлари – Самарқанд ва Бухорода яшаган соҳиби девон шоирлар.
Ироқ ва Румлик нозимлар.
Ҳиндустон ва бошқа атроф маликлари.
Амирлар.
Шоҳ Ҳасан Аргун.

«Равзат ус-салотин»да 81 нафар ижодкорлар (султон, амирлар) ҳақида маълумотлар жамланган.

Боб Муҳаммад Шайбонийхон номи билан очилади. Шоҳ Булудоғ ўғли, Абулхайрхон набираси, Шайбонийхоннинг мухтасар таърифидан сўнг унинг гоҳ-гоҳи шеър айтгани таъкидланади ва имом Мусо Ризога атаб Машҳадда ёзган қасидасидан 2 байт келтирилади:

Тус ва Машҳадким, дерлар лутфу эҳсонандадур,
Равзаи Султон Али шоҳи Хуросон андадур.
Гунбадининг куббаси оламга бўлди нурбахш,
Кўк эрурким, партави хуршеди тобон андадур.

Убайдуллохон - Шайбонийхон биродарзодаси Маҳмудхон Султон ўғлининг «ажиб-тавр ишларидан бири Ҳилолийни шаҳид қилгани бўлди», деб ёзади Фахрий.

Тазкирада Убайдуллохоннинг 2 форсий ва қуйидаги туркий байти келтирилади:

Бир-бир айтинг, дўстлар, ҳолимни дилдор оллида,
Айтиб-айтиб йиғлангиз зинҳор-зинҳор оллида.

Буқохон ўғли Юнусхон салтанат ишларидан кечиб, сафар ихтиёр қилади ва бир неча муддат Рум шаҳарларида яшайди. Қаламтарошлик санъатида устод бўлган Юнусхон шу

[1] Хасан Аргун Шохбекнинг ўғли, Амир Шоҳ Шужоъ. Аргуннинг набираси. Синд ҳукмдори. «Сипохий» тахаллуси билан шеърлар ёзган.

йилларда қошиқтарошлик ҳунари билан рўзғор тебратган. Шунинг учун уни Устод Юнус қошиқтарош деб таниганлар. Дейдиларки, Румдан Самарқандга келганда Абусаъид унга мўғул жулусини топширган экан. Табъи назмга ғоят яхши бўлган:

Мунингдек ҳусну жамолинг кўрарса тор ила гул,
Келар юзунг суйи бирла бу дисор ила гул.
Қозу қимизу қизу қози керак,
Чангу рубобу барбату уд овози керак.

Ўлжахон ўғли Султон Маҳмудхон (уни Шайбонийхон қатл эттирган)нинг бир форсий матлаъси келтирилади. Ўлжахон ўғли Султон Саидхоннинг:

Қайси гулшаннинг юзунг янглиғ гули раъноси бор,
Қайси гулнинг ҳам сенингтек булбули шайдоси бор?

Рашидхон Султон Саидхоннинг ўғли, бағоят зариф подшоҳ ва хуштабъ шоир бўлган:

Юзунгни кўргали девонадурмиз,
Жаҳоннинг аҳлидин бегонадурмиз.
Демонким, лолаву гулни кўрубмен,
Ки, давлатларга мен худ ёнадурмен.

Бу бобда шунингдек, Будоқхон ўғли (тахаллуси «Наврузий»), Муҳаммад Аминхон (Қозон хони), Пўлодхон Темур Султон ўғли, (Муҳаммад Шайбонийхон набираси), Абдулазизхон - Абдуллахон ўғли, Султон Саид - Абусаидхон бин Кўчимхон ўғли (Тахаллуси «Кўҳкан») унинг «Ояд» радифли шеърига Мўмин Жарроҳ деган бастакор мусиқа (нақш басталаган) каби султонларнинг форсийдаги шеърлари ва улар ҳақида мароқли маълумотлар берилади.

3-боб – Темур авлодларига бағишланган боб Халил Султон - Мироншоҳ ўғли ҳақидаги фирқа билан бошланади. Султон Аҳмад Бағдодда давлат ғурури ва сипоҳлари кўнглидаги сурурни баён этувчи бир қитъа ёзиб, Темурга юборганида, Соҳибқирон таассуф билан «Агар менда шеър айтиш қобилияти бўлганида эди, шу қитъага жавоб битар эдим. Менинг фарзандларимдан кимнинг қўлидан келса, жавоб ёзсин», - деганида Халил Султон жавобия қитъа ёзган экан. Халил Султоннинг бир туркий матлаъси «Мажолис ун-нафоис»да мавжуд.

Султон Сигандар Шерозий - Умаршайх ўғли ҳақидаги маълумотлар ичида ғоят диққатга лойиқ бир фикр бор. Сикандар Шерозийнинг маддоҳи сифатида Ҳайдар туркийгуйни тилга олар экан, унинг қаламига «Маҳзан ул-асрор» ва «Гул ва Наврўз» мансубдир, деб ёзади. Бу билан биз адабиётшунослигимизда баҳс олиб борилган «Гул ва Наврўз»нинг муаллифи Мавлоно Лутфий эмас, Ҳайдар Хоразмий эканлигини тасдиқловчи яна бир манба мавжудлигини уқамиз. Бу фирқа матни остидаги изоҳда ношир «Мажолис ун-нафоис»даги бир туркий байтни ва «Махзан ул-асрор»дан насиҳат бобидаги парчани ва бир туркий туюқни келтиради.

Абубакр Мирзо, Улуғбек Мирзолар ҳақидаги маълумотлар «Мажолис ун-нафоис» ни такрорлайди. Бойсунғур Мирзога бағишланган фирқада унинг маддоҳи шоир Бобо Савдоий билан ўтган мутойибалар қаламга олинади, кўп таърифлардан сўнг Навоийда берилган матлаъни келтиради. Фахрий Ҳиротийнинг Шарафиддин Яздийнинг машҳур «Зафарнома»си Бойсунғур Мирзонинг катта ғамхўрлиги, илтифотлари билан яратилган дейдики, бу анчайин диққатга сазовар фарқдир.

Бойсунғур Мирзонинг ўғли Бобур Қаландар (Абулқосим Бобур) ҳақида муаллиф ёзади: «Дарвешсифат, хушхулқ, карим табъ ва олий ҳиммат эди. Тасаввуфга оид «Ламаъот», «Гулшани роз»га иҳлоси баланд эди». Шоир ижодидан намуна сифатида келтирилган 1 рубоий, 1 ғазал ва яна бир ғазалдан 3 байт чиндан ҳам жуда гўзал юксак санъат билан битилган.

Султон Ҳусайн Мирзонинг машҳур «Монда» радифли ғазалини Фаҳри кексайган чоғларида ёзган деб таъкидлайди. Маълумки, бу ғазалга жуда кўп шоирлар жавоб ёзганлар.

Султон Али Мирзо, Хон Мирзо, Сулаймоншоҳ Мирзо Иброҳим, Кичик Мирзо, Шоҳ Ғариб Мирзо, Бадеуззамон Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Мўмин Мирзо, Султон Муҳсин Мирзо, Бобур Мирзо, Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо, Комрон Мирзо, Муҳаммад Асқарий Мирзо, Мухаммад Ҳиндол Мирзо ва Мирзо Ҳайдарлар ҳақидаги фирқаларда қизиқарли маълумотлар бор. Улар ижодиётидан келтирилган мисоллар ҳам янгиликлар сирасига киради. Масалан, Шоҳ Ғариб Мирзонинг бир туркий ғазали ва Мўмин Мирзо ва бошқа бобурий мирзоларнинг шеърлари, 58 мисраъ туркийдаги шеърлар, Мўмин Мирзонинг Абдураҳмон Жомийнинг бир ғазалига ёзган етук муҳаммаси шулар жумласидандир.

4–5-бобларда 8 нафар Ироқ, Рум ва Ҳиндустон султонлари, 6-бобда амирлар, улар ичида Алишер Навоий ва Саййид Ҳасан Ардашерлар бор, ниҳоят, 7-бобда Шоҳ Ҳасан Аргун (тахаллуси «Сипоҳий») ҳақидаги маълумотлар берилади.

Навоийга бағишланган фирқада унинг ҳар куни 1.5000 динори кепаки миқдорида хазинасига тушиб турган маблағни турли-туман қурилишлар, таъмир ишларига, хайрий уҳдаларга сарф қилиб тургани қайд этилади. Муаллиф шоир асарларини санаб ўтар экан, «Лисон ут-тайр» ўрнида «Қиссаи Шайҳ Саънон»ни кўрсатади. Рўйхатда «Муҳокамат ул-луғатайн», «Тарихи мулуки Ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Вақфия», «Муножот», «Сирож ул- муслимин», «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», тушиб қолган. Шоир ижодидан намуна тарзида «Наводир уш-шабоб»дан бир ғазал ва «Туҳфат ул-афкор» қасидасидан матлаъ келтирилади.

Фахрий Ҳиротийнинг «Равзат ус-салотин» тазкираси «Мажолис ун-нафоис» таъсирида ёзилган. Унинг яратилишида Ҳусайн Бойқаронинг билвосита роли бор.

Муаллиф «Мажолис ун-нафоис» таржимасига – «Латойифнома»га қилган иловаси IX мажлис (9 кисм ва хотимадан иборат)нинг «Зикри латойифи умарои номдор» ва «Зикри латойифи салотини комгор» қисмларидаги маълумотларни баъзан тўлалигича келтирган, баъзи ҳолларда эса тўлдирган.

Тазкирада туркийда қалам тебратган шоирлар ва улар ижодидан келтирилган намуналари билан ғоят кимматли манбаъдир.

Фирқалардаги бадиий лавҳалар, муаллифнинг танқидий қарашлари давр адабиёти ва адабий жараёни ҳақида муайян тасаввур яратиш имконини беради.

Тазкирадаги 81 ижодкордан аксариятининг номлари бошқа тазкираларда учрамайди. Бу жиҳати билан асар ноёб адабий ёдгорлик ҳисобланади. «Жавоҳир ул-ажойиб» Шарқ адабиётида тазкирачилик анъаналари XII асрдан бошланаган ва турли йўналишда давом эттирилгандир. Бу йўналишлардан бири аёл шоираларга бағишланган тазкиралардир. «Тазкират ул-хавотин», «Тазкират ун-нисо», «Алтари тобой», «Шамьи Анжуман», «Субҳи гулшан», «Равшани руз» ва б. шулар жумласидандир.

Фахрий Ҳиротий шоиралар ҳақида «Жавоҳир ул-ажойиб» тазкирасини яратган. «Жавоҳир ул-ажойиб»да муқаддима бор, асосий бобларда 31 нафар шоиралар ҳақида маълумотлар берилади ва тазкира бахшида этилган Моҳим бегимга қасида билан якунланади.

Муаллифнинг эътирофига кўра, унинг қўлига Меҳрим Ҳиротийнинг (Гавҳаршод бегимнинг надимаси, суҳбатдоши) Хофиз Шерозийнинг машҳур бир ғазалига жавобия ғазали тушиб қолади. Юксак маҳорат билан ёзилган бу ғазалдан таъсирланган Фахрий шоиралар ҳақида тазкира яратишга аҳд қилади.

Ғоят мухтасар муқаддимада одоби таснифга кўра, Оллоҳ ҳамди берилади. Унинг марҳамати туфайли муаллиф ўзини ғаму мусибатлардан фориғ эканлигига шукроналар айтади ва аршда ажойиб жавҳарларни кўрганлиги, уларни нозималар қулоғига лойиқ зевар бўлишга қодирлик қилишини илтижо қилади. Расулуллоҳ ҳаводаги зарраларга Харам анбари ва хушбўйликлар баҳш этгани боис маънавий мақсадлар толиблари қадамлари остидаги ғубордек бўлган мен (яъни, Фахрий) шоиралар ҳақида асар ёзишни жойиз кўрдим, - деб таъкидлайди.

Муқаддимада, шунингдек, Шоҳ Тахмасп, Жалолуддин Муҳаммад Акбаршоҳ унинг шариф мажлисини безатувчи Ҳазрат Моҳим бегим, Ҳасаншоҳ Аргун, Мирзо Муҳаммад Исо Тархон ва Ҳожи бегим (Моҳбегим шу ном билан машҳур бўлган ва у Қосим кўка Мир Исо ҳамда Шоҳ Хасан Аргуннинг никоҳида бўлган) ларни мадҳ этади. Асар хотимаси тарзида Ҳожи бегим - Моҳим бегимга бағишланган муаллифнинг қасидаси келтирилади. Шоиралар ҳақидаги бу тазкирани «Жавохир ул-ажойиб» деб номлангани қайд этилади.

Баъзи тадқиқотларда тазкира Акбаршоҳнинг энагаси Моҳим бегимга бағишланган, деб ёзилади. Акбар ўз энагасини Она деб билгани, саройдагилар уни «Маҳди улиё», дея эъзозлаганлари маълум. Акбаршоҳ Моҳим бегимнииг айтганларини ҳеч вақт рад қилмаган, дейилади. Моҳим бегимнинг икки Адҳамжон ва Боқихон деган ўғиллари бўлиб, Адҳамжон қатл этилганида бу мусибатни кўтара олмай, вафот этган. Меҳдида қутбминор яқинида дафн қилинган, Акбаршоҳ жуда гўзал мақбара қурдирган. Бу аёл ниҳоятда саҳий, ғоят эътиборли бўлган. Мадраса ва масжидлар бино қилган. Лекин бу Моҳим бегимга муқаддимадаги «Маснад нишин», «билқиснишон» таърифларн мос тушмайди. (Маълумки. Билқис малика бўлган). Бинобарин, асар Ҳожи бегим номи билан танилган, муқаддимада ҳам мадҳ этилган ва асар охиридаги қасиданинг мухотиби Моҳ бегимга бағишланган. Моҳим бегим, юқорида айтилганидек, бир муддат Ҳасан Аргуннинг завжаси бўлган. У нуфузли амирлардан Зуннун Аргуннинг қизи, бу Амир Хасан Аргуннинг амакиси бўлиб, Улуғбек Мирзонинг қўлини олган эди. Моҳим бегимнинг биринчи никоҳидан Ноҳид бегим ва Ройид бека исмли қизлари бўлган. Онасининг исми Зариф Хотун. Моҳ бегим 975/1567-68 йилдан кейин вафот этган.

Тазкирада 31 шоира ҳақида маълумотлар ва шеърларидан намуналар келтирилади. Улардаи бизга озми-кўпми маълумлари Махсати Ганжавий, Меҳри Ҳиротий, Офоқ бегим, Жалойир (Навоийнинг укаси Дарвеш Алибекнинг завжаси), Бибича Мунажжима, Бедилий, Ниҳоний, Шерозий, Ҳижобий (Бадруддин Ҳилолийнинг қизи) ва бошқалар ҳақида қизиқарли янги фикрлар, тазкираларда келтирилган шеърлари ҳамда 20 дан ортиқ шоиралар ҳақидаги маълумотлр, айниқса, уларнинг туркийдаги шеърлари, адабиётимиз тарихини, адабий алоқалар тарихини ўрганишда ғоят қимматлидир.

Масалан, Мўғул Хоним Муҳаммад Шайбонийхон ҳарамидан, Муҳаммад Рахим Султонинг онаси. Ақлу фаросатда беназир, «фитрати назм жавоҳири билан музайян» бўлган. Унинг:

Демаким, дардингни изҳор айла дилдор оллида.
Қайси бир дардимни изҳор айламай ёр оллида

матлаъли ғазалига Убайдуллоҳхон жавобия ёзган экан:

Бир-бир айтинг, дўстлар, дардимни дилдор оллида,
Айтиб-айтиб йиғлангиз зинҳор- зинҳор оллида.

Қосим туркигўйнинг ўғли Рустам Али:

Жон берурда сажда қилдим ул жафокор оллида,
Шукрким, бошимни қўйдим оқибат ёр оллида.

Муҳаммад Солиҳ:

Не кўнгулким, қилғамен дардимни изҳор оллида.
Не кўнгулчилик ғамин айтурменким, ёр оллида.
Эй сабо, дардимни йиғлаб-йиғлаб айтурмен сенга,
Айтиб-айтиб йиғлагаймен мен харир ёр оллида.

Шавқий Чечактуий:

Айладим фарёд ахгёр қилки диёр оллида,
Шукрким, шод қилдим изҳор оллида.

Ёмғурчибек ўғли Валибек:

Ҳижронлиқ андуҳидин бошимни ағёр оллида,
Тошга урдумким, нечук бош қўймадум ёр оллида.

Бу жавобияларни келтиришдан мақсад у ёки бу шоир шеъриятини ўрганишда қиёсан таҳлил қилиш, анъана чамбаридаги шеъриятнинг ҳам ғоявий, ҳам бадиий ўзига хослиги, санъатдаги, услубдаги янгиликларни юзага чиқариш имкони борлигини таъкидлашдир.

Тазкирада Биби Яздий деган шоира ҳақида муаллиф унинг Маймана вилоятидан эканлигини ва у ерларда туркий элат истиқомат қилишини ёзади ва рўзғорига муносиб келадиган қуйидаги матлаъини келтиради:

Сабр этиб даврон аро давлат талош этмак керак,
Майда истар эл кепак бирла маош этмак керак.

Шоир бу шеърини Кепак Мирзо (Ҳусайн Бойқаронинг ўғли, асл номи Муҳаммад Муҳсин, онаси Латиф Султон оғочанинг шу вилоятга келиб қолиши муносабати билан ёзади, дейилади. Ҳар қалай шеърда Кепак Мирзо исмига гапдор ишора ажиб бир санъат билан баён этилган.

Шоираларнинг форсийда яратган шеърлари ҳам ғоят мароқли ва бадиий жиҳатдан юксак. Фахрий уларни саралашда Алишер Навоий каби йўл тутади ва жой-жойида жавобия матлаъларни ҳам бериб боради. Масалан, ҳусну жамол, фаҳму фаросатда тенгсиз бўлган фасоҳату балоғатда ноёб шеърлар яратган Ниҳонийнинг

Будам неясна то дар хоб дидам он нарируро,
Чи бошад агар бинад ба бедори касе уро

матлаъсини ёзади.

Абдураҳмон Жомийнинг:

Муаллим мадеу таълими бедоди он тарируро,
Ки жуйи у лойиқ пабошад руйи некуро

матлаъли ғазалига татаббуъ тарзида ёзилган, дейди. Шоиранинг эса Мавлоно Наргизий, Ҳайратий, Ҳодий, Машҳадий Қосим ва Фахрий Ҳиротийнинг ўзи хам жавобиялар яратганлар. Бу намуналар ҳам мазмунан ғоят теран ва бадиий жиҳатдан етук даражада яратилган.

Асар аввалидаги Хазрати Ойшанинг Пайғамбаримизга ўқиб берган шеърлари, Дилором ва Баҳромгўрнинг мушоиралари, Офоқ бегим Жалойир, Духтари Коший Самарқандий, Нисоий, Хонзода хоним, Турбатий Малик Саййида бегим, Биби Орзуий Самарқандий, Хаёл, сабзаворли Фотима хотун Дўстий, Иффатий Исфаравшоний ва бошқаларнинг ҳаёт ва ижодларига оид маълумотларни шоирлар ҳақидаги тазкиралар билан қиёсан ўрганиш ва Фахрий Ҳиротий тазкирасидаги янгиликларни аниқ юзага чиқариш истиқболдаги ишлардандир.

«МАЖОЛИС УН-НАФОИС»НИНГ ФОРСИЙ ТАРЖНМАЛАРИДА ТУРКМАН АДАБИЙ МУҲИТИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

Алишер Навоий бутун хаёти давомида ўз ватанидаги, шунингдек, қўшни мамалакатлардаги адабий ҳаётни синчковлик билан кузатиб турган, қўлидан келганича ижодий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қилган. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси шу маънода давр адабий ҳаётининг кўзгуси ўлароқ бу хусусда бой маълумотлар беради. Бу асар, юқорида айтиб ўтилганидек, уч марта форсийга таржима қилинган, аввалги икки таржима 1945 йилда Эронда нашр этилган. Таржималарнинг ҳар иккисида Навоий билан муқаддима ўрнида мутаржимларнинг сўзбошилари келтирилади, асар матнидаги баъзи шоирлар ҳақида маълумотлар келтирилиб, баъзилари тўлдирилиб борилади. Булардан ташқари Фахрий 189 шоир ҳақида маълумот берувчи тўққизинчи мажлисни илова қилади. Хазвиний Султон Салим саройидаги 150 нафар шоир ҳақида боблар қўшади.

«Мажолис ун-нафоис» асл нусхасини муҳим манба сифатидаги фазилатларини назарда тутиб, туркман адабиётшунослари «Туркман адабиёти тарихи»нинг биринчи жилдида ўнта махсус боб ажратганлар. Лекин кўп таассуф билан қайд қилиш керакки, асарнинг форсий таржималаридаги иловалар тадқиқотчилар диққатидан четда қолган. Ваҳоланки, уларда туркман адабиёти тарихига оид маълумотлар оз эмас.

Бу ерда биз Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари таржималаридаги иловалар орасидан Султон Яъқуб мирзо даври ва унинг муҳити билан алоқадор бўлган маълумотлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Алишер Навоий ўз тазкирасининг еттинчи мажлисида Султон Яъқубхон ҳақида ёзади:

«Яъқуб мирзо - Туркман салтанатида анингдек писандида зот хамида-сифотлиғ йигит оз бўлгай. Дарвешсифат ва фоний. Бу рубоий анингдурким:

Оламки, дару сабот кам мебинам,
Дар ҳар тарабаш ҳазор ғам мебинам.
Чун кута работистки, аз ҳар тарафаш,
Работи ба биёбони адам мебинам.

Кўринадики, Алишер Навоий бу ҳукмдорга хос яхши фазилатларини қадрлаган, ундан ҳам кўра Яъқубхоннинг адабиётга иҳлоси ва ижодкор шахсларни ўз саройига тўплашга интилиши, уларга ҳомийлиқ қилиши шоирга кўпроқ хуш келган. «Мажолис...» таржималарига қўшилган маълумотлар ва иловалар эса бу фикримизнинг тўғрилигига далил бўла олади.

«Мажолис»нинг биринчи таржимони Фахрий Ҳиротий мавзу доирасидаги шоирлар ҳақидаги маълумотларни таржима қилар экан, ўз таржимасини гоҳо қисқартиб, гоҳо ўзгартиб, гоҳо тўлдириб кетади. Фахрий «Мажолис»да келтирилган Руҳий Ёрзийга оид маълумотларни айнан таржима қилади. Охирида эса қавс орасида шоирнинг 853 йилда (1449 йил - С.Ғ.) вафот этганлигини қайд қилиб ўтади. Навоийнинг Мир Сайид Ҳасан Абивардий деган шоир ҳақидаги маълумотларни эса ниҳоятда қисқартиб юборади. Шоир номини ҳам хато - Мир Хусайн Бовардий тарзида келтиради. Унинг маъноси суст ва вазнга тушмаган байт юзасидан Навоий на бошқалар билдирган фикрларга қулоқ осмай, уни яхши деб таърифлаб, Султон Яъқуб мирзо саройига юборганлиги ҳақидаги маълумотларни тушириб қолдиради. Фахрий, шунингдек, Жаҳоншоҳ мирзо (Ҳақиқий) ва

Яъқуб мирзо ҳақидаги Навоийнинг VII мажлисда келтирган маълумотларини ҳам тушириб қолдиради. Айни чоғда мутаржим Хожа Муайяд Меҳна, Хожа Абу Исҳоқ Нур Саид, Хожа Мансур (Журжонлик), Султон Маҳмуд, Хожа Абу Саъид, Хожа Абу Наср каби шоирларга бағишланган мақолаларни эса деярли айнан таржима қилади.

«Мажолис...»нинг учинчи мажлисида Наргисий тахаллусли икки шоир ҳақида маълумот бор. Улардан бирини муаллиф «Мавр вилоятидиндир» деб ёзади. Фахрий бунга шундай аниқлик киритади:[1] «Ҳа, у киши ёш фақирдир. Аммо Марвдан эмас. Мир (яъни, Алишер Навоий - С.F.) мулозаматига ўша диёрда етишган. Ана шу ташқи далилга кўра (Навоий Марвдандир, деб ёзган) шу вақтларда (яъни, таржима қилинаётган 1520-1521 йилларда - С.F.) Абхарнинг шайҳзодаларидандир ва одамлар унинг аждодларини мўътабар ҳисоблардилар. Ҳақиқатда ҳам камтар йигитдир. Агарчи аввалларбевошлик ва бехаёлик водийсида саёқ улфатлар билан қимматли вақтларини беҳуда сарф қилиб юрган эса-да, аммо ҳозир у хил юришдан қайтган ва тўғри, яхши йўлдаги арбобларга лойиқ бўлмаган нарсалардан воз кечган. Аксар вақтини рўза на намоз билан ўтказади. Бу матлаъ унингдир:

Эй дил, ҳар неча жононнинг сочлари ҳақида сўзлайсан, Ўзинг паришонсан ва бизни ҳам паришон қиласан».

Бу каби маълумотлардан ташқари Фахрий «Латойифнома»нинг IX мажлисида Султон Яъқуб мирзо муҳитига алоқадор беш нафар шоир ҳақида сиқиқ мақолалар келтиради. Улар Мир Ҳумоюн, Мулло Ҳайратий, Мулла Пайёмий, Мулло Сайрий ва Сулаймон Туркмон деган шоирлар бўлиб, уларнинг ижодларидан келтирилган намуналар асосида айтиш мумкинки, ўша давр адабий жараёнида фаол иштирок этган бу шоирлар дунёвий адабиётнинг равнақига муносиб ҳисса қўшганлар.

Шундай қилиб, Фахрий таржималари, юқорида кўриб ўтилганидек, баъзи қисқартишларни истисно қилганда, киритилган битиклари ва янгидан қўшилган маълумотлари билан ғоят қимматлидир.

«Мажолис ун-нафоис»нинг иккинчи таржимони Қазвиний асл нусхадаги мавлоно Руҳий Ёзирийни - Мавлоно Руҳий Хуросоний беради. Навоийнинг: «Сарахс вилоятидин нори Дарван ва I гача кўпрак табъ аҳди анинг замонида анга шогирд эрдилар» аниқ мавзуимиз учун қизиқарли қайдлар ўрнига Самарқанд вилоятида кўп яхши шогирдлари бор, мазмунида маълумот беради.

Бобо Савдоий ҳақидаги мақолани таржима қилар экан, унинг нисбасини - Бовардий (ёки Абивардий)ни, Суққон отлиғ кентида эканлигини келтирмайди. Аммо шоир қуйидаги ғоят мароқли нақлни ўзидан илова қилади: - у Мирзо Бойсунғурни яхши кўрар эди. Кунлардан бир кун Мирзо у билан хона томи устида ўтирар эдилар. Мирзо дебди: «Агар мени севсанг ўзингни том устидан ерга ташла ва мен учун жонингни тик. Мавлоно ўша замоноқ ўрнидан туриб кетди. Томнинг четига етгач, таққа тўхтади ва деди: «Биз ҳудди шу ергача яхши кўрамиз ва бас». Мирзо бундан ғоят моил бўлиб, кула-кула унга деди: «Агар менда бирор айб кўрсанг айтиб бер, токи мен ундан фориғ бўлишга ҳаракат қилай». Бобо Савдоий: «Сусткашликдан бўлак айбинг йўқ». Мирзо: «Қандай сусткашлигим бор?» - деб сўради. Бобо деди: «Сусткашлигинг шуки, бир нима сўз айтишга қодирсан. Агар шуни айтсанг мени бой қилиб эдинг, ўша сўзни сусткашлигингдан айтмаяпсан. Агар менга минг танга олтин берар эдилар ва мен бойиб қолар эдим». Мирзо кулди ва унга минг танга тилло баҳшида қилди.

Қазвиний Мир Саййид Хасан Бовардийга (асл нусҳада Абивардий - С.F.) бағишланган мақолани ҳам баъзи қисқартиш ва ўзгартишлар билан таржима қилади ҳамда Навоийнинг «табъи натижаси бу бўлдиким, мундоқ байт[1] айтти. Ва вуҳуф аҳли бу байтнинг маъниси

йўқтур, номавзуидир деганда, «эмасдур», – деб бахс қилди. Ва аҳл натижаси буким, Хуросон аҳлин тажхил (нодон, жоҳил деб хукм чиқариш - С.F.) қилиб, бу байтини хублухха битиб, Ироққа - Яъқуб мирзо урдусига юборди. Ва Мирнинг мундоқ ишлари лоюадду ва лоюхсодур» - деган маълумотларини тушириб қолдиради ва унинг ўрнига қуйидагиларни қўшади: «Лекин эҳтимол Мир (яъни, Алишер Навоий - С.F.) қўйидагича ўқиганда эди:

Эй зи Меҳри оразат гардун гулом,
Юсуферо кардаи Яъқуб ном.

бу холда вазнга тушади. Бир сўз билан айтганда маънодор ҳамдир. Ҳар қалай тан олиш керакки, Мирзода шеърий шуур йўқлиги учун жунун лозим эмас. Зероки, кўпчилик буюк олимлар ва катта авлиёлар шеърни англай олмайди. Уларча шеър айбдир. Айтганларидек: “Агар олимларни масхараловчи шеърлар бўлмаганда ҳозирги кунда ажойиб шеърлар юзага келмас эди”.

Мутаржим Шоҳжаҳон (Ҳақиқий) ва Яъқуб султонлар ҳақидаги (VII мажлис) мақолаларни ҳам тушириб қолдиради. Бундан кўринадики, Қазвиний ўз таржимасини аслиятнинг биринчи таҳрир варианти матнидан қилган.

Хожа Муайяд Меҳна ва Хожа Абу Исхоқлар ҳақидаги мақолалар эса деярли айнан таржима қилинади. Фақат Хожа Муайян Меҳна қаламига мансуб матлаъ Жомийнинг «сохтаанд» радифли ғазалига татаббуь экани қўшимча қайд қилинади. Шунингдек, Жомий ғазалидан аввалги икки байт берилади. Хожа Муайяд Меҳнанинг ўғиллари Хожа Абу Саъид (мутаржим оригиналдаги «Хожа Муайяд ўғли» деган қайдни тушириб қолдиради - С.F.) ва Хожа Абу Насрга оид фикралар деярли аслича таржима қилинади ҳамда Хожа Абу Наср ижодидан яна бир оригиналда йўқ қуйидаги матлаъ илова қилинади:

Манамой чу ойина руҳи худ чама касро,
Бишинав сухани май ки асархост нафасро.

(Таржимаси: Юзингни барчага ойина каби тутма. Менга қулоқ ос нафасдан асарлар қолади).

«Мажолис...»нинг VI мажлисида зикр этилган шоирларга бағишланган баъзи мақолаларга Қазвиний жиддий маълумотлар қўшади. Жумладан, Мавлоно Дарвеш Дехакий ҳақидаги мақола бевосита мутаржим томонидан қўшилган маълумотлар билан бошланади: “Мутаржимнинг дардманд ҳамшаҳаридир. Мен бечора билан кўп суҳбатлашган ва ундан шеърлар эшитганман. Дарвеш ўзига бепарво қария эди. Унда худнамолик ва танпарастлик йўқ» эди. У бойликка боғланиш ва унинг бирор нимасига кўнгил қўйиш сиртмоғидан ҳоли эди. Унинг касби тўқувчилик” (жулоҳий) эди ва карбосни[2] яхши тўқир эди. Агар ҳаридор топса, арзон сотар, ҳирс кўзин қиммат баҳога тикмас эди. Озгина фойдага қаноат қилар, беҳудага ярашмас, дунё кетига тушмас эди. Бир неча боғи бор бўлиб, унинг ҳосили узум билан рўзғор тебратар эди. Манъ этилган воқеаларга аралашмас ва подшоҳлар таомини емас эди. Мол-дунё йиғиш учун беҳуда машаққатни хеч вақт чекмас эди».

Шундан кейин мутаржим Навоийнинг бу шоир шеъридан дурустроқ шеърлар у томонлардан келмади, деган эътирофини таржима қилади. Асл нусхадаги Дехакийнинг «мондаам», Наюийда шоир хиштмоллик - ғишт қуювчилик ҳунари билан машҳур, деб кўрсатилади.

Кирбос, карбос - қадимги форс луғатларида нозик тўқилган мато, дока маъносида берилади. Навоий асарлари луғатида - жайдари пахта ипидан (тўқилган дағал мато, бўз деб берилади. Радифли матлаъини билдиради ва яна ўзидаи қуйидагиларни илова қилади: «Бу байт ҳам анингдир ва жуда яхшидир: Лайлининг туяси бошқа (туя) билан дилкашлик қилса, Мажнундан бошқа бундан қайси йўловчининг ғами бор. Султон Яъқубхон (унга Оллоҳнинг рахмат на шафқати бўлғай) Дарвешни ўзининг олий мажлисига таклиф қилди, Дарвеш унга қуйидаги матлаъни ўқиди:

Агар сенинг ўқинг учраса, бошим орқасига қалқон боғлайман,
Локи ўқинг учи шу жойдан чиқиб кетиш йулини топа олмасин.

Султон байт мисрасини ўқигач кулди ва деди: «Қазвинлик экани ва ақлдан озгани рост экан. Чунки ўқ отилиб келаётганда қалқон боғлайдими? Дарвеш Султон сўзини эшитгач, деди: «Сабр қилинг, кейинги мисрасини хам эшитинг. Дарвеш иккинчи мисрани ўқиб берди. Султон ҳайрон қолди ва тилидан «офарин!» учди. Бошқа мажлис аҳллари ҳам унга тахсин ўқидилар. Султон Дарвешга деди: Нимаики истасанг, тила мен ўшани сенга бахшида этаман. Дарвеш деди: Дўстга дўстдан бўлак яхши нарса йўқ. Мен қаноатли бўлган ва молдунёдан йироқ тушган бир фақир дарвешман. Сўнгра Султон такроран қатъий дедики: - Бирор нарса сўра! Дарвеш бу қатъий хоҳишга кўра дедики: - Боғларим ҳирожидан мени озод қилсанг. Султон унинг боғларини ҳирождан озод қилди.

Дейдиларки, Султон Дарвешни бадиға айтишда синаб кўрган. Бир мажлисда Дарвешнинг назари Султоннинг биродарзодаси (яъни, жияни), ҳуснда иккинчи Юсуф бўлган Мирзога тушади ва унинг сочилиб ётган кокилларини ҳамда (бошидаги) жиғасини кўриб паришонҳол бўлади ва бадиҳона шеър айтади:

Жонимга унинг кокили балоси етмаганидек,
Жиғаси ҳам бошқатдан мени паришон қилади.

Дарвеш Дехакийнинг, ҳеч шубҳасиз, кўнгилга яқин бўлган 2000 та яхши матлаълари бор».

Қазвиний шоирнинг ана шундай матлаъларидан еттитасини мисол тариқасида келтиради.

Муҳаммад Қазвиний Навоийнинг Қози Исо номли, Ироқнинг Сова деган шаҳридан бўлган, Яъқуб султоннинг алоҳида тарбияти ва ҳурматига сазовор бўлган арбобларидан бирига берган таърифини таржима қилиш асносида муаллифнинг бу ижодкор шахсияти юзасидан билдирган танқидий фикрларига қарши чиқиб ёзади: «Қози Исо Султон Яъқубни адолатга ундар ва адолат туфайли раият кўнгиллари хонаси маъмур эди. Бу иморат эса... хароб этувчи лойдан (бунёд этилган) иморатдан яхшироқ эди.

Қазвиний Қози Исонинг хуштабъ ва ошиқпеша бўлганини ҳам қайд қилади ҳамда унинг ошиқлиги билан боғлик бир лавҳани келтиради: “Қози Исо Султон Яъқубхоннинг эмишган синглисини севиб колади ва ул лайлисифат ҳавосида Мажнун бўлади. Султон Яъқубхон Ибн Салом каби Лайлини ислом қоидаси билан салмоқли ва ҳар иккисини фироқ сир етказмоқчи бўлади. Лекин унда туркларга хос бўлган... ми устун келиб бу (муддаони) тарк этади».

Булардан сўнг Қазвиний Қози Исо ижодидан еттита матлаъ намуна учун келтиради. Шунингдек, у Султон Яъқуб саройида парвоначи сифатида хизмат қилган, Навоий билан дўстона муносабатда бўлган шоир Шайх Нажм шеърларидан хам 8 байт илова қилади.

Қазвиний Мавлоно Шаҳидий деган шоир ҳақидаги мақолани таржима қилгач, ўзидан қуйидагиларни қўшади: «Икки марта Ироқдан Хуросонга келди. Ҳазрати Мавлоно Абдураҳмон Жомий хизматига мушарраф бўлди. Ва мен мутаржим у билан кўп суҳбатлар қурганман. Унда ҳеч девоналикни кўрмадим. Уни айтганларидек шундай топтим: «Девона эмас эди, оқил эди даҳрда ақлда комил эди. Бир йил чамаси Қазвинда бўлди ва Ғилон подшоҳи Султон Мирзо Али, ўша йили шу шаҳарда эди, унга кўп тилло пул инъом қилди. Мавлоно тиллоларни чўнтагига солмади, балки ҳаммасини хонасининг бир бурчагига тўкиб қўйди. Суҳбатдошларидан ҳар ким ҳожатманд бўлса, ўз эҳтиёжига яраша ўша тиллалардан олиб харж қилди. Шундай қилиб, Мавлонода бойлик ҳирси бўлмагани учун бойликнинг унинг наздида ҳеч қандай қадри йўқ эди. Шу боис, олам одамлари уни девона санадилар, уларнинг одати эса шундайдир. Мавлоно бир муддат Яъқуб султон мусоҳиби эди. Унинг вафотидан кейин Ҳиндистонга кетди ва Гужарот подшоҳига мусоҳиб бўлди. Ҳозир 927 йилда ўша ердадир... Бир матлаъси будир:

Туш кўрдим, ҳаводан қарчиғай келиб унинг овини юлиб кетди.
*Уйғо*нсам дилим қуши ўрнида йўқ эди.
Яна бир матлаъси:

Ҳизр ва Масиҳга ёр нафаси жон берди.
Ман ўликман, бу тан муродини буниси ва униси беради

Алишер Навоий Хожа Афзал номли шоир ҳақида ёзиб унинг вазир Маждиддин Муҳаммад туфайли ватандан чиқиб кетганлиги, Маккага борганлигини хабар қилади ва ёзади: «Ҳар неча ул мамолик салотини мулозамат таклифи қилдилар, қабул қилмади, дебдурким: «Агар қуллуқ қилсам ўз подшоҳимга қилурмен, йўқ эрса, йўқ». Қазвиний киритиб, ёзади: Ва Ироққа кетди. Яъқуб қанчалик Ироқнинг вазирлигини таклиф килмасин, у мутлақо қабул қилмади».

Ҳамиша Ироқда истиқомат қилган ва бир марта Ҳиротга келиб кетган, Қазвиний эътирофича, шеърлари Ироқда машҳур бўлган шоир Ҳумоий ижодидан аслиятдаги бир байтдан сўнг мутаржим яна уч байт илова қилади.

Юқорида келтирилган мутаржим томонидан кўшилган маълумотлар сирасида бевосита Султон Яъқубхон саройига ёхуд унинг муҳитига алоқадор бўлган 40 нафар шоир ҳақида янги маълумотлар ҳам мавжудки, улар асл нусха VI мажлисида зикр этилган Султон Яъқубхон доирасига мансуб шоирлардан Адҳам (мутаржим бу шоирни тушириб қолдирган) дан кейин ва тижорат ишлари билан келиб, Ҳиротда турғун бўлиб қолган Хожа Имоддан аввал жойлаштирилган.

Афсуски, деярли ҳамма шеърлар форсийда битилган. Бу ҳол тасодифий бўлмай, ўша даврлардаги ижтимоий-сиёсий воқеаликдаги ҳукмрон анъана - форсийнинг бошқа тиллардан афзал саналганлиги билан изоҳланади, албатта. «Мажолис ун-нафоис» таржималаридан ўрин олган барча қимматли факт ва маълумотлар шундан далолат берадики, Султон Яъқубхон даврида адабий ҳаёт анча жадал ривожланган. Бу адабий жараёнда турли-туман шоирлар дунёвий руҳда ижод қилганлар, лирик шеърият уфқларини кенгайтириш, унинг бадиятини юксалтиришга интилганлар. Ана шундай қайноқ адабий

муҳитди Яъқуб мирзонннг ҳам истеъдоди тобланган, шеърияти камол топган. Навоийнинг чин ҳурмати, Жомийнинг самимий ҳусни (маълумки, Жомий ўзининг гўзал «Саломон ва Абсол» достонини Султон Туркманга бағишлаган эди) сазовор бўлган бу ҳукмдор даврида унинг тасарруфотидаги вилоятлардан шоирлар Ҳиротга ва Ҳиротдан у томонларга бориб турганлар, аксар ҳолларда эса уларнинг ижод намуналари юборилиб турган.

Шуниси диққатга сазоворки, тилга олинган ижодкорлар орасида Яъқубхоннинг сиёсатига танқидий муносабат билдириб у ёки унга яқин бўлган нуфузли арбоблар томонидан зулм ва адолатсизликлар содир бўлганда, ўзининг кескин эътирозини айта олганлари, шунингдек, ижтимоий моҳиятга эга шеърлар битганлари ҳам бўлган, бунинг аҳамияти эса ўз-ўзидан маълумдир. Айни чоғда, Яъқуб мирзо шахсияти ва ижодиётига Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийдек буюк мутафаккир ва улкан сўз санъаткорлари бефарқ қарамаганларки, бунинг ҳам ўз маъноси ва аҳамияти бор, албатта. Бинобарин, халқлар орасида ижодий ҳамкорлик, адабиётларда ўзаро таъсир сезиларли тарзда давом этган.

«БУ ТИЛДА ҒАРИБ АЛФОЗ ВА АДО КЎБДУР»

«Муҳокамат ул-луғатайн»

Маълумки, халқнинг маданиятини кўтаришда энг муҳим восита тилдир. Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини ўзбек тилининг (Навоий уни «туркий тил» деб атайди - С.Ғ.) адабий тил мавқеъига кўтариш учун олиб борган курашининг назарий якуни сифатида яратди. Унда ўзбек тилининг бойлиги, имкониятлари тилшунос олимларимиз томонидан илмий асослаб берилган - Навоийнинг бу соҳадаги хизматлари ҳам далилланган.

Навоийнинг 1499 йилда ёзилган «Муҳокамат ул-луғатайн» асари ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Навоий бу асарида ўзбек тилининг ўзига хос мураккаб хусусиятларини, ўзбек, форс адабиётлари тарихини ўз даври тарихий шароити, адабий ҳаёти билан ўзбек адабиёти ва унинг истиқболи учун кураш билан боғлаб текширади. Навоий ўзининг ғоят серқирра ва мазмундор ижодини қадимги ўзбек на форсий тилда яратилган адабиётлардаги бой анъаналар заминида юзага келганини қайта-қайта таъкидлаб ўтади. «Муҳокамат ул-луғатайн»да ана шу масала юзасидан билдирилган муҳим қайдлар мавжуддир. Навоий асарда форсийда яратилган адабиётнинг машҳур намояндаларини ҳурмат билан тилга олади. Бу адабиётда эришилган ютуқларни улкан адабиёт тарихчиси ва танқидчиси сифатида ҳаққоний баҳолаб ўтади. Жумладан, у Амир Хусрав Деҳлавийнинг лирик шеърияти ҳақида ёзади: «Амир Хусрав Деҳлавий девониким, ошиқликда дард ва ниёз ва сўз гудоз тариқни ул мунташир қилди ва онинг ишқи машъалидин бу партав олйра хокдониға ёйилди». Дарҳақиқат, Шарқ шеъриятида ишқ мавзуъсини ёниқ эҳтирос билан тараннум этган бу улкан сўз шеъриятидаги нозик, мўъжаз ва гўзал бадиий ифода услуби Навоийга баракали таъсир кўрсатгандир. Умуман, Навоий Хусрав Деҳлавий ижоди ҳақида «Хазойин ул-маоний» таркибидаги ғазал ва қитъаларда, «Бадое ул-бидоя» дебочасида, «Маҳбуб ул-қулуб»да, «Хамса»да тўхталиб ўтади. Навоий «Девони Фоний»га кирган кўпгина ғазалларини Хусрав Деҳлавий ғазалларига татаббуъ қилиб яратар экан, у ижодкорнинг бадиий санъатдаги маҳоратини ижодий ўзлаштириб, уни ҳар бир ғазалдаги ўз ғоявий ниятига уйғун тарзда такомиллаштиришга интилади.

«Муҳокамат ул-луғатайн»да Навоий Хусрав Деҳлавийнинг машҳур қасидаларига катта баҳо беради. Улардан бири «Дарёи аброр» қасидаси ҳақида шоирнинг ўзи айтган қуйидаги фикрни ҳам келтиради: «Юз минг байтдин ортуғ девонларим ғазалиёти ва қасойид ва маснавийларим абёти агар олам саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасида қолсаки, анда маъни истийфоси вофийдур, бу фан аҳлиға менинг фазойилим да... кофийдур.

Хусрав Деҳлавий қасидаларига бошқа ижодкорлар, жумладан, Ҳоқоний, Жомийларнинг татаббуълари ва ўзининг жавоб ёзгани ҳақида Навоий муфассал тўхтаб ўтади.

Худди шунингдек, Навоийнинг Саъдий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийлар ижодига ҳам зўр қизиқиш ва юксак ҳурмат билан қараши асарда таъкидланади. Навоий қасида жанрини янги тараққиёт босқичига кўтарган Ҳоқоний, Анварий, Камол Исмоил, Заҳир ва Салмон каби шоирлар, маснавий жанрининг устозлари Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий каби сўз санъаткорлари, ғазалчиликда юксак маҳорат кўрсатган Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Котибий ва бошқа ижодкорларнинг самарали фаолиятини олқишлайди. Навоий тилга олган шоирларнинг шеърияти ҳақида «Маҳбуб ул-қулуб»нинг «Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида» деб номланган қисмида «ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилибдурлар», деб ёзади, Бу шоирлар жуда машҳур, шеърлари

севиб ўқилган. Асарда форсигўй ва туркигўй шоирларнинг ўзаро адабий ҳамкорлигига оид қайдлар ҳам бор. Адабий мавзуларда суҳбат, мунозаралар, бадиият масалалари юзасидан мубоҳасалар мунтазам равишда ўтказилиб турганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжудки, бу ўша даврдаги маданий ҳаётнинг фаол жараёнидан далолат беради.

Форс тилида шеъриятнинг турли-туман жанр ва шаклда жуда кўп ва ажойиб асарлар яратилганини эътироф этар экан, Навоий туркий тилдаги шеърият форсийга нисбатан жуда суст ривожланганлигига эътиборни тортади ва бунинг сабабларини очиб беришга ҳаракат қилади. «Бу тилда, - деб ёзади Навоий, - ғариб алфоз ва адо кўптур. Муни хуш… тартиб ва рабоянда таркиб била боғламоғининг душворлиғи бор. Мубтадий таъби ул назмни душворлиғ била боғламоғдин кўфт топиб, мутанаффир бўлур ва осонроқ сари майл қилур». Демак туркигўй ижодкорлар, она тилнинг мураккаб ва нозиклигини билдирувчи бир неча маънолик сўзлар ва ифодалар кўп бўлганлигидан уларни тушуниш ва шеъриятда маҳорат билан ишлатиш меҳнатидан чўчиб, мушкулликлардан задаланиб осонлик сари майл кўргазишларини Навоий биринчи сабаб деб кўрсатади. Иккинчи сабаб «…фаҳм жинси ожизларни ҳам мойил, балки муштағил ушбу навъға кўрар ва замон ва расм аҳли тариқидин чиқмоғин муносиб кўрмас ва бу навъ била қолур» деб ёзади Навоий.

Яъни баъзи идрокли санъаткорлар бу қабилдаги беҳуда уринишларни кўргач, замонадаги ҳукмрон анъана доирасида қолишликни ўзларига муносиб деб биладилар. Навоий Яна учинчи сабаб деб қуйидагиларни кўрсатади: «…Мубтадийға яна одатдурким, табъидин ул нима бош урса, чун ўз зодаи таъби ўзига маҳбуб эканга мажбулдур, тиларки, ани бу фан аҳлига арз қилиб жилва бергай. Чун бу фан аҳли форсигўйдурлар ва турк алфозидин баҳраманд эмаслар, таъби ул жонибдин аъроз қилиб, бу фанға машғул эл сари майл кўргўзур». Яъни ёш ижодкорларда шундай одат бўладики, ўзига севимли бўлган - бу табиий, албатта, асарларинн тажрибали шоирларга, адибларга кўрсатиб эътирофга сазовор бўлишликни истайдилар. Бундай фикрни айтиши мумкин ҳисобланган сўз санъаткорлари эса турк тилидан бебаҳра бўлганликлари туфайли энди ижод йўлига кириб келаётганлар туркийга эмас, форсийга майл кўргизадилар. Бинобарин, ана шу сабабларга кўра қадимги тилидаги шеърият форсийдагига нисбатан бир қадар ортда қолиб келди. Навоий куйиниб ёзган эдики, мадомики сўзлари кўп, иборалари кенг, маънолари хилма-хил, ифода усуллари турли-туман бўлган туркий тил - она тили турганида, «у халқ орасидан пайдо таъб аҳли салоҳият ва таъбларни… ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди… ва агар иккаласи тил билан айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди». Сўнгра Навоий ўзи ва ўз ижоди тимсолида форс тилини бу тилдаги кўп асрли ва бой адабиётни мукаммал билгани ҳамда ижодининг дастлабки даврида ҳукмрон анъанага риоя қилиб шу тилда қалам тебратганини, лекин юқоридаги уни банд этган она тилининг имкониятлари бадиий ижод учун мутлақо яроқли эканлигидан келиб чиқиб ўз асарларини ана шу тилда ярата бошлагани масаласига кўчади.

«Муҳокамат ул-луғатайн»да муаллифнинг девонлари, «Хамса» ва бошқа қатор ижоди маҳсулларининг рўйхати ва ғоят қисқа – лўнда характеристикаси мавжуддир. Худди шу ерда Навоий «фахрия» усулидаги ўз ижоди намуналарига қуйидаги ғоят мароқли баҳо бериб: «…Доно ҳакам адолат юзидин кўз ва бурунги форсий ва сўнғи туркий латойиф ва дақойиқидин баҳра олса, ҳукм сўрар замонида ва ҳар қайсининг мартабасини тайин қилур авонида умидим улдур ва ҳаёлимға андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин куйи инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай», - деб ёзган эди. Ҳақиқий

даҳо эгалари ўз ижод ва фаолиятларининг асл қийматини, халқ қаршисидаги ўзларининг белгиловчи бурчларини ва хизматларини жуда аниқ ва яхши биладилар. Шу нуқтаи назардан қараганда «Муҳокамат ул-луғатайн»да ўз аксини топган Навоийнинг юқоридаги фикрлари ғоят ҳаётий бўлиб, реал заминга эгадир. Яна шуниси диққатга сазоворки, Навоий ёлғиз шу асарида ўзининг ижодий биографиясига оид маълумотларни мукаммал баён этади. «Муҳокамат ул-луғатайн»нинг адабиёт тарихи учун аҳамиятли жиҳати яна шундан ҳам иборатки, унда ўша ўзбек тили тақдири юзасидан расмий равишда амалга оширилган, тадбирлар ҳақида маълумотлар берилади. Масалан, Ҳусайн Бойқаро томонидан туркийгўй шоирларни ўз она тилларида ижод қилишга чорлаб, махсус фармонлар берилиб турганлиги ҳақида Навоий қуйидагиларни ёзади: «Ва илтифот ва эҳтимом юзидин маънилар топиб, назм қилурға ҳукмлар ҳам жорий бўлди ва сўз услубиға таъйинлар ва адосиға таълимлар ҳам изҳори бўлди».

«Муҳокамат ул-луғатайн»да тил билан адабиёт масалалари бир бутун яхлитликда олинади, уларнинг бир-бирига боғлиқ жиҳатари таҳлил қилинади. Айни чоқда, ўзбек тили ва адабиёти масалалари форсий тил ва бу тилда яратилган адабиёт масалалари билан қиёслаб, тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий воқелик билан боғлиқ ҳолда кузатилади, текширилади. Асарда даврнинг йирик маданият арбоби, адабий ҳаёт ташкилотчиси Навоий форсийдаги адабиётнинг пухта билимдони сифатида бу адабиётнинг тараққиёт йўллари, унинг улкан ютуқлари, ана шу ютуқларни юзага келтирган машҳур сўз санъаткорлари ҳақида қимматли фикрларни билдиради. Асардаги Ҳусайн Бойқаронинг ўзбек тили ва адабиётига муносабатини ёритувчи анча муҳим маълумотлар, айни Ҳусайн Бойқаронинг ана шу масала билан боғлиқ Навоий унинг оламшумул ижодий ютуқларига муносабатини кўрсатиб берувчи қайд-эътирофлар адабиётимиз тарихи учун ғоят аҳамиятлидир. «Муҳокамат ул-луғатайн»да Навоий ўзи ҳақида, ижодининг мамлакат маданий ҳаёти тарихидаги роли ҳақида ҳам жуда мароқли маълумотларни баён этадики, бу асарнинг адабиёт тарихи учун аҳамиятли бўлган яна бир фазилатидан далолат беради. Шунингдек, «Муҳокамат ул-луғатайн» Навоий ижодидаги илмий насрнинг гўзал намунаси сифатида ҳам қимматли ёдгорликдир.

«МУРШИДУ УСТОДУ ПИР МАНГА»

«Хамсат ул-мутаҳаййирин»

1492 йил 8 ноябрга (898 йил муҳаррам ойининг ўн еттинчиси)га ўтар кечаси… Алишер Навоий бошига оғир мусибат тушади. Унинг азиз дўсти, самимий маслаҳатчиси, мушфиқ ва мўътабар маслакдоши Абдураҳмон Жомий вафот этади. Навоий бу ҳақида ёзади: «Панжшанба куни хотирим аларнинг бағоят мутараддид эрди, жума кечаси бу тараддудда уйқум келмас эрди. Ярим кеча изтироб юзидан отланиб, алар хизматиға иёдатға бордим. Баъзи азизлар ва асҳоб аларнинг бошларида жамъ эрдилар, гоҳ беҳол, гоҳ ўз ҳолларида эрдилар. Фақир густоҳлиқ юзидан хотир итмийнони учун ҳолларин сўрдум, илтифот қилдилар… Тонг откунча бир ҳолда эрдилар, чун тонг намозидин халойиқ фориғ бўлдилар, аларнинг ҳоли ўзгачарак бўлди… Мавлоно Зиёвуддин Юсуфким, аларнинг аржуманд фарзандларидурлар, аёғлари сори кўзлариға ўтру ўлтуруб эрди, алар қачон кўз очсалар анга илтифот юзидин боқадурлар эрди. Бу фақир густоҳлиқ қилиб илтимос қилдимким, маҳдумзода ўтрудин кетдилар. Андин сўнгра алар нақшбандия хожалари тариқи била хафий зикриға машғул бўлуб, ўз таважжуҳлариға иштиёқ кўргўздилар, то жумъа солоти чиқти, Хожа Ҳофиз Ғиёсиддин Муҳаммад Деҳдор келиб, аларнинг бошида Куръон хатмиға машғул бўлди, то ул замонким, ҳануз эл намоздин фориғ бўлмайдур эрдиларким, алар касрат анжуманидин кўз юмуб, ваҳдат хилватхонасиға нўзул қилдилар. Аларнинг мутаҳҳар руҳи чун малаил аълоға азимат қилди ва асҳобнинг ҳаёти қуши ҳамул тойири кудсийдин ирашти, фазаи акбар малаи аълоға етишти, чун ул пок муҳиб ўзин пок маҳбуб висолиға солди-олам жонсиз бадандек холи қолди.

Кўкка мотамзадалар навҳаси гарёвушти,
Мени мотамзадаға лек катиғ иш тушти.

Алишер Навоий соҳиби азо сифати дафн маросими ва маъракаларга бош-қош бўлади, мотам тутади ва дўсти вафотига йил тўлганда катта йиғин ўтказади. 1494 йилда эса Жомий хотирасига бағишлаб махсус асар ёзади ва уни «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» деб атайди. «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» муқаддима, уч мақолат ва хотимадан иборатдир. Асар муқаддимасида Навоий Жомийнинг насаби, туғилиши, тарбияланиши, таҳсил олиши, шоир ва олим бўлиб етилиши ҳақида маълумотлар беради. Иккинчи мақолатда Навоий билан Жомий ораларида «ўтган иттифоқий умур ва ғаробатлиқ сўзлар» ҳақида мароқли ҳикоятлар келтирилади. Бу боб таркибидаги 13 лавҳада Жомий характерини, унинг табиатини очиб берувчи турли воқеалар ва шу воқеалар муносабати-ла Навоий билдирган мулоҳаза ва маслаҳатлари ҳамда унинг юморга мойиллигини кўрсатувчи гўзал нақллар ва турли адабий мавзуларда ўтказилган суҳбатлар берилади. Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, мана шу мақолатдан Жомийнинг унга бўлган алоҳида «хусусият ва илтифотлари маълум» бўлади. Учинчи мақолатда Навоий ва Жомий ораларидаги турли даврларда битилган мактублар келтирилади. Бу мактубларнинг мундарижаси икки бир-бирига ғоят суяниб қолган мехрибон дўстларнинг соғинч мактублари, бадиий ижод юзасидан ёзишмалар ва ижтимоий-сиёсий воқеалар билан боғлиқ хатлардан иборат. Бинобарин, уларда икки дўстнинг муштоқлик кайфиятлари, уларнинг маънавий оламларидаги умумий жиҳатлар, бадиият соҳасидаги, нафосатни илғашдаги муштарак нуқталар намоён бўлади. Бу маколатда ҳам 13 та кичик боблар очиб, ёзишмаларниг

тарихи ва улардаги мавзуларни ёритиб беради. Чунончи: Кунларнинг бирида Жомий ҳузурида Амир Хусрав Деҳлавийнинг машҳур «Дарёйи аброр» номли қасидаси борасида сўз кетганда Навоий уни ғоят мақтайди, қасида ҳақида Хусрав Деҳлавийнинг ўз сўзларини келтиради: «Агар афлок ҳаводиси ва рўзғор навоибидин менинг борча назмим замона саҳифасидин маҳв бўлса ва бу қасидам қолса менга басдур неучунким, ҳар киши ани ўқуса билурким, назм мулкида менинг тасарруф ва иқтидорим не мартабада эркандур». Жомий то мажлис тарқалгунча сокит ўтираверади. Ўша кунларда Навоий Марвга жўнаши керак бўлади. У дўсти Жомий билан хайрлашгани ва фотиҳасини олгани унинг ҳузурига боради. Жомий оқ йўл фотиҳасини берар экан, қўйнидан бир қоғоз чиқариб Навоийга узатади. Навоий фақат йўлдагина у қоғозни очиб ўқишга имконият топади, қараса, «Дарёйи аброр» жавобида ёзилган «Лужжат ул-асрор» деб номланган қасида экан. Уни от устида хушҳоллик билан ўқиб кетар экан, Навоий хаёлига «Туҳфат ул-афкор» қасидасининг биринчи байти - матлаъси келади. Шоир уни дарҳол қоғозга тушириб, Жомийга бир бек орқали жўнатади ва ундан қасидани тугатишга лойиқ ва лойиқ эмаслиги хусусида фикр сўрайди. Жомийдан «албатта, тугатсун» мазмунида мақтовлар тўла жавоб келади. Навоий то Марвга етгунга қадар қасидани тугатади ва уни Жомийга бахшида қилади. Бу воқеа 880 йил ражаб ойида (яъни 1475/76 йил октябрида) юз берган эди.

Бир куни Навоий Марвда эканида Ироқдан таниқли санъаткор Устод Ҳасан Нойи деган созанданинг вафоти хабари етиб келади, Навоий Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»сидан машҳур «Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад, Аз жудоиҳо шикоят мекунад» (яъни найдан эшитгил, қандай ҳикоят қилмокда, у жудоликлардан шикоят қилмоқда) байтини тазмин қилиб, қуйидаги шеърни юборади:

Шарҳи ҳажри шоҳи устодон Ҳасан,
«Башнав аз най чун ҳикоят мекунад»,
Банд-банди у жудо ташта зи ҳам,
«Аз шикоят мекунад».

(яъни, Устозлар шоҳи Ҳасандан жудолик шарҳини қандай ҳикоя қилинишни найдан эшитгил. Унинг банд-банди узилиб, жудоликлардан шикоят қилмоқда), Бунга жавобан Жомий мазкур байтни тазмин қилиб , мактубда бир рубоий жўнатади:

Шуд наи хома диламро таржумон,
«Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад.
Бо забони тезу чашми ашкрез,
«Аз жудоиҳо шикоят мекунад».

(яъни, қаламнинг найи дилимнинг таржимони бўлди, қандай ҳикоя қилишни найдан эшитгил. Ўткир тил ва ёш тўкувчи кўз билан жудоликлардан шикоят қилмоқда). Мактубда яна шундай сўзлар битилган эди: «Фироқ кунлари чўзилишининг ҳикояти ва муштоқлик тунлари узайишининг шикояти шундай кўпки, уни оғзи баста сиёҳдон ва тили кесик қалам ёрдамида бу номада баён қилиш мушкул ва бу саҳифага сиғдириш маҳол. Ноилож шу ерда тўхталиб илтижо қилинадиким: (Шеърнинг таржимаси) Ағёрлар ташвиши бўлмаган соатда, бор қутлуғ мажлисда, таъзим билан ер ўпиб, дуогўйларнинг ҳурматига етказгил. Битмас давлат ва туганмас саодат ёр бўлсин. Мана шундай мактубларда агар Навоий Жомийга қарата «Илтифот юзасидан юборган мактублари етишти. Уммон денгизи каби таъблари дарёсидин олинган гавҳарлари бошимиз ўзра тожга тикилди, кўз ва кўнгил уйи улар билан

топди», деб фарах-ла шукроналар айтса, Жомий Навоийга «Маъниларга тўла шарофатли сўзлар, нозик нуқталар билан безатилган гўзал иборалар менга баҳра ва шодлик бахш этди.

(Шеърни таржимада берамиз):

Агар сенинг лутфинг тиканзорларга етишса, тиканзорлар баҳористонга айланади» дея ғурур билан миннатдорчилик изҳор қиладики, натижада биз ҳам бу икки улуғ сиймонинг бир-бирларига бўлган муҳаббат, хурмат ва меҳрибонликларидан ҳаяжонланиб, таъсирланиб ибрат сабоғини оламиз. Жомий ва Навоийларнинг ижоддаги ҳамкорликлари ва бу шарафли ҳамда масъулиятли фаолиятдаги уларнинг яқинликлари «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин»нинг учинчи мақолатида ўз аксини топгандир. Бу боб аввалида Навоий Жомийнинг 38 номдаги асарлари рўйхатини беради. Уларнинг аксариятининг руёбга чиқиши Навоий ташаббуси билан бўлган эдики, буни ҳам муаллиф ўрни-ўрни билан айтиб ўтади. Шундан сўнг, Навоий ўзи ҳамда ижоди намуналари ҳақида Жомий қайси асарларида нималар деганини ва ўзининг ҳам асарларида қайд қилган дўсти мадҳидаги фикрларини келтиради. Бу мақолатдан яна шу нарса ойдин бўладики, Навоий Жомийга ўзининг лирик шеърларидан девонлар тартиб этиб, уларга махсус номлар беришни таклиф этади. Бу гап бўлиб ўтгандан икки кун кейиноқ Жомий Навоий маслаҳати юзасидан ишга киришиб кетганини кўрсатувчи девонлар учун тузилган феҳрастни беради. Жомий ўз куллиётининг муқаддимасида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ҳам ўтади. Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» номи остида жамланган тўрт девонининг тартиб қилиниши Жомий таклифи билан амалга ошириладики, бу ҳол ижодий ҳамкорлик тажассумидир. Асарнинг бу бобида, шунингдек, бир-бирига ҳам устозлик, ҳамшогирдлик бурчини ўтаган Жомий ва Навоийнинг бир-бирлари асарларига қилган татаббуълари, боғлаган мусаддаслари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Хотимада эса Жомийнинг, хусусан, қайси асарларидан баҳраманд бўлгани ва унинг раҳбарлиги остида бошқа машҳур китобларни мутолаа қилгани тўғрисида сўз юритади ва дўстининг баъзи фавқултабиий хусусиятларини кўрсатувчи нақлларни ҳамда унга алоқадор бўлган қизиқ тасодифларни ҳикоя қилади. «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» охирида Жомийнинг хасталиги, вафоти ва дафн этилиши тафсилотлари берилади. Сўнгра Жомий вафотига йил тўлганда нотиқлик санъатининг йирик намояндаси, марҳумнинг ҳам, муаллифнинг ҳам яқин суҳбатдошларидан бўлган Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий халойиққа ўқиб эшиттирган марсия ва таърих келтирилади. Ҳар бири 10 байтдан иборат 7 банд (140 мисраъ)ли бу марсияда Навоий буюк инсон, фан оламининг ягонаси,шеъриятнинг моҳир ижодкори бўлмиш самимий дўстини йўқотганидан аламли нолалар қилади. Ўзининг ёлғизликда чеккан, чидаб бўлмаслик даражасидаги юрак қайғуларини, дил дардларини ғоят таъсирли қилиб баён этди. Марсия ўз муаллифининг ўша кезлардаги чуқур руҳий кечинмаларини очиб беради. Садриддии Айний бу марсия ҳақида шундай ёзган эди:

«Алишернинг Жомий вафотига ёзган таркиббанди марсия адабиётининг энг жон ўртовчи намунасидир… Бу таркиббандда Жомийнинг бутун илмий ва адабий қудрати мужассамланган».

Хулоса қилиб айтганда, «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин»да келтирилган кўплаб мисоллар, лавҳалар Навоий даврининг бирмунча томонларини очиб беради, халқ ва мамлакат ҳаётининг мураккаб жиҳатларини, илмий ва бадиий ижодга алоқадор масалаларни ҳам ёритиб беради. Шулар билан бир қаторда бу асар Навоий билан Жомий дўстлигининг жуда ва ҳар тарафлама эканлигини ва бу дўстлик ҳақиқий гуманистик асосларга таянганлигини ғоят ёрқин акс эттиради.

«Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» Навоийнинг Жомийга, улар орасидаги ҳамжиҳатликка, дўстликка қўйилган мангу обидадирки, бу ўз навбатида узоқ мозийларда бир жон ҳам бир

тан бўлиб яшаган, ижод қилган, биргаликда нашъу намо топган ўзбек ва тожик халқлари қадимий дўстлигининг ҳам ёрқин ва гўзал ифодаси, ибратли ва ҳаваснок намунасидир.

Алишер Навоийнинг «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асари баъзи қисқартишлар билан П.Шамсиев томонидан 1959 йил «Ўзбек адабиёти хрестоматия»сининг II томида нашр қилинди. «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»ни Навоий ўз замонининг йирик маданият арбоби, яқин дўст, Саййид Ҳасан хотирасига бағишлаб, унинг вафотидан сўнг 896/1490-91 йилларда ёзган. Навоийнинг хабар беришича, Саййид Ҳасан 894 ҳижрий йилида, 73 ёшида вафот этади. Демак, унинг туғилгани 811 ҳижрийга (1415/16 милодийга), дунёдан ўтиши эса 1488/80 йилларга, яъни Навоий ҳаётининг мураккаб дамларига унинг Астрободда бўлиб қайтиши пайтларига тўғри келади. Навоийнинг айтишича, унинг Саййид Ҳасан билан биринчи марта танишуви 60/1455/56 йиллар, яъни у 14-15 ёшларда эканида содир бўлади. Маълумки, 1452 йилда Ғиёсиддин Кичкина оиласи Ҳиротга қайтади. 1456 йилда Алишер Хуросон шоҳи Абулқосим Бобурнинг хизматига киради. Саййид Ҳасан ҳам шу саройда хизматда эди. «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» рисоласининг аҳамияти ва унинг яратилиши тасодифий эмаслигини янада яхши тушунмоқ учун Навоийнинг бошқа асари - Саййид Ҳасанга шеърий мактуби машҳур маснавийси ҳақида бир неча сўз айтиб ўтмоқ лозим кўринади.

Навоийшунос олим А. Хайитметов «Навоий лирикаси» ҳақида бу «Маснавий»ни атрофлича ва чуқур таҳлил этади. Бу асар юзасидан мавжуд бўлган турли-туман ва қоришиқли фикрларга аниқлик киритади. Навоий «Маснавий»ни Абу Саид подшоҳлиги даврида Самарқандда эканлигида ёзганини изоҳлаб беради. Бу асар Саййид Ҳасанга ёзилган бўлиб, унда Навоийнинг барча бадиий асарлари ва умуман, унинг дунёқараши учун энг характерли бўлган аксар ғоявий-фалсафий фикрлари, жумладан, ўз даврида ҳукм сурган ижтимоий фожиани дадил очиш ва кескин танқидга учратиш, зулм ва адолатсизликдан аччиқ нола қилиш; мамлакатдаги вайроналик ва халқнинг чексиз аҳволи аламини чекиш; ҳоким табақаларнинг мамлакатда кенг қанот ёйган ўзбошимчалиги, зўравонлиги, юлғичлигини ғазаб билаң қоралаш, таланган халқ, хароба ҳолига келтирилган мамлакат ва беҳад таҳқир этилган, топталган инсон тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиш; ғам-алам исканжасида ёлғизликдан, сирдош ва дардкаш дўсти Саййид Ҳасан билан айриликдан зорланиш ифодалангандир. Ниҳоят, маснавийда шу саналиб ўтилганлар билан бир қаторда Навоий дунёқарашининг ўзига хос томонларидан бири - ваҳдат ул вужудга муносабатини кўрамиз. Маълумки, бу фалсафий тизимнинг асосий ижтимоий вазифаси ҳамда мақсади ҳар нарсадан олдин инсонни илоҳийлаштириш ва шу йўл билан унинг қадр-қимматини тиклаш, уни реал воқелик билан боғлаш эди. Асарда Навоий тўғридан-тўғри Худонинг дунёни яратишдан кўзлаган асосий мақсади инсонни яратиш эканлигини ёзади:

Эмас эрди мақсуд жўз одами -
Ки, ҳақ сирринг бўлғай ул маҳрами.
Баридан ғараз гарчи инсон эди,
Анга доғи мақсуд ирфон эди.

Айтиш мумкинки, Саййид Ҳасан Ардашер маснавийда баён этилган юқоридаги фикр ва ғояларда Навоий билан ҳамфикр эди. Шунинг учун ҳам асарнинг худди Саййид Ҳасанга бағишланиб ёзилганининг ўзи ҳам тасодифий ҳол эмас. Ҳасан Ардашернинг Навоий ҳаётида нуфузли ўрин тутган ва муҳим роль ўйнаган мустасно шахслардан бири эканлиги маснавийдан кўриниб туради. Навоийнинг «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» рисоласида

айтилишича, Саййид Ҳасаннинг отаси шоҳ Бойсунғур мирзо мулозаматида бўлиб, қушчилик, овчилик юмуши билан машғул бўлар экан. Шу ҳунарда моҳирлиги туфайли у саройда юксак обрў қозониб, хатто қушбегилик вазифасига ҳам кўтарилади. Саййид Ҳасаннинг ўзи ҳам отасига эргашиб Бойсунғур хизматида бўлади ва кичик ёшидан бошлабоқ ўқиш ва ёзишга катта майл кўрсатади. Шундай қилиб, кўп ўтмай ўз атрофидагилар орасида ўз билими билан ажралиб турадиган даражага эришади. Навоий сўзи билан айтганда, «кўпрак замоннинг табъ ва фазл аҳлига лойиқ ва сарафроз бўлубдурлар». Унинг машғул бўлган ва ижод қилган соҳалари: араб тили, тилшунослик, риторика, фиқҳ, шеър, муаммо санъати, тарих, астрономия, мусиқа назарияси ва ҳоказолар эди. Саййид Ҳасан Ардашер табиатан ғоят камтар инсон эди. У мансабпарастликдан, амалдорликдан, ҳукмдорларга шахсий манфаат юзасидан мутъе бўлиб хизмат қилишдан нафратланар эди. Юқорида айтганимиздек, 560 хижрий йилда (1455/56 йиллар Навоий у билан биринчи маротаба учрашади ва суҳбат қилади. Шундан кейин улар орасида жуда ҳам яқин дўстона муносабат пайдо бўлади ва давом этади. Навоийнинг ўзи бу ҳақда: «Алар тариқ ва равиши бу фақирни шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматига етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди ва алар ҳам келиб аҳвол сўрурлар эрди: «Ташвише бўлмамиш бўлғайким, букун сендин хабар тона олмадук», деб ёзади. Саййид Ҳасан Ардашер Навоийни ёшлигида ва ундан кейин ҳам яхши ишларга йўналтириб турар, ижод этишга ундар ва қўлидан келганича рағбатлантириб, ижодий юксалишига ёрдам берар, ҳамдардлик ва сирдошлик қилар эди. Навоийнинг ўзи бу ҳакда шундай дейди: «Ва бу фақирни (Навоийни - С. Ғ.) факр тарийқига далолат ва идрок қилурлар эрди ва назм айтурга тарғиб кўргўзурлар эрди. Чун ул авкотда фақирнинг назмлари Хуросонда шухрат тутиб эрди, алар дағи илтифот қилиб, баъзи абётни кўп эрди ва мажлисда хушвақт бўлурлар эрди. Шу жумладин бу матлаъдурким, фард:

Фурқатингдин заъфарон ўзра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар.

Саййид Ҳасан Ардашер дунёвий ижодига ихлос қўйган, айни замонда сўфийлик кайфиятларидан ҳам баҳраманд эди. Саййид Ҳасан Ҳусайн Бойқаро тахтга чиққанидан кейин унинг мулозаматида бўлади. Шоҳ унга катта илтифот ва эҳтиром кўрсатади. Аммо рисоладан кўринишича, бу нарса Саййид Ҳасанни у қадар қизиқтирмайди. Ниҳоят, ёши олтмишдан ошганидан кейин у шоҳ хизматини тамомила тарк этиш фикрига тушадики, бунинг сабаби Саййид Ҳасаннинг ўз атрофидаги муҳит билан умумий тил топа олмаганида бўлса керак. Навоий Саййид Ҳасаннинг табиати ва фазилатларини таърифлаб, қуйидагиларни айтади: у киши ҳам улуғ, ҳам кичик, оддий одамга жуда ширин сўз эди, уларни баробар кўрарди: қўлидан келганча ва ихтиёридаги бор барча нарса билан ўзгаларни шод этиш, буни ҳар нарсадан афзал кўриш унинг учун қоида эди:

Ўзидин элга дарё - қатраосо,
Вале элдин ўзига қатра - дарё,

яъни, ўзидан элга дарё кетса, ўша қатрадек кўринар, агар элдан қатра олса, бу унга дарёдек туюларди. У киши ўта кетган даражада шафқатли бўлиб, хато қилиб қўйганларга жуда сезгир, ғамхўр муносабатда бўлиш, тушунтириш ва тарбия қилишга интилишни зарур деб биларди. Шунингдек, бениҳоя юмшоқ кўнгилли бўлиб, дардни сўзлардан беҳад ғамгин бўлар, назм ва куйдан чексиз таъсирланар эди. Навоий Саййид Ҳасан табиатидаги яна бир

хислатга диққатни тортади у ҳам бўлса, Саййид Ҳасаннинг ниҳоят даражада сабр-тоқатли инсон бўлганлигидир. Рисолада Навоий унинг бу фазилатидан далолат берувчи бир лавҳани келтиради: Саййид Ҳасаннинг Саййид Муҳаммад исмли ёлғизгина фарзанди бўлиб, у ўзининг ахлоқи, одоби ва илмга ташналиги ҳамда бу йўлдаги мислсиз муваффакиятлари билан ўз тенгдошлари орасида ажралиб турар, шунинг учун ҳам барчанинг эътиборини қозонган эди. Бу бола 14 ёшида вафот этади. Саййид Ҳасан шундай қақшатгич мусибат қаршисида жуда катта тўзим кўрсатадики, бундан ҳамма, жумладан, Навоий ҳам ғоят ҳайратда қолади. Асарда Саййид Ҳасаннинг бу фазилатига алоҳида урғу берилади.

Саййид Ҳасаннинг фазилатларини санаб, тавсифлаб, Навоий унинг лутф ва тавозеъда беназирлигини алоҳида таърифлайди ва унинг уйига ҳамиша кўплаб келиб турадигган меҳмонларига бўладиган муносабатини қуйидагича баён этади: «Оқшомки, мажлис аҳли одати била усруб, уюр чоҳ бўлса эрди, алар (Саййид Ҳасан Ардашер - С.Ғ.) бирин-бирин усрук бошига етиб, мулозимлик элни мулозимларига топшуруб, навкарсиз номуродларни муҳофазат қилиб, остига солдуруб, бошлари остида нима истаб, илайларига кўзалик сув қуйдуруб, баъзининг кафш ва дасторларин ва ёғлиқларин ва анинг учида тугунгинаси бўлса, белгулукларин мулозимларға топшуруб, хотирларин ул тоифа жамъидин сўнгра хуфтан намозин адо қилиб, ўз ҳужраларида осойишта машғул бўлур эрдилар… Ва сабуҳий вақтигача бир-икки қатла барча усрук риндлардин ўзлари юруб хабар тутарлар эрди». Навоий Саййид Ҳасанни кўпинча ринд» эрди деб таърифлайди. Буни унинг яшаш тарзи ва фикрлаш усули орқали кўрсатади ҳам. Бу масаланинг жуда муҳим томонларидан биридир. Тўғри, Саййид Ҳасан қатъиян ўзини йўқотмаган тарзда баъзан май истеъмол қилишдан ҳам холи эмас эди. Лекин, Навоий уни учунгина, тўғрироқ айтганда, шу туфайли ринд деб атамайди. Аксинча, унинг риндлиги, асосан, ўз даврида ғоят илғор ҳисобланган аҳийлар тариқатини, нақшбандийликнинг тўрт принципларидаи бири «хуш дар дам» деган қоидасини, Ҳофизнинг риндлигини эслатади. Тасодифий эмаски, Навоий уни шунинг учун ҳам севади, шунинг учун ҳам кўкларга кўтаради. Шу жиҳатдан ҳам у Навоийга таъсир кўрсатган десак, хато бўлмайди. Ринд сўзининг таърифи «Ғиёс ул-луғат»да шундай берилади: ринд - шариат қоидаларини жоҳиллик юзасидан эмас, зийраклик билан инкор қилувчи одам. Бу риндлик ана шу таърифга мосдир.

Саййид Ҳасаннинг замондан шикояти, давр яврамасликларига, саройдаги бўғиқ муҳитга бўлган нафрати унинг айниқса ёши маълум даражада улғайган вақтларда янада кучаяди. Навоий унинг, масалан, Ҳусайн Бойқаро мулозаматидан кетиш учун қилинган жуда қатъий ҳаракати ва бунинг сабаблари ҳақида ёзиши шундан далолат беради. «Вой, дунё шўғлининг ибтилосидин! Ва юз минг вой, дунё аҳлининг зулму жафосидин, балки малолат ва изосидин! Оҳ, замон жавру жафосидин! Наўзубиллоҳ абнойи замон қасду ифсосидин! Қалам жардаи хушхиромининг аноним бу равишдин уюрмак керак, йўқ эрса, инони ихтиёрни илиқдин олиб, сўз ўзар ва мақсудум бозорин бўзар… Алқисса, чун алар навкарлик балосидин ва сипоҳилик ибтилосидин Тенгри иноятн била халос бўлдилар, қайтиб, шаҳрда сокин бўлдилар…» Саййид Ҳасаннинг илғор фикрлилигидан дарак берувчи яна қуйидаги лавҳани Навоий катта завқ билан келтиради. Ўлтиришлардан бирида ҳозир бўлган фозиллар ўртасида нарсаларнинг бир-биридан фарқлари ҳақида сўз кетади. Шунда иштирок этаётганлардан бири қуйидаги байтни ўқийди:

«Лаъл сангасту деги сангин санг, Лек андар миён тафовут ҳост» (таржимаси: лаъл - тошдир, тош қозон ҳам тош, лекин уларнинг орасида тафовут бор). Шунда Саййид Ҳасан жуда қойил қолиб, ҳаяжон ва завқ билан дейди: «Бир шайх айтибдурки, тош қозон билан лаъланинг иккалови ҳам тошдур, лекин ораларида фарқ бор. Тош қозон фақат фойда

беради, унда ҳар турли ширин таомлар пишади ва барча баҳраманд бўлади, лаълдан эса халойиққа ҳар турли балолар келади. Ҳикояни давом қилиб Навоий, иттифоқо худди шу вақтларда шоҳ Абусаид кимдаки жавоҳир бўлса тортиб олиб, бўлмаса ҳаммани безовта ва ҳамма ерни остин-устин қилиб, ахтариб элга қаттиқ зулм ўтказаётган эди», – деб ёзади. Саййид Ҳасан Ардашер вафот этганда, Навоий Ҳиротда йўқ эди. У энг яқин дўсти деб билган бу мўътабар зотнинг ўлимини жуда катта қайғу билан қарши олади, таъзия русумларини бажо келтиради ва Ҳиротнинг шимолидаги тоғ этагида баланд ҳамда хушҳаво ерга мақбара қурдириб дафн этади. Хуллас, «Ҳалоти Саййид Ҳасан Ардашер» Навоийнинг кўп жиҳатдан муҳим асарларидан биридир. У ҳақда юқорида айтилганлардан қуйидаги хулосаларни қилса бўлади: Саййид Ҳасан Ардашер ғоят мураккаб ва оғир шароитда ҳамда даври савияси тақозоси билан, баъзи жиҳатлардан зиддиятли бўлса, ўз замонининг илғор фикрли, ғоят бой билимли, ажойиб фазилатли, ҳар ишда ибрат бўларли шахсларидан бири эди. У Алишер Навоийни фарзандим деб атаб (буни Навоийнинг ўзи рисолада қайд қилади), унинг улуғ зот бўлишида иштирок этган, муҳим роль ўйнаган, ҳамдарди ва дилкаш дўсти бўлган. Шу сабабларга кўра Навоий уни чуқур ҳурмат қилади ва ҳатто махсус асар ёзиб, унинг хотирасини абадийлаштиради. Асарда Навоий Саййид Ҳасаннинг бадиий ижод билан машғул бўлганлигини алоҳида қайд қилиб ўтмаса-да, унинг бу соҳадаги билимига юксак баҳо беради. «Мажолис ун-нафоис»да эса Навоий Саййид Ҳасан икки тилда, яъни туркий ва форс тилларида баъзан назм айтур эди, деб ёзган эди. «Риндлиғи чоғида, – деб давом этади Навоий, висоқи ринд ва хароботийларнинг мажмаи эрди ва бу ишни киши андин яхшироқ қилмади. Ул вақтда бу қитъани дер эрдиким:

Чи хуш бошад сабуҳи бо дилером,
Лаболаб аз қадаҳ ҳар дам кашидан,
Чугунча як пираҳон танг,
Баҳам печидану дарҳам кашидан,

(Яъни: Дилором билан тонг пайтида тўла қадаҳларни симиришдан ғунча сингари икковлон тор бир кўйлак ичида чирмашиб қучишмоқдан ёқимлироқ нима бор?) Аммо тақво ва зуҳд чоғида туркча бу байт ҳам анингдурким:

Илоҳий, нури ирфондин кўнгулга бир сафо бергил
Ки, исён зулмати ичра хароб ахволу ҳайрондур.

Саййид Ҳасаннинг Навоийни ижодга ундаб туришлиги ва Навоий шеърларига берган юксак баҳосини асар муаллифи зўр мамнуният билан қайд қилиб ўтади. Шунингдек, Навоийнинг хабар беришича, Саййид Ҳасан Лутфий ва Ҳофиздек забардаст шоирлар шеъриятининг аксар қисмини ёд билар эди ва адабий мажлисларда мароқ билан ўқир эди. Саййид Ҳасаннинг туркийгўй шоир Муқимийнинг ваҳдати вужуд руҳида ёзилган машҳур таржиъбандининг «Сенсен асли вужуди ҳар мавжуд, Сендин ўзга не вужуд» таржеъбандига ихлоси баланд бўлганлигига алоҳида урғу берадики, бу ҳам тасодифий эмас, албатта. Зероки, Саййид Ҳасан ўз замонининг етук ҳурфикр кишиларидан бири эди. Навоий даврнинг ана шундай энг ўқимишли, ҳар масалада зийрак ва доно сиймоси билан ёш йигитлигидан бошлаб унинг вафотига қадар самимий дўст бўлиб қолади. У Саййид Ҳасаннинг гўзал инсоний фазилатлари ҳақида ўз асарида алоҳида ҳусни рағбат билан ёзади. Айниқса, унинг камсуханлиги, ҳар қандай шароитда, ҳар турли мажлисда ҳаё ва одобни

ниҳоятда яхши сақланганлигини, ҳеч вақт ҳеч кимга ҳижолат етказмаганини ҳеч кимни мулзам қилмаганини қайд қилади. Навоий Саййид Ҳасаннинг гўзал хосиятлари ва ёқимли феъл-атвори туфайли катта-кичик ва яхши-ёмон қошида азизу мукаррам ҳамда муҳтарам бўлганлигининг далили сифатида Ҳусайн Бойқаронинг уни отадек билиб фарзандона илтифотлар қилганини айтади. Подшоҳ фарзандларининг айрим феъли ёки ишлари ўзига мақбул бўлмаса, Саййид Ҳасанни кўзда тутиб: «Не бўлгай, сенинг афъол на ҳисолинг ҳам фалониға ўхшаса эрди!» дея уларга танбеҳ беришлиги ҳам Навоий эътиборидан четда қолмайди. Рисолани Навоий Саййид Ҳасан Ардашер вафотига туширган. Шеърий таърих билан якунлайди. Бу таърих «Жаннати нокаш макон бод» жумласидаги ҳарфларнинг рақам кўрсаткичлари абжад ҳисобида 894/1488-89 йилни беради. Шундай қилиб, бу рисола Навоий насрининг жуда гўзал бир намунаси саналиб, катта самимият билан ёзилган. Рисола, шубҳасиз, одамларни бир-бирига олижаноб муносабат ва соф дўстлик руҳида тарбия қилишда ҳам муҳимдир.

«ТАБЪИ БАРЧА ФУНУНҒА МУНОСИБ...»

«Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» Навоийнинг бу асари ҳам «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» каби мемуар-биографик характерда бўлиб, Навоийнинг даври, ундаги ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаёт, биографияси ҳақида, шунингдек, шоирнинг замондошларидан, унинг ижоди ва фаолиятига хайрихоҳ шахс - Паҳлавон Муҳаммад ҳамда Навоийнинг унга муносабати ҳақида ғоят қимматли маълумотлар беради. Тарихий ва адабий манбаларнинг хабар беришича, Паҳлавон Муҳаммад ўз даврининг машҳур билимдони, энг маданиятли ҳамда гўзал инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган нодир шахсларидан бири бўлган. Алишер бу мўътабар зот билан 40 йил мобайнида яқин дўст бўлган. Бу нарса Паҳлавон Муҳаммаднинг улуғвор ва нуроний сиймо эканлигидан далолат берувчи ғоят муҳим омиллардандир. Навоийнинг таъкидлашича, Паҳлавон Муҳаммад ўз даврининг йирик қомусий билимга эга бўлган фозилларидан эди. Фаннинг бирон соҳаси йўққи, ундан Паҳлавон Муҳаммад бехабар бўлсин. У астрономия ва математикада, кимё ва фалсафада, адабиётшунослик ва санъатшуносликда, ҳуқуқшунослик ва бошқа билимларда ном чиқарган эди. Навоий бу ҳақда шундай деб ёзади: «Чун қобилияти баланд тушгандур ва мулоямати табъи барча муносиб ва баҳраманд воқиъ бўлгандур. Кўп фазойил ва камолот ҳам касб қилғондурким, замон аҳли борчада Паҳлавонни мусаллам тутар эрдилар...» Унинг шу даражада юксак билимдонлиги учун фузалолар, хатто шоҳ бошлиқ аксар арбоблар ва сарой аҳллари ҳам унга яхши муносабатда бўлганлар. Паҳлавон Муҳаммаднинг бундай нуроний шахс эканлиги ўша вақтлардаги конкрет шароитларда ғоят кенг ва катта ижтимоий маъно ҳамда аҳамиятга эга бўлганлиги ўз-ўзидан маълум. Феодал жамиятининг мураккаб шароитларида Паҳлавон Муҳаммад фанда «нодири даврон»лардан бўлиб, ўзоқ йиллар мобайнида билим ва маърифат машъалини баланд кўтарди. Мана шунинг учун Алишер Навоий умр бўйи уни чексиз севди, хурмат қилди ва ниҳоят, ўзининг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» деган асарини ёзиб, уни кўкларга кўтарди, хотирасини абадийлаштирди. Паҳлавон Муҳаммад ўз даврининг энг йирик ва кўркам санъат арбобларидан ҳам бири эди. У айниқса, мусиқа илми, бастакорлик ва хонандаликда машҳур эди. Паҳлавон Муҳаммад бир қанча янги мусиқа асарларини яратган, мавжуд куйларни ўзича ижро этиб, уларга янгича, ғоят катта маҳорат билан ижодий муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатган. Навоий ёзади: «Ул жумладин адвор ва мусиқий илмидурким, чун лаҳжаси ва савти хўб

экандур ва усули мазбут ва ҳаракоти ва саканоти марғуб. Ул дақиқ фанда қўшиш ва саъй кўргўзуб, даҳли том ва маҳорати молокалом топиб эрди ва дилкаш нақшлар ва амаллар ва дилписанд қавллар ва ғазаллар тасниф қилур эрди ва хўб айтур эрди…» Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг машҳур куйларидан «Чаҳоргоҳ», «Сегоҳ», «Панжгоҳ»ларни эслатиб ўтади. Паҳлавон Муҳаммад мусиқий санъатнинг «қавл», «ғазал»,«чорзарб», «савт» ва «нақш» йўлларида ҳам кўп куйлар басталаган. Унинг Ҳусайн Бойқарога бағишлаб «тегди ғазал» шуъбасида басталаган куйига ўзи шеър битган эди ва бу куй ўша вақтларда жуда машҳур бўлиб кетган эди, Навоийнинг хабар беришича, Паҳлавон Муҳаммад ижод қилган куйлар Хуросон, Самарқанд ва Ироқда ҳам маълум ва машҳур бўлган. Масалан, Паҳлавон Муҳаммаднинг Мавлоно Тутий ғазалига басталаган «Чаҳоргоҳ» куйи, Мавлоно Хусравий ғазалига боғлаган «Сегоҳи», Мавлоно Котибий шеърига яратган яна бир «Сегоҳи» шулар жумласидандир. Шундай қилиб, Паҳлавон Муҳаммад кишиларни бой эстетик руҳда тарбиялашга, халқимизнинг мусиқа, бастакорлик ва хонандалик санъатини бойитишга катта ҳисса қўшган эди. Паҳлавон Муҳаммад, шунингдек, адабиётда, сўз санъати тарихи ва илмида ҳам энг билимдон шахс ва нафис ҳиссиётли, ҳам олим, ҳам маслаҳатгўй, ҳам ижодкорлардан бўлган. У шеъриятнинг жуда мураккаб ва нозик масалаларини ҳам назариётчи, ҳам ижодкор сифатида атрофлича ва чуқур тушунган. «…Шеър ва муаммо бобида амалийсида Паҳлавон соҳиб вукуф ва жўшд эрди, ул навъким, замон шуаросининг юзидин бирига онча шуур ва вукуф йўқтур ва аксар назм аҳли ҳар навъ шеър айтсалар эрди – Паҳлавон назарига еткурурлар эрди ва анинг ислоҳ ва табдилин қабул қилур эрдилар», деб ёзади Навоий. Паҳлавон Муҳаммад ҳайратомуз зур хафизага эга бўлиб, жуда кўп шеърларни ёддан билган ва катта санъаткор бўлган. Унинг умуман давр адабий ҳаётини маълум маънода белгилаб ва йўналтириб турувчи улкан сиймолардан бири бўлганлиги шубҳасиздир. Навоийнинг айтишича, Паҳлавон Муҳаммад бадиий ижоднинг, айниқса, муаммо, таърих турларида катта маҳорат кўрсатган. У ҳатто муаммо бўлмаган башлардан ҳам ном чиқарар эди. «Жамъики муаммо айтурлар, басе заҳмат ила бир байтдин ё бир рубоийдин бир исм ҳосил қилур. Паҳлавон устод абётидинким, қойили муаммо меди қилмамиш бўлғай, табьи ўзи била исмлар пайдо қилиб эрди», - деб таъкидлайди Навоий ва Паҳлавон Муҳаммаднинг Хофиз Шерозий девонидан муаммо пули билан Али, Амин ва Такл исмларини истихрож этган 1 байт ва 2 матлаъсини келтиради. «Мажолис ун-нафоис»да Навоий Паҳлавоннинг бу соҳадаги қобилияти ҳақида жуда қиска маълумот беради. Лекин «Мажолис…»ни форс тилига биринчи марта таржима қилган Фахри Ҳиротий ўз таржимасига «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»дан баъзи маълумотларни илова қилади, Навоий келтирган Ҳофиз байтларини беради ва ўзидан Ҳофизнинг қуйидаги машҳур бир байтини илова қилади:

Аз ни «Шужоъ» берун овард»
Дарахти дўсти биншонки, коми дил ба бор орад.

Нихрли душман барканки, ранжи бешумор орад. (яъни, Бу байтдан «Шужоъ» (исмини) чиқариб эди: Дўстлик дарахтини эккин, ундан дил умиди унади. Душманлик ниҳолини қўпориб ташла, у беҳад фалокат келтиради). Бу матлаъни Восифий ҳам «Бадоеъ ул-вақоеъ»да келтиради. Навоий Паҳлавоннинг ўзи ҳам «шеър ва муаммо фанида табъи мулойим» эканини ёзади ва «Куштигар» тахаллуси билан шеърлар битганини хабар қилади. Паҳлавоннинг мисол тарзида берилган куйидага матлаъси:

Гуфтамаш: «Дар олами интки ту корам бо ба маст».
Гуфт хандон зери лаб: «Ғам нест, кори олам аст».

(Мазмуни: Унга дедим: «Ишқинг оламида ишим ғамдан иборат бўлиб қолди. У кулиб мийиғида деди - «(Бу) ғам эмас, оламнинг ишидир»). Паҳлавоннинг тахаллуси зикр этилган қуйидаги байти Аз хаёли печутоби кокули мушкини у Дуди дил бар фарқи Куштигар хамчун парчам аст. (яъни: Унинг буралган мушкли кокили ҳаёлидан кўнгил дуди Куштигар боши устидаги худди туғ юқорисисаги қора белгига ўхшайди). «Мажолис»да бир, «Ҳолот»да эса икки жавоб хатида битилган Паҳлавоннинг Навоийга юборган рубоийси ўрин олгандир. Паҳлавоннинг бу рубоийлари чуқур маъноли, юксак нафосатли бўлиб, самимий дўстининг худди шундай самимий дўстдан жудоликдаги ғамгин кайфиятини баён этади: Гарчи Навоий «Ҳолот»даги рубоийларни «баъзи мухлис ва муътакид ёронлари рукъаси жавобида деб мухотабни - адресатни очиқ айтмаса-да, уларнинг Навоийга юборилганлиги шубҳасиздир.

Тар он ажалам зи гани ношод барад,
Хошо ки маро мехри ту аз ёд барад.
Хоҳам ки шавам хок маро бод барад,
Бошад ки ба сун Астробод барад.

(таржимаси: Агарчи ажал ношод ғанимдан жонни олса ҳам, асло менинг ёдимдан сенинг меҳрингни ола олмайди. Истайманки, тунроқ бўлсаму уни шамол олиб кетса, шундай бўлсаки, уни Астробод томонга элитса). Яна:

Аз охуи ром и худ фаромуш макун,
В-аз сайде роми худ фаромуш макун,
Харчандки бошад фаромушкори.
Аз сари и худ фаромуш макун.

(таржимаси: ром бўлган ўз оҳуйинган унутма, яна ром бўлган ўз овлоғингни унутма. Қанчалар унутувчан бўлсанг ҳам – ўз қўлингни унутма). Навоий Паҳлавоннинг яхши қитъалари борлигини ҳам айтади ва улардан бирининг ёзилиш тарихини шундай баён қилади: Паҳлавой «Султоний» деган ариқ ёқасида бир ажойиб лангар қурдирган эди. Кунларнинг бирида Султон Ҳусайн Бойқаро овдан қайтаётиб у ерга тушади. Паҳлавон эса у ерда йўқ эди. У бу воқеадан, яъни шоҳ келганда ўзи бўлмаганлигидан ғоят ҳижолат чекиб ўзр учун бир қитъани битиб Ҳусайн Бойқарога юборади. Унда Паҳлавон Худонинг сояси бўлмиш шоҳ такиямга тушиб, унинг шарафини осмондан ҳам юксакликка кўтарди. Гарчи гардун ўз атласини шоҳга поёндоз қилган эса ҳам, кошки ўзим бўлсам эди ва жонимни унга нисор қилардим деган мадҳия маъносида узрхоҳлик билдиради. Асарда Навоий яна Паҳлавоннинг маснавийларидан бирининг ҳам ёзилиш тарихини берадики, Паҳлавоннинг шогирдларидан бири ўз устози тарбияти ва ишончини оқламасдан, уни қариган чоғида ташлаб кетади. Бениҳоя мулойим қалбли ва ортиқ даражада қайғу чекувчи одам бўлган. Паҳлавон бу нонкўрликдан жуда хафа бўлади ва шу муносабат билан бир маснавий ёзади. Ундан баъзи сатрларни келтирамиз:

Чу бар чарх равшан шавад ҳоли ман,
Ба сад дийда гиряд бар аҳволи ман...
Ҳама умр тухми беҳи коштам,
Чувақти баромад набардоштам,
Зи он талх шуд зиндагоий маро.
Ки пири фиганд аз жавоний маро
Кунун ман на он шери занжириям,
Бадар бурда ҳам зи ғам гириям,

Мазмуни:

Агар аҳволим фалакка маълум бўлса эди.
Юз кўз билан ҳолимга йиғлар эди.
Умр бўйи яхшилик уруғини экдим,
униб чиққанида ўра олмадим,
Шунинг учун тирикчилик менга аччиқ бўлди,
Кексалик мени ёшликдан итқитиб юборди.
Мен энди у занжирбанд шер эмасман.
Ғам бутунлай олиб қўйган кексаман.

Паҳлавон Муҳаммаднинг юқорида келтирилган ижод намуналари юзасидан шуни айтиш мумкинки, унинг шеърлари чуқур маъноли, бадиий жиҳатдан пухтадир. Уларда илиқ юмор, самимият, илғор фикрлилик, муҳитга муносабат ва ҳ. к.лар ўз аксини топгандир. Паҳлавон Муҳаммад шеър санъати ва арузнинг, «қофия» илмининг ҳам ғоят билимдони бўлган. Паҳлавоннинг адабий фаолиятидаги яна бир фазилатига Навоий таҳсинлар ўқийди. У ҳам бўлса - Паҳлавоннинг шеъриятнинг кўпгина турлари - маснавий, қасида, ғазал ва ҳ.к.ларда битилган асарлардан яхшилари ва куйларини ёддан билишлиги, жой-жойида уларни гўзал тавсиф қилишлиги ҳамда уларнинг ғоя-мазмунига кўра гоҳ ширин ва мулойим, гоҳ жўшқин ва рангин тарзда таъсирли қилиб таърифлаши, ўқиб беришлиқдир. Шундай қилиб, Паҳлавон ўз даври адабий ҳаётида катта ўрин тутган ва шу ҳаётнинг кўркам вакилларидан бири бўлган, шу адабиётни бойитишга муҳим ҳисса кўшган шахсдир. Навоий Паҳлавоннинг истеъдодли қирралари ҳақида маълумот берар экан, унинг қироат илмини чуқур билишини, айниқса, нутқ товушларидан тўғри фойдалангани, Қуръонни катта санъат билан ўқий олганлигини ёзади. Паҳлавон, шунингдек, нужум фани ва тиб илмидан ҳам пухта хабардор бўлган. Замонанинг машҳур табиблари Мавлоно Қутбий, Мавлоно Улоулмулк ва Мавлоно Абдуссалом кабилар тиббиёт масалалари юзасидан Паҳлавон билан баҳслар юритишар ва унинг фикр мулоҳазаларини инобатли санар, Паҳлавоннинг муолажа усулларини таъриф қилар эдилар, Пахлавон Муҳаммаднинг жуда юксак одобли ва хуш тавозеъли, барчага меҳрибон ва ғамхўр бўлганлигини Навоий алоҳида ҳусни рағбат ва ҳайрат билан қайд қилади. Ундаги сахийлик, одамохунлик, беозорлик, софдиллик каби фазилатлар уни ҳамманинг юксак ҳурматига сазовор қилган эди. Паҳлавоннинг тантилиги, меҳмоинавозлиги, улфатшунослиги шу даражада эдики, унинг уйи кеча-кундуз одамларга тўла, турли таомлар ҳамиша тайёр, султону аёндан тортиб фақиру мусофирларгача ундан баҳраманд эди. Айниқса, у ёрдамга муҳтожларга дарҳол кўмак қўлини чўзадиган, ғам алам ва дардини бўлишадиган, аламлилар дилига малҳам бўладиган олийжаноб киши эди. Паҳлавон ниҳоят даражада фаросатли, ширин сўз, иболи ва ҳозиржавоб мусоҳиб эди. Ўзи-

нинг ҳар соҳадан яхши хабардорлиги, мусиқа ва адабиётнинг барча сирру асрорини чуқур билишлиги ҳамда ўзининг бу жабҳада ижодкорлиги ва ижрочилиги, беозор зарофатчи, беғараз ҳазил-мутойибачи эканлиги туфайли Паҳлавон ҳар қандай суҳбат ва мажлисларнинг жони ва файзи эди. Навоий ёзади: «Такаллуфсиз ва муболағасиз подшоҳдин гадогача ва аҳлулоҳдин яҳуд ва тарсогача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди». Бу қайдда маъно кўп. Навоий Паҳлавоннинг одамлар билан муносабатида унинг қаршисида мансаб ва бойлиги даражаси баробарлигагина эмас, уларнинг миллати, диний мазҳаб ва эътиқодлари ҳам фарқсиз бўлганлигини уқтириб ўтадидир. Навоий Паҳлавоннинг истеъдодли қирралари ҳақида маълумот берар экан, унинг қироат илмини чуқур билишини, айниқса, нутқ товушларидан тўғри фойдалангани, Қуръонни катта санъат билан ўқий олганлигини ёзади. Мана шундай ажойиб инсон, олижаноб шахс билан Навоий 40 йил чамаси энг яқин дўст ва самимий сирдош бўлган. Бу ҳақда у ёзади: «Мундин ўтмаски, қирқ йил бир менингдек худрой ва бесарупой, ошуфтасори паришон рўзғор киши билан мусоҳиблик қилғайки, хотирга келмаски, андин хотирга ғуборе ўлтирмиш бўлғай ва кўнгулга етмаски, ҳаргиз андин кўнгулга озоре етмиш бўлғай, балки андоқ нисбат қилмиш бўлғайким, кундин-кунга муҳаббат риштаси маҳкамроқ ва мавaддат қоида ва тирик мулаққад ва мустаҳкамроқ бўлмиш бўлгай». Навоий яна давом қилиб айтади, ҳар ким, агар у зотнинг ўзига бўлган мулозиматини ўз ҳолича мулоҳаза қилиб кўрса, шубҳасиз, ундан мулойимроқ ва яқинроқ мусоҳиби йўқлигига амин бўлади. Бинобарин, Паҳлавон Муҳаммад ўзининг соф инсоний хусусиятлари ва олижаноблиги билан ўзгалардан жуда ва жуда ажралиб турган. Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг ҳазил-мутойибага мойил табъи ва табиати ҳақида ғоят мароқли бир лавҳа келтиради. Паҳлавон Муҳаммад табиатининг энг гўзал жиҳатини шарҳлаб бериш билан бир қаторда Навоий дунёқарашини, даврнинг кардинал фалсафий масаласига кўпларнинг, шу жумладан, мутафаккирлар ва адабиёт арбобларининг диққат марказида турган фалсафий муаммога Навоийнинг муносабатини билиш ҳамда белгилашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу суҳбатдан келиб чиқадиган энг муҳим хулоса шундан иборатки, Навоий фалсафада реал ҳаёт билан бўлишни, шеъриятда дунёвийликни афзал кўради ва шундай характер ҳамда мазмундаги дунёқараш ва ижод тарафдори эканлигини баён қилади. Бу лавҳа, шунингдек, Паҳлавон Муҳаммаднинг «зеҳн ва закоси латофатидин ва хофизаси тезлиги ва зарофатидин» далолат берадики, унга муфаззалроқ тўхташ жоиз кўринади. Султон Абусаид ҳукмронлиги замонида, «Бу фақирни (яъни Навоийни - С.Ғ.) айни ифлос ва фалокат ва сарнавиш ва ранжуриш Машҳад сори тортиб элтти ва айда ётгандин сунфа мафосил марази(бўғимлар зирқираши касали - С.Ғ.) тори бўлуб, бир гўшада йиқилдим», – деб бошлайди Навоий.

Иттифоқо, Паҳлавон Муҳаммад ҳам хизмат вазифаси юзасидан ўша шаҳарда эди. Навоий дардидан хабар топгач, уни кўргани тез-тез келиб туради. Навоийга табиб Мавлоно Абдуссалом Шерозий муолажа усулларидан бири - уқалашни тавсия қилади. Табобатдан яхши хабардор Паҳлавон дўстига уни ўзи муолажа қила бошлайди. Кунлардан бирида Паҳлавон одат буйича Навоийни уқалаб, суҳбатлашиб ўтирадилар. Навоий ўша куни тонгда:

Ҳар қаён боқсам кўзимга у қуёшдин нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур, –

деб бошланадиган бир ғазал ёзиб чўнтагига солиб қўйган бўлади.

Паҳлавон Навоийдан туркигўй шоирлар орасида сени бебадал дейдилар, сен ўзинг кимни маъқулроқ кўрасан? - деб сўрайди.

Навоий ҳаммадан Лутфий яхши деганида Паҳлавон, – нега Сайид Насимий демадинг? - деб сўрайди. Навоий бу ҳақда ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этиб, «Хотирга келмади ва бар тақдир келмак. Сайид Насимийнинг наши ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқи адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди», – дейди. Паҳлавон ҳам шу юзасидан бир неча сўз айтгач, тонгда Навоий ёзиб тугатган ғазални бошдан охиригача ўқий бошлайди. Фақат ғазалнинг охирги:

Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,
Йўқ ажаб, неучунки хом этган ранжур эрур.

Мақтаъсидаги «Навоий» тахаллусини «Насимий» сўзига ўзгартириб ўқийди. Навоий ниҳоят даражада таажжуб қилиб, сездирмасдан чўнтагига қўл солиб шеър қўйилган жойда турганлигига ишонч ҳосил қилади. Бундан сўнг янада ҳайрон қолади. Навоий бу ишнинг тагига етмоқчи бўлиб, ҳозир ўқиб берган шеърни Паҳлавон қачон ёд тутганини суриштиради. Паҳлавон, бундан ўн икки йилча бурун Абулқосим Бобур мажлисларида бу шеър турарди, мен уни ёқтириб ёдлаб олган эдим, –деб жавоб беради. Эртасига Навоийни ғоят банд этган бу воқеа юзасидан яна сўз кетади. Паҳлавон айтганлари исботи учун уч-тўртта куштигарлар ҳам бу шеърни ёд билишларини Навоий ҳузурида намойиш қиладилар. Шоирнинг таажжуби ортади, чунки у ўз шеърини ҳеч кимга кўрсатмаган, ўқиб ҳам бермаган эди. Охири Паҳлавон Навоийга уни уқалаётганида чўнтагида қоғоз кўриб қолгани ва уни оҳиста чиқариб, ёнига очиб қўйиб, ёд тутиб олгани, сўнгра яна жойига солиб қўйгани, кейин оқшом бориб уч-тўрт куштигарга уни ёд олдиргани ҳақида сўзлаб беради. Келтирилган парчадан шу нарса маълум бўладики, Навоий ўз даври адабиёти учун энг характерли бўлган «мажоз тариқи» ва «ҳақиқат тариқи» билан ёзилган шеърларга муносабатини билдиради. Навоий Лутфийни Насимийдан афзал кўрар экан, Лутфийга мажозий услубда ёзган, яъни дунёвий ишқни куйлаган шоир сифатида қарайди. Филология фанлари доктори А.Ҳайитметов ўзининг «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» деган китобида бу хусусда сўз юритиб, эътиборни Паҳлавон Муҳаммаднинг Навоийга билдирган эътирозида баён этилган фикрга тортади. Паҳлавон Насимийнинг назми зоҳир юзидин мажоз тарикига шомилдур ва маъни юзидан ҳақиқат тариқда», дер экан. А.Ҳайитметов фикрича, у Насимий шеъриятига тўғри баҳо беради. «Насимийнинг, - дейди олим, ҳамма шеърлари ҳам бир услубда бир мазмунда ёзилган эмас. Унинг мажозий услубда ёзган шеърлари ҳам бор… Паҳлавон билан бўлган бу суҳбат Навоий ёш эканлигида Машҳадда юз берган бўлиб, у вақтда Навоий Насимий шеърлари билан тўла танишиб улгурмаган бўлиши мумкин» (187-188-бетлар). Биз бу фикрга қўшиламиз. Зероки, Насимий яшаган даврдаги (1369/70-1417) ижтимоий адабий муҳитда тасаввуф кенг ёйилган ва оид адабиёт равнақ топган эди. Насимий ижодига тасаввуфнинг таъсири шубҳасиз, катта эди. Лекин Насимий тасаввуфдаги мухталиф ва мураккаб тариқатлар орасидан «ғайримақбул» саналган «хилулия» ва «халложия»» тариқатларига ғоят мойил эди. Насимий ижодида диний эътиқод, мистика - тасаввуфий майллар билан бир қаторда ҳаётга муҳаббат, дунёвий севги, таркидунёчиликка зид бўлган ердага ҳаёт, унинг гўзаллиги ва лаззатларини тарғиб ва ташвиқ этувчи мотивлар ҳам кучли ифода этилгандир. Навоий билан Паҳлавон ўртасида бўлиб ўтган бу суҳбатда яна диққатга савозор нарса шуки, Паҳлавон характеридаги ҳазил-мутойибага мойиллик Навоийга ғоят бўлган. Ниҳоят, яна бир масала. У ҳам бўлса асарда Навоийнинг Паҳлавон

Муҳаммад билан дўстлиги, улар орасидаги самимият асарда бош хат бўлиб ўтганлигидир. Паҳлавон Муҳаммадни Навоий ўзининг меҳрибон мураббий ва маънавий устози деб билади. Паҳлавон Муҳаммадга султон Ҳусайн Бойқаро ҳам катта ҳусни рағбат билан қарайди, уни жуда ҳурмат қилади. Шоҳнинг ва Навоийнинг инояти билан Ҳирот четидаги Неъматобод деган жойда Паҳлавонга такягоҳ қилиб берилган эди. Унинг хизматида юзга яқин қўштигир ва шогирдлари, шунча ходимлар, мерганлар, чакдон дастёрлар, ўнлаб созанда, гўянда ва хонандалар бор бўлиб, уларга яраша жиҳозу асбоб ва бошқа керакли нарсалар ҳам муҳайё эди. Асарнинг охирида Навоий Паҳлавоннинг вафоти ҳақида маълумот беради. Паҳлавон тўсатдан вафот этади. Уни катта дабдаба билан шоҳ ва аъёнлар, олим ва шоирлар, Ҳирот аҳолиси чуқур мотамда Неъматободда дафн қиладилар. Шоҳнинг ўзи катта маърака ўтказади. Шоирлар марсия ва тарихлар ёзадилар. Ҳилолия - илоҳий руҳнинг инсон вужудига киришига, Аллоҳ билан инсоннинг бирлашувига ишонган тариқат. Машҳур Абул Мутис ал-Ҳусайн ибн Мансур Муҳаммад ал- Байдавий ал-Халлож (858-922) таълимоти.[1] Навоийнинг ўзи Паҳлавон ва Абдураҳмон Жомийнинг бир-бирларига ниҳоятда илтифотли муносабатлари, икковларидаги маълум умумийлик, яқинлик мавжуд бўлгани ҳамда Паҳлавоннинг ўлими Жомийдан кейин бир йил ўтгач юз сабабли унинг вафотига қуйидаги таърихни туширган эди:

Муҳаммад Паҳлавон и хафт кишвар
Ки, дар дахраш навбад акрону амсол.
Ҳарусалхалкаи ахди тариқат
Ки, рафт аз қайди гетий фориг ул бол.
Зи баъди кутби олам орифи Жом
Ки, у Маҳдуми даврон буд аз иқбол.
Бас аз соле суй жаннат хиромид.
Аз ии дерина дайри мухталиф ҳол.
Агар пурсад касе таърихи ва он,елоу
Бангу, Баъди Махдуми ба як сол.[2]

(Мазмуни: Етти мамлакат Паҳлавони Муҳаммадки, дунёда унинг мисли ва тенги йўқдир. Тариқат аҳлининг бошлиғи ва сархалқаси дунё бандидан қанот ёзиб кетди. Иқбол юзасидан даврнинг ҳурматли кишиси бўлган олам таянчи Жом маърифатчиси (Жомий - С.Ғ.) кетидан бир йилдан кейин ўзгарувчан бу кўҳна оламдан жаннат томонга ҳиром қилди, Агар бирор киши унинг вафоти таърихини сўраса, айтаманки, «Махдумдан бир йил кейин (кетди) Навоий ўзининг Паҳлавон Муҳаммад вафотидан сўнг ёзган «Соқийнома»сида Паҳлавон ҳақида махсус тўхталади. Унинг Паҳлавонлик қуввати, камтарлиги, саҳийлиги, мусиқий илмдаги санъати, шеъриятдаги маҳорати, мулойимлигини васф этгач ёзади:

Ҳар бағир ёрасининг марҳами ул,
Қирқ йиллик бу гадо ҳамдами ул,
Махфий асрорда дамсоз манга,
Ҳар ниҳон розда ҳамроз манга.
Бари ҳамдамлар ичида ҳамдардим.

[1] Қаранг: Е.Э. Бертельс, Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М.: Наука, 1965. С.33-34

[2] Агар «Баъдаҳ Махдуми ба як сол» жумласидаги ҳарфларни сонга айлантирилса 899/1433 (хижрия: 1493) йил чиқади

Ериму ҳамнафасу ҳамдардим -
Они ҳам чархи таадди тин,
Мендин ойирди, қилиб қасдима қил.
Хажрида сабруқарорим йўқтур,
Гамнда жўз нолаи зорим йўқтур.

Бу парчадан кўриниб турибдики, Паҳлавоннинг вафоти Навоий учун катта йўқотиш бўлган. 894(1488/89 йилда Саййид Ҳасан, 898/1492 йилла Абдураҳмон Жомий, 899/1493 йилда эса Паҳлавон Муҳаммад каби ўзининг яқин ва энг самимий, дўстларидан бирин-кетин жудо бўлган Навоийнинг аҳволи руҳияси жуда оғир бўлган ижодини ҳам ижод юзасидан ўзининг хайри… кейинги йилларда йўқлиги Навоийни ниҳоятда эзар эди. Ана шу даврларда Навоий ўз дўстлари хотирасига бағишланган рисолалар яратишни режалаб қўяр ва уларни амалга оширади. «Ҳолоти Паҳлавой Муҳаммад» содда ва равон тил билан ёзилган Навоий асарининг аввалидан охирига қадар ёр-у дўстларга, ажойиб фазилатли одамларга, илм ва санъат аҳлларига чуқур ҳурмат ва мамнуният билан қарат. Шунингдек, асардан мамнум бўладики, Навоийдек улуғ шахс фаолияти ва ижодининг йўналишида, ҳар ким такомилида Паҳлавон Муҳаммад каби маданият арбобларининг роли бўлган. Алишер Навоий «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асари билан ўз дўсти ва замонининг етук алломаси - Паҳлавон номини абадийлаштирди ва дўстлик, ҳамжиҳатликка чархия битди, бу билан авлодларга ўрнак бўларли иш қилди.

«КЎНГУЛ БАҲРИДИН МАХФИЙ ДУРЛАР»

«Муншаот»

Ижод аҳлининг ёзишмалари уларнинг шахсияти ва ижоди, улар яшаган замон, муҳит, улар билан мулоқотда бўлган шахслар ҳақида маълумот берадиган мухим манбадир. Айни чоқда, адиб ва шоирларнинг мактублари бадиий адабиётга яқин турувчи, адабий тараққиёт тақозоси билан ўзининг ижодини ўзгартира борувчи бадиий ижоднинг ўзига хос туридир. Шарқ адабиёти тарихида мактублар иншо санъати намунаси саналади. Иншо санъати эса ғоят қадимий тарихга эга. Араб манбаларининг хабар беришича, Хорун ар-Рашиднинг(IX аср) даврида унинг котиби ёзган бир хат шундай машҳур бўлиб кетган экан, уни бутун Бағдод аҳолиси ёддан билар эди. X аср эса хусусий хатлар ёзиб берувчи Абу Бакр ал-Хоразмий иншо санъатининг энг моҳир намояндаси сифатида кенг шуҳрат қозонгаи бўлиб, унинг шогирдларидаи бири Абул Фазл Ҳамадоний бу соҳада ўз устозидан не чоғлик ўзиб кетганини шундай баён этган[1]: «Мен шундай мактуб ёза оламанки, агар уни охиридан юқорига қараб ўқилса шу хатга жавоб чикади, кейинига - бурчакдан бурчакка ўқилса, шеър ҳосил бўлади. Баъзи мактубларимни мадҳия сифатида, айни чоқда мазаммат (койиш) маъносида изоҳлаш мумкин» . XV асргача бўлган даврларда иншо санъати ўз тараққиётининг турли босқичларини босиб ўтди. Гоҳо мактублар (улар яна хитоб, арзадошт, руқъа, нома, хат ҳам дейилади) ўта жимжимадор услубда, мураккаб иборалар билан ёзишиб, «уларнинг баъзи жойларини тушуниш учун хат ёзган одамнинг ўз изоҳ ва талқинини эшитиш лозим бўлган», гоҳо эса улар мактублар вазмин ва содда баён характерида битилган. Шунинг учун ҳам иншо санъатининг назариясига оид асарлар майдонга кела бошлаган. Турли даврларда ҳар хил мавзу ва савияларда битилган мактублардан мажмуалар тузила бошлади.

[1] Ҳамадоний Расоил, 74 с. Иктибос А. Мецнинг «Мусульманский ренесанс» китобидан олинди

Туркигўй халқлар адабиётида биринчи шундай мажмуа тузган Алишер Навоий бўлди. У ўз хатларини тўплаб, уни «Муншаот» деб атади. Лекин у мажмуани қачон тартиб берилгани ҳақида маълумот бермайди. Баъзи мактубларнинг мазмунидан, баъзиларидаги воқеалар баёнидан, яна баъзиларидаги айрим қайд ва ишоралардан «Муншаот» 904/1498-99 й. да жамланган деб тахмин қилиш мумкин. Асар муқаддимасидан англашиладики, «Муншаот»ни тузар экан, Навоий икки мақсадни назарда тутган эди. Бири - унинг она тилида давлат ишлари, яъни ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан ва шахсий характердаги ёзишмалар олиб бориш учун ҳар жиҳатдан яроқли эканини исботлаш. Иккинчиси - хатлардаги мулоҳаза ва орзуларнинг, насиҳат ва танбеҳларнинг жамият учун, ҳукмдорлар учун, қолаверса, халқ ва авлодлар учун фойдали деб билганлиги сабабли хатлари орқали ҳам халқ осудалиги, салтанат фаровонлигини таъмин этадиган эзгуликлар учун курашиш, халқ ва мамлакат манфаатларига зид бўлган барча уринишларни бартараф этишга чақиришдек буюк мақсад эди. Бу мақсадлар хазинасининг калитини авлодлари қўлига тутқазмоқчи бўлган Навоий ёзади:

Неча ганж ичра бўлса гавҳар дур,
Кўрки, бордур аниг калиди темур.
Пири мақсуд кимга бўлса умид,
Ул насл хатлар эрур анга калид.
Қулф очарда гадову соҳибтож,
Тенг бўлурлар калидга муҳтож.

Демак, Навоий ўз мактубларига бадиий наср тури – иншо санъати намунаси ҳамда уларни ёзишда» кўзлаган мақсадлари заминида намоён бўладиган гуманистик ғояларини авлодларга етказувчи муҳим воситалардан деб қараган. «Муншаот» таркибидаги мактублар қаердан қаерга, кимга қачон юборилгани ҳам кўрсатилмаган. Бу хат юқоридаги маълумотлар билан изоҳланади. Айни чоғда, хатларинининг кимга қарата ёзилганини аниқлаш жуда катта мушкуллик билан кечади. Асар мундарижаси шуни кўрсатадики, мактублар баъзан кенг қамровли масалалар юзасидан баҳс юритади. Шу жиҳатдан улар давр ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётини ўрганишда, у муаллифининг шарҳи ҳолига оид айрим нуқталарни ойдинлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Мазмунига кўра Навоий мактубларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Давлат ва сиёсатга алоқадор мактублар.
2. Турли шахсларга уларнинг лавозимлари ва ишлари хусусида ёзилган хатлар.
3. Бадиий ижод ҳақидаги хатлар.
4.Табрик ёки таъзия номалари.
5. Шахсий кечинмаларни ифода қилувчи мактублар.

Биринчи туркумдаги хатлар Ҳусайн Бойқарога, Бадиуззамон ва бошқа шаҳзодаларга, олий нуфузли амалдордарга битилган. Улардан маълум бўладики, Навоий шоҳ ва унинг амалдорларига катта умид боғлаган. Шунинг учун ҳам унга хос босиқлик, сергаклик билан, айни чоғда, ғоят меҳрибонлик ва донолик билан уларга насиҳат қилиб, уларни хавф-хатардан сақламоқчи, вақти-вақти билан тўғри йўлга солмоқчи бўлади. Ҳусайн Бойқарога ёзилган мактублардан маълум бўладики, Навоий давлат аҳамиятига молик масалалар хусусида «ўта сергаклик (билимли) ёки қоғоз бошини ёпуштуруб», яъни махсус ёпиқ хатлар юборган. У баъзи хатларида энг зарур бўлган сўзларни ниҳон битилди, баъзилари эса, «Маҳфий хитоб жавобин фош арзадошт қилмоқчи ва наҳотки улар баёнини ошкор битмакни адабдин йироқдин қироқ кўрдум», яъни маҳфий туғилган топишмоқлар жавобини, яширин

сақланиши керак бўлган масалага фикрларимни ошкор баён кўнгилли одобдан деб билмайман эл хизмат қоидасидан ташқари деб тушундим, дейди. Бу мактубларда назарда тутилган давлат ишлари, сиёсат масалалари ҳақида, аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Ҳар қалай, уларда Навоий қаерда бўлмасин салтанат, халқ манфаатларига дахлдор ишларга фаол аралашгани намоён бўлади. Бадиуззамон Мирзога ёзилган мактублар Навоийнинг унга катта умидлар боғлагани, келажакда давлатни ақл-идрок билан бошқара оладиган, маърифатли ҳукмдор бўлишини орзу қилганидан далолат беради. Бу шаҳзодага ёзилган мактублардан бири Ҳисор устига қилган муваффақиятсиз юриши муносабати билан юборилган кўринадн. Навоий Бадиуззамонга аччиқ танбеҳ беради ва ҳар қандай тадбир пухта ўйланиб, аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши лозимлигини уқтиради. Хатни охирини фикрларни асословчи қуйидаги шеър билан якунлайди:

Агар юз қатла булбул чекса афғон,
Баҳор ўлмай гул очиши на имкон.
Агар оламни тутсун шоми дамжур,
Тонг отмай кун чиқармоқ кимга мақдур.

Яна бир мактубда сўзни Навоий Астрободга келганидан бери шаҳзода билан айриликда эканидан бошлайди ва аста-секин асосий мақсадга кўчиб, ёзади: «...Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиғ жойиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас. Подшоҳ давлати маслаҳатин барча ишда муқаддам тутмоқ вожибдур...» Бошқа бир мактуб эса аввалдан охирга қадар ҳукмдорлар учун риоя қилиниши шарт бўлган ўттизта қоиданинг баёнини беради. Мактуб охирида барча ишларни бажаришда марказий давлат манфаатидан келиб чиқишни ва назоратида бўлишни уқтиради. Бу мактуб Навоийнинг тадбирли давлат арбоби бўлганидан далолат беради. Унинг наздида мамлакатни идора этишда умумманфаати учун улкан масалалардан тортиб то майда-чуйдаларгача аҳамияти бўлганлигини англатади. «Муншоат»даги бир туркум мактублар Навоийнинг яқин дўстларига йўллаган соғинч мактубларидир. Бир неча мактублар эса маълум шахсларнинг аҳволи ёмонлашиб қолганлари муносабати билан уларга мадад истаб ёзишган. Масалан, Навоийнинг жияни Ҳайдар (тахаллуси Сабуҳий) Астрободга бориб келгач, Ҳусайн Бойқаро ҳузурида шоирга суиқасд қилиниши хабарини беради. Навоий бу ҳақдаги шоҳ мактубини олгач, тезда Ҳиротга етиб келади ва Ҳайдарнинг сўзлари мутлақо асоссиз эканлигини унинг олдида шоҳга маълум қилади. Бу воқеадан кейин Ҳайдар Табуний шоҳнинг ғазабига учрайди. «Муншаот»да қилмишларидан тавба-тазарру этган Ҳайдарншинг сарой хизматига қайтаришини илтимос қилиб Ҳусайн Бойқарога йўллаган мактуб бор. Асарда бадиий ижод масалаларига бағишланган хатлар ҳам мавжуд бўлиб, баъзиларида шоҳ эътиборига ҳавола қилган ғазаллар, шоҳ иштирокида қатнашилган олий мажлисларга юборилган шеърлар, «Хазойин ул-маоний» таснифи хусусидаги мулоҳазалар, китобат масалалари юзасидан мубоҳасалар келтирилади. Улардан Навоий қаерда бўлмасин, ҳамиша бадиий ижод билан машғул бўлгани, ўзининг янги ёзилган ғазаллари ва шеърларини дўстларига юбориб, уларнинг фикрларини сўраб тургани маълум бўлади. «Муншаот»даги бир мактуб Навоийнинг ноқобил фарзанди туфайли ота сифатида тортган дарди, алами ва армонлари ҳақидадир. Хат мазмунидан англашиладики, Навоий бир кишини асраб фарзандликка олади, унинг тарбияси билан жиддий машғул бўлади. Лекин у Навоийнинг оталик умидларини оқламайди, ножўя ҳаракатларга, нонкўрликка йўл қўяди. Бундан дарғазаб бўлган Навоий афсус-надоматларга тўла мактуб ёзади. Мактуб шундай бошланади: «Эй, нафс ҳавосига гирифтор ўлған, иши-

га иининг намудор ўлған, ҳам зуҳд ила иззатга сазовар ўлған, ҳам фисқ ила олам элиға хор ўлған... агарчи кичик эрдинг, аммо андоқ эрмаски, хотирингдин фаромуш бўлғай ва агарчи тифл эрдииг, андоқ эрмаски, хотирингдин унутулмиш бўлғай! Ҳаётимни сенинг тарбиятингга машъуф ва авқотимни сенинг муҳофазатингга масрур қилдим ва фарзандлигининг рақамин хотиримга мухаррар ва оталиғ меҳр ва шафқатин ҳолига мукаррар қилдим». Навоий давом этиб, бирор дам унинг аҳволидан хофия бўлмаганини, илм-фанни эгаллашига тўла имконият шароит яратиб берганини, унда гўзал фазилатларни қарор топтириш учун астойдил уринганини ёзади. Лекин ўғил бўлмағур ишларга киришади, фисқ-фужур, номуносиб ишлар билан машғул бўлади, насиҳатларга қулоқ осмай қўяди. Хатдан маълум бўлишича, ортиқ чидай олмаган Навоий уни фарзандлик ҳуқуқларидан маҳрум этади, «Мажолис ун-нафоис»нинг иккинчи таҳририда тилга олинган қаламкашлар сирасидан чиқаради, энг олий жазо сифатида унинг шоҳ эътибори ва халқ назаридан қолганлигини таъкидлайди. Навоийнинг бу мактубда куюниб ёзган армонларининг тарбиявий аҳамияти катта, албатта. Айни чоғда, бу мактуб Навоийнинг оталик меҳри қайноқ, дили нозик ўта таъсирчан шахс бўлганлигини, шунинг баробарида ғоят қатъиятли, мустаҳкам иродали эканлигини ҳам кўрсатиб беради. Таниқли Навоийшунос олим А.Ҳайитметов «Адабиётимиз тарихининг ўз изоҳлари» номли мақоласида Навоий тарбия қилган фарзанди унинг акаси Баҳлулбекнинг ўғли (Ҳусайннинг ўғли, яъни Баҳдулбекнинг набираси Мир Иброҳим деб аниқлаган, ушбу сатрлар муаллифи эса «Мажолис ун-нафоис» маълумотларига таяниб, Ҳожи Муҳаммад деган фикрни ўртага ташлаган эди. Лекин ёш тадқиқотчи Қодиржон Эргашев Навоийни ранжитган фарзанднинг номини аниқлашда юқоридаги икки муаллиф мактубидаги ғоят муҳим бир парчага эътибор қаратмаганликларини кўрсатиб ўтади. У ҳам бўлса Навоийнинг: «Фисоғурс ҳаким замонидаги адвор тузишлар, Арасту замонидаги муаллими аввал деб турлар, Абу Наср Форобий чоғинингким, муаллими соний деб турлар, Хожа Абдулқодир асригача маълум эмаским, бу фанлар ҳеч подшоҳ замонида бу фан аҳлилини ҳеч кимга мунча тарбият ва нашъу намо воқеъ бўлмиш бўлғайким, сенга воқеъ бўлди», деб ёзганларидир. Бу парчада Навоий фарзанд бўлмишга мусиқа илмида таълим олиб, маҳорат касб этганини, бу йўлда унга ҳеч кимга насиб қилмаган шароитлар яратилиб берилганини эслатади. Қ.Эргашева эса шу маълумотдан келиб чиқиб, Мирхонд, Хондамир ва Бобур асарларида Навоий тарбиясини олган санъаткорлар ҳақидаги қайдларни ўрганади ва шоирни хафа қилган фарзанди Шоҳ Қули ғижжакчи эканини яна бошқа далиллар билан исбот қилади. Юқорида Навоий хат мухотабнинг адресатининг номини «Мажолис ун-нафоис»га киритмаганини айтган эди. Шоҳ Қули номи тазкирада йўқ. Ҳожи Муҳаммад ва Мир Иброҳимлар эса асарнинг иккинчи тўлдирилган нусхасида зикр қилинадилар. Бинобарин, Навоий Хондамирнинг эътирофига кўра, кейинчалик фарзандини кечирган эса-да, ўз фикрида қолган-қолмагани, яъни унга белгилаган ўз жазосидан қайтмаган кўринади. «Муншаот»да кўпгина шеърлар келтирилган, улар хат мазмунини тўлароқ очишга ва мактубларнинг таъсирини кўрсатишга хизмат қилади. Шундай қилиб, «Муншаот» XV аср иккинчи ярмида Хуросондаги ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-адабий муносабатлар тарихини ва Навоий ҳаётига оид айрим нуқталарни ўрганишда муҳим манба ўлароқ туркий тилдаги иншо санъатининг ҳам мароқли намунасидир. Манбаълардан маълумки, Навоийни Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғли Бадиуззамон орасидаги низолар ҳамиша қаттиқ ташвишга солар эди. Чунки бу низоларнинг мамлакат ҳамда халқи уларни келтириб чиқарганларнинг ўзлари учун фожиали оқибатларини яхши тушунар ва бу томонда янада чуқур изтироблар чекар эди. Мана шу маънода «Муншаот»да бир мактуб бор, бу ерда унинг тарихи юзасидан баъзи фикрларни билдириб ўтмоқчиман. Бу мактуб шундай бошланади:

Десамки, сўрай сени, не тил билан сўрай,
Улки кўрай сени, не қиз билан кўрай?

Кўринадики, мактуб йўллаган шахс (яъни, мухотаб - адресат) бошига катта мусибат тушган, у ниҳоятда оғир бир Рам куршовида қолгану унга Навоий тасалли беришдан ожиз. Навоий давом этиб ёзади: «Бу фақир илгимдин келганча саъй қилдимки, бу ерга етмагай, чун тақдир бу воқеага бор тандур – суд қилмади ва чун қазо бу ҳодисага боис эркандур - натижа бермади». Бундай дейишда Навоий ўзининг зое кетган қандай ҳаракат ва интилишларини кўзда тутмоқда, рўй берган фожеа воқеа нимадан иборат, ниҳоят, у кимга мурожаат қилмоқда? Тарихий манбалардан маълумки, Ҳусайн Бойқаро Ҳисор устига бир неча марта юриш қилган эди. 901/1495-96 йиллардаги Иккинчи юришида ғалабага эриша олмаган Ҳусайн Бойқаро Балхга чекинади. Бундан кейинги воқеа ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзади: «Мовароуннаҳр вилояти учун Балхни Бадиуззамон Мирзога бериб, анинг вилоятиким, Астробод бўлгай, Музаффар Ҳусайн Мирзога берди. Ҳар иккаласини бир мажлисга юкунтурди. Бу жиҳатдин, Бадиуззамон Мирзо тартиқ бўлди. Бошқача қилиб айтганда, Ҳусайн Бойқаро Балх навохисини тўнғич ўғли Бадиуззамонга ва унинг вилояти Астрободни эса суюкли ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзога беради. Бундан Бадиуззамон ғоят норози бўлади. Бадиуззамоннинг онаси шоҳ назаридан қолган Бека Султонбегим бўлиб, Музаффар Ҳусайн эса саройда юқори мавқега эга бўлган, Бобур таъбирича, «ўзини оқила» тутувчи, вале беақл ва пургор Хадичабегимнинг ўғли эди. Бу икки шаҳзода ўғилларидан катта хусумат бор бўлиб, эндиликда у очиқ адоватга айланиб кетади. Бадиуззамон Астрободни Музаффар Ҳусайнга беришдан бош тортади. Чунки Ҳусайн Бойқаро Астрободни Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзога унинг хатна тўйида туҳфа қилган эди. Хадичабегим эса ўз ўғли Музаффар Ҳусайнни шоҳдан сўнг тахтда кўришдиким, ниҳоятда истар ва шу мақсаддаги режаларини амалга ошириш иштиёқи билан ўртанар эди. Алишер Навоий давлат арбоби сифатидаги амалий фаолиятида зийраклик билан ҳар қандай сиёсий ихтилофларнинг олдини олишга, шоҳ билан шаҳзодалар орасидаги низоларга барҳам беришга, уларни муросаю мадорага келтиришга тинмай ҳаракат қилар эди. Зероки, давлат мустақиллиги ва яхлитлигини сақлаб қолиш ҳамда халқ осойишталигини қатъий барқарор этишга ана шу ихтилоф, низо ва саркашликлар мутлақо хавф солар эди. Шунинг учун ҳам Навоий жуда катъийлик ва ниҳоятда изчиллик билан ота ва ўғилни иттифоқ бўлишларига астойдил киришади. Унинг таъсири, саъй-ҳаракатлари туфайли Бадиуззамоннинг инсофга келган пайтлари ҳам бўлади. Бундай ҳолларда Навоий беҳад қувонар эди. Агарда шаҳзода томонидан яна саркашлик ёки шоҳ томонидан ноўрин ҳаракат содир бўлса, аҳвол жиддийлашгудек бўлса, Навоий, албатта, таҳликага тушар ва муросасозлик йўлларини излар эди. Бунда у кўпинча Бадиуззамонга таъсир қилар эди. Баъзан у ўзи шаҳзода хузурига равона бўлар, баъзан эса унга ўгитларга тўла мактублар йўллар эди. Сўзаро шуни айтиб ўтиш жоиз кўринадики, Навоийнинг Бадиуззамонга ёзган хатлари мазмунидан бу шаҳзода сиймосида у - Навоий келажакда Хуросон салтанати учун давлат усули идорасини пухта биладиган, адолатпарвар ва зийрак бир ҳукмдорни кўришни орзу қилар эди. Ҳеч шубҳасизки, Навоий ҳар қандай қилиб бўлса ҳам Бадиуззамонни хатарли йўлда эканлигидан, унинг саркашта фожиаларга сабаб бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирмоқчи эди. Навоийнинг бу даражада хавотирланиши бежиз эмас эди. Шоҳ билан шаҳзода, ота ва ўғил ораларидаги низо оқибатида 902/1496-97 йилда Ҳусайн Бойқаро Балхга - Бадиуззамон устига, Музаффар Ҳусайн Мирзо эса Астрободга - Мўмин Мирзо устига лашкар тортадилар. Шу йил рамазон ойининг куни (1497 йил 3 май) Султон Ҳусайн Гарзавон тоғларининг этагида Нудичироғ деган жойда Бадиуззамонга қаттиқ шикаст етказади. Бадиуззамон Балхни қўлдан бериб,

кўп йигитларидан айрилиб, Қундузга Хусравшоҳ паноҳига қочади. Худди шу куннинг ўзида Музаффар Ҳусайн Мўмин Мирзони енгиб, уни асир олади ва Астрободни эгаллайди. Мўмин Мирзо Ҳиротга келтирилади ва Ихтиёриддин қалъасида зиндонбанд қилинади. Тескаричи кучлар ёрдамида Хадичабегим ва вазир Низомулклар Мирзони қатл қилиш режасини тузадилар ҳамда уни амалга оширадилар. 903 йил сафар ойининг аввалларида (1496-97 йил сентябрь) Мўмин Мирзо ўлдирилади. Навоийнинг мактуби ана шу даҳшатли воқеа муносабати билан Бадиуззамонга ёзилгандир. Хатда келтирилган аччиқ истеҳзоли ва айни чоғда дард-алам, афсус ва армон тўла сўзларда юқорида бир мунча муфассал баён этилган воқеалар ҳамда улар билан боғлиқ Навоийнинг зое кетган уринишлари назарда тутилади. Мактуб давомида Навоий мухотабга тасалли беришга, унинг ғам-андуҳини енгиллатишга, кўнглини бироз бўлса-да, кўтаришга интилади. Лекин бу ўринда ҳам Навоий қанчалик аччиқ бўлмасин ҳақиқатни бир қадар эслатиб ўтишга ўзини бурчли деб билади. У ёзади: «Эмди мултамас улким, тенгри тақдириға ризо берилгай ва борча тақсирин ўз нафсидин кўрулгай». Навоийнинг қуйидаги аламли сўзлари бевосита давр; ундаги зиддиятлар, адолатсизликларга қарши қаратилгандир: «Даврон базмида ким бир мурод жоми ичтиким, сўнгра юз номуродлиғ хуноби сумурмади ва сипеҳр анжуманида ким бир иззат маснадиға мутамаккин бўлдиким, оқибат юз мазазлат туфроғига ўлтурмади: абнойи замонға ким бир вафо гули сочтиким, алардин юз жафо тикани бағриға санчилмади, аҳиббойи давронға ким бир муҳаббат эшиги очтиким, алардин юзига юз адоват абвоби очилмади. Даҳр бозорининг накди рўйандуддур ва айём чошнининг шаҳди заҳролуд». Шундан сўнг у навоиёна башорат қудрати ва ишончли умид жарангига эга бўлган қуйидаги сатрларни ёзади: «Йаъс қарошомидин сўнгра субҳи уммид тулуъ этар, баъс зулумоти зимнида ҳаёти жовид навиди етар» (яъни, умидсизлик, бахтсизликнинг қоронғу тунидан сўнг умид тонги ёришажак ва даҳшатли зулматлар орасида абадий ҳаёт ҳақидаги хушхабар етишажак - С.F.) Мактуб шундай сўзлар билан тугалланади: «Барча ҳолатда шукр вирди забон ва барча малолатда сабр хирзи жон бўлмоқ авлодур... Тенгри таолоға ибодат ва подшоға дуони мудовамат қилмоқ вожибдурур. Уммид улким, барча меҳнатлар давлатқа ва барча паришонлиғлар жамиятқа мубаддал бот бўлғай». Келтирилган парчада диққатга сазовор бир таъкид бор. У ҳам бўлса, Бадиуззамонга шоҳ измида бўлишни уқтиришдир. Шундай бир оғир вазиятда бундай даъват ғайри табиийдек туюлади, албатта. Лекин, юқорида қайта-қайта айтиб ўтилганидек, бу Навоийнинг ҳар қандай мураккаб ва зиддиятли ҳолларда ҳам юксак гуманизмга асосланган ўз арбоблик фаолиятининг бош принципларидан бири - ихтилофларни бартараф этиш, низоларни орадан кўтариш, жаҳолатни тизгинлаш ва адолат тантанасини таъмин этиш йўлидаги юксак мақсадларига на қадар содиқ бўлганлигидан яна бир бор далолат беради. Бутун мактуб давомида Навоийнинг юз берган мусибатдан бир инсон сифатида чексиз алам тортаётганлигини уқса бўлади. Бунинг ҳам маълум сабаблари бор. Мўмин Мирзо ўзининг шахсий фазилатлари ва шижоатлилиги, ўткир зеҳни ва шоирлик иқтидори билан Навоийнинг алоҳида меҳрини қозонган эди, десак хато бўлмайди. «Мажолис ун-нафоис»ни форсийга таржима қилган Фахрий Ҳиротий ўз иловаларида Мўмин Мирзо, унинг фазилат ва шеъриятдаги заковати ҳамда тақдири ҳақида маълумотларни беради: «Муҳаммад Мўмин Мирзо - фарзанди саодатманди Султон Бадиуззамон Мирзо буд. Ва ба ҳусни жамол мисли у дар миёни авлоди Хоқони мағфур Султон Ҳусайн Мирзоки, ба хўби ва латофат машоҳири олам буданд, набуда. Аммо аз жаври чархи кажрафтор ва макри мухолифони бахайри бисёр кушта шуд ва пеши аҳолийи Хуросон муқаррар астки, аз шомати он зулм буд ончики, бар салотини он масолик расид, табъаш бағоят хўб буд. Азуст ин матлаъ:

Зи таб бисўхт, табибо, тани балокаши ман,
Бирав, биравки, бисўзи туҳам бар оташи ман».

(Таржимаси: Муҳаммад Мўмин Мирзо - Султон Бадиуззамон Мирзонинг саодатман фарзанди эди. Яхшилик латофатда олам машҳурларидан бўлган Султон Ҳусайн Мирзо авлоди орасида ҳусну жамолда бунақаси бўлмаган. Аммо кажрафтор чархнинг жаври ва ғаддор душманлар макри туфайли, кўп афсуслар бўлсинки, у ўлдирилди. Хуросон аҳолиси қошида бу - (воқеа) мамлакат султонлари бошига ёпирилиб келаётган қоронғуликлардан эканлиги муқаррар бўлди. Табъи (яъни шеърий қобилият - С.Ғ.) ниҳоятда яхши эди. Бу матлаъ унингдир: Эй табиб, менинг балолар остида қолган таним ҳароратда куйиб кетди. Бор, боравер, йўқса сен ҳам менинг оташимдан ёниб кетасан». «Мажолис ун-нафоис» форсий таржималарининг ноширн Эрон олими Али Асғар Ҳикмат матн остидаги изоҳда Мўмин Мирзонинг қатл этилиши пайтида бадиҳона айтган икки қуйидаги байтини келтиради:

Манам каз зарби тигам беша холий газанфар шуд,
Фалак ёре накард, эй дўстон, душман Музаффаршуд.

(Таржимаси: Мен тиғи зарбидан ўрмонларда шерларни қуритган (йигит) эдим. Эй дўстлар, фалак дўстлик қилмади, душман Музаффар бўлди).

Навжавонмардеки, бежурмам, дар ин син мекушад,
Кофире сангин диле гаштастки, Мўмин мекушад.

(Таржимаси: Гуноҳсиз бир навқиронмен, шу ёшда ўлдирмоқда, Бир тош юракли кофир келиб Мўминни ўлдирмоқда). Биринчи байтдаги «Музаффар» сўзи «ғолиб» деган маънони билдиради, айни вақтда у Мўмин Мирзони асир олган Музаффар Ҳусайн номига ишорадир. Иккинчи байтдаги «кофир» ва «мўмин» тазод санъатига мисол, шунингдек, «кофур» истиора йўли билан «қотил» маъносида ишлатилган. «Мўмин» эса иттифоқ санъатига биноан шоир исмини англатади. Бадиҳона айтилган юқоридаги икки байт ўз муаллифининг шеъриятдаги истеъдодига далил бўла олади. Бунинг устига, барча манбаъларда Мўмин Мирзо одоб ва тавозуъли, зийрак ва идрокли йигит бўлганлиги қайд қилинади. Фахрий Ҳиротийнинг «Равзат ус-салотин» номли тазкирасининг III бобида Муҳаммад Мўмин Мирзо ҳақида алоҳида фикр берилган. Унда юқорида келтирилган байтлар сўнгида Мўмин Мирзонинг Абдураҳмон Жомийнинг бир машҳур ғазалига ёзган мухаммаси (5 бандли) келтирилади. Муаллиф ана шу мухаммас ҳам ўша даврда машҳур бўлиб кетган эди, деб таъкидлайди. Бинобарин, шундай фазилатлар эгасига Алишер Навоий лоқайд қарай олмас эди. Масаланинг яна бошқа, муҳимроқ томони бор, баъзи замондошлар ҳам таъкидлаганидек, ўзаро низолар қурбони бўлган Мўмин Мирзо Темурийлар салтанатига «ёпирилиб келаётган қоронғулик» аломати эканлигини, айниқса, Навоий ҳис қилар ва бундан беҳад таҳликага тушар эди. Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг «Муншаот» таркибидаги бир мактуб давр фожиаси каби қаршиланган Муҳаммад Мўмин Мирзонинг қатл этилиши муносабати билан 1497 йил охирида ёзилган ва Қундузга Бадиуззамон Мирзога йўлланган.

«ШОҲ АДЛИ УЙИН АЙЛАЙИН ДЕБ МАЪМУР...»

«Вақфия»

Алишер Навоийнинг «Вақфия» асари 886/1481 йилда ёзилган. Навоийнинг бу асарни яратишдан мақсади - ўзининг давлат арбоби сифатидаги фаолиятида қандай тамойилларга асосланиб иш тутгани, қанақа хайрли тадбирларни амалга оширгани ва вақф қилдирган ер, боғ-роғлари, мулкларини кўрсатиб бериш эди. Хусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллаганда Навоий Самарқандда бўлиб, пойтахтга, Ҳусайн Бойқаронинг маншури-фармони билан расмий равишда таклиф этилган эди. Бу маншур мазмунини Навоий қуйидаги шеърда баён қилади:

К-эй фазл жаҳонининг сипеҳри,
Йўқ, йўққи, ўшул сипеҳр меҳри!
Табъингға дами бўлур не ворид,
Юз йил бита олмайии Аторид...
Лафзингдин улусқа важду ҳолат,
Етмай санга баҳра, жуз малолат.
Сен қон ютуб, эл бўлуб қадаҳкаш,
Элдин сенга етмайин дами хуш...
Оламин бизнинг қуёш ёрутти,
Ҳақ марказида қарор тутти...
Ҳам субҳи уммидинг ўлди толеъ,
Ҳам меҳри муродинг ўлди ломеъ...
Тавқиъ етишгач айла лозим-
Ким, жон бирла бўлғасен мулозим...
Йўқтур санга вақт гўша тутмоқ,
Ишрат гулин оҳ ила қурутмоқ.
Чун ҳукмни англадинг дам урма,
Балким дам дағи турма.

Бу даврларда Навоийнинг кайфияти ниҳоятда тушкин эди. У темурийларнинг ўзаро низоларини, улар орасидаги ҳалокатли урушларни кўрган, бу урушлар халқ ва юрт бошига оғир мусибатлар тушираётганини англаб етган» таҳсил машаққатлари ва моддий қийинчиликларни кечирмоқда эди. Булар қаршисида ўз орзу-умидлари, интилиш, ҳатто ижодий режалари ҳам маъносиздек, руёбга чиқиши мумкин эмасдек туюлади. Унда узлатга чекиниш истаги пайдо бўлади. Шундай бир вазиятда Навоий Ҳусайн Бойқародан юқоридаги фармонни олади ва кўп тараддуддан сўнг шундай фикрга келади:

Ҳар неча бу сўз демак керакмас,
Чун ростдурур керак-керакмас.
Туштум мени нотавон ароға,
Юз ранжу балову ибтилога.
Чун хост бу навъ эди қазо ҳам,
Мен хастаи зори бенаво ҳам.

Қулларға ўзумни ҳамдам эттим,
Қуллукка белимни маҳкам эттим.

Навоий Ҳусайн Бойқаро салтанатида давлат ишларига киришар экан, бунда қандай юксак мақсадлар, олийжаноб орзуларни кўзда тутганлиги ҳақида ёзади: «...ул ҳазратнинг қуллуғида неча навъ хизматким, дунё суди андин пайдо ва охират беҳбуди андин ҳувайдо бўлғай, ўзумга лозим тутгум ва неча навт ишким, халойиқ дуосиға боис ва холиқ ризосига сабаб бўла олғай, қошимда мукаррар қилдим ва Тенгри иноятидин борча ишлар муқаррар бўлди». «Вақфия»да анъанавий кириш (ҳамд, наът)дан кейин оқ Навоий Ҳусайн Бойқаронинг, салтанат тахтини эгаллагач, биринчи тадбирлар қаторида ўз ҳукмронлиги остидаги турли табақа, ҳар хил уруғ ва қабила ҳамда элатларга бўлган муносабатини бирмунча тўғри белгилаганлиги хусусидаги масалага эътиборни тортади. Гарчи бу муносабат шоҳнинг ана шу қабила ва уруғларнинг моддий ҳаётини енгиллаштириш ва маданий ҳаётини кўтариш маъносида бўлмасдан, балки улар орасидан чиққан нуфузли шахсларга нисбатан холис қараш, яъни уларни давлат ишларини бажаришга баробар жалб этиш доирасида бўлган эса-да, Навоий бу тадбирни ихтилоф ва норозиликларнинг бартараф этилишида ижобий қадам деб қарайди. Зеро бу Навоий даври, балки барча даврлар учун ҳам ғоят муҳим масала эди. Ҳеч шубҳасизки, уруғлар, қабилалар ва майда элатлар орасидаги келишмовчиликлар, энг аввало, уларга бўлган нотекис муносабат билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам Навоий Ҳусайн Бойқарога бўлган қарашларини, у ҳақдаги ўз мулоҳазаларини унинг шу масалага бўлган муносабатидан бошлар экан, умуман, ҳар қандай низоларни бартараф этиш, халқни бирлаштириш мамлакат тақдири учун мустасно аҳамиятга эга бўлган тадбирлар билан боғлиқ эканини тушуниб, буни катта ижобий воқеа сифатида талқин қилади. «Вақфия»да Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг гуманистик моҳияти қуйидаги қайдларда аниқ ва равшан кўринади:

1. Салтанат ва шоҳнинг обрўсини мустаҳкамлашга астойдил киришиш ва булар билан боғлиқ барча сиёсатни изчил амалга ошириш. Навоий бу хусусдаги фикрларини қуйидаги рубоий билан хулосалайди:

Ҳар кимки, бирав ишқига бўлса дилбанд,
Жон риштасидин қилса керактур пайванд
Гар ҳаёли бўлса кўнглига писанд,
Қилмоқ керак ул кўнгулни юз минг парканд.

2. Хизматни беғараз, шахсий манфаат кўзламай, холис ва сидқидилдан бажариш. Бундай арбоб билан сарой амалдорлари орасида ниҳоятда мураккаб ва ғоят мушкил вазиятлар қалқиб туриши табиийлигини ҳам Навоий четда тутмаган ва шундай шароитларда ўзи нималарга амал қилганини бир қадар куйиниб баён этган.

3. Мамлакатдаги, саройдаги ҳар қандай ғараз, хирс, разолат ва турли ярамасликларни, иллатларни йўқотиш учун ақл ва адолат билан иш тутиш. Зероки:

То ҳирсуҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То жониға бедод ўлмас
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

4. Зулм адолатга соя солгудек бўлса ёки номуносиб, шариатга зид бўлган воқеа содир бўлса, ундан шоҳни огоҳ қилиб туриш ёхуд шоҳ ижозати, аниқроғи, шоҳнинг Навоийга яратиб берган имкониятларидан келиб чиқиб тадбирлар белгилаш, чоралар кўриш. Навоийнинг бу маънодаги ҳаракатлари ўзи учун ҳам машаққатли кечгани қуйидаги шеърдан англашилади:

Тақририм агар яхши эди, йўқса табоҳ,
Алфозим агар ямон эди, гар дилхоҳ.
Арз этмагини чу ҳукм айлаб эди шоҳ,
Шоҳ англамаса бу хизматим, нетгамен, оҳ!

5. Қўлдан келганича адолатсизлик ва зулмни бартараф этиш, ҳолларда шоҳ арзига етказиш.

6. Ҳамма эҳтиёжмандларнинг дарду аламини енгиллатиш, ўтинчларини бажариш, ҳожатларини чиқариш. Буларнинг барчасини миннатсиз амалга ошириш.

Ниҳоят, ўз тасарруфидаги маблағдан бир одамнинг рўзғори баробарида олиб қолиб, қолганини хайрия ишларга сарф қилганини қайд қилиб ўтади. «Вақфия»нинг кейинги қисмида ана шу Навоий маблағлари ҳисобига қурилган маданий-илмий муассалар, жумладан, «Ихлосия» деб аталган мадраса, «Халосия» деб ном олган хонақоҳ, масжид, «Дору-л-ҳуффоз» гумбази, Гозургоҳда сарой ва ҳ.к.лар, ўзи барпо қилган ҳовли, боғлар, қаздирган коризлари, ободонлаштирган ер ва масканлари санаб ўтилади. Асарнинг худди шу ерида амалга оширган тадбирлари ва қилган ишларидан шукроналар билдириб, Навоий ушалмаган икки орзуси борлигини айтади. Улардан бири муборак сафар – ҳажга бориш, иккинчиси - барча хизматлардан кўра афзалроқ, ўзига муносиброқ кўргани - бадиий ижод билан шуғулланиш эди. Бунинг сабабларини Навоий дилдан куйиниб баён этади. Асарнинг бу парчаси, юқорида санаб ўтилган, Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги кўп қиррали фаолияти нечоғлик мураккаб вазиятларда кечгани, аҳволи руҳияси нақадар аламли дамлар тазйиқида бўлганидан далолат беради. «Вақфия»нинг охирги қисмида Навоийнинг вақф қилдирган мулк, ер-сувлари, боғ-роғлари, иншоатлари, вақф қилинган жойлардаги идора усули, хизмат учун белгиланган лавозимлар, тайин қилинган маошлар, халқ учун, хусусан, камбағаллар учун ўтказиладиган хайрли маросимлар ва уларда тортиладиган таомлар миқдори, мударрис ҳамда талабалар учун тартиб қилинган қоидалар, маош ва ҳақ даражаси, вақфларни сақлаш, идора қилиш ва назорат этиш қоида ва шартлари, бу қоида ва шартларнинг дахлсизлиги бирма-бир баён этилади. Шундай қилиб, «Вақфия» тарихий ҳужжат бўлиши билан бирга, Навоийнинг ватанпарварлик ва халқпарварлик ҳамда маърифатсеварлик йўлида фидойилигини намоён этувчи асардир. Шунингдек, бу фаолият унинг ҳамиша ҳаёт билан, реал муҳит ва шароит билан яқиндан боғлиқ бўлганини ҳам кўрсатади.

«ИЛОҲИ, КЎНГЛУМНИ ДАРДУ ШАВҚИНГ МУҲАББАТИ БИЛАН ОВУТ»

«Муножот»

«Муножот» ҳақида илк маълумот Огоҳ Сирри Лаванднинг «Турк китобликларидаги Навоий ёзмалари» «Турк тили аралаштирмалари йиллиги - Бюллтень» (Анқара, 1958)да босилган мақоласида берилган эди. Унда Истанбул, Тўпқоқи, Реван кутубхонасидаги Навоий Куллиётининг нафис нусхаси (котиби Дарвеш Муҳаммад Тақий, таърихи - 901-902/1495-96- 1496-97) ва Фотиҳ нусхасида (Сулаймония кутубхонаси) - «Муножот» Навоий Куллиёти аввалидан ўрин олган асар сифатида тавсиф қилинган эди. 1973 йил Адабий мероснинг 3-сонида Ҳ.Сулаймоновнинг «Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан» номли мақоласи босилди. Муаллиф Навоийнинг жаҳон китобхоналарида мавжуд бўлган 8 та мўътабар куллиёти фотонусхаларини уларнинг кўчирилиш тарихи нуқтаи назаридан хронологик тартибдаги мухтасар тавсифини беради. Туркия нусхалари тавсифида эса Агаҳ Сирри Левенд маълумотларига тўла таянади. Лекин ундан фарқли ўлароқ Ҳ. Сулаймонов Дарвеш Муҳаммад Тақий кўчирган нусхани шоирнинг ўзи тузган куллиёт нусхаси бўлиб, унда куллиёт учун Навоийнинг ўзи ёзган сўз боши - «Муножот» бор», - деб ёзади. Навоийнинг «Муножот» асари Агаҳ Сирри Левенднинг 1966-68 мобайнида нашр этилган «Алишер Навоий» номли 4 жилдлик китобнинг охирги жилдида эълон қилинган эди. Сўз бошида ношир ёзган эдики: «Муножот», мансур етариш (дуо, ўтиниш - С.Ғ.)ларнинг энг гўзалларидандир. Навоийнинг мансур асарлари орасида тил ва услуб боқимидан энг ҳисобланади». Муаллиф «Муножот» Гўнкони ва Фотиҳ китобхоналаридаги Навоий куллиёти нусхаларининг бошинда ер олмакдадир», - деб таъкидлайди. «Муножот» мундарижасидан маълум бўладики, у «Куллиёт учун ёзилган махсус сўз боши эмас, фикримизча, куллиётини тасниф этар экан, ўзининг бутун ижодиётининг гуманистик моҳияти, дунёвийлик руҳи, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий характери асарларида ўз аксини топган шахсияти, бир сўз билан айтганда, давр мафкураси нуқтаи назаридан шаккоклик саналган муддаолар бирлашиб, шоирда ботиний бир ҳаяжон, руҳий изтироблар пайдо қилган ва у Аллоҳ наздида тавба-тазарруъ қилиш эҳтиёжини сезган десак, хато бўлмас. Лекин буюк даҳонинг Аллоҳдан илтижолари ҳам унинг дунёқараши ва шахсиятидаги умумбашарий аҳамиятга молик илғор нуқталарни рўйи рост илғаб олиш имкониятини беради. Ҳозирги давримиздаги янгиланиш жараёни ҳар бир ижодкорнинг, катта ва кичиклигидан қатъи назар, ҳар бир асарини у яшаган давр, ундаги мафкура билан боғлиқ тарзда борича тадқиқ этишни тақозо қилади. Алишер Навоий асарларига муносабатда муайян тазйиқлар боис тасаввуф таълимотига дахлдорлари ва дин ҳамда дин тарихига оидларига бир ёқлама қараш ҳукм суриб келди. Эндиликда янгича ёндашув, янгича талқин ва таҳлил этишга эҳтиёж сезилмоқда. Кейинги изланишларда, хусусан «Навоий қомуси» юзасидан олиб борилган ишларда шоир ижодидан, дунёқарашидан «маҳдудликлар», «чекланишлар» деган боқимни XV аср тафаккури кўлами билан боғлаб ҳал қилишга интилиш жиддий тус олмоқда, Навоийнинг «Муножот» асари ҳақида бу ғоят мухтасар ёзганларимиз ана шундай интилишдан далолат беради. «Муножот» асари муқаддима ва 3 қисм: «Ҳамд», Наът» ва «Муножот»дан иборат. «Ҳамд» ва «Наьт» даги фикрлар Навоий достонлари аввалидаги анъанавий боблардаги қайдлар билан мутлақо ҳамоҳанг бўлиб, Аллоҳнинг буюклиги, азалий ва абадийлиги, ягоналик сифатлари, Муҳаммад пайғамбарнинг таърифини беради. «Муножот» қисми эса бевосита Аллоҳга мурожаат тарзида битилган. Муаллиф Аллоҳдан афв илтижо қилиб, ўзини гуноҳкор, Аллоҳнинг карамли эка-

нини таъкидлайди ва ваҳдати вужуддаги эътирофларга ўтади. Модомики, – дейди Навоий, ҳар қандай мавжудот, унинг сифатлари, ҳар бир жонзот, унинг феъл-атвори, саъй-ҳаракатлари Аллоҳ томонидан қисмат этилган экан, «тақдир қилганингни қилурға не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳадди бор». Навоий ўз ижодиётидаги дунёвийлик руҳидаги инсоний, мажозий севги талқинини маълум маънода шаккоклик эканини эътироф этароқ ёзади: «Илоҳи, париузорларға мени девона қилдинг ва шамърухсорларға кўнглумни парвона қилдинг, бу сабаблардин расволиғ била оламға (девона) қилдинг… неча мусалсал зулф савдосидин бўйнумға занжир бўлғай ва муанбар хол ҳаёлидин кўнглум асир? Сенга тақдир бу навъ эрса, менга не табдир». Бу ўринда айтиш жоиз кўринадики, Навоий шеърияти, достонларидаги ҳаётий муҳаббат ва у билан боғлиқ лирик қаҳрамонларнинг кечинмалари, изтироблари, дил туғёнлари ҳамда ҳаяжонлари ва ҳ.к.ларни тараннум этиш орқали инсоний туйғу бўлган ишқнинг қудратига яна бир бор урғу бергандек бўлади. Айни чоғда, бундан шоирнинг ишқи ҳақиқий талқинига етарли даражада ўрин ажратмаганига ишора ҳам идрок этиладики, «Муножот»даги айрим илтижолар шундан далолат беради. Маълумки, Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида бир неча муддатлар аввал юраги тубидан ўрин олган ҳаж сафари иштиёқи яна оловланади. У 905/1499-1500 йил давомида бир неча марта бевосита ва яқин дўстлари орқали Ҳусайн Бойқародан ҳаж сафарига изн сўрайди. Ҳар гал Султон аввалига ижозат берар, лекин охирги дамда ўзи шахсан шоир ҳузурига ташриф буюриб, сафарни қолдиришликка кўндириб қайтар ёхуд энг нозик дўстларни орага қўйиб шоирни аҳдидан қайтаришга муваффақ бўлар эди. Навоийнинг «Вақфия»да ёзишича, «икки орзу риштасидин (бири - ҳаж, иккинчиси - ижод - С.Ғ.) ўзгаким, гириҳи кўнглум пардасидин ечилмади ва икки мурод ғунчасидин ўзгаким, тугуни жоним гулшанидин очилмади…

Мениким, бу савто низор айлади,
Илгида беқарор айлади.
Имонким, топқай қарорусукун,
Биравким, бу фикр этгай они забун».

Ҳеч шубҳасизки, бу орзуси рўёбга чиқмаслигига кўзи етган чоғларда Навоий руҳий азоблар гирдобида қолар, ҳар қандай расмий, норасмий давлат юмушларию мадад истаб келувчилардан ғоят толиқар эди. «Муножот»даги «Илоҳи, эмди ҳамким, барчадин кечмак ҳаёлин қилурмен, ўзлугум билан кеча олмон яқин билурмен. Илоҳи, андоққи, бу балоларға солдинг, қутқор ва андоққим, бу ибтилоларға киюрдинг, чиқор», – дея илтижо қилиши шоирнинг юқорида ёдга олинган тушкун кайфиятларидан дарак беради. Шу билан бирга ҳаммадан воз кечиш мумкин ва осон, лекин «ўзлук» дан кечиш мутлақо мумкин эмас, бу аниқ. Бинобарин, «ўзлук»ни муқаддас сақламоққа, уни таҳлика ва лоқайдликлардан халос этмоққа интилиш ниҳоятда зарур, деган шоирнинг ғоят юксак эътиқодини юзага чиқаради. Диққатга сазовори яна шуки, Наво илтижолари зимнида унинг ижодиёти бўйлаб бош хат бўлиб ўтган давр, муҳитга йўналтирилган армон ва ўкинчли мулоҳазаларини кўрса бўлади. Шоир илтижоларининг бир неча ўрнида нафсу ҳаво, дунё (бойлик маъносидаги - С.Ғ.) майли, ҳирсу риё кабилардан сақланишда Аллоҳдан мададкорлик қилишни ўтиниши фикримиз далилидир. Шунингдек, тақво, зуҳд, ибодат сингари барча эл учун хос бўлган фарзларни бажаришда тавфиқ тилайди: «Илоҳо, тоатқа тавфиқ берсанг риёдин асра ва ибодатқа йўл кўргузсанг хатодин асра», - деб ёзади у. Навоийнинг қатор илтижолари унинг дидактик қарашлари билан ҳам боғлиқдир: «Илоҳи, беашёлар (нодўстлар - С. Ғ.) мазаллатидин асра ва бедиёнатлар туҳматидин асра. Илоҳи, жоҳил суҳбатиға побанд этма ва аро-

зил (разиллар - С. Ғ.) ҳашматиға хожатманд этма». Бу илтижолар «Маҳбуб ул-қулуб»даги шоирнинг ўгитлари, бир қатор «танбеҳ»ларидаги ҳикматли пандлари билан ҳамоҳангдир. Навоий ўзининг ижтимоий қарашларига оид фикрларини «Маҳбуб ул-қулуб»да бирмунча чуқурлаштирган, янги тушунчалар билан асослаган. Унинг замона терслиги, давр кажрафторлиги ҳақидаги ўкинчли нолалари, зулмкорлик, беҳаёликлардан малул бўлган дилидан отилиб чиққан аламли нолалари ўз аксини топган эди: «Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр беҳаёлари зулмидин фарёд. То олам биносидур бу ўтға ҳеч ким менча ўртанмайдур, то бевафолиқ ибтидосидур бу ўтға ҳеч ким мендек чурканмайдур. Замон аҳли бевафолиғидин кўксумда туганлар ва даврон хайли беҳаёлиғидин бағримда тиканлар». Булар «Муножот»даги: «...гоҳи атфол тошин бошимға ёғдурдум, гоҳи аҳбоб маломати нишин кўнглумға еткурдум. Илоҳи, қайси исён тийралиғи билаким, офиятим юзи қарормади, қайси бедод суҳбатиким, мен қаро юзлукка бормади...» каби дардли армонларда ўз аксини топгандек кўринади. Навоий «Илоҳи, замиримға худписандлиғни ёвутма ва хотиримни эл нафъи айб жўлиғиға тутма», – дея илтижо қилар экан, у ўз умри охирига қадар илғор инсонпарварлик заминида ғоят мустаҳкам турганлигидан далолат беради. Хулоса тарзида айтиш керакки, Навоийнинг «Муножот» асари шоир куллиёти учун ёзилган сўзбоши эмас, балки ҳаёти охирида эътиқодлари мустаҳкам, имони комил, ижодда ғоявий ниятлари юксак, ҳаёти ва орзу-умидлари пок ва холислигига инонса-да, яна бир бор Аллоҳдан нотинч руҳиятига осудалик тилаб, авлодларини маънавий камолотга, эътиқодий устуворликка ўзлигини қадрлаш ва уни муҳофаза этишга чорлаш мақсадида ёзилган, ўтмишга эмас, келажакка қаратилган асаридир.

«ХАМСА» САРЛАВҲАЛАРИ НАСР НАМУНАСИ

XV аср охирги ўн йиллигида назм билан бир қаторда насрнинг ҳам ўрни катта бўлиб, ҳеч бир ижодкор Навоийчалик кўп микдорда ранг-баранг жанрларда насрий асарлар яратмади. Шубҳасизки, Алишер Навоий насрий асарларини яратар экан, ўзигача бўлган ва ўз давридаги Шарқ насрининг энг яхши хусусиятларини ўзлаштириб, ўз она тилида шундай асарлар ёзишга, улардаги илғор анъаналарни янги заминда янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият билан, катта масъулият билан қаради. XV асрда туркий тилда насрий асарларнинг ниҳоятда кам яратилгани масаласи Навоийдек катта адабий мактаб бунёдкори, адабий ҳаётни йўналтириб турган улкан санъаткор учун шунчаки масалалар сирасида турмас эди, албатта. Натижада Навоий ижодида ҳам, ўзбек насри тарихида ҳам ўзгача бир аҳамиятга эга бўлган 13 ном, турли жанр ва шакллардаги насрий асарлар майдонга келди. Алишер Навоийнинг насрий асарларини, мундарижаси характерига қараб 6 туркум - гуруҳларга ажратиб, ўрганишга киришган пайтимизда - «Девонларга ёзилган «Дебочалар», «Назм ул-жавоҳир» муқаддимаси, эпик ҳам майда лирик жанрлардаги сарлавҳалар охирги туркумга киритилган эди. «Хамса» сарлавҳалари муаллиф санъаткорлигининг янги қирраларини намоён этувчи ўзига хос бадиятга эга насрий парчалар бўлиб, муайян ғоявий-эстетик вазифани адо этади. Энг аввало, улар ҳар бир мустақил достоннинг ҳар бир фасли-бобидаги асосий мазмунни изоҳлашга қаратилади, бинобарин, «Хамса» сарлавҳалари поэтикасининг белгиловчи хусусияти ана шундадир. Масалан: «Фарҳод ва Ширин»нинг XIII фаслига Навоий шундай сарлавҳа қўяди: «Шаҳзода Фарҳодқа «Ал-асмоу танзилу мин ас-само» ҳукми била ишқ сипеҳри авжидин номдорлиқ насиб бўлмоқ ва шавқ гулшанида ғунча

эрконда гулдек кўнглаки чок, балки булбулдек кўнгли ғамнок бўлмоқ ва дард муаллими мактабида ишқ кутубин лафз балафз, балки муҳаббат авроқин ҳарф-баҳарф ўқумоқ ва диловарлиқ майдонида шижоат варзишини қиличдек тез этиб, ўқдек тузатмак ва замон кинаварларидин худдек саромад ва найзадек сарафроз бўлмоқ» - (яъни, Шаҳзода Фарҳодга «Исмлар осмондан тушади» (арабча) ҳукми билан ишқ осмони юксаклигидан номдорлик - машҳурлик насиб этгани ва шавқ гулшанида ғунча эканида (яъни, ёш эканида) гул каби кўйлаги чок, балки булбулдек кўнгли ғамнок бўлгани ва дард мактабида ишқ китобларин сўзма-сўз, муҳаббат варақларини ҳарфма-ҳарф ўқигани, диловарлик (қаҳрамонлик, паҳлавонлик) майдонида шижоат машқини қиличдек чархлаб, ўқдек тўғрилагани ва замон қасоскорларидан худ (учи узун, мақобатли темир бош кийими)дек кўтарилган ва найзадек юксалгани ҳақида). Мана шу сарлавҳанинг ўзида бобнинг асосий мундарижаси берилган. Унда таъкидланишича, Фарҳодга унинг исми холиқ - яратувчи томонидан берилган - осмондан туширилган. Энди бобдаги баённи кўздан кечирсак, Хоқон ўзига ато қилинган фарзандига от қўйишга киришади. Шоир ёзади:

Жамолидин кўрунгач, фарри шоҳи,
Бу фардин ёруди маҳто бамоҳи.
Қўюб юз ҳиммату иқболу давлат,
Ҳамул фар соясидан топти зийнат.
Бу жавҳарларга чун иснод топти,
Мураккаб айлагач, Фарҳод топти.

Яъни: Унинг жамолида - юзида шоҳлик ёғдуси, нури (фар) кўзга ташланиб, бу нурдан еру кўк (айнан: балиқдан ойгача) ёришиб турарди. Ҳиммат, иқбол ва давлат ҳам юз кўрсатиб, ўша ёғду соясида зийнат топган эди. Ана шу жавҳарлар – мафҳумларни бирлаштирилса, дейди Навоий, Фарҳод исми чиқади. Араб ёзувида «фар», нур, ёғдуга ҳимматдан «ҳ», иқболдан «алиф», «давлат» дан «д» ни олиб бириктирилса, «Фарҳод» чиқади. Кейинги мисрада:

Бу фарни ҳодийи бахт этгач иршод,
Равон шаҳзода отин қўйди Фарҳод.

яъни бу ёғду - нурни бахт ҳодийси (яъни, ҳақ) тўғри йўлга солди иршод этмак). Муаммо йўли билан бу ерда ҳам Фарҳод исми чиқарилади. Бу - Фарҳод исмининг иккинчи изоҳидир. Шоир давом этиб, ёзади:

Ки кўргач покиза зотин,
Анга фарзона Фарҳод исм қўйди
Ҳуруфи маъхазин беш қисм қўйди
«Фироқу» «рашку» «ҳажру» «оҳ» ила «дард»,
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.
Борин устоди ишқ этгач мураккаб,
Тараккубдан бу исм ўлди мураттаб.

Мана шу уч байтда дейиладики, устоди ишқ «фироқ», «ҳажр», «оҳ», «дард» сўзларининг ибтидо-бошланғич ҳарфларини бириктирди ва «Фарҳод» исмини чиқарди. Бу билан шоир Фарҳод исмининг яна бир - кенг ўқувчиларга маълум бўлган тузилиш таркибини ва унинг заминидаги маънони баён этади. Шундай қилиб, Фарҳод тақдири, унинг муҳаббат йўлидаги чекадиган саргузаштлари ва ишқий изтиробларининг асосий чизгалари берилади. Сўз аро айтиб ўтиш жойиз кўринадики, Навоий ана шу исм таркибидаги ҳарфларга алоҳида маъно юклаш санъатини шу достоннинг яна бир ерида - шаҳзода Бадиуззамон мадҳидаги бобда ҳам ишлатади (Бунга Навоийшунослигимизда эътибор қилинмаган). Шоир ёзади;

Оти ўн ҳарф ила бўлди мураккаб.
Будур тартиб агар қилсанг мураттаб.

бе - бирру эҳсон – яхшилик ва сахийлик, дол - давлат, юмн - баракат ва бахтиёрлик, айн - адолат, алиф - тўғрилик, лом - лутф, латофат, зе - рақам миқдори 7 бўлган учун - етти иқлим насибинг бўлсин, мим - миллат хироми, мусулмонлик низоми, алиф - огоҳ, нун - насрун мин-оллоҳ - Аллоҳдан ғалаба зафар қисматинг бўлсун.

«Ҳайрат ул-аброр»даги IX мақолатга Навоий шундай сарлавҳа қўяди: «Ишқ ўти таърифидаким, шуъласи бало саҳросининг лолалари ва ахгари балокаш кўнгул парголалари дурур ва меҳнат (машаққат, ранж) қаро исми анинг тутуни ва бу шомнинг муҳтариқ кавкаблари анинг учқуни дурур. Ва хусн анвориким, мунча ўтға боис, анинг барқидин бир ламъа ва мунча ҳаракатга мужиб, анинг куёшидин бир ашиъа дурур.

Бобда эса ишқ ўтига сарлавҳада берилган барча сифатлар ёйиқ тарзда қаламга олинади. Ишқнинг кўнгилларни фатҳ этувчи кенг маънодаги ботиний ишқ таърифи ва «хусн анвориға» этилган зоҳирий ишқ таърифи берилади.

Сарлавҳада жуда усталик билан ишқ ўти шиддати ҳақида ёзатуриб, ҳусн нурлари ёндирувчи ўтга боис бўлишлиги ва бу ўт унинг чақмоғидан бир учқунгина, унинг қуёшидан бир нургина деб фарқлаб берилган икки маъноси боб баёнида очиб берилади.

Яна бир диққатга сазовор ери шундаки, Навоийнинг сюжетли достонларидаги сарлавҳалари ажратиб ўқилса, достон воқеалари силсиласидан ўқувчини тўла хабардор қилади.

«Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Саббъаи сайёр» достонларидаги сарлавҳалар кузатилса, бу ҳол яққол кўзда ташланади. «Садди Искандарий» асарида бирмунча бошқача ҳолни кўрамиз. «Садди Искандарий» сарлавҳалари достондан шоир кузатган асосий ғоявий нияти енгилмас фотиҳ Искандарнинг жаҳонгирлик юришларини эмас, балки марказлашган давлат барпо этишга қодир бўлган мамлакатларни, халқларни асрий истибдоддан қутқаришда, жойларда адолат ўрнатиб, ҳамма халқларни зулм ва зулмкорлардан, мутеълик ва туткунликдан холос қилувчи, халқларнинг фаровонлигини таъмин этувчи илм-маърифатли халоскор ва одил Искандарнинг саргузаштлари ва олий идеал ҳукмрон сифатидаги мушоҳадалари тарихини яратади. Асарда усули идорада адолат ҳамда ақлнинг қудратига суяниш, олим ва фозиллар маслаҳати ва фаолиятига эътибор, илм-фан равнақига аҳамият билан қараш муттасил таъкидланиб борилади. Бинобарин, «Садди Искандарий» сарлавҳаларида воқеалар тизими узилиб-узилиб туради, ўрни-ўрнида турли масалалар юзасидан Искандарнинг олимларга берган саволи, улардан олган жавобларига оид бобларда яққол кўринади.

Ҳар бир достон мазмунининг уларда илгари сурилган ғояларга мос вазн ва оҳангда ёзилиши, академик Конрад таърифи билан айтганда, «мажор» ва «минор» ёхуд аралаш наволарда битилиши, сарлавҳаларда ҳам ўз аксини топган. Масалан «Фарҳод ва Ширин»да ишқнинг ҳайратомуз қудрати, унинг қаҳрамонлик, паҳлавонликларга қодирлиги сарлавҳаларда акс этган бўлса, «Лайли ва Мажнун»да севгининг аламли, куйдирувчи сифатлари, дардли изтироблари уларга кўчади.

«Хамса» сарлавҳаларида Навоий насрий асарларига хос (бу жиҳатдан «Маҳбуб ул-қулуб» алоҳида ажралиб туради) бўлган сажь санъати ишлатилган. Сарлавҳалар поэтикасининг яна бир белгиловчи жиҳати «иштиқоқ» (ўзакдош сўзларни келтириш) ва «таносуб» (бир-бирига уйғун бўлиш, нисбат пайдо қилиш) санъатлари, «мадҳ» ва унинг акси ўта камтарлик, ҳокисорлик кенг истифода этилади. Кейингисига мисол: «Ҳайрат ул-аброр»дан «Карам дарёси васфидаким, иноят насимидин мавжға кирса, исён хасу ҳашокни қироғларга итирур ва кўҳи гуноҳдин лангар солғонларнинг гарон- онлиқ кемасин бир парикоҳдек мақсоҳилига еткурур».

Навоий насрий асарларида бўлганидек «Хамса» сарлавҳаларида ҳам услубдаги мураккаблик кузатилади. Жимжимадорлик, тушунилиши қийин жумлалар тузиш ёхуд шундай сўзларни ишлатиш, арабча оят, ибораларни келтириш кабилар шулар жумласидандир.

«Хамса» сарлавҳаларининг аксариятида маъно ва услуб тугаллиги, етуклиги, эмоционал пафос ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Бу сарлавҳалар Навоий насрининг ўзига хос бўлган ихчам бир кўриниши ўлароқ, шоирнинг бадиий маҳоратини ҳам акс эттиради. Ўзбек адабиётида биринчи бўлиб, Навоий сарлавҳаларда мазмун ва бадиият яхлитлиги ғоявий ниятнинг юзага чиқишига хизмат қилади.

НАВОИЙ НАСРИДА НАЗМНИНГ ЎРНИ

Навоий насрий асарларининг белгиловчи хусусиятларидан бири – уларнинг ўта ҳассос шеърий даҳо қалами остидан чиққанлигидир.

Навоий прозасида наср билан назм биргаликда ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан узвий алоқада қўлланилади. Назмий парчалар прозаик баёнда маълум мақсадларда истифода этилади, бинобарин улар наср таркибида муайян ролларни ўйнайди. Навоийнинг қатор асарларида назмий парчалар насрий баёнда ифодаланган фикрни хулосалаш, якунлашда, шунингдек, муаллифнинг асарларидаги ғоявий ниятини янада бўрттириб, эмоционал таъсирчанликни, бадиий таъсирни янада ошириб бериш учун ҳам хизмат қилади. Баъзан Навоийда назм насрда билдирилаётган фикрнинг давоми сифатида берила боради. Баъзан эса назм фактик материал сифатида келтирилади.

“Мажолис ун-нафоис” таркибидаги назм унинг моҳияти ва мақсади тақозоси билан асосий фактик материал хизматини ўтайди. Яъни ҳар бир ижодкор ҳақида маълумот ва “ҳар қайсининг натойижи табъидан бирор нима (бир, икки матлаъ ёҳуд байт) нишона йўсунлуқ” қилиб бериб борилади. Лекин асар муқаддимасида 4 та етти мажлиснинг хотимасида биттадан 7 та, саккизинчи мажлис аввалида 1 та, охирида эса 2 та рубоийлар борки, улар ҳам хулоса, якун, ҳам мадҳий бағишлов маъносида келади.

Маълумки, “Маҳбуб ул-қулуб” Навоий ижодининг энг сўнгги йирик маҳсулидир (шоир ғазал ёки кичик лирик жанрларда асар ёзган бўлиши мумкин, албатта). Шу жиҳатдан қараганда, “Маҳбуб ул-қулуб” улуғ шоирнинг ғоят сермазмун ва ниҳоятда сермашаққат умри давомида тўплаган жуда бой ҳаёт тажрибаси ва хулосаларини ўз ичига олади. “Маҳбуб ул-қулуб” муқаддимасида Навоий маснавийда шундай келтиради:

Ғаҳе топтим фалактин нотавонлиғ,
Ғаҳу кўрдум замондин комронлиғ.
Басе иссиғ-совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ-чучук топтим жаҳонда.

Бу шеър Навоийнинг муқаддимада баён этган машаққатли ҳаёт йўли ва аҳволи руҳиясининг назмдаги сиқиқ ва ёрқин ифодасидир.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг биринчи қисмидаги деярли ҳар фасл байт, қитъа ёки рубоий билан якунланади. Уларга кўпинча бу фасл мазмунининг ўзагини англатувчи афористик маъно сингдирилади.

Масалан: “Дабиристон аҳли зикрида” деб аталган фаслда муаллимлар. Уларнинг оғир, масъулиятли, айни чоғда, шарафли меҳнати хусусида сўз боради ва қуйидаги байт келтирилади:

Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқутмуш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила

Бу байт фаслнинг таълимий дидактик моҳиятини янада чуқурлаштиради.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг III қисми “Мутафаррика фавойид на амсол сурати” деб аталади ва турли фойдали панд, ўгит ҳамда ҳикматларни ўз ичига олади. Ғоявий мундарижаси ниҳоятда хилма-хил ва жуда ҳам кенг бўлган бу қисм материаллари насрий “танбеҳ”лар ва турли жанрлардаги назмий парчалардан иборат. Навоий бир танбеҳда дўстлик ҳақида, унинг муқаддас риоялари тўғрисида сўзлар экан. Шундай қитъа келтиради:

Ёр улдурки, ҳар неким ўзига
Истамас, ёриға ҳам истамагай.
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай.
Ани мундоқ шерик айламагай.

Ҳар бир ишни ошиқмасдан, сабр-матонат билан ерига етказиш ҳақидаги “танбеҳ” қуйидаги байт билан якунланади:

Ҳар кимсаки, айламас ошуқмоқни хаёл,
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.

Байтда Навоий “танбеҳ”да илгари сурган фикрларини далиллаш учун табиат оламидаги икки тинимсиз уриниш туфайли эришиладиган меҳнат мўжизасига ишора қилади. Бу каби байтлар Навоийнинг насрдаги фикрларини тўлдиради, нисбат, сифат, ўхшатишлар воситасида уларнинг мантиқини мустаҳкамлайди.

Навоий насрида, айниқса, асар аввали ва сўнгида берилган рубоийлар, юқорида қайд этилганидек, мадҳия ва бағишлов маъносидан ташқари ўқувчиға мурожаат қилиш, унга эзгулик тилаш ҳамда у ёки бу асар тарихини бериш маъносида, мазмунида ҳам истифода қилинади: масалан, “Муншаот” муқаддимасидаги ва “Муҳокамат ул-луғатайн” сўнггидаги рубоий ва таърихни келтирамиз.

Ҳар кимки ани ўқурни бунёд этгай,
Роқимни агар дуо била ёд этгай,
Тенгри они ҳар банддин озод этгай,
Ҳар ғамдин анинг хотирини шод этгай!

(Таърих: 1499 йил декабрь ойи, бу ойда чоршанба куни 4, 11, 18, 25 ларда келган эди).

“Муншаот”да яна бир мактуб бор. Мазмунида ва шеърий парчаларидаги бир мисрадан маълум бўлишича, у Ҳусайн Бойқарога йўлланган. Мактуб қуйидаги рубоий билан бошланади:

Ёшунган эмиш қаро булутга моҳим,
Гардунни совурмоғлиғ эрур дилҳоҳим,
Кирмуш қаро туфроққа қуёшдек шоҳим,
Невчун қаро қилмасун фалакни оҳим.

Хатдаги асосий мақсад мана шу рубоийга сингдирилган инсон ҳаётидаги энг табиий туйғу – яқин ва яхши кимсасидан жудо бўлиш бениҳоя ҳазин лирик лавҳада берилади.

Демак, кимдир вафот этган ва бу мудҳиш воқеа Навоий қалбини ўртаб юборган. Мактубнинг насрий қисмида Навоий таъкидлашича, жигарни эзадиган, жонни азобга соладиган, кўзлардан баҳор ёмғуридек ашк селини оқизадиган, юракда баҳор момоқалдироғи овозидек ўкурмак бунёд этадиган ҳодиса юз бергани ҳақида хабар етишгани ёзилади. (Бу орада бир ғазал матласи ҳам келтирилади). Мактуб охирида битилган рубоийдан ким ҳақида сўз кетаётгани англашилади:

Гул борди эса, чаман муаттар бўлсун,
Шамъ ўчту эса, қуёш мунаввар бўлсун,
Шаҳзодага гар равза муяссар бўлди,
Султонга жаҳон мулки мусаххар бўлсун.

Биринчи рубоийдаги “моҳим”, “дилҳоҳим”, “оҳим”га қофия қилиб ишлатилган “шоҳим” ва иккинчи рубоийдаги “шаҳзодага” сўзларига эътибор берилса, шаҳзода Ғариб Мирзо вафоти ҳақида сўз кетаётгани англашилади.

Биз “Мажолис”дан ва бошқа манбалардан, жумладан, “Бобурнома”дан биламизки, шаҳзода шоҳ Ғариб Мирзо ниҳоятда қобилиятли, форсий ва туркийда гўзал шеърлар ижод қилган, соҳиби девон шоир, “хушхулқ ва нозук таҳайюллук”, “ўқиш кўнглига маҳбуб” йигит бўлган. Лекин у кўринишда хунук ва бунинг устига букри бўлган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Ғарибий тахаллуси билан ёзган бу шоир ижодидан одатдаги 1 ёки 2 эмас, балки 5 та байт мисол келтирадики, бу ҳол бежиз эмас.

Навоийнинг Шоҳ Ғариб Мирзога алоҳида самимият, катта ҳусни рағбат билан қарагани, унинг маънавий жиҳатдан ўсишида, шеърий иқтидорининг камол топишида яқиндан иштирок этгани ҳар қандай шубҳадан ҳоли. Бинобарин, бу шаҳзоданинг ўлимини Навоий юрагига жуда яқин олган. Яна шуни ҳам айтиш лозимки, Навоий Шоҳ Ғариб Мирзо ўлимига ҳар банди 6 байтдан иборат 5 бандли таркиббанд марсия ёзган (Марсия ноширн Ҳамид Сулаймон, “Адабий мерос” – 2.1971)

Навоий ўзининг “Вақфия” асарида Ҳусайн Бойқаро тахтга чиққан кезларидаги (бу вақтда Навоий Самарқандда таҳсил олаётган эди) ўз кайфиятлари, моддий қийинчилик азиятлари туфайли узлатга чекиниш истаги пайдо бўлганлиги, шу аснода Ҳусайн Бойқародан саройга таклиф этилиши ҳақида расмий давлат маншурини олгани, тараддудлари ва Ҳиротга отлангани тўғрисида асосан насрий парчаларда сўз юритади. Шунингдек, “Вақфия”да Навоий Ҳусайн Бойқаро салтанатида давлат ишларига киришар экан, бундан кўзда тутган мақсадларига тўхталиб ўтади. Бу мақсадлар асос эътибори билан, 6 йўналишда бўлиб, ҳар бирини муайянлаштирар экан, Навоий насрий баён сўнгида биттадан рубоий бериб боради. Уларнинг “Вақфия”даги ўрни, аҳамияти ғоят ҳарактерли. Уларсиз ёлғиз насрий баён асосида Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги кўп қиррали фаолияти ҳақида тўла тасаввур пайдо қилиш маҳол. Рубоийлар у ёки бу масалалар, режалар, тадбирлар ёҳуд интилишларга ойдинлик киритиш, муаллиф мақомини янада яққол белгилашга ёрдам бериши билан бирга, умуман, Навоийнинг давлат ишларини нечоғлик қийин вазиятларда олиб боргани ва бунда у ўз фаолияти ҳамда ижодининг марказида турган инсон, халқ манфаати йўлидаги фидойилиги – бир сўз билан айтганда юксак гуманистик идеалига содиқлиги масаласини ҳал этишга ҳам хизмат қилади. Иккитагина мисол келтирамиз:

Қандай шароит ва қай йўсинда давлат ишларини олиб боргани ҳақида Навоий ёзади: "... Анинг кишвари гулистонининг харими атрофида ва мулки бўстонининг акнофид кўрмас нимадин кўзимни наргиз кўзидек кўр ва эшитмас нимадин қулоғимни бинафша қулоғидек кар ва тутмас нимасдин илгимни чинор илгидек шал ва бормас ердин аёғимни сарв аёғидек ланг ва айтмас сўздин, батахсис махфий асрореким, гул хурдаси масаллик ғунчадек кўнглумда амонат топшурди ифшосидин тилимни савсан тилидек гунг қилдим. Рубоия:

Шаҳ хизматиға бировки бўлғай мойил.
Кўру кар лангу шал керактур ҳосил,
Асрорининг ифшосида гунг айласа тил,
Бу мушкул эрур, барчасидин мушкул."

Рубоийда юқоридаги шахсан ўзи ҳақидаги қайдларни Навоий умумлаштиради. Бу ерда шоир шоҳ хизматида бўлганларнинг ҳаёти катта хавф остида эканлигидан огоҳлантирмоқчидек туюлади.

Рубоийларда лўнда қилиб айтилган фикрининг насрий баёнда жуда мураккаб образларда, жимжимадор услубда, бош ғоявий ниятда аксаран сатрлар заминида яшириб ифода этилгани, бинобарин уларни тушуниш анчайин қийин эканлигини қуйидаги мисолда яққол кўриш мумкин: "...Ул ҳазратнинг қуллиғин иртикоб қилурда ҳеч навъ, ўз ғараз ва маслаҳатим мутассаввар эрмас эрди, балки хос тенгрилик учун, дағи ўзининг муборак хотири учун дағи мусулмонлар маслаҳати учун эрди. Бу жиҳатдан Хирад ҳокими одил ҳукм била ростлиқ сиёсатгоҳида ғараз ўғрисини фанодориға осиб, инсоф дор ул-қасосида ҳирс қароқчиси бўйнин қаноат қиличи била уруб, вужуд шаҳрида муддао қасрини риёзат ёмғури била йиқиб, нафсоният боғида орзу ниҳолин интиқоъ илиги билан кўнгариб, амал (умид маъносида – С.Ғ.) мазраида таваккуъ хирманин фақр ўти била куйдуруб, ул хирман кулларин фано елига совурдим".

Шеърий парчалар Навоийнинг бошқа асарларида ҳам кўп учрайди. Уларнинг бир қисми шоирнинг лирик мероси "Хазойин ул-маоний" таркибида мавжуд. Лекин унга киритилмаганлари ҳам анчагина. Бу шуни кўрсатадики, Навоий баъзи ҳолларда ўз назмидан иқтибос келтирар экан, насрий баёнга бадиий сайқал бериш, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бадиий таъсир, эмоционал таъсирчанликка эришишни назарда тутган, баъзан эса асар характерини очиш, унинг моҳиятини юзага чиқариш воситаларидан бири сифатида назмга мурожаат қилган. Бундай назмий парчалардан кўпчилигини насрий контекстдан айри ҳолда тушуниб бўлмайди.

Навоий насридаги назм ҳар бир асарнинг мазмуни, ижодкорнинг дунёқараши билан мутлақо боғлиқдир, айни чоқда шоир лирик меросининг ўзига хос бир қисмидир.

НАВОИЙ НАСРИДА МУАЛЛИФ ҚИЁФАСИ

Ҳар қандай ёзувчи, шоир ижодий ўзига хослиги тақозоси билан асарларида ўз шахсияти изларини ва суврати чизиқларини қолдиради. Зероки, унинг бутун ҳаёти, ақлу идроки бадиий ижодга бағишланади, у билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Навоийнинг насрий асарларига шу нуқтаи назардан ёндашилса, унинг ҳар бир асарида муаллифнинг сиймосига

хос у ёки бу қирраларни илғаш қийин эмас. Бу ерда Навоийнинг «Муншаот» ва «Вақфия» асарларидаги муаллиф шахсияти ва суврати масаласи юзасидан баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтамиз. Навоийнинг мактублари мажмуаси бўлган «Муншаот» тахминан 904/1498 йилда тузилган. Гарчи Навоийнинг ўзи мактубларидан бирида ёзишмалар кимларга, қачон, қаердан ва қаерга юборилганини кўрсатиш мутлақо зарур деб уқдириб ўтган эсада, мажмуада бунга риоя қилинмаган. Навоий мактубларини матндаги ва матн зимнидаги мазмунга кўра, улардаги баъзи детал ва қайдлардан келиб чиқиб, маълумотларни бошқа манбаларга қиёс қилиб аниқлаш мумкин. «Муншаот» таркибидаги бир туркум мактублар Ҳусайн Бойқаро ва шаҳзодаларга, жумладан Бадиуззамон Мирзога ёзилган. Уларда асосан давлат, сиёсат ва мамлакатни бошқариш, адолатга риоя этиши юзасидан фикр юритилади. Навоийнинг Бадиуззамонга йўллаган мактубларидан унинг истиқболда шоҳ бўлишини назарда тутиб, катта умидлар билан унинг тарбиясида иштирок этгани, фаолиятини фойдали ўгит-насиҳатлар билан йўналтириб тургани маълум бўлади. Масалан, бир мактубда шаҳзодага давлат ишлари билан боғлиқ масалаларни шошилмасдан, пухта ва атрофлича уйлаб вақт ва шароитни хисобга олган ҳолда амалга ошириш кераклиги ҳақида ёзади. Яна бир мактубда Ҳусайн Бойқаро ҳукмидан чиқмасликка, салтанат манфаатларини ҳар нарсадан юқори қўйишга, эҳтиёткорликка, дўстлар насиҳатига қулоқ осишга, душманлар хийласига алданмасликка, давлат ишларини эса шунга алоқадор шахслар билан маслаҳатлашиб бажаришга даъват этади. Бошқа бирида шаҳзодани отаси билан иттифоқ бўлишга ундайди, унинг кичик ҳукмрон сифатидаги хато ва нуқсонларини бирма-бир кўрсатиб ўтади, ўз мулоҳаза ва даъватларига далиллар келтиради. Навоий Бадиуззамонни саркашликларга барҳам бериш, бу билан юз бериши мумкин бўлган фожиаларнинг олдини олиш лозимлигини куйиниб маслаҳат кўрар экан, бу шаҳзодага ўз муносабатини очиқ-ойдин баён этиб ёзади: «...бу банда доим сизга давлатхоҳлиғ сўзин айтибмен ва сизни умру давлатдин бархурдор тилаб, дуо қилибмен ва ҳар номуносиб никим, сиздин кўрубмен, сизга айтибмен, балки китобларимда насиҳатномалар назм қилиб, арзингизга еткурубмен» . Бу сўзлар битилган мактуб анчайин қатъият билан Бадиуззамондан шоҳга итоат қилишни талаб қилади ва шаҳзоданинг бу хусусда кетма-кет йўл қўяётган хатоларининг ярашиқсиз эканлигини тушунтиради. Жумладан, Бадиуззамон нишонларининг аввалида (нишон, ёрлиқ, фармон ва қарорлари тепасида махсус безакли жой бўлиб, уларда ҳукмдорнинг исми ва сифатлари битилади - С. Ғ.) Ҳусайн Бойқаронинг номи ёзилмагани учун Навоий уни қаттиқ койийди. Сиздек оқил, хуштабъ... йигитдин мундоқ нималар раво бўлғайму? Агар бу нишонни билиб битибсиз, не ҳисоб била бўлубтур, агар мунши ё ғайр саҳв қилибдур, нечук ҳар нишонни ўзунгиз кўрмай бир ерга юборилғай?»

Хуллас, Навоий бу хатида ҳам Бадиуззамонга анчайин оғир ботадиган насиҳатлар қилади. Зероки, у салтанат тинчлиги, ҳокимият барқарорлиги учун шундай дейишда ўзини бурчли деб билади. «Муншаот»да катта бир мактуб бор, у ҳақда илмий адабиётда анча фикрлар билдирилган. Мактубда Навоий Бадиуззамонга давлатни идора этиш усуллари, ҳукмрон учун фарзий ухдадорликлар, мамлакат ва раият осойишталиғини сақлаш, ободончилик ва фаровонликни таъмин қилиш каби масалалар юзасидан аниқ тадбирлар санаб ўтилади; холис маслаҳатлар берилади. Бу мактубда ҳам асл мақсад - давлатнинг барча юмушларини салтанат ва халк манфаатидан келиб чиқиб амалга ошириш Бадиуззамонга қатъиян уқдирилади. Мактуб қуйидаги илтимос билан тугалланади. «Илтимос улким, бу

арзадоштни Мавлоно Дарвеш Муҳаммад (давлат ишлари ухдадорларидан бўлган бу шахс Муҳаммад Мўмин мирзонинг кўкалдоши-эмикдош биродари эди - С.Ғ.)га топширулса, ҳар икки-уч кунда бир қатла тилаб мулоҳаза қилинса, дағи бўлса, агар муборак хотирдан нўшида бўлуб, унутилса, ул зи тиламай, дағи икки-уч кунда келтуруб тобуғда арз қилса, дағи ҳар хусусдин ҳар қайси ишким, арз қилғон йўсунлуқ сурат боғласа, ани шарҳ била иноят қилиб, итиб йиборулсаким, Мирзо арзиға еткурулса». Бу мактубларда Навоий образи-сураги улкан ва илғор давлат арбоби сифатида намоён бўлади, унинг халқпарварлиги рўйи рост кўзга ташланади. Яна бир қатор мактубларда (улар иншо санъатининг«хитобия» ва «жавобия» турларида битилган) дўстлар билан хабарлашган Навоийнинг дил севинчлари, шукроналари изҳор этилади. Уларда муаллиф образининг дилбар одамлиги, инсондўстлиги, эзгуликларга хайрихоҳлиги каби қатор фазилатлари юзага чиқади. «Муншаот»да Навоийнинг асраб олган ўғлига ёзган, таъбир жойиз-са монолог шаклида битилган мактуб бор. Бу мактубни ишончини оқламаган, бутун орзуларини пучга чиқарган ўғилга отанинг бевосита мурожаатининг қоғоздаги акси дейиш мумкин. Мактуб шундай бошланадн: «Эй саргаштаи худрой ва эй бахти баргаштаи бесарупой, ул вақтдин бериким, мазаллат туфроғидин рўзғоринг чеҳрасин супурдум ва меҳнат. дашти саргардонлиғидии паришон хилқатингни инғингтурдум… Ҳаётимни сенинг тарбиятингга машъуф ва абкотимни сенинг муҳофазатингга масруф қилдим ва фарзандлиғинг рақамини хотиримға муҳаррар ва оталиғ меҳр ва шафқатин холингга муқаррар эттим. Ою йилда бир кун, балки кечалик, кундузликта бир соат аҳволингдин ғофил бўлмадим ва риоятинг қоидасин эл кўргудек, балки кўрганлар рашк юзидин ҳасад егудек кўргуздум. Зоҳирингни аҳли зоҳир фунун ва фазойили била ораста ва ботинингни аҳли ботин маорифи била пийроста бўлурға саъй қилдим…» Барча улуғ ва кичик, устоз ва шогирдлар олдида, - деб давом этади Навоий, - сени фарзанди аржуманд сифатида кўришни орзу қилдим. Аммо дўстларим на ўрнини сиҳат қилиб, эшак мунчоқни тожга таққанинг била феруза ўрни тутмайди, ялтироқ қуртни ҳаракат билан ёғду таратувчи қилиб бўлмайди, оқибатда «хижолат бармоғин» тишлаб, пушаймонлиғ қарсагини чалиб колма, дейишди. Лекин мен ҳамон тарбиятингга машғул бўлиб, илмлик бўлишингда янада ҳаракат қилишни давом эттирдим, - деб ёзади, Мактуб давомидан маълум бўладики, ўғли бўлмиш онт ичиб, тавба қилиб, тавбани яна қайта-қайта бузиб, Навоий бошига жуда кўп қайғулар солади. Уни жазолаш зарур ва мумкин бўлган ҳолда бундай қилмайди. У ёзадики, шунчалар панд-насиҳат ва маломатлардан кўзи очилмаган одам бир неча азоб жазо билан ўзига келиши мушкулдир. Бундай қилиш мен учун ҳам оғир ва қийноқли. Сен яхшилар назаридан қолдинг, шунинг ўзи катта жазодир, «филҳақиқат юз ўлумдин ортуқтур», – деб таъкидлайди Навоий. «Ҳаёт аҳли дафтаридин сен бунча турфалиғинг билаким шариф ва азиз хотирларни озурда қилмоқ била, айтса бўлурким, Каъбани йиқибсен, балки ҳаёт ва тириклик биносин вайрон қилибсен». Бу қиёсга фикр берилса - бутун мусулмонлар оламининг муқаддас зиёратгоҳи, сиғиниш жойи бўлган Каъбани йиқитиш, бузиш, вайрон қилиш билан баробар, деб баҳоланмоқдаки, бу нонкўр ўғил бугина эмас, балки ҳаёт ва тириклик биносини ҳам йиқитишдек даҳшатли йўлга тушган дея таъкидламоқдаки, бундан Навоий куйинишларининг нечоғлиқ чуқур ва жиддийлигини уқса бўлади. Мактубда Навоийнинг ғоят куйгинчаклиги, қинғирликларга, тубанликларга ўта муросасиз одам бўлгани ўз аксини топгандир. Навоийнинг «Вақфия» номли асари анчагина мураккаб, синкретик характерга эга бўлган асардир. У бир томондан муҳим ҳужжат, иккинчи томон-

дан XV аср иқтисодий, ва маданий ҳаёти, муаллифнинг ҳайти ва фаолиятининг кўп қирраларини ўрганишда аҳамиятли бўлган, адабий жиҳатдан муҳим асардир. Ана шу асардаги муаллиф образи адолат ва эзгулик йўлида фаол ҳаракатда бўлган моҳир ташкилотчи, тадбиркор ва оқил арбоб, халқпарвар ва маърифатпарвар шахс сифатида намоён бўлади. «Вақфия»да Навоий Ҳусайн Бойқародан қилган икки илтимоси, бири-ҳажга сафар қилиш, иккинчиси - давлат ишларидан бутунлай озод бўлиб ёлғиз бадиий ижод билан шуғулланиш сабабини тушинтирувчи каттагина парча мавжуд. Бу парчанинг иккиичи илтимос билан боғлиқ қисми Навоий шахсиятига оид мухим маълумотлар берадики, бу ўринда уни тўла келтириш жойиз кўринади: «... Элнинг тараддуди ва улус ихтилоти, арзол тамаллуқи ва ашроф инбисоти ва хавос икроми ва авом ғавғоси, золим иброми ва мазлум алолоси, раоё гулуси ва ясоғлиғ ёрғуси, тамаъ аҳлининг ноҳамвор мулоямати ва талаб хайлининг ноҳанжор мулозамати, жуҳҳол ситамидин шеваси азо бўлғонларнинг сўгворлиғи ва аммол қаламидин рўзгори қаро бўлғонларнинг йўлум бошида турмоғлиғи ва фарзандин гарав қўйғонларнинг этагимға илик урмоғлиғи ва ифлосойин талабанинг арзадошти ва руқъаси ва фалокатшиор шуаронинг қасида ва қитъаси, вилоятлардин келган дармондалар ҳолининг тафтиши ва аларни ризолари била узатмоқнинг ташвиши, сарҳад беклари элчиси таклифининг заҳмати ва аларни дилхоҳлари била қайтармоқнинг меҳнати, ўзга мамлакатдин оз ва орзу ҳамиёнин тикиб, тамаъ хорлиғин ўзлариға тутуб келган азизлар ибтилоси ва аларнинг мухталиф муддаоси била қилиб, номакдур матлублари била ватанлариға юбормакнинг балоси, озодларнинг инжуликка кирмак тамаьидин ташниъи ва бандаларнинг озодликқа чиқар умидидин таваққуъи, туш кўруб кечган машойих эъломин келтурганлар муболағаси, йироқ ердин ўтган авлиё саломин еткурганлар музояқаси, тўққуз ҳилол таклиф била берганларнинг тамаь тишин беркитгони, болчиғ тасбеҳ зўри била ўткарганларнинг талаб риштасин узотқони, солим жисмин хасталикка солиб, шарбат важҳи тилагонлар зарксозлиғи, тирик кишисин ўлукдек ётқузуб, кафан баҳоси олғонларнинг хийлапардозлиғи, вақфийлар бедодидин ғариб талабанинг руқъя тиламаги, амал аҳли фасодидин заиф раёнинг сипориш истамаги ва мажлисда ҳамсуҳбатлиғимға тааний кўргузганларнинг гаронжонлиғи ва сайрда ҳамзон улуғимға таҳаттук 30-ҳир этганларнинг сабук инонлиғи, Мадинадан келиб биз деб, иқомат юкин уюмда тушурганлар зиёфати, Маккага борурбиз деб таваққуъ маркабин эшигимга сурганлар риояти, бу хайлнинг муддаосидин жузвий ўксук муяссар бўлса, норози бориб, гина қилғонларнинг ҳайрати ва муддаолари тамом ҳосил бўлғонларнинг бу риоятин вазифа қилиб яна келмакларининг фикрати. Яна даги машаққатлар борким, айтилса сўз риштаси узолғай ва мужиби карх ва малолат бўлғайким, бу нотавон ҳолат вуқуъидин сунъ фаррошлари субх нинг симин супургиси била гунбази ложувардий атрофи тун дудасидин қароргонин супуруб, қазо нақкошлари ул ложувард юзин заркорлик қилиб, укиш жамшеди ул гунбазда зарнигор тахту за базм тузган чоғдин шом кашмирининг сиёҳ жардаларининг анбарин зулфин насими шабгир паришон қилиб, анинг ройиҳасидин тун зангисининг савдойи димоғи мушавваш бўлуб, девоналардек фалак оташкадасининг кулин оламға совуруб, сунъ ҳакими ани каҳкашон занжириға тортар маҳалға дегинча бу шикастанинг тийра рўзғорлиғим кашмирий соҳир кўзлукларнинасими шабгир совурғон зулфидин афзунроқ ва бечоралиғим париваш тифллар шўхлиғидин занжири жунун асири бўлуб, гулхан ўтиға йиқилғон девонадин кўпракдурур - бир мажруҳменким, бовужудким, уръён жисмимға заҳролуд нишлик чибин хужуми бўлғой, қоварға илик

дағи тебрата олмағаймен ва бир уръёнменким, бовужуди ул ким, мажруҳ танимға жунун арзолининг муҳлик тоши ёққай, қочорға қадам дағи кўтара олмағаймен… Туганмас субҳи йўқ шоми ғамим шарҳин савоб айлаб, Варақ афлок ўлуб, ул тун қаросин-ўқ медод айлаб». Бу парча Навоий насридаги муаллиф чекинишининг энг ёрқин намунаси бўлиб, унда ритмик интонацияга алоҳида эътибор қилинган. Навоийнинг кашфиётларидан бири – психологизмдан давр, муҳитнинг мураккабликлари, зиддиятларини очиб бериш мақсадида фойлаланилган. Навоий образи, унинг шахсияти, руҳий драмаси бу парчада нечоғлик ўз аксини топганлиги хусусида сўз кетадиган бўлса, Достоевскийнинг Некрасов ҳақидаги фикрини келтириш ғоят ўринли кўринади:

«Халққа муҳаббат Некрасовнинг ўзига нисбатан тутган азасининг оқибати эди. Агар шу ҳолни инобатга олсангиз, Некрасов шоир сифатида ҳам, граждан сифатида ҳам, яққол кўрина қолади. У ўз халқига жон тани ва бутун истеъдоди билан хизмат қилар экан, ўзини мусаффо ҳис этади. Халқ унинг шеърлари учунгина чинакам ички эҳтиёж эмас эди. Некрасов унга нисбатан кўйган муҳаббатида ўз ҳаётининг моҳиятини кўрди. У халққа бўлган ҳис-туйғулари билан ўз руҳини ардоқлади!.»

НАВОИЙНИНГ АРМОНИ

Исломнинг бешинчи рукни муборак Ҳаж сафари Навоий учун дардли бир армон бўлиб қолган эди. У ўзининг «Вақфия» асарида ёзган эди: «Эмдиким. Ҳаётим гулшанининг баҳори хазонға етишти ва гулшанда битилган йигитлик гуллари тўкула киришти, сабзаси табиат ҳавоси бурудатидин (совуғи - С.Ғ.) оқарди ва лоласи кухулат (ўрта ёш) совуғ нафасларидин сарғарди, сунбули сероби маргулаларидин (жингалаклари) тоб кетди ва ниҳоли сарбаланди ажал сарсаридин(совуқ шамоли) фано тупроғиға йиқилурға етти. Ул Ҳазратнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) муаббад (абадий) давлатидин ва рафеъ (юксак) ҳимматидин кўнглумға кечмаган комларға комгор (бахтли) бўлубмен ва тушумға кирмаган мақосидға (мақсадларға) иқтидор топибмен. Икки орзу ришта-сидин ўзгаким, гириҳи (чиғали) кўнглум пардасидин очилмади ва икки мурод ғунчасидин ўзгаким, тугуни жоним гулшанидин очилмади. Аммо умидим улдурким, бу икки умидим мевасидин дағи баруманд (самарали) ва муродим булурким, бу икки муродим гавҳаридин дағи сарбаланд бўлғаймен ва бу орзумандлиғ хорининг (ҳаяжон) тикани кўнглумда синмағай ва бу мурод гавҳарининг ёғинин туфроққа элтмағай…Мазкур икки орзудин бири (бошқаси-ижод билан машғуллик-С. Ғ.) муборак сафардурким, исломим шахси беш ҳисдин биринг ўксуклиғи жиҳатидин ноқис бўлмағай ва мусулмонлиғим бир бармоқ йўқлиғидин ўксук малул қолмағай

Мениким, бу савдо низор айлади,
Ҳавас илгида беқарор айлади.
Не имконки, топқай қарору сукун,
Бировким, бу фикр этгай они забун.
Урармен қадам токи борғунча ком
Ки, бўлгай муяссар менга ушбу ком.
Агар бўлса бу йўлда умрум талаф,
Чу бу йўлдадур ул ҳам эрур шараф
Ва гар бўлсам ўз комима баҳраманд,
Зиҳи мулки жовиду бахти баланд».

Мирхонд «Равзат ус-сафо»да ёзади: «Ул фазилат ва донишда шукуҳлик ва етук Амир Низомиддин Алишер миллату халқ ва мустақим шариат йўлининг ҳомийси далолати билан кўп вақтдан бери оёқ қилиб ва уни барча муроднинг боши деб билиб, Ҳижоз тарафига боришни ва Ҳаж қилиб, Пайғамбарнинг муқаддас равзасини зиёрат қилишни истар эди… Аммо… ҳар сафар зиёрат қилиш ҳақида сўз очганда, Хоқони мансур (яъни Ҳусайн Бойқаро - С.Ғ.) ул жанобнинг шарофатли суҳбатларига камоли майли бўлганидан рухсат бермас эди.» Навоий 80-йиллардан бошлаб Ҳаж сафари ҳақида жиддий ўйлайди ва бир неча марта шоҳдан изн сўраб мурожаат қилади. 1499 йил Ҳусайн Бойқаро Марвда. У саркашлик қилаётган ўғли Абулмуҳсинни қамалда тутмоқда. Бундай низолардан тўйиб кетган Навоий қалбида яна Ҳаж мақсади туғён уради. У Машҳадга жўнайди. Шоир йўлда қуйидаги байтни такрор-такрор ўқиб кетади: «Сад ҳазорон дай дар ин савдо маро имруз шуд, Нест сабрам баъд аз ин к-имрузро фардо кунам. (яъни, бу ниятда юз минг «кеча»лар «бугун»

бўлди; бундан буён «бугун»ни «эрта»га айлантириш учун асло сабрим қолмади). Абдулҳай табибни Ҳусайн Бойқародан ижозат олиб келиш учун Марвга юборади. Ўзи бир неча муддат муштоқлик билан Абдулҳай табибнинг келишини кутади. Мирхонд Машҳаддаги шоир аҳволи руҳиятини ғоят таъсирли баён қилади: «Ўша кунлари Олийшон хоқон (Ҳусайн Бойқаро)нинг ҳукми билан Кепак мирзога (Ҳусайн Бойқаронинг Муҳаммад Муҳсин исмли шу ном билан машҳур бўлган) қарши юборилган Ҳайдар Муҳаммад Ҳусайи Бойқаронинг ўғилларидан бири ва шоир амир Шайхим Суҳайлий мағлубиятга учраб Машҳадга етиб келдилар» ва Амир Алишер Ҳайдар Муҳаммад мирзо ва Амир Шайхни овунтириш учун уларга яхши отлар ва нафис парчалар тортиқ қилиб, йиғилишга нозир бўлганларнинг юзига лутфу карам эшикларини очди.

Шу аснода Абдулҳай табиб Машҳаддан қайтади ва Навоийга Султоннинг мактубини етказади. Мактубда, жумладан, шундай сўзлар битилган эди: «Мавлоно Абдулҳай билан юборилган илтимоснома комёб наввоб (ноиблар) назаридин ўтказилди ва ул жаноб (Навоий)нинг муборак Макка зиёрати учун бориш хаёлида эканлиги маълум ва равшан бўлди. Файзасарлик хотири риояси бу илтимосни ижобат қилишни тақозо қилсада, аммо ул муборак манзилга бормоқни ихтиёр этишда йўл тинчлиги ҳам шартдир. Бусиз Сизнинг раъйингизга равшан бўлсинким, ҳар иккала Ироқ ва Озарбойжон фитна ва ғавғо ичида қолганким, уни тасаввур қилиб ҳам бўлмаслиги аниқ бўлиб турибди. Агар бу тарафнинг розилиги мулоҳазаси билан ушбу ҳаёлни яна бир навбатга кўйиб, бу тарафга ташриф буюрсаларким, ул жанобнинг воситачилиги билан сулҳ эшиклари очилғай эди». Мактубни олгач Навоий Ҳусайн Бойқаро билан Абулмуҳсинни «яраштириб қўйишни дину давлатнинг салоҳи (исталган даражада яхши бўлиши) деб ҳисоблади ва Марвга жўнаб кетади. Уч-тўрт ойга чўзилиб кетган қамалдаги «Абулмуҳсин отасига чопар юбориб, Амир Алишерни талаб қилган эдиким, то ул жанобнинг воситачилиги билан сулҳ иши воқеъ бўлсин». Алишер Навоий воситачилиги мувафаққиятли кечади. Ота ва ўғил орасида сулҳ тузилади. Энди Навоий шоҳ наздида ўз мақсадига кўчади ва унинг бир вақтлар: «Агар мен подшолик ишлари билан шуғулланишдан қўл тортадиган бўлсам, Шайх Нажмуддин Кубро мозорида тураман ёки Хожа Абдуллоҳ Ансорий остонасининг жорубкаши (супурувчиси) бўламан» деганини эслатади. «Бу иш Сизга муяссар бўлмайди, менга эса хоҳиш ва рағбат билан Ҳижоз сафарига ижозат бермаяпсиз. Шундай бўлгач, энди менга Ансория остонасининг жорубкашлигини иноят қилсангиз», деган илтимосни қилади. Бунга жавобан подшоҳ: «модомики, Сиз менинг мамлакатимда бор экансиз, нимаики тиласангиз ва илтимос қилсангиз, муқаррарким, қабул шарафига мушарраф бўлғусидир», дейди ва бу ҳақда махсус фармон беради. Фармонда Навоийнинг давлат ва халқ фаровонлиги йўлидаги хизматлари эътироф этилади ва Ҳақ ҳамда дин бобида мустаҳкам бу зотнинг хотирларида неким бажарилгусидир, деб битилади, Навоий Ҳиротга 1499 йил март ойларида қайтади. Гозургоҳда катта маросим тузади, ош тортади ва «бор Хожа Абдуллоҳ Ансорий мазорини обод қилишга сарфлаб, ўша руҳни орттирувчи мақомнинг ходимлари, саҳобалари ва арбобларига инъому эҳсонлар бериб, ул равзанинг дарвешлари ҳамда мужовирларининг рутбасини зиёда қилдилар», - деб ёзади Мирхонд. Навоий кўп вақт Гозургоҳда бўларди. У Ансория остонасининг кун чиқар тарафида хонақоҳ бино қилади имкони борича ул улуғ зот мозорининг ободончилигига уринарди. Аммо шуларга қарамай Ҳарамга бориш орзуси, Ҳазрати Пайғамбар қабрини зиёрат қилиш орзуси унинг дилидан кетмас эди. Навоий 905/1499-1500 йиллар давомида

бир неча марта ўзи бевосита ва билвосита дўстлари, яқинлари орқали Султондан Ҳажга ижозат сўрайди. Манбаъларда таъкидланишича, Ҳусайн Бойқаро ҳар гал розилик берар ва кейин ўзи Навоий хузурига бориб, уни сафарни қолдиришликка кўндириб келар эди. Ниҳоят, 905 й. зулқаъда ойининг бешинчи куни (1500, 3 июнь) подшоҳ рози бўлади ва махсус фармон қилади. Айни вақтда Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Ҳажга бориши муносабати билан яна бир йўл жиҳатларига оид фармон ҳам беради. Унда Навоийнинг Самарқанддан Ҳиротга келганидан сўнг давлат ишларига жалб қилинганлиги олий мансабларга, нуфузли унвонларга сазовор, давлатнинг барча жабҳаларига оид хизматларга уҳдадор этилгани миннатдорлик билан эътироф қилинади. Навоийнийнг эса фидоийлик билан уларни адо этиб келаётгани, кўп работу мадрасалар, масжиду хонақоҳлар бино қилгани, илм-маърифатни ёйгани, унинг хайру садақаларидан, эҳсону иньомларидал хослар ҳам, авом ҳам баҳраманд бўлиб келаётгани таъкидланади. Ҳозирга келиб атроф мамлакатларда бир мунча осойишталик қарор топгани сабабли шариф зотнинг Байтуллоҳни тавоф этишлари имкони яралгани, «унинг билан бир лаҳзалик суҳбат шарафини абадий ҳукмдорликка баробар ҳисобланишига қарамай ижозат берилди», дейилади фармонда. Агар илтимослари бу навбат қабул қилинмаса, шариф замирларигага ҳазинлик ва малолат етишгуси дея важҳ ила ижозат беришликдан бошқага кувват топилмади. Порлоқ хотирларига ризо тақдим этароқ ижозат бердик. Муқаррар вақтда ва ерда рухсат бўлди. Ва бунга (зиёратга - С. F. сарафроз бўлиб, тезда қайтишларини тилаймиз. Беҳад фаровон даргоҳнинг истаги шуким, сиҳат-саломатликни сақлаб ўз мақсадларига ноил бўлғайлар. Тезда жаннатдек муаттар ва шарафли мажлислари бизларга насиб этгай!» Шулардан сўнг муборак сафарни офият билан кечириш учун зарур бўлган барча тадоруклар кўрилсин, ҳамроҳларга ҳам ҳамма нарсалар муҳайё қилинсин, токи Ҳазрат бу хусусда асло ташвиш чекмагайлар ва озор топмагайлар, деб укдирилади. Барча юмуш, ёрдам ва хизматларга Хожа Саййид Низомуддин Аҳмад (Саййид Бурҳониддин Ховандншоҳнинг ўғли, Мирхонднинг иниси - (С. F.). Фармон ҳам шу зот орқали Навоийга етказилади.

906 й. муҳаррам ойининг ихирги чоршанба (1500 й. 20 август) Алишер Навоий яна муборак сафарга отланади, йўлга тушади ҳам. Соғлиғи ёмонлашган, мажолсиз, лекин ўз ниятида мустаҳкам Навоий бахтли соатда зиёратга чиқишни дилига тугиб сафар ойининг 8-куни (5 сентябр) пайшанба Ҳиротга, ўз манзилига қайтади. Бунинг яна бир муайян сабаби ҳам бор бўлиши эҳтимол. Ҳусайн Бойқаро бу гал ўғли Музаффар Ҳусайн исёнини бостириш учун Астрободга юзланган эди. Бехабар з-онки нақшбанди қазо, Дар паси парда нақшҳо дорад -(яъни шундан бехабар эдики, тақдир наққоши - Оллоҳнинг парда орқасида ҳам нақшлари бордир) деганларидек, 1500 й. 6 сентябр куни жума намозидан кейин машойих ва уламолардан, саййиду нақиблардан - Жалолуддин Абусаид Пуроний, Аҳмад Тафтазоний, Шайх Суфий Али, Муъинуддин Фарохий, Камолуддин Ҳусайн Кошифий, Ҳамидуддин Тобадгоний, Имодуддин Абдулазиз Абҳарий, Қавомуддин Ҳусайн Мозандароний, Жамолуддин Атолуллоҳ Асилий, Низомуддин Абдулқодир, Шамсуддин Муҳаммад ва Ҳирот ҳамда атрофнинг аъён, ашрофлари, акобирлари Навоий ҳузурига келиб, шундай арз қиладилар: «Сизнинг файз баракали зотингиз Хуросон ўлкаси тинчлигининг, ундаги тоифалар осойишининг сабабидир. Ҳозирги вақтда бу диёр Султон Соҳибқирон вужудидин холийдир, Агар (мамлакат) сизнинг ҳам муборак, файзли нурингиздан четда қолса, фитналар юз бериб, унииг тадоруки имконсиз бўлиб қолади. Айниқса, ўзбек подшоҳи Шайбонийхон - С.F.) Мовараунаҳрни истило қилган, Амудан ўтиш хоҳиши бордир.

Эндиликда Ироқ ва Шом аҳволи ғоятда паришон ва йўллар ниҳоятда нотинч бўлганидан шариат юзасидан шундай пайтларда Ҳаж вожиб эмастур. Бу фақирларнинг илтимоси шуки, яна бир бор хуросонликлар жониға яхшилик қилиб, бу йил Ҳаж сафари ниятидан қайтсалар ва бу хайрли иш савобини етмиш бор пиёда Ҳаж қилишдан ортиқ кўрсалар». Навоий уларга жавобан, ҳадиси «Мўъминлар қалбига хурсандчилик киритиш, бутун инсонлар ибодатидан хайрлироқдир» дейилганига кўра илтимосларини қабул қилади, бу гал ҳам муборак сафардан ўзини қайтаради. Навоий шоҳ, ва шаҳзодалар орасида низолар давом этиб турганда ўзининг мамлакатдан чиқиб кетиши вазиятни оғирлаштиришини ҳам, Ҳусайн Бойқаронинг ҳам Навоий ҳаётини сақлаш, унинг саломатлигини сидқидилдан кўзлаши билан бирга унинг мададига эҳтиёжманд эканлигини ҳам жуда яхши идрок этар эди. Шундай қилиб, бу гал ҳам Ҳаж сафари амалга ошмай, дардли армонлигича қолди. Лекин «Макорим ул- ахлоқ »нинг саккизинчи фаслида Хондамирнинг ёзишича, «…ул Ҳазратга Маккаи мукаррамага ва Мадинаи таййибага етишиш саодати эса-да, аммо қайта-қайта эътимодли ва ишончли кишиларни кўп яхшиликлар қилиб, ўз тарафидан Ҳаж қилмоқ учун юборди, бу ўша шарафли мақом улуғлари номига мактублар йўллади». Кўринадики, Навоий Ҳаж бадалга муяссар бўлган. Лекин у муқаддас ерларга ўзи бориб, Ҳаж маносикларига тўла риоя этган ҳолда унинг арконлари, вожиб ва суннатларини астойдил бажо келтиришни жуда ва жуда истаган. Шоирнинг:

Қай бувад, ёрабки, рўдар Ясрибу Бат ҳо кунам,
Гаҳ ба Макка манзилу гаҳ дар Мадина жо кунам?!
Бар канори Замзам аз дил баркашам як замзама,
В-аз дучашми хунфишон он чашмаро дарё кунам?

(яъни, Ёраб! Қачон мен Ясриб (Мадина шаҳрининг қадимий номи) ва Батҳо (Макка атрофидаги бир даранинг номи, мажозан Маккани ҳам англатади) томон юз қўяр эканман, гоҳ Маккада манзил ва Мадинадан жой олар эканман. Замзам чашмаси бўйида дилимдан бир замзама қилиб, икки қоя сочувчи кўзларимдан ёш ўкиб, ул чашмани дарё қилар эканман). Байтлардаги унинг дили тубига чўккан буюк армонини табаррук Ҳаж айёмларида ёдга олиш (жоиз кўринади. Зероки, муборак Ҳаж саодати насиб бўлган зотлар у саодат насиб бўлмаган ўтганларимиз учун ҳам шукроналар қилиб қаерга отландилар, ниҳоят қаерга қадам қўйдилар буни дарий ҳис этиб, «Аллоҳ таолонинг абадий ва азалий нидосига Лаббайка» дея, ибодатларни бенуқсон адо этиб омонлик билан ватанларига, оилаларига қайтишларида улуғ Навоийнинг руҳи поки ҳам мададкор бўлсин дегимиз келади ва бундан шоиримиз ва бошқа бундан бенасиб ўтган аждодларимиз армонини ўйлаганда таскин-тасалли топгандек бўламиз.

НАВОИЙ ЁДГА ОЛГАН АСАРЛАР

Алишер Навоийдан бизга буюк бир адабий-илмий мерос қолган. Шоирнинг ғиноий (лирик) мероси қадимий ўзбек тили – турркийдаги тўрт девонни ўз таркибига олган “Хазойин ул-маоний”(1492–1498)да Шарқ шеъриятидаги 16 жанр ва турлари мавжуд, 22,450,5 байт (44901 мисра)дан иборат. Форсийдаги девони “Девони Фоний”да эса 6197 байт (12394 мисра) шеър бор.

Булардан илгари Навоий мухлислари шоирнинг 24-25 ёшларида ёзилган шеърларидан саралаб, девон тузганлар (Девонни Султон Али Машҳадий кўчирган). Бизда “Илк девон”деб аталади. 1465–81 йиллар мобайнида ёзилган шеърларидан “Бадоеъ ул-бидоя” ва 1486 йили “Наводир ун-ниҳоя” номли девонлари (расмий девонлар дейилади)га шоирнинг ўзи тартиб берган. Бу уч девондаги шеърлар шоирнинг маълум таҳрирлари билан “Хазойин ул-маоний” (“Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар”) таркибига киритилди.

Навоийнинг достонлари “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” унинг машхур “Хамса”сини ташкил этади. (1483–1485 йил,28612 байт). “Лисон ут-тайр” номли достони (1499 йил, 3598 байт) ҳам бор. “Назм ул-жавоҳир” “Сирож ул-муслимин”, “Арбаъин” асарлари ҳам назмда ёзилган.

Навоий, шунингдек, насрий асарлар ҳам битди: “Маҳбуб ул-кулуб”, “Мажолис ун-нафоис”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Аршадер”, “ Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Муншаот”, “Вақфия”, “Муножот”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Мезон ул-авзон”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Дебоча”лар шулар жумласидандир.

Насрда битилган “Насойим ул-муҳаббат” эса Жомий “Нафоҳат ул-унс”ининг туркий шайхлар ҳисобига тўлдирилган таржимасидир. Шоирга “Рисолайи тийр андохтан” номли кичик бир насрий асар нисбат берилади.

Шоирнинг мазкур асарларини мутолаа қилар экансиз, уларда ёдга олинган бир қанча асарларга дуч келасиз. “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Мажолис ун-нафоис”ни истисно қилганда, бу асарларнинг муаллифлари ким ва улар қачон ёзилган, мазмуни қандай эканлиги айтилмайди. Ҳозирги кунларда Навоийни тушуниш, ижодий меросини тарғиб ва ташвиқ этишни илмий асосларда ташкил қилиш масаласи давлат-сиёсати даражасида қўйилмоқда экан, Навоийхонларга муайян қулайлик яратиш мақсадида мазкур бўшлиқни имкон қадар тўлдиришга ҳаракат қилиб, Навоий 20 жилдлик мукаммал нашридаги матнлар асосида ёдга олинган асарлар жамланди ва фойдаланиш осон бўлсин учун алифбо тартибида бериш жойиз кўринди. Уларнинг аксарияти тасаввуфга бағишланган. Навоий асарларини такрор-такрор келтирмаслик учун ҳар бир асар ҳақидаги маълумотлардан сўнг, улар ёдга олинган шоир асарлари қисқартирилган ҳолда берилди. Масалан, “Мажолис ун-нафоис” МН, “Маҳбуб ул-қулуб” МҚ ва б.

• “Адаб ул-мурид” – Шайх Зиёвуддин Суҳравардий (ваф. 1117–1168)нинг муридлар одоби ҳақидаги асари (НМ).

• “Ажойиб уд-дунё” – Навоийнинг замондоши исфахонлик шоир Шайх Озарийнинг асари. Шоир вафотига “Хусрав” сўзини таърих туширган. (1463–1464 йил чиқади), яна “Девон”и, “Жавоҳир ул-асрор”, “Муншаот” асарлари бор (МН).

• “Айнул-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмаси”) Навоийнинг “Ситтаи зарурия” деб номланган қасидалари туркумидаги 2-қасида. Нажмуддин Кубро бажарган Қуръон тафсирининг бир қисми шу номда бўлган. Навоий ўз қасидасида уни ёдга олади (МЛ).

• “Айния” рисоласи – Шайх Аҳмад Ғаззолийнинг Айн ул- Қуззот Ҳамадонийга (қатли 1130-31 й.) ёзмишлари мажмуасидир. Унда кўпроқ панд-насиҳатлар, Қуръон оятлари ва ҳадислар маъноси, арабча шеърлар мазмуни: шайхларнинг сўзлари, турли саволларга жавоблар баён этилади. Бу рисоладаги баъзи ёзишмалар, Айн ул-Қуззотнинг форсийдаги асарлари Эронда нашр қилинган (НМ).

• “Айн ул-жамъ” – “Нафоҳот ул-унс”да “Айни жамъ”тарзида ёзилган ва Мансур Халложга нисбат берилади (НМ).

• “Анис ул-ошиқин” – Амир Қосим Анвор (ваф. 1431)нинг буюк орифларга бағишлаган асари. Навоийнинг жуда ёш пайтида биринчи ёдлаган шеъри Қосим Анворнинг шеъри бўлган (МН).

• “Арбаъин” – Абдураҳмон Жомий асари, 886/1481-1482 йилида ёзилган. Жомий 40 та ҳадис мазмунини 10 та қитъада берган. Муқаддима ва хотима ҳам ёзган. Навоийнинг яқин дўстларидан Шайхим Суҳайлийнинг шу номда рисоласи бор. Навоий Жомий “Арбаъин”ини туркийга таржима қилган. XV асрга қадар ҳам “Арбаъин” анъаналарида 40 та ҳадис шарҳи араб ва форс тилларида яратилган. Масалан, Шайх Муҳаммад бин Ҳусайн Омилийнинг “Китоби арбаъин” асари. 40 та ҳадиснинг ўзи жамланган рисолалар ҳам кўплаб учрайди. Ҳозирги вақтда ҳам баъзи шоирлар 40 та ҳадисни шеърга солмоқдалар. Масалан, Абдулла Орипов, Шукур Қурбон (ХМ, НМ).

• “Аройис тафсири” – тўла номи “Аройис ул-баён-фи ҳақойиқ ил-Қурбон” – Рўзбехон Бақлий (ваф.1209-1210) асари.

• “Асл ул-васл” – мусиқа назариясига оид асар, муалиффи Бу Алишоҳ. Навоий Устод Қулмухаммад деган ёш ғижжакчини мусиқа назариясидан ҳам хабардор бўлиши учун Бу Алишоҳга шогирдликка берган (ХМ).

• “Асмоуллоҳ” – (“Асмои ҳусно” ҳам дейилади), Аллоҳнинг 99 муборак исми ва уларнинг зикр этилиши ҳақида. Шайх Муҳаммад Табодгоний асари. Унга жуда кўп шарҳлар битилган. Муҳаммад Табодгонийнинг Навоийга алоҳида илтифоти бўлган. У 891/ 1482-4183 йили 87 ёшида дунёдан ўтган. Бу асарга Шарафуддин Али Яздий (ваф.1454)нинг ва Али б.Шиҳоб б.Муҳаммад ал-Ҳамадоний (ваф.1384-85)нинг ҳам шарҳи бор (МН, НМ).

• “Асос ул-иқтибос” – Алишер Навоий замондоши Ихтиёриддин ибн Ғиёсиддин ал-Ҳусайнийнинг асари. Бу асар масаллар ва ҳикматли сўзлар жамланмаси бўлиб, Навоийнинг илтимоси билан ёзилган.

• “Асрор ун-нуқта” (“Нуқта сирлари”) – араб тилида ёзилган Али б.Шиҳоб б. Муҳаммад ал-Ҳамадоний (ваф. 1384-1385) рисоласи. Унда ваҳдати ҳақиқий, муҳлик, маълумлик асоси ҳақидаги тушунчалар хатдаги нуқталар ҳаракатига боғланса, аниқ тасаввур яратилиши баён этилади. Рисола форсийга таржима қилиниб, Шерозда (1961 й.) нашр этилган (НМ).

• “Аълом ут-туқо” (“Аҳли тақво илмлари”) – “Аълом ул-ҳудо ва ақидат арбоб ит-туқо” тасаввуфнинг машқур алломаларидан Шайх Шиҳобуддин Суҳравардий (ваф. 1234) таснифларидан. Муҳаммад (с.а.в.) авлиё умматларининг карамотлари ва одатлари, муъжизалари баён этилган асар.

• “Ашиъат ул-ламаот” (Порлоқ шуълалар) – Абдураҳмон Жомийнинг Фахруддин Ироқий қаламига мансуб “Ламаот” номли тасаввуфнинг фалсафий асослари ҳақидаги асарига шарҳи. Жомий бу шарҳни Алишер Навоий “Ламаот”ни ўрганишга киришганида ёзган (НМ).

• “Аҳсан ул-қисас” (Гўзал қиссалар) – Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достони шу номда ҳам учрайди. “Ошиқ ва маъшуқ” деб ҳам юритилган. 1483 йили ёзилган. Қуръони

мажиднинг 12-оятида “(Эй Муҳаммад), биз сизга ушбу Қуръон (сураси)ни ваҳий қилиш билан қиссаларининг энг гўзалини сўзлаб берамиз” дейилган. Бу қисса Юсуф а.с қиссаси бўлиб, у илоҳий ишқнинг қудрати, Илоҳ саъатининг гўзаллиги ҳақидадир, дейди Жомий (ХМ).

• “Бадоеъ ул-атоеъ” – Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ асари, асл номи “Бадоеъ ус-саноеъ”дир. Унда аруз, бадиий саъатлар баён этилади. 1981 йили А.Рустамов ўзбек тилига таржима қилган (МН).

• “Бадоеъ ул-васат” – Навоий лирик мероси “Хазойин ул-маоний” таркибидаги 3-девон. Унда 650 ғазал, 1 мустазод, 2 мухаммас, 2 мусаддас, 1 таржеъбанд, 1 қасида, 60 қитъа, 10 чистон, 3 туюқ бор. Жамъи 740 шеър – 5420 байт бор 1492-1498 йиллар тузилган (МЛ, ХазМ).

• “Баҳжат ул-асрор” (Шодлик сирлари) – Абдулҳусайн Жаҳзам Ҳамадоний деган Ҳарам шайхниннинг (ваф.1023-24) асари. Унда шайхларнинг ҳикоятлари, аҳвол ва мақомлари баён қилинади (НМ).

• “Баҳористон” – Жомийнинг 8 қисм (равза)дан иборат насрий асари; 1-қисмда машҳур шайҳлар ҳақида ҳикоялар берилган; 2-қисм мутафаккирларнинг ҳикматли сўзлари; 3-қисм ҳукмронлар ҳақида; 4-қисм саховат ва олийжаноблик; 5-қисм ишқ ва иштиёқ; 6-қисм ҳазил-мутойиба; 7-қисм шоирлар ҳақида (замима тазкира). 8-қисм ҳайвонлар ҳақида. Саъдийнинг “Гулистон”и йўлида ёзилган, Ҳусайн Байқарога бағишлаган. Асарнинг ҳар бир боби аввалида “фоида” деб номланган мухтасар дебоча бор. Унда мақсадга ишора қилинади (МН, ХМ).

• “Баҳром ва Гулондам” – асли нишопурлик, Исфаҳон, Шервон ва Астрободда яшаган Котибий (ваф.1436)нинг достони. Низомий Ганжавий “Панж Ганж”ига жавоб достонларидан биридир (МН).

• “Баҳр ул-ҳақоиқ” – Нажмуддин Розий (ваф.1256) асли хоразмлик, Нажмуддин Кубро ва Маждуддин Бағдодийнинг муриди)нинг Қуръони карим тафсирига оид асари (НМ).

• “Булбул била Гул” – Навоийнинг катта замондошларидан, Хуросоннинг машҳур шоирларидан Руҳий Ёзирийнинг мунозара асари. Яна “Шамъ ва Парвона” номли мунозараси ҳам бор (МН).

• “Бўстон” – Саъдий Шерозийнинг (ваф. 1291 -92) 1257 йили назмда ёзилган асари. “Саъдийнома” деб ҳам юритилади. 10 боб ва дебочадан иборат, қарийб 1000 байтни ташкил қилади. Асарда ҳикоят ва тамсилларда панду ҳикматлар келтирилади, одобу ахлоқ масалалари воқеа-ҳодисаларда баён этилади. Шунинг учун ҳам бу асар мадрасаларда ўқитилган. Асар Эрон, Оврупа, Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда 250 марта нашр қилинган. Ўзбек тилига Чустий ва Ш.Шомуҳаммедов таржима қилган (НМ).

• “Валаднома” ё “Ибтидонома” – Жалолуддин Румийнинг ўғли Султон Валаднинг Саноий “Ҳадиқа”си вазнида 1290 йили ёзган маснавийси. Унда муаллиф ўзининг жисмоний ҳаёти, отасининг руҳоний ҳаёти, Шамс Табризий, Салоҳуддин Заркуб, Ҳисомуддин Чалабий каби орифларнинг мақомотини баён қилади. Асар 10 минг байтдан иборат (НМ).

• “Васоё” таржимаси – Муҳаммад Табодгоний (ваф. 1486) қаламига мансуб бўлиб, Ҳорис б. Асъад Муҳосибий (ваф. 857, 858)нинг сўфийлик хақида биринчи сўзлар айтган “Китоб ул-мунқиз вал-васоё”нинг форсийга таржимасидир (НМ).

• “Воситат ул-иқд” – Жомийнинг уч девонидан 1489 йили тузилган 2-девони (ХМ).

• “Вақфия” – Алишер Навоий 1481 йилда ёзган. Моҳиятан ҳужжат ўрнида, лекин шоир ҳаёти, руҳий олами, орзу-армонларини ҳам акс эттирувчи асардир. XV аср иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба (И).

• “Гузида” - “Тарихи гузида” (Сараланган тарих) – Ҳамидуллоҳ Муставфий (ваф. 1339-40) Ғазнавийнинг асари. Исломдан аввалги даврдан то 1330 йилларга қадар бўлган воқеалар баён этилган. (ТМА).

• “Гулистон” – Саъдий Шерозий (ваф. 1291-92)нинг 1258 йили ёзган, дебоча ва 8 бобдан иборат насрий асари. Асарда тарбиявий ва ахлоқий масалалар мухтасар ҳикояларда баён этилади. Унинг тили ва услуби гўзал ва равон бўлганлиги учун мадрасаларда ўқитилган (НМ).

• “Гулшани роз” (Сир гулшани) – Шайх Маҳмуд Шабустарий, лақаби Садуддин (ваф.1320-21)нинг тасаввуфга оид асари. Замонанинг машҳур фозил кишиси ва адиби Амир Саййид Ҳусайн Ҳусайний Ҳиравий саволларига жавоб тарзида 1317–1318 йили ёзилган. 1000 байтдан иборат. Асарга кўплаб шарҳлар битилган. Энг машҳури Шайх Муҳаммад Лоҳижий (Муҳаммад б. Яҳё Лоҳижий Нурбахший Гилоний) қаламига мансубдир. Лоҳижий ўз шарҳини “Мафотих ул-эъжоз” (Муъжизалар калитлари) деб атаган. “Гулшани роз” ўзбек тилига уч марта таржима қилинган (МН, НМ).

• “Гуҳарнома” – Хожу Кирмоний (ваф.1303-04) “Хамса”сининг 5-достони. Ахлоқ ва тасаввуф масалалари қаламга олинган. Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида “Гуҳарнома”га таянганини қайд этади (МЛ).

• “Гуй ва чавгон” – Ҳиротнинг фозил, ориф ва шоирларидан Орифий қаламига мансуб мунозара (МН).

• “Дарёи аброр” – Бойсунғур мирзо (ваф. 1433) даврида яшаган шоир Зоҳидийнинг Хусрав Деҳлавийнинг ирфоний ва тарбиявий-ахлоқий масалалардан баҳс этувчи қасидаси бор. Бу қасидага Жомий “Лужжат ул-асрор”, Навоий “Туҳфат ул-афкор” деб номланган қасидаларини жавобия тарзида ёзганлар. Навоий даврида Абдулваҳҳоб Исфароиний ҳам “Дарёи аброр”га татаббуъ қилган (МН, МЛ,ХМ).

• “Даҳнома” – Бойсунғур Мирзо замонида шуҳрат қозонган Юсуф Амирийнинг асари, муқаддима, 10 нома ва хотимадан иборат. 907 байт (МН).

• “Девони Исмат Бухорий” – Исмат Бухорий (ваф. 1437) Самарқандда Халил Султон хизматида бўлган. Девони 8000 байтдан иборат, ошиқона ва орифона ғазаллари, Халил Султон ва Улуғбек мирзога қасидалари бор (МН).

• “Девон ун-насаб” - Абу Сулаймон Фахруддин Али б. Абулфазл Довуд б. Муҳаммад Банокатий (ваф. 1329 ёки 1339), мўғул хони Ғазанхон саройида “Малик уш-шуаро” унвонига мушарраф бўлган шоир ва тарихчининг асари (ТМА).

• “Дурр ун-назм фи фазоил ил-Қуръон ил-азим” (“Қуръони азим фазилатлари ҳақида шеър дурралари”) – Имом Абдуллоқ ал-Ёфиъий Яманийнинг Қуръони карим фазилатлари ҳақидаги шеърий асари. Манбаларда бу асар Хишоб ал-Яманийнинг (ваф. 1171-72) “Дурр ун-назм фи хосс ил-Қуръон ил-азим” китобидан талхис – саралама, ҳажман эса унинг ярми олинган, деб қайд этилади (НМ).

• “Ёқут ут-таъвил” (Шарҳлаш ёқути) – Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий (ваф. 1111)нинг асари (НМ).

• “Жавоҳир ул-асрор” – Шайх Озарий (ваф. 1461)нинг асари, яна “Ажойиб уд-дунё”, “Муншаот” асарлари ва “Девон”и ҳам бор (МН).

• “Жавоҳир ут-тафсир” (“Бақара” сурасининг тафсири) – Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф. 1505) асари. Унинг қаламига 37 асар мансуб. Навоийнинг яқин дўстларидан, суҳбатдошларидаг бўлган (МН).

• “Жавоҳир ул-Қуръон” – Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг Қуръони карим тафсири (НМ).

• “Жило ур-руҳ” – Абдираҳмон Жомийнинг Ҳоқоний ва Хусрав Деҳлавий қасидаларига

жавобия асари. Унда муаллиф шарҳи ҳолига оид маълумотлар бор.

• "Жовидони хирад" (Ақлнинг абадийлиги) – пандлар, одоб ва ахлоққа оид Исломдан аввалги Эрон ҳакимлари тузган асар. Уни пешдодийлар (биринчи силсила) подшоҳи Ҳушангга нисбат берадилар. Навоий ҳам шундай фикрни билдиради. Маъмун даврида унинг вазири Ҳасан б. саҳл араб тилига таржима қилган, кейинчалик Абу Али Аҳмад Мискавайҳ форсийга таржима қилган. Лекин бу таржима етиб келмаган. 1654-55 йили Муҳаммад Ҳусайн б. Шамсуддин араб тилидан форсийга таржима қилган ва у 1878-79 йили Теҳронда нашр этилган (НМ,СИ).

• "Жоми Жам" – Шайх Авҳадуддин Мароғий (ваф. 1337-38) маснавийси, 5000 байтдан иборат, 1332-33 йили ёзилган. Асар ирфоний, ахлоқий, авлод тарбияси ва ижтимоий масалаларга бағишланади, охирги қисмида муршид сифатлари, солиқлар мақомлари ҳамда нафс, ишқ, самоъ каби тасаввуфий, ирфоний истилоҳлар ҳақида фикр билдирилади. Асар Саноийнинг "Ҳадиқа"си услуб ва вазнида ёзилган (НМ).

• "Жомеъ ут-таворих" – Абу Сулаймон Фахруддин Али б. Абулфайз Довуд б. Муҳаммад Банокатий асари.

Шу номли Рашидуддун Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг асарида Одам Атодан муалиф замонигача бўлган тарихий воқеалар баён этилади. 1310-1311 йили ёзилган. 3-жилди жуғрофияга оид (ТМА).

• "Жомеъ ул-усул" – Маждуддин Абуссаодат Муборак б. Муҳаммаднинг (ваф.1209) саҳиҳ ҳадислар ҳақидаги рисоласи.

• "Жомаспнома" - паҳлавий тилида ёзилган, қарийб 5000 сўздан иборат қадимий Эрон подшоҳлари таърифидаги китоб. Навоий "Сабъаи сайёр"да 3-мусофир ҳикоятидаги қаҳрамон Саъднинг кўрган туши таъбирини шу китобдан топади (СС).

• "Зайд ва Зайнаб" – Навоийнинг замондоши Ҳасан Хизршоҳ достони, "Лайли ва Мажнун" жавобида ёзилган. Навоий Машҳадда Ҳасан Хизршоҳ билан учрашган.

• "Зафарнома" – Шарафуддин Али Яздий (ваф. 1454) асари. Муаллиф Шоҳрух Мирзо ўғли Иброҳим Султон ва набираси Султон Муҳаммад саройида хизмат қилган. Жомий ва Навоий унинг суҳбатига етишганлар. Асар икки қисмга бўлинади: Темур ва туркий султонлар тарихи. "Зафарнома" матнини сўзбоши, изоҳлар билан 1972 йили А.Ўринбоев нашр қилган.

• "Зафарнома" ҳақида Навоий "Мажолис"да Лутфий таржима қилган "10000 байтдан ортуқроқ" деб ёзади. Лекин асар муаллифини кўрсатмайди (МН).

Шу номда Абдуллоҳ Хотифий (ваф.1521)нинг асари ҳам бор, "Темурнома" деб ҳам юритилади. Хотифий "Хамса"сининг 4 достони, 6,5 минг байт. Аввалги учта достони – "Лайли ва Мажнун", "Ширин ва Хусрав", "Ҳафт манзар" (Етти кўриниш)дир. "Темурнома"дан иборат, биринчи достони ёзилмай қолган (МН).

• "Зижи Кўрагоний" - "Зижи жадиди Кўрогоний" (Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали), "Улуғбек зижи" деб ҳам юритилади. Улуғбек расадхонасида Улуғбек мирзо раҳбарлигида яратилган илмий асар, икки қисмдан иборат:

1. Муқаддима (ўз навбатида 4 қисмга ажратилган)да йил ҳисоблаш усуллари, амалий астрономия масалалари, сайёралар ҳолати, зойича (гороскоп) ҳақида маълумотлар берилган.

2. 1018 та юлдузнинг вазиятлари баён этилади (ФШ).

Асар 1648 йили Англияда биринчи марта нашр этилган (ФШ).

• "Зод ул-мусофирин" – Амир Ҳусайний (ваф.1310-1)нинг шеърий асари. Низомий Ганжавийнинг "Лайли ва Мажнун"и вазнида ёзилган. Етти мақолат (боб)дан иборат (НМ).

• "Зубдат ут-таворих" – Муҳаммад Муҳсин б. Абдикарим Сафавийлар давридаги ўзи кўрган воқеаларни қаламга олган.

Шу номда Ҳофиз Абрўнинг тўрт жилдли асари бор. Қадим даврдан Темур ва Шоҳрух даврига қадар тарих ёритилади. 1426-27 йили ёзилган.

Шу номда Жамолуддин Абул Қосим Абдуллоҳ б. Али б. Муҳаммад Кошоний асари бор. 1432-33 йили ёзилган.

Шу номда Саййид Садруддиннинг салжуқийлар тарихига оид асари бор.

Навоий ҳам "Тарихи мулуки Ажам" ва "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарларини биргаликда шу ном билан атаган (НМ).

• "Зубдат ул-ҳақоиқ" (Ҳақиқатлар қаймоғи) – Айн ул-Қуззот лақаби билан машҳур Абул Маолий Абдуллоҳ б. Мухаммад б. Али ал-Миёнчи Ҳамадоний (туғ. 1098) асари. Айн ул-қуззотни 1130-31 йили Бағдод зиндонидан Ҳамадонга келтириб, дорга осганлар. Кейин пўстини шилиб бўйрага ўраб, нафт қуйиб ёқишган ва қулини кўкка совурганлар (НМ).

* "Зулбаҳрайн" (Икки баҳрли) – Котибийнинг маснавийси (МН).

* "Зулқофиятайн" (Икки кофияли) – Котибийнинг маснавийси (МН).

* "Ибрат ул-яқзон" – Имом Абдуллоҳ Ёфиъий Яманийнинг тарихга оид асари (НМ).

* "Ийдия" – Амир Аҳмад Шайхим Суҳайлий қасидаси. У (Навоийнинг қалин дўсти бўлган, уни "ёри азиз" деб эъзозлаган) икки тилда – форсий ва туркийда шеърлар ёзган. Навоий "Мажолис"да шоирнинг "Ийдия" қасидаси матлаъини келтиради (МН).

* "Илоҳийнома" – Ҳаким Саноий (ваф. 1141)нинг "Ҳадиқат ул-ҳақойиқ" асари шу номда ҳам юритилган. Жалолуддин Румий "Маснавийи Маънавий"нинг учинчи дафтарида "Ҳадиқа"га "Илоҳийнома" деб ишора қилади (НМ).

Шу номда Хожа Абдуллоҳ Асорийнинг асари бор. Навоий асарни "Муножат рисоласи" деб таърифлайди ва уни Жомий ҳам, Навоий ҳам қўлга олишда ўқиб чиққанлар.

Шу номда Фаридудин Атторнинг ҳам асари бор (ХМ).

-"Инжил" – юнонча "Эвангелион", яъни хушхабар, эзгу хабар демакдир.

1.Исломда – Исо (а.с.)га нозил бўлган китоб.

2.Христианларда – 3-4 м. асрда йиғилган ва насронийлар томонидан "Муқаддас хушхабар" ва "Янги аҳд" деб номланган 27 китобдан иборат мажмуа. Шулардан 4-таси Исо (а.с.) ҳаётининг охирги уч йили ҳақида қисқача маълумот беради (НМ).

• "Искандарнома" – Низомий Ганжавий (ваф. 1217-18)нинг "Панж Ганж" (Беш хазина) таркибидаги охирги достони. Биринчи қисми "Шарафнома", иккинчи қисми "Иқболнома" ёки "Хираднома" деб номланган. Тарихий македониялик Александр эмас, балки пайғамбар мартабасидаги донишманд жаҳонгир Искандарнинг тимсолини яратиш достоннинг бош мақсади қилиб олинган (НМ).

• "Иқболия" – Шайх Алоуддавла Симноний (ваф. 1335-36)нинг асари. Ундаги машҳур шайхларнинг сўзларидан Шиҳобуддин Суҳравардий ва Авҳадуддин Кирмоний ҳақидагилари "Насойим"да келтирилади (НМ).

• "Иҳё" - "Иҳё улум ад-дин" Абу Ҳомид Ғаззолийнинг араб тилидаги машҳур асари (қ. "Кимёи саодат") НМ.

• "Каломи фасиҳ" – Қуръони Карим назарда тутилади. 22 йил мобайнида Муҳаммад пайғамбарга Жаброил (фаришта) орқали ва бевосита ваҳий қилинган. 114 сурадан иборат. 95 сура Маккада, 19таси Мадинада нозил бўлган. Исломнинг муқаддас китоби. 632 йили пайғамбарнинг шахсий котиби Зайд б. Собит халифа Абу Бакр топшириғига биноан тўплаган ва кўчириб чиққан. Халифа Усмон Қуръоннинг барча тўпламларини қиёс қилиб, ягона нусха яратишни буюрган. 651 йили Зайд б. Собит бошчилигидаги гуруҳ шундай нусхани тузган ва бу китоб "Мусҳаф" ёки "Мусҳафи Усмон" номини олган.

Қуръон "Каломуллоҳ" деб ҳам юритилади (МН).

• “Канз ур-румуз” (Рамзлар хазинаси) – Амир Ҳусайний Ҳусайн бин Олим бин Абул Ҳусайн (ваф. 1310-1311)нинг назмда ёзган асари (НМ).

• “Кашшоф” (кашф этувчи) – “Ал-кашшоф фи тафсир ал-Қуръон” – “Жоруллоҳ” ва “Хоразм фахри” деган унвонлари билан машҳур бўлган, тафсир, ҳадис, тилшунослик, илми балоғат ва лўғат илми устози Абул Қосим Маҳмуд бин Умар бин Муҳаммад Замаршарийнинг (ваф.1143-1144) Қуръони Карим тафсиридан иборат асар. 1332-1334 йиллари Маккада ёзилган. Асар ҳанузгача Қуръонни ўрганишда асосий қўлланма ҳисобланади (МҚ).

• “Кашф ул-маҳжуб” (Яширинларни кашф этилиши) – Абу Али Жуллобий Ҳужвирий (ваф. 1073-1074)нинг форсий тилда ёзган тасаввуфга оид энг қадимий ва энг муҳим асаридир. Наср услуби содда эса-да, арабий иборалар, истилоҳлар кўп ишлатилган (НМ).

• “Кимё” - “Кимёи саодат” Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибни Ғаззолийнинг асари. Тўрт жилддан иборат араб тилидаги “Ихё улум ад-д-ин” (Диний илмларни тирилтириш)нинг форсийдаги соддалаштирилган нусхаси. Бу асар тўрт қисмдан иборат бўлган учун “Чаҳор китоб” ҳам дейилади.

“Кимё” – мусулмонлик рукнлари, муомала одоблари, ҳалокатга етказувчи, нажот берувчи нарсалар деб номланган тўрт қисмдан иборат. Тасаввуфнинг ахлоқий масалалари (хар қисми 10 бобдан иборат)га ҳам алоҳида аҳамият берилган. Асарнинг туркийга қилинган таржималари ҳам бор (ҲА).

• “Китоб ул-анвор фи кашф ул-асрор” – Шайх Рўзбехон Бақлий (ваф. 606/1209-1210)нинг асари (НМ).

• “Кофия” - Жалолуддин Абу Амр Усмон ибни Умар ибн ал Ҳожиб (ваф. 1249)нинг араб грамматикасининг синтаксис қисми бўйича дарслик асари (ХМ).

• “Лавоеҳ” – 1465 йили ёзилган, Жомийнинг асари. Жаҳонгиршоҳ Қора Қўюнли (1437-1468)га бағишланган. Форсий (сажъ)да ёзилган, 34 лойиҳа – (кичик мақолалар)да, арабча шеърлар келтириб, тавҳид, фано ва бақо ҳақида сўз боради. Бу асар “Рисола дар баёни маориф ва маоний” номи билан ҳам юритилади (ХМ).

• “Лавомеъ” (Шуълалар) – Жомийнинг “Лавомеъ фи шарҳи қасида хамрияйи “мимияйи Форизия” (Форизнинг май ҳақидаги қофияси “мим” ҳарфли қасидасига шарҳ шуълалари) номли асари. 1470 йилда ёзилган Ибни Фориз (ваф.1234-1235) “Хамрия” номли араб тилида қасида ёзган. Жомий қасиданинг ҳар байтини бир тўртликда шарҳлаб чиққан. Асар 50 ламъа – мақолачалар ва муқаддимадан иборат. Илоҳий ишқ – май сархушлигининг баёни бўлиб, тасаввуф фалсафасининг қомусидекдир.

• “Лайли ва Мажнун” – Низомий Ганжавийнинг “Панганжи” таркибидаги достони. 4022 байтдан иборат. Шу номда:

• Хусрав Деҳлавийнинг 1299 йили ёзилган, “Хамса”сидаги учинчи достон «Лайли ва Мжнун» 2650 байтли достони;

• Жомийнинг “Хафт авранг”даги олтинчи достон; 1484 й.ёзилган, 3860 байт;

• Навоий “Хамса”сидаги учинчи достон. 1484 йили ёзилган 3622 байт. 36 бобдан иборат;

• Шайхим Сухайлий (ваф.1502 й.) достони, 1484 йили ёзилган;

• Хожа Имод – Навоий замондоши ҳам шу достонга татаббуъ қилган;

• Абдуллоҳ Хотифий (Жомийнинг жияни) 1487 йили шу номда достон ёзган (МН, МЛ).

• “Ламаот” (Ёлқинлар) — Фахруддин Ироқийнинг (ваф.1289)нинг Ибни Арабий “Фусус ал-ҳикам”и таъсирида ёзган ирфоний асари. Навоий учун Жомий бу асарга 1481 йили шарҳ ёзган ва “Ашъиати ламаот” деб номлаган. Ишқи ҳақиқий ва у билан боғлиқ масалалар юзасидан баҳс этувчи бу асар муқаддима, 28 ламъаа (боб) ва хотимадан иборат. “Насойим ул-муҳаббат”да бу асар Аҳмад Ғаззолий “Савониҳ”и услубида ёзилган дейилади (НМ,ХМ).

• “Латофатнома” — Амир Темур ўғли Мироншоҳнинг тўртинчи ўғли Аҳмад мирзо асари. Шу номда Хўжандийнинг ҳам Хоразмий “Муҳаббатнома”сига таяниб ёзган асари маълум (МН).

• “Лисон ут-тайр” — Навоийнинг “Ҳақиқат сирларининг мажоз тариқида” баён этган асари. 1498-99 йили ёзилган. 3598 байтдан иборат. Муқаддимада Навоий бу достонни Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”и жавобида ёзганини қайд этади ва тахаллусини “Фоний” деб беради (МЛ, ЛТ).

• “Лужжат ул-асрор” (Сирлар денгизи) — Жомийнинг қасидаси. 1475-78 йиллари ёзилган. Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёи аброр” қасидасига жавобия тарзида битилган. Навоийнинг “Туҳфат ул-афкор” номли қасидаси уларга жавобан ёзилган (ХМ).

• “Лумаъ” (Порланиш) — “Китоб ул-лумаъ фи-т-тасаввуф” Абу Наср Саррож қаламига мансуб тасаввуф ҳақидаги биринчи китоб, деб эътироф этилади. Унда шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат ҳамда мақомлар ҳақида илк маълумотлар бор (НМ).

• “Мавоқиъ ун-нужум” (Юлдузлар ўрни) – Ибн Арабийнинг Бағдодда ёзган асари. Коинот сирлари, юлдузлар олами ҳақида икки бобда жуда қимматли маълумотлар берилган. Унга Шайх Муайяддин Жандий шарҳ ёзган (НМ).

• “Мажмаъ уш-шуаро” – Давлатшоҳнинг “Тазкират уш-шуаро” тазкираси шу номда ҳам юритилган (МН).

• “Мажолис ун-нафоис” – Навоийнинг тазкираси. 1491-92 йили ёзилган, 1498 йили тўлдирилган. Саккиз мажлисдан иборат, асосан замондош шоирлар, қисман катта замондошлари ҳақида. 459 шоир, адиблар ҳақида маълумотлар келтирилган. Асар XVI асрда уч марта ва кейинчалик яна форсийга таржима қилинган. 1970 йили рус тилига С.Ғаниева таржима қилган (Навои, 10 томлик, 9-том) (МЛ,МН).

• “Манозил ус-сойирин” – “Шайх ул-ислом” ва “Пири Ҳирот” лақаблари билан машҳур Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг Ҳирот аҳлининг сулуклар, манзиллар ҳақидаги саволларига жавоб шаклида ёзилган асари. Бу асарга Навоий замондошларидан *Камолуддин Ҳусайн* шарҳ ёзган.

Шу номда Ансорийнинг икки асари бор – бири араб, иккинчиси форс тилида (МН).

Навоий Муҳаммад Табодгоний (ваф. 891/1486)нинг ҳам шу номда асари бор, деб ёзади (НМ).

• “Мантиқ ут-тайр” – Шайх Фаридуддин Муҳаммад Аттор Нишопурий (қатли 1229-1230) нинг асари. 7000 байтга яқин. Қушлар тилидан Ҳаққа интилишда етти манзил (мақомлар) ни босиб ўтиш машаққатлари баён этилади (НМ).

• “Манозил ус-сойирин” шарҳи –шайх Камолуддин Абдураззоқ Коший (ваф. 1329-1330) нинг Хожа Абдуллоҳ Ансорий асарига ёзган шарҳи (НМ).

• “Маноҳиж ул-ибод илал миъод” (Бандаларнинг муддатли йўллари) – Шайх Сайидуддин Фарғоний (XI аср)нинг муридларнинг шайхларга мансуб бўлиш тариқлари, хирқа турлари (иродат ва табаррук хирқалари) баён этилган асар (НМ).

• “Маориф” - “Авориф ул- маориф” (Орифларнинг маърифатлари) таниқли орифлардан, фиқх ва ҳадис билимдони Шиҳобуддин Сухравардий (ваф. 1234-1235)нинг тасаввуфий ақидалар, атамалар ҳақидаги асари, гўзал нақл ва шеърлар ҳам берилган. Асар Маккада ёзилган, Шайх Изуддин Маҳмуд Коший форсий тилга таржима қилган (НМ).

• “Маснавий” – Жалолиддин Румий (ваф.1273) асари. Олти жилдли, 26 минг байтдан иборатдир. Диний, ирфоний ва маънавий ҳақиқатлар ҳақидаги машҳур асар.

Жомий унинг биринчи ва иккинчи байтига шарҳ ёзган. Рисола “Шарҳи байтайни “Маснавийи Мавлавий” деб аталади. Яна “Найнома”номи билан ҳам юритилган. Наср ва назмда ёзилган ва икки байтнинг тасаввуфий маъноси очиб берилган. Асарга “Сирри най”

номида Эрон олимлари Абдул Ҳусайн Зарринкуб (икки жилд) ва “Шарҳи маснавийи шариф” номида Бадиуззамон Фурузанфар (уч жилд) шарҳлар ёзганлар (МН,НМ).

• “Матла ул-анвор” (Нурларнинг бошланиши) – Амир Хусрав Деҳлавий “Хамса”сининг биринчи достони 1299 йилда ёзилган, 3310 байтдан иборат, 20 бобга ажратилган, уларда сўзнинг фазилати, нафсу ҳаво, қаноат, диёнат, фарзандга насиҳат, ҳар боб охирида ҳикоятлар берилган. Достон Низомийнинг “Махзан ул-асрор”ига жавобиядир. Унда тасаввуф масалалари, фалсафий муддаолар баён этилган (ХМ).

• “Маҳбуб” – “Маҳбуб ул-муҳиббин”, “Матлуб ул-восилин” ёки “Маҳбуб ул-авлиё” номларида ҳам учрайди. Араб тилида ёзилган ҳарфлар илми ва ҳуруфия ишоратлари ҳақидаги шайх Саъдуддин Ҳаммувий асари (НМ).

• “Маҳбуб ул-қулуб” – Алишер Навоийнинг 1500 йили – ҳаёти сўнггида ёзган асари. Унда шоирнинг умри давомида тўплаган ғоят бой тажриба ва хулосалари жамланган. Асар муқаддима ва уч қисмдан иборат. Биринчи қисм жамиятда турли ижтимоий табақаларнинг мавқеи, бурчи ҳақида; иккинчи қисм ахлоқий масалалар хусусида; учинчи қисм фойдали панд ва ҳикматлар баёнидадир.

Асарни А.Рустамов рус тилига таржима қилган (Навоий. 10 томлик, 10-том. –Т., 1970) (МЛ.МҚ).

• “Маҳзан ул асрор” – Низомий “Панж ганж”ининг биринчи достони. Кириш қисмлари ва 20 бобдан иборат. Ҳар боб сўнггида ҳикоятлар келади. Достон Санойининг “Ҳақиқат ул-ҳақойиқ” достонига жавобиядир, тили мураккаб ва размлар кўп. Унга жуда кўп жавобиялар ёзилган. Е.Э.Бертельс улардан қирқ иккитасини келтиради. Навоий шундай асарлардан Фасиҳ Румий (баъзи манбаъларда Руний), Хожа Алоуддин ва табобат ўрганаётган ёш шоир Ғиёсуддиннинг достонларини кўрсатиб ўтган (МН).

• “Мақсади ақсо” (Энг йироқ мақсад) – Шоҳрух замонида яшаган Ҳусайн Хоразмий асари. Хондамир бу асар Замахшарий (ваф.1144)нинг “Ал-мустақсо фил-амсол” номли алифбо тартибида берилган араб мақоллари ҳақидаги асрининг таржимаси дейди (МН).

• “Мезон ул-авзон” – Навоийнинг форсий ва туркий аруз ҳақидаги асари. 1490 йилда ёзилган (МЛ,МА).

• “Меъёр ул-ашъор” – Абу Жаъфар Насируддин Тусий (ваф.1273-74) нинг аруз ва қофия илми ҳақидаги асари. 1251-52 йилда ёзилган (МА).

• “Минҳож ун-нажот” (Нажот йуллари) – Навоийнинг “Ситтаи зарурия” (6 зарурлик) деб номланган форсий қасидалари тўпламидаги бешинчи қасида. 138 байтдан иборат. Ҳоқоний ва Ансорий қасидаларига жавоб тарзида ёзилган (МН).

• “Мирсод ул-ибод” (бандаларнинг кенг йўли) – Нажмуддин Кубро асҳобидан, Жалолуддин Румий замонидан ўтган, асли хоразмлик Нажмуддин Розий (ваф. 1256) нинг форсийда назм ва насрда ёзилган суфиёна асари(НМ).

• “Мисбоҳ ул-арвоҳ ва асрор ул-ашбоҳ” (Руҳлар чароғи ва ўхшашликлар сирлари) – Шайх Авҳадуддин Кирмоний (ваф. 1237-1238)нинг маснавийда ёзилган асари (НШ).

• “Миръот ул-жинон” – Абдуллоҳ ал-Ёфиъий Яманийнинг тарихга оид асари, воқеа-ҳодисалар 1349-50 йилига қадар қамраб олинади. Асарда номдор сўфийларнинг шарҳи ҳолига ҳам эътибор қаратилган (НМ).

• “Миръот ус-сафо” (Софлик ойнаси) – Амир Хусрав Деҳлавийнинг қасидаси, ирфоний, фалсафий, ахлоқий мавзуларда 1297 йили ёзилган. Хоқоний (ваф. 1199)нинг “Қасидаи шиния (қофияларнинг охирги ҳарфи “ш”бўлганига ишора) қасидасида жавоб тарзида битилган. Жомий бу қасиданинг биринчи байтига шарҳ ёзган. Қасидага Навоий, Юсуф Бадеъий, Мирхонд, турк шоири Нафъий жавобия ёзганлар (МЛ).

• “Мифтоҳ ул-ғайб” – Садруддин Қунавий (ваф. 1274-75)нинг Имом Фахруддин Розий (ваф.606/1209-1210) қаламига мансуб тугалланмаган, Қуръон тафсирига бағишланган асари шарҳи. Розий асари “Мафотиҳ ул-ғайб” деб номланган (НМ).

• “Мишкот ул-анвор” (Нурлар токчаси) – Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий (ваф.505/1111–1112)нинг тасаввуф илмига оид асари (НМ).

• “Мунозара” – Шарафуддин Али Яздий (ваф. 1454)нинг асари деб ёзади Навоий (МН).

• “Муножат” – Алишер Навоийнинг ҳаёти сўнггида ёзган асари. Асосан, Аллоҳга тазарруъ ва илтижолардир. Уларда шоирнинг давр, муҳит боғлиқ армон-ўкинчлари руҳиятидаги нотинчлик, воқеликдаги норасоликлар билан боғлиқ ҳолда берилади. Асар насрда сажъ йўлида битилган. Рус тилига С.Ғаниева таржима қилган (1990й.) (М).

• “Мунтаҳаб” – бу асарни Навоий Шарафуддин Али Яздий қаламига мансуб деб қайд этилади (МН.)

• “Муншаот” (Мактублар мажмуаси) – Навоийнинг турли табақа ва тоифадаги одамлар ҳар хил масалалар юзасидан ёзган мактублари мажмуаси. Ундан Навоийга ёзилган мактублар ҳам ўрин олган.

• Навоийнинг мактублари мажмуаси ҳам “Муншаот”деб номланган. 1498-99 й.да тузилган. Бу асар таркибидаги Ҳусайн Бойқаро, Бадиуззамон Мирзо, шоирнинг фарзанди сифатида тарбиясига олган ўғлига ёзган ва Каъба сафари орзусидаги мактубларда, сиёсий, ижтимоий, ахлоқий ҳамда оддий бир инсонга хос руҳий масалалар ҳақида мароқли маълумотлар берилади (М).

• “Мусибатнома” – Фаридуддин Атторнинг маснавийси. Руҳнинг сайри, унинг мусибат ва гирифторликларидан пир раҳнамолигида енгиб ўтиши баён қилинади. Соликнинг Ҳаққа интилиши ҳақидаги ғоят дилкаш ирфоний достон саналади (НМ).

• “Муфрадот” – Навоийнинг муаммо назариясига оид асари. Унда 121 та муаммони тузиш ва ечиш йўллари баён этилади. “Хазойин ул-маоний” таркибидаги 52 та туркий ва “Девони Фоний”да 500 та форсий муаммо бор. Асар 1485 йили ёзилган, муаммонинг турли кўриниши ва услублари (48 та) юзасидан фикр юритилади (Муф).

• “Муҳаббатнома” – Хожа Абдуллоҳ Ансорий асари. Навоий Жомийдан олган хатига жавобия ёзганида “Муҳаббатнома”ни ўз мактубига кўшиб юборгани маълум (ХМ).

• “Муҳокамат ул-луғатайн” – Навоийнинг туркий ва форсий тилларнинг ҳолати, сўз бойлиги ва бадиий ижод учун имкониятларини таҳлил қилган асари, унда икки тилда ижод қилган шоирлар ҳақида маълумотлар бор. Навоийнинг миллий тил, миллий адабиёт учун курашидан маънодор далолат берувчи асаридир. 1499 йили ёзилган (МЛ).

• “Наводир ул-усул” – Ҳаким ат-Термизий (ваф. 285/898)нинг Муҳаммад пайғамбарга (с.а.в.) мансуб маърифатли ва нодир хабарлари ҳақидаги асари (НМ).

• “Наводир уш-шабоб” (Йигитликнинг нодирликлари) – Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибидаги иккинчи девони. Унда 650 ғазал, 1 мустазод, 3 муҳаммас, 1 мусаддас, 1 таржеъбанд, 1 таркиббанд, 50 қитъа, 52 муаммо бор. Жами – 759 шеър, 5423,5 байт. 1492-1498 йиллари тузилган.

• “Назм ул-жавоҳир” – Навоийнинг 1485 йили Ҳусайн Бойқаро “Рисола”сига шукроналик рамзида ёзган асари. Ҳазрат Аининг “Наср ул-лаолий” деб аталган ҳикматлари мажмуасидаги (269 та) ҳар бир ҳикмат мазмуни бир рубоийда баён этилган. Муқаддимада асарнинг яратилиши ва мақсади ёритилади (НЖ).

• “Насим ул-хулд” – Навоийнинг Хоқоний ва Хусрав Деҳлавийнинг қасидаларига татаббуъ сифатида форсийда ёзган қасидаси. Уни Жомийнинг “Жило ур-руҳ” қасидасига жавобия, деб ёзади Е.Э.Бертельс (ДФ).

• “Насиҳат ул-мулк” – Абу Ҳомид Муҳаммад ибни Муҳаммад Ғаззолийнинг (ваф.1111) ҳикмат илми ҳақидаги асари (ТМА).

• “Насойим ул-муҳаббат” – Жомийнинг “Нафоҳат ул-унс мин ҳазорат ул-қудс” (Пок зотлар ҳузуридан эсган дўстлик насимлари) асарининг Навоий қилган эркин таржимаси. Асарнинг тўлиқ номи “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” – (Мардоналик хуш исларини етказувчи муҳаббат шабадалари). 1495-96 йили ёзилган. Навоий “Нафоҳат”даги 618 машҳур шайх ва орифлар қаторига 152 туркий машойихлар ҳақидаги маълумотларни киритган. Асар Навоийнинг таржимонлик маҳорати ва ўша даврдаги таржима санъати мезонларини ўрганиш учун ғоят муҳимдир (ХМ).

• “Наср ул-лаолий” (Сочма инжулар) – Ҳазрат Али ҳикматларининг мажмуаси. Унга ибн аби ал-Ҳадид (ваф. 1257) – адиб, муаррих шарҳ ёзган, Рашидиддин Ватвот асардаги ҳар бир сўзни шарҳлаб, таржимасини шеърда қилган ва “Сад калима” деб атаган. Шоир Ашраф (ваф. 11459) ҳам ҲазратАлининг 100 ҳикматини шеърга солган ва китобини “Сад панди Али” деб атаган. Навоий 269та ҳикмат мазмунини бир рубоийда берган ва уни “Назм ул-жавоҳир” деб атаган (НЖ).

• “Нафаҳот” – “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс” Жомийнинг асари, Навоий таклифи билан 1478-79 йили ёзилган. Унда 34 авлиё аёл ҳақида ҳам маълумотлар бор. Сўзбошида Жомий тасаввуфий атамаларни тушунтириб ўтади. Асар Абу Абдураҳмон Муҳаммад ибн Ҳусайн ас-Сулламий Нишопурийнинг “Табақоти суфия”, унинг Хожа Абдуллоҳ Ансорий томонидан форсийга таржимаси, Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарлари асосида яратилган. Навоий “Нафаҳот”ни туркий тилга эркин таржима қилган, уни тўлдирган. Навоийда шайхлар адади 770 нафарга етган (НМ).

• “Нафаҳоти илоҳия” – Садруддин Қўнавий (ваф. 1074-1075)нинг асари (НМ).

• “Нақд ун-нусус” – “Нақд ун-нусус фи шарҳи нақш ул-фусус” – (“Ҳикматлар нақши”га шарҳларнинг танқидий баёни) Жомийнинг Ибн ал-Арабий қаламига мансуб “Нақш ул-фусус” асарига 1458-59 йилда ёзган шарҳи. Муқаддима 27 фаслдан иборат. Ибн ал-Арабий фалсафасининг моҳияти очиб берилади, атамалар тушунтирилади (ХМ).

• “Нақд ул-фусус” – Жомийнинг 1459 йили ёзган Ибн ал-Арабий “Фусус ул-ҳикмат” (“Ҳикматлар нақшланган тошлар”) номли Дамашқда, 1229 йилда ёзилган, пайғамбарлик табиатини очиб беришга бағишланган асарига битилган шарҳ. Аслиятдаги 41 рубоийнинг 2-3 тасининг мазмуни бир шарҳда берилади. Садруддин Қўнавий (ваф.1275) ҳам “Фусус”га шарҳ ёзган (ХМ).

• “Низом ут-таворих” – (“Тарих тартиби”) Қози Байзовий номи билан машҳур, фиқҳ ва тафсир алломаси Абдулхайр Носируддин Абдуллоҳ бин Умарнинг форсийда 1285-86 йилиёзилган тарихга оид асари. Қадим даврдан муаллиф замонигача бўлган воқеалар баён этилган (ТМА).

• “Носир ва Мансур” – Шамсуддин Муҳаммад бин Абдуллоҳ Котибий (ваф. 1436)нинг Низомий Ганжавий “Панж ганж”и муқобаласида ёзган достони. Хондамир бу достонни “Нозир ва Манзур” номида ҳам келади, дейди (МН).

• “Нузхат ул-арвоҳ” (Руҳларнинг кўнгил очиш жойи) Амир Ҳусайний (ваф. 710/1310-1311)нинг назм ва насрда ёзган ирфоний асари. 28 фаслдан иборат (НМ).

• “Нусус” (Далил) – Садруддин Қўнавий (ваф.1274-1275)нинг Ибн Арабшоҳ (ваф.1240-1241) қаламига мансуб “Нақд ун-нусус”ининг услубий таҳқиқига оид асари. Тўлиқ номи “Ан-Нусус фи таҳқиқ ат-тавр ал-махсус”дир (НМ).

• “Одоб ул-араб вал-фурус” – бу Али Мискавайҳнинг (ваф.1030) машҳур файласуф, тибб ва кимё илми билимдони ва тарихчи аллома одоб ва ахлоқ ҳақидаги асари. Носируддин Тусий бу асарни форсийга таржима қилган (ТМА).

• “Панж ганж” (Беш хазина) – Абу Муҳаммад Илёс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд Низомий Ганжавийнинг (ваф.614/1217-1218) беш достондан таркиб топган асари. Амир Хусрав Деҳлавий уни “Хамса” деб атаган ва унга жавоб тарзида 5беш достондан иборат ўз “Хамса” сини ёзган. Бу билан хамсачилик анъанасини бошлаб берган.

“Панж Ганж”нинг достонлари:

1.“Махзан ул-асрор” (Сирлар хазинаси./ Саноий Ғазнавийнинг “Ҳадиқат ул-ҳақойиқ” (Ҳақиқат боғлари) асари таъсирида ёзилган. 20 мақола, 2264 байтдан иборат. Дидактик, фалсафий достон.

2.“Хусрав ва Ширин” 1180-81 йилда ёзилган. 6500 байтдан иборат.

3.“Лайли ва Мажнун” 1185 йилда ёзилган. 4000 байт.

4.“Ҳафт пайкар” 1197 йилда ёзилган, 4600 байт. “Баҳромнома” деб ҳам юритилади.

5.“Искандарнома’’ – “Шарафнома” ва “Иқболнома” деб аталган қисмлари бўлинган. 1199-1200 йилда ёзилган. 10500 байт.

“Панж ганж” достонларига турли даврларда шоирлар жавобия достонлар ёзганлар (Х).

“Равзат ус-сафо”. “Равзат ус-сафо”нинг мазмуни қуйидагича: 1-жилд (дафтар) — дунёнинг яратилишидан сосонийлар сулоласи инқирозигача; 2-жилд Муҳаммад (а.с.) ва тўрт халифа тарихи; 3-жилд умавий ва аббосийлар халифалари тарихи; 4-жилд — умавий ва аббосийлар даврида Ўрта Осиё; 5-жилд — Чингизхон ва чингизийлар тарихи; 6-жилд — Умар Амир Темурдан Абу Сайид мирзо вафотигача бўлган давр тарихи; 7-жилд — Султон Ҳусайн ва унинг авлоди даври тарихи. Бу жилднинг давомини набираси Хондамир (бобоси вафотидан кейин) ёзиб тугатади. Дастлабки 6 жилд матни Алишер Навоий таҳриридан ўтади. Асар матни Бомбай (1845, 1848), Теҳрон 1850-56, 1860; ва Лакҳнав 1874, 1883, 1890 йиллар)да чоп этилган; ўзбек тилига таржимаси Муҳаммад Раҳимхон Феруз даври (1865—73)да амалга оширилади.

• “Равз ур-раёҳин” – Абдуллоҳ ал-Ёфеъий бин Асъад ал-Яманий (ваф. 1349-1350 дан кейин)нинг 500 га яқин шайхлар шарҳи ҳолига бағишланган асари. Уни Жалол Муҳаммад Козеруний (ваф. 838/1434-1435) форсийга таржима қилган (НМ).

• “Рашҳ ул-насойиҳ” (Насиҳатлар томчиси) – Шайх Шиҳобуддин Абу Хафс Умар (ваф. 1234-1235)нинг тасаввуфга оид асари. Манбаларда Зиёвуддин Абул Ҳасан Масъуд бин Маҳмуд Шерозий бу асарга қарши бир асар яратган дейилади (НМ).

• “Рашҳ ул-бол” (Асал томчилари) – Жомийнинг қасидаси. Унда фалсафий, ирфоний мавзулар ёритилган, муаллиф шарҳи ҳолига оид маълумотлар ҳам берилган. 1487-1488 йилда ёзилган (ХМ).

• “Рисолаи аруз” – Жомийнинг аруз дарслиги тарзида ёзган асари. Форсийда кам истифода этилган аруз вазнидаги мисоллар ғоят мароқли ва ноёбдир. Қофия ҳақида муҳим фикрлар келтирилган.

Арузда Дарвеш Мансур (ваф. 1456) ҳам икки рисола ёзган. Навоий ундан аруз илмини ўрганган (ХМ).

• “Муаммо рисоласи” – Навоий қадрдонларидан Муҳаммад Бадахший асари, муаммо илми, муаммо тузиш ва ечиш йўллари баён этилган (МН).

• “Муаммо рисоласи” – Сайфи Бухорий (ваф.1503) асари. Аруз, мусиқа ҳақида ҳам рисолалари бор (МН).

• “Муаммо рисоласи” – асли андижонлик, Навоий билан Самарқандда танишган, кейин Ҳиротда шуҳрат топган шоир Юсуф Бадеъийнинг асари (МА).

• “Рисолаи мусиқий ва адвор” – Жомийнинг мусиқа назарияси ва тарихига оид асари. Муқаддима , 2 қисм, 23 боб ва хотимадан иборат. Асарни А.Н.Болдирев рус тилига таржима қилган (Т.1960).

Муаммо ҳақида Жомий тўртта рисола ёзган:

• “Рисолаи кабир дар муаммо” – Жомий берган ном “Ҳулият ул-ҳулал”. Кейин яна муаммо рисолалари ёзгани сабабли биринчисини “Катта рисола” дейишган. Рисола Абулқосим Бобурга бағишланган. Шарафуддин Али Яздийнинг “Ҳулали мутарраз дар фанни муаммо ва луғз” асари шарҳидир. 1452 йили ёзилган.

• “Рисолаи мутавассит дар муаммо”. Ўн икки байтли ғазал-муаммолар ҳақида сўз кетади.

• “Рисолаи сағир дар муаммо” – биринчи рисоласининг қайта ишлангани. Унда муқаддима қисқартирилган, баъзи қоидалар қайтадан тушунтирилган, айрим атамалар ўзгартирилган. 1480 йили ёзилган.

• “Рисолаи асғари манзума дар муаммо” – шеърда ёзилган. Алишер Навоий учун 1485 йили икки кунда битилган. Муаммо тузиш ва ечиш қоидалари аниқ ва равон берилган (МН, ХМ).

• “Рисолаи аруз” – Халил ибн Аҳмаднинг 767 йили асари араб тилидаги шеърлар асосида аруз – шеър вазнларининг қонун-қоидаларини кашф этган (МА).

• “Рисолаи вужуд” – Жомийнинг “вужуд” атамаси шарҳидаги араб тилида ёзган асари (ХМ).

• “Рисолаи маносики ҳаж ва умра” (Ҳаж ва умра масканлари) – Жомий асари. Жомий ҳаж сафари чоғлари – 1491 йили Бағдодда араб тилида ёзган (ХМ).

• “Рисолаи суханони Хожа Порсо” – Жомийнинг араб ва форс тилларида ёзган асари. Нақшбандия тариқатининг арбобларидан Хожа Муҳаммад Порсо номи билан Шамсуддин Муҳаммад б. Муҳаммад ал-Ҳофиз ал-Бухорий (ваф.1419)нинг ҳикматли сўзлари шарҳида битилган. Жомий у зотни беш ёшида кўрган (ХМ). Навоий Жомийнинг “Кофия” бобидаги ва “Муншаот” (хатлар) рисолаларини санаб ўтган (ХМ).

• “Рисолаи суфия” – Жомийнинг суфийлар сўзлари ва мазхаблар ҳақидаги араб тилида ёзилган асари (ХМ).

• “Рисола фит-тасаввуф” – Абулқосим Қушайрий (ваф.465/1073) асари (НМ).

• “Роия” – Санойи Ғазнавий (ваф. 1150-1151)нинг қасидаси. Унга Авҳадуддин Марағий (ваф. 733/1337-1338) ва Афзалуддин Хоқоний (ваф. 585 ё 595/1186-1187 ёки 1198-1199) яхши жавобиялар ёзганлар (НМ).

• “Рўшноинома” – Саййид Носир Хусрав Қубодиёний (ваф. тахм. 481/1088-1089)нинг асари. Тавҳид, ақли кулл, нафси кулл, фалак ва юлдузлар, тўрт унсур (олов, ҳаво, сув,туфроқ) ҳақида ёзилган (НМ).

• “Рубоиёт шарҳи” – қаранг: “Шарҳи рубоиёт”.

• “Руҳ ул-қудс” (Муқаддас руҳ) – Навоийнинг “Ситтаи зарурия” деб номланган форсий қасидалари тўпламидаги биринчи қасида. 132 байт илоҳий ишқ ҳақида (МЛ).

• “Сабъаи сайёр” – Навоий “Хамса”сининг 4-достони. 37 бобга бўлинади, 8005 байтдан иборат. 1485 йили ёзилган.

• “Савонеҳ” (Воқеалар) – Абулфутуҳ Маждуддин Аҳмад б. Муҳаммад б.Аҳмад Ғаззолийнинг (ваф. 1128) (Абу Ҳомид Ғаззолийнинг иниси) ислом илми ва фиққга оид асари (НМ).

• “Сажанжал ул-арвоҳ” – “Сажанжал ул-арвоҳ ва нуқуш ул-алвоҳ” (Руҳлар кўзгуси ва лавҳалар нақши). Шайх Саъдуддин Ҳаммувийнинг асари. Қуръони карим оятлари тафсири,

Аллоҳ исмлари ва сифатлари, инсон ва шайтон тушунчалари баён этилади. Асарда рамз ва англаш қийин сўзларга доира ҳамда жадваллар берилган (НМ).

• “Садди Искандарий” – Навоий “Хамса”сининг 5 достони. 88 боб, 7215 байт. 1485 йили ёзилган.

• “Салват ут-толибин” – тасаввуфга оид Муҳаммад б. Ҳаммуя Жувайний қаламига мансуб асар дейилади “Нафаҳот”да (бинобарин “Насойим”да ҳам). Лекин “Кашф уз-зуннун” шарҳида уни Муҳаммад б. Умар Жувайнийга нисбат берилади(НМ).

• “Саломон ва Абсол” – Юнон шаҳзодаси ва унинг ёш энагаси ўртасидаги муҳаббат мавзусидаги Жомий асари. (Саломон – руҳ, Абсол – жисм). Достон Жомий “Ҳафт авранг”ининг иккинчи маснавийсидир. 1479–1481 йиллар орасида ёзилган, Яъқуббек Оққўюнлуга бағишланган (ХМ).

• “Саҳиҳи Бухорий” номи билан машҳур “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”да Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад б. Исмоил ал-Бухорийнинг (ваф. 870) ўзига қадар ўтган муҳаддислардан эшитган барча ҳадисларини саралаб, энг ишончлиларидан алоҳида тўплаб тузган асари. Бу мажмуа Мадинада Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) мақбараси ёнида ёзилган (НМ).

• “Силсилат уз-заҳаб” (Олтин занжир) – Жомий қаламига мансуб бу достон ғазнавийлар шоири Санойининг “Ҳадиқат ул-ҳақоиқ” (“Ҳақиқатлар боғи”) номли асари муқобаласида 1472 йили ёзилган уч дафтардан иборат. “Ҳафт авранг”нинг биринчи достони (ХМ).

1-дафтар – Саноийнинг “Ҳадиқат ул-ҳақоиқ”и ва Авҳадийнинг “Жоми Жам” асарига ўхшатма тарзида 1472 йили ёзилган.

2-дафтар – ишқи илоҳий ҳақида – Боязид Бистомий, Зуннун Мисрий ва Ибн ал-Арабий ҳақида нақл, ривоят бор. 1595 байт. 1485 йили тугалланган.

3-давтар – Султон Боязидга бағишланган, тахминан1486 йили ёзилган. 870 байтдан иборат. Қадимий шоҳлар, олимлар ҳаётига оид ибратли ҳикоятлар келтиради (ХМ).

* “Синома” – Амир Ҳусайнийнинг назмда ёзилган ошиқона асари (НМ).

* “Сирож ул-муслимин” (“Мусулмонлар чироғи”) – Алишер Навоийнинг 1499 йили ёзган асари. Унда исломнинг беш рукни, ақида, иймон қоидаси, намоз ва озодалик фарзлари ва суннатлари, закот, рўза ва ҳаж ҳақида маълумотлар бор. Рисола мамлакатимизда биринчи марта 1992 йили нашр этилди.

* “Сирот ал-мустақим” (“Тўғри йўл”) – Амир Ҳусанийнинг назмда ёзилган асари (НМ).

* “Сияр ун-набий” – самарқандлик шоир Жавҳарийнинг асари. Пайғамбар (с.а.в.) ҳислатлари, кароматлари ҳақида шеърда ёзилган (ХМ).

* “Субҳат ул-аброр” – (“Поклар тасбеҳи”) – Жомийнинг “Ҳафт авранг”идаги 4-, “Хамса”сидаги 2-достони. 1482 йили ёзилган, 2870 байтдан иборат. Фасллар “Икд” (“Мунчоқ”) деб аталган. Ҳусайн Бойқарога бағишланган.

Жомийга қадар ҳеч шоир фойдаланмаган вазн “рамали мусаддаси махбуни мақсуд”да битилган. Сўфийлар мақомати, усули идора, адолат, нафсоний фазилатлар, ижтимоий масалалар қаламга олинган. Муқаддима насрда сажъ билан ёзилган (ХМ).

• “Сўфия истилоҳоти” – Шайх Камолуддин Абдураззоқ Коший (ваф. 1389-1390)нинг тасаввуфга оид луғатнома тарзидаги асари (НМ).

• “Табақоти сўфия” – шайхлар ҳақиқатидаги тазкира, муаллифи Абдураҳмон Муҳаммад ал-Ҳусайн ас-Сулламий ан-Нишобурий (ваф.1021-22) асари. Бу асар асосида Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Табақот”и ва Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” тазкиралари яратилган. Улар ўз замонидаги тасаввуф авлиё, шайхларини қўшганлар (НМ).

• “Таврот”.

1. Худо Мусо пайғамбарга буюрган илоҳий қонун.

2. Мусо (а.с.)га юборилган Илоҳий қонунларни ўз ичига олган 5 китоб, яъни “Библия”нинг дастлабки китоблари – “Ибтидо”, “Чиқиш”, “Левит”, “Чўлда”, “Амрлар”.

3. Баъзан “Қадимги аҳд”да” учрайдиган китобларнинг ҳаммасини билдиради (яъни “Библия”нинг биринчи 39 китоби) (НМ).

• “Тажнисот” – Котибий маснавийси. Мазмунини аниқлай билмадик. Афтидан икки маъноли сўзларни ишлатиш санъати ҳақида бўлса керак.

• “Тазкират ул-авлиё” – Фаруддин Аттор (ваф. 1229-30)нинг тазкираси. Асарда 96 нафар тасаввуф тариқатининг етук намояндалари, орифларнинг шарҳи ҳоли, сўзлари ва карoматлари баён этилган. Дейдиларки, Аттор асарлари адади Қуръони карим оятларига тенг экан (яъни 114 та экан) (НМ).

• “Тазкират уш-шуаро” – Амир Давлатшоҳ 1490-91 йил ёзилган тазкираси. 180га яқин шоирлар ҳақида маълумотлар бор. Асар “Мажмаъ уш-шуаро” деб ҳам юритилади. Мутахассислар Давлатшоҳ тазкирасига танқидий қарашни маслаҳат кўрадилар. Унда ноаниқ таърих, қоришиқли маълумотлар кўп учрайди (МН).

• “Тазкират ул-ҳабиб” – Муҳаммад Табодгоний (ваф. 1486) асари (НМ).

• “Тарихи мулуки Ажам” – Навоийнинг 1488 йили ёзган Эрон шоҳлари тарихига бағишланган асари. Унда тўрт табақа (сулола)га мансуб Каюмарсдан Яздижурд Шаҳриёргача бўлган шоҳларнинг жамият, халқ олдидаги фойдали ишлари ёритиб берилган (МЛ,ТМА).

• “Тафсир” – Абдурраҳмон Жомийнинг нотамом асари (НМ).

• “Тафсири фотиҳа” – Садруддин Қўнавий (ваф. 1274-1275)нинг Қуръони каримнинг биринчи сураси тафсири. Бу асар “Эъжоз ал-баён” деб ҳам юритилади.

• “Тарихи жаҳонкушой” – Алоуддин Атомалик б. Баҳовуддин Муҳаммад Жувайний (ваф. 1283)нинг 3 жилдлик тарихий асари. Чингизийлар давридан то 1257 йилгача бўлган воқеалар баён этилади (ТМА).

• “Таъвилот шарҳи” (Тушинтиришлар) – Шайх Камолуддин Абдураззоқ Коший (в.1389-1390)нинг асари (НМ).

• “Тиғ ва қалам” – асли Ироқдан, Ҳирот адабий муҳитида, Навоий хизматида бўлган Хожа Масъуд Қумийнинг мунозара жанрида ёзган асари. Бу шоир Ҳусайн Бойқаро тарихини шеърда ёзган. Навоий унинг ҳажми 12000 байт, Хондамир эса 2 минг байтга яқин, дейдилар (НМ).

• “Тоия” – “Шарҳи қасидаи “Тоия” (Қофияси “то” харфи билан тугаган қасида шарҳи”) Ибн ал-Форизнинг “Назм ус-сулук” ёки “ат-Тоият ал-Кубро” қасидасидан 76 байтига Жомий шарҳи. Ибн ал-Фориз қасидасининг шу қисми мустақил қасида саналиб “Назм ад-дуруд” номида ҳам келади. Асар “Лавомеъ” йўсинида, яъни сажъ ва шеър билан ёзилган. Ибн ал-Форизнинг ҳар байти мазмунини Жомий бир тўртликда берган.

“Тоия”га Шайх Иззуддин Маҳмуд Коший ва Шайх Мусо Садроний ҳам шарҳ ёзганлар (ХМ, НМ).

• “Туҳфат ул-афкор” – Навоийнинг Хусрав Деҳлавий “Дарёи аброр” қасидасига жавобан форс тилида ёзган қасидаси. Шоирнинг “Ситтаи зарурия” деб умумий номдаги олтита қасидасидан бири. Уни ёзишда Жомийнинг Хусравга жавобияси “Лужжат ул-асрор” қасидасини ҳам назарда тутган (МЛ).

• “Туҳфат ул-аҳрор” (Ҳурлар туҳфаси) – Жомийнинг Низомий “Махзан ул-асрор”и, Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Матлаъ ул-анвор” (Нурлар таралиш жойи)ига жавобия тарзида ёзган, 1707 байт, 7 муножат, 5 наът, 20 мақоладан иборат достони. Асар номида Жомийнинг пири Хожа Аҳрорга ишора бор. (ХМ).

• “Туҳфат ул-бароҳаҳ” – Маждуддин Бағдодий (қатли 1210-1211)нинг асари. Хоразмнинг Бағдод қишлоғидан бўлган Маждудин Бағдодий Нажмуддин Кубро муридларидан саналган.

Бир неча гўзал, орифона насрий асарлар ва шеърлар ёзган. Асар муаллиф шогирдларидан Аҳмад бир Али бин Музаҳжиб Хоразмийнинг саволларига жавоб тарзида ёзилган (НМ).

• "Фавойид ул-кибар" (Кексалик фойдалари) – Навоий "Хазойин ул-маоний" куллиётининг тўртинчи девони. 650 ғазал, 1 мустазод, 2 мухаммас, 1 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржеъбанд, 1 соқийнома, 50 қитъа, 80 фард бор. 793 шеър – 5888,5 байт. 1492-1498 йиллари тузилган.

• "Фавойиҳ ул-жамол" – Нажмуддин Кубронинг орифлар ва тасаввуф улуҳлари ҳақидаги асари (НМ).

• "Фарҳод ва Ширин" – Навоий "Хамса"сининг иккинчи достони. 59 бобга бўлинган, 5782 байт. 1484 йили ёзилган.

• "Фароиз" – Жомий билан таҳсил олган, Навоийни кўп дуолар қилган Мавлоно Саъдуддин (ваф. 1498-1499) номли тафсир ва ҳадислар билан шуғулланган улуғ зотнинг асари (НМ).

• "Фасл ул-хитоб" – Хожа Муҳаммад Порсо (ваф. 1491)нинг тасаввуфга оид асари. (НМ).

• "Фотиҳот ул-китоб" – Қуръони Мажиднинг биринчи сураси шундай ном билан ҳам юритилган (НМ).

• "Фотиҳат уш-шабоб" – (Ёшликнинг бошланиши) Жомийнинг девонларидан биринчиси. 1474 йили тузилган.

• "Фукук" (Қаттиқ назар) – Садруддин Қўнавий (ваф. 1274-1275)нинг "Ал-фукук фи мустаноди ҳикам ал-фусус" номидаги Ибн Арабийнинг "Фусус" китобига ёзган шарҳи (НМ).

• "Фусули арбаъ" (Тўрт фасл) – Навоийнинг форсийда ёзган тўрт қасидасининг умумий номи. Йилнинг тўрт фасли Баҳор (57 байт), Саратон (71 байт), Хазон (35 байт) ва Дай (70 байт) ҳақидаги қасидалар (МЛ).

• "Фусус" – "Фусус ул-ҳикам" – Ибн ал-Арабий (ваф. 1042-43)нинг асари. 27 фусус (қимматбаҳо тошлар) – бобдан иборат. Асарни мухтасар ҳолда "Нақш ун-нусус" деб номлаб, алоҳида китоб қилган. Жомий ундаги Садруддин Қўнавийга оид қисмига шарҳ битган. Шайх Фахруддин Ироқий Садруддин Қўнавий суҳбатларида "Фусус" ҳақида тинглаб, "Ламаъот" деган асар ёзган. "Фусус" илоҳий ҳикматлар ҳақидаги асардир (НМ).

"Фусус"га шайх Камолуддин Абдурразоқ Коший (ваф. 1389-1390) нинг ва Шайх Муайядуддин Жандийнинг шарҳлари бор (НМ).

• "Футуҳот" (Қўлга киритилган) – "Ал-Футуҳот ул-маккия" Ибн ал-Арабийнинг асари. Унда ирфоний ақидалар шарҳлаб берилган. 560 фаслдан иборат (НМ).

• "Хаёл ва висол" – машҳадлик шоир Али Оҳийнинг "Хамса" муқобаласида ёзган достонларидан бири. Навоий уни ғоят суст ёзилган, дейди (МН).

• "Хазойин ул-маоний" – Навоийнинг лирик-ғиноий шеърлари жамланган 4 девонининг умумий номи. "Хазойин ул-маоний" таркибидаги тўрт девонда 2600 ғазал, 4 мустазод, 10 мухаммас, 5 мусаддас, 1 мусамман, 4 таръжебанд, 1 таркиббанд, 1 маснавий (Саййид Ҳасанга шеърий мактуб), 1 қасида, 1 соқийнома, 210 қитъа, 133 рубоий, 52 муаммо, 10 чистон, 13 туюқ, 26 фард мавжуд. 3132 та шеър 22450,5 байт (44901 мисра)дир. 1498 йили тугалланган. Навоийнинг бу тўпламида Шарқ шериятининг 16 ғиноий – лирик жанр ва турлари тақдим этилган.

• "Хамса" – Яминуддин Амир Хусрав Деҳлавийнинг Низомий Ганжавий "Панж ганж"ига жавобия – беш достонининг умумий номи. Достонлари:

1."Матлаъ ул-анвор" 1299 й. ёзилган, 3310 байт.
2."Ширин ва Хусрав" 1299 й. ёзилган 4124 байт.
3."Мажнун ва Лайли"1299 й. ёзилган, 2650 байт.
4."Ойинаи Искандарий" 1300 й. ёзилган, 4450 байт.
5."Ҳашт биҳишт" 1301 й. ёзилган, 3352 байт.

Ҳиротлик Али Оҳий деган шоир ҳам “Хамса” ёзишга ҳаракат қилган. “Хаёл ва висол” достони маълум.

• “Хамса” – Навоий 1483-85 йилларида яратган беш достоннинг умумий номи. Бу билан Навоий туркий тилдаги “хамсанавислик” анъанасини бошлаб берган. Достонлари:

1..“Ҳайрат ул-аброр”, 63 боб, 3988 байт.

2. “Фарҳод ва Ширин”, 59 боб, 5782 байт.

3. “Лайли ва Мажнун”, 36 боб, 3622 байт.

4. “Сабъаи сайёр”, 37 боб, 8005 байт.

5. “Садди Искандарий”, 83 боб, 7215 байт (МЛ,Х.).

Ашраф деган ҳиротлик шоир (ваф. 1450-51) ҳам “Хамса” яратган. Унга “Минҳож ул-аброр”, “Ҳафт аброр”, “Ҳафт авранг”, “Риёз ул-ошиқин”, “Ишқнома” достонлари кирган. Охирги Искандар ҳақидаги достон ёзилмай қолган.

• “Хамсат ул-мутахаййирин” – Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомий ҳақида 1494 йили ёзган асари. Муқаддима, уч мақола (қисм) ва хотимадан иборат. Муқаддимада Жомийнинг насаби, туғилиши, тарбияланиши, таҳсил олиши ва олим ҳамда шоир бўлиб етишиши; 1-қисмда (13 лавҳадан иборат) Жомий маънавий дунёси, бадиий ижод юзасидан баҳс-суҳбатлари; 2-қисмда Навоий ва Жомий ёзишмалари ва намуналари; 3-қисмда Навоий ва Жомийнинг ижодий фаолиятда яқинликлари, тасаввуфга оид асарлар хусусида суҳбат ва тавсиялар; хотимада Жомий вафоти тафсилотлари баён этилади. Асарга Навоийнинг форсийда ёзилган ҳар бири 10 байтли 7 банддан иборат Жомий вафотига марсияси илова қилинган.

• “Хатм ул-валоя” Ҳаким ат-Термизий (ваф. 898)нинг авлиёлар ҳақидаги асари. Бу асари билан ат-Термизий “Ҳакимия” мактабига асос солган, дейилади. Асар муқаддима ва 29 фаслдан иборат бўлиб, мурид ва шайх ўртасидаги савол-жавоблардан иборат.

• “Хираднома” – “Хирадномаи Искандарий” – Жомий “Ҳафт авранг”ининг охирги, “Хамса”синининг 5-достони. 1484 йили ёзилган. 2315 байтдан иборат (ХМ).

• “Хотимат ул-хаёт” – Жомийнинг 3-девони. 1491 йилда тузилган (ХМ).

• “Ҳулият ул-ҳулул” (Безакли либослар) – Жомийнинг муаммо ҳақидаги рисоласи. Уни “Рисолаи кабир дар муаммо” ҳам дейишган. Яна “Мутавассит” (ўртача), “Сағир”(кичик), яна назмда битилган “Асғар” (жажжи) номидаги рисолаларида Жомий муаммо тузиш, уни ечиш назариясини баён этади (НМ).

• “Шабистони хаёл” – Яхё Себак (ваф.1448-89)нинг асари. Навоий Яхё Себакдан аруз илмини ўрганган шоир. “Туффоҳий”, “Фаттоҳий”, “Хуморий” ва “Асрорий” тахаллусларида ижод қилган (МН).

• “Шавоҳид ун-нубувват” – “Шавоҳид ун-нубувват ли тақвият ил-яқини футувват” (Олийжанобликка ишончни мустаҳкамлаш учун Пайғамбарлик исботлари) – Жомийнинг Муҳаммад Пайғамбар ва асҳоблари шарҳи ҳоли, кароматлари, сўзлари ҳақидаги асари. 1480 йили ёзилган (ХМ).

• “Шамс ва Қамар” – Хожа Масъуд Қумийнинг мунозара жанрида ёзган асари (МН).

• “Шамъ ва парвона” – Навоий замонидаги Румий Ёзирийнинг мунозара жанрида ёзган асари (МН).

• “Шатҳиёт шарҳи” - “Шайхи шаттоҳ” номи билан машҳур Рўзбехон Бақлий (ваф. 1209-10)нинг араб ва форсий тилларда ёзган асари (НМ).

• “Шаҳнаи Хуросан” (Хуросон соқчиси) – Имом Али Ризо (саккинчи имом) даврида (IX) яшаган Муҳаммад Аслом Тусий асари (НМ).

• “Шоҳид” – Маҳмуд Шабустарий (ваф. 1320-21)нинг маърифат ҳақидаги “Ишорат” аҳли тили била баён этган асари (НМ).

• “Шарҳи рубоиёт” – Жомий ўзининг 46 рубоийсига тасаввуфий ва фалсафий нуқтаи назардан шарҳ битган. 1473 йили ёзилган (ХМ).

• “Шоҳнома” – Абулқосим Фирдавсий (ваф.1021)нинг қадимги Эрон шоҳлари тарихига бағишланган асари. Шоирнинг ўз эътирофига кўра, 60000 байтдан иборат, 35 йил мобайнида ёзилган. “Шоҳнома”да қаҳрамонлик, жангу жадаллар баёнида ишқий саргузаштлар ҳам берилади. Бойсунғур мирзо ташаббуси билан “Шоҳнома” Ҳирот нусхалари асосида 1429 йили китобат қилинган. Хаттот Жаъфар Бойсунғурий. 22 миниатюра ва нақшлар билан безатилган. Бойсунғур мирзо муфассал сўзбоши ёзган. Бу нусха “Шоҳномаи Бойсунғурий” деб юритилади. Эронда Кохи Гулистон музейи фондида сақланади (ҒС).

• “Юсуф ва Зулайхо” – Жомий “Ҳафт авранг”ининг бешинчиси, “Хамса”сининг 3-достони. 1483 йили ёзилган. “Библия”да, Қуръони каримда Юсуф пайғамбарнинг қиссаси бор. Достон Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”, Фаридуддин Гургоний (ваф. 1073-74)нинг “Вис ва Ромин”ига пайравлик қилиб ёзилган. Асарда мажозий руҳ ғоят кучли. “Ошиқ ва маъшуқ” номида ҳам юритилади (ХМ).

Шу номда Хожа Масъуд Қумийнинг маснавийси бор (МН).

• “Қасидаи бурда” – VII аср араб шоири Каъб б. Зуҳайрнинг асари. Ривоятга кўра, Муҳаммад пайғамбар шол бўлиб ётган бемор шоир устига ўз бурдаси – йўл-йўл матодан тикилган либосини ташлаганда у даво топиб кетган экан. Қасида машҳур бўлиб, унга жуда кўп шарҳлар ёзилган:

Ҳусайн Хоразмий, Муҳаммад Тобадгоний, Шарафуддин Али Яздий шундай шарҳлар битган ижодкорлардир (МН).

“Қасидаи маснуъ” – Хожа Салмон номи билан машҳур Хожа Жалолуддин Салмон б.Хожа Алоуддин Муҳаммад (ваф. 1376-77)нинг асари. 160 байтли мувашшаҳ. Қасиданинг 2-3 байтидан бошқа вазнида янги байт чиқарилади. 59 байт асос матндан маснуъ – сунъий йўл билан ажратиб олинади. 120та дабдабали (риторик) сўз, иборалар, 281та яширин сўз, тушунчалар ишлатилган. Ҳамма байтларнинг биринчи ҳарфларидан учта вазир Ғиёсуддин Муҳаммад, мадҳи, биринчи мисранинг ўрта ҳарфларидан 9 байтли қитъа (сўзларда алиф ҳарфи учрамайди), иккинчи мисранинг ўрта ҳарфларидан 7 байтли қитъа (нуқтасиз ҳарфлардан тузилган сўзлар), чизиқча қўйилган ҳарфлардан 5 байтли ғазал яратилади. Бундай қасидани биринчи бўлиб Хожа Салмон ёзган. Унга кўп шарҳлар, ўхшатмалар битилган. Масалан Аҳлий Шерозий Навоийга шундай маснуъ қасида бағишлаган (МН).

• “Қасидаи Хамрияи Форизия” (Форизнинг майхўрларга қасидаси) – Али б. Шиҳоб б.Муҳаммад ал-Ҳамадонийнинг Ибн Фориз (ваф.1234-1235) қасидаси “Хамрия”нинг 32 байтига битилган шарҳ. Жомийнинг “Лавомеъ” рисоласи ҳам шу қасиданинг шарҳидир (НМ).

• “Қувват ал-қулуб” (Қалблар қуввати) – асли “Қут ул-қулуб” (Қалбларнинг озиғи) – Навоийнинг “Ситтаи зарурия”деб номланган форсий қасидасилари тўпламидаги тўртинчи қасида. 120 байтдан иборат. Дунёнинг фонийлиги қаламга олинган (МЛ).

• “Қудсия” (Муқаддас) – Хожа Муҳаммад Порсонинг Баҳовуддин Нақшбанд ҳақидаги маълумотлар ва сўзлари мажмуаси берилган асар.

• “Қут ул-қулуб” – Абу Толиб Маккий (ваф. 988-89)нинг асари. Унда сўфийликка таъриф, машҳур шайхлар ҳақида нақллар берилган (НМ).

• “Ғаройиб ус-сиғар” – Навоий “Хазойин ул-маоний” куллиётининг биринчи девони. 650 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 таржеъбанд, 1 маснавий, 50 қитъа, 133 рубоий киритилган. 840 шеър – 5718,5 байт (11,437 мисра). 1492-1498 йилларда тартиб берилган.

• “Ҳадиси саҳиҳ” – қ. “Саҳиҳи Бухорий”.

• “Ҳадис шарҳи” – Жомий Ибни Заррин ал-Уқайлий ривоят қилган оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ҳадисга шарҳ ёзган (НМ).

• “Ҳадиқат ул-ҳақойиқ” – “Илоҳийнома” , “Фахринома” деб ҳам юритилади. Ҳаким Санойи (ваф. 1141)нинг маснавийси 10 боб, 10000 байтдан иборат: тавҳид, пайғамбар (с.а.в.) наъти, ақл, илм, нафси қулл, ҳаётнинг ўткинчилиги, илми нужум, дўсту душманлар, ирфоний фикрлар ҳақида; муаллифнинг шарҳи ҳоли ҳам берилган. Баҳромшоҳга бағишланган ва 1130-1131 йили тугалланган. Асарни тасаввуф қомуси, деб таърифлайдилар (НМ).

• “Ҳайрат ул аброр” – Навоий “Хамса”сининг биринчи достони. 64 бобга бўлинган, 3988 байт, 1483 йили ёзилган.

• “Ҳафт авранг” (Етти тахт) – Жомийнинг ўз достонлари мажмуасига берган номи. “Етти оғайни” номли юлдузлар туркумига ҳам шоир ишора қилган дейилади. Бу ном остида Жомий достонлари бирлаштирилган:

1.“Силсилат уз-заҳаб”, 4195 байт.
2.“Саломон ва Абсол”, 1110 байт.
3.“Туҳфат ул-аҳрор”, 1712 байт.
4.“Субҳат ул-аброр”, 2885 байт.
5.“Юсуф ва Зулайхо”, 4000 байт.
6.“Лайли ва Мажнун”, 3860 байт.
7.“Хирадномаи Искандарий”, 2315(ХМ).

• “Ҳафт пайкар” – Абу Али Ҳусайн б.Ҳасан Марағий тахаллуси Ашраф (ваф. 1460) – Ашраф Дарвеш Ҳасан Хиёбоний номи билан машҳур шоирнинг 1434–1440 йилларда Низомий “Панж ганж”ига пайравлик қилиб ёзган достони (МН).

• “Ҳаққ ул-яқин” – Шайх Маҳмуд Шабустарий, лақаби Садудин (ваф. 1320-21)нинг ирфоний ҳақиқатларга бағишланган насрий асари (НМ).

• “Ҳулал” - “Ҳулали мутарраз дар фанни муаммо ва луғз” Шарафуддин Али Яздий (ваф. 1459)нинг муаммо ҳақидаги асари.

• “Ҳусн ва ишқ” – Котибийнинг “Хамса”си таркибидаги достонларидан бири (МН).

Мундарижа

АЗИЗ ҚАЮМОВ

НОДИР САҲИФАЛАР

«Насойим...»ни варақлаганда ... 9
«Ваққия» ... 12
«Ваққия»нинг мундарижаси ... 13
Жамият ҳаётига оид кузатишлар ... 13
Мавдудот (ажратилган нарсалар) ... 18
«Ваққия»даги шеърлар ... 20
Якунловчи рубоийлар ... 28
Севгучи кўнгил илтижолари ... 29
«Сирож ул-муслимин»нинг яратилиши ... 33
Афсоналар ва ҳикматлар ... 35
Биринчи ҳикоят ... 37
Жиноят ... 39
Эзгу ишлар ... 40
Бутун дунё тўфони ... 41
Янги авлод ... 42
Раҳимли Ота (Иброҳим ота) ... 44
Исҳоқ ... 46
Юсуф ва Зулайҳо ... 46
Абадий ҳаёт ... 48
Сабр ва садоқат ... 49
Эзгулик йўлида ... 50
Ибратли лавҳалар ... 53
Довуд ва унинг ўғли Сулаймон ... 55
Хато ва кечирим ... 57
Сўнгги воқеалар ... 58
Исо ҳикояси ... 59
Асҳоби каҳф ... 61
Уч ҳикоя ... 62
Ҳакимлар ҳикмати ... 64
Ҳикматлар ... 67
Шеърлар ... 69
Ажам ҳукмронлари тарихидан ... 72
Биринчи табақа. Пешдодийлар ... 73
Иккинчи табақа. Кайёнийлар ... 76
Учинчи табақа. Ашконийлар ... 80
Тўртинчи табақа. Сосонийлар ... 83
Маснавий ... 90
«Тарихи мулуки ажам»даги бошқа шеърлар ... 92
Кайёнийлар тўғрисидаги шеърлар ... 95

Сосонийларга оид шеърлар 99
«Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд...» 105
Нақшбандия муршиди 105
Баҳовуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли 107
Нақшбандийлик таълимотининг асослари 111
Якун ва вазифалар 118
Алишер Навоий машҳур сиймолар ҳаёти 120
Навоийнинг «Фавойид ул-кибар» (Кексалик фойдалари) девони хусусида 186

СУЙИМА ҒАНИЕВА

Навоий НАСРИ НАФОСАТИ

Алишер Навоий насри ҳақида 235
«Ҳар қайси ўз фаҳму идрокларига кўра баҳра олғайлар» 238
«Бу аср шуароси била бу давр зурафоси отин сабт этилгай» 248
«Мажолис ун-нафоис» таъсирида ёзилган тазкиралар 259
Фахрий ҳиротий 262
«Мажолис ун-нафоис»нинг форсий таржималарида туркман адабий муҳитига оид маълумотлар 269
«Бу тилда ғариб алфоз ва адо кўбдур» 275
«Муршиду устоду пир манга» 278
«Таъби барча фунунға муносиб...» 285
«Кўнгул баҳридин махфий дурлар» 292
«Шоҳ адли уйин айлайин деб маъмур...» 299
«Илоҳи, кўнглумни дарду шавқинг муҳаббати билан овут» 302
«Хамса» сарлавҳалари наср намунаси 304
Навоий насрида назмнинг ўрни 308
Навоий насрида муаллиф қиёфаси 311
Навоийнинг армони 316

НАВОИЙ ЁДГА ОЛГАН АСАРЛАР

Навоий ёдга олган асарлар 321

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек Навоийшунослиги: 30 жилдлик / Азиз Қаюмов: Нодир саҳифалар; Суйима Ғаниева: Навоий насри нафосати; Навоий ёдга олган асарлар; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 344 бет.

Ж.1: Азиз Қаюмов: Нодир саҳифалар; Суйима Ғаниева: Навоий насри нафосати; Навоий ёдга олган асарлар. 344 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123-5-1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Биринчи жилд

Азиз ҚАЮМОВ

НОДИР САҲИФАЛАР

Суйима ҒАНИЕВА

НАВОИЙ НАСРИ НАФОСАТИ

НАВОИЙ ЁДГА ОЛГАН АСАРЛАР

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 21,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.